



ILMIY-AMALIY TADQIQOT MARKAZI

16+

*Oila*

ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ



ILMIY-AMALIY TADQIQOT MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

# ОИЛА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2019

УЎК: 37.018.11(031)

КБК 74.9я2

О-37

### Тузувчилар:

**АКРАМОВА ФЕРУЗА АКМАЛОВНА** – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази лойиҳа раҳбари, психология фанлари  
номзоди, доцент;

**БИЛОЛОВА ЗАМИРАХОН БАХТИЯРОВНА** – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ходими, бош мутахассис, психолог;

**ЖОВЛИЕВ ИБРАҲИМ САТТОРОВИЧ** – «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»  
Давлат илмий нашриёти муҳаррири

Мазкур «Оила энциклопедияси»да оила институтининг ёш авлодни маънан кучли, ақлан етук ҳамда баркамол қилиб тарбиялашдаги роли ва аҳамияти, оила масканидаги ҳар бир инсоннинг бошидан кечирадиган ижтимоий роллари, оиладаги шахслараро муносабатларнинг турлари, оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришда ота-оналарнинг оила бўйича ҳуқуқий, маънавий, тиббий, иқтисодий, психологик билимларини фарзанд тарбиясида қўллай олиш чоралари, бахтли оилани яратиш борасидаги қоидалар ва бошқа кўплаб дўстона тавсиялар берилган.

© Ф. Акрамова ва б.

© «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти, 2019.

ISBN 978-9943-07-691-4

## КИРИШ

«Оила – эр, хотин ва фарзандларда иборат. Яъни оила бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир», – дейди Абдурауф Фитрат. Шахс, оила ва оилавий муносабатлар масаласи бугунги кунда Ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий кадриятларига эга Ўзбекистон давлатининг равнаки учун катта аҳамиятга эга.

Шахснинг шаклланиши, маънавиятининг таркиб топиши ва ривожланишида оиланинг ўрни бекиёс бўлиб, жамиятнинг асосий гуруҳи ҳисобланган оила, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, мазмуни, оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги мавжуд ижтимоий тузумдаги мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, маданий шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистонда оила масалаларига давлат сиёсати даражасида қаралади. 2018 йилнинг 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5325-сонли Фармонида бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий кадриятлар оилани мустаҳкамлашга хизмат қилиши; оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўққинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб берилган. Фармонда замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий кадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган. Бу борадаги муаммоларни фанда эътироф этилган назарий ҳамда методологик қарашларга таяниб изчил таҳлил қилиш, ўрганиш, тушунчаларни тизимлаштириш муҳим вазифалардандир. Шу маънода хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига оилада маънавий-ахлоқий тарбия, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар, тиббий маданият, оилавий муносабатлар психологияси кабиларни янада ўстириш мақсадида «Оила энциклопедияси»ни чоп этиш масаласи киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли Қарорига биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясида «Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оила кадриятларини сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш» учун зарур бўлган ушбу вазифалар белгилаб берилган:

1. Ёш авлодда маънавий-ахлоқий кадриятларни ва ота-онага ҳамда катта ёшдаги инсонларга ҳурматни шакллантириш, оиланинг тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятини ошириш.

2. Оиланинг бирдамлигини мустаҳкамлашга, авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани сақлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган оилавий анъаналарни ривожлантириш.

3. Ота-оналари ёки васийлари фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, руҳий қўллаб-қувватлаш тизим ва механизмлари самарадорлигини ошириш.

4. Оилаларда ички оилавий ва шахсий муносабатларни, хусусан, ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, можароли ва оғир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш.

5. Оилавий нотинчлик, болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги, шунингдек, болалар орасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга доир самарали механизмларни жорий этиш.

6. Ўсмирлар, ёшлар, ёш ота-оналар билан уларнинг билим даражасини ошириш ва ибратли ота-оналик кўникмаларини шакллантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш.

Бу вазифаларни мукамал бажарилиши учун билим, тажриба, ўғит, тавсиялар зарурлиги, шубҳасиз.


Азиз китобхон! Ҳар биримиз сермазмун, такрорланмас ва мураккаб бўлган ҳаётимизда жуда кўп муаммоли вазиятларга дуч келамиз. Ўз-ўзидан, улардан чиқиш йўлларини қидирамиз. Малакали маслаҳатчини излаймиз. Уларни топамиз ҳам. Аммо маслаҳатчиларимизнинг маълумот савияси мурожаат қилган масаламиз юзасидан ўзимизнинг билимларимиздан қолишмайдиган бўлса-чи? Натижада, нотўғри, бузилган тасавурлар шаклланиб, улар ҳаётий муаммоларни тўғри талқин этиш ва ечишга имкон бермайди.

Оила илми чексиз уммон бўлса-да, унинг ўзига хос жиҳатлари, қонуниятлари, инсоннинг ёши, жинси, оиласи билан боғлиқ масалаларни ҳар бир инсон ўзича талқин қилгиси ва ўргангиси келади.

Демак, бугунги кунда жамиятимиздаги ҳар бир шахс оила, оиладаги муносабатлар борасидаги тушунчаларга эга бўлиши лозим. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг барқарорлигини таъминлаш, пировардида «фаровон оила – фаровон жамият» тамойилининг амалий натижасига эришиш учун, аввало, фуқаролар, ота-оналарни тегишли билим ва тушунчалар билан қуроллантириш лозим. Бу масалани ҳал қилишда эса «Оила энциклопедияси»нинг ўрни бекиёс.

## ҚИСҚАРТМАЛАР

а. – аср (рақам билан ёнма-ён келганда)	МК – меҳнат кодекси
авг. – август	МТМ – мактабгача таълим муассасаси
акад. – академик, академиги	млрд. – миллиард
апр. – апрель	нем. – немисча
араб. – арабча	нояб. – ноябрь
(ас) – алайҳис-салом	окт. – октябрь
АҚШ – Америка Қўшма Штатлари	ОК – Оила кодекси
биол. – биология	пед. – педагогика, педагогик
БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	рус. – русча
б-н – билан	сек. – секунд
ва б. – ва бошка(лар)	сент. – сентябрь
ва ш.к. – ва шу қабилар	т – тонна
ва ҳ.к. – ва ҳоказо(лар)	тахм. – тахминан
га – гектар	тож. – тожикча
газ. – газета	УЖК – Уй-жой кодекси
ДТС – давлат таълим стандарти	ун-т – университет
дақ. – дақиқа	фев. – февраль
дек. – декабрь	ФК – Фуқаролик кодекси
жан. – жануб(и, ий)	% – фоиз
ЖК – Жиноят кодекси	франц. – французча
з-д – завод	ФХДЁ – фуқаролик ҳолати
инг. – инглизча	далолатномаларини ёзиш
и.т. – илмий тадқиқот	ХМТ – Халқаро Меҳнат Ташкилоти
ин-т – институт	ХК – Хўжалик кодекси
итал. – италянча	ш. – шаҳар, шаҳри (шаҳар номидан
и.ч. – ишлаб чиқариш	кейин келганда)
й. – йил, йили	юн. – юнонча
(рақам билан ёнма-ён келганда)	янв. – январь
кал. – калория	ўзб. – ўзбекча
кг – килограмм	қ. – қаранг
км <sup>2</sup> – квадрат километр	қад. – қадимги, қадимий
л – литр	қ.х. – қишлоқ хўжалиги
лот. – лотинча (этимологик маълумотларда)	ҳоз. – ҳозирги
м – метр	
мас. – масалан	
млн. – миллион	



**АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – инсоният, муайян миллат, жамият аъзолари ҳаёти ва фаолияти учун доимий муҳим саналган қадрият шаклларини ифодалайдиган тушунча. Оила, маҳалла, давлат, она-тили, дин, авлодлар ўртасидаги ворислик, тинчлик, барқарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак тушунча ва тамойил А.к. сирасига киради. А.к. асрлар давомида дунёдаги буюк маърифатпарвар мутафаккирларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Хусусан, ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланган «Авесто» китобидаги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили, Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимизнинг илмий-маънавий меросида ифодаланган адолатли жамият, баркамол инсон, тинчлик ва фаровонлик ғоялари ҳам А.к. ҳисобланади. А.к.ни сохталашти-

риб, одамзодни асл инсоний қиёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор кучлар ва ғоялар ҳам афсуски, мавжуд. Жамиятимизда А.к.ни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

**АБОРТ** (лот. abortus – бола ташлаш) – аёлларда ҳомиладорликнинг дастлабки 28-ҳафтасида бачадондан ҳомила тушиши. 28-ҳафтадан илгари туғилган бола яшмайди. А. эрта (ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасигача керакли даво чоралари қўрилмаганда бола тушиши) ва кечикиб (13 – 27 ҳафтасигача бола тушиши) содир бўлиши мумкин.

А. сунъий ва ғайриихтиёрийга бўлинади. Сунъий А. (бола тушириш) аёлнинг ўз истаги ёки соғлиғига қараб ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасига қадар, тиббий сабабларга қўра эса бундан кечроқ муддатларда туғуруқхоналарда ўтказилади. Ғайриихтиёрий А. (бола ташлаш) сабаблари: 1) ўтқир ва юқумли касалликлар (терлама, безгак, бруцеллез, захм ва б.); 2) она б-н ҳомила кони резус факторига мос келмаслиги (она конида резус фактор манфий, ҳомилада эса мусбат бўлиши); 3) умумий (юрак-қон томирлари, нафас аъзолари, буйрак ва эндокрин безлари касалликлари) касалликлар; 4) жинсий аъзо касалликлари (тухумдон фаолиятининг бузилиши). Бунда сарик тана гормони кам ишлаб чиқилиб, бачадон мускулларини қисқартирувчи омиллар, жумладан, фолликулин кучайиб кетади, натижада А. рўй беради; 5) ички жинсий аъзоларнинг турли сабаблар б-н яллиғланиши; 6) аёл таносил аъзосининг етарли ривожланмаганлиги (инфантилизм); 7) турли шикастлар (ҳомиладорлик вақтида йиқилиш, оғир юк кўтариш, лат ейиш ва ҳ.к.), ҳомиладорнинг бирор нарсадан қаттиқ қўрқиши, ҳаяжонланиши.

Ғайриихтиёрий А. ҳомиланинг бачадондан қўчиш даражасига қараб турлича

бўлади. А. хавфи тугилганда бел оғриб, жинсий аъзодан бир оз қон келади, бачадон ҳомила муддатига номувофик катталашади, тўғри даво қилинса, ҳомиладорликни сақлаб қолиш мумкин.

Ҳомиладорликнинг олдини олувчи усуллардан фойдаланиш режалаштирилмаган ҳомиладорлик ва қайта А.нинг олдини олишга имкон беради, бу эса аёлнинг жисмоний ва рухий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. А.дан 11 кун ўтгандан кейин аёллар фертиллиги (ҳомиладор бўла олиш қобилияти) қайта тикланади.

**А.дан кейинги ҳомиладорликнинг олдини олиш: хавфсиз ва самарадор усуллар.** Презервативларни жинсий ҳаётни бошлаш б-н дарҳол қўллаш мумкин. Мураккаб перорал контрацептивлардан А.дан кейин дастлабки етти кун ичида исталган вақтда фойдаланишни бошлаш мумкин. БИВ (бачадон ичи воситаси) эса жинсий аъзоларда ўзгаришлар ва инфекция аломатлари бўлмаса А.дан кейин дарҳол ўрнатилиши мумкин. Агарда бирор бир ўзгариш кузатилса, БИВни инфекция тўла йўқотилганидан сўнг (3 ой мобайнида) ўрнатса бўлади.

А. рўй берганидан кейин гигиена қоидаларига риоя қилиш, ўзни ортиқча жинсий муносабатлардан тийиш керак бўлади. Йўқса, салбий асоратларга олиб келади. **АВЕСТО** – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. А.да никоҳ қуриш, фарзандли бўлиш ва уни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Гўдакни йўқ қилиш энг ёмон гуноҳ сифатида қораланадики, бу умумбашарий қонуният бўлиб, инсон хилқати ҳамма нарсадан устун қўйилишини англатади. Агар чақалоқни бир неча киши нобуд қилишса, шундай олий жазо уларнинг ҳаммасига ҳам тадбиқ этилиши таъкидланади.

Никоҳ қуриш муқаддас саналиб, ўз вақтида никоҳ қурмаганлар жазоланган.

Балогатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг райини писанд қилмай, ўзидан зурриёд қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш б-н жазоланган. Зардуштийлик қонунларига кўра, эркаклар 17 ёшда уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар эркак киши зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига занжир боглаб юришга мажбур этилган.

А.да қайд қилинишича, эркак киши, аввало, уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим, бунинг учун ўз вақтида тўйиб овқатланиш зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди. «Ебичмайдиған одамнинг тоат-ибодат қилишга ҳам кучи етмайди. Эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтиролмайди», дейилади А.да.

Бундан ташқари, А.да оила қуриш, жуфти-ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд.

Оила қуриш жамоа, ота-она измида бўлган. «Тенг-тенги б-н...» ақидасига амал қилинган. Қариндошларнинг оила қуриши ман қилинган. Наслни тоза сақлашга эътибор берилган. Боланинг соғлом туғилиши учун ҳомиладор аёл ортиқча ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, фақат ҳалол лўқма ейиши лозим, деб ҳисобланган. Меҳнат эвазига яратилган ҳосил инсоннинг ризки, яъни покиза ақл ва пок руҳнинг манбаидир. Ҳомиладор аёлга кўпроқ мева еб туриш тавсия этилган. Бола кўкракдан чиккач сут ва сут маҳсулотларидан кўпроқ истеъмол қилиши уқтирилади.

Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, игво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро

келишмовчилигига, ота-она б-н чиқиша олмаслик баҳонаси б-н никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

А. да оила, соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бенуксон наслнинг туғилиши учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзи, наслнинг соғломлиги, зурриёднинг покизалиги, унинг ақлий, ахлоқий, рухий, жисмоний, маънавий-ҳуқуқий тарбияси хусусида қайғурнш биринчи ўринга қўйилган.

Никоҳ кечаси ёш келин ва куёв маъбуд бандаларига тафаккур инъом этувчи Яздонга илтижо қилиб, ўзларига билимли, ўқимишли ва ишбилармон фарзанд беришини сўрашган: «Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимишли, ишбилармон соғлом ўғил бер».

Зардуштийларда оила одоби, одатда, ота-онани ҳурмат қилишга ўргатишдан бошланган. Бу жараён бола устоз қўлида таълим-тарбия олаётган муддатда ҳам давом эттирилган. Зеро, ота-онани, устозларни ҳурматлаш икки олам фаровонлигининг муҳим шарти, ахлоқий мезони деб қаралган.

**АВЛОД** – (араб. – валад сўзининг қўплиги) тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриёдлари, кенг маънода эса миллат, халқ, тамаддун ривожининг муайян босқичида ягона ғоя, мақсад ва вазифалар б-н намоён бўладиган, ижтимоий, маънавий, маданий ривожланиш жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даврининг интеллектуал, маънавий, ахлоқий қиёфасини белгилаб берадиган, ижтимоий ҳодиса даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи. А.лар камолотида аждодлар тажрибаси ва тамаддунининг илғор ютуқлари, халқнинг урф-одатлари, анъналари, қадриятларини ўзида мужассамлаштирган таълим-тарбия тизими муҳим аҳамият касб этади.

А.лар тарихий даврлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеликлар, тоифалар, касб-кор ва фаолият соҳасига мансублиги, ёш хусусиятлари, тараққиёт даражаларига кўра фаркланади. Мас., истиқлол даврига мансуб бўлган ёшларни қамраб олган баркамол А., собиқ Совет даврига мансуб бўлган А., жисмоний ривожланган А., интеллектуал жиҳатдан тараққий этган А., катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кекса А. ва ҳ.к.

А. таълим-тарбияси асрлар давомида инсон ақл-заковати б-н яратилган маънавий, маданий бойликлар ҳамда табиат мўъжизаларини бир бутун тарзда улар онгига сингдиришни ифодалайди; умумий аждодларидан қариндошлик муносабатлари б-н бир хилда узоқлашган кишилар гуруҳи. Мас., ота-оналар, фарзандлар, набиралар – кетма-кет келган уч А.; ота ва ўғил, она ва қиз фарзанд туғилиши оралиғидаги вақт бир А. даври (тахм. 30 й.) ҳисобланади.

**АВЛОДЛАРАРО ВОРИСЛИК** – аждодлар б-н авлодлар ўртасидаги қондошлик алоқалари, муносабат, анъана ва қадриятнинг давом этиши, наслий, маънавий-ахлоқий яқинликни англатадиган тушунча. Шарқ халқлари ҳаёти жамоавийлик тамойилларига асосланган. Бу муносабатлар ҳар қайси халқ яшаётган заминнинг ўзига хос хусусиятлари б-н бевосита боғлиқ ҳолда шаклланиб, асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

А.в.ни маънавий-ахлоқий, таълим-тарбиявий жиҳатдан таъминлашда анъана ва қадриятларнинг давомийлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қайси даврнинг талаби, ундаги ижтимоий-иқтисодий, таълимий-тарбиявий ва гоъвий-сиёсий омилларнинг таъсири остида анъана ҳамда қадриятлар шакли ривожланиб, ўзгариб боради. Мас., тил, дин, илм-фан, ёзув ва матнларда тарих, халқ, миллат ҳақидаги маълумотлар сақланиб, сайқалланиб, асрлар давомида

аждождлардан авлодларга ўтади. Бу эса А.в. ни таъминлашга хизмат қилади.

**АВЛОНИЙ**, Абдулла Авлоний (1872.12.7. – Тошкент – 1934.24.8.) Туркистонда кўплаб ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган маърифатпарвар. А. жадиждлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан эди. А. илғор зиёли кишилар б-н ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган «Усули жадид» илғор усулдаги ўқув муассасаларини очди, оддий халқ болаларини ўқитди. А. Ватанининг озод, фаровон бўлишини орзу қилди, бу йўлда фидойилик кўрсатди. А. тарбияланувчига тарбия берувчининг таъсири ҳақида фикр юритиб, «Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдим, Аллоху акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга кўл узатмак кабидур», – дейди. Унинг фикрича, тарбияланувчида ахлоқий ҳислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва унинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек пед.си тарихида А. биринчи марта пед.га «Педагогия», яъни тарбияланувчи тарбиясининг фани, деб таъриф берди. А. тарбияланувчи тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади:

1. «Тарбиянинг замони».
2. «Бадан тарбияси».
3. «Фикр тарбияси».
4. «Ахлоқ тарбияси».

«Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зурурлиги, бу ишга ҳамманинг ота-она, муаллим, ҳукумат ва б.нинг киришиши кераклигини таъкидлайди. «Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт-мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур», – деб уқтиради.

Тарбия зуриёт дунёга келгандан бошланиб, умрининг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан – уй, боғча, ўқув

муассасаси ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Унинг, биринчи навбатда, тарбияланувчи соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигига оид фикрлари қимматлидир: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир».

А. бадан тарбияси масаласида тарбияланувчини соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, тарбияланувчини фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятига алоҳида эътибор беради.

Тарбияланувчиларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва тарбия б-н мунтазам шуғулланиш бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган».

А.нинг фикрича, бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон онгли мавжудот ва шу сабабдан барча яратқлар унинг учун аталган. Инсон онги туфайли илм эгаллайди, илм орқали дунёни бошқаради: «Ақл – инсонларнинг пири қомили, муршиди ягонасидур, рух ишловчи, ақл бошқарувчидур. Инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб, ишларнинг учини қўлларга берган инсонларнинг ақлидур. Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур».

А.нинг фикрича, ахлоқ – бу хулқлар мажмуидир. Хулқ эса кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади.

А. яхшиликни улуғ фазилат ҳисоблайди, инсонларни бир-бирларига яхшилик қилишга даъват этади. У:

*«Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.  
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,  
Ёмон сўзга, пичоқ қиндан чиқар».*

А.нинг пед. қарашлари ҳоз. кунда ҳам янги инсонни камол топтириш йўлида, кишиларни чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу ғоялар руҳида, тарбиялаш борасида аҳамиятли.

**АГРЕССИВ ХУЛҚ** – шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очикдан-очик салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайринсоний хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи.

А.х.нинг шаклланиши, кучайиши ва намоён бўлиши аксарият ҳолларда ижтимоий муҳитга боғлиқ. Ҳар бир шахснинг хулқ-атвори унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. А.х. эгаларида ўз-ўзини идора қилолмаслик, хатти-ҳаракатларнинг салбий оқибатларини ўйламаслик ва шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади.

Ўсмир ёшидаги ўқувчилар А.х.ни намоён қилишга кўпроқ мойилдир. Лекин улардаги бундай руҳий ҳолат ўткинчи характерга эга бўлади. Таълим-тарбия жарёнида ўқитувчилар А.х.нинг салбий жиҳатлари ҳақида ўқувчиларга етарлича маълумот беришлари керак. Ўқувчиларда А.х. кўринишлари намоён бўлганда ота-она ва ўқитувчилар уларга босиклик б-н муомалада бўлишлари лозим. А.х. эгалари бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

**АЁЛ** – оилавий ҳаёт иморатининг асосий устунларидан бири. А. оилада – ёр, она, фарзандлар тарбиячиси, келин, опа, сингил, амма, хола ва буви вазифаларини бажарувчи сифатида намоён бўлади. А.лари пок, тарбия кўрган миллатни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Чунки у фарзандларга, дастлабки тарбияни ўз сути, меҳри б-н беради.

А. фарзандларини Ватанни севишга, уни ардоқлашга, ҳимоя қилишга ўргатади. А. маънавияти оиладан, онадан бошланиши куйидагиларда намоён бўлади:

– алла айтиш. Она алласини эшитган бола, албатта, иймонли бўлади;

– яхши эртақлар айтиш. Она айтган эртақларда миллийлик, ўзлик, мардлик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, ғоялари уфуриб туради.

– маънили ўйинчоқлар олиб бериш. Биргаликда уларни яшаш болани сабр, тоқат, тежамкорликка, ота ва она меҳнатини қадрлаб, уларга тақдид қилишга ўргатади;

– маъноли китоблар ўқиб бериш. Уларни танлашга ўргатиш, шеърлар ёдлатиш фарзандни нафақат саводли қилади, унинг фикрлашини тезлаштириб, хотирасини мустаҳкамлайди, унинг маънавий дунёкарашини кенгайтиради, маърифатлиликнинг кадр-қимматини англашга ундайди;

– маълумотларга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш. Зеро, XXI а. боласи маълумотлар уммонида яшамоқда. Қаерга қарамасин, нимани тингламасин ёки томоша қилмасин, улардан минглаб ахборотлар оқими мургак онгига кириб боради. Отонинг вазифаси уларни саралашга, болани ҳар бир олинган маълумотга ақлан тўғри ёндашишга ўргатиш;

– насихат беришни билиш, насихатлар ҳаётий тажриба, кундалик хулқ-атвор ва ибрат асосида берилгани маъқул;

– оиладаги маънавий муҳитни мўътадил ушлаш. Вақти келганда фарзандга «сизлаб» мурожаат қилиш, эр-хотин муомаласида ҳам азалий шарқона мулозаматларнинг бўлиши муҳимдир.

**АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ** – Инсон ҳуқуқларининг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб, аёлларнинг биологик, ижтимоий ва б. жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида акс этган ҳуқуқ.

Аёлларнинг ҳуқуқлари яхлит бўлиб, алоҳида ҳуқуқлар катори фуқаровий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кўрсатилган.

**АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИ** – Куч б-н таҳдид қилиш ёхуд бошқа мажбурий шакллардан фойдаланиб, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш йўли б-н аёллар ва болалардан фойдаланиш.

**АЁЛЛАРНИ ТУГУРУҚҚА ТАЙЁРЛАШ** – Аёллар туғуруғининг мақсадга мувофиқ кечишини таъминлаш мақсадида уларни руҳий ва жисмоний жиҳатдан туғуруққа тайёрлашнинг бир қанча тадбирлар мажмуи.

Ҳомиладорларни туғуруққа психопрофилактик тайёрлаш аёл руҳиятига таъсир этган ҳолда туғуруқни оғриксизлантиришга қаратилган. Унинг мақсади – «туғуруқ, албатта, оғриқ б-н кечди», мазмундаги кўркув ҳиссини йўқотиш, оғриқсиз ҳам туғиш мумкин, деган фикрни сингдириш. Бу аёллар маслаҳатхонасида ҳомиладор аёлнинг дастлаб шифокорга мурожаат қилишидан бошланадиган ва туғуруқнинг меъёрида кечишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирдир. Бўлажак она синчиклаб текширувдан ўтказилгач, унинг туғиш муддати аниқланади.

Врач аёлнинг ҳомиладорликка муносабати, кўркув ва хавотирларини аниқлайди ва унда ижобий ҳиссиётлар туғдиришга ҳаракат қилади. Туғуруқнинг унчалик кўркинчли эмаслигига, оғриқсиз кечиши ҳам мумкинлигига ишонтиради. Бўладиган оғриқ ҳам вақтинчалик эканлигини, болани қўлига олишдаги оналик бахти,

қувончи ҳаммасини ювиб кетишини тушунтиради. Тажрибали шифокор ва доялар аёлга туғуруқ табиий физиологик жараён эканлигини, унинг қандай кечишини, туғуруқнинг баъзи даврларида қандай сезгилар бўлиши ва ўзини қандай тутиш кераклигини батафсил тушунтиришади.

Ҳомиладорликнинг 32–33-ҳафтасида аёл учун махсус машғулотлар ўтказилади. Бунда унга туғуруқ пайтида ўзини қандай тутиш кераклиги ва оғриқ сезгиларини қамайтирадиган маълум усуллар (чуқур нафас олиб, нафас чиқариш, корин пастини силлаш, думғаза-бел соҳасини енгил уқалаш, чанок ва бел нуқталарини босиш кабилар)ни бажариш, туғишда қандай вазиятда ётиш, тўғри кучаниш ва бунда ўз кучидан тўғри фойдаланиш ўргатилади. Бунинг учун ҳомиладорга нафас олиб, ҳар бир тўлғоқ орасида 2–3 бор 10–15 сек. нафасни чиқармай туриш тавсия этилади туғуруқ осон кечиши учун машқлар қилдирилади.

**АЁЛЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ҲУҚУҚИ** – аёлларнинг никоҳга кириш, нечта бола кўриш ва репродуктив саломатлиқни сақлаш каби ҳуқуқлари мажмуи. А.р.х. қуйидаги принципларга асосланади:

- инсон кадр-қимматини хурматлаш;
- аёлларнинг қамситилишига йўл қўймаслик;
- шахсга нисбатан дахлсизлик;
- шахс эркинлиги ва шахс хавфсизлиги;
- жисмоний ва руҳий саломатликка эга бўлиш.

**АЁЛНИНГ ОИЛАДАГИ ЎРНИ** – аёлнинг оилавий муносабатларда қанчалик аҳамият касб этишини кўрсатувчи тушунча.

Ўзбек аёли ўз маънавияти, маданияти, аждодлар меросини оилавий анъаналар, расм-русумлар, удумлар воситасида сақлаб келаётган шахс. Бу анъанавий кадриятларни сақлаб келаётганлик унинг муомаласида, фарзандлар тарбиясида; турмуш ўртоғи, яқин қариндош-уруғлари, маҳалладош-

ларига бўлган муносабатларида яққол ифодасини намоён этади. Шу маънода ўзбек хотин-қизлари халқнинг асрий удумларини сакловчи, миллий қадриятлар бешигини тебратувчи, Шарқ маданиятининг энг нозик ва қадрли сифатларини авлоддан-авлодга мерос қилиб элтувчи шахс сифатида гавдаланади.

Аёлларни эъозлаш, унга эҳтиром қўрсатиш Шарқ халқларига хос хусусиятдир. Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зибунисо, Увайсий, Нодирабегим ва б. қўплаб аёлларимиз инсоният тарихида ҳам ўзининг жасорати, ақлу заковати, нафосат-назокати б-н ўчмас ном қолдирганлар.

Мамлакатимизда аёлларнинг мавқеини ошириш, уларнинг яхши яшашлари, ишлашлари учун шароитлар яратилди. Амалга оширилаётган барча ислохотларда аёллар иштироки беназирдир.

Аёлларнинг ақлу заковати, талабчанлиги, уddaбуронлиги боис уларнинг ҳаётдаги ўрни тобора юқорилашиб бормоқда. «Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияда аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда: сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга чақиради. Фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишларида меҳнатсевар, уddaбурон, ахлоқли, бир-бирларига оқибатли бўлиб етишишида аёлларнинг ўрни бекиёс.

Миллий қадриятларни сақлаб қолиш, миллий анъаналарни давом эттириш ҳам аёллар зиммасида. Негаки аёллар ўзларидаги бор фазилатларни фарзандларига сингдириб, миллий қадрият ва анъаналарнинг давом этишини таъминлайди. Фарзандларига ёшлигиданоқ тежамкорликни, саранжом-саришталикни ўргатиб борадилар. Умуман аёлнинг саводхонлиги, билимдонлиги оиланинг, фарзандларнинг

бахти. Ўз вақтида тўғри тарбия бериш, фарзандларнинг қайси соҳага қобилияти борлигини, кизиқишларини инобатга олган ҳолда йўналтириш туфайли кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

Аёллар фарзандларининг нафақат тарбияси б-н шуғулланишлари, унинг билими, дунёқарашининг ривожланишига, маънавиятининг юксалишига ҳам муҳим ҳиссаларини қўшишлари керак бўлади.

Ўз ота-онасидан, оиласи, авлод-аждодлари тарихидан ғурурланган инсон ўз ўлкаси, миллати, халқи, тили, дини, маданиятидан ғурурланиши, уни авайлаб асраши, дунёга кўз-кўз қилиши табиийдир. Бунинг учун оилада боланинг онгига ёшлиқдан бошлаб юрти, унинг маънавий бойлиги, миллий қадриятларига оид тушунчаларни сингдириб бориш лозим.

**АЖРАШИШ** – эр ва хотиннинг ҳаёт вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан ёки қонунчиликда кўзда тутилган алоҳида ҳолатларда суд қарори бўйича никоҳнинг бекор қилинишидир. Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳни бекор қилиш йўли б-н, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

**А.нинг бошқа халқлардаги шакллари.** Никоҳнинг бекор бўлиш шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлган дейиш мумкин. Мас., Шарқ мамлакатларида қадимдан никоҳнинг бекор бўлиши кам учрайди. Чунки оила ин-тининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аждодларимиз қайгурганлар.

Етти пуштини суриштириш, совчилик ин-ти орқали бир-бирига мос келадиган ёшларнинг тақдирини боғлаш, ҳаттоки, узоқ қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, яъни, олдиндан бир-бирларини билган одамларнинг ўзаро келишуви, меҳр ва муҳаббат

ришталари орқали оила қуриш ўзбекчиликка хос одатлар сифатида кадрланган ва таъкидлаб ўтилган никоҳ мотивларининг барчасида оқилона фикр юритиб, ёшлар ва ота-оналарининг «етти ўлчаб бир кесиш»и оиланинг мустахкам бўлиши учун асос бўлган.

Қад. манбаларда А.га сабаб бўлган омиллар сифатида, аввало, эр ёки хотинда аниқланган наслий хасталиклар, эр ёки хотиннинг бошқа эркак ва аёл б-н муносабатга киришиши мансабдор шахснинг зўрлик б-н эски оилани бузишга мажбур қилиши, фарзандсизлик, иктисодий ночор ёш оиланинг ўз рўзгорини юрита олмаганлигидан аёлнинг бошқага турмушга чиқишга мажбур бўлиши каби сабаблар қайд этилган. Муҳими шуки, никоҳнинг барбод бўлишидаги ташаббус, асосан, эркак кишининг қўлида бўлган.

Қад. Хитойда А.га олиб келадиган сабабларга келиннинг қайнота-қайнонаси раъйига қарамаслик, уларга гап қайтариши; бетгачопарлик, бепуштлик, маҳмадоналик, бедаво хасталик, рашк кабилар кирган. Лекин юқоридаги ҳолатлар бўлса-ю, аёл қайнона-қайнотасига аза тутаётган бўлса ёки у чин етим бўлса, эри уни уйдан хайдаб юбора олмаган.

Қад. Грецияда А. анча енгил бўлган. Эр-хотинига гувоҳлар олдида у б-н ортиқ яшай олмаслигини, никоҳи бузилганлигини айтган, аёл барча сепларини йиғиштириб, ўз ота-онасининг оиласига қайтиб кетаверган. Сарполар, аёлга тегишли барча нарсаларнинг унга берилиши мажбур ҳисобланган, хаттоки, А.нинг сабаби аёлнинг хиёнати бўлган тақдирда ҳам мол-мулк, зийнатлар аёлга берилаверган. Лекин аёл эри б-н яшашни хохламай қолган ҳолатларда унинг ажрим олиши мушкулроқ бўлган. Бундай пайтларда хотин шаҳар хоқимига ёзма равишда расмий мурожаат қилиши ва улар қарор қабул қилиши лозим

бўлган. Бунда ким айбдор деб топилишидан қатъи назар, болалар отаси б-н бирга қолган.

Қад. Ҳиндистонда никоҳ оддийгина фуқаролар иттифоқи эмас, илоҳий иттифоқ сифатида қаралиб, никоҳ ришталарининг бузилиши ниҳоятда ғайритабиий ҳолат сифатида баҳоланган. Никоҳнинг бузилиши фақат эр ташаббуси ва аёлнинг катта гуноҳи туфайли рўй бериши мумкин бўлган. Эрамызгача бўлган 2000 йилликдан қолган манбаларда кўрсатилишича, «8 йил мобайнида бола туғмаган аёл бошқасига алмаштирилиши мумкин, ўлик бола туққан – 10-йил, фақат қиз болаларни туғадигани – 11-йил, урушқоқ, бедаб эса ўша заҳоти эр томонидан талок қилиниши мумкин» бўлган. Кейинчалик хиндлар ҳам А.лар сиёсатини қайта кўриб чиқиб, куйидаги ҳолатларда ҳам бўлишини қайд этишган:

Агар аёл эрининг барча бойликларини исроф қилган, ноўрин ишлатган бўлса, аборт йўли б-н фарзандини йўқотган бўлса ва эрининг ҳаётига суиқасд қилган бўлса.

Аёл эса фақат икки ҳолатда эридан А. талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган: эри бепушт бўлиб, ўз эрлик вазифасини бажара олмай қолган бўлса ва содир этган гуноҳи учун қавмдан чиқариб юборилган бўлса.

А. шакллари ҳам, унинг мотивлари ҳам турфа хил. Қўпгина халқларда А.ларнинг мотиви сифатида эр-хотин хиёнати қайд этилади. Шуниси характерлики, эркакларнинг хиёнатидан кўра аёлнинг хиёнати барча этнос ва маданиятларда ҳам қаттиқ қораланади, чунки хиёнаткор аёл бошқа эркакдан ҳомиладор бўлиб қолиши ва никоҳсиз боланинг туғилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Натижада туғилажак бола ижтимоий ҳаётда, оилада ўз ўрнига эга бўлмайди. Зеро, унга одатий ҳолда туғилган болаларга бўлгани каби муносабат билдирилмаган.

Лекин эр-хотиннинг хиёнатига бефарқ қарайдиган халқлар ҳам мавжуд. Мас., Африкадаги «Динка» қабиласида эрнинг назарида хотин нодонроқ бўлса ҳам, бемазароқ овқат пиширса ҳам у б-н ажрашиб кетаверади. Аммо эрнинг бегона аёл б-н муносабатга киришиши ҳеч кимни қизиқтирмайди, хаттоки, қонуний хотини ҳам бунга унчалик аҳамият бермайди. Ассама оролида яшайдиган қабилада эса А.ни эр-хотиннинг табақаси юқорироғи ҳал қилади. Мас., аёл юқори табақа оила вакиласи бўлса, у никоҳни бекор қилиш ва б. эркак б-н яшаш ҳуқуқига эга бўлади.

**А. оқибатлари.** А.ларнинг сабаб-оқибатлари ўзига хос характери, этник хусусиятларига эга. Оилавий А.лар туфайли нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилаларо ёки қариндошларо адоват юзага келади, бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, фоҳишабозлик ортади, никоҳдан ташқари муносабатлар, бунинг натижасида тери-таносил касалликларининг кўпайиши кузатилади, шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди.

Эр учун ёлғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликларга чалиниш эҳтимоли ортади.

Аёллар учун ёлғизликни ҳис қилиш, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли ҳасталиклар, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари эҳтимоли кўпаяди. Яъни, эркакларга нисбатан аёлларнинг келгуси оилавий бахтига, болаларининг тарбиясига, оила бюджетига, аёлнинг саломатлигига, ўз ота-онаси б-н бўлган муносабатларига, руҳиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу б-н бирга, аёл учун қайта оила қуриш ва ёлғизлик муаммоси келиб чиқади. Бу ҳолат қишлоқ ва шаҳар аёлларида деярли бир хил кечади. Аммо шаҳарлик аёллар турмуш тарзи, жинсий хулқ жиҳатидан бир мунча

эркин бўлганлари ҳамда ўз касб фаолиятлари б-н фаол шуғулланганлари туфайли қишлоқ аёлларига нисбатан ёлғизликдан қамроқ жабр кўрадилар.

А. ушбу объектив омилларга боғлиқ бўлиши мумкин:

Биринчидан, қишлоқ жойларда ажрашган аёл эркакка нисбатан жамоатчилик томонидан кўпроқ танқидий муҳокама қилинади. Иккинчидан, қишлоқ жойларда А.дан сўнг аёлларнинг аҳволи эркакларга нисбатан ёмонлашади, негаки ўзбек миллатидаги ўзига хос урф-одатлар ўзбек аёлини уй-жойларни эрига қолдириб, ўз ота-онасиникига бориб яшашга мажбур қилади.

Учинчидан, қишлоқ аёлларида А.дан сўнг қайта оила қуриш имкони ниҳоятда қамдир. Бу объектив сабабларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлардаги ўзбек аёллари муаммоли (эр-хотин орасидаги муносабатлар ниҳоятда зиддиятли, низоли, улар орасидаги меҳр-оқибат етарли ифодаланмаган оила) никоҳга ҳам қўниқиб яшай-верадилар.

Баъзи аёллар, аслида эри б-н бирга яшаётган бўлсалар-да (хатто йиллаб), эрларидан «ўч олиш» мақсадида, унинг бошқага уйланишига йўл қўймаслик учун расмий равишда, суд орқали А.га қўнмайдилар. Қишлоқ жойлардаги ажрашган эркаклар аёлларга нисбатан бир оз имтиёзли вазиятда бўладилар: улар ажрашишгандан сўнг ўз яқинлари томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланади. Боласи йўқ бўлган ҳолатда эса ажрашган эркак учун турмушга чиқаётган аёлга уйланиш унчалик муаммо туғдирмайди. Бундан ташқари у А.дан сўнг олдинги шароитда ўз (ота-онасининг) уйида қолади ва янги оила қуриш имконига эга бўлади. Шунинг учун қишлоқ жойларда А.ларнинг ташаббускорлари кўпроқ эркаклар бўладилар.

**А.нинг психологик таъсири.** А. қаерда юз берса, оқибати нафақат бир инсонга,

балки унинг атрофидагиларга ҳам таъсир этади.

Оила бор ерда А. тушунчаси ҳам мавжуд. Аксарият ҳолларда никоҳнинг бекор бўлиши кўплаб ички руҳий сиқилишлар, зиддиятлар, салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

А. – ҳар бир инсоннинг каттиқ изтироб чекиш ҳолати ва давридир. Бунинг натижасида кўпчилик нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши, яъни турли бахтсиз ҳодисаларга учраш, ичимликларга берилиш, руҳий ва жисмоний хасталикларга дучор бўлиш содир бўлади.

А. оқибатида оила аъзолари психологиясида қуйидагилар намоён бўлади:

– оиладаги бола руҳиятида тиклаб бўлмайдиган чуқур ўзгаришлар рўй беради;

– оиланинг ҳар бир аъзоси психологиясида ишончсизлик, ғазаб, қаҳр, ўч олиш, агрессивлик каби бир қатор салбий ҳислатларга вужудга келади;

– эркакларда ёлғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликлар, аёлларда эса ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли хасталиклар, ўз жонига қасд қилиш қабилар юзага келади.

– оилада тинчи бўлмаган, ажрашишга йўлиққан одамнинг меҳнати, ўқиши, фаолияти самарадорлиги пасайиб кетади;

– саломатлигига, ҳаётдаги қизиқишларига путур этади.

**АЙБДОРЛИК ҲИССИ** – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши натижасида вужудга келадиган туйғу. А.х. шахснинг виждони, ҳис-туйғулари ва бажарган нотўғри амаллари б-н чамбарчас боғлиқ бўлади. Шу маънода А.х. инсоннинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашини англатади. Бу жараёнда шахс ўзининг айбдорлигини ҳис этиши ва бунинг учун жазо

муқаррарлигини англашини ифодалайди. Ҳар қандай шахс ўзининг нотўғри ҳаракатлари учун А.х.ни туйиши зарурлиги болаларга улар ўзини англай бошлаган даврдан сингдирилиши керак. Бу, ўз навбатида, шахснинг ўз-ўзини такомиллаштириши учун муҳим ахлоқий аҳамиятга эга.

**АКА-УКА** – бир ота-онадан туғилган ўғил фарзандлар; бир ота-онадан туғилмасида, А.-у. тутинган эркаклар. Ўзбек халқи серфарзанд, болажон бўлгани сабабли, ҳар бир хонадонда бир нечтадан А.-у., опа-сингиллар бўлади. Ака-укалик тушунчаси ўзбекларда ўзига хос миллий-ижтимоий мазмунга ҳам эга. Бу мазмун замирида одамийлик, оқибат, бир-бирини қўллаш, бир-бирига суянч бўлиш каби ҳислатлар ётади. Ота-боболаримиз фарзандларига ҳамиша бир-бирлари б-н иноқ, тотув, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб яшаш инсон ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб келганлар.

Оилада тинчлик-тотувлик, ҳаловат кўп жиҳатдан А.-у.ларнинг аҳилликларига боғлиқ. Одатда, оғалар ўз иниларига яқин дўст, маслаҳатчи бўладилар, укалар ўз йўлини топиб олгунча, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериб турадилар. Ўзбек одатларига кўра, катта ўғиллар ўз кийим-кечакларини, асбоб-анжомларини, китоб-дафтар ва б. буюмларини авайлаб тутадилар. Чунки бу буюмлар ўзларидан кейин укаларига ўтади. Бу бир томондан болаларни кичиклигидан тежамкорликка, озодалик ва саришталикка ўргатса, яна бир томондан уларда саҳийлик, ўз яқинларидан ҳеч нарсани аямаслик каби фазилатларни шакллантиради. Оила иқтисодиёти учун ҳам бу катта аҳамиятга эга. Бундай саранжомлик оила чиқимларини бир оз камайтиради. Бундай шароитда катта бўлган А.-у.лар улгайиб, оилали бўлгач ҳам, моддий томондан сиқилиб қолган ёки мустақил ҳаётга илк қадам қўяётган биродарларига ёрдам берадилар. Ўз А.-у.ла-

рига фидойилик ўзбек халкининг ўзига хос хусусиятидир.

Мерос масаласида ҳам ўзбекларнинг ўз миллий қарашлари бор. Агар отадан уй-жой, мол-мулк ва б. буюм ёки жиҳозлар мерос бўлиб қолган бўлса, улар сўзсиз ота васиятига биноан тақсимланади. Агар ота васияти бўлмаса, мол-мулк А.-улар, опа-сингиллар ўртасида тенг тақсимланади ёки уларнинг турмуш шароити, топиш-тутишларига қараб ҳаммалари кенгашиган ҳолда, бамаслаҳат бўлинади. Ўзига тўқ, моддий жиҳатдан таъминланган А.-улар бошқалар фойдасига ўз улушларидан кечадилар.

Хонадондаги ҳар бир ишга А.-улар биргалиқда бир-бирлари б-н бамаслаҳат киришишлари лозим.

Ўзбекона анъаналар асосида қурилган оилаларда кичик укаларнинг хотинлари, болалари катта акани ота ўрнида кўришади. Уканинг хотини ўз қайноғасини эҳтиром юзасидан «муллака» (мулла ака) деб атайдди. Агар оиланинг отаси оламдан ўтган бўлса, «ота» (ада, дада) деб мурожаат қилади. Уканинг болалари ҳам ўз амакиларини кўп оилаларда «ота» (дода) дейдилар. Бу эса у кишининг хонадондаги мавқеини белгилайди. Катта аканинг насиҳат, маслаҳатларини барча хонадон аъзолари самимият б-н қабул қилишлари оқибатида улар орасидаги меҳр-муҳаббат янада мустаҳкамланади.

Ўзбек халкининг минг йиллар давомида қон-қонига сингиб кетган қадриятлар: қариндошлик, биродарлик туйғуларини юзага чиқариш, ота-боболарнинг маънавий меросларини ўрганиш, ҳар қандай турмуш оғирликларидан қондошлик ришталарини устун қўйиш, боболар насиҳатларини онгга сингдириш орқали энг яхши фазилатлар, одабийлик хислатларини юзага чиқариш керак. Бунинг учун ота-оналар ўз ўғил-қизларини одабийлик ру-

хида тарбия этишлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, урф-одатларни болалар онгига уларнинг гўдаклик пайтидан етказа боришлари керак.

**АҚИДАПАРАСТЛИК** – энг кўп тарқалган зарарли мафкуравий оқимлардан бири. А. диний (ислом А.и, христиан А.и), дунёвий (собик шўролар давридаги коммунистик А.) шаклларида намоён бўлади. У қайси шаклда бўлмасин, барибир эркин ҳаёт, ҳур фикр, техникавий тараққиётга тўсқин бўлади. Шунинг учун ҳам барчани А.дан огоҳ қилиш амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардандир.

**АЛИМЕНТ** – (лот. «alimony» таъминот) А. олишга муҳтож томонга А. берувчи томондан бериладиган пул ёки буюм шаклидаги моддий таъминот. А. уч хил усулда тўланади. А. берувчининг ихтиёри асосида, суднинг қарорига кўра, А. олувчи ва А. берувчининг ўзаро келишувига кўра. Асосан А. вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган болалар, вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз болалар учун тўланади.

**А. тўламаганлик учун жавобгарлик.** Юридик жавобгарлик тури бўлиб, вояга етмаган ёки вояга етиб меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож фарзандларга тўланадиган маблағ. Агар тарафлардан бири бу тўловни тўлашдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жинорий жавобгарликка тортилиши мумкин.

**АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ** – оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари ишлаб топган маблағларнинг бир қисмини оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига бериш.

Таъминот бўйича мажбуриятларни қуйидагилар бажаради:

1) вояга етмаган болаларига нисбатан, шунингдек, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз вояга етган болаларига нисбатан ота-оналар; 2) ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ота-онасига нисбатан вояга етган фарзандлар; 3) меҳнатга лаёқатсиз ёр-

дамга муҳтож эрига хотин (хотинига нисбатан эр); 4) вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож ака-укалари ва опа-сингилларига нисбатан ака-укалар ва опа-сингиллар; 5) вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин; 6) ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри, хотинидан) таъминот олмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли набиралар зиммасига юклатилиши мумкин; 7) агар ўғай ота ва ўғай она ўзларининг меҳнатга лаёқатли болаларидан таъминот ололмаган ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз ўғай ота ва ўғай онага нисбатан суднинг ҳал қилув қарори асосида таъминлаш мажбурияти ўғай ўғил ёки қизга юклатилиши мумкин.

ОКнинг 99-моддасига биноан, вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун А. суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортик бола учун – ярми миқдорида ундирилади. Тўловлар миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган А. миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Судга мурожаат этмай, А. тўлаш тўғрисидаги келишувга келган эр-хотин ушбу келишувни нотариал тасдиқлаб олишлари керак. Бу – келишув ижро варақаси кучини беради.

**АЛЛА** – болани ухлатиш, руҳига ором бериш учун айтиладиган қўшиқ. А.лар халқ оғзаки ижодининг қад. намуналаридан бири бўлиб, болалар фольклорининг мустақил жанри саналади. А. боланинг онги, руҳияти, ҳиссиётига таъсир этувчи, уни моддий ва ижтимоий борлиқ б-н таништирувчи самарали таълим-тарбиявий восита ҳамдир. Бу қўшиқнинг ижодкорлари ҳам, ижрочилари ҳам, асосан – оналар.

Оналар А. қўшиғини чакалогини эзгу тилақлар б-н суйиб эркалаш, ардоқлаб ором олдириш, яқин кишилари, макони ва замони б-н таништириш учун куйлайдилар.

А. ижро этилаётганда сокин куй, куйма сатрлар бўлиши талаб этилади.

Абу Али ибн Сино: «Боланинг миждозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг таъсига б-н бадантарбияга, бурун б-н мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади», – деб ёзади. Куй ва сўз оҳанги, тебраниш такрори яратган мусикий зарб чакалоқнинг илк маънавий мулоқот эҳтиёжини қондирган.

Онанинг нафас олиши, юрак уриши, қадам босиши натижасида пайдо бўлган қайтариқ товушларга она қорнидаёқ кўниккан гўдақ, такрорланувчи сўз (радиф) ва оҳанг, паст овозда талаффуз қилинган жумлаларни эшитганда хотиржам тортиши, мириқиб тин олиши табиий. Зеро, «А.» радифи ва атамаси ҳам тебранма ҳаракатни англаувчи «аланг» ўзагидан келиб чиққанлиги ҳақида фаразлар мавжуд.

Халқ донишмандлиги асосида яратилган, даврлар синовидан ўтиб сайқалланган А. қўшиғининг энг муҳим сеҳри унда оналар меҳру муҳаббати изҳор этилишидадир. Оналардаги жўшқин муҳаббатнинг, фидойиликнинг энг нозик томонлари А.

куйлаш жараёнида ўзининг барча кирралари б-н намоён бўлади. Суюкли фарзанд бу кўшиқни тинглаб ором олиш б-н бирга меҳру садокат сабоғини, ахлоқий ўғитларни ҳам дилига жо қилади.

**АНДИША** – Оиланниг бус-бутунлигини, унинг фаровонлигини таъмин этиб турувчи ижобий хислат. А. инсонни жуда кўп ёмон фалокатлардан, кўнгилсиз дил оғритишлардан асраб қолувчи химоя воситаси. Аслида, А.ни ҳар бир шахс ўз оиласида ўрганади. Яъни катталарнинг бир-бирига бўлган муносабати орқали, катта-кичикларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари мисолида кўриб, хулоса чиқаради. А. оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир. Биз андишали одам деганимизда, оқибатини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотир қилишни билладиган, ор-номус, шарм-ҳаё каби инсоний туйгуларни ўзида мукамал жамлаб, ўзини ҳар қандай ҳолатда ҳам жиловлай оладиган инсонни тушунамиз. Яъни андишали одам юзсизлик қилиб бировнинг дилини оғритмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл б-н иш тутати.

Оилада А. хисси шаклланмаган, унга оила аъзолари кўникмаган бўлсалар, ундай ҳолатда бу оила таназзулга юз тутаетган оила саналади. Оилада эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида А. устунлик қилмоғи керак. Чунки оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, ўзаро ҳурмати А. асосига қурилади.

**АНЪАНА** – маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, келажак авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижтимоий жараёнларнинг тарихий-генетик (наслий) узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадрият. А. узоқ вақтлардан бери аждоқларимиздан ўтиб келаетган ва бизгача этиб келган, кўпчилик томо-

нидан қабул қилинган тартиб ва қоидалар. А. «урф-одат», «маросим»лар бир-бирига боғланиб, кўпинча, урф-одат тушунчаси асосида тарғиб қилинади. Халқ орасида миллий, маданий, маиший, ижтимоий-сиёсий, диний ва б.лар мавжуд. А. ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланади. А. ўз ҳолича мавҳум тушунча бўлиб, аслида, А.га айланган расм-русумлар, урф-одатлар, маросимлар, удумлар, кўникмалар, малакалар, турмуш тарзи ва б. ҳақида фикр юритилганда, у аниқ маъно касб этади.

Психолог ва социологлар А.нинг ижтимоий интеграция функциясини ажратишади. Хусусан, Э. Дюркгейм асосий эътиборни ижтимоий бирдамлик (ҳамфикрлик, бир-бирининг фикрини, ҳаракатини қўллаш, қувватлаш)ка қаратиб, А.га инсонларни бирлаштирувчи омил сифатида қарайди. А.лар авлодлар бирлиги ва боғланишини ифода этувчи восита сифатида ҳам талқин қилинади. А.да кишиларнинг табиатга нарса ва буюмларга бўлган муносабатлари ифодаланади. Маълумки, санъат ва адабиётда, олий ўқув юртларида, спорт ва и.ч. жамоаларида урф-одат бўлмайди, балки А.лар мавжуд. Яъни, А.лар инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида учрайди, унинг миллий, маданий, маиший, ижтимоий-сиёсий, диний ва б. турлари бор.

Миллатлар ва элатларнинг тарихида А.га айланган маросимлар мавжуд. А.лар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли А.ларнинг шаклланишига таъсир қилади. Бунда муайян ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва б. А.лар сифатида намоён бўлади. А.ларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

– ижтимоий-тарихий ҳодиса;

– жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми;

– кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони;

– жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омили.

А.лар ёшларни тарбиялаш, кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз А.лари бўлиб, вақт ўтиши б-н ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бири иккинчи замонга мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган А.лар унутилади. Ҳар бир халқнинг А.ларида ўша халқнинг турмуш тарзи, маданий камолот даражаси, миллий онги ва қиёфаси акс этади. Бир ҳудуд аҳолиси ёки халқига хос А.ларга ҳар хил мафкуравий нуқтаи назардан ёндашиш, бошқа ҳудуд ёки халқ нуқтаи назаридан баҳолаш нотўғри.

Булар жумласига кексаларга ҳурмат, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй б-н оқибатли, яқин алоқада бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, нонни эъзозлаш ва б. қиради. Ўзбекистонда Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити ва б. халқ байрамлари яхши А.лар сифатида ҳаётга сингиб кетди.

Урф-одат, расм-русум, маросим, турмуш тарзи, меҳнат малакаси ва б. А.га айланишининг уч хил сабаби мавжуд:

– А. муайян халқ, миллат ёки инсоният жамоалари асосий қисми томонидан эътироф этилиб, қадрланиши;

– муайян жамоат ва жамоатчилик томонидан изчил рағбатлантирилиб ва назорат этиб борилиши;

– белгиланган муайян вақтда ва шароитда ўз-ўзидан такрорланиб туриши.

Муайян тарихий шароит ва ижтимоий муҳитда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва қадрини улуғлайдиган, руҳини поклайдиган, ижтимоий тараққиёт ва шахс баркамоллиги учун хизмат қиладиган, инсонпарвар-

ликни қарор топтиришга ёрдам берадиган А.га айланган ҳар қандай маросим ёки турмуш тарзининг шакли эмас, балки мазмун-моҳияти муҳимдир.

А.га асосланган барча муносабатлар эса анъанавийлик дейилади.

**АПАТИЯ** (юн. *apatheia* – бепарволик, лоқайдлик) – шахсдаги ҳиссий сусткашлик, бепарқлик, лоқайдлик кайфияти. Бундай ҳолатда шахс ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлади, ҳеч нарсага қизиқмайди, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий фаоллиги пасаяди. А. узоқ вақт давом этган руҳий бузулишлар туфайли юзага келади ва кечиш муддатига кўра, узоқ ёки қисқа муддатли бўлади. А. ҳолатини ақли заифлик ва ҳатто узоқ давом этган муайян касалликнинг асорати сифатида ҳам кузатиш мумкин. А.нинг илк босқичларида қизиқиш, хоҳиш ва интилишнинг бирмунча сусайиши, иштиёқ ва майлнинг пасайиши кузатилади. Кейинги босқичларда эса теварак-атрофдаги воқеаларга нисбатан бепарқлик пайдо бўлади. Кўпинча А. ҳолатидаги шахснинг мимикаси, хис-туйғулари пасаяди, у ҳеч қандай кўнгилочар тadbирларда иштирок этмайди, атрофдагиларга лоқайдлик б-н қарайди. А.нинг сўнги босқичларида эса тўлиқ бепарқлик устувор бўлади.

А.нинг бошланғич даражаларидаёқ уни бартараф этиш чора-тадбирларини қўриши керак. А. ҳолатидаги инсонлар ўзининг ташки кўриниши ва озодалигига ҳам эътибор бермайди. А. маънавий тушқунлик ва руҳий толиқиш натижасида ҳам келиб чиқади. Унинг олдини олиш учун А.нинг келиб чиқиш сабабларини яхши билиш керак.

**АПЕЕССИЯ** (лот. – ташланиш) – мавжуд қоидаларга қаршилик кўрсатишга мойилликни ифодаловчи деструктив хулқ-атвор. А.га учраган шахслар ўзлари ташланмоқчи бўлган объектга зиён етказишга ҳара-

кат қилади. Бундай муносабат, айниқса, жисмоний жиҳатдан заиф бўлган ёки уларга ноқулайлик туғдирадиган кишиларга нисбатан намоён бўлади. А. бир қатор кўринишларга эга: 1) жисмоний А. Жисмоний А.га учраган шахс ўзидан заиф бўлган ёки ноқулайлик туғдирган иккинчи бир кишига ташланади, ўзининг жисмоний куч-қувватини бошқаларга ҳужум қилиш жараёнида қўллади; 2) вербал А. Вербал А.га учраган шахс ўзининг салбий ҳис-туйғуларини бакириб-чакириш б-н намоён қилади; 3) муайян субъектга нисбатан йўналтирилган А. Бу турдаги А.га учраган шахс муайян шахсга нисбатан салбий муносабатда бўлади, натижада уни мунтазам таъқиб қилади; 4) душманликка асосланган А. Душманликка асосланган А.га учраган шахс ўзи ёмон кўрган кишиларга нисбатан тажовузкорона муносабатда бўлади, уларга ёмонлик қилишга интилади.

А.нинг ҳар қандай кўринишига қарши зарур чора-тадбирларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

**АПЕРЦЕПЦИЯ** (лот. ad – га ва percipio – идрок, ўзига олиш) – кишининг ўз маънавий савиясидан келиб чиққан ҳолда воқеликни идрок этиш қобилиятини билдирувчи психологик тушунча. А. шахс идрокнинг умумий йўналганлигига боғлиқ. Бунда унинг ҳаётий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. А. атамаси Г.В. Лейбниц томонидан муомалага киритилган. И.Ф. Гербартнинг таъбирича, ҳар қандай янги тасаввурлар шахснинг мавжуд тажрибасига алоқадор бўлгандагина тўғри англанади ва изоҳланади. Бирлашиш, уйғунлашиш жараёнининг айнан ўзи А. ҳисобланади. Айнан А. янги билимларни ўзлаштиришнинг аниқлиги, тўғрилиги идрокнинг мустаҳкамлигини англатади. И.Ф. Гербарт томонидан ривожлантирилган А. назарияси унинг билимларини ўзлаштириш ҳақидаги пед. таълимотига асос бўлди. А. тушунчаси

В. Вундт тадқиқотлари туфайли психологияга кенг тадбиқ этилди. А.га онг фаолиятини изоҳловчи тамойил деган маъно юкланди. В. Вундт А. б-н боғлиқ ҳолда онг фаолиятининг мураккаб жараёнларини, жумладан, диққат, тафаккур, ирода жараёнларини асослаган.

А. атамаси замонавий психология ва пед.да кўп қўлланилади. Бу шахс мавжуд тажрибасининг ҳар бир руҳий жараёнда иштирок этишини асослаш имконини беради. Инсоннинг дунёқараши б-н боғлиқ ҳолда кишилар айнан бир ҳодисани турлича идрок этади. Бунда шахснинг билим даражаси, касб-кори, миллий мансублиги ва ижтимоий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

**АФИНА ТАРБИЯСИ** – мил. ав. VII–V а.ларда кад. Афинада шаклланган тарбия тизими. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар грамматика мактаби, кифаначилар ва палестра мактабларида ўқитилган. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари машғулотларни 18 ёшгача гимназияда давом эттирган. 18–20 ёшдаги ўсмирлар тарбияси Эфебияда шуғулланиш б-н яқунланган. Маънавий тарбия гимнастик тарбия б-н қўшиб олиб борилган. Ўқиш даврида болаларнинг жисмоний меҳнат б-н шуғулланишларига йўл қўйилмаган.

**АФФЕКТ** (лот. affectus – руҳий ҳаяжон) – турли ташқи ёки ички таъсирлар асосида тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолларда «портлаш» тарзида бўладиган, кучли ифодаланадиган ҳиссий ҳолат (кўркинч, дахшат, ғазаб ва б.). А. кайфият ва эхтиросдан фарқли тарзда, инсоннинг кучли, шиддат б-н кечадиган ва нисбатан қисқа муддатда ўтиб кетадиган ҳиссий ҳолати. А. инсон жисмининг кескин ифодали ҳаракатлари ва баланд овозда сўзлаш натижасида намоён бўлади. Баъзан эса А. вазиятида одам жимгина ҳаракатсиз қотиб қолиши ҳам мумкин. Ташқи ифода

шакллари ички А. сингари, кўп жиҳатдан инсоннинг шахсий хусусиятлари, жумладан, унинг иродаси, тарбияси, олий асаб тизимининг типологик хусусиятларига боғлиқ. А.нинг йўқлиги маълум даражада инсоннинг ҳаётга мослашганлигидан дарак беради. А.нинг мавжудлиги эса инсоннинг ҳаётга мослашмаганлигини билдиради. А. тушунчаси юнон, Шарк мутафаккирларининг асарларида қайд этилган. А.ни тўхта-тиш учун кучли ирода керак бўлади.

А. шахс учун муҳим ҳаётгий вазиятларнинг тез ўзгариши б-н боғлиқ ички туғён ва кескин характерли ўзгариш тарзида намоён бўлади. У муайян шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай қолишини ҳам ифодалайди. Ўта кучли А. ҳолатида шахс феъл-атвори, ўзини тутиши, муомала муносабати, объектив воқеликни акс эттиришнинг характер ва мазмуни ўзгаради. А. тушкун ва танг вазиятларда юзага келади. А. ҳолатида кишининг онг доираси тораяди, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти йўқолади. Тиббиётда физиологик ва патологик А. ҳолати кузатилади. Физиологик А.да киши ўз хатти-ҳаракатларини идора эта олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин. Патологик А. онг бузилишининг аффектив ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Патологик А. кўпроқ руҳий касаллик жараёнида, баъзан эса руҳий соғлом одамларда ҳам кузатилади. Патологик А.да барча хатти-ҳаракатлар киши хотирасида сақланмайди, шахс ўз хатти-ҳаракатларини онгли тарзда назорат қила олмайди. А. субъектнинг қийин ҳолларда кескин ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топа олмаслиги натижасида вужудга келади.

**АФФЕКТИВ БОЛАЛАР** – ташқи ёки ички таъсирлар туфайли руҳий ҳаяжон, эҳтиросларга бериладиган, ўзларининг муайян эҳтиёжлари қондирилмаганлигидан мунтазам норози бўладиган болалар гу-

руҳи. А.б.да етарли даражада оғир бўлган, узоқ давом этадиган кечинмалар вужудга келади. Бунинг натижасида муайян хулқ-атвор шакллари ҳосил бўлади.

Бир гуруҳ болалар ўзларининг дастлабки баҳоларини сақлаган ҳолда муваффақиятсизликларини инкор этади. Бошқа бир гуруҳ болалар эса аксинча, имкон қадар осон эришишлари мумкин бўлган мақсадлар ёрдамида муваффақиятга эришишни хоҳлайди. А.б. ўзларига ишонмасликлари б-н ажралиб туради. Улар имкониятларини намоён қилишга кўркишади, тез хафа бўлишади, уларда гумондорлик кайфияти кучли бўлади, адолатсизликка чидолмайди. Улардаги узоқ муддатли аффектив кечинма ва меъёрларнинг сақланиши улар характерининг муайян кирралари барқарорлигига асос бўлади.

**АХЛОҚ** (араб. хулқ сўзининг кўплиги) – кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалар мажмуи. У маънавий ҳаёт ходисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавий соҳасига онд тушунча ҳамдир. А.даги яхшилиқ, яхши одатлар инсоннинг ўз манфаатини жамият манфаатига мослаштиришига, айрим ўринларда жамият манфаатлари йўлида ўз ҳаётгий мақсадлари, манфаатларини ўзгартиришга имкон беради. Кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солишнинг белгиланган ҳамда муайян ижтимоий-ташкилий тузилмалар фаолиятига асосланган (ҳуқуқий, диний) шаклларида фарқли тарзда, А. кишилар хулқ-атвори, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, бироқ жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган «олтин қоидалари»ни ифодалайди. Ахлоқлилиқ, биринчидан, умумижтимоий, аҳамиятга молик бўлган қадрият бўлиб, бошқаларнинг ҳуқуқларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, хушмуомалалиқ, бошқалар б-н келиша олиш, тил топишиш, жамоат орасида

Ўзини тута билиш каби сифатларни қамраб олади. Иккинчидан, А. кишиларга хос сифатларнинг муҳим томонини ифодалайди.

А.нинг субъекти инсон, унинг мезони, баҳоси – виждондир. А.қа доир хатти-ҳаракатлар, муносабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижтимоий гуруҳга хос бўлган хусусиятдир. А. кишилар орасидаги муносабатларнинг барча тур ва кўринишларига тааллуқли бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатлар, алоқа ва муносабатлар ҳақида фикр юриштишни англатади. А. инсон ва жамият ҳаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб борадиган ижтимоий жараёндир. **АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИ** – кишиларнинг хулқ, феъл-атворини тартибга солувчи ахлоқий қоидалар мажмуи.

**АХЛОҚИЙ БИЛИМ** – ишончга айланган тақдирдагина хулқни тартибга солиб турадиган билим. А.б. ҳақиқий ахлоқнинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилади.

**АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ** – ахлоқ меъёрларига асосланган хулқнинг юксак даражаси, мукамал ҳолати ҳақидаги тасаввур. У маънавий ҳодиса бўлиб, ахлоқий меъёрларнинг инсон орзу қилган ва юксак даражада шаклланганлиги б-н боғлиқ тасаввурлар мажмуини ифодалайди. А.и. инсоннинг реал ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатида акс этган ҳолда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва ҳаётгий мавқеини мустақамлашга асос бўлиб хизмат қилади. У инсонни маънавий жиҳатдан юксалишга чорлайди, ўтмиш ҳаётини танқидий таҳлил этишга, ҳоз. кунда амалга ошираётган хатти-ҳаракатларини ибрат бўлишга муносиб инсонларники б-н солиштиришга, келажакда эса ўз ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат қилади. А.и. инсоннинг амалдаги хулқига нисбатан анча мукамал турмуш тарзидир. А.и. ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Улар оила муҳити ёки таълим муассасасида, меҳнат,

ўқиш, ўрганиш жараёнида ижтимоий муҳитда ўзлаштирилади. А.и. шахснинг этикоди б-н уйғунлашиб кетади ва реал воқеликдаги ҳодисаларни баҳолаш мезони сифатида намоён бўлади.

А.и.нинг ўта мавҳумлашиб кетиши инсон учун кўпгина кийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки идеалнинг реалликдан йироқлашуви ҳаминша зиддиятларга сабаб бўлиб келган. Шахснинг А.и.идаги айрим жиҳатларининг ўта кучайиши атрофдаги одамларга бўлган талабнинг ҳаддан зиёд ошиши, айрим қадриятларга нисбатан мутаассиблик даражасидаги муносабати б-н ҳам намоён бўлиши мумкин. Натижада инсон ён-атрофдаги одамлар б-н мурося қилиб яшай олмай қолади, ҳаётда низоли вазиятлар кўпроқ юзага кела бошлайди. Шу жиҳатдан А.и. атрофдагиларга бўлган талаб сифатида эмас, балки биринчи навбатда, инсоннинг ўз имкониятлари даражасида ўз олдига қўйган мақсадига айланиши керак. Агар инсон ўз А.и.идаги асосий тамойил ва қадриятларга амал қилишда атрофдаги одамларнинг орзу-интилишларини ҳисобга олган ҳолда иш тутса, А.и. унинг учун камолот манбаига айланади.

**АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ** – жамиятдаги ахлоқнинг юксаклик даражаси, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи тушунча. У шахснинг жамиятдаги асосий ахлоқ меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар б-н шу асосда муносабатда бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Ах.м.нинг энг муҳим кўринишларидан бири – муомала одобидир. Инсонлар бир-бири б-н ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, ўзаро таъсир кўрсатмасдан яшаши мумкин эмас. Бинобарин, муомала инсон учун асосий эҳтиёждир. Ахлоқий етуклик муомала одобини эгаллашдан бошланади. Ах.м. муайян ҳолат учун фақат бир хилдаги қоидалашти-

рилган хатти-ҳаракатларни тақозо этади. Ах.м. кенг камровли ҳодиса ҳисобланади. У оддий инсоний муносабатлар б-н бир қаторда, халқаро микёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Ах.м.нинг замонавий кўринишларидан ташқари, унинг миллий-анъанавий шакллари ҳам мавжуд. Уларсиз Шарқ халқлари маданиятини тасаввур қилиш қийин. Мас., ширинсуханлик, лутф, меҳмон кутиш одоби ва ҳ.к.

Миллий характердаги Ах.м.нинг муҳим кўринишларидан яна бири – одоб б-н гўзалликнинг уйғунлигидир. Ах.м. шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар б-н бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ҳам ўз ичига олади.

А.м.нинг кўринишлари инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фаоллик, ижодкорлик, санийлик, масъулиятлилик, камтарлик, поклик каби сифатлардан иборат.

**АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАР** – кишилар фаолиятини муайян меъёрий талаблар доирасида мувофиқлаштирувчи, уларни инсонпарварлик, эзгулик, ҳалоллик, адолатлиликка асосланган муносабатлари. Ах.м. асосида жамиятда ўзаро мувофиқ келадиган муносабатлар қарор топади. Ах.м. ўзининг қуйидаги муайян кўринишларига эга:

– инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, жумладан, таълим олувчиларни оила ва таълим муассасаларида шахслараро муносабатларнинг ахлоқий меъёрларидан хабардор қилиш;

– ҳар бир шахсда ёшлиқдан ўз Ватани ва халқига бўлган ижобий муносабатларни қарор топтириш, шу мақсадда ўқувчи ҳамда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватан туйғуси, Ватан меҳри, Ватан соғинчини шакллантириш;

– ҳар бир шахснинг ўз оила аъзоларига бўлган муносабатини ижобий бўлишига ҳаракат қилиш, бунинг учун болаларда ота-она ва оила аъзоларини ҳурмат қилиш, кичикларга меҳр-шафқат кўрсатиш, адолатли ва ҳақгўй бўлиш, оилавий қадриятларни эъозлаш каби ижобий сифатларнинг шаклланишига кўмаклашиш;

– ҳар бир шахсда ўзи яшаб турган жамиятга нисбатан фуқаролик ҳиссини уйғотиш, ҳар бир фуқаронинг ўз давлатига бўлган ижобий муносабатини шакллантириш. Бунинг учун ўқувчи ва талабалардан давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ва сиёсий тadbирларнинг моҳиятини тушуниб етишлари, уни тарғиб қила олишлари, ҳуқуқий-сиёсий билимдонликка эга бўлишлари, иқтисодий, маънавий, маданий ва маърифий тараққиётга муносиб ҳисса қўшишга тайёр бўлишлари талаб этилади.

**АХЛОҚИЙ ОНГ** – инсон онгида ахлоқий тамойилларнинг акс этишини ифодалаб, ахлоқий қарашлар, ахлоқий эътиқод, хулқатвор меъёрлари ва қоидалари, ахлоқий тасаввур кабиларни қамраб олувчи тушунча. Ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатлар А.о. асосида вужудга келади. А.о инсонларни ўзаро, шунингдек, уларнинг жамият б-н муносабатларини, хатти-ҳаракатларини меъёрловчи тушунчадир. А.о.нинг мезонлари сифатида ахлоқий билимлар, тушунчалар, ахлоқий тафаккур меъёрларини кўрсатиш мумкин. А.о.нинг бир қатор сифатлари меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳақгўйлик, адолатпарварлик, бурч, масъулият, виждон, ғурур каби инсоннинг ички руҳий кечинмалари тарзида намоён бўлади.

**АХЛОҚИЙ ҲИССИЁТЛАР** – ахлоқий тушунча ва меъёрларга асосланган инсонда маълум хатти-ҳаракатлар ёки ҳолатга нисбатан вужудга келувчи ички кечинма сифатидаги муносабатлар мажмуи. А.х. мазмунан бой ва мураккаб тузилишга

эга бўлиб, ижтимоий фаолият махсули сифатида инсон тараққиётининг юқори босқичида вужудга келади. Инсон ўз хатти-ҳаракатларини ахлоқий жиҳатдан англаб етган ҳолда фаолият кўрсатади, англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида А.х. ётади. Бадиий адабиёт, санъат намуналарини тўғри қабул қилиш буюк тарихий шахслар ҳаётига оид ибратли ҳикоялар ёш авлодда А.х.ни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**АХЛОҚСИЗЛИК** – ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф ишлар, хатти-ҳаракатлар тизими.

**АҲИЛЛИК** – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қариндошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик, бағрикенглик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик. А. фуқаролик жамиятининг энг зарур шартидир. Бундай маънавий сифат ёрдамида жамиятда миллий ҳамда диний бағрикенглик, шахсларо ижодий муносабатлар қарор топади. А. тушунчаси кенг маънода жамият аъзоларининг иноқлиги, бирдамлигини ифодалаб, байналмилаллик, толерантлик, бағрикенглик, маънавий яқдиллик, муайян вазифани кўпчилик б-н бажариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби олийжаноб ғояларга яқин туради. А. ўзбек халқининг қони, руҳияти, менталитетига сингиб кетган туйғу ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, халқ оғзаки ижоди намуналари, адабиёти ва турмуш тарзида кенг қулоч ёйгани фазилят саналади.

А. кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Жумладан, ўзаро дўстлик ва тотувлик, оила, меҳнат жамоалари, қўни-қўшилар, дўстлар, синфдошлар, ҳамкасблар орасидаги А., халқаро А. ва ҳ.к.

Мамлақатимизда миллатлараро А.ни вужудга келтириш давлат сиёсатида усту-

вор аҳамият касб этмоқда. Бунда, айниқса, фуқароларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш муҳим ўрин эгаллайди.

**АҲОЛИ** – Ер юзи ёки унинг муайян худуди, китъа, мамлакат, туман, шаҳарда истиқомат қилувчи инсонлар мажмуи (йиғиндиси). А. моҳиятига кўра ўзаро фарқ қилувчи учта жиҳатга эга. Биринчиси, А.нинг биологик бирлик эканлиги. Ушбу жиҳатга кўра, инсонга биологик мавжудот сифатида кўпайиш хосдир. Иккинчи жиҳатга мувофиқ, А. ижтимоий-биологик категория ҳисобланиб, унга кўра А. ижтимоий ва биологик муносабатларнинг ўзига хос давомчиси ҳисобланади. Учтинчидан А. ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий алоқалар орқали бирлашган кишилар гуруҳи сифатида юзага чиқади.

А. ҳақидаги билимлар ва унинг ривожланиш қонуниятлари шундан далолат берадики, фақат XVII а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб «А.» тушунчаси илмий муомалага киритилган. Унгача «одамлар», «яшовчилар» каби тушунчалардан фойдаланилган.

**А. даромадлари.** Алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинadиган ва истеъмол, жамғарма, турли йигин ҳамда солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

**А.нинг ижтимоий таркиби.** Кишиларнинг ижтимоий гуруҳларга тақсимланиши. А. ижтимоий гуруҳларга асосан жамиятнинг иқтисодий тизимдаги мавқеи ва билим даражаси бўйича ажратилади. А.ни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– юқори мартабали давлат хизматчилари, маъмурлар;

– зиёлилар (ўқитувчилар, шифокорлар, иқтисодчилар, муҳандислар ва ҳ.к.);

– тадбиркорлар, шу жумладан, шахсий меҳнат фаолияти б-н машғул бўлганлар;

– ишчилар (улар малакали ва малакасиз ишчиларга бўлинади);

– к.х. ходимлари, шу жумладан, фермерлар;

– ижтимоий ёрдамга мухтож шахслар.

**А. сони.** Муайян бир ҳудудда яшовчи А.нинг умумий сони. А. сонининг ўзгаришига туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари, муайян бир ҳудудда эса А. миграцияси таъсир кўрсатади. Шунинг учун демографик таҳлилда А. сонига вақт функцияси сифатида қаралади. А. сони уни рўйхатдан ўтказиш вақти, яъни йилнинг боши, йилнинг охири ёки йил ўртасидаги ҳолати бўйича ҳисобланади ва баҳоланади. Бу вақт, айниқса, катта мамлакатлар ёки ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки унча катта бўлмаган мамлакатлар ва ҳудудларда А.нинг йил боши ва ўртасида ҳисобланган сонидagi фарқ мас., 100 минг кишини ташкил қилса, катта мамлакатларда бу млн.га тенг бўлиши мумкин.

Ер юзи А.си сонининг ошиши дунёда яшаётган одамларнинг узлуксиз такрор барпо бўлиш жараёнининг натижасидир.

I а.да Ер юзида 300 млн. киши яшаган бўлса, 2011 й. ўрталарига келиб дунё А.си сони 7 млрд.га етди. 2050 й.га бориб бу кўрсаткич 9,1 млрд. кишига етиши башорат қилинган.

**А. таркиби.** А.нинг муайян бир белгиларга кўра тақсимланиши ёки социология нуқтаи назаридан қайсидир ўзгарувчиларнинг тақсимланишидир. А. таркиби асосан қуйидаги ўзгарувчилар тоифасига кўра белгиланади:

– акрипитив (туғилганда ҳисобга олинувчи) тавсифлар: жинс, ёш, иркий мансублик, этник мансублик ва ҳ.к.;

– ижтимоий тавсифлар: никоҳ мақоми (никоҳ ҳолати), саводхонлик ва таълим, бошланғич таълим (болалар ва ўсмирлар учун), туғилган жой, она тили, фуқаролик ҳолати, диний мансублик ва ҳ.к.;

– иктисодий тавсифлар: даромад манбаи, иш б-н бандлик, шахснинг касби, соҳаси ва ҳ.к.;

– миграция тавсифлари: туғилган жойи, мазкур А. пунктида қачондан буён яшаётганлиги, у ёки бу вақт оралигида яшаш жойини неча марта ўзгартирганлиги ва ҳ.к.;

– витал (демографик) тавсифлар: никоҳ тузишдаги ёш, никоҳнинг тартиб рақами, шахснинг туғилган фарзандлари сони, фарзанд туғилгандаги ёши, неча марта ҳомиладор бўлганлиги, туғилишлар сони, ўлим сони, ўлик туғилганлар сони ва б.;

– оила (уй ҳўжалиги) тавсифлари: уй ҳўжалиги тури, катталиги, таркиби ва б.

**А.нинг жинсий таркиби.** А.нинг эркак ва аёлларга тақсимланишидир. Бунда қуйидаги иккита ёндашув мавжуд:

– жами А. таркибидаги ёки айрим ёш гуруҳларидаги эркак ва аёлларнинг мутлақ сони ва улушининг оддий ҳисоби;

– жами А. таркибидаги ёки айрим ёш гуруҳларидаги эркаклар сонининг аёллар сонига нисбати (ёки аксинча).

А.нинг жинс таркиби қуйидаги учта омилнинг биргаликдаги таъсирига боғлиқ: а) тирик туғилганлар орасида ўғил болалар сонининг киз болалар сонига нисбати; б) ўлимнинг табақаланиши, яъни турли ёш гуруҳларидаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўлим даражасининг фарқи; в) миграция суръатидаги жинслар фарқи.

**А.ни рўйхатга олиш.** А. тўғрисида энг аниқ ва ишонарли маълумотлар тўпланадиган жараён. А.ни рўйхатга олиш махсус илмий асосланган статистика амали бўлиб, унинг мақсади А.нинг сони ва таркиби тўғрисида маълумот олишдан иборатдир. А.ни рўйхатга олиш мамлакат А.си тўғрисида демографик хусусиятга эга маълумотларни тўплаш, демографик хусусиятлар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда тизимлаштириш имконини беради, А. сони ва таркиби прогнозлари, шунингдек, бошқа демогра-

фик прогнозлар ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Статистика комиссиясининг таърифига кўра, «А.ни рўйхатга олиш – бу, мамлакатдаги ёки унинг аниқ чегараланган қисмидаги барча шахсларга тааллуқли бўлган, аниқ белгиланган вақтдаги демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил этиш, эълон қилиш ёки бошқа тарзда тарқатишнинг яхлит жараёнидир». А.ни рўйхатга олишнинг бир қанча тамойиллари мавжуд:

– А.ни рўйхатга олишни бу тадбир учун махсус тайёрланган мутахассислар – ҳисобчилар томонидан ўтказиш;

– А.ни рўйхатга олишнинг белгилаб қўйилган аниқ дастури мавжудлиги ва тадбирни унга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказиш.

А.ни рўйхатга олиш жараёнида ҳисобга олинадиган тоифалар:

– мавжуд А. – рўйхатга олиш вақтида маълум ҳудудда бўлган жами, шу жумладан, вақтинчалик яшаб турган А.;

– доимий А. – рўйхатга олиш вақтида маълум ҳудудда доимий яшовчи А.;

– вақтинчалик А. – муайян ҳудудда доимий яшаб қолишни истамаган, лекин ўша ерда рўйхатга олиш даврида бўлган А.;

– юридик қайд этилган А. – муайян ҳудудда шу мамлакат қонунларига кўра қайд этилган А.

**А.турмуш сифатининг таркибий қисмлари.** А. турмуш сифатининг таркибий қисмларига турмуш даражаси ва турмуш шароитлари киради.

**А.нинг иш б-н оқилона таъминлаши.** Ишчи кучининг талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мувозанатда бўлиши. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган (табиий) даражаси вужудга келади.

А.ни иш б-н таъминлашга доир давлатнинг таъсир кўрсатиш турлари мавжуд. Уларга фаол таъсир кўрсатиш ва минтақаларга ёрдам кўрсатиш, нофаол таъсир кўрсатиш кабилар киради. Фаол таъсир кўрсатишга меҳнат таклифини рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, А.нинг камроқ рақобатбардош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.), минтақаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва ш.к.; нофаол таъсир кўрсатишга иш б-н банд бўлмаган А.га ижтимоий ёрдам кўрсатиш киради.

**А.нинг кексайиши.** А. умумий сонидан катта ёшдагилар улушининг ортишидир. А.нинг кексайиши узоқ давом этадиган демографик ўзгаришларнинг, яъни А.нинг таркибидан туғилиш ва ўлим, қисман миграция жараёнларидаги силжишлар, улар ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади. А. қаришининг икки тури мавжуд:

– қуйидан (туғилишлар сони камайиши натижасида қариш);

– юқоридан (ўртача умр давомийлигининг ортиши, туғилиш даражаси паст бўлган шароитда катта ёшдагилар ўртасида ўлим даражасининг пасайиши натижасида қариш).

**А.нинг пул даромадлари.** Иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумлари, мулкдан фонз, дивиденд, рента, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қ.х. маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадлардир.

**А.нинг репродуктив майли.** Шахс ёки одамлар гуруҳининг (оила улардан бири)

хаётнинг муайян соҳасига, шу жумладан, бевосита фарзанд кўриш ёки кўрмасликка бўлган муносабатидир.


**А.нинг турмуш даражаси.** А. фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир. А.нинг турмуш даражаси жамиятда яшовчи инсон эҳтиёжларининг ривожланиши ва қондирилиши даражасидан иборат бўлиб, у турли неъматларнинг истеъмол қилиниши ёки истеъмол учун олинганларининг фойдалилик даражаси б-н белгиланади.

«Турмуш даражаси» деганда А.нинг ҳаёт учун зарур бўлган моддий, маънавий ва б. бойликлар б-н таъминланганлиги, эришилган истеъмол даражаси ва одамларнинг ушбу бойликларга бўлган эҳтиёжларининг қай даражада қондирилганлиги тушунилади.

**А.нинг турмуш шароити.** Ижтимоий-психологик иқлим, яшашнинг табиий иқлим ва экологик шароитлари б-н белгиланадиган категория.

**А.нинг турмуш сифати.** Унинг олдинги даврларда тўпланган иқтисодий активлар – номолиявий (кўчувчи ва сифатини ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк – уй-жой, шахсий транспорт б-н таъминланганлик), молиявий (омонатлар, кимматли қозғалар, нақд пул ва чет эл валютасидаги жамғармалар) б-н таъминланиш даражасига бевосита боғлиқ тушунча. Турмуш сифати асосан атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, шаҳарларни янгилаш масалалари б-н боғлиқ бўлган. «Турмуш сифати» тушунчаси нафақат буюмларга эга бўлиш, балки маданий бойликлар, инсон шахсини ривожлантириш, таълим олиш имконияти, ижтимоий жиҳатдан юқорига кўтарилиш, кексалиқда таъминланиш, меҳнатдан қониқишни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бў-

лиш; турмуш сифати, турли эҳтиёж ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда А.нинг ўз ҳаётдан қониқишидир.



**БАДБИНЛИК** – салбий ниятли ҳатти-ҳаракатларга одатланиш, умидсизлик, гумондорликка берилиш, бошқаларга ёмонликни раво кўриш, бузук ниятлик, жамиятдаги ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракатларни бажариш, тушқунликка берилиш.

**БАДФЕЪЛЛИК** – ёмон хулқлик, ёмон ниятлик, ёмон ҳаёлда бўлиш, салбий табиатга эга бўлиш. Ёмонлик, жаҳолат ва жохиллик, ахлоқ-одоб қоидаларига зид феъл, ахлоқсизликни ифодалайдиган атама. Инсоннинг юриш-туриши жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига рияз этишига қараб инсоний сифатлари ҳақида хулоса чиқарилади. Ўз навбатида, Б. инсонларни бирлаштириб турадиган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Б. энг ёмон иллат сифатида кишилик жамиятида ҳамиша қораланиб келинган. Б.нинг баркамол шахс тарбиясига салбий таъсирини инобатга олган ҳолда ижтимоий

масканлар (мактаб, оила, меҳнат жамоалари, маҳалла)да шахсдаги Б. кўринишларини бартараф этишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллаш лозим. **БАЙНАЛМИЛЛАТЛИК** (араб. – миллатлараро) – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг ўзаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирини тушуниб ўзаро ишонч б-н яшаши. Миллатчиликнинг зидди. Инсоният тарихида турли миллат ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустақамланиб бориш жараёни. Мазкур муносабатларсиз эса ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди.

Б. фазилати – юқори ижтимоий сифатлардан бири бўлган умуминсоний маънавий кадриятдир. Бунда ёшлар бошқа халқ ва миллатларнинг ўзига хос маънавияти, ва маданияти урф-одатларини ҳурмат қилиб, уни кадрлайди. Бошқа миллатнинг маънавияти ва маданиятига бефарқ бўлган фуқароларда бағрикенглик етарлича шаклланмаган бўлади. Миллатлараро бағрикенглик Б.нинг муҳим кўриниши сифатида бутун дунёда тинчлик ва тотувликнинг қарор топишида катта аҳамият касб этади.

Б. сифатига эга бўлган инсонлар бошқаларнинг миллати, дини, урф-одатларидан қатъи назар, умуминсоний кадриятларга ҳамма нарсадан устувор тарзда қарайди.

**БАРДОШЛИЛИК** – чидамлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, мустақкам иродага эга эканлик, барқарор фикрли, қатъиятлилик маъносини англатадиган тушунча. Б. маънавиятли инсоннинг сифатларидан бири бўлиб, чидам, сабр, қаноат каби сўзларга синоним. Б. инсоннинг ўз ҳаракатларини мақсадга йўналтира билиши, қийинчиликларни енгиб ўтиши, ҳиссиётлар, жаҳлни назорат қила олиши, қийинчилик ва муаммоларга тўкнаш келганда қатъият б-н бардош бера олишини англатади. Б. инсон-

нинг шахсий ҳаёти, ўз-ўзини англаши, маънавий юксалиши, ахлоқий сифатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Б. тушунчаси маъсулиятлилик, чидамлилиқ, ор-номус, қадр-қиммат, келажак сари интилиш каби фазилатларни ифода этиб, инсоннинг маънавий юксалиб боришига хизмат қилади.

**БАРКАМОЛ ШАХС** – адолатли, виждонли, иймон-эътиқодли, меҳр-мурувватли, иродали, ор-номусли, матонатли, эркин фикрловчи, ўз халқининг равнақи учун қурашувчи, ҳурфикрли ва истиклол ғоялари б-н суғорилган, ўз Ватанига фидойилик б-н хизмат қиладиган, тадбиркор ва ташаббускор шахс. Б.ш. – камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўқис инсон.

**БАРКАМОЛЛИК** – камолотга, балоғатга эришганлик, бекаму кўст етуклик, мукамаллик, маърифатли бўлиш. Б. инсоннинг ақлий ва маънавий жихатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-хунарнинг устаси эканлиги, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон қуйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга эканлигини англатади.

Баркамоллик – Ватанпарварлик, жасорат, ҳиммат, қатъият, ирода мустақкамлиги каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчадир. Б. шахсдан қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлишни талаб этади:

Ақллилик – мустақил фикр юрита олиш, ўз ақлидан фақат эзгу мақсадларда фойдаланиш.

Одоблилиқ – тўғрисиўзлик, хушмуомалалиқ, озодалиқ, дид-фаросатлилиқ, жамоат тартибига риоя қилиш, ажодларни хотирлаш, меҳмондўстлик ва б. ижобий сифатларга эга эканлик.

Меҳнатсеварлик – ўз меҳнатига садоқатли бўлиш, ўз ишини севиб бажариш, меҳнатдан қочмаслик.

Билимлилик – ахлокий, касбий, сиёсий, иқтисодий, диний ва б. билимларни эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олиш.

Соғломлик – жисмоний, рухий ва ижтимоий саломатлик.

Миллий ғурурга эгалик – аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар б-н фахрланиш ва бойитишда фаол қатнашиш.

Ватанпарварлик – Ватан учун, халқи учун фидокорона меҳнат қилиш ва зарур бўлганда улар учун жонини ҳам қурбон қила олиш.

Байналмилаллик – бошқа миллатларни ҳам ўзининг миллати қаторида кўриш ва ҳурматлаш.

Жасурлик – довураклик, ҳар бир ишга кўркмасдан киришиб, охиригача етказиш.

Шиддатлилиқ – ҳар қандай ҳаракатни ситқидилдан тезлик б-н бажариш.

Сабр-қаноатлилиқ – ҳаёт қийинчиликларига бардош бериб, сабот б-н уларни енгиб ўтиш.

**БАХТ** – кишининг ўз турмушидан мамнунлик, муродга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекаму кўстлиги ва муайян маъно касб этганлигидан ҳосил қиладиган қаноати. Б. ахлокий онг тушунчаси. Б. қад. даврда эвдаминизм фалсафасининг асосий тушунчаси бўлган. Унинг вакиллари Б.га ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган маъмуриликка эришилган ҳолатнинг, шод-хуррам бўлишнинг энг олий кўриши сифатида қарашган. Антик фалсафада Эпикур Б. тушунчасини ахлоқнинг негизи деб ҳисоблайди. Мутафаккир инсоннинг жисмоний азобдан ҳамда рухий ташвишлардан холи бўлишини, яъни инсонни тамомила қониқтирадиган ҳолатни Б. деб тушунади. Б.га интилиш, – деб таъкидлайди Эпикур, – одам учун табиий нарса, унинг ўзи ҳам роҳатланиш, ҳузур-ҳаловат истагидан келиб чиқади. Эпикур барқарор рухий ҳузурни ўткинчи жисмоний роҳат-

ланишдан устун қўяди. Аммо мукамал Б. роҳатларнинг иккала тури мутаносиблигини талаб этади, деб ҳисоблайди.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, инсоний хислатлар 4 хил: назарий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма ва амалий санъат (касб-ҳунар) фазилатлари. Шулар ёрдамида бутун мавжудодни ўрганиш, касб-ҳунарни, илмларни ўзлаштириш ва шу орқали Б.га эришиш мумкин.

Инсон ҳаётининг олий мақсади ҳам бахт-саодатга эришувдан иборат. Инсоннинг бахтли бўлиши унинг соғлиги, иродаси, ҳаётнинг мазмунли ўтишига боғлиқ. Инсон юксак жисмоний камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий комилликка ҳам ҳаракат қилса, шубҳасиз, интилаётган бахт-саодатига эришади.

Оиланинг аҳамияти ортиб бораётган вазифаларидан бири унинг фелицитологик функциясидир (итал. «фелиците» – бахт). Шахсий фаровонликка эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда.

Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айни шу жиҳат уларни оила қуришга ундайди. Аниқланишича, инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши – уларнинг ўзларини бахтли хис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий салоҳият (иктидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли хис қилиш имконини беради.

Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ошган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Лекин баъзан нопок йўллар б-н пул топиш орқали бахтли бўлишга интилиш ёки ўзгалар хисобидан, улар бахтини поймол қилиш эва-

зига шахсий бахтга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Айрим пайтларда эса оила аъзоларининг (айниқса, эрхотиннинг) шахсий бахтга ўз майлича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (хиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахс ўзида кўпроқ виждонлилик, поклик, ҳалоллик каби маънавий-ахлоқий фазилатлар б-н Б.га эришишга интиломоғи лозим.

**БАХТИЁРЛИК** – кишининг ўз фаолияти натижалари, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга эришганлиги, орзу-умидларининг ушалганлиги ифодаси. Б. маънавий-ахлоқий тушунча.

**Б. нисбий тушунча.** Б.ни қандай маънода тушуниш шахснинг ижтимоий ўрни, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Чинакам бахтли бўлиш учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истезод ва катъиятини ҳар томонлама намоён қилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши зарур. Шунингдек, бахтга эришиш учун ҳар бир шахс жамиятда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва масъулиятларини англаган бўлиши лозим. Инсон ўз онги, тафаккури, дунёқараши, хатти-ҳаракати, хулқи, ақл-заковати воситасида бахтли бўлиш учун интилиши, курашиши керак. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдири б-н уйғунлаштиригандагина, тўлақонли тарзда бахтли бўлиши мумкин.

Б.нинг зидди бахтсизлик ҳисобланади. Б. кўпинча «Бахт-саодат» тарзида ҳам қўлланилади ва барча замонлар ҳамда халқларда бир хил маънони англатган категория сифатида бахтнинг турлари, намоён бўлиш шакллари ва хусусиятлари кўп. Мас., Ватан бахти, шахс бахти, оила бахти, яшаш бахти ва б.

**БАХТЛИ БЎЛИШ** – бахтга эришиш. Б.б. учун ушбу 7 қоидага амал қилиш лозим. Зеро, улар бахт қалити саналади.

**Яқин кишиларни севиш.** Кўп вақтгни, эътиборни севган кишиларга бағишлаш. Бундай киши ўзини бахтли ҳис қилади.

**Вақтни ўзи севган машғулот, касб ёки фаолиятга бағишлаш.** Агар киши ўз ишини севса, у б-н кўп шуғулланиши лозим. Агар киши ўз ишини ёмон кўрса, алмаштиришга ҳаракат қилиши даркор. Бу инсон учун ҳам, жамият учун ҳам самаралироқдир. Иш жойида биз кўп вақтимизни ўтказамиз. Бу вақтни жазо ёки хуш бўлмаган вақт сифатида қабул қилмаслик керак.

**Бошқа одамларга ёрдам бериш.** Ҳамма инсонларда альтруизм, яъни атрофдагиларга беғараз ёрдам кўрсатиш эҳтиёжи мавжуд. Бошқаларга ёрдам бериш орқали, инсон биринчидан, ўзига хурматни оширади, иккинчидан, ўзидаги жисмоний ва психологик танглик ҳолатларини, яъни стрессларни йўқотади ва натижада ҳаётдан қониқиш, бахтга эришиш ҳиссига эга бўлади.

**Бахтли бўлишга интилиш.** Ахлоқий меъёрларга бўйсунган ҳолда ўзи истаган нарсага интилиши лозим.

**Жисмоний фаоллик.** Исталган жисмоний фаолликнинг, ҳаракатнинг соғлом кишига ҳақиқий лаззат бахш этиши маълум. Бунинг сабаби чуқур ўрганилмаган.

Акад. И. Павлов бу ҳисни «мушаклар завқи машки» деб атаган. Жисмоний фаоллик даврида инсон миясида ўзига хос табиий наркотик моддалар ишлаб чиқарилади ва бу моддалар кишига лаззат, завқ бахш этади. Демак, жисмоний ҳаракатлар инсонга бахт ҳиссини ато этади. Киши рақс тушиши, спортнинг исталган тури б-н шуғулланиши ёки қўлдан келадиган исталган машқ, ҳаракатни амалга ошириши мумкин. Ҳатто кишда эрталаб туриб ёққан қордан йўлакни очса ҳам, ерни белкурак б-н мириқиб чопса ҳам бахтни ҳис эта олади.

**Ҳаётга янгиликлар киритишга ҳаракат қилиш.** Бизга болалигимиздан ҳамма нарсага тартиб б-н ёндашиш лозимлиги

уктирилади. Доимий кун тартиби, баркарор кизикишлар, бир иш жойига ўрганиш, ҳар йили фақат бир жойда ва бир вақтда таътилни ўтказиш, булар ҳаммаси яхши, лекин ҳар қандай одамга янгилик ёқади. Шунинг учун вақти-вақтида тартибдан чиқиш, яъни янгилик яратиш керак. Мас., ишга доимий йўлдан эмас, бошқа йўлдан бориш ёки таътилни бошқа вақтда олиш ва б.

**БЕЛ ҚУДА**, (Қашкадарёда «ич қуда») – ҳали туғилмаган болаларнинг унаштирилиши. Б.қ. бўлишда икки қадрдон дўст ҳомиладор хотинлари қиз ва ўғил туғишса, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун келгусида қуда бўлишни ният қилади. Ҳомиладор аёллар қиз ва ўғил туғишса, севинч б-н бир-бирларини «қуда» деб атайдилар. Ҳомиладор аёлларнинг иккаласи ҳам ўғил туғишса, улар бир умрлик дўст бўлганлар. Мас., Октябрь тўнтаршига қадар Зарафшон воҳаси ўзбекларида ҳали туғилмаган болаларни унаштириш кишлоқ оилаларида амалда бўлган.

**БЕТ ОЧАР** – юз очар, юз кўрар – Ўрта Осиё халқларида, жумладан, ўзбек халқида кенг тарқалган, никоҳ тўйи б-н боғлиқ маросим. Б.о. маросимини ўтказиш тартиби ҳар ерда ҳар хил. Кўп жойларда бу маросим келин тушган куннинг эртасига, келин саломдан кейин, айрим ерларда (куёв томоннинг имкониятига қараб) 2–3 кундан сўнг ўтказилган. Б.о. кун келинга сарпо кийдириб, тақинчоқларни тақиб, бетига оқ матодан парда тутиб, янга бошчилигида эшик олдига ёки ҳовли саҳнига олиб чиқади. Келиннинг бетини одат бўйича куёвга яқин қариндош, 5–6 ёшли ўғил бола очади. Бунинг учун мевали дарахтдан олинган пахта ўралган хивич (серфарзанд бўлишини ният қилиб) б-н айрим ерларда пахта ўралган чўмичнинг дастаси (бахтли бўлсин, қўлидан чўмич аримасин деб тилак қилиб) б-н келин-

нинг бетига парда олинади. Келиннинг бетини биринчи бўлиб куёвнинг онаси кўради. Келин б-н кўришганда қайнона келинининг бошига иккита нон (ризқли бўлсин деб) қўйиб, сўнгра уни бурдалаб маросим иштирокчиларига (сизлар ҳам тўй кўринглар, деган маънода) улашади. Келиннинг бетини очганда қўлланган пахтани ҳам қизлар талашиб оладилар, ундан ип қилиб, сочларининг учига (ният қилиб) улаб юрадилар. Куёвнинг онасидан кейин куёвнинг отаси, тоғаси, булардан кейин бошқа қариндошлар бирин-кетин келиб кўришиб, кўрмана топширадилар. Ўз навбатида, келин томон ҳам уларга кўрмана берганлар. Болаларга келин томон ёнғок, майиз, туршак ва турли ширинликлар улашадилар.

**БЕШИК** – чақалокни белаб, тебратиб ухлатиш учун мўлжалланган йўрға оёқли махсус мослама. Асосан тут, тол дарахтларидан ясалади. Узунлиги 1–1,05 м, баландлиги 50 см дан 60 см гача. Б.нинг тузилиши: 4 тадан 8 та устбози (помбози) ва такбози (гирдбози) б-н ўралган; бола ётиши учун такбозилар устига юпқа тахтачалар ўрнатилади (унда тувак учун махсус жой ажратилади). Б.нинг икки томонидаги ярим доира шаклидаги йўрға (оёқ) ларига узунлиги 1,2 м, эни 8–10 см бўлган эгмоч (қосқон) ўрнатилади, эгмочга даста бириктирилади. Дастанинг иккала томонига куббалар ясалади. Боланинг бош ва оёқларини муҳофаза қилиш учун эгмочларнинг ичига бошлоғи ва бағалак чўплар ўрнатилади. Б. нақшлар б-н безатилади ёки ранг-баранг бўёқлар б-н бўялади, сўнг баъзан лак суртилади. Болани белаш учун ип ёки шойи матодан махсус тикилган абзаллар (қовуз тўшакча, таглик кўрпача, ёстиқчалар, қўлбоғлар, говрапўш, чойшаб ва б.) ишлатилади. Б.да ётганда боланинг таги курук, тоза туради. Б.нинг бир маромда тебранишига она алласининг ҳамоҳангли-

ги Б.даги болага яхши таъсир этади, унинг тинч осуда ухлашини, рухан соғлом яхши ривожланишини таъминлайди.

Б. қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз ва б. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Қад. манбаларда, хусусан, «Девони луғотит турк»да Б. тилга олинган.

**БЕШИК КЕРТИ**, бешик кетди, кулоқ тишлаш – болаларни бешиқдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати. Ўтмишда бир-бирига яқин оилаларнинг бирида ўғил, иккинчисида қиз туғилса, улар вояга етганларида турмуш қуришлари белгилаб қўйилган. Ота-оналар келишиб, қизнинг бошини боғлаб қўйиш учун бешик дастасига пичоқ б-н кертиб, белги қилиб қўйганлар. Б.к. уруғ-қабилачилик даврининг қолдиғи. Қўшни, уруғ, қабилалар ўзаро дўстликни мустақкамлашда Б.к.дан фойдаланганлар. Б.к. қилинган фарзандлар вояга етганларида турмуш қуришлари шарт бўлган.

«**БЕШИК ҚУДА**», «кулоқ тишлар», «кулоқ тишлатар», «этак чартиш» (қўнғиротларда), «этак йиртиш» (Сурхондарё ва Қашқадарё), «сирға тақди», «этакка солди», «оёқ боғлатди» («қўган солди») (Қашқадарё) – одатда, қалин, ҳажми кам бўлган, ўғил боланинг отаси боласи балоғатга етгунча ҳўжаликка зарар етказмай қалиндан қутулиб боришни, қизнинг отаси эса қалин ҳисобига берилган чорвадан фойдаланишни назарда тутувчи никоҳ удумларидан бири.

Бу одат замирида ҳам айрим қонуниятлар бор. Мас., ХХ а.нинг бошларигача Қашқадарёнинг қуйи қисмида қиз туғилган оилага ўғил боланинг (5–6 яшар) онаси шартлашиш учун келган. Ўғилга кичкинтой қизалоқ сўралган. Ота-онаси, қариндош-уруғи рози бўлса, кулоқ тишлаш одати бўлган. Болақай бешиқда ётган қизалоқнинг «кулоғини тишлаган», яъни ўғил бола қизалоқнинг кулоғини оҳиста тишлаб

қўйган. Бу б-н унга эга, ҳомий, ҳамроҳ саналиб қолган. Маросим уларнинг устидан турли ширинликлардан сочқи сочиб нишонланган. Қизалоқ вояга етса, шу болага турмушга чиқади, дея кексалар, ўтирган аёллар дуо қилишган. Тадбирга бир домла чақирилиб, қишлоқ оқсоқоллари гувоҳлигида «расмийлаштирилиб» қўйилган. «Бешик кетди» дегани «қизимиз бешиқданок совчисиз ўз муносиб харидорини топиб, сотилиб кетди», деган маънони берган. Қашқадарё воҳасида ушбу одат «бешик керти» ёки «бешик кетди» номи б-н машҳур бўлиб, мазмунан Юқори Зарафшон водийсидаги «бешик керти» одатига яқиндир. Қашқадарё ўзбекларидаги «бешик кетди» удуми бўйича қиз томон розилик бергач, бўғирсоқ пиширилиб тарқатилган. Чунки бўғирсоқ қадимдан ўзбеклар орасида серпуштлик рамзи ҳисобланган. Воҳада айнан шу маросимдан сўнг бўлғуси келин-куёвнинг яқин қариндошларига, қўшниларига, маҳалла ва қишлоқ аҳлига қизнинг «боши боғланганлиги» маълум қилинган.

**БЕШИК ТЎЙИ** – Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар оиласида тўнғич фарзанд туғилиши шарафига ўтказиладиган тантанали маросим. Бу удум Ўзбекистон вилоятларида ўзига хос хусусиятлари б-н бир-биридан фарқ қилади.

Бешик чақалоқнинг она қариндошлари – бобоси, бувиси, тоға ва холалари томонидан қилинган. Бешик удуми б-н боғлиқ чақалоққа керакли барча буюмлар тайёрланган. Дастурхонга нон, патир ва анвойи ширинликлар тугилган, шунингдек, унга яна ўйинчоқлар (қиз бўлса қўғирчоқ) қўшилган.

Қўп ерларда (хусусан, Тошкентда) чақалоққа атаб (агар ўғил бўлса) той ҳам яратилган. Чақалоқнинг ота-онаси, бобоси ва бувисига сарпо ҳам қўйилган. Безатилган

бешиқ, совғалар арава (машина)га юкланиб, карнай-сурнай ва чилдирмачилар жўрлигида олиб борилган.

Меҳмонлар кутиб олинганда, ниятлари оқ бўлиши, болага бахт тилаш рамзи сифатида уларнинг юзларига ун суриб қабул қилинган. Шу вақтнинг ўзида бошқа хонада доя буви бошчилигида барча ирим-сиримлар амалга оширилиб, чакалокни бешиқка белаш маросими (одатда, болани бешиқка кўп болали аёл белаган) ўтказилган.

Маросим охирида яқин қариндошлар чакалок ҳузурига, юз кўрарга кириб, совға бериб, бешиқ устига ширинлик сочиб, бахт тилаб чиқиб кетадилар.

**БОЛА** – «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, 18 ёшга тўлгунча (вояга етгунча) бўлган шахс.

**БОЛА ЛУҒАТИ** – ҳар бир муайян ёшда бола ўзлаштирадиган ҳамда қўллайдиган сўз ва иборалар мажмуи. Меъёрида ривожланаётган Б.л. ўзгалар нутқининг таъсири остида узлуксиз бойиб боради. Луғат нофаол ва фаол бўлади. Нофаол луғат бола тушунадиган, лекин ўзи ишлатмайдиган ёки кам ишлатадиган, фаол луғат эса бола ўз нутқида кенг фойдаланадиган сўз ва иборалардан иборат бўлади. Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган Б.л. шаклланишда бир қатор хусусиятларга эга бўлади, яъни боланинг жисмоний ёки рухий камчилиги б-н боғлиқ бирламчи муаммолар бундай Б.л. ниҳоятда камбағаллашиши, уларнинг нутқида фонетик-фонематик ва грамматик хатоларга йўл қўйилиши каби иккиламчи муаммоларни келтириб чиқаради. Б.л. ва нутки махсус логопедик тадбирлар, шунингдек, атрофдагилар б-н мулоқот жараёнида бойитиб борилади.

**Б.л. ва нутқини тўғри ривожлантиришда ота-оналар учун маслаҳатлар.** Болада нутқ жараёни яхши бошланиши ва кечиши учун бир ёшдан кейин, бола риво-

жининг иккинчи йилида у б-н кўпроқ мулоқотда бўлиш ва биргаликда бирор-бир соҳада бирга фаолият мобайнида тўлиқ ва равион сўзлашиш керак бўлади. Чунки бу даврда бола ўз-ўзидан кўп нарсага қизиқадиган, кўп саволлар берадиган бўлиб қолади. Болада тўхтовсиз саволлар туғилиши унда атроф-муҳитга нисбатан қизиқиш шаклланаётганини англатади. Катталар ва ота-оналар бу даврда жуда эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади, чунки болада туғилаётган саволларга улар ниҳоятда ўйлаб жавоб беришлари лозим. Боладаги саволлар турли характерда бўлиши мумкин. Мас., «Мен қаердан туғилганман», «Мен нима учун қиз боламан», «Нима учун ундай...», «Нима учун бундай...» ва б. Ҳатто «Бу ишни ундай қилмагин» десангиз ҳам «Нима учун ундай қилмай», деб ҳам сўрайди. Шу даврда унинг саволларини четлаб ўтиш, нотўғри жавоблар қайтариш унда шаклланаётган фикр доирасига ва шахсий фазилатларига бевосита таъсир этади. Болада атроф-муҳитга қизиқиш уйғонган, серсавол даврда кун давомида 5000 тагача савол туғилар экан. Лекин катталар, ота-оналар болада пайдо бўлган бу саволларга жавоб қайтаришга ўзларида журъат топа олмайдилар, унинг билиш эҳтиёжини сўндирадилар ва натижада болалик давридаёқ бефарқлик шаклланади. Шунинг учун бола тарбиясида ниҳоятда қизиқувчан ва тоқатли бўлиш лозим. Инсондаги билишга қизиқиш пайдо бўлганда, унинг қондирилиши одамда навбатдаги қизиқишни келтириб чиқаради, буни у англаб олса, фикр доираси, дунёқараши кенгайди, ўсади ва ўзини шахс сифатида мукаммал ҳис этишга ёрдам беради. Ўзини мукаммал ҳис этаётган шахсда ҳаётга ва ўз-ўзига ишонч шаклланади ва унда мустақиллик ҳисси уйғонганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнинг мақсадимиз болаларда ана шундай ҳисларни вақтида шаклланти-

риш эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бу даврда оила аъзоларининг сони, таркиби ва оилавий муносабатлар жуда салмоқли ўрин эгаллайди. Чунки юзага келган саволларга жавоб топиб берадиган кишиларнинг оилада бўлиши, уларнинг тоқатли, тажрибали бўлишлари, айтаётган гапларининг таъсирчанлиги, уларнинг бола психологиясини билишлари зарурдир. Ана шундай объект кўп оилаларда мавжуд. Булар қариялардир. Психологиядан маълумки, болалар ва қариялар оилавий муносабатларда ўзаро яқин ҳисобланишади. Қарилик давридаги инсонлар гапиришга, суҳбатлашишга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Боланинг ҳам саволлари кўп, мулоқотга эҳтиёжи юқори. Шунинг учун улар оилада яхши чиқишадилар. Бундай муносабатлар ўзбек оиласида кўп замонлардан анъана бўлиб келган бўлиб, она уй-рўзгор юмушлари б-н банд бўлган чогида бола тарбиясининг бувилари, боболари зиммасига юклатилган.

**БОЛА «САРПОСИ»** – чакалоққа кий-ғизиладиган кийим-кечак ва тутиладиган йўрғак, таглик каби бола кийимлари. Бунга 20–25 дона 70x100 см катталиқда сурп йўрғак, 10 та худди шундай катталиқдаги пахмоқ йўрғаклар, 2 та 60x60 см клеёнка, 20 тача ярим метрли таглик сингарилар кирди. Таглик учун дока ёки яхшилаб ювиб, қайнатиб, дазмолланган эскироқ пахмоқ ва сурп чойшаблардан фойдаланса ҳам бўлади. Бундай тагликлар юмшоқ ва нам ютувчан бўлиб, бола сийдигини яхши шимиб олади. 6–10 тача читдан, 4–5 та пахмоқдан кўйлакчалар, яхтақчалар, кофточка, 2–3 та иссиқ ва чит қалпоқча ёки юпқа дуррача ва б. зарур бўлади. Бола юзини тирнаб олмаслиги учун кўйлакчаларнинг енгларини узун қилиб тикиш, шунингдек, йўрғак ва кўйлакларнинг чоклари ҳам дағал бўлмаслиги лозим. Янги олинган барча нарсаларни болага шундоқ холда тутмай, балки

аввал ювиш, қайнатиш зарур. Кейинчалик бола кийим-кечакларини заруратга қараб ювиш ва иккала томонига дазмол босиш керак. Боланинг ҳўл бўлган тагликларини ювмасдан қуритиб тутавериш ярамайди, унда боланинг сийдиги тегиб, терисини шикастлаши мумкин. Шунинг учун таглик ва йўрғакларни қайнатиш ва қуригандан кейин иккала томонидан дазмоллаш зарур. Чақалоқ кийим ва буюмларини катталарникидан алоҳида, болалар совуни б-н ювиш шарт, ҳўжалик совунидан ҳам фойдаланиш мумкин. Қир ювувчи синтетик қир ювиш қуқунлари ва пасталардан фойдаланиб бўлмайди. Чунки улар чайилгандан кейин ҳам қоладиган зарарли моддалар бола организмга аллергия таъсир этади.

**БОЛА ТАРБИЯСИ** – боланинг ахлоқни ўзида мужассамлаштириши, жамиятда ахлоқ меъёрлари асосида муносабатга киришиши. Б.т. ота-онасига, оиласида олган илк тарбиясига, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, махалла-қўйда, мактабда эгаллаган тажрибасига боғлиқ.

**Б.т.да онанинг хулқ-атвор шакллари.** Б.т.да онанинг хулқ-атвор шакллари ўта муҳим омил ҳисобланади. Психологик жиҳатдан оналарни хулқ атвориغا қараб 4 тоифага таснифлаш мумкин.

Булар:

– хавотирланадиган она. Ҳар доим ички хавотирланиш асосида бола ва ўзига нисбатан қўрқув ҳисси б-н яшайдиган;

– мунгли, хомуш она. Ҳар доим ўзини эзилган, хафа, огир ҳис этадиган ва кўп йиғлаб, тез қарчайдиган;

– ўзига ишонган, ҳукмрон она. Тарбияда замонвий ёндашувларга амал қиладиган, осойишталик б-н болага тарбия берадиган;

– босик характердаги она. Бу она турли вазиятларда ўзини тута олади, тўғри қарорлар қабул қилади, доимо яхши она бўлиш учун ҳаракат қилади, ўз устиди ишлайди,

керакли маълумотларни олишга интилади, хавотирдан ва б. ҳолатлардан ўзини тия олади.

### **Б.т. бузилишида оиланинг таъсири.**

Оиладаги носоглом психологик муҳит ва оилавий тарбиядаги йўл қўйилаётган нуқсонлар, таълим жараёнида кузатилаётган пед.га зид усуллар, болалар ва ўсмирлар яшаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказди.

Инсон яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар кишининг ижтимоий ҳаёт фаолияти, объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари шахс (айниқса, бола ва ўсмир)нинг онги, хоҳиш-иродасига бўйсунмаган ҳолда таъсир этади ва унинг онги, дунёқараши, шахс сифатида шаклланиши ва хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқиши ва ижтимоий муҳит ўртасида ўзаро таъсир механизми 3 хил кўринишда намоён бўлади.

Биринчидан, носоглом ижтимоий муҳит б-н шахснинг ўзаро алоқалари ўсмирларда ижобий қарашларнинг салбийлашувига олиб келади. Иккинчидан, шахс ва носоглом ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа кишига ижтимоий меъёрларга тўғри келмайдиган муайян йўл-йўриқни, хусусан, ғайриқонуний вазифаларни бажариш бўйича ролларни тақсим этади. Учинчидан эса ғайриқонуний йўл-йўриқлар ва роллар тақсимоти ўсмирда аста-секин ижтимоий муҳит талаб ва меъёрларига нисбатан деформациялашувнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, шахс хулқида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам хулқ оғишига эга бўлган болалар

ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий муҳитга нисбатан деформациялашув поғонасида бўладилар.

Ижтимоий муҳитга нисбатан бўлган деформациялашувнинг юзага келиши ва уларда ижтимоий позициянинг мавжуд бўлмаслиги ёки тўсатдан йўқолиши (мактабдан ҳайдалиш, оилада носоглом муҳитнинг мавжудлиги, ишидан, яқин кишидан маҳрум бўлиш) ўз навбатида, ноқонуний, ноахлоқий позициянинг шаклланишига олиб келади. Яъни турли хил ғайриқонуний, ноахлоқий гуруҳларга қўшилишига сабаб бўлади. Шу боисдан жиноятчилик кўчасига кира бошлаган ўсмир кўпинча мактабни ташлайди, ўзича ишга кирмоқчи бўлади, кўпчилиги эса умуман фойдали машғулот б-н шуғулланмайди.

Уларда театрга тушиш, дарслик ва бадиий китоблар ўқиш бўйича кўрсаткич даражаси анча пастдир. Аммо кинотеатр, видеобар, дискотекларга қатнашиш даражаси анча юқорилиги кузатилади. Демак, ижтимоий фойдали машғулот б-н шуғулланиш, китоб, газ. ўқиш, театрларга бориш ўсмирларда ижтимоий фойдали, ижобий позицияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Аксарият ҳолларда эса болалар ва ўсмирлар хулқида салбий позициянинг шаклланишига имконият яратилади. Ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари ва шарт-шароитларининг ўсмирларга таъсир этиши улар хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Агарда ижтимоий муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва шарт-шароитлар ўсмирга ижобий таъсир этса, унинг хулқида ижобий хислатлар, аксинча, ҳолатларда эса салбий иллатлар шаклланади.

Хулқи оғишган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий муҳити соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ижтимоий муҳитидан ўзига хос тор доирадаги дунёқарашга эгаллиги, низоли вазиятлар доирасининг кенглиги, қатъий ҳаётий позициянинг, ке-

лажакка нисбатан ижобий қараш, мақсад ва интилишларнинг йўқлиги ва ш.к. бир қатор жиҳатлар б-н фаркланади. Булар қуйидагилар:

1. Хулқи оғишган болалар ва ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиш ҳолати. Бунда ўсмирнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига оила аъзолари ва яқинлари томонидан ижобий муносабат билдирилади ёки унга эътибор берилмайди. Натижада ўз ноқонуний ҳаракатининг маъқулланишини ҳис этган ўсмир яна бошқа бир ноқонуний ҳаракатга қўл уради. Оқибатда салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади.

2. Соғлом хулқи болалар ва ўсмирларга қараганда носоғлом хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирларга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирларнинг бир жойга тўпланган ҳолда (концентрациялашган) таъсир этиш ҳолати. Бунда хулқ оғишига дуч келган ўсмирга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирлар унинг ноқонуний, ноахлоқий муҳитга тушиб қолиши, унга ҳар томонлама: маънавий, руҳий, жисмоний таъсир ўтказади. Бу ҳолат ўсмирда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун қулай ижтимоий муҳит ва шарт-шароит яратиб беради.

Соғлом хулқи болалар ва ўсмирларда эса тўпланган, ҳар тарафлама салбий таъсир этиш муҳитининг мавжуд бўлмаслиги уларда ғайриқонуний хулқ-атвор келиб чиқишининг олдини олади.

3. Хулқи оғишган болалар ва ўсмирларнинг тез-тез низоли вазиятларга тушиб қолиш ҳолати. Бунда тарбияси оғир ўсмир низоли вазиятларнинг муҳитига тез-тез тушиб қолади. Бунинг сабаби, биринчидан, у ҳаёт кечираётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг носоғломлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан, жиноятчи болалар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги пси-

хопатологик ўзгаришлар ва уларнинг ёш даврига боғлиқ.

Соғлом хулқи болалар ва ўсмирларда эса улар яшаётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг соғломлиги туфайли низоли вазиятларга дуч келиш камроқ бўлади.

Соғлом хулқи болалар ва ўсмирлар эса ўзларининг жазоланишларини билишлари туфайли ноқонуний ҳаракатларни бажаришдан ўзларини тияди. Улар муҳитида ноқонуний ҳаракатларни коралаш психологияси мавжуд бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, носоғлом муҳитга тушиб қолган ўсмир аста-секин ушбу муҳитнинг тартиб ва қоидаларига бўйсунма бошлайди. Оқибатда ўсмирда ушбу микромуҳитга хос бўлган салбий хислатлар пайдо бўлади. Бу болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида ижтимоий муҳит шарт-шароитларининг ўрни, таъсири катта эканлигини кўрсатади.

**Бола қобилиятини заифлаштирадиган амаллар.** Бундай амаллар боланинг соғлом ривожланишига зарар етказувчи психологик омиллардан бири. Уларга қуйидагилар қиради:

– юзга уриш. Бу одат мияда 300–400 хужайрани ўлдиради. Бошни силаш эса миядаги янги хужайраларни пайдо қилади;

– электрон ўйинлар. Улар зийракликни, ақлни сусайтиради. Мия имкониятлари пасайишига олиб келади;

– кимнидир ҳақоратлаш. Айниқса, онани ўғли олдида ҳақорат қилиш болани кўрқок, торгинчоқ қилади. Бола қобилиятини онасидан олади;

– бола фикрини кадрламаслик. У қилган ишларни тақдирламаслик натижасида ундаги мотивация пасайиб кетади;

– бола б-н суҳбат қилмаслик. Бу ҳолат бола сўз бойлиги ва зехнини камайтиради. Уни жим туришга буюриш, гапига эътибор

бермаслик, кескин инкор қилиш яхшиликка олиб келмайди. Бу ҳолат болада одамовиликни, қўрқоқликни шакллантиради;

– сув ичирмаслик. Миянинг 85 % и сувдан иборат эканлигини инобатга олсак, ҳар 45 дақ.да 1 стакан сув ичиш зарур. Бола сув ичмаса, акса уриш, йўтал, студни суриш каби ҳаракатларни бажаради. Тагини ҳўл қилишни ўйлаб уни сувдан тийиш яхши эмас.

– вақтида овқатланмаслик. Боланинг ўз вақтида нонушта қилмаслиги қондаги шакар моддасини камайтириб, мия хужайраларига озуканинг боришини секинлаштиради. Бу эса хужайраларнинг парчала нишига олиб келади;

– боланинг қобиляти ва қизиқишини ҳисобга олмаслик. Бу ҳолат самарали натижага олиб келмайди;

– ўринсиз таъқиқ. Мас., болани кичик ёки катта ёзишга мажбурлаш ундаги ишончсизлик ва эркинликни чеклашга олиб келади.

**Б.т.да ҳаёт сабоқлари.** Б.т.да эътибор бериш керак бўлган ва ҳаёт давомида синалган ота-оналар учун психологик тавсиялар:

– агар бола доимо танқид қилинса, у нафратланишга ўрганади;

– агар бола таҳлика асосида яшаса, у урушқоқликка ўрганади;

– агар бола масхаралаб турилса, у писмиқ, одамови бўлиб қолади;

– агар болага доимо миннат қилинса, у ўзини айбдордек ҳис этиб яшашга ўрганади;

– агар бола тўғрилиқда ўсса, у адолатли бўлишни ўрганади;

– агар бола хотиржам яшаса, у кишиларга ишонишга ўрганади;

– агар бола ғийбатлашув вақтида бўлиб қолса, у чакимчиликка ўрганади;

– агар болага тан жазоси берилаверса, у сурбет, қайсар, ўжар бўлиб қолади;

– агар бола ўзаро чидам-қаноат муҳитида ўсса, у бошқаларни тушунишни ўрганади;

– агар боланинг яхши ҳаракатлари қувватлаб турилса, у ўзига ишонч ҳосил қилиб яшашни ўрганади.

**«БОЛА ҲУКУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА» КОНВЕНЦИЯ** – болалар ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормалари кучига

эга бўлган ҳамда келажакка қаратилган энг тўла ва биринчи хужжат. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 й. 20 нояб.да бир овоздан қабул қилинган. Конвенция 1959 й.да қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари декларацияси» қондаларини ривожлантиради. Декларация «Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур», деб эълон қилган эди. Конвенция эса ушбу Декларация ва бошқа халқаро хужжатлардаги болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни ўзида мужассамлаштирган. Конвенция дунёнинг барча минтақаларидаги халқлар учун тенг аҳамиятга эга, асосий мақсади болалар манфаатларини мумкин қадар ҳимоя қилишдан иборат. Конвенцияга асосан, агар миллий қонунларда балоғат ёши бирмунча эрта белгиланган бўлмаса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади. Б.х.т.к. инсоннинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари йиғиндисидан иборат. У болаларнинг ахлоқий, ақлий ва руҳий қобилятларини эркин ривожлантиришлари учун бошқа нарсалардан ташқари соғлиги ва атроф-муҳитнинг хавфсизлиги, тиббий ёрдамга эга бўлиши ва овқатланиши, кийим-кечак, турар жой хусусидаги минимал нормалар б-н таъминланиши зарурлигини талаб этади. Конвенцияга кўра, бола ўзининг камол топишида фаол иштирок этиш, ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга, бу эса унинг ҳаётига оид масалаларни ҳал этишда ҳисобга олинишини таъминлайди. Кон-

венция боланинг яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқига, фарзандликка олиш б-н боғлиқ ҳуқуққа, норасо болалар ва қочоқ болалар, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган болаларнинг ҳуқуқларига оид қоидаларни ўз ичига олади. Болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳимоя қилишда оила ва ота-онанинг биринчи даражали роли, болаларга ёрдам кўрсатиш борасидаги мажбуриятини тан олади. Болаларни камситмаслик – Конвенциянинг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Болалар ирки, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, соғлигининг аҳволи ота-онаси ёки қонуний васийси ёхуд бошқа ҳолатлардан қатъи назар, бирон-бир камситишларсиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши керак. Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар уни бажариш юзасидан тадбирлар бўйича Бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда миллий маърузалар юбориб туради. Ўзбекистон Республикасида ушбу Конвенцияни бажариш бўйича биринчи миллий маъруза 1997 й.да тайёрланган.

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАРТИБДА ҲИМОЯЛАНИШИ** – бола ҳуқуқларининг моддий ички норматив, халқаро ҳужжатлар б-н ҳимояланиши. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги БМТ Конвенцияси «Болаларни бошқа мамлакатга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида»ги Гаага Конвенциялари, ХМТнинг «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида»ги 182-Конвенция»си, БМТнинг «Балогатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар»и – Пекин қоидалари, БМТнинг

«Озодликдан маҳрум этилган балогатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалар»и, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Болаларнинг қуролли можароларга жалб қилиниши тўғрисида»ги ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга, «Болалар савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографияси тўғрисида»ги Факультатив протоколлар, БМТнинг «Балогатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари» – Ар-Риёд дастурий принциплари, ХМТнинг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 138-Конвенцияси, «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги Конвенция ҳамда «Болалар меҳнатининг огир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенция шулар жумласидандир. Бола ҳуқуқларини ҳимоялаш қонулар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро тамойиллар асосида, шунингдек, тарафлар келишувига кўра ҳам белгиланади.

**БОЛАГА НИСБАТАН ЭМОЦИОНАЛ МУНОСАБАТ** – шахслараро муносабат турларидан бири бўлган ота-она ва фарзанд муносабатининг асосий қўринишларидан бири. Бола ҳар доим ҳам, айниқса, ота-оналарнинг эмоционал қўллаб-қувватлашини кутади. Унга: «Сени ёмон кўраман» дейиш ногўғри, нотабиий ва жуда хавфлидир. Болага нисбатан қаҳр-газабни намоеън этиш мутлако ўринсиздир. Шунингдек, унга: «Сен ёлғончисан», «Беақлсан», «Ўғрисиан», «Эшаксан»... дейиш ҳам ногўғри. Уни хўрлаш, ҳақорат қилиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб келмайди. Унинг келажаги ҳақида айтилган: «Сендан ҳеч қачон фойда йўқ», «Сендан яхшилик чикмайди» каби камситишлар бола шахсига нисбатан ҳурматсизликни билдириши б-н бирга, унда келажакка бўлган ишонч ва имкониётларни пасайтиради. Фақат ота-оналар

ва катгаларнинг эътибори, муҳаббати ва ишончи болада яхши бўлиш хоҳишини ва оптимизмни юзага келтиради. Бола бирор бир ёмон иш қилганда, унга «Сени ёмон кўраман» демасдан, «Яхши кўраман, лекин мана бу ишинг учун хафа бўлдим» дейиш тўғри, истиқболли ва табиий бўлади.

**БОЛАЖОНЛИК** – кўп болалик, болалар учун яшаш, уларнинг ташвишларини ўзиникидан юқори қўйиш, улар учун қайғуриш, бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, уларга нисбатан кечиримли бўлиш каби сифатларга эга бўлиш.

**БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ** – халқ оғзаки ижодининг болалар учун ва болалар томонидан ижро қилинадиган тури. Б.ф. боланинг тинглашига, айтиб юришига, ўйинига, кўшигига мосланган бўлади. Б.ф. болаларда бадий дидни шакллантириш, уларнинг сезгиларини нозиклаштириш, табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисаларни эстетик идрок этишда катта аҳамият касб этади.

Б.ф. икки қисмга бўлинади:

1. Болаларга мўлжалланган ва улар учун катталар томонидан айтиладиган асарлар. Булар фольклор асарларининг бир қадар турғун шакллари ўз ичига олади. Буларга халқ эртаклари, масал, қисса, афсона ва ривоятлар киради. Улар болаларда кўплаб ижобий ҳисларнинг шаклланишида ёрдамчи восита саналади.

2. Болалар томонидан яратилиб, уларнинг ўзлари томонидан ижро этиладиган ўйин фольклори намуналари. Бунга «Читтигул», «Чорий чамбар», «Оқ теракми, кўк терак», «Бештош» сингари айтимлар киради. Бу хил Б.ф. намуналари болани маънавий ва жисмоний камол топтириш, унда топқирлик, зукколик, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, яратувчилик каби ҳислатларни ўстиришда қўл келади.

Оила кутубхонасида Б.ф. намуналари мавжуд китобларнинг бўлиши, ота-оналар

улардан тарбия жараёнида самарали фойдаланиши фарзандлар маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

**БОЛАЛАРГА ШАВҚАТСИЗ МУНОСАБАТ** – ота-оналар, тарбиячилар ёки бошқа шахслар томонидан боланинг жисмоний ва психик ривожига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар. Унинг бир неча тури фарқланади: жисмоний куч ишлатиш, жисмоний зарар етказиш, тан жазоси, шунингдек, болаларни алкоголь ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш. Жинсий (сексуал) куч ишлатиш – болалардан катталарнинг шахвоний эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш, даромад олиш мақсадида болаларни фоҳишалик машғулотларига жалб қилиш. Психик куч ишлатиш – болага нисбатан муҳаббат ва эътиборнинг йўқлиги, унинг инсоний ғурури топталиши, унга нисбатан қўполлик, сўз б-н ҳақоратлаш. Боланинг асосий эҳтиёжларига беэътиборлилик, уларни писанд қилмаслик – боланинг нормал ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитларнинг, унинг соғлиғи ва ривожланиши учун ғамхўрликнинг йўқлиги.

**БОЛАЛАРНИНГ ЎРТАЧА ИДЕАЛ СОНИ** – ота-оналарнинг умуман, оилада (мамлакат, шаҳар, қишлоқ бўйича, ўзбек оиласида ва х.к.) фарзандлар сонининг энг мақбули тўғрисидаги тасаввурдир. Демографияга ушбу индикатор АҚШда аҳолини рўйхатга олиш сўровномаларида қайд этилган ва мазкур масала бўйича тадқиқотлар олиб боришда қўлланадиган кўрсаткич сифатида кириб келган. Ғарб мамлакатларида мазкур индикатор исталаётган ўртача болалар сони кўрсаткичига айнанлаштирилади.

**БОЛАЛИК** – инсоннинг вояга етишидан олдин келадиган ривожланиш босқичи, организмнинг жадал ўсиши ва олий психик функцияларининг шаклланиши б-н тавсифланувчи ёш даври. Ҳоз. замон пси-

хологияси, фалсафаси ва социологиясида болалик тушунчаси, фалсафаси ва социологиясига биологик асосга эга бўлиб, кўплаб ижтимоий-маданий омилларга боғлиқ бўлган мураккаб, кўп ўлчовли феномен сифатида қаралади.

**БОЛАЛАРНИ ЭМЛАШ** – болани қизамик, бўғма, полиомиелит, кўкйўтал, қоқшол, «В» гепатити, сил каби юкумли касалликларга қарши эмлаш. Шифокор маслаҳатига риоя қилиб, тайинланган вақтда Б.э.га олиб бориш жуда муҳим. Профилактик эмлашлар она ва болалар касалликлари ва ўлимнинг кескин камайишига, чилла даври касалликларининг олдини олишга, соғлом авлод шаклланишига ёрдам беради.

**БОЛАНИ ЖАЗОЛАШ** – бирор салбий ҳаракатни амалга оширгани учун болага қўлланадиган тарбиявий-ахлоқий мақсадни кўзлаган ҳаракатлар мажмуи. Б.ж. бола тарбиясида муҳим ўрин тутаети. Боласини керак бўлганда жазолаб турадиган ота-она-

лар унга нисбатан бефарқ эмасликларини билдирадилар. Жазо қанчалик кам қўлланса, шунчалик яхши таъсир қилади. Кўп жазоланадиган болалар ёлғончи, айёр, қўрқоқ бўлиб, уларда тажовузкорлик ҳисси кучаяди.

Қилмишига яраша ўз вақтида берилган жазонинг фойдаси ижобий бўлади.

**Б.ж. турлари.**

– мажбурий бекорчилик – бурчакда турғизиб қўйиш;

– мукофот ва имтиёзлардан маҳрум қилиш;

– хулқини танқид қилиш;

Жисмоний ёки ақлий меҳнатни жазо сифатида қўллаб бўлмайти.

**Б.ж. қоидалари.**

– жазолаш асносида болага «Ўйлаб қўр, нима учун ва нима сабабдан?» деган саволларни бериш;

– жазо ҳеч қачон боланинг соғлиғига таъсир қилмаслиги лозим;

Болаларни эмлаш жадвали				
Эмлаш турлари:				
Боланинг ёши	«В» вирусли гепатитга (ВГВ) қарши, силга қарши (БЦЖ), полиомиелитга қарши (ОПВ), тепки, қизамик, бўғма, қоқшол, кўкйўталга қарши (АҚДС) (АДС-М)			
1 кун	ВГВ-1			
2–5 кун	БЦЖ-1	ОПВ-0		
2 ойлик	ВГВ-2	ОПВ-1		
3 ойлик	ОПВ-2	АҚДС-2		
4 ойлик	ОПВ-3	АҚДС-3		
9 ойлик	ВГВ-3	Қизамик-1		
16 ойлик	ОПВ-4	Тепки-1	Қизамик-2	АҚДС-4
7 ёш (1-синф)	БЦЖ-2	ОПВ-5	АДС-М-5	
15–16 ёш (9-синф)	БЦЖ-3			
16–17 ёш (10-синф)	АДС-М-6			

– жазолаш керакми-йўқми, деган гу-  
мон пайдо бўлса, жазоламаслик. «Ҳар эх-  
тимолга қарши» жазолашларнинг бўлиши  
асло мумкин эмас;

– бир сафар фақат биргина иш учун жа-  
золанади;

– ўтиб кетган ишлар учун жазолан-  
майди. Ҳар бир нотўғри иш учун жазони ўз  
вактида бериш керак;

– жазолаш кечириш демакдир, энди бу  
иш болага камчилик сифатида эслатилмайди.

Жазолашда ҳўрлаш мумкин эмас. Шу  
б-н бирга бола шахсини доимо кўркувда  
сақлаш ҳам мумкин эмас.

**БОЛАНИ ЭМИЗИШ**, лактация – болани  
она сутти б-н озиклантириш. Б.э. туғуруқлар  
орасидаги танаффусларни чўзишда аха-  
миятга эга. Анасарият ривожланаётган мам-  
лакатларда бу усул бошқа усуллардан кўра  
фойдалироқ деб топишган. Б.э. физиоло-  
гияси тухумдонлар вазифасининг нисбатан  
камайиши ва ановуляция содир бўлиши  
б-н боғлиқ. Ановуляция туғуруқдан кейин-  
ги 4–21 ойдан то 24 ойгача давом этади.

Б.э. даврида ҳомиладор бўлиб қолиш  
ҳар 100 та аёлдан фақат 2–12 тасидагина ку-  
затилганлиги бу усулнинг бошқа усулларга  
қараганда самаралироқ эканлигини кўрса-  
тади. Баъзи аёллар эмизишда тажрибасиз  
еканлиги сабабли ушбу усул самара бер-  
майди. Кўкракда ахён-ахёнда эмизиш, кў-  
шимча овқатлантириш каби омиллар ҳайз  
циклининг қайта тикланишига олиб ке-  
лади. Натижанда аёлнинг ҳомиладор бўлиб  
қолиш хавфи юзага келади. Эмизикли давр  
аменореясини тегишли тарзда эмизиш б-н  
сақлаб қолиш мумкин.

Болани тўғри эмизиш бир қанча муам-  
моларнинг олдини олиш ва уларни барта-  
раф этишнинг муҳим омилдир. Шундай  
екан, болани кўкракка тўғри тутиб, уни  
тўғри эмизишга эътибор қаратиш лозим.

Бола кўкрак учини оғзи б-н тўла камраб  
олади, лаби ва милклари онанинг кўкрак

учи асоси (ареоласи)ни ямлаб туради, бо-  
ланинг пастки лаби ареоладан узоқроқда  
жойлашади ва чақалоқ тили ареола соҳаси-  
дан пастрогида лаб б-н милкка тақалиб ту-  
ради ҳамда кўкрак учини танглайга босиб,  
сут чиқишига ёрдам беради.

Нотўғри эмизишда бола фақат кўкрак  
сўргичини эмади ёки чайнайди, тил кўкрак  
учида бўлади, бола лаби ва милклари аре-  
ола ўрнига кўкрак учини сўради, бола лаб-  
лари ичкарига қараб тортилиб киради.

Кўкрак безлари турли аёлларда турли  
шаклларда бўлиши ва Б.э.да маълум ноқу-  
лайликларни келтириб чиқариши мумкин.  
Айрим аёлларда кўкрак учи яхши бўртиб  
чиқмаган, ясси, ҳатто ичига тортилган  
бўлади. Ичига тортилган бундай кўкрак  
учини осон эмишга мослаштириб, тезда  
тўғрилаш лозим. Бунинг учун аёл ҳоми-  
ладорлик даврида кўкрак учини чиқариш  
машқларини бажариши керак. Кўкрак учи  
ясси аёллар, Б.э.дан олдин бир оз сутни  
соғиб ташласалар, кўкрак анча юмшайди  
ва боланинг эмиши қулайлашади. Айрим  
ҳолларда кўкрак учига махсус мосламалар  
кийгизиб, боланинг эмишига ёрдам кўр-  
сатиш мумкин. Болани эмизиб боқишда  
кўкрак учининг яллиғланиши ва ёрилиши  
ҳам анча қийинчиликларга олиб келади.  
Боланинг нотўғри эмиши, ноқулай ҳолатда  
бўлиши, кўкрак учини катта куч б-н сў-  
риши ана шундай ҳодисаларга сабаб бў-  
лиши мумкин.

Боладаги айрим нуқсонлар (лаб, каттик  
танглай тиртиклиги, пастки жағнинг ту-  
шиб кетиши) ҳам кўкрак бериб эмизишда  
қийинчилик тугдиради. Бундай ҳолларда  
болани эмизавериш керак, чунки ривож-  
ланиш нуқсони бор болалар ҳам сўришга  
мослашадилар. Боланинг сутни етарли  
олаётганини текшириб туриш зарур. Бун-  
дай нуқсонларнинг оғир турида болаларга  
соғилган сут чой қошиғида, пипетка ор-  
қали берилади. Тил юганчасининг калта

бўлиши кўкракни сўришга халакит бермайди. Бола катта бўлиб боргани сари юганча тортилади. Кўпинча болалар оғиз бўшлиги касалликларида (стоматитлар, тил оқариши) ёки тумов бўлганларида кўкракни огизларига олмайдилар. Бунда, албатта, врачга мурожаат қилиш керак.

**Б.э. коидаси.** Она Б.э.дан олдин қўларини совунлаб ювиши, кўкрак ва кўкрак учини қайнатилган сув ёки 2% ли борат кислота эритмасига ботирилган пахта б-н яхшилаб артиши лозим. Дастлабки бир неча томчи сут соғиб ташланади.

Кўзи ёриганидан сўнг дастлабки 4 кун мобайнида она болани ётган ҳолда, кейин ўтириб эмизади. Бунинг учун стулга ўтириб, оёқни (бола эмадиган кўкрак томондаги оёқни) курсича (полдан 20–30 см баландликда) устига қўйиш керак. Она бир қўли б-н болани ушлаб туради, бошқа қўли б-н бола оғзига кўкрак учини солади. Бола кўкрак учи атрофининг бир қисмини оғзига олади. Она тўртта бармоғи б-н кўкрагини кўтариб туради, бош бармоғи б-н эса бола бурнини ёпиб қўймаслиги, нафас олишига халакит бермаслиги учун кўкракнинг тепасидан ушлаб туради. Бола эмизганда бир сафар фақат битта кўкракни бериш керак, иккинчи томони эса кейинги эмизшда берилади. Бола сутнинг ҳаммасини эмиб олмаса, қолганини, албатта, соғиб ташлаш лозим.

Б.э.да иштаҳасини қўзғаш ва ютиш рефлексини (кўникмасини) пайдо қилиш учун аввал оғзига бир неча томчи сут томизилади, кейин оғзига кўкрак солинади. Агар бола эриниброқ эмса, 20 дақ.дан кейин кўкракни чиқариш ва сутини соғиб олиб, болага қошиқчада ичириш маъқул. Шундай ҳам бўладики, бола эмаётганда қорни тўймасдан бирпасда ухлаб қолади, кейин орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг уйғониб, овқат талаб қилади. Боланинг эма туриб мудраётгани сезилса, она кўкраги

учини оғзидан сал тортиши зарур, шунда гўдак уйғониб, кўкрак учи текканини сезади ва яна эма бошлайди. Эмизиб бўлгандан кейин бола оҳиста ўрнига ётқизилади.

**БОЛАНИ ЭМИЗИШ ҲОЛАТЛАРИ** – бола эмизишнинг турли ва қулай ҳолатлари. Улар ичида энг кенг тарқалгани болани тиззада олиб ўтириб эмизишдир. Ҳар бир она боласини эмизиш учун ўзига энг қулай ҳолатни танлаши лозим. Бунда тиббиёт ходимларининг роли катта бўлиб, тегишли ҳолатни улар оналарга туғишдан олдин ва онанинг кўзи ёригандан кейин ўргатишлари лозим. Эмизиш учун қулай ҳолатда она бутун вужуди б-н болани ҳис қилиб, роҳатланиб эмизади. Боланинг ёноқлари она кўкрагига тегиб туради, бола оғзини катта очиб, лаблари чўччайиб, кўкракка интилади. Кўкрак учини ямлаб олгач, аста-секин сўра бошлайди. Бола тинч ва хотиржам эмганда, она кўкрагининг учида оғриқ сезмайди.

Туғуруқ жараёнида аёллар турли-туман дориларни иложи борича кам ичиши керак. Айниқса, оғриқни қолдирадиган дорилар – анальгетиклар болаларга ҳам таъсир этиб, боладаги тетикликни камайтиради, уйқусини келтиради, натижада болага биринчи кўкрак бериш муддати чўзилиб кетади.

Бола туғилгач, она б-н бола бирга бўлиши керак, фақат иложи бўлмаган ҳоллардагина болани онадан алоҳида қўйиш мумкин. Бола туғилгач, дастлаб 1 соат давомида чақалоқ она қорнида ётиб, унинг бадани онаси баданига тегиб туриши (тана алоқаси) ва шу ҳолатда онани эмиши лозим. Чақалоқ туғилгандан сўнг қилинадиган муолажа (болани ювинтириш, вазнини аниқлаш, кийинтириш ва б.)ни 1–2 соат орқага суриб, болани эмишга ўргатиш керак.

Болани кўкрак сути б-н озиқлантириш унга қулайликни у қадар бермас-да, боланинг иммунитетини кўтариш,

интеллектини ривожлантириш, меҳрга тўйиниш каби энг асосий жиҳатларни таъминлайди.

**БОЛАНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ** – боланинг фарзанд ҳамда жисмоний шахс сифатидаги ҳуқуқлари мажмуи. Уларга куйидагилар киреди:

1. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар б-н бирга яшаш ҳуқуқига эга (ОКнинг 65-моддаси).

2. Ота-онасининг никоҳи бекор қилинганда ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам, ота-оналар алоҳида-алоҳида яшаганларида ҳам, бола ўз ота-онаси билан кўришиш ҳуқуқига эга (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар бундан мустасно), (ОКнинг 66-моддаси).

3. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола б-н кўришиб туриш ҳуқуқига эга (ОКнинг 77-моддаси).

4. Ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ўз ҳуқуқларини суийестемол қилганда бола ўзининг ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгач, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (ОКнинг 67-моддаси).

5. Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифодалашга, ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли (ОКнинг 68-моддаси).

6. Бола исми ва фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқига эга (ОКнинг 70-моддаси).

**Вояга етмаган болаларнинг мулкий ҳуқуқлари:**

– ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас;

– вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва б. шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга;

– ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги б-н бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин;

– вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлишга ҳақлидирлар;

– ота-она фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкани фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар;

– ота-она фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва тенг мажбуриятларга эга;

– ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланади, ҳамда ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар б-н бўлган муносабатларда, судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

**БОЛАНИНГ ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАРИ** – «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига асосан, ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар Б.қ.в. ҳисобланади.

**БОЛАНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ** – отаси томонидан ёки отаси деб тахмин қилинаётган шахсдан дунёга келган болага нисбатан оталикнинг белгиланиши.

**БОЛАНИНГ ОИЛАДА ЯШАШ ВА ТАРБИЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ** – боланинг асосий ва бирламчи фарзандлик ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси ОКсининг 65-моддасида «Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи» белгиланган, яъни ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар б-н бирга яшаш

хуқукига эга (бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир). Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши каби ҳуқуқларга эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Шунингдек, ОКнинг 67-моддаси боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқига бағишланган.

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

### **БОЛАНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ**

– боланинг шахсий номулкий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари мажмуи. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг ОКда ўз ифодасини топган бўлиб, боланинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига: боланинг оилада яшаш, ота-онаси ва қариндошлари б-н кўришиш, фикрини эркин ифода этиш, исм, ота исм ва фамилия олиш ҳамда уни ўзгартириш ҳуқуқлари, ҳар қандай зўравонлик, шафқатсизлик ва б. турдаги тазйиқлардан ҳимояланиш кабилар қиради. Унинг устидан тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши тақиқланиб, шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда эса юқоридagi ҳуқуқларга қўшимча равишда боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга

бўлган ҳуқуқий кафолатлари, боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари, боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари, соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари каби ҳуқуқлари келтириб ўтилган.

**БЎЙИДА БЎЛИШ** – ҳомиланинг пайдо бўлиши, уруғланиш. У жинсий яқинлик натижасида аёл тухум хужайрасининг эркак пушт хужайраси – сперматозоид б-н қўшилиб кетиши (сингалия) оқибатида юзага келади. Қинга тушган сперматозоидлар бачадон бўйни орқали бачадон бўшлиғига, сўнгра тухум йўлига ўтиб, шу ерда жинсий яқинликдан 1,5–2 соат ўтгач, тухум хужайра б-н тўкнаш келади. Тухум хужайранинг пўсти ҳисобланадиган юпка пардани тешиб, фақат битта сперматозоид (энг кучлиси) ичкарига ўтиб олади; сперматозоид ядроси ва тухум хужайра бир-бирига қўшилиб кетади (бу вақтда тухум хужайрада шундай мураккаб ўзгаришлар юз берадики, натижада бошқа млн.лаб сперматозоид ўтолмай ҳалок бўлади) ва уруғланиш (сингалия) содир бўлади.

Дастлаб уруғланган тухум хужайра (зигота) фақат микроскоплардагина кўринадиган жуда кичик томчи ҳолатида бўлади. Бачадон найининг тўлқинсимон қисқариши туфайли уруғланган тухум бачадон бўшлиғи томон сурилиб боради. Айни вақтда уруғланган тухумда бўлиниш жараёни бошланади: у аввал икки нимтага ажралади, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бўлинаверади. Шундай қилиб, битта тухум хужайрасидан диаметри 1,5 мм ли тут мевасига ўхшайдиган шарсимон танани ҳосил қилувчи беҳисоб хужайралар пайдо бўлади. Мана шу бир талай хужайралардан аста-секин жуда мураккаб йўл б-н ҳомила, одам пушти (ҳомила тухуми) ҳосил бўлади. У бачадон ичида ривожланиб


боради. Айтиш керакки, ҳомиланинг энг мураккаб, энг сирли даври ҳам айнан ана шу давр. Ҳеч бир аёл ўз танасида кечаяётган бу мураккаб жараёнларни ҳис қилмайди, қачон ҳомиладор бўлганини ҳам айтиб бера олмайди. Бачадон бўшлиғига тушган ҳомила тухуми 6–8 кунда бачадон шиллик пардасига пайвандланиб ўрнашиб олади ва Б.б. вужудга келади.

**БУРЧ** – шахснинг бирор киши, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англаувчи ахлоқий тушунча, инсон маънавиятининг таркибий қисми. Б. – қонун ва барча ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ва муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир. Б.да объектив муносабатлар ифодаланади, яъни у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий негизлари б-н белгиланади. Б.нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди.

**БЎШ ВАҚТ** – одамнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий мажбуриятларидан ташқаридаги, унинг шахс сифатидаги маънавий-жисмоний камолотини таъминлаш учун ўз ихтиёри б-н тақсимланиши мумкин бўлган вақт. Ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, яшайдиган жойидан қатъи назар, ҳар қандай одамнинг кундалик ҳаётини иш вақти ва ишдан ташқари вақт тарзида иккига ажратиш мумкин. Иш вақти инсоннинг ижтимоий-ташқилий фаолиятда иштирок этган вақтини англатиб, иш куни, иш ҳафтаси, иш оyi, иш йили б-н ўлчанади. Балоғат ёшидаги болалардан ташқари, кичик ёшдаги болаларнинг МТМдаги, ўқувчиларнинг мактабдаги, талабаларнинг ОЎЮдаги фаолияти ҳам иш вақти ҳисобланади. Ишдан ташқари вақтни шартли равишда уйку, дам олиш, овқатланиш, ўзига қараш, уй ишлари б-н шуғулланиш Б.в. сингари турларга ажратиш мумкин.

Б.в. ҳар бир шахснинг жисмоний-биологик, маънавий-интеллектуал жиҳатдан камолотга эришишини таъминлашга ёрдам берадиган тушунчадир. Ҳар бир шахснинг маънавий-аклий даражаси унинг Б.в.дан қандай фойдаланиши б-н белгиланади. Шахслар ва оилалардан таркиб топган жамиятнинг ривожланганлик даражаси ҳам фуқароларнинг ўз Б.вларини мазмунли ўтказишлари б-н белгиланади. Шунинг учун фуқароларнинг маънавий юксалишини истаган мамлакатларда Б.в микдорининг борган сари кўпайишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар бир оила ўз аъзоларининг Б.в.идан тўғри фойдаланишларига эришгандагина миллат, жамият савияси юксалиши таъминланади. Бунинг учун Б.в.ни шахснинг ижодкорлигини ошириш, маънавий-маърифий савиясини кўтариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, китобхонлик даражасини орттириш, санъат ва спорт б-н шуғулланишини таъминлашга сарфлаш лозим.



**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ** – 2018 йил 2 февралда ПФ-5325 сонли «Хотин-қизларни қўл-

лаб-қувватлаш ва оила ин-тини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда тузилган тадқиқот маркази. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика «Оила» илмий-амалий маркази негизида ташкил этилди ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– оила ин-тини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

– оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали татбиқ этиш;

– замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатлари, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, улар асосида оила ин-тини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– умуминсоний ва миллий-оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунали шаклини

ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» Конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш;

– давлат органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва б. жамоат ташкилотлари б-н биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар б-н тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;

– оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари б-н ҳамкорликни амалга ошириш.

**ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК** – Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 176-моддасига кўра, 14 ёшга тўлмаган болаларга, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 32-моддасига асосан, муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирор шахснинг суд томонидан васий ёки ҳомий қилиб белгиланиши. В. ва ҳ. ота-онасининг қарамогидан махрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. В. ва ҳ. туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорлари б-н белгиланади.

Васийлик 14 ёшга тўлмаган шахсларга белгиланади.

Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

**ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ** – суд томонидан лаёқатсиз ёки лаё-

қати чекланган деб топилган шахсларга гамхўрлик килувчи ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси ОК ва 1999 й. 12 апр. даги Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли Қарори б-н тасдиқланган Низомга кўра, васийлик ва ҳомийлик вазифасини ўташ: 1) 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига; 2) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига; 3) соғлиги ёмонлиги сабабли лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан – ижтимоий таъминот бўлимларига юкланади.

**ВАСИЯТ** – Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1120-моддасига асосан, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулки ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда, тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси.

**ВАТАН** – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, худуд, ижтимоий муҳит, мамлакат. В. тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода – бутун бир халқ, аждодлар азалдан истиқомат қилиб келган макон. Тор маънода – киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ. Инсоннинг уйли-жойли, бошпанали бўлиши, унинг оиласи, бола-чақаси ҳам баъзан «В.» сўзи орқали ифода этилади. **ВАФОДОРЛИК** – юксак маънавий фазилат; садоқат, ўз аҳду паймонида, сўзида, ваъдасида қатъий туриш.

Алишер Навоийнинг таъбирича, В. ва садоқат ғоялари, аввало, ҳар кимнинг қониди бўлмаса, унга ўргатмоқ мушкулдир. Вафо ва садоқат бир-бирини тўлдирадиган юксак инсоний фазилатдир. Шунинг учун ҳам халқимизда «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деган нақл бор. Айтган сўзининг устидан чиқиш, ваъдани бажариш, ўз олдига қўйган режани адо этиш В. белгисидир. В., энг аввало, оила ва жамиятни безайди.

**ВЕНЕРИК КАСАЛЛИКЛАР** – таносил касалликлари, зухровий касалликлар – жинсий йўл б-н юқадиган захм, сўзак, юмшоқ шанкр, трихомоноз, микоплазмоз, хламидиоз, чов лимфогранулематози, жинсий аъзолар соҳаси учуғи, шунингдек, ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг умумий номи. В.к. жуда қадимдан маълум. Гиппократ, Цельс, Гален ва б. асарларида ҳам В.к. ҳақида маълумотлар бор. Айрим ривожланишдан ортда қолган мамлакатларда аҳолининг оғир аҳволда яшаши, ишсизлик, баъзи аёлларнинг ҳеч қарда ишламай фоҳишалик б-н шуғулланиши, эркаларнинг аёллар б-н жинсий алоқада бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик ва б. В.к.нинг тарқалиши ва кўпайишига замин яратади. В.к. (айниқса, захм, сўзак ва хламидиоз) кенг тарқалиши мумкин. Улар кишилар соғлигига путур етказишдан ташқари, жамият учун ҳам хавфлидир. В.к. вақтида даволанмаса ёки нотўғри даволанса, сурункали тус олиб, бемор узоқ вақтгача иш қобилиятини йўқотади, кўпинча ногирон бўлиб қолади. Сўзак бўлган эркак ёки аёл узил-кесил даволанмаса, жинсий заиф, умрбод бепушт бўлиб қолиши мумкин. В.к. б-н оғриган беморларнинг ички аъзолари ва марказий нерв системаси издан чиқади. Захм бўлган аёл ҳомиладор бўлиб, ўз вақтида даволанмаса, бола ё ўлик ёки захм б-н касалланиб, майиб-мажруҳ бўлиб туғилади (туғма захм). В.к. б-н оғриган бемор ўз вақтида тери-таносил касалликлари диспансерига мурожаат қилиб, мутахассис врач кўрсатмаси бўйича даволанса, албатта, тузалиб кетиши мумкин. Саёқ юриш, ичкиликка ружу қўйиш, ўз оиласига хиёнат қилиш, ноқонуний никоҳ, тасодифий жинсий алоқаларга йўл қўйиш В.к.нинг кўпайишига сабаб бўлади.

ЎзРда В.к.га қарши курашиш учун махсус диспансерлар ва б. даволаш профилактика муассасалари мавжуд. Улар

касалликни юктирганларни қидириб топиб, даволанишга мажбур қиладилар, бу б-н В.к.нинг бошқаларга юкиш хавфининг олди олинади. В.к.нинг олдини олишда хомиладор аёллар, болалар муассасалари, озик-овкат соҳаси ходимларининг белги-ланган муддатда врач кўригидан ўтиб туришлари муҳим. Аҳоли орасида В.к.нинг ёмон оқибатлари, унинг олдини олиш ва даволатиш зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бемор ўзида В.к. борлигини била туриб бошқалар б-н жинсий алоқа қилиб, касалликни юктирса, ЎзР ЖКга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

**ВИСОЛ КЕЧАСИ**, «қовушув» – янги келин ва куёвнинг биринчи висол кечаси. В.к. оила кураётган ёшлар учун энг масъулиятли онлар ҳисобланади. Келин-куёвнинг кейинги биргаликдаги бахтли ҳаётлари айнан шу қўйиладиган биринчи қадамга бевосита боғлиқ. Яхши тарбия кўрган, пок сақланган, ёшларнинг шу пайтгача сирли бўлиб келган оилавий турмушнинг бу жабҳасига қадам қўйишлари яхши ниятлар б-н амалга ошиши, ўзаро ишонч, хурмат, меҳрибонлик, севги-муҳаббат б-н бошланиши керак. В.к.нинг нозик қоидаларини билмаслик салбий асоратларни юзага келтиради. Мас., тиббий ёрдам кўрсатиш заруратининг юзага келиши, ёшлар бир-биридан кутган муносабатнинг бўлмаганлиги ва б.

**В.к. ҳақида келинга маслаҳатлар.** Жинсий муносабат асл муҳаббат чўққиси эканлигини унутмаслик ва қовушиш учун фақат куёв масъул, деб ўйламаслик. В.к. қизликдан жувонликка ўтишда бир оз оғрик бўлиши мумкин. Агар гавда бўш тутилмаса, ногўғри хатти-ҳаракатлар б-н куёвга қаттиқ қаршилик қилинса, кин мускуллари қискариши қийинлашади ва оғрик пайдо бўлади.

В.к.дан кейин гигиена муолажаларига, албатта, риоя этиш керак. Биргаликдаги

ҳаётда қайсарлик, худбинлик эмас, балки поклик, бегаразлик энг асосий муносабат ҳисобланади.

**В.к. ҳақида куёвга маслаҳатлар.** Биринчи В.к.нинг мақсади тезроқ қовушиб, қизлик пардасини бартараф қилиш деб ўйламаслик керак. Айнан илк муносабат кейинги ҳаётга мазмун бахш этиши мумкинлигини тўғри англаш лозим. Ширин суҳбатлар аёл бош миясидаги шахвоний марказни қўзғатиб, унда кўрқувни бартараф қилади. Аёлнинг жинсий майл қўзғатадиган аъзолари – бўйин, лаблар, оғиз бўшлиғи, сийналар, елка соҳаси, сонлар ички тарафи қабилар ҳисобланади. Дастлабки яқинлиқдан сўнг қон ичкарига кетиб қолмаслиги учун келинни бир оз муддат чўккалатиб ўтказиб қўйиш керак.

**ВОРИСЛИК** (араб. – меросхўр, мерос қилиб олувчи) – воқеа ва ҳодисаларнинг тадрижий боғланишини ифодалайдиган атама. Табиат, жамият ва билиш тараққиёти жараёнида ходисалар ўртасидаги алоқадорлик, жамиятда ижтимоий ва маданий кадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда ўзлаштирилиши, анъаналарнинг амал қилишини англатади.

**ВОЯГА ЕТГАН ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ** – вояга етган ва меҳнатга лаёқатли шахснинг меҳнатга лаёқатсиз ёки эътиборга муҳтож ота-онаси ёки ота-оналик мақомидаги шахсларга ғамхўрлик қилиш мажбурияти. Амалдаги фуқаролик ва оила қонунчилигига кўра, у шахс 18 ёшга тўлгач, тўла ҳажмда амал қилади. Бу орқали фуқаро ўз ҳаракатлари б-н фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва уларни амалга ошира олади, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтиради ва уларни бажаради.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Улар ўз ота-оналари сихат-саломатлигига

этибор бериш, маънавий ёрдам кўрса-тишга мажбурдирлар. Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти уларнинг ахлоқий мажбурияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фарзандларнинг бу мажбурияти Конституциявий мажбуриятга айлантириб қўйилган. Фарзандлар ота-оналарини меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганида уларга ёрдам беришлари, улар муҳтож бўлган нарсаларни мухайё қилиб туришлари лозим. Кўпинча ота-оналар қарилик ёки ногирон бўлган даврларида яхшигина нафақа олиб моддий томондан яхши таъминланган бўлсалар-да, аммо улар ўз фарзандларининг ғамхўрлик қилишларига, маънавий этиборларига муҳтож бўладилар. Муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар фарзандлари ғамхўрлик қилмаганликлари учун алимент ундириш ҳақида судга даъво аризаси б-н мурожаат этишлари мумкин. Қонун б-н мустақамланган, меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбурияти, биринчи навбатда, уларнинг маънавий бурчи ва вазифаси саналади.

ОКнинг 109-моддасига биноан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-оналар ва болалар бошқа қариндошлари бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар, бир-бирларига моддий таъминот беришга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасининг ОКга мувофиқ меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин. Бундай ҳолатда келишув вояга етган ҳар бир фарзанд б-н ота ва онанинг ҳар бири ўртасида, томонлардан бири муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолларда эса унинг қонуний вакили ўрта-

сида тузилади. Бундай битим ота-оналар меҳнатга лаёқатсизлиги ва муҳтожлигидан қатъи назар тузилиши мумкин. Моддий ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ота-она фойдасига алимент ундирилиш вақтида ота-онанинг ва болаларнинг моддий, оилавий шароитлари, шунингдек, тарафларнинг этиборга лойиқ барча ҳолатлари ҳисобга олиними лозим. Ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ота-онага алимент тўлаш тўғрисидаги даъво оиладаги барча меҳнатга лаёқатли вояга етган болаларга нисбатан қўзғатилиши мумкин.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ** – 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракати ва унга нисбатан белгиланган жазо.


Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддасига биноан жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар 13 ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахслар қуйидаги жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар:

1. Қасддан одам ўлдириш.
2. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш.
3. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш.
4. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш.
5. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш.
6. Номусга тегиш.
7. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, гайритабiiий усулда қондириш.
8. Одам ўлдириш.
9. Босқинчилик.
10. Товламачилик.
11. Талончилик.
12. Ўғрилик.
13. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш.
14. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар.
15. Озодликдан маҳрум қилиш

жойларидан қочиш. 16. Ўқотар қурол, ўк-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш. 17. Радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш. 18. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроксиз ҳолга келтириш. 19. Транспорт воситасини олиб қочиш. 20. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш. 21. Безорилик.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмида кўрсатилган 205 та жинойтдан 23 таси бўйича жинойй шахслар 14 ёшдан 16 ёшгача жинойй жазага тортилади. Вояга етмаганлар жинойтининг олдини олиш учун, энг аввал, оилада ота-она тарбиясини юксалтириш лозим.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ** – муайян ҳолатлар (юридик фактлар) юзага келганда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари махсус фондлардан бериладиган моддий ёрдам ёки натурал шаклдаги ижтимоий хизмат.



**ГАП** – дўст-тенгқур, ҳамкасблар ўртасида навбат б-н ўтказиладиган зиёфат, меҳмондорчилик. Г. иштирокчилари кўпи б-н

20–25, ози 6–12 кишидан иборат «бир тўп», «бир жўра» бўлиб уюшадилар, уларнинг ҳар бири «жўра», «улфат» деб номланади. Г. Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Фарғона водийсида «Г.», «навбат», Ўзбекистоннинг жан. вилоятларида «гашттак» (айрим жойларда «Г.и гашттак»), Қашқадарё вилоятининг баъзи жойларида «халфана», Хоразм вилоятида «қатор зиёфат», «ўтиришма», «гурунг» номлари б-н аталади.

Г. мажлиси маълум касб эгалари, хунармандлар ёки ҳаммаҳалла тенгқурлар ўртасида ўтказилган. Косиблар, отбоқар, аравақаш, мешқоб, бўёқчи, дурадгор ва х.к. алоҳида-алоҳида тўпларга уюшган. Ўтмишда Ўрта Осиёда маданий ҳордик муассасалари бўлмаганидан Г. дам олиш ва вақтни кўнгилли ўтказишнинг бир тури бўлган. Г. мажлислари ё навбат б-н ёки ўртада маблағ тўплаб ўтказилган. Ўртада маблағ тўплаб зиёфат ёйиш «тўкма» деб аталган ва, одатда, кеч қуздан то баҳоргача ҳар куни ўтказилган. Тўкма бой табақалар орасида (Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона водийлари) кўпроқ тарқалган эди. Г. навбати келган жўра меҳмонхонага зиёфат масалликларини то ўтинигача олиб келган. Таомларни тайёрлаш учун жўралар орасидан 2–3 киши ошпазликка белгиланган. Г.да суҳбат, ўйин, ашулалар бўлиб, одобдан ташқари гап-сўз бўлмаган. Кеча давомида аскиябозлик, шеърхонлик, турли мавзуларда ширин суҳбатлар ўтказилган. Г.да жўраларнинг сони бир мавсум учун ўзгармай қолган. Баъзи жойларда эса тўп таркиби йилдан-йилга ўзгаришсиз давом этган. Бир тўпда Г. иштирокчилари – жўралар ҳар қандай ишда бир-бирларига ёрдам берганлар, деҳқончилик ишлари, иморат қуриш, тўй, аза, қувонч ва мусибатда ҳамкор ва ҳамдард бўлганлар. Г. бериш ўзбек, тожик ҳамда уларга яқин жойларда ёки аралаш яшовчи қозоқ, қирғиз ва уйғурлар орасида ҳам тарқалган.

**ГЕНДЕР** (инг. gender – уруф) – инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча. Г. хулк-атворнинг социал ўзига хослигини ифода этади. Г. инсоннинг жинсий мансублигига мувофиқ равишда ўзига хос тарзда ижтимоийлашувидир. Ҳоз. замон табобати чақалоқ туғилмасдан анча илгарироқ унинг қандай жинсга мансублигини билиш имконига эга. Ота-оналар ўғил ёки қизнинг туғилишига турлича муносабат билдиришлари мумкин. Шунингдек, турли халқлар ва маданиятларда ўғил ёки қизга турлича муносабат билдирадилар. Мас., Японияда то XX а. бошларига қадар янги туғилган ўғил болаларни чақалоқлигиданок йўқ қилиш анъанаси мавжуд бўлган, уларни бозорда сотиш, фойда кўриш қийин, деб ҳисоблаганлар. Бошқа халқларда, хусусан, канадалик эскимослар қиз болаларни чақалоқлигидан йўқ қилишга ҳаракат қилганлар. Исломгача арабларда ҳам шундай ҳолатлар мавжуд бўлган.

Болалар ёшлигиданок эркак ёки аёл ролини ўйнай бошлайдилар. Қиз болаларнинг она ролини, ўқитувчи, шифокор ролларини ўйнаши, ўғил болаларнинг эса машиналар, конструкциялар б-н қизиқиши бежиз эмас. Болаларнинг ўз жинсига мувофиқ ижтимоийлашувида маданий муҳит қатта роль ўйнайди. Маданий муҳитгина эркак ва аёлнинг қандай бўлиши зарурлигини белгилайди. Шунингдек, Г. муносабатларининг бошқа мезонлари ҳам мавжуддир. Одатда, эркаклар ташаббускорлиги, агрессивлиги, ҳукмронлик қилишга мойиллиги, авторитарлиги, лидерликка интилиши, ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатларида рационаллиги, ўзини кўрсатишга интилиши, ўз «мен»лигини қарор топтириш учун зўр бериши, худбинлиги б-н характерланади. Бирок аёллардаги бундай сифат жамоатчилик томонидан қораланади. Аёллар ўз хулк-атворидаги юмшоқлик, кўнгилчан-

лик, меҳрибонлик, сабр-тоқатлилик, ғам-хўрлик, альтуризм, эмоционаллик, жозибадорлик, мулоқотга интилиш, мурасозлиги, тенглик, одиллик ва эркинликни кадрлаши б-н характерланадилар. Эркаклик ва аёллик тўғрисидаги тасаввурлар турли халқлар маданиятида кескин фарқланади. Бу эса эркак ва аёл ўртасидаги коммуникатив хулк ва ўзаро муносабатлар характериға кучли таъсир кўрсатади. Мас., ривожланган мамлакатларда хотин-қизлар юкори маълумотга эга бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этадилар. Тараккий этган мамлакатларнинг Г. сиёсати эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик ўрнатишга қаратилган.

**ГИПОПРОТЕКЦИЯ** – ота-онанинг бола б-н шуғулланишга вақти етишмасликдан у б-н ишлашни бошқаларга юклаб қўйиш. Айрим ота-оналар шу тарзда ҳаёт кечириб, фарзандларини умуман назорат ҳам қилмайди, унинг тақдириға бефарқ бўлади, ғамхўрлик кўрсатмайди, боласининг келажағига қайғурмайди. Г.нинг яширин шаклида ота-она бола устидан номиға нималардир қилгандай бўлади. Лекин аслида уларни фақат ўзларининг қундалик муаммолари қизиқтиради. Бола бу ҳолатларни таҳлил этиб, ўзини оилада ортиқча ҳис қила бошлайди.

**ГИПЕРПРОТЕКЦИЯ** – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танкид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш, болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш ва хатоларини сезмаслик. Боласи учун ҳамма нарсани ҳозир қиладиганлар ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар. Натижада бола келажакда ишға тоқати йўқ, қўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайди, ҳаётнинг паст-баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб

қолади. Айниқса, бола ўсмирлик ёшига етганда, эрка, тантиқ бўлгани учун дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интиладиган бўлиб қолади.

**ГҲДАК ПАРВАРИШИ** – бир ёшгача бўлган бола парвариши қонун-қоидалари. Г.п.да зарурий тавсиялар:

– бола кичкириғи ва йиғисига тез реакция билдириш орқали бунинг асосий сабабини аниқлаш;

– теварак-атрофга болада кичкириш хосил қилиш ва унга психик ривожланишда ижобий натижаларга эришиш учун гўдак ётадиган каравот ёки бешиқда бирор ўйинчоқни осиб қўйиш ва бу ўйинчоқ кўздан 30 см чамаси йироқда жойлашиши, ўннга ва чапга силжитиш имконияти бўлиши лозим. Бу ёшда болада оламни идрок этиш, унга нисбатан кизиқишнинг уйғониши каби ҳолатлар рўй беради. Шунинг учун ётиш жойини тез-тез ўзгартириб туриш, яъни каравотдан бешиқка, бешиқдан диванга олиш мақсадга мувофиқдир;

– ҳар қандай ҳолатда болага эътиборли, самимий бўлиш керак. Уни диққат б-н кузатиш ва ундаги кайфият ва ҳолатни илғаб олиш лозим;

– чўмилтириш, овқатлантириш, йўр-гакка ўраш чоғида у б-н кўпроқ суҳбатлашишдан эринмаслик керак;

– унга самимий боқиш ва жилмайиш керак;


– бола улғайиши мобайнида унга кўрсатилаётган предмет ва нарсаларнинг номларини тўғри айтиш, ҳамда такрорлаш лозим бўлади;

– узоқ вақт ёлғиз ўзини қолдирмаслик даркор (бешиқ, коляска, манеж, каравотда);

– болага тоза хавода кўп бўлиши фойдали, лекин айрим ота-оналар ҳамма нарсадан, тоза хавони устун қўйиш б-н хатolikларга йўл қўйишлари мумкин, болани фақат овқатланишга ёки кийим таглигини

алмаштириш учун уйга олиб киришга риюя этиб, у б-н кўпроқ гаплашиш керак;

– гоҳида кун тартибига қатъий риюя этишни гўдақдан талаб этадиган ота-оналар ҳам бор. Бундай ота-оналарнинг гоҳида асабийлашиши, ўта талабчан бўлишлари ўзлари билмаган ҳолда бола психикасига таъсир этади. Кун тартибининг бузилиши бу катта қайғу эмас. Кун тартиби Б.т.да ота-онага ёрдамчи бўлиши керак, холос. Кун тартибининг «қулига» айланишдан сақланиш лозим. Чунки ҳар бир бола ўзгача индивидуал-психологик хусусиятларга эга эканлигини ёдда тутиш керак.



**ДАМ ОЛИШ**, ҳордик чиқариш – ақлий ёки жисмоний меҳнат қилиб толиққан организм чарчоғини йўқотиш ёки иш қобилиятини тиклашга ёрдам берадиган фаолият. Етарли дам олмаслик ҳаддан ортик чарчашга олиб келади. Натижада организмнинг ҳимоя кучи сусаяди ва ишчанлик қобилияти пасаяди. Меҳнат ва Д.о.ни тўғри йўлга қўйиш саломатлик ва иш фаолиятини узоқ вақт сақлаб қолишга имкон беради.

Уйқу Д.о.нинг энг самарали тури бўлиб, уйқу пайтида мия ҳужайраларида

тикланиш жараёни жадаллашади. Бир хил ишдан бошқасига ўтиш, ақлий фаолиятни енгил жисмоний меҳнат б-н навбатма-навбат алмаштириб туриш чарчокни йўкотади. Бу ҳам Д.о.нинг ўзига хос тури ҳисобланади. Оқилона Д.о. тартиби кўп омиллар, хусусан, меҳнат шароитлари, ўқув жараёнларининг тўғри ташкил этилиши, шахснинг ёши кабиларга боғлиқ.

**ДЕМОГРАФИК ТАРКИБ** – аҳолининг жинс, ёш, никоҳ ва оила б-н боғлиқлигини камраб олувчи таркиб. Айнан шу таркиб, бир томондан, аҳолининг такрор барпо бўлиши ҳамда туғилиш, ўлим ва никоҳ жараёнларига тўғридан-тўғри ва бевосита таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, шу жараёнлар б-н тўғридан-тўғри ва бевосита алоқадор ҳисобланади.

**ДЕМОГРАФИЯ** (юн. «demos» – «халқ» ва «grapho» – «ёзаман») – аҳоли такрор барпо бўлиш қонуниятлари тўғрисидаги фан. Д. жараёнини ўрганиш зарурияти унинг ижтимоий-тарихий хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиқади. Ижтимоий фан сифатида Д. туғилиш, ўлим, никоҳга кириш ва унинг бекор бўлиши, эр-хотин жуфтлиги ва оиланинг такрор барпо бўлиш қонуниятларини ўрганади; ушбу фан аҳолининг ёш ва жинси, оилавий таркиби, демографик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, бу ҳодисаларнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида аҳоли умумий сони ва оилаларнинг ўзгариш қонуниятларини тадқиқ этади.

БМТ мутахассислари томонидан тайёрланган «Кўп тилли демографик луғат»да Д. тушунчаси қуйидагича талқин этилган: «Д. – аҳоли сони, таркиби ва ривожланишини илмий ўрганиш бўлиб, аҳолининг асосий хусусиятларини миқдор жиҳатидан ўзида мужассамлаштиради». Америкалик демографлар П. Хаузер ва О. Дункан Д. тушунчасини талқин қилишга тор ва кенг маънода ёндашиб, тор маънода бу – де-



мографик таҳлил (*demographic analysis*), кенг маънода – аҳоли тўғрисидаги фан (*population studies*), деган фикрни билдирадilar.

**ДИНИЙ МАРОСИМ** – жамият аъзоларининг диний таълимоти, унинг қонун қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-харакатларни ифодаловчи тушунча. Д.м. диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги кўринишидир. Д.м. барча диннинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар диний тасаввурлар орқали вужудга келган. Қадимда одамлар гайритабiiий кучларга турли маросимлар орқали ижобiiий ёки салбий таъсир этиш мумкин, деб ҳисоблашган. Д.м.ни бажаришда кохинлар, кейинчалик рухонийлар бошчилик қилишган. Улар ўз маросимларини аста-секин муайян диннинг талаби, хусусияти, ақидаси ва эҳтиёжига мослашган. Ислом динида ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза тутиш ва Рамазон ҳайити, қурбонлик қилиш ва Қурбон ҳайити, жаноза, суннат, никоҳ, дафн ва б. маросимлар бор. Болаларга ёшлиқдан бошлаб худди мана шу маросимларнинг асл моҳиятини англашти, уларни амалга оширишда турли бидъат ва дабдабозликларга йўл қўймасликнинг зарурлигини маҳалла, таълим масканларида тушунтириш лозим.

**ДИНИЙ НИКОҲ**, шаръiiй никоҳ – фақатгина дин томонидан тан олинган, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ. Мусулмонларда диний ходимнинг никоҳ ўқиши б-н кифояланган шаръiiй никоҳ.

XX а. бошларига қадар Туркистонда юкорида айтилганидек, фақат битта никоҳ тури – никоҳи доим (доимiiй) тан олинган. Мутъа, яъни муддатли, вақтинчалик никоҳ ҳақиқiiй эмас, деб саналган. Совет ҳукумати ўрнатилгунча Д.н. қонунiiй ҳисобланган. Имом ислом дини анъаналари

асосида никоҳ хутбасини ўқиб, эркак ва аёлнинг турмуш қуришини шариат асосида қонулаштирган. Совет ҳукумати ўрнатилгач, фақат ФХДдан ўтилган никоҳ қонуний деб тан олинган. Қонун 1917 й. 18 дек.даги «Гражданлик никоҳи, болалар ва гражданлик ҳолатларини қайд қилишни олиб бориш» тўғрисидаги декретда шаръий никоҳни ҳақиқий эмас, деб белгилаб, 1918 йил 16 дек.да қабул қилинган «Фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи ҳақида РСФСР қонунлар кодекси»да кўп хотинлиликни тақиқлаб қўйди. Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 13-моддасига кўра ҳам: «Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас».



**ЕТИМ БОЛА** – отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола. Е.б. чин етим деб ҳам аталади. Ота ёки она тирик бўла туриб, ажрашиши, бошқа шахарга ишлашга кетиши, ота-оналарнинг ўз зиммаларидаги фарзанд боқиб вазифасини меҳрибонлик уйларида ташлаб қўйиши ҳолатларида ҳам бу тушунча қўлланилади.

**ЁВУЗЛИК** – маънавий тамойиллари ва талабларининг бузилишидан ҳосил бўладиган, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари ва талабларига қарши жиноят, фаолият ва хусусиятни англаувчи тушунча. Ё. ўзининг оқибати, ижтимоий ёмонлик йўналишларига кўра ижтимоий бузилишни ифодалайдиган жараён ва хатти-ҳаракатдир.

Ё.нинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у ёрдамида инсоннинг тубанлиги, ғайрихлоқий фаолияти аниқ кўринади. Ё.нинг кўпгина жиҳатлари ёмонлик б-н, ёмонликнинг баъзи элементлари эса Ё. б-н мувофиқ келиши мумкин. Аммо Ё. ва ёмонлик айнан бир хил тушунча эмас, улар ўртасида муайян фарқ мавжуд. Мас., ёлғончилик ёмонликдир, жаҳолат – Ё.

**ЁМОН ХУЛҚ** – маънавий ривожланишига тўсқинлик қиладиган, кишиларнинг ахлоқий идеаллари, улар эъзозлайдиган кадриятларга зид келадиган, одамлар орасидаги муносабатларда салбий ҳодиса тарзида намоён бўладиган, инсонийлик талабларига мос келмайдиган хусусиятлар ва хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунча. Одатда,

Ё.х. кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган салбий ҳаракатлар, одатларда намоён бўлади.

**ЁРДАМЧИ МАКТАБ** – ақли заиф болалар ўқийдиган махсус муассаса. Ўзбекистонда дастлаб 1935 йилда Тошкент ш.да очилган. Асосан ақли заиф (олигофрениянинг дебиллик даражасидаги) ҳамда кейинчалик турли касалликлар туфайли ақли заиф бўлиб қолган болалар қабул қилинадиган бўлган. Махсус таълимда муҳтож болалар тиббий пед-психологик комиссия томонидан белгиланади. Ё.м.лардаги ақли заиф болалар учун махсус таълим-тарбия амалга оширилади. Ё.м.лар ЎзР ХТБ тизимига киради. Ё.м.ларда ақли заиф болаларга махсус таълим ДТСига мувофиқ мактабларнинг бошланғич синфи ҳажмига тўғри келадиган махсус таълим дастури, режаси ва дарсликлар асосида амалга оширилади. Ўқиш муддати 9 й. Ё.м.ларга ҳар синфга 10–12 нафар ўқувчи қабул қилинади. Мактабдаги ўқув вақтининг 1/3 қисми (4-синфдан) меҳнат таълимига ажратилади.

**ЁР-ЁР** – никоҳ тўйи маросимлари жараёнида айтиладиган халқ кўшиғи. Қадим замонлардан ўзбек, тожик, уйғур ва туркман халқлари орасида кенг тарқалган. Иккилик ёки тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлиб, ҳар банднинг охири, баъзан ўртасида «Ё.-ё., айланаман» каби сўзлар кўшиб айтилади. Одатда, доира жўрлигида, келинни кузатаётган аёллар томонидан, Фарғона водийси (Фарғона, Ўш, Хўжанд) ва Зарафшон воҳасида келинни кига кетаётган йигитлар томонидан ҳам ижро этилади. Ё.-ё.да келиннинг хусусиятлари, унинг ҳаёти, орзу-истаклари, яхши тилак ва қўловлари қуйланади. Ё.-ё.ларнинг фавкулдда таъсирчанлиги уларда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли йиғи (оҳангида), ҳам байрамона шодиёналик (усулда) кайфиятлари мужассам этилганлигидадир. Халқ Ё.-ё.

лари таъсирида ёзма адабиётда ҳам Ё.-ё.лар яратилган. Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Муфассал» асарларидаги Ё.-ё. матнлари теранлиги ва жозибадорлиги б-н ажралиб туради. Ўзбекистон вилоятлари (Бухоро, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва б.)нинг Ё.-ё.лари ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйлари мунгли, жозибали, ўйноқи, мазмунли ҳажв, мадҳия ҳам бўлиши мумкин. Ё.-ё.лар турли фольклор этнографик ансамбллар репертуаридан, ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан ҳам салмоқли ўрин олган.

**ЁШ** (биологияда) – организмнинг туғилгандан бошлаб унинг ўсиши, ривожланиши, вояга етиши ва қаришидан иборат ҳаёти тавсифи. Инсонда календарь Ё. (туғилгандан бошлаб муайян вақтгача ўтган давр) ва биологик Ё. бўлади. Биологик Ё. организмдаги моддалар алмашинуви ҳолати ва бу жараёнларнинг муайян популяция учун мос келишига қараб белгиланади. Умрнинг узайиши ва акцелерациянинг ривожланиши б-н Ё. чегараси тўғрисидаги тасаввур ҳам ўзгариб боради. Одам учун Ё.нинг энг юқори чегараси 115–125 й. ҳисобланади. Агар биологик Ё. календарь Ё.дан илгарилаб кетса, у холда вақтидан олдин қариш дейилади. Одам Ё.ига ижтимоий ва иқтисодий шароит ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳайвонлар Ё.и. Ёввойи ҳайвонлар Ё.и уларни тутқинликда (мас, ҳайвонот боғида) кузатиш ёки ҳалқалаш, к.х. ҳайвонлари Ё.и улар туғилган вақтни қайд қилиб қўйиш ёки уларни нишонлаш орқали, кўпчилик сут эмизувчилар Ё.и тишларининг едирилиши ёки шохларининг ҳолатига, балиқлар Ё.и тангачаларига, қушлар Ё.и патларига қараб аниқланади. Ўсимликлар Ё.и уруғнинг униб чиқиши ёки ниҳолнинг ривожлана бошлашидан Ё. ҳисобга олиннадиган давргача ўтган вақт б-н ўлчанади. Ўсимликлар умри ўсимлик турига ва у

Ўсаётган шароитга боғлиқ. Ўсимликлар орасида бир неча ҳафтадан (мас., баҳор эрофиласи, эфемерлар) бир неча минг йилгача умр кўрадиган турлари (мас., Австралия микрозалияси) бор. Кўпчилик дарахтлар узок яшайди.

**ЁШ** (хуқукда) – қонунчиликда ҳисобга олинадиган омил. Қонун муайян ҳуқуқий оқибатлар бошланишида одамнинг ёши назарда тутати. Чунончи, шахс маълум Ё.дан муомалага лаёқатлилиқ, ҳарбий хизматни ўташ, пенсиялар тайинланиш ва ш.к. б-н боғлиқ ҳуқуқларга эга бўлади.

Балоғат Ё.и, яъни 18 ёшга тўлган шахс сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар (ваколатли органларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва ҳ.к.)дан фойдаланади. Ё.нинг бошқа ҳуқуқий муносабатлар учун ҳам аҳамияти бор. Чунончи, никоҳ Ё.и Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда вояга етмаганлар меҳнати б-н боғлиқ масалалар ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси МК ёшлар учун қўшимча кафолатлар белгиланган. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари, улар меҳнатидан фойдаланиш тақиқландиган ишлар, улар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати, меҳнат таътили бериш ва ш.к. белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра, содир этилган жиноят учун 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун – 13 ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилади. Одамнинг неча Ё.далигини фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларини қайд этиш идоралари берган гувоҳнома тасдиқлайди. Агар бундай ҳужжат йўқ бўлган тақдирда, амалдаги қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ё. тўғрисидаги масала суд томонидан кўриб чиқилади.

**ЁШ ДАВРИ** – шахс ва организм шаклланишига хос махсус қонуниятлар йиғиндиси б-н изоҳланувчи инсон ривожланишининг муайян босқичи.

**ЁШ ХУСУСИЯТИ** – инсон шахсининг турли ёш даврларида рўй берадиган ўзгаришлар ва ўзига хос хусусиятларни ифодаловчи тушунча.


**ЁШЛАР** – жамиятдаги ижтимоий-демографик гуруҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар б-н тавсифланадиган тушунча.

Ё. жамиятдаги 18–30 ёш оралиғидаги аҳоли қатлами бўлиб, таълим тизими, меҳнат бозори, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги энг фаол аъзо ҳисобланади.

**ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ** – физиологик, тиббий, психологик, ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий, маданий, гигиеник, ижтимоий, иқтисодий ва жисмоний жихатларни ўз ичида мужассамлаштирувчи мураккаб ва масъулиятли жараён.

Жаҳон тажрибасига кўра, таълим олувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мактаб дастурларига киритилган. Хусусан, Швецияда 1942 й.дан, Чехия ва Словакияда 1960 й.дан буён «Оталик ва оналик тамоийиллари», Японияда бошланғич таълимнинг ўзида «Оилавий ҳаётга тайёрлаш» курслари ва Польшада 1973 й.дан «Оиладаги ҳаётга мослашиш» махсус курслари мавжуд. Ушбу курслар ёшларни оила тўғрисидаги қонунлар, тушунчалар, оила психологияси ҳақидаги билимларга ўргатади.

Мамлакатимизда ёшларни оила-никоҳ муносабатларига тайёрлаш муҳим вазифа саналади. Бу борада таълим тизимининг барча бўғинларида оилага оид тушунчаларни ёшларга ўргатиб бориш зарурдир.



**ЖАМИЯТ** – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Ж.даги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Ж.нинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар и.ч., оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Ж.да инсонларнинг озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва б.га бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Ж. тараққиёти табиий-тарихий, қонуний жараёндир. Ж.нинг ижтимоий тузилиши, яъни муайян ижтимоий қатлам, тоифа ва гуруҳларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ж.да турли қатлам ва тоифаларнинг мавжудлиги меҳнат тақсимооти, шунингдек, мулкчилик муносабатлари, Ж.да яратилган моддий бойликлардан оладиган улушига боғлиқ. Булар Ж.даги кишиларнинг фаолияти ҳамда даромадига қараб турли касбий ва ижтимоий гуруҳларга ажралишининг негизидир. Ж. ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маъна-

вий соҳаларга ажралади. Ж.даги ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифалар ҳамда миллий бирликлар, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини уйғунлаштиради. Сиёсий соҳа турли ижтимоий тоифа ва гуруҳлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотларнинг ўз сиёсий фаолиятини амалга оширувчи макондир. Уларнинг фаолияти Ж.даги ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилади. Маънавий соҳада кишилар турли маънавий қадриятларни яратади, тарқатади ва Ж.нинг турли қатламлари томонидан ўзлаштирилади. Бу соҳага адабиёт, санъат, мусиқа асарлари б-н бир қаторда кишиларнинг билим савияси, фан, ахлоқий меъёр ва, умуман олганда, Ж. ҳаётининг маънавий мазмунини ташкил қилувчи нарсалар қиради.

**ЖАМОА** – кишиларнинг қадимий уюшув шакли. Ж. асосан ибтидоий жамият тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклларида бири. Ж. тамоман ёки қисман ўзини ўзи бошқарган. Жамият тараққиёти жараёнида Ж.нинг шакли ва мазмуни ўзгараверади. Ж.нинг уруғ Ж.си, қишлоқ Ж.си, уй, оила Ж.си, қўшничилик Ж.си ёки ҳудудий Ж. каби кўринишлари мавжуд.

**ЖАНЖАЛҚАШ БОЛА** – оиладаги носоглом муҳит таъсирида ўсган ва инсонлар б-н уришиб юрадиган бола. Ҳар қандай одам стресс ҳолатида жанжаллашишга мойил бўлиб қолади. 1–2 ёшли бола жажли чиққанда жажлини чиқарган одам б-н уришмайди, балки у ерга ётиб йиғлайди, ўзини ўзи уради. Гўё одамларни урмасликка туғма тўсиқ бордай. Кейинчалик дуч келадиган ҳаёт кийинчиликларидан бу тўсиқни олиб ташлашга мажбур бўлади.

Бир ёшли гўдак оғриқ сабабларини секин-аста ўргана бошлайди. Аввалига она-

сининг сочидан тортиб кўради, юзидан тишлаб кўрмоқчи бўлади. Ақлли она уни бундан қайтаради. Бошқа бири эса ўйнашиб, ўзи ҳам уни тишлайди. Келаси сафар эса болакай каттиқроқ тишлайди.

Баъзи ота-оналар 2 ёшли тўнғичларини ўзини ўзи химоя қилолмастидан шикоят қилишади. Лекин кўпинча аччиқ тажриба сабаб сал ўтмай ўзларини бемалол химоя қилишларига гувоҳ бўладилар.

**ЖИГАРЛАР** – бир ота-онадан туғилган фарзандлар – ога-ини, опа-сингиллар. Уларни киши вужуди тириклигини таъминловчи аъзо (жигар) номи б-н аталишида бир-бирларига ҳам ҳаётгий (моддий), ҳам маънавий қувват бериб туришига ишора бор. Бу нарса ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, жигарбандлик, жигаржонлик авлоддан-авлодга ўтиб, бир авлоддан тарқалган кон-қариндошлар ҳам ўзаро бир-бирларини «жигарим» деб атаб, қариндошлик ришталарини маҳкам тутиб келадилар. Бу ўз навбатида сулолани, фамилияни, авлодлар давомийлигини ҳам кўрсатади.

**ЖИНСИЙ БАЛОҒАТ** – шахснинг ўсмирлик даврида кузатиладиган характерли ҳолатлардан бири. Жинсий безлар ва у б-н боғлиқ бўлган жинсий белгилар бола ҳали она қорнидалигидаёқ пайдо бўлиб, бола туғилганидан бошлаб, то ўсмирлик давригача Ж.б.га етиб боради. Жинсий безлар ва уларнинг функциялари бола ривожланиш жараёнининг яхлитлиги б-н узвий боғлиқдир. Онтогенетик тараққиётнинг маълум бир босқичида Ж.б. кескин жадаллашади ва физиологик жинсий етуклик амалга ошади. Ж.б.нинг тезлашиши ва унинг юқори босқичга етиш даври Ж.б.га етиш даври деб аталади ва у аксарият ҳолларда ўсмирлик ёшига тўғри келади.

Қиз болаларнинг Ж.б.га етиши ўғил болаларга қараганда 1–2 й. илгари амалга ошади. Ж.б.га етиш нисбатан индивидуал

характерга эга бўлиб, у вақти ва суръатига кўра, турли болаларда ҳар хил кечиши мумкин.

Ж.б. муддати ва унинг жадаллиги турлича бўлиб, у қўшлаб омилларга: саломатлик ҳолати, овқатланиш характери, иқлим, маиший ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ. Бунда наслий хусусиятлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ноқулай маиший шароитлар, етарлича ва тўғри овқатланмаслик, таомда зарур витаминларнинг етишмаслиги, оғир ёки қайталанувчан хасталиклар Ж.б.га етишни кечиктириб юборади. Ж.б. даврида гипофиз ва қалқонсимон безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар таъсири остида ўсмирда бўйнинг ўсиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши, овознинг ўзгариши, мускул кучларининг ортиши, тананинг айрим қисмлари тук б-н қопланиши, кўкрак безларининг ривожланиши кузатилади.

**ЖИНСИЙ БАЛОҒАТ БОСҚИЧЛАРИ** – инсоннинг жинсий ривожланишидаги бир-бирдан фарқланувчи даврлар. Бу босқичларнинг ҳар бири ички секреция безлари ва бутун организмнинг ўзига хос функциялари босқичлари б-н характерланади. Бу босқичлар бирламчи ва иккиламчи жинсий белгилар мажмуи бўйича белгиланади.

Ўғил болаларда ҳам, қизларда ҳам жинсий балоғатга етишнинг 5 босқичи мавжуд:

I босқич – пубертат олди босқичи (жинсий балоғатга етишдан олдинги давр). Бу давр иккиламчи жинсий белгиларнинг бўлмаслиги (намоён бўлмаслиги) б-н характерланади.

II босқич – пубертат бошланиши босқичи. Ўғил болаларда тухумдон ҳажми бир оз катталашади. Қовнинг тук б-н қопланиши минимал даражада бўлади. Қизларда кўкрак безлари тўлишиб боради, жинсий лаблар атрофини бир оз тук босади.

III босқич – ўғил болаларда тухумдоннинг катталлашиши давом этиши, олатнинг ривожлана бориши, ковда туклар қалинлашиб, дағаллашиши б-н характерланади. Қиз болаларда сут безларининг ривожланиши давом этади. Қон таркибида гонадотроп гормонлар миқдори ортади. Жинсий безлар функцияси фаоллашади. Ўғил болаларда соматотроп гормонининг ажралиши кучаяди, бўйнинг ўсиши тезлашади.

IV босқичда ўғил болаларда жинсий аъзо зига кенгая боради, товуш ўзгаради, юзларга сепкил тоша бошлайди, юзларида, кўлтикости ва ковларида жун кўпаяди. Қиз болаларда сут безлари жадал ривожланади. Бу босқичда андроген ва эстроген гормонлар кучли ажралиб чика бошлайди. Ўғил болаларда бўйни жадал ўсишини белгилаб турувчи соматотропиннинг юкори даражаси сақланиб қолади. Қизларда эса соматотропин миқдори камаяди ва мос равишда бўйнинг ўсиши ҳам секинлашади.

V босқичда ўғил болаларда жинсий органлар ва иккиламчи жинсий белгилар тўла ривожланиб бўлади. Қизларда сут безлари ва жинсий аъзолари катта аёлларникидек бўлади. Бу босқичда қиз болаларда ҳайз цикли турғунлашади. Ҳайзнинг юзага келиши жинсий балоғатга етилиш бошланганидан далолат беради. Бу вақтга келиб тухумдонлар уруғланишга тайёр етилган тухум хужайраларини ишлаб чиқара бошлайди.

**Жинсий балоғатга етишнинг эрта ёки кеч намоён бўлиши.** Ўсмирларда жинсий балоғатга етиш индивидуал хусусиятларга эга. Умуман, жинсий етилиш ўғил болаларда 11–12 ёшдан 18–19 ёшгача, қиз болаларда 9–10 ёшдан 16–17 ёшгача бўлган ораликда рўй беради. Шунга кўра, у айрим ўсмирларда эртарок, айримларида эса кечроқ бошланиши мумкин. Жинсий етилиш эртарок ёки кечроқ бошланган болалар, одатда, маълум бир ноқулайликни юзага

келтирадиган психологик муаммоларга дуч келадилар. Бу борада алоҳида эътибор қаратиладиган 4 хил ҳолатни кузатиш мумкин.

**Жинсий балоғатга етган ўғил бола.** Ўғил бола ўзидаги жинсий балоғатнинг тенгдошларига нисбатан эртарок намоён бўлаётганидан ғурур туяди. У ўзининг тенгдошлари жисмонан кучли бўлишга интилаётган бир вақтда уларга нисбатан жисмонан устунликка эга бўлади. Унинг ўзига ишончи спорт, жисмоний тарбия соҳасида, жисмоний ўсишда янгидан-янги муваффақиятларга эришаётгани, мушакларининг ривожланиши, шунингдек, атрофдагиларнинг эътиборида эканлиги эвазига тобора ортиб бораверади. Эрта жинсий ривожланиш бундай болани унинг ўз синфидаги шу муаммолар б-н қизиқаётган қизлар б-н тенг шароитга кўяди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жисмоний ва жинсий етилиш даври тенгдошларига қараганда эртарок бошланган болалар, одатда, ҳиссий ҳолатларининг турғунлиги, ўзига ишонганлиги ва тенгдошларига қараганда атрофдагилар томонидан кўпроқ тан олинганлиги б-н фарқланадилар.

**Жинсий балоғатга етган қиз.** Жинсий балоғатга етиши бошқалардан олдинроқ бошланган 10–11 ёшлардаги қиз бола ҳам қатор психологик муаммоларга дуч келади. Одатда, қизларнинг жинсий балоғатга етиш даври ўғил болаларникидан 1–2 й. олдин бошланади, шунинг учун бу даврга тенгдошларидан олдинроқ кириб борган қизлар уларнинг аксарият қисмидан ўзининг жисмоний ривожланганлигига кўра анча илгарилаб кетади. Бироқ бундай ўзиб кетиш унга ҳеч қандай афзаллик келтирмайди. Жисмоний ривожланишда тенгдошларидан илгарилаб кетган қиз бола 2–3 й. давомида ўз тенгқурлари ва атрофидагилар б-н ҳамқадам кетмаётганлиги туфайли турли ноқулайликларни бошдан кечиради. Бизнинг этник хусусиятларимиз,

болалар ва ўсмирлар ўртасида жинсий тарбия ишларининг тегишли даражада йўлга қўйилмаганлиги, жинс психофизиологиясига оид маълумотларнинг етарли эмаслиги, ота-оналар, ҳатто педагог-тарбиячиларнинг ҳам ушбу соҳага доир етарли илмий асосланган билимга эга эмаслиги жиддий муаммоларнинг юзга келишига сабаб бўлади. Жинсий жиҳатдан эрта етилган киз бола ҳали бу даврда рўй берадиган ўзгаришлар, маскур пайтда ўзини қандай тутиш, нималар килиш кераклиги хусусида маълумотларга эга бўлмаслиги мумкин. Ўзларида кечаётган ҳолатлар ҳақида тенгдошлари б-н ўртоқлашай деса, бу ҳолатлар ҳали уларда кузатилмаяпти. Бу ўсмирлик давридаги ва ундан олдинроқ ёшдаги болаларни жинс психологияси, жинсий тарбия масаласига оид билимлар б-н имкон қадар эртарок қуроллантириш муҳим.

**Жинсий балоғатга етиши кечикаётган ўғил бола.** Бундай ўсмир ўртоқлари, тенгдошлари етилиб, катталар қаторига қўшилган айни вақтда у ҳали ҳам болагигча қолаётганини жуда яхши тушунади. У ким биландир гаплашиб колгудек бўлса (айникса, телефонда), овозининг ингичкалиги туфайли иккинчи томон уни киз бола деб ўйлаши ҳам мумкин. Бу ҳолатни ўсмир ўта оғриқли қабул қилади. Ўсмир спорт б-н шуғулланишга кизикади, бироқ жисмоний жиҳатдан унга қараганда анча илгарилаб кетган тенгдошлари б-н мусобақалаша олмайди. Чўмилиш жойларида ечинишда кийим алмаштириш хоналарида болалар унинг мускуллари заифлиги, жинсий аъзоси бошқа болаларникидан кичиклиги, ривожланмаганини кўрсатишиб, қалака қилишади. Бундай вазиятларда ўсмирда ўз ҳолатидан қоникмаслик хисси кучаяди: унинг бўйи ҳатто кўпчилик қизларникидан ҳам паст, қизлар ҳам унга қараганда тез ўсишяпти. Бошқаларда кузатилаётган ўзгаришлар ва ривожланиш унда ҳали ку-

затилганича йўқ. Ўсмир организмидаги бундай ҳолатлардан хавотирланади, бироқ бу ҳақда биров б-н ўртоқлашишга журъат эта олмайди. Бундай ҳолат ўта нохуш бўлиб, турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Чунки доимо атрофдагиларнинг (айникса, тенгдошларининг) унинг эркак эканлигидан шубҳаланишларини инкор этишига, уларга ўсмир «эркак» эканлигини таъкидлаб туришига тўғри келади.

**Жинсий балоғатга етиши кечикаётган қиз бола.** Жинсий балоғатда кечикиб қолаётган қиз ўз дугоналари ва тенгдошлари орасида ўзида норасолик комплексини ҳис этади. Ташқи киёфаси, гавда ҳолати, ёш боланикидек кўринади. Бундай вазиятларда бу кизнинг энди «Ҳеч қачон қатта бўлмайман, ҳаммадан орқада қолдим», – дея адашаётганлигини кимдир унга оқилона тарзда, илмий асосланган ҳолда тушунтириб бериши лозим. Шу ўринда бу тоифадаги қизларни оналари ва оиладаги опалари б-н бўладиган ишончли суҳбатлари уларнинг саломатлиги, озиқланиши ва руҳий ҳолатига эътибор кўрсатиш улардаги ўзидан хавотирланиш, ишончсизлик хисларини камайишига олиб келади.

**Жинсий етилишда менструация.** Қиз болаларда жинсий етилиш аломати, ҳайз кўриш жараёни. Бу қиз бола организмида туҳум хужайралар етилаётганлигининг белгиси ҳисобланади. Бу даврда жинсий аъзолар гигиенасига эътиборли бўлиш зарур: доимо озода юриш, юпун кийинмаслик, табиий матолардан тикилган кийимлар кийиш, шамоллатишга йўл қўймаслик керак. Ҳайз вақтида қизлар ўзларини, оёқлари ва қориндан пастки қисмини совуқдан сақлашлари, иссиқ кийинишлари, совуқ тош, цемент ва совуқ нарсаларга ўтирмасликлари лозим. Шунингдек, бу кунларда ўткир таомлар, қалампир, мурч емаслик лозим, бу қон ҳаракатини кучайтиради, ҳайз қони кетишини кучайишига олиб келиш мумкин. Ҳайз

кўриш нормал жараён бўлганлиги сабабли, киз бола ўзини бу даврда касал деб ҳисобламаслиги керак. Фақат бу вақтинча корин мускуллари б-н бажариладиган машқларни қилмаслиги, сакраш, югуриш, оғир жисмоний машқлардан воз кечиши лозим.

**Жинсий етилишда поллюция.** Ўғил болаларда жинсий етилиш жараёни, ихтилом ажралиши – поллюция ҳодисаси. Бир ойда ихтиёрсиз равиш 2–3 марта ихтилом ажралиши, ўрин-чойшабда оқ доғлар пайдо бўлиши кузатилади. Бу нормал физиологик жараён эканлигини ҳар бир ўғил болага тушунтириш зарур. Айниқса, гигиена талабларига риоя қилиш, тана аъзоларини ҳар куни ювиб туриш, озода бўлиб юриш лозимлигини тушунтириш керак. Поллюция ҳаддан ташқари тез такрорланмаслиги учун ётишдан олдин ўтқир таомлар ейиш, кўп суюқлик ичиш, иссик кўрпага ўраниш, баданга ёпишиб турадиган труси-плавкаларда ётиш тавсия этилмайди. Жинсий аъзоларни тоза тутиш, айниқса муҳимдир. **ЖИНСИЙ ТАРБИЯ** – болалар, ўсмирлар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий ва пед. тадбирлар тизими. Ж.т. шахснинг жисмоний, ақлий, маънавий, эстетик ривожланиши б-н бевосита боғлиқ.

Ж.т.нинг асосий вазифаси ёш авлоднинг яхши униб-ўсишига, зурриёт бериш функциясини бекаму кўст қилиб шакллантиришга, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат. Ж.т.ни болаларнинг ёши, жинси ва малакасига мос қилиб олиб бориш лозим. Ёшлар жинс орасидаги тафовутлар, улар жинсий аъзоларининг тузилиши ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак. **ЖИНСИЙ ҲАЁТ** – жинсий ҳаловат қарор топишига қаратилган мураккаб жисмоний, рухий ва ижтимоий жараёнлар мажмуи. Ж.х. уруғ (авлод)ни давом эттириши б-н бирга эркак ва аёл ўртасидаги маънавий

яқинликни ҳам ифода этади. Ж.х.даги рухий ва жисмоний томоннинг нисбати, шунингдек, сексуалликнинг ҳар хил шаклига муносабат турли жамиятда турлича бўлиб, ҳар бир жамиятнинг ўз жинсий ахлоқ нормалари бор. Сексуалликка тегишли нарсалар инсон турмушида катта аҳамиятга эга, лекин уни инсон ҳаётини белгилаб берадиган асосий омил деб қарамаслик лозим. Ҳар бир кишининг Ж.х. хусусиятлари кўпгина омилларга – ирсияти (туғма), гормонлари, асабларига алоқадор, шунингдек, шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Одамнинг ёши, жинси, шахсий хусусиятлари ва б. омилларга қараб Ж.х. ҳар хил бўлади. Ж.х. балоғат ёшига қараб бошланади. Ж.х.ни 18–20 ёшдан кейин бошлаш керак. Қиз боланинг 12–14 ёшда ҳайз кўриши уни бу ёшда Ж.х.га тайёрлигини билдирмайди. Унинг организи 18–20 га бориб мукамал шаклланади. Қиз б-н йигит ўртасидаги муҳаббат ёки эр-хотин орасидаги яқинлик муносабатлари ЎзРда оила ва никоҳ нормалари асосида белгиланган. Ўғил болаларга нисбатан кизлар эртароқ (2–3 й.) балоғатга етади, лекин эркакнинг ёши улғайганига қарамай, уларда бола туғдира олиш функцияси ҳийла узоқ давом этади. Эр-хотинлик муносабатлари улар ўртасидаги ёш тафовутларига ҳам боғлиқ бўлиб, турмуш кураётганда уни назарда тутиш лозим. Ж.х.нинг асосини жинсий алоқа ташқил этади, унинг муҳим томонлари либидо жинсий майл, эрекция – жинсий қўзғалиш, эякуляция – шахват тўқилиши ва хуш ёқиш – оргазмдир. Жинсий алоқанинг тез-тез ёки вақт-вақти б-н бўлиши одамнинг туғма хусусиятлари, ёши, соғлиги, ижтимоий омиллар (олган тарбияси, турмуш шароити ва б.)га боғлиқ. Турмуш қургандан кейин жинсий алоқа бир маромга тушади. Жинсий яқинлик қилишни ҳаммага бир хил қилиб қилишга тушириб қўйиш ярамайди,

чунки бир киши учун нормал ҳисобланган нарса бошқа одам учун одатдан ташқари-дек бўлиб кўриниши мумкин. Ж.х. одам организмидан жуда катта куч, хис-ҳаяжон ва эҳтирос талаб этади. Шу сабабли ўт-кир миокард инфаркти, инсулт, гипертония кризи, меъда ярасининг бот-бот қонаб туриши ва б. оғирроқ ҳолларда жинсий яқинлик қилиш хавфли ҳисобланади. Аёл бўйида бўлиб қолганида жинсий алоқани давом эттириб борса бўладими? – деган масала муҳим. Гинеколог ва сексопатолог мутахассислар бу даврда жинсий яқинликдан бутунлай воз кечиш шарт эмас, лекин алоқа вақтида бир қадар эҳтиёт бўлиш керак, деб ҳисоблайдилар. Ҳомиладорликнинг дастлабки ва охириги 2–3 ойи давомида, шунингдек, аёлнинг кўзи ёриганидан кейин дастлабки 2 ой ичида жинсий алоқадан ўзни тийиб туриш керак. Бу эркак кишига, агар у жинсий жиҳатдан жуда фаол бўлиб келган бўлса ҳам, ҳеч бир зиён-заҳмат бермайди. Қандай бўлмасин, бирор ишга берилиб кетиш, одатда, кишининг диққатини хирс қўзишидан чалғитади.



Маромида овқатланиш, оилада тотувлик, шахсий гигиена қодаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи Ж.х.да ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жинсий алоқага биринчи марта киришаётган ёш қизда сексуаллик кўпинча «мудроқ ҳолда» бўлади, шу боис куёв унинг розилигига қарши, биринчи кечанинг ўзида яқинлик қилишни талаб этмаслиги, у ўз рафиқасининг майлини ҳам ўйлаб кўриши, унинг кўнглидаги ваҳима ёзилиб, янги шароитга ўрганиб олиши учун имкон бериши керак; жинсий алоқа эр-хотиннинг розилиги б-н қилинадиган ва кўнгли ўрнига тушадиган шароитда ўтадиган бўлса, у эрга ҳам, хотинга ҳам ҳузур беради. Ж.х.ни содда-лаштириб, вақти-вақтида шунчаки такрорланиб турадиган жинсий алоқадан иборат қилиб қўйиш ва шунинг натижасида эр-хо-

тин ўртасидаги муносабатларнинг зери-карли бир қолипда бўлиб қолиши кўпгина нохушликларга олиб келиши мумкин. Мудом ичкилик ичиб, чекиб юриш эркаклар мизожини сусайтириб юборади. Мастликда бунёдга келган болалар ақлий ва жисмоний заиф бўлиб туғилишини унутмаслик керак.

Киши умрининг турли даврларида жинсий функция турлича бўлади. Балоғат даврида жинсий майл (либидо) уйғониб, ўғил болаларда ихтилом, қиз болаларда ҳайз бошланади. Кейинги давр (20–26 яшарлик пайт), одатда, никоҳ б-н тугайди. Ж.х.ни барвақт бошлаш жинсий аъзолар кучининг қирқилишига, жинсий фаолликнинг сусайиб кетишига олиб келади. Етук сексуаллик даври деб ҳисобланадиган 27–50 яшарлик пайтда жинсий фаоллик бекаму кўст бўлади. Кейинги даврда жинсий фаоллик аста-секин пасайиб, сўниб боради. Жинсий функция аслида инстинктга, шартсиз рефлексларга асосланган бўлса ҳам жуда нозик функция, чунки инсонда у нерв системаси олий бўлимларининг фаол иштирокида юзага чиқади ва кишининг хис-туйғулари, кечинмаларига боғлиқ бўлади. Бу – ҳаёт учун муҳим функциялар жумласига кир-маса-да, унинг бирор тарзда бузилиши, дилхиралик, мудом асабийлашиб юриш, оилавий жанжаллар, ҳатто оиланинг бузилиб кетишига олиб келади; шунинг учун Ж.х.нинг тотувлик, осойишталик б-н ўтишини таъминлаш ижтимоий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Бунда Ж.х. гигиенасининг роли катта. Ж.х.да одамга фалон нарса норма бўлади, деб аниқ, белгилаб бериб бўлма-сада, киши ўзига мос келадиган баъзи мей-ёрга амал қилиб бориши; жинсий талабни қондиришда икки киши иштирок этгани учун яқинлик шу иккала одамга ҳам тўла қаноат берадиган бўлишига эришиш зарур. Кишининг ёши қайтиб қолган чоғида жинсий фаолликнинг аста-секин пасайиб бориши тамомила физиологик ҳодиса. Лекин

бу турли кишиларда турлича муддатларда бошланади. Ёш қайтган чоғда жинсий фаолликни сунъий йўллар б-н кучайтириш соғлиқ учун зарарли. Тўғри кун тартибига амал қилиш, вақтида овқатланиш, бадантарбия ва спорт б-н шуғулланиш Ж.х.нинг бир маромда кечишига ёрдам беради. Жинсий аъзоларнинг расо ишлаб туриши бошқа ички аъзолар, хусусан, ичак ва ковуқнинг ҳолатига ҳам боғлиқ. Жинсий аъзоларни, айниқса, аёллар жинсий аъзоларини совқотишдан ва турли яллиғланиш касалликларидан сақлаш муҳим. Баъзан Ж.х.ни одатдагидек йўлга солиб олиш учун мутахассис сексопатолог б-н маслаҳатлашиб олишга тўғри келади. Жинсий томондан ўзгаришлар бўлганда, албатта, врачга мурожаат қилиш лозим.

**ЗИНО** (араб. – бузуклик, фахш, зинокорлик) – ислом ақидасига кўра, эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий алоқада бўлиши. З. исломда қаттиқ қораланадиган гуноҳлардан ҳисобланади. Куръонда «Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузукликдир – энг ёмон йўлдир», дейилган (17:32). Шариатда З. учун юз дарра уришдан тортиб ўлим (тошбўрон қилиш) жазосигача белгиланган. Лекин жазога ҳукм қилиш учун З. б-н айбланувчиларнинг ўзлари иқрор бўлиши ёки 4 та ишончли гувоҳнинг гувоҳлик бериши шарт қилинган. Акс ҳолда, диний манбаларда айтилишича, арзимаган сабаблар б-н инсоннинг обрўси тўкилиши, ифвогар, бўҳтончиларга қўл келиши мумкин.



**ЗИДДИЯТ** – бирор вазият, ёки муносабат жараёнида икки одам орасида келишмовчилик, ҳамфикрлилик бўлмаслиги. З. кимларнинг орасида бўлишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Эр-хотин орасидаги З.лар.
2. Қайнона-келин орасидаги З.лар.
3. Қайнона-куёв орасидаги З.лар.
4. Ота-она ва болалар орасидаги З.лар.

**ИЖАРА** – мулк шартномаси. Ушбу шартнома бўйича мулк эгаси ўз мулкни ижарачига муайян тўлов эвазига мустақил равишда хўжалик ё бошқа фаолият юритиш учун вақтинчалик фойдаланишга беради.

**ИЖАРАГА БЕРУВЧИ** – мулкни ижарага берадиган мулк эгаси.

**ИЖАРАЧИ** – ижарага берувчининг мулкдан вақтинчалик ва шартномада белги-

ланган чегарада фойдаланиш ҳукукини оладиган ҳамда бунинг учун ижара тўловини тўлайдиган шахс.

**ИЖТИМОЙ ЁРДАМ** – моддий жиҳатдан қийналган фуқаролар ёки оилаларни давлат ёки жамият маблағлари ҳисобидан моддий ҳимоялаш шакли.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ** – меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга шахсий меҳнат ҳиссаси, иқтисодий мустақиллиги ва тадбиркорлиги ҳисобига Ўз фаровонлигини оширишга тенг шароитларни яратувчи, меҳнатга лаёқатсизлар ва аҳолининг ижтимоий заиф қисмига ижтимоий истеъмол фондларидан фойдаланишда имтиёз, пенсия, нафақа ва стипендия сифатидаги бевосита моддий ёрдамни таъминловчи қонуний, ижтимоий, иқтисодий кафолатлар тизимидир.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР** – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар. Уларга қуйидагилар кирди:

- ногирон болалар;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;
- етим болалар;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;
- муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;
- кам таъминланган оилалардаги болалар;
- жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;
- зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ** – иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда (15–72 ёш) бўлган, товарлар и.ч. ва хизмат кўрсатиш учун ишчи кучи тақлиф этилишини таъминлайдиган аҳоли қисмидир.

ХМТ таснифига кўра, иқтисодий фаол аҳолини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- иш б-н бандлар ва ишеизлар;
- ишчи кучини тақлиф этаётганлар;
- иш б-н банд бўлмаган ҳолда иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр бўлмаганлар.

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ БЎЛМАГАН АҲОЛИ** – меҳнат қилишга қобилиятли, аммо ишчи кучи таркибига кирмайдиган аҳоли. Улар қуйидагилар:

- и.ч.дан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;
- ишламаётган III гуруҳ ногиронлари;
- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш б-н банд бўлган ишламаётган аёллар;
- ихтиёрий равишда иш б-н банд бўлмаган шахслар ва б.

**ИРОДАСИЗЛИК** – кишида иродавий сифатларнинг етишмаслиги. И. қатъиятлиликнинг йўқлиги, бўшлиқ, қабул қилинган қарорни амалга оширишда қодир эмасликда намоён бўлади.

**ИРСИЯТ** – организм ва нерв системаси хусусиятларининг ўтмиш авлодлар тажрибасида таркиб топиб, мустаҳкамланиб, кейинги авлодларга ўтиш жараёни.

**ИСЛОМ ДИНИДА ОИЛА МАСАЛАСИ** – оилавий муносабатларга қаратилган оиланинг шаръий қонун-қоидалар мажмуи. И.д.о.м. бошқа масалалар каби шаръий жиҳатдан атрофлича кўриб чиқилган масаладир.

Дунёда ҳамма нарса жуфт-жуфт яратилган: Ой ва Қуёш, кеча ва кундуз, Ер ва

осмон, эркак ва аёл, мусбат ва манфий ва х.к. Мохиятан уларнинг ҳар бири иккинчисига ҳар жиҳатдан эҳтиёжлидир. Мавжудотлар ҳаётда мана шу жуфтлик билангина барқарор бўладилар. Ушбу жуфтликни инсон мисолида оладиган бўлсак, эр киши турмушда фақат ўз жинсининг жуфти бўлган аёли б-н таскин ва роҳат топиши мумкин. Ёлғиз ҳолда ўз саодатини ҳис қила олмайди. Аллоҳ тақдир қилган ҳаёти жуфтисиз барқарор бўлмайди. Қуръони каримда дейилади: «Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик».

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди...» (Нахл, 72)

Ана шундай жуфтлик саналган эркак ва аёлнинг илоҳий никоҳ ришталари туфайли бир хонадонда, бир оилада ахил тотув яшашлари, насл давомийлигини таъминлаб, яшашлари ҳақиқий саодатдир.

Ислом динида эркак ва аёл оила куришга бирдек тарғиб қилинган. Оила курмасдан, таркидунёчилик йўлини тутиш қораланиб, бунинг акси бўлган никоҳ ибодат даражасига кўтарилган.

Аллоҳ инсонни, нафсий рағбат б-н яратган. Айни пайтда ушбу рағбатни ҳалол, пок йўл б-н қондиришни буюриб, никоҳни жорий қилган.

Ислом таълимотига кўра, оила исломий одоб б-н зийнатланиш ва пок йўл б-н инсоният наслини давом эттириш мақсадида курилади. Шунинг учун ислом дини оилани никоҳ асосида куришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний алоқаларнинг энг муҳими сифатида юксак кадрлайди.

Дуррул Мухтор китобининг «Никоҳ фасли»да зикр этилади: «Одамзодга никоҳ ва имондан бошқа, ҳатто, жаннатда ҳам

давом этадиган ибодат йўқ. Оила шундай саодатбахш бир боғки, у ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома маълум муддатдан сўнг кучини йўқотади, аммо бир-бирларидан рози бўлган умр йўлошларнинг биргаликдаги ҳаёти ўлим б-н ҳам тугамайди».

И.д.о.м.га жуда жиддий қаралади. Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун никоҳнинг қўшимча шарти сифатида кафоатга ҳам амал қилинади. «Кафоат» деганда, никоҳланаётган томонларнинг ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирига тенг, мос бўлиши тушунилади. Никоҳдаги тенглик икки томоннинг насл-насаби, дини, бойлиги, касб-хунари ва эътиқоди кабиларда намоён бўлади. Бугунги воқеликка эътибор қаратадиган бўлсак, неча асрлар олдин ислом ҳуқуқида жорий қилинган тенглик масаласи оила мустаҳкамлиги учун нақадар муҳим омил эканлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, ота-онаси бағридан чиқиб, ўзи учун шу пайтгача мутлақо бегона саналган янги оилага қўниқиб кетиши учун тушган хонадони б-н ота-онаси хонадони ўртасида ижтимоий ва маънавий назардан тенглик бўлса, келиннинг янги ҳаётга мослашуви осонроқ кечади. Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у қатъий қонун қондаларга бўйсунди.

**ИСМ** – инсонга бериладиган ном, унинг шахсини белгилаш учун қўйиладиган от.

Болага И. ота-онанинг келишувига биноан, ота – отасининг И.ига кўра берилади.

Аждодларимиз ота-она, бобо-бувиларнинг муҳим вазифаси – зурриёти олдадаги карзи, унга муносиб И. қўйиш, деб ҳисоблаганлар. Чақалоқ туғилган пайтни ҳосиятли, сир-синоатли деб билганлари учун, шу пайтда воқе бўлган белги ва ҳодисаларда чақалоқ И.нинг қандай бўлишига ишора бор, деб ўйлаганлар.

Байрамлар, хосиятли кунлар ва муқаддас ойларда туғилган болаларга Наврӯз, Байрамали, Ҳайитбой, Арофатхон, Жумабой, Одина, Ражаб, Рамазон каби И.лар қўйишган. Аждодларимиз бола туғилган пайтнинг шарофати фарзандларини бир умр ўз ҳимоясида сақлашига ишонганлар. Кейинчалик, бу муқаддас удумга айланиб, халқимизнинг дунёқаршига сингган.

Удумга кўра, эгизакларга Фотима ва Зухра, Ҳасан ва Ҳусан И.ларигина раво ҳисобланган. Болалари турмаганлар Турсуной, Турғунбой, Эргашхон деб И. қўйишса, узок, орзиқиб кутилган зурриётнинг И.и Орзихон, Умиджон бўлган.

Диний ёки ғоявий эътиқодга кўра, Абдурахмон, Ҳабибулло, Сайфуддин; Инкилоб, Мэлс, каби И.лар танланган. Аслбек, Бахтиёр, Дилқаш, Мунаввар, Равшан, Фаёз, Сардор, Севара И.лари эса яхши ният ифодасидир.

Ота-оналарнинг шахсий муҳлислигига кўра, улар ихлос қўйган тарихий шахслар ёки замондошлар И.ини қўйиш ҳоллари ҳам кўп учрайди: Алишер, Темури, Улуғбек, Рустам, Бобур, Бедил, Нодири, Нозима, Ойбек, Зулфия.

Ўзбекларда фарзандларининг суюкли, ардокли, кадрли бўлишлари учун осмон ёриткичлари, гуллар, кимматбаҳо металллар ва тошлар номидан фойдаланилганига Куёшхон, Шамсиқамар, Юлдуз, Чўлпон, Сурайё, Ойхон; Олтиной, Кумушхон, Наргис, Нилуфар, Райхона; Ёкут, Гавҳар, Забаржад И.лари мисол бўлади.

Шунингдек, ҳар бир И.нинг янада чиройлироқ жаранглаши учун уларга хурматловчи, эркаловчи -ой, -жон, -бек, -хон каби қўшимчалар қўшиб қақирилади.

**ИХТИЛОМ**, поллюция – эркаларда ғайриихтиёрий булганиш (сперма келиши). И. кўпинча ўсмирларда рўй беради ва жинсий балоғатга етиш даврининг бошланганини

билдиради; бир маромдаги жинсий ҳаёт бошлангач, И. тўхтади. Биринчи И.нинг пайдо бўлиши боланинг индивидуал туғма хусусиятлари, умумий соғлиғи, ҳаёт тарзи ва қизиқишларига боғлиқ.

Биринчи И.нинг юзага келиши ўғил болаларда сперматозоидлар ажралиб чиқа бошлаганидан далолат беради. Уруғдонлардан ажралиб чиққан уруғ пуфакчалари ва пубертат безлари аралашиб, улар уруғ кўринишида жинсий йўлларда тўпланеди ва жинсий аъзо таранглашуви б-н табиий равишда ажралиб чиқади.

Биринчи И. ўртача 15–16 ёшларда рўй беради. Шу даврдан бошлаб И. узок муддат жинсий танаффусда бўлган катта ёшдаги эркаларда ҳам рўй бериши мумкин. Тунда уруғнинг ажралиши мутлако нормал, физиологик ҳодисадир. У жинсий ҳаёт б-н яшамайдиган ҳар бир йигит ёки эркада кузатилади. Шунинг учун И.дан хавотирланиш керак эмас. Улардан сўнг ҳеч қандай салбий асоратлар рўй бермайди.

И., одатда, ойда 1–3 марта рўй бериши мумкин. Улар бундан камроқ ҳам, 1,5–2 ойда бир марта ҳам бўлиши мумкин. Ўртача И. 10 кундан 60 кунгача ораликда бўлади. Агар И. ҳар кеча ёки бир кечада бир неча марта рўй бергудек бўлса, унда шифокорга мурожаат қилиш лозим. И. воситасида организм ортикча уруғ суюклигидан ва жинсий зўриқишдан халос бўлади. Бу организмнинг мақсадга мувофиқ ва табиий реакцияси бўлиб, жинсий фаолликнинг сусайиши учун физиологик шароит яратади.

И. ҳаддан ташқари тез такрорланмаслиги учун йигитларга уйқудан олдин ўткир таомлар истеъмол қилиш, кўп суюклик ичиш, иссиқ кўрпага ўраниш, баданга зич ёпишиб турадиган ички кийимларда ётиш тавсия этилмайди. Ётиш жойи ўта юмшоқ ҳам бўлмаслиги керак. Бундан

ташқари жинсий органларни тоза сақлаш, гигиенага риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.


Тунги И.дан ташқари, инсонда кундузи уйгоқ вақтида ҳам (баъзан аёлни ўпганда ёки яланғоч ҳолда кўрганда ва х.к.) И. бўлиши мумкин. Катта кишиларда тунги И. ўзи одатланган жинсий алоқани тўхтатганда кузатилади. И. касаллик аломати бўлмай, аксинча, жинсий безларнинг гормонал фаоллиги сақланганлигидан далолат беради. Марказий нерв системаси, простата бези каби аъзолар касалликларида И. доимий тус олади. Бунда мутахассис врачга мурожаат қилиш керак.

**ИЧКУЁВ** – кайнота-кайнонасиникида турмуш ўртоғи б-н яшайдиган куёв. И. қирғизларда куч куёв, тожикларда хонадомад, қарлуқларда куч куёв шаклида учрайди. Бу одатга кўра, оилада ўғил бўлмаган ҳолларда куёвга келиннинг уйида яшаш шарти б-н киз беришган. Ўғли бўлмаган қизнинг ота-онаси қизини ақлли, меҳнаткаш йигитга куёвга бериб, уни ўзига маҳрам – ўғил қилиб олганлар, шу б-н биргаликда куёв кизнинг уйига хўжаликни юритувчи ишчи кучи сифатида, яъни хизматга келган. Бунда ҳам қалин тўланмаган, агар куёв камбағал оиладан бўлса, тўй харажатлари кизнинг ота-онаси зиммасига тушган.

Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам И. бўлиш кузатилади. Аммо бундай ҳоллар қалинни тўлолмаганликдан эмас, балки киз ота-онасининг ўғли бўлмай қолганда (ўғли бўлиши ҳам мумкин), йигит моддий ёрдамга муҳтож бўлганда ёки куёв моддий ёрдамга муҳтож бўлмаса ҳам кайнота ва кайноналарнинг ёлғиз қолмасликлари учун уни ўзларига ўғил қилиб олишмоқчи бўлганда учрайди.

**ИШСИЗЛИК** – иктисодий фаол, меҳнат қилишга лаёқатли ва меҳнат қилишни хоҳлайдиган аҳоли муайян қисмининг

иш б-н банд бўлмаслиги. И. шахснинг маълум бир ёш даврида норма сифатида қаралади. Мас., гўдаклик, болалик, қариялик, кексалик даврларида ўқиш фаолияти б-н банд бўлса ҳам ижтимоий таъқиб объектига айланмайди, яъни ишсиз, бекорчи деб аталмайди. И.ка – ишга лаёқатли одамларда меҳнат қилишга хоҳишнинг йўқлиги, дангасалик, меҳнат ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитлари яхши эмаслиги, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, иш жойларини қисқартиришлар ва б. сабаб бўлади.



**ЙЎЛДОШ ТУШИШ ДАВРИ** – бола туғилгандан бошланиб, йўлдош тушганда тугайдиган вақт оралиғи. Бу туғуруқнинг энг муҳим онларидан биридир. Бу даврда йўлдош бачадон деворидан кўчади ва кинга тушади, кучаник тутиб киндик қолдиқлари, қобиклар б-н бирга йўлдош тушади. Бунда бир оз қон кетади. Йўлдошни врач синчиклаб кузатади, чунки йўлдош бутунлигича тушмай бирор бўлаги қолиб кетса, қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Й.т.д. тугагандан сўнг чила даври бошланади.

# К

**КАСАНАЧИ** – 16 ва ундан катта ёшдаги (агарда касаначилик хусусияти К. б-н тўлик якка тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши зарурлигини талаб этса, 18 ёшдаги) жисмоний шахс, яъни К. томонидан иш берувчи б-н шартнома асосида иш берувчининг и.ч. жойидан ташқарида, ўз уйида ўзига ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бошқа жойда иш берувчининг буюртмасига биноан маҳсулотлар и.ч. ва хизматлар кўрсатиш мақсадида меҳнат вазифаларини бажарувчи ходимлар тоифаси.

К. ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топшида қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, 14 ёшга тўлмаган ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналар ҳамда кўп болали ота-оналар; таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганлар; ногиронлар ва нафақа ёшига яқинлашиб қолган шахслар; жазони ижро этиш

муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори б-н тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар ҳисобланади.

**КАСАНАЧИЛИК** – оила, уй шароитида маҳсулот и.ч. ёки хизмат кўрсатиш.

К. ўз мазмун-моҳиятига кўра, шу фаолият б-н шугулланадиган шахс учун меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ижтимоий ҳимояланганликни таъминлайди. К. фаолиятидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни ишчининг уйда ўзи истаган вақтида ишлаши мумкинлиги; иш тартибини мустақил тарзда белгилаш ва оила-аъзоларини ишга жалб эта олиши, ишхонага бориш-келиш учун кетадиган вақтни тежаш; уй-рўзгор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишнинг мазкур шаклига нисбатан қизиқишни кучайтиради. Меҳнат фаолиятида кўпинча аёлларнинг уй шароитига мос, оила юмушларидан узоқлашмаган ҳолда фаолият б-н банд бўлиши маъқулроқ ҳисобланади. Чунки оила масканида аёл кишининг фарзандлар тарбиясини олиб бориши, шу б-н бирга бирор касб б-н шугулланиши ҳар бир оилада бир қатор қулайликларни юзага келтиради, уй меҳнатига асосланган ҳунар ва касб оиланинг шу меҳнат орқали иқтисодий таъминотини яратиш беради.

К.дан фойдаланиш, биринчидан, ишсизлик муаммосини ҳал этишга имкон беради, иккинчидан, К.нинг маоши оила бюджетига қўшимча даромад олиб келади.

## **К. турлари:**

1. Қўл меҳнатини осонлаштирадиган оддий мосламаларни қўллаб бажариладиган қўл меҳнати. Оила шароитида қўлда кашта тикиш, тўкиш, бичиш, маҳсулотни қадоклаш, навларга ажратиш, яроксизини ажратиш, бўяш ва б. шу каби ишлар.

2. Оилада тикувчилик ишлари, совгалар и.ч., буюмлар йиғиш, маҳсулотларни консервалаш, қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва ҳ.к.

3. Корхонага хизматлар кўрсатиш бўйича уйда бажариладиган иш. Буларга озик-овқат тайёрлаш, қандолатчилик маҳсулотларини пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакларни таъмирлаш, корамол боқиш ва б.

4. Телефон, Интернет каби алоқа воситалари ёрдамида масофадан туриб бажариладиган иш.

**К.нинг қулай томонлари.** Оила муҳтида К. б-н шуғулланиш ижтимоий, ҳуқуқий, психологик жиҳатдан бир қатор қулайликлар яратади:

– касаначининг ишлаган вақти пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар миқдорларини тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади;

– меҳнат шартномаларига эга бўлган касаначилар иш б-н банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Илгари ишлаган ва меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган касаначи учун меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан очилади;

– касаначига текин фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан озод қилинади;

– меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ касаначи ижтимоий ҳимояланади;

– меҳнат тури ва иш тартибини мустақил равишда белгилаш ва онла-аъзоларини ишга жалб этишнинг ихтиёрийлиги;

– ўзининг меҳнати орқали янги кўникмалар, билим ва қобилиятларининг орттирилиши;

– уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қўшимча сертификатлаш

ва стандарт кўригидан ўтказиш талаб этилмайди. Касаначилар томонидан тайёр маҳсулотни корхонага қайтаришда уни лицензиялаш шарт эмас;

– назорат ва тафтиш қилувчи органлар томонидан касаначиларнинг фаолиятини текширишлар чекланган.

**КАТТА ОИЛА** – бир маконда биргаликда яшайдиган қариндош-уруғларни ҳам таркибига олган оила тури. Унда ё патриархал ёки матриархал бошқарув ҳукмрон бўлади. Кўпроқ аграр ҳудудларга хос бўлиб, ягона ер-мулк, жониворлар парвариши К.о. бўлиб яшашни талаб қилади.

**КЕЛИН**, келинчак – 1) янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз (жувон); 2) уканинг хотини (ака ёки укага нисбатан) ота-она, қариндош-уруғлар, маҳалладошларга К. ҳисобланади; 3) К. ўзидан ёш жиҳатдан катталар томонидан К., кичиклар томонидан келинойи, янга ва б. номлар б-н аталади.

**КЕЛИН КЎРДИ**, келин кўриш – туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда янги келинчакни кўриш одати. Никоҳ тўйининг эртасига ўтказиладиган «бет очар» маросимидан бошлаб бир йилгача давом этади. Куёвнинг қариндошлари, танишлари, қўни-қўшнилари ва б. К.к.га келадилар. Келин уларни салом (таъзим) қилиб кутиб олади, дастурхон ёзиб, рўмол, дастурмол совга қилади. Маҳалла (қишлоқ) қиз-жувонлари, янги тушган келинниқига ҳайит кунлари ташриф буюришлари ҳам К.к. деб аталади. Келиннинг хонаси сеп ва сарполар б-н безатилади, дастурхон тузаб қўйилади. Одат бўйича келиннинг ота-онаси ҳайит арафасида кизи ва куёвига сарпо ва дастурхон (турли таомлар) юборади. Маҳалла қиз-жувонлари келинчакни кўриш учун келадилар. Келин ясанган ҳолда, юзига тўр тутиб, келганларга салом қилади, сўнг

чай узатади. К.к.га келганлар келиннинг сарпо ва сепларини томоша қиладилар, бир оз ўтиргач, келинга бахтли турмуш тилаб қайтадилар. К.к. одати Фарғона водийси ва Хоразмда тарқалмаган. Уларда келинни келин тушдидан 3 кун ўтгач, келиннинг она ёки опа-сингиллари бориб, ҳол-аҳвол сўраб қайтадилар. К.к. ўзбек халқи орасида қадим замонлардан бери анъана бўлиб келган.

**КЕЛИН САЛОМ** – никоҳ тўйи маросимларидан бири. К.с. туркий ва б. халқларда турли шаклларда учрайди. Келин тушган куннинг эртасига эрталаб куёвнинг ота-онаси ва яқинларига хурмат юзасидан ўтказилади. Маҳалланинг дастурхончиси ёки К.с.ни бошқарувчи келинни ясантириб, юзига парда ёпган ҳолда ҳовлига олиб чиқади, қизиқ гаплар, ҳикматли сўзлар, байтлар б-н келин ёнига келувчиларга мурожаат қилади. Келин жим турганча гап кимга қаратилган бўлса, ўшанга қараб таъзим қилади. Баланд овоз б-н биринчи бўлиб, қайнота, сўнг қайнона номини айтиб К.с. дейди. К.с. куёв ота-онасидан бошланиб, оиладаги энг кичик болаларга, ва қўни-қўшниларга ҳам бағишланади. Келин таъзим б-н эгилиб қайнота ва қайнонасига салом қилади, улар салом жавобини бериб, келиннинг бошига қўрмана қўядилар. Сўнг куёвнинг ака-укалари, қариндош ва яқинлари навбат б-н келиб, дастурхончи қўлига қўрмана (одатда, пул, мато, рўмол ва б.) берадилар. Дастурхончи уларга келин номидан турли совғалар (кийимлик, рўмол, белбоғ ва б.) топширади.

**КЕЛИНЛИК ҚОИДАЛАРИ** – янги тушган келин амал қилиши керак бўлган қоидалар мажмуи. Уларга қуйидагилар киради:

– келин бўлгач, яхши ният б-н бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошини севиш, унга вафодор ва садоқатли бўлиш;

– янги оиланинг ҳамма юмушига ақли етганича қарашиш. Билмаганларини ўрганишга ҳаракат қилиш;

– ҳар тонгда ва ташқаридан келганда ҳаммадан саломини аямаслик. Оиладаги қайинбўйин ва қайнэгачиларни хурмат қилиш, ўз ака-ука ва опа-сингилларидек кўриш;

– ҳар қандай шароитда ҳам мулоим ва эътиборли бўлишга, табассум ва майинлик б-н гапиришга, ҳамма гапга ҳам аралашавермасликка ўрганиш;

– фаросатли бўлиш. Синган, чети учган идишларда чай ёки таом келтирмаслик;

– ҳовлини супуриш, кир ювиш каби юмушларни эрта тонг ёки уйда одам кам пайтда бажаришга одатланиш;

– саришта бўлиш, уйни вақтида йиғиштириб тозалаш;

– кийиниш, пардоз-андоз масалаларида содда ва меъёрга амал қилиш. Самимийлик, ҳаё, иффат ва мамнунликни сездириб туриш;

– турмуш ўртоққа тик боқмаслик, зарда қилмай, бўлар-бўлмаста гап талашавермасдан, камсукум ва ҳамиша меҳрибон бўлиш;

– оила қургач, шу хонадонни қадрдон гўша деб қараш. Ҳуда-беҳудага, қариндошуруғ, дугоналарга оила, рўзғор, ҳақида ҳамма нарсани гапирмаслик, сирни сиртга чиқармаслик;

– қайнона-қайнотасига меҳрибон келин бўлиш;

– эрига ғамхўр, содиқ ва меҳрибон жуфт бўлиш;

– оиладаги мавжуд анъаналарни қабул қилиб, уларга содиқ қолиш;

– турмуш ўртоғининг барча қариндошларини хурмат қилиш;

– оиланинг маънавий ҳаётини таъминлашда фаоллик кўрсатиш;

– фарзандларга яхши тарбия бериш ва уларга отасини хурмат қилишни ўргатиш;

– фарзандлар ва ота орасида воситачиликни амалга ошириш;

– уй-рўзгор юмушларини бажариш, саранжомликни таъминлаш;

– оилавий муносабатлар тартибини сақлаш ва уни назорат этиш;

– оилавий анъаналарни сақлаш ва давом эттириш;

– оила аъзоларининг кадр-кимматини химоялаш;

– фарзандларни касб-хунарли қилишга иштирок этиш.

Абу Али Ибн Сино «Тадбири манзил» асарида, «Аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим; у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак, шунингдек, инжиқ бўлмаслиги, ўз иффати ва обрўсини тўқмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор хиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик б-н ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори б-н ўз эрининг қалбида ҳадиксираш хиссига ўрин қолдирмаслиги керак», – дейди.

**КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ** – инсоннинг ижтимоий муҳитда ўзлигини намоён қилишда кийган либосининг нормага мослиги белгиси. Инсоннинг К.м. куйидаги қоидаларга амал қилишни тақозо этади:

– эғнидаги ҳар қандай либос хушбичим ва жозибатор бўлишига эътибор қаратиш;

– айрим услубларга хос анъанавийликни «модадан қолиш» ёки қусур деб ҳисобламаслик;

– либосларни мавсумга ва жойга қараб танлаш;

– танланган либослар рангларининг мутаносиблигига аҳамият бериш;


– аксессуар ва бижутерия либосга мос услубда бўлишини таъминлаш;

– агар мода б-н ҳамнафас бўлиш хоҳиши бўлса, либоснинг 2–3 й. олдин «урф» бўлган бичимда тикилмаганлигига алоҳида эътибор бериш;

– кийим ҳеч қачон ифлос, ранги ўчган, дазмолланмаган бўлмаслиги лозим.

**КЎП ПОҒОНАЛИ ОИЛА** – ўз таркибига ота-она ва фарзандлардан ташқари яқин қариндошларни (бувилар, бувалар, набира, опа-сингил, ака-укалар) ҳамда уларга яқин бўлган яна бошқа қариндошларни ҳам бирлаштирувчи оила.

**КЎРМАНА** – келин, куёв ёки чакалокни, биринчи марта кўрган пайтда дўстлар, қариндош-уруғлар томонидан бериладиган совга. К. кийим, кийимлик, рўзгор буюмлари, пул, эсдалик совга, ўйинчоқ ва б. бўлади.



**ЛЕВИРАТ** (лот. levir – қайни, эрнинг укаси), есир олиш – тул хотин ўлган эрининг укасига эрга тегиш ҳуқуқига эга ёки тегиши зарур, укаси эса, агар у уйланмаган бўлса, унга уйланиш ҳуқуқига эга ёки уйланиши зарур бўлган қадимий никоҳ одатларидан биридир.


Ўқпчилик халқларда уруғчилик тузуми даврида тарқалган бўлиб, Кавказ,

Ўрта Осиё халқлари, яҳудийлар ва б.да ҳам сақланиб қолган. Л. одати бўйича ука уйланмаган бўлса ҳам марҳум аканинг бева (есир) қолган хотинига уйланиши шарт бўлган. Айни чоғда ука ўлса, ака унинг бевасига уйланган. Л. ва сороратнинг ибтидоий даврдан то шу давргача сақланиши иқтисодий асосларга эга бўлганлигидандир. Бундай никоҳда хотин ҳам, унинг бола-чақалари ҳам, мол-мулки ҳам оиладан ташқарига чиқиб кетмайди. Марҳумнинг хотини б-н болалари, мол-мулки ҳам қўлдан-қўлга мерос сифатида ўтган. Ўзбекларда «Ака ўлса, янга мерос, ука ўлса, келин мерос» мақолида ҳам юқоридаги мазмун акс этган. Бевани уйига қайтариб юбориш воҳа ўзбекларида айб саналган. Бевани бегонага узатишни ўзларига уят ҳисоблашган. Агар бева рози бўлмаса, мажбурлаб розилигини олиш ҳоллари ҳам учраган. Марҳумнинг беваси, мол-мулки, фарзандлари тарбияси бегона эркак қўлига ўтиб кетмаслиги ва ҳали уйланмаган ука қалин тўлаб, ортиқча сарф-харажат қилиб уйланмаслиги учун никоҳнинг Л. шаклига руҳсат берилган.

**ЛИБИДО** – хоҳиш-истак, ҳирснинг юзага келиши; қарама-қарши жинсга бўлган интилиш. Маълум шахс б-н жинсий яқинлик қилиш истаги эркакларда аёлларга нисбатан осонроқ, тезроқ юзага келади. Л.нинг юзага келиши учун эркакларнинг аёл дийдорини кўришиинг ўзи ҳам баъзан кифоя қилади.

Йигит киши аёл дийдорини, қадди-қоматини, кийимини кўриб, ҳаяжонга тўлади, ҳирси кучаяди, бу эса Л.нинг юзага келишига кучли таъсир қилади.

Л. аёлларда бирмунча кеч пайдо бўлади, ҳис-ҳаяжон суст юзага чиқади ва бу жараён эркакларга нисбатан бирмунча кучсиз ва давомлироқ бўлади, бунга аёллар ҳиссиётида психологик компонентнинг физиологик компонентга нисбатан устунлиги сабаб бўлади.



**МАДАНИЯТ** – жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. «М.» тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет жамият, элат ва миллат (Ўзбек М.и), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас., меҳнат М.и, бадий М., турмуш М.и)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «М.» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. «М.» арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган. Ўрта аср маданиятининг буюк намояндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва б. шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Мас., Форо-

бий фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, «олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади», бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси оркалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар б-н шуғулланади. Одамлар чин маъноси б-н озод яшайдилар». Алишер Навоий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш б-н бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқликни тушунади. XIX а.нинг 2-ярмида майдонга келган демократик маърифатпарварлик ҳаракатининг намояндалари Муқимий, Фурқат, Завкий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий ва б. халқни маданиятли қилишнинг омили илм-маърифатни эгаллашда деб билдилар. Улар ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илму маориф ва М.ни зўр эхтирос б-н тарғиб қилдилар. Мас., Фурқат фикрича, илму фан бир машғал бўлиб, инсониятнинг бахт-саодат йўлини ёритиб туриши керак. XIX а.нинг охири ва XX а.нинг бошида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати намояндалари: Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва б. ўзларининг маърифатпарварлик ишлари б-н М. ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Улар турли газ. ва жур.лар чиқардилар, нашриёт ва босмаҳоналар ташкил этдилар, кутубхоналар, театрлар, янгича мактаблар очдилар, ўтмиш маданиятимизни, тарихимизни тарғиб қилдилар, дунёвий билимларни чуқур эгаллашга даъват этдилар. Маърифатчиликнинг кенг қулоч ёйиши самараси ўлароқ, халқнинг умуммаданияти юксала

борди. Европада «М.» дейилганда дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушунилган (лот. cultura – ерни ишлаш, парваришлаш; рус. «культура» сўзи ҳам шундан олинган). М. фақат мавжуд норма ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган. М.га бундай икки ёқлама ёндашув ҳар қандай жамиятга хос (мас., Қад. Хитойда жэнь, Ҳиндистонда дхарма). Эллинлар «маданиятсиз» варварлардан ўзларининг асосий фарқини «пайдей», яъни «тарбияланганлик»да деб билганлар. Қадимий Римнинг сўнги даврларида «М.» тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар б-н ҳам бойиган ва ўрта асрларга келиб кенг тарқалган. Бу тушунча кейинчалик келиб чиққан цивилизация тушунчасига яқин туради. Европада Маърифатчилик даврида М. ва цивилизациянинг «танкиди» вужудга келди (Ж.Ж.Руссо). Бунда «маданий» миллатларнинг бузилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган халқлар ахлоқининг соддалиги ва софлиги қарши қўйилди. Немис файласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг йўлини «рух» доирасидан, ахлоқий (И. Кант), эстетик (Ф. Шиллер, романтиклар) ёки фалсафий (Г. Гегель) онг доирасидан кидирдилар. Улар бу онг соҳаларини ҳақиқий М. ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар. XIX а. охиридан бошлаб «локал цивилизация» (О. Шпенглер) деган қараш юзага келди. Бу ғоя цивилизацияни муайян жамият тараққиётининг сўнги босқичи сифатида олиб қаради. Фан-техника тараққий топган шароитда кўпгина социологлар ва маданиятшунослар М.нинг ягона ғоясини изчил амалга ошириш мумкин эмас, деган қондани илгари сурдилар. Бу

полицентризм, Ғарб б-н Шарқнинг азалдан қарама-қаршилиги ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа умумий қонуниятларини инкор этувчи назарияларида ўз ифодасини топди. М. – умуминсоний ҳодиса, фақат бир халққа тегишли, фақат бир халқнинг ўзигина яратган соф М. бўлмайти ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир миллий М.нинг асосий қисмини шу миллат ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний М.нинг улуши ва таъсири бўлади, албатта. М. ҳеч қачон синфий ҳодиса бўла олмайди. У барчага баравар хизмат қилади. Мас., санъат ва адабиёт дурдоналари, меъморлик обидалари, мақомлар, фан ютуқлари ва б. барчага тегишлидир. М. кишилар фаолиятининг фақат моддий натижалари (машиналар, техник иншоотлар, санъат асарлари, ҳуқуқ, ахлоқ нормалари ва х.к.)ни эмас, шу б-н бирга, кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган субъектив куч-қувватлари ва қобилиятлари (билим ва кўникмалари, и.ч. ва профессионал малакалари, интеллектуал, эстетик ва ахлоқий камолоти, дунёқараши, уларнинг жамоа ва жамият доирасидаги ўзаро муомалалари)ни ҳам ўз ичига олади. И.ч.нинг 2 асосий тури – моддий ва маънавий и.ч.га қараб моддий М. ва маънавий М.га бўлинади. Моддий М. моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ҳамда унинг натижалари (меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва б.ни ўз ичига олади. Маънавий М.га онг, маънавий соҳалари қиради (билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, этика, эстетика, фан, санъат, адабиёт, мифология, дин ва б.). Ҳар бир жамият ўз М. типига эга. Жамиятларнинг алмашилиши б-н М. типини ҳам ўзгаради, бироқ бу ҳол М. тараққиётини узилиб қолганини, эски М. йўқ бўлиб маданий мерос, ўтмиш қадриятлардан воз кечилганини аниқламайти. Зотан, ҳар бир

янги жамият ўзидан илгариги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижтимоий муносабатларнинг янги тизимига киритади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, М. соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Шақлан ҳам, мазмунан ҳам М.нинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишга ўтиши миллий М.га синфий ёндашишдан, уни сунъий тарзда «ягона умуммаданият»га айланишдан сақлаб қолди. Халқимизнинг маънавий қадриятларига ҳурмат б-н муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимиз, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Давлат тили тўғрисида»ги (1989 й. 21 окт.) Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 й. 29 авг.)нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Бадий Академияси (1997 й.), Ўзбекистон давлат консерваторияси (2002 й.), Ўзбек миллий академик драма театри (2002 й.), эстрада мусикасини ривожлантириш тўғрисидаги ва б. бир қанча қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши, бир қанча мутафаккир ва алломаларимизнинг муқаддас номлари тикланиб, юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани давлатимиз томонидан М.ни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

**МАКТАБ** – 1) ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга маълумот бериладиган ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган ўқув тарбия муассасаси. М.ни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: а) бериладиган билимнинг характерига кўра – умумий ва профессионал; б) билимнинг кўламига кўра – бошланғич (ёки қуйи), ўрта, олий; в) кимнинг қарамоғида бўлишига қараб – давлат, муниципал (жамоа) ва хусусий; г) ўқувчилар

жинсига қўра – аралаш (ҳар икки жинсдаги ўқувчилар учун), аёллар ҳамда эрлар М.и; д) динга нисбатан – дунёвий ва диний (конфессионал); е) болалар М.да бўлиш вақтига қараб – катнаб ўқийдиган М. ва тунаб қолинадиган М. (пансион, интернат ва ш.к.). Ўзбекистонда М., асосан, давлат мулки бўлиб, унда ўқиш бепулдир. Шу б-н бирга олий ўқув юртлирида ўқиш қисман шартнома асосида ота-оналар маблағлари ҳисобига амалга оширилади. ЎзР нинг 1997 й.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб берилганидек, Ўзбекистон М.ларида таълим ўқувчиларнинг она тилида олиб борилади. Барча М.ларда ўқувчи ва талабалар учун узлуксиз тарзда таълимнинг қуйи босқичидан юқори босқичига ўтиш таъминланган. Бошланғич ва ўрта М.ларда таълимнинг асосий шакли – дарс, ўрта махсус ва касб-хунар, ҳамда олий М.ларда – лекция.

Илк М.лар қад. Шарқ мамлакатлари (Хитой, Бобил, Миср ва б.)да пайдо бўлган; бу мамлакатлардаги ибодатхоналарда кохинлар ва котиблар М.лари бўлган. Европада дастлабки М.лар тахминан мил. ав. VI а.да Юнонистонда, мил. ав. IV а.да Қад. Римда вужудга келган. Ўрта Осиёда бошланғич таълим берадиган М. мактабхона деб номланган. Ўрта Осиёда М.лар типидан яна мадраса, қорихонани кўрсатиш мумкин. Мадраса ўрта ва олий типдаги М. ҳисобланган; қорихонада Қуръонни тиловат қилиш ўрганилган. Туркистондаги рус аҳоли маҳаллий аҳолига нисбатан М.лар б-н яхши таъминланган. 1876 й.дан гимназия, реал М., муаллимлар семинарияси ва б. хил М.лар очилган. Рус М.ларининг айримларида маҳаллий миллат болалари ҳам ўқиган. XIX а. охирида маҳаллий миллат болалари учун рус-тузем М.лари ташкил этила бошлади. Бу М.лар, асосан, чоризмнинг мустамлака-

чилик сиёсатига хизмат қилган бўлса-да, ўлкада илғор ўқиш усулларининг ёйилишида маълум роль ўйнади. Совет тузуми даврида М.лардаги таълим жараёнининг ўзи ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, М.ларнинг моддий техника базасини ривожлантириш, уларни илмий методик жиҳатдан таъминлаш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда М. ишлари юксак сурьатлар б-н ривожланмоқда. Мамлакатда 9672 умумий ўрта таълим М.и (6 млн.дан ортиқ ўқувчи), 224 ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юрти (223 минг ўқувчи), 61 олий ўқув юрти (125,5 минг талаба) мавжуд (2002). 2) фан, адабиёт, санъат, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ш.к.да ўзига хос хусусиятларга эга бўлган йўналиш, оқим (мас., геолог олим Ҳабиб Абдуллаев М.и ва х.к.). М. атамаси, шунингдек, ранг-гасвир, хайкалтарошликка, ўзига хослиги аниқ ифодаланган шаҳар ёки маълум вилоят меъморлигига, у ёки бу даражада аниқ, услубий ва тарихий чегараларига эга бўлган бутун бир мамлакатнинг миллий санъатига нисбатан ҳам қўлланади (мас., Ҳирот миниатюра М.и).

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛА** – мактаб ёшига етмаган 3–6 ёшдаги бола. М.ё.б. оилада ота ва она, бобо ва буви, ака-опалар таъсирида, мактабгача таълим муассасасида эса, тарбиячилар таъсирида тарбиянинг ўзига хос тамойиллари, усуллари, воситалари, қондалари асосида тарбияланади. Оиладаги ота-она ва катталар, мактабгача тарбия муассасасида эса, тарбиячилар боланинг шахс сифатида шаклланишига таъсир этишади. М.ё.б. онгида барча инсоний фазилатлар, кадриятларни ўзлаштириш

самарадорлигининг айниқса юкори бўлишини ҳисобга олиб, маънавий тарбияда муҳим омил ҳисобланган миллий-маънавий меросдан унумли фойдаланиш ижобий самара беради. М.ё.б. тарбиясида бой миллий-маънавий меросимиздан фойдаланиш орқали уларда индивидуал хислатларни ривожлантириш, ижобий дунёқарашга эга бўлиш, зийраклик, киришувчанлик, жавобгарлик ҳиссини шакллантириш; маънавий-ахлоқий хислатлардан тўғрисиўзлик, бағрикенглик, очиққўнгиллик, каттага хурмат, кичикка иззат, ўғил болалар онгига қиз болаларнинг шайини доимо ҳимоя қилиш тушунчасини сингдириш, шунингдек, қиз болаларнинг ўғил болаларга хурмат ва самимият б-н муносабатда бўлишини уктириши, ўртоқлари б-н ҳамфикр, уларга ва атрофдаги бошқа одамларга эътиборли бўлиш каби сифатлар шакллантирилиб борилиши зарур. Бу каби фазилатларни шакллантириб боришда ўғитлар, панд-насихатлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар, эртаклар, ривоятлар, ҳикоятлар, топишмоқлар, болалар куй-қўшиқлари ва ҳ.к. муҳим ўрин тутди.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ** – мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий тарбия муассасалари. Ўзбекистонда бу муассасаларга болалар яслиси, ясли-боғча, болалар боғчаси киради. М.т.м. 2 босқичдан иборат. 1-босқич болалар яслиси бўлиб, у 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларни ақлий ва жисмоний ривожлантириш, нутқини шакллантириш, уларни моддий борлик, атроф-олам б-н таништириш ҳамда уларга гигиена масалалари бўйича амалдаги таянч дастур асосида таълим-тарбия берилади. 2-босқич болалар боғчаси бўлиб, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларнинг маънавий камолотини таъминлаш, жисмоний жиҳатдан

бақувват бўлишлари учун йўналтирилган таълим-тарбия жараёни амалга оширилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ҳам М.т.б.м. мавжуд бўлиб, улар махсус дастур ҳамда техника воситалар б-н таъминланган. Ўзбекистонда М.т.м.нинг моддий техника базаси ҳамда методик таъминотини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинган. М.т.м. учун жорий қилинган «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури пед. ва психология фанлари ютуқлари ҳамда давлат ва жамият талабларига таянган ҳолда яратилганлиги б-н алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва нодавлат М.т.м. мавжуд. Улар қайси ташкилот қарамоғида бўлишидан қатъи назар ЎзР Халқ таълими вазирлиги уни кадрлар б-н таъминлайди ва фаолиятига илмий-пед. жиҳатдан раҳбарлик қилади. М.т.м. учун тарбиячи ва методистлар Тошкент пед. ун-ти, пед. ин-тлари ва коллежларида тайёрланади. 2002 й. Ўзбекистонда 6865 М.т.м. бўлиб, уларда 640 мингдан ортиқ бола тарбияланди.

**МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ** – болалар ва ўсмирлар б-н мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижтимоий ташкилий ва инструкторив-методик муассасалар. Мактаб б-н яқиндан боғланиб иш юритади. М.т.т.м.га болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, музика мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва б. муассасалар киради. Улар йил бўйи ишлайди. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва б. йўналишларда М.т.т.м.ни ташкил этишлари мумкин. М.т.т.м.да уму-

мий ўрта таълим мактабларининг барча синф ўқувчилари ўз ихтиёрлари б-н мактаб ўқув дастуридан ташқари қўшимча фанлар, санъат турлари, бадиий хунармандчилик ва б. касб-хунар, спорт турларини ўрганадилар. М.т.т.м.да ўқувчилар учун турли йўналишлар бўйича тўгарак, клуб, студия, ансамбль, гуруҳ ва ш.к. ташкил қилинади. М.т.т.м. ЎЗР Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фаолият олиб боради.

**МАНҚУРТЛИК** – ўзлигини англашдан махрум бўлиш, жамиятнинг хусусияти; кундалик турмушда ўз тарихини билмаслик. Одатда, бу сўз кишилар томонидан ота-она, қариндошларига бемехр, «онасини ҳам соғинмайдиган» (А. Орипов), миллатга бемехр одамларга қарата айтилади. М. сўзи ҳаддан ташқари ғайриинсонийлик даражасини кўрсатувчи тушунча сифатида намоён бўлади.

**МАРОСИМ** – диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати б-н ўтказаладиган маърака, йиғин М.дир: диний М.лар, тўй М.лари, дафн М.и ва б. Шунингдек, тантаналар б-н ўтказиладиган расмий йиғин: юбилейлар, мукофот бериш М.и, ҳайкалнинг очилиш М.лари ва б. М. – шахс, гуруҳ ва жамият ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш шакли. Тарихан М. диний тизимларда вужудга келган. Уларда индивиднинг ижтимоий тизим б-н алоқалари ифодаланган. Ҳоз. жамиятда М. асосан, маиший турмуш, сиёсий, ижтимоий тизимлар ҳаётида намоён бўлади. М. ва удумлар кучли психологик ва ҳиссий таъсир этиш кучига эга бўлиб, улар ёрдамида урф-одат ва анъаналар бевосита юзага чиқади.

**МАСЛАҲАТ ОШИ**, тўй кенгаши – Ўрта Осиё халқларининг тўй б-н боғлиқ маросимларидан бири. М.о. тўйдан бир неча кун олдин ўтказилади. М.о.га маҳалла, қишлоқ тўй комиссияси вакиллари, оксоқоллар, маҳалладаги қариялар, қўни-қўшилар,

қариндошлар чақирилади. Маслаҳатга келганлар тўйни қачон, қандай ўтказиш тартиби, харажатлар, қимлар қандай вазифаларни бажаришларининг шартлиги, тўй эгасининг имкониятларига қараб тўйга қимларни таклиф этиш каби муҳим масалаларни ҳал этишади. М.о. Ўзбекистоннинг турли туманларида ҳар хил даражада ўтказилади. Бу тadbир қандай ўтказилишдан қатъи назар ўша куни ош дамланиб, меҳмонларга зиёфат қилинади. М.о.нинг энг асосий мавзуси тўйга сарфланадиган маҳсулотлар: гуруч, ун, ёғ, гўшт, мева, канд-курс, сарпо, кўрпа-тўшак ва б. ҳақида бўлиб, уларнинг қай даражада тайёрланганлиги, шунингдек, камчиликлари агрофлича муҳокама қилинади.

**МАСЪУЛИЯТ** – ижтимоий аҳамиятли бурч ва вазифаларнинг бажарилиши, оқибатига хатти-ҳаракат негизда ётган ахлоқий тамойилларга амал қилинишига муайян қимса ёки социал гуруҳнинг жавобгарлигини билдирадиган фалсафий-ахлоқий категория. М. бурчнинг муайян кишилар томонидан амалга оширилишини, бурччиликни англатади. Оилада ва мактабда тарбия ва таълимни тегишли даражада ташкил этишга, таълим ва тарбиянинг самарали бўлишини таъминлашга ота-она, белгиланган ўқитувчилар масъул. Бурчдан фарқли ўларок М. жамият аъзоларининг ахлоқий сифатидир. Тарбия ва таълимга ота-она ва муаллимлар жавобгар; вазифани бажаришга фақат салоҳиятли мутахассислар масъул; ҳар бир одам иш жойида ҳамма нарсага эмас, ўзига топширилган ишга масъул бўлади.

Масъулиятсизлик одоб илмида меъридан оғиш тарзида баҳоланади ва бунинг учун маънавий ва моддий жавоб берилади. Ахлоқда оғишлар, кўп ҳолларда, М. нуқтаи назаридан баҳоланади. Чунончи, ўз хулқининг низомига мос келиш-келмаслигини баҳолаш бу хулқнинг оқибати жамиятга қанчалик моддий ёки маънавий зарар

келтиришини аниқлаш б-н боғлиқ. Демак, М.нинг туб боиси ижтимоий манфаатлар б-н белгиланади.

**МАЪНАВИЯТ** – инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча, шахснинг идеал билимга интилиши ва ижтимоийлик йўлида фаолият кўрсатиши. М. инсонийликка олиб борадиган йўлдир. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадний, ахлокий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. М. атамасининг асосида «маъно» сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламга унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва б. киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами М.дир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, М. унга руҳий озиқ ва кудрат бағишлайди. М. қанчалик бойиса, жамият ва миллат шунчалик раванак топади. Маънавийли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради. М.да инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон М.ини белгиловчи асосий омиллардан биридир. М. камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. М.ли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади, номуносиб турли иллатлар барҳам топади. М.ни шакллантирувчи барча асосий омиллар халқ тарихи б-н боғланган бўлиб, ҳар қайси халқ М.и унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятлари, маънавий ме-

роси, маданий бойликлари, кўхна тарихий ёдгорликларида мужассамлашган.

**МАЪРАКА** (араб. – жанг, йиғин) – бирор муҳим воқеа, тўй, таъзия ва б. муносабатлар б-н ўтказиладиган маросим, йиғин. Оила, маҳалла муҳотида турли даражадаги ҳамда мақсаддаги кенг ва тор доирада ўтказиладиган тадбирлар ҳам кўзда тутилади. Мамлакатимиз айрим туманлари, хонадонларида турли сабаблар б-н ўтказиладиган йиғинлар ҳам М. деб номланади.

**МАЪРИФАТ** – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини ҳам билдиради. М. илму урфон маъносида ҳам ишлатилади. М. тушунчаси маданият, маънавий тушунчалари б-н боғлиқ. М. маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, салбий ишлардан қайтаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишга ёрдам беради. Маърифатли кишилардан ташкил топган жамият раванак топади, келажаги порлоқ бўлади. Тасаввуфда М. суфийларнинг руҳий камолотга эришувининг асосий босқичларидан бири сифатида талқин этилади.

**МАҚТОВ** – бажарилган иш, хатти-ҳаракат учун кимдир томонидан эътироф, айтилган яхши сўз.

#### **М.га мухтож болалар:**

– бирор камчиликка эга бўлган бола. Бундай болалар М.сиз қаттиқ изтироб чекадилар. М. улар учун совға тариқасида кадрлидир;

– алоҳида қобилиятга эга бўлган бола. М. бундай боланинг қобилиятини янада оширувчи восита ҳисобланади. Улар ўз кучларига ишонадилар, шу б-н бирга атрофдагиларнинг ҳам буни тан олишларини истайдилар. Агар бундай болаларга эътиборсизлик кўрсатилса, уларнинг ғайратлари сўниб қолади;

– биринчиликка интилувчи болалар. Аслида бундай болалар учун М. зарарли хисобланади. Лекин улар М.сиз яшай олмайдилар, бошқа болалар б-н таккосламаган ҳолда уларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида ортиқча М.ларсиз гапирса бўлади.

**М. турлари.** 1) М. кимга, қачон, қай вазиятда айтилишига қараб ё ижобий ё салбий мазмун касб этиши мумкин. Мас., бола тарбиясига М.лар аксар ҳолларда ўринли. Чунки ўсиб келаётган боланинг руҳияти М. б-н янада кўтарилади. 2) болалар ҳолатига қараб уларга айтила-диган М.лар моҳиятан фарқ қилади:

«**Компенсация**» (бадал). Бундай М. жисмоний камчилиги б-н туғилган болаларга қўлланади. Уларнинг яхши жиҳатларини сифатлаб мақташ керак. Аммо М.ни ҳаддан ошириб юбормаслик керак.

«**Аванс**» (олдиндан). Қилинадиган иш олдиндан айтилган М. болаларда ўзига ишонч туйғусини кучайтиради. Ўзига бўлган ишонч имкониятни ҳақиқатга айлантиради. Ҳали амалга ошмаган нарса учун М. ҳар доим ҳам ёлгон хисобланавермайди.

Аванс тариқасидаги М.да боланинг қайсидир ишни бошқалардан яхшироқ бажаришини таъкидлаш; ўзини бошқариш учун бажарган кичкина ҳаракатини ҳам мақташ, агар натижа чикмаган бўлса, уришмаслик; олдиндан мақташда ошириб юбормаслик лозим. Акс ҳолда болада қўлидан келмайдиган ишга ишонч пайдо бўлади.

**Четдан туриб мақташ.** Сухбат асносида бола ҳақида ўзи эшитадиган қилиб яхши фикр айтиш. Бу М. бола қобилиятини тасдиқлаш даражасида бўлиши лозим. Аммо бу ўринда унинг салбий сифатларини четлаб ўтиш керак.

Рағбатлантиришнинг яна бир кўри-ниши тўғридан-тўғри М. бўлмай, ёрдам сўраш, маслаҳат қилиш тарзида ҳам бў-лиши мумкин.

**Эхтиросли-кучли М. Бундай М.** пси-хологик тез ёрдам хисобланади. Бола кри-зис ҳолатга тушиб қолганда уни тинчлан-тириш учун қўлланади.

**МАҲР** – никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. Бу никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда куёвнинг келинга М. тўлаш мажбу-риятидир. М. миқдори куёвнинг ижтимоий аҳволи ва унинг оиласи розилигига боғлиқ бўлган ва никоҳ шартномаси тузилаёт-ган вақтда икки томон розилиги б-н бел-гиланган. Одатда, М. 2 қисмга бўлинган: 1) эри вафот этган ҳолатда мероснинг тар-кибидаги кўчмас мулк, 2) бева аёл мерос бўлинмасдан олдин бўлиб олиншига йўл қўймаслик ҳуқуқига эга бўлган М. М. эр вафот этган ҳолатларда ёки улар асоссиз ажралишган вақтда қайсидир даражада аёлга моддий ёрдам бўлиб хизмат қилган. Одатда, М. учун бир уй, бир айвон, унга баробар сахн б-н ховли, соғин сигир ва б. берилар эди. М. имом ҳузурда икки эркак гувоҳлигида эълон қилинган, никоҳ ўқил-ган. М. бериш одати Куръон асосида ша-риятда қонулаштирилган.

Баъзи бир мутахассислар «М.» ва «қалин» сўзларига бир хил маънодаги атама сифатида қарашади. Аммо бу икки ту-шунча бир-бирдан фарқ қилади. Қалин куёв томонидан келиннинг ота-онаси ёки қариндошларига тўланадиган тўлов, М. эса келиннинг ўзига бериладиган тўлов. Келинга М. тўлаш мажбурияти мусулмон халқларида маълум даражада сақланиб қолмоқда.

**МАҲРАМ** (араб. – қариндош) – шариятда ўзаро никоҳ ман этилган ва энг яқин қариндошлик алоқасида бўлган эркак ёки аёл. Шахснинг эри ёки хотини, асосан, М. (тан М.) ҳисобланган. Аёл киши юзи очик ҳолда кўриниши мумкин бўлган яқин эркак қариндошлар шариятга кўра, аёлнинг эри (тан М.), отаси, ўғиллари, ака-ука, амаки,

бува, тоға, қайнотаси М., ундан йироқ эркак қариндошлар ва ёт эркаклар номаҳрам хисобланади. Одатда, аёл киши М.дан юзини беркитмаган, аммо никоҳдаги аёл эрининг бошқа қариндошларидан (қайнота-қайнона ва эрининг рухсати б-н) қочмаслиги мумкин хисобланган. Эр ёки хотин ажрашиб кетса ёки улардан бири ўлса, ўша вақтдан эътиборан улар бир-бирига номаҳрам хисобланган. Аёл киши ўлса, уни қабрга номаҳрам кишилар қўя олмай, балки ўғил ё ака-ука, тоға ёки марҳум тириклик вақтида васият қилинган киши (гўри М.) қўйган.

М. б-н боғлиқ бўлган кўпгина расм-русум ва қоидалар ҳозирда йўқолиб кетган. Шунингдек, М. сирдош, сидқидилдан хизмат қилувчи хизматкор маъноларида ҳам ишлатилади.

М. тарихий тушунча бўлиб, ҳоз. кунда кўп ҳам аҳамият касб этмайди. Аммо Шарқ давлатларининг баъзиларида М. тушунчаси ҳали ҳам бор.

**МЕЗБОН** – меҳмонни кутиб олувчи, уни кузатувчи ҳар қандай киши. Улар уй эгаси, маълум бир уйда меҳмон бўлиб турган киши бўлиши ҳам мумкин. Мас., қариндош уруғлар, қудалар, танишлар, қўни-қўшниларни бирор тантана ёки сабаб б-н биргаликда ота-она уйи, хонадон, кафе, ресторанда кутиб олиши мумкин. Ўзбек халқида меҳмоннавозлик энг ёқимли ва масъулиятли вазифа бўлганлиги туфайли, меҳмонни кутувчи фақат шу тadbир ташкилотчиси эмас, балки унинг опа-сингилси, ака-укаси, овсинлари, қайинбўйинлари ҳам назарда тутилади.

**МЕҲМОН КУТИШ** – оилага ташриф буюрган инсонни кутиб олиш.

Чақирилган меҳмон, одатда, ясалган дастурхонга таклиф этилади. Дастурхон имкон даражасида қанд-курс, қуруқ ва ҳўл мевалар, пишириқлар б-н безатилади. Нон ва чой меҳмон келгандан кейин дастурхонга тортилади. Мавсумга қараб енгил

таом хисобланган салат, айрон қабилар меҳмон иштаҳасини очиш ва биринчи овкатга қадар кўп кутиб қолмаслик мақсадида дастурхонга келтирилади. Катта давра меҳмонлари бир-бирларини мутлақо танимаслиги мумкин. Меҳмонларни ўзаро таништириш ҳам мезбон зиммасидаги вазифа хисобланади.

Меҳмон чақирганда яна бир нозик жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Бу – болалар. Меҳмондорчилик катталар учун суҳбат б-н бошланиб, суҳбат б-н тугаши мумкин. Бу эса ёш болалар, умуман мезбондан кичик ёшдаги ташриф буюрувчилар учун зерикарли бўлиши табиий. Оқибат хархаша қилаётган болалар сабаб меҳмондорчилик поёнига етади. Бундай ҳоллар бўлмаслиги учун мезбон олдиндан вазиятни тўғри баҳолай олиши ҳамда шунга яраша йўл тутиши лозим. Мезбон меҳмон чорлашидан аввал бундай вазиятларнинг олдини олган ҳолда имкон даражасида болалар учун алоҳида жой ҳозирлаши айна муддао хисобланади.

Таклифга биноан уйга меҳмон ташриф буюради. Бундай пайтда баъзи жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Биринчидан, оҳанг.** Гапириш тарзининг мулозимлиги меҳмонни кўнглига янада яқин бўлишга сабаб бўлади. Баланд овоз ва қўпол оҳанг меҳмонни нафақат кўнглига тегади, хатто ранжитади.

**Иккинчидан, муносабат.** Агар меҳмон кўпчилик бўлса, уларга бирдек муносабатда бўлиш катта аҳамиятга эга. Катта даврада кимгадир ортиқча эътибор қаратиб, бошқа бир меҳмонни назардан четда қолдирса, нафақат икки меҳмон, балки бошқалар кўнглида ҳам ўзига нисбатан ижобий бўлмаган фикр уйғотиши табиий.

**Учинчидан, сукут.** Бемантик гапдан сукут афзал, деган гап меҳмонлар даврасида жуда аҳамиятли хисобланмайди. Сабаби, сукут меҳмонлар ўртасига совуқ жимжитликни олиб келиши мумкин. Бу

меҳмондорчиликнинг файзли кечилишига тўсик бўлади, шунинг учун мезбон бунинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим.

**Тўртинчидан, саришталик.** Меҳмон кам ўтиради, кўп кўради, деган нақл ҳақиқатан жонли эканлигига меҳмонга борганда амин бўлиш мумкин. Дейлик, бирор киши меҳмонга борса, мезбон кириб-чикиб юрганга ёки ўтирганга меҳмон беихтиёр атрофни кузатади. Нафақат жиҳозлар тартибига, балки уларнинг саришталиги, чанг-ғубордан холи эканлигига бефарқ қарамайди. Демак, меҳмонда ҳам бу хислат бўлиши табиий. Дарвоқе, уйдаги ёқимли ифор меҳмонлар кайфиятини кўтариб юбориши мумкин.

**Бешинчидан, пазандалик.** Уй бекасини меҳмонлар қаршисида қадрини оширувчи сабаблардан бири унинг пазанда эканлигидир. Дастурхонга тортилган мезбон томонидан тайёрланган ширинлигу салатлар, хуштаъм таомлар мезбон ҳақида ижобий фикрлар кўпайишига омил бўлади. Мезбоннинг уста ошпаз ёки қандолатчи эканлиги бошқа давраларда ҳам таъкидланиши, уйда эса меҳмонлар таҳсинига сазовор бўлиши табиий.

Меҳмоннавозлик ниҳоятда нозик фазилат. Миллатимизга хос бу сифатни очик чеҳралик ҳамда табассум б-н адо этиб, меҳмонларни юқоридаги қоидаларга биноан кутиб олмоқ лозим. Токи, ҳурмат кўрган меҳмон шундай илтифот б-н жавоб қайтарсин.

**МЕҲМОНЛАР УЧУН ДАСТУРХОН ҲОЗИРЛАШ** – уйга келган меҳмонлар учун махсус ёзиладиган дастурхон тузиш қонун-қоидалари. Меҳмонлар учун тайёрланаётган дастурхон кам доирада 4–8 кишилик, кўпроқ меҳмонларга мўлжалланса, 10–20 ва ундан ҳам кўп меҳмонларга тайёрланади. Меҳмон келишидан аввал тайёрлаб қўйиладиган дастурхон мезбон шароити ва имкониятига қараб мева ҳамда ширинликлар б-н безатилади.

Куйида дастурхон тузатишда умумий қоидалар берилган.

**Дастурхон.** Аввало, дастурхоннинг тозаллиги ва таҳига эътибор қаратиш лозим. Дастурхон нақши ва гуллари, ранги мезбон дидини кўрсатади. Оқ рангли дастурхонлар ҳар қандай давра меҳмонлари учун мос келади.

**Кичик қўл сочиқлар.** Замонавий дастурхон тузатишда кичик қўл сочиқларидан кенг фойдаланилади. Кутилаётган ҳар бир меҳмон учун иккитадан бежирим сочиқлар қўйилади. Бунда биринчиси ҳар бир меҳмон учун мўлжалланган алоҳида тақсимча тагига, иккинчиси эса тақсимчанинг ёнига ёки устига бирор шакл, жумладан, пирамида, ромб, калпоқча шаклида қўйилади. Қўл сочиқларнинг тозаллиги мезбон саришталигидан далолат беради. Баъзи ҳолларда кичик қўл сочиқлар ўрнида тайёр қоғоз салфеткалар ишлатилади. Бу салфеткалар бир марта ишлатишга мўлжалланганлиги боис, уларни меҳмонлар дастурхонига кўпроқ қўйиш талаб этилади. Шунинг учун қоғоз салфеткаларни махсус идиш ёки вазаларга турли усуллар б-н жойлаштириш мумкин.

**Жой ҳозирлаш.** Кутаётган меҳмонлар сони мезбонга аниқ бўлганда ҳам қўшимча жой тайёрлаш керак. Ҳар бир меҳмонга алоҳида ликопча қўйиш б-н уларнинг сонини билиш мумкин.

**Ликопчаларни тақсимлаш.** Меҳмон кутишда тақсимчаларни рисола ва тартиб б-н қўйиш катта аҳамият касб этади. Стол ёки дастурхондаги ликопчалар меҳмонлар сонини билдиради. Ликопчалар қуйидагича жойлаштирилади: кичик қўл сочиқ устига тақсимча, ликопчанинг ўнг томонига қошиқ ва пичоқ, чап томонига санчки қўйилади. Кичкина қошиқ ва санчкилар ликопчанинг юқори қисмида горизонтал шаклда туради. Меҳмондорчилик доирасига қараб, ликопчани битта

ёки бири катта, иккинчиси кичикроқ бўлган устма-уст икки ликопча тарзида жойлаштириш мумкин.

**Қошиқ, санчқи, пичоқ.** Дастурхон учун ниҳоятда зарур бўлган ушбу буюмлар тозалиги мезбон озодалигидан, уларнинг бир турга хослиги эса мезбон диди юқорилигидан далолатдир. Стол ёки дастурхон безашда ушбу буюмларнинг бир хиллиги ва сифатига эътибор беринг. Овқат учун мўлжалланган қошиқ ва санчкиларнинг жуда катта бўлмаслиги ҳамда ширинликлар учун қўйилган кичик қошиқ ва санчкиларнинг ниҳоятда кичкина бўлмаслиги талаб этилади. Бу меҳмонларга истеъмол учун қулайлик яратувчи омил ҳисобланади. Пичоқни жойлаштиришда эътибор бериш керак. У ўнг томонда, кесадагидан томони ликопчага қаратилган ҳолда бўлса, тўғри жойлаштирилган ҳисобланади.

**Стакан, фужер ва рюмкалар.** Бу идишлар нафақат дастурхон кўрки, балки меҳмон ва мезбонлар учун қулайлик сифатида ишлатиладиган идиш ҳисобланади. Асосан, шиша ва биллурдан ясаладиган бу идишлар катта ва кичик шаклда жуфти б-н ҳар бир меҳмон учун алоҳида-алоҳида қўйилади. Бунда идишлар тақсимчанинг ўнг томон юқориги қисмидан жой олади.

**Умумий идишлар.** Ҳўл мевалар катта вазаларда, қанд-курс, қуруқ мевалар кичик тақсимча ёки биллур ва шиша идишларда, салатлар эса махсус салат идишлари ва чуқур бўлмаган ликопчаларда тортилади. Шунинг учун идишларнинг тузилиши, сифати, ранги, бир хиллигига эътибор бериш керак.

**Ширинликлар.** Меҳмон учун дастурхон тайёрлашда ширинликлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қанд-курс, пишириқлар каби дастурхонбоп ширинликлар меҳмон келгунича дастурхондан жой олиши мумкин. Меҳмон кетишидан аввал дастурхонга ширинликлар тортишнинг

икки маъноси бор. Биринчиси – овқат ҳазмини енгиллаштиради, иккинчи – қутлук уйдан оғзингизни ширин, тотли қилиб кетинг, деган маънони ифодалайди.

**Салатлар.** Иштаҳа очувчи ҳисобландиган енгил таомлар бу, шубҳасиз, – салатлардир. Дастурхондаги салатлар хилма-хиллиги мезбон пазандалигидан дарак беради. Салатлар меҳмон ташрифидан бир оз аввал, ёки меҳмон келгач дастурхонга тортилади. Ҳар қандай салатнинг дастурхонда узоқ туриши ижобий ҳолат эмас. Салат масаллиғи ҳисобланган баъзи сабзавотларнинг вақт ўтиши б-н суви чиқиб қолиши ёки ҳиди чиқиши меҳмон таъбини хира қилиши мумкин. Масаллиқлари пиширилган салатлар эса бир жойда узоқроқ туриши б-н ўзининг тароватини йўқотади. Демак, салатларни тез-тез алмаштириб туриш, айна муддао.

**Овқатлар.** Меҳмонларни шароит даражасида 1 ёки 2 овқат б-н сийлаш мумкин. Бунда овқатлар суюқ ва қуюқ бўлади. Фақат битта овқат тайёрламоқчи бўлса, бунда қуюқ таом тайёрлаш афзалроқ.

**Чой.** Овқат ҳазмини енгиллаштирувчи ва инсон чарчоғини тарқатувчи, асабни тинчлантирувчи восита ҳисобланган чой қадимдан дастурхонимиздан ўрин оладиган неъмат ҳисобланади. Узоқдан келган меҳмонга таъбга кўра совуқ ёки иссиқ чой таклиф этиш аллақачон анъанамизга айланиб улгурди. Меҳмон дастурхонига эса, албатта, иссиқ чой олиб кирилади. Меҳмонни, иссиқ чой б-н сийлаш максасида унга пиёла ярим ёки ярмидан камроқ чой б-н узатилади. Пиёлани тўлдириб чой узатиш бизда урф ҳисобланмайди ва бу ҳурматсизлик саналади. Чой узатишнинг оддий қоидасини мезбон яхши билиши лозим. Чойнинг турлари кўп ва улар кўк чой, қора чой, ширин чой, лимон чой, гиёҳли дамлама чой тарзида меҳмон таъбига кўра дамланади.

**Шарбат ва газли ичимликлар.** Дастурхон кўрки ҳисобланган чанқоқбосди ичимликлар меҳмонлар даврасига кўра камрок ёки кўпроқ, ўзининг қадоқланган идишларида тортилади. Мезбон томонидан уй шароитида тайёрланган ичимликлар эса махсус шарбат идишларида дастурхонга келтирилади. Чанқоқбосди ичимликларнинг совутилган ҳолда меҳмонларга тавсия этилиши айни муддао.

**МЕЗБОНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ** – меҳмон кутиш ва кузатишнинг шарқона қоидалари.

Ўзбек оилаларида одоб ва одатга кўра, тақиллаган эшикни уй хўжайини ёки бошқа эркак киши очиши анъана тусини олган. Агар меҳмон аёл киши ёки ёшроқ киз бўлса, эшикни очган заҳоти эркак киши уйдаги аёлларни чақирishi лозим. Бу мезбонликнинг оддий маданияти ҳисобланади. Турли сабабларга кўра, уйда эркак бўлмаган ёки бўлмайдиган ҳолатларда мустасно тарзда, уйдаги она ёки каттароқ киз бола эшикни очади. Келувчи эркак киши бўлса, қисқа муомала б-н мақсадни билиб, шунга яраша жавоб қилинади. Уйда эркак киши йўқлигини айтиб, узр сўраган ҳолда меҳмонга жавоб бериб юбориш – мезбон аёлнинг оқиллик фазилати саналади.

Уйда, оила жамулжам пайтда эшик тақилласа, эркак ёки оила бекаси эшикка пешвоз чиқади. Кутилган ёки кутилмаган бўлса-да, таниш, кадрдон бўлган меҳмон хуштавозелик б-н ичкарига таклиф этилади.

Мезбон куйидаги ҳолатларда меҳмон кутиш қоида-сига риоя қилмаслиги мумкин. Бу ҳолатда мезбон узрли бўлади.

Улар:

– уйда катталар бўлмаганда мезбоннинг кичик бола бўлса;

– уйда эркак киши бўлмаган ҳолатда уй бекаси ёки киз боланинг ёлғиз ўзи қолса;

– уйда аёл киши бўлмаганда эркак кишининг ёлғиз ўзи қолса;

– ташриф буюрган меҳмон нотаниш бўлса;

– янги чақалқ ёки келин бор уйда чилла даврида шомдан кейин меҳмон келса.

М.ф.нинг шундай қоидалари ҳам борки, бу иккала томонга ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар қандай истиснолардан ҳоли ҳисобланади. Бу ўринларда мезбон ўз вазифасини астойдил бажариши М.ф.нинг нозик қирраларини юзага чиқаради ва кейинчалик меҳмонда чексиз ҳурмат уйғотишга сабаб бўлади. Улар:

– уйдаги нохуш воқеа ёки кўнгилсизликдан беҳабар бўлган келувчи меҳмонга вазиятни сездирмаслик ва уни хушқайфиятда кузатиш;

– узок сафарга кетган хонадон эгаларининг кадрдонларини уйда қолган меҳмон-мезбон илтифоти б-н кутиб олиш ва кузатиш;

– уйда катталар бўлмаган пайтда келган совчиларга оила аъзоларидан ким бўлса-да, хуштавозелик б-н пешвоз чиқиши (ҳатто сўраб келинган кизнинг ёлғиз ўзи бўлса ҳам);

– ўртада маълум пайт совуқчилик тушиб, борди-келди узилган кишининг ташрифи мезбонни ҳайратлантирса-да, иззатини жойига қўйиши.

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ** – мамлакат аҳолисининг ўз психологик, физиологик ва ақлий сифатлари б-н моддий неъматлар и.ч.га ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисми. Бу иқтисодий тушунча бўлгани б-н ҳар бир одам оилага ўз меҳнати туфайли иқтисодий даромад олиб келади. Шу нуқтаи назардан оила маскани М.р. шаклландиган энг асосий маскан бўлиб, оила аъзосига болалигидан оила муҳитида берилган тарбия, тавсия, ўғитлар унинг меҳнат бозорида ўзининг муносиб улушини топа олишига мустаҳкам замин яратади.

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ТАҚСИМ-ЛАШ** – ресурсларнинг иктисодиёт тармоқларида ишлайдиган ва ишламайдиган қисмлари.

**МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ ЁШ** – аҳолининг меҳнат қилишга лаёқатли бўлган даври. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, бу – эркаклар учун 44 й. (16 ёшдан 60 ёшгача), аёллар учун эса 39 й.ни (16 ёшдан 55 ёшгача) ташкил этади. I ва II гуруҳ ногиронлар ҳамда имтиёзли пенсия олувчилар бундан мустаснодир.

**МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ** – ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар, жумладан, таътил, байрам кунлари ва б. ишланмаган вақт учун меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларига мувофиқ мунтазам олинадиган ҳақ. Пул даромадларининг бу тури иш тартиби ва меҳнат шароитлари б-н боғлиқ рағбатлантирувчи тўловлар, устама ҳақлар, мукофотлар ва бир марта бериладиган, рағбатлантирувчи, шунингдек, озик-овқат, уй-жойга доимий хусусиятга эга тўловларни ўз ичига олади. Иш ҳақи ҳар бир одамнинг бажарган ишининг, меҳнатининг баҳоси ҳисобланади. Россиялик иктисодчи олим Н.А.Горелов фикрига кўра: «Иш ҳақи – ходим меҳнатидан фойдаланганлик учун тўланадиган, унинг меҳнат хизмати ҳақи, меҳнат баҳосининг қийматидир».

**МЕҲР** – инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман одамга бўлган самимий муҳаббати. Оилада болаларнинг ўсаётган, тарбия олаётган муҳити, ота-онаси, фарзандларга муносабати бир хил бўлса-да, М.нинг ифодаланиши турлича бўлади. М. фақат ҳаёт давомида шаклланмайди, унинг асоси кўп жиҳатдан наслга боғлиқдир. М. кўп жиҳатдан болага табиатан, яъни биологик, туғма берилади. Лекин шу туғма, биологик берилган М.нинг ҳаёт давомида шаклланиши ва ифодаланиши кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга, яъни шу шахс шакл-

ланаётган микроижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади. Туғма берилган М.нинг ифодаланиши кўп жиҳатдан оилага, ота-онага, улар ўртасидаги муносабатларга, уларнинг маданий, ахлоқий, маънавий савиясига боғлиқ.

М. ҳар бир нарсада, айниқса, шахс маънавиятининг шаклланишида зарур. Шу б-н бирга, М. меъёрдан ошиб кетмаслиги мақсадга мувофиқ. Биринчидан, боланинг ота-она, бува-бувилар, ака-опалар М.ига энг муҳтож бўлган мактабгача ёш даврини бой бермаслик зарур. Айнан шу даврда бола М.га тўйиниши керак. Агар бола шу даврда М.ни зарур даражада ҳис этмаса, кейинги ёш босқичларида унга нисбатан ифодаланган М. йўқотилганининг ўрнини қоплай олмайди.

Шу б-н бирга, М.нинг меъёридан ортик ифодаланиши ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай муҳитда вояга етгунча боланинг тарбияси бузилади. Ўзи М. кўрсатганга эмас, балки фақат ўзгалар М.идан баҳраманд бўлишга ўрганган бола М. кўрсатмаган одамга салбий муносабатда бўлиб, меҳрсизликдан тажовузкорликкача бўлган хатти-ҳаракатни кўрсатиши мумкин. Баъзи ота-оналардаги ўта меҳрибонлик, айниқса, болада унга эҳтиёж бироз камайгандан кейин ҳам илгариги тарзда ота-онаси томонидан ифода этилаётгани болани тенгдошлари олдида ноқулай вазиятга тушириши; у синфдошлари, тенгдошлари томонидан танқидий муҳокама, кулги объектига айланиб қолиши мумкин. Бу эса унда ота-она М.ига жавобан меҳрсизлик қайтариши каби ҳолларни, шахс «галаёни» «исёни» тарзида меҳрсизликнинг ифодаланишини намоён қилади.

**МЕҲРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ** – инсоннинг ўзгаларга нисбатан ўз меҳрини улашиши, уларга меҳр кўрсатиши. Меҳр номоддий тушунча бўлиб, инсонларнинг ўзаро муносабатида бириктирувчи омил ҳисобланади.

М.и.нинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улардан окилона фойдаланиш инсонлар муносабатини янада кучлироқ боғлайди. Бунда меҳр кўрсатилаётган инсоннинг жинси, ёши, ижтимоий мавқеи каби жиҳатларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки инсон жинси, ёши, ижтимоий мавқеига кўра меҳр хиссини қабул қилади. Мас., ёш бола меҳрга ташна бўлган ҳолда, ўсмир ортиқча меҳрни истамаслиги мумкин.

Инсон омилининг аҳамияти ошиб бориши б-н меҳр ва унинг ифодаланиш зарурияти жамиятда ўсиб боради.

Ота-оналари томонидан бир хил меҳрни кўрган, бир хил ардоқланган фарзандлар эрта ёшлигидан турли даражада меҳр ифодалайдилар. Бу «наслий мерос» бир оиладаги болаларга ҳам ота-онасидан турли миқдорда берилади.

М.и. фақат биологик омиллар б-н чекланмасдан, унга бир қатор ижтимоий омиллар ҳам кучли таъсир қилиши мумкин.

Баъзиларнинг калбида меҳр меъёридан ортиқ бўлса-да, уни ифодалашни билдишмайди, чунки уларда бу туйғуни ифодалаш малакалари шаклланмаган бўлади. Бу ҳам кўп ҳолларда қайси оилада, қандай ота-она томонидан қандай тарбия кўрганлигига боғлиқдир. Агар ота-она ёшлигидан болаларига ва эр-хотин сифатида бир-бирларига ўзаро меҳрини ифодалаб келган бўлса, бола ҳам улардан андаза олади ва унда меҳрни ифодалаш малакалари етарли шаклланади. Агар ота-она бир-бирига меҳрни ифодаламаса, бундай оилалардаги болаларнинг аксариятида М.и. малакалари етарли шаклланмайди.

М.и.ни ифодалашни билмаслик кўп жиҳатдан шахснинг вояга етган, шахс сифатида шаклланган микроижтимоий муҳитига боғлиқ бўлади. Бу муҳитнинг асосини оила ташкил этади. Оилада ота-она ва ака-укалар орасида меҳрнинг бир-бирига ифодаланмаслиги шу оилада ўсаётган бо-

лада М.и. малакаларининг шаклланмаслигига олиб келади. Албатта, бола намунани фақатгина оиладан эмас, балки ўзга референт гуруҳ (кадрият, интилишлари унинг учун муҳим аҳамият касб этадиган)лар даврасидан, кариндошлари, мактаб ҳамда адабиёт, санъат, кино каби ўзга омиллардан ҳам олиши мумкин. Оилада етишмаган малакалар ўзга омиллар орқали шакллантирилиши эҳтимоли мавжуд. Лекин меҳрни шакллантирувчи энг асосий омил оила ҳисобланади.

М.и. нафақат оилага, балки ота-онанинг маданий ва маълумот савиясига, миллатига, оила яшаётган ҳудудга ҳамда шахснинг жинсига ҳам боғлиқ. Шаҳар ва қишлоқ, Шарқ ва Ғарб, аёллар (қизлар) ва эркеклар (ўғил болалар), орасида шакл ва хусусиятларида муайян фарқ бор. Шахс туғилиб ўсган оила, уни ўраб турган муҳитнинг маданий савияси қанчалик юқори бўлса, унда меҳр шунчалик кучлироқ ифодланади.

Ҳар бир миллат, халқ меҳрни ифодалашнинг ўзига хос меъёрларига эга. Шунинг учун бир халқ ё миллатда меҳрни ифодалаш малакалари шу халқ ёки миллат учун меъёр ҳисобланса, бошқалар учун ахлоқсизлик деб саналиши ёки баҳолалиши, маълум бир миллатнинг меҳрни ифодалаш шакллари иккинчи бир миллатга тўғри келмаслиги мумкин. Лекин, шу б-н бирга, меҳрни ифодалаш ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий мезон ва меъёрларида, яъни кўз қарашлари, юз ифодалари, қўл ҳаракатларида, умуман, ҳиссиётида яққол ифодланади. Шунинг учун меҳрни ифодалаш малакалари миллатга ҳам боғлиқ.

М.и., меҳрга бўлган эҳтиёж ёшга ҳам боғлиқ. Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларда меҳрга нисбатан ниҳоятда кучли эҳтиёж бўлади ва айнан мана шу ёшларда меҳр танқислиги, ота-она меҳрига тўй-

маслик боланинг характери, шахсига кейинчалик жуда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълум бир ёшдан кейин, мас., етуклик ёши, фахрийлик ёши, кексалик ёши даврларида ҳам меҳрга бўлган эҳтиёж кескин ошади. Бунда кўпроқ ота-оналар, меҳнат фахрийлари, собиқ иш жойидан, жамоасидан, фарзандлари ва набираларидан моддий таъминот эмас, дикқат-эътибор, меҳр-муҳаббат, илиқ муносабатни кутадилар. Буни ҳар бир акли расо одам билиши ва ўз хатти-ҳаракатини шунга мувофиқ белгилаши лозим.

Меҳрга бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда кучайиши, етук ёшларда ва баъзан 55–60 ёшли инсонларда ҳам яққол ифодаланишини бобо, бувиларда кўриш мумкин. Яъни, кўпинча бу инсонлар ўз фарзандларига нисбатан ифодалай олмаган, калбидан ҳис этмаган меҳр-муҳаббатини набираларига нисбатан ҳис этадилар, фарзандларидан кўра набираларини кўпроқ суядилар, яхши кўрадилар.

М.и. ва шаклланиши ёшга, оилавий ҳаётга қараб ўзгариб боради. Нафақат ота-она болаларга, бола шахсига таъсир этади, балки бола шахси ота-онага ўз таъсирини кўрсатади. Лекин ота ёки она сифатида шаклланаётган болага ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабат ва мулоқот андаза вазифасини ўтайди. Шунинг учун тарбия жараёнида ота-она ва болалар орасидаги муносабат бир томонлама эмас, балки икки томонлама ҳисобланади. Шу боисдан фарзанд кўрган, уни ўстирган, таълим-тарбия берган ота-она б-н фарзанд кўрмаган ота-она ўртасида маълум бир фарқ бўлади.

Фарзанд кўрмаган ота-онада ҳам худди шу сифатлар, ҳислатлар мавжуд, лекин боласи бўлмаганлиги уларда шу сифат ва ҳислатларнинг тўлиқ намоён бўлиши ва шаклланишига имкон бермайди. Фарзандли бўлиш ва улар б-н доимо мулоқотда

бўлиш, тарбия жараёнида бевосита катнашиш, уларнинг тўлақонли ота ёки она сифатида шаклланишига, намоён бўлишига хизмат қилади. Оилада фақат ўғил ёки фақат қиз ўстираётган ёхуд ўғил-қизларни биргаликда тарбиялаётган ота-оналарнинг меҳрини ифодаланишида жиддий фарқ бўлиши мумкин. Шу ўринда қиз боланинг ота-онага муносабати, меҳрибонлиги, мулоқоти, меҳрининг ифодаланиши фақат қиз ўстирган оталарга маълум. Фақат ўғил болаларни вояга етказган оталар маълум вақтларгача (қиз набираларини тарбияламагунча) буни ҳис эта олмайдилар.

**МЕҲРСИЗЛИК** – инсонларга меҳр кўрсата олмаслик, меҳр туйғусидан йироқ бўлиш; киши, буюм ва ҳолатларга нисбатан совуққон бўлиш. М. болага онадан ҳам, отадан ҳам ўтиши, буни бевосита она андазаси ёки ота андазаси сифатида ифодалаш мумкин. Бола М.ни қисман ота, қисман она генетик дастуридан ўзлаштирган бўлиши эҳтимоли бор. Бунда боланинг қайси наслга кўпроқ тортганлиги, қайси дастур кўпроқ доминант (етақчи)лик қилганлиги асосий аҳамият касб этади. Барча турдаги таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчи, талаба, тингловчилар б-н ўтказиладиган тадбирларда Ватанга, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Ақлий етишмовчилик б-н М. орасида боғлиқлик мавжуд. Ақлий етишмовчилик қай даражада бўлса, М. ҳам шу даражада кескин ифодаланиши мумкин. Лекин бу ўринда кўпроқ боланинг меҳрсизлиги эмас, балки ўша агрессивлик (тажовузкорлик) аломатлари ўзгаларга қай даражада зарарли эканлиги, унинг асоратлари ҳаёт учун, ўзгалар учун хавfli эканлигини етарли тусунтирмаслик сабаблари ташкил этади. Бу ақлий етишмовчилик б-н М. орасидаги боғлиқликнинг биринчи томони бўлса,

иккинчи томондан ундаги меҳрибонлик эмас, балки унинг акси бўлган тажовуз-корликнинг ифодаланиши, аклий етишмовчилик асосидаги хатти-ҳаракатларнинг қай даражада ўзгаларга зиён-заҳмат етказиши ва хавфли эканлигининг туб моҳиятини тушуниб етмаслиги ташкил этади. Баъзи оналарда ўз фарзандларини туғилиши биланок ташлаб кетиш ёки маълум сабабларга кўра, ҳаёт қийинчиликлари натижасида ёки турмуш ўртоғи б-н турли низолар оқибатида пайдо бўлган аламзадалиқни фарзандларидан олиш ҳоллари кузатилади. Ўз боласининг бундай душманига айланиши аёлларнинг кўп жиҳатдан маълумоти, маданий ва маънавий савияси, ижтимоий ҳолатига боғлиқ бўлади.

М. ўта салбий оқибатларга олиб келади. Турмуш қурган шахсларда меҳрнинг етишмаслиги улар орасидаги эр-хотинлик муносабатларининг қуруқ, дағал, кўпол бўлишига, оилавий бахтнинг тўлиқ ҳис этилмаслигига олиб келади.

Эр-хотинлардан бирининг М.и. улар орасидаги жинсий ҳаётга ҳам салбий таъсир қилиб, бундай оилалардаги баъзи аёллар узок йиллар давомида эри б-н жинсий ҳаёт кечиришига қарамасдан умр бўйи никоҳдан қониқишни ҳис этмаган бўлиши мумкин.

М. ота-онада ифодаланган тақдирда фарзандларни ўзларига меҳрибон қилиб тарбиялашлари қийин кечади. Бундай оилада вояга етган фарзандлар катта бўлиб, ўзлари оила қурганларида фарзандларига меҳрдан кўра М.ни кўпроқ ифодалашга мойил бўладилар. М. кескин ифодаланган оилаларда тарбияланган фарзандларда турли неврозлар, асаб бузилишлари юзага келиши мумкин.

Тарбиячи, ўқитувчи шахсидаги М. ўқувчилар шахсидаги меҳрибонлик ва уни ифодалаш малакалари шаклланишига салбий таъсир қилади. Педагоглардаги М.

тарбияланувчи ва ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин ифодалаш, катталар б-н эркин мулоқотга киришиш, соғлом мунозара қилиш, маълум масалалар бўйича мунозарада қатнашиш, зарур бўлганда ўз позицияси, фикри, қарашларини асослаш, ҳимоя қилиш, тушунтириш малакаларининг шаклланишига акс таъсир кўрсатади.

**МОТИВ** – инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил, важ. М. шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки ҳисобланади. Эҳтиёж ва инстинкт, майл ва ҳиссиёт, идеал ва б. М.лар жумласига қиради. Ҳоз. замон психологиясида М. атамаси субъектни фаоллаштирувчи турли ҳодиса ва ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади. Хатти-ҳаракат ва фаолият М.ларининг мажмуаси мотивация дейилади. М. эҳтиёж негизида вужудга келади ва шаклланади. Эҳтиёжнинг барқарорлашуви мотивациянинг самарали шаклланишини таъминлайди. Ҳаракат фаолиятнинг таркиби бўлганлиги туфайли у фаолиятнинг мақсади ва М.и орқали бошқарилади. Бу атама гоҳо туртки, кўзғовчи, ундовчи сабаб тушунчалари б-н айнанлаштирилади. Шу ўринда оила қуриш М.лари орқали бу тушунчани атрофлича изоҳлаш мумкин. Гап шундаки, инсон вояга етиб, оила қуриш мақсади юзага келганда бир қатор ундовчи сабабларга эътибор қаратади. Мас., икки ёшнинг оила қуришига уларнинг севги-муҳаббати, таниш билишчилик, иқтисодий манфаатдорлик, совчилик, ёшларнинг биргаликдаги бир маҳаллада яшаши, бир ўқишда ўқиши, бир жамоада меҳнат қилиши каби бир қатор М.ларни таъкидлаш мумкин.

**МУВАФФАҚИЯТСИЗ ОИЛА** – ижтимоий мавқеи қуйи оила. Оилада ўзаро муносабатларнинг бузилиши бўйича қуйидагича таснифланади:

**Кам даромадли оила** – ҳаёт даражаси, даромади паст, ёмон яшаш шароити ва ҳўжалиги б-н давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафакага муҳтож оила.

**Муаммоли оила** – ота-оналарнинг пед. таъсири кам, фаолият юритиши жиҳатидан бузилган оила.

**Инқирозли оила** – ички (оила таркибининг ўзгариши, фарзандларнинг улғайиши, ажрашиш, бетоблик, оила аъзоларидан кимнингдир ўлими, ишни йўқотиш, уйни йўқотиш, ҳужжатларни йўқотиш ва б.) ва ташқи инқироз (иктисодий қийинчилик)ни кечираётган оила.

**Асоциал оила** – алкоголизм, гиёҳвандлик, болалар эҳтиёжини эътиборсиз қолдириш каби муаммолари мавжуд оила. Одатда, болаларнинг тарбияси б-н ҳеч ким шуғулланмайди, назоратсиз қолишади, уларнинг озикланиши, ривожланиши орқада қолади, оиладаги зўравонлик қурбонига айланади. Айни пайтда ота-она ва фарзанд муносабатлари тўлиқ узилмайди (мас., болалар ота-оналарининг ичкиликка берилганини яширади, оилани таъминлашни ўз зиммаларига олишади, оиладаги кичик фарзандларга қарашни, мактабда ўқишни давом эттиришади).

**Ахлоқсиз оила** – оилавий кадрятларни буткул йўқотган оила. Ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш эмас, балки оиладаги тарбиявий-ахлоқий вазифаларни бажарилишига эътибор қаратмайдиган, фарзандларига ёмон хулқни кўрсатаётган, уларнинг ўқиши, ривожланишига бефарқ муносабатни намён этаётган, ҳатто фарзандларига зўравонликни қўллайдиган оила.

**Ижтимоий хавфли оила** – фарзандларини ўғирлик, тиланчилик, қаллоблик, фохшаллик каби салбий ҳолатларга мажбурлашни ўзига машғулот этиб олган оила. Меҳнат қилиш, оилани иқтисодий таъмин-

лашни алдов, макр, ёлғончилик, ўғрилик, қаллоблик йўли б-н олиб боришни оила аъзолари учун чора сифатида қарайди. Энг ёмони бу оилада вояга етаётган бола ушбу салбий хусусиятларни одатий ҳолат деб ўзига сингдира боради.

**МУҲАББАТ** – бирор шахсга ёки кишилар гуруҳига, гоёга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. Нафратнинг акси. Шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. М. туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий, интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир нуктага тўпланади. Ижтимоий фикрлар тарихида М.га турлича маъно берилган. Юнонистонда М.ни кишилар ва табиат устидан ҳукмронлик қилувчи афсонавий куч деб тушунган, натижада М. худоси – Эрот (Эрос) ҳақида тасаввурлар вужудга келган. Эмпедокл М. оламни инсонлар ва табиат ҳодисаларини уюштириб, бирлаштириб турувчи омил деб қараган, Платон М.ни 2 турга: ҳиссий М. ва ақлий М.га ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий М. ташқи гўзалликни ҳис қилишдан ҳосил бўлади ва М.нинг қуйи босқичини ташкил этади. Ақлий М. эса гўзалликни кенг маънода – ахлоқий-эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У ақлий (маънавий) М.ни устун қўяди.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам М. масаласига катга эътибор берганлар. Улар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл орасидаги М.ни юқсак муносабат деб тушунишган. Абу Али Ибн Сино М. ҳақида «Рисолаи ишқ» номли илмий асар ёзган. Юсуф Хос Ҳожиб назарида, М. мустаҳкам оилавий турмуш, ижтимоий такомилнинг заминидир. Лutfий фикрича, М. инсонни кадрлаш, садоқат ва вафодорлик б-н чамбарчас боғлиқ. Алишер Навоий М.ни 3 турга: эркак б-н аёл никоҳида амалга ошадиган жинсий М.га, умуман инсонлар ўртасидаги

муносабатларда намоён бўладиган М.га, Аллохга бўлган М.га ажратади. Умуман олганда, ҳоз. кунга қадар М. тушунчасига ягона илмий таъриф-тавсиф берилмаган, бевосита унга бағишланган илмий асарлар ниҳоятда кам. Классик асарларда, жумладан, қад. ҳинд трактатида М.га бирмунча тўлиқ таъриф берилади: «Ақл майли ҳурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб севги – М.ни туғдиради». Вольтер: «Севги – М. – бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзида ҳужум қиладиган энг кучли, завкли ҳис-туйғулардан биридир», деб таъриф беради. Бу таърифларни ўзаро таққослаш ва психологик таҳлил қилиш, севги – М.да зарурий руҳият компоненти б-н бир пайтда физиологик компонент ҳам ҳисобланади.

Севги, меҳр, садоқат даражасидаги М. одамлар ва ҳайвонларнинг генетик дастурида мавжуд бўлган биологик ҳодиса сифатида ўзидан авлод қолдириш, уни ҳаётга тайёрлашга қаратилган кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлишидир. Бу ҳайвонда ҳам, одамда ҳам ўз зурриётини сақлаб қолишга қаратилган эҳтиросли эҳтиёжларни жинсий муносабатлар шаклида юзага чиқаради. М. фақат 2 жинснинг бирлашишига бўлган кучли эҳтиросдан иборат бўлибгина қолмай, айни чоғда у одамнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, кўни-кўшилари, ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқи ва Ватани ҳамда умуман башарият б-н руҳан яқинлашишнинг кучли воситаси ҳамдир. М. туфайли индивид гўзал феъл-авторни, хулқни ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдига юксак қадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Одам оламни, ўзини қуршаган табиий ва ижтимоий муҳитни уларга бўлган М.ни даражасида англайди. М. одамлар ва нарсалар моҳиятини билиб олиш учун ақл-

га йўл очади, қоронғи дунёни ёруғ этади, эзгуликни ёвузликдан, ростни ёлғондан фарқлаш мезони сифатида ҳам намоён бўлади. М. одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради.

М. тасаввуфда Аллохга етишиш («ҳақиқатга эришиш»)нинг асосий воситаси. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр ва ш.к. шоирлар шеърларида инсонни бу дунёга эмас, Аллохга М. қўйишга чақиради. Яссавий фикрича, киши бутун ҳаётини Аллохга, илоҳий М.га бағишлаши керак, ҳаётнинг моҳияти Аллохга бўлган М.дан иборат. Зеро, диний эътиқодга кўра, инсон бу дунёга Яратганга бўлган М.га эга бўлиш учун келади.

**М. мезонлари.** Ошиқ табиатида севгининг таъсири туфайли рўй берадиган руҳий ўзгаришлар ва уларнинг кўринишлари. Улар қуйидаги кўринишларда бўлади:

1. **«Биргалик» эффекти.** Бундай ҳолларда М. ҳисларини бошдан кечираётган шахснинг онгида, тасавурида, ҳаёлида доимо севики ёри гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин ва қаерда бўлмасин, ҳаёлан у б-н гаплашади, яшайди.

2. **Идрокнинг идеаллашиши.** Бундай ҳолларда севилган инсон идеаллаштирилган ҳолда идрок этилади. Такрорланмас даражадаги шахс сифатида, ҳар томонлама мукамал шаклланган, ниҳоятда чиройли, ақлли, одобли ва ўзга ижобий ҳислатларни мужассамлаштирган инсон сифатида гавдаланади. Улар феъл-атворидаги салбий томонлар ёки бирор жисмоний нуқсонлар камчилик сифатида эмас, балки бетакрор ноёб фазилат сифатида қабул қилинади.

3. **Альтруизм (фидойилик)нинг кескин ифодаланганлиги.** Бу босқичда асосий эътибор М. тимсоли бўлган шахсга йўналган бўлади. Альтруизм ниҳоятда кучли бўлганда инсон севган кишиси учун

хамма нарсага тайёр бўлади. Унинг манфатини ўзиникидан устун қўяди ва буни биринчи даражали зарурат ҳисоблайди.

**4. М. кучига чексиз ишонич.** Бундай ҳолатда М. ҳисларини бошдан кечириётган шахс ўз севгилиси б-н бирга бўлишни, бўш вақтларини бирга ўтказишни, тезроқ у б-н оила қуришни ва умрининг охиригача бирга бўлишни орзу қилади, шунга интилади, кўпинча бу режасини амалга оширади.

М. тўсиқларни сўзда ёки тасаввурда эмас, балки ҳаётда, амалда енгиб ўтишда қатта омил ҳисобланади. Лекин ёшлар икки нарсани олдиндан кўра билмайдилар:

1) М.нинг ҳиссий кучи учинчи босқичга ўтгандан кейин бирмунча сусайишини;

2) ҳиссиёт кучи сусайиши б-н ҳаёт қийинчиликлари аҳамиятининг кескин ошиши ва севишганларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатишини (кўпгина севишганлар ўз М.ларини бошқаларникидан устун қўйишади ва умрларининг охиригача шундай қолади, деб ўйлайдилар).

**5. Севгилисида бошқалар кўрмаган жихатларни кўриш.** Бу нуқтаи назарнинг ўзига хос психологик томони шундаки, киши севгилисининг салбий томонларига эътибор бермайди. Шулар туфайли кўпинча севгилисининг ота-онаси ҳам кўра билмаган истикболини айтиб бера олади.

**6. Севган одамда ҳаётга нисбатан М.нинг кучайиши.** Буни куйидагиларда кўриш мумкин: уларда руҳий жихатдан кескин ўзгариш содир бўлади, дунёни ўзгача тасаввур қилишади, ҳаётни чуқурроқ идрок эта бошлайдилар, ўзгаларни қалбдан тушуниш, уларга ҳамдардлик билдириш кучаяди, илгари яққол ифодаланмаган раҳмдиллик ҳислари пайдо бўлади. Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш, теварак-атрофдаги гўзалликни кўра олиш – эстетик идрок кучаяди. Ахлоқий қарашлар юксалади, олдинги ёмон одатлар ташланади (бу М.нинг тарбиявий таъсири ўзгаларга бўлган

хурматнинг ошиши туфайлидир), ижодий фаолият ва иш қобиляти ортади (чунки М. киши фаолиятига кучли таъсир қилади).

**МУҲАББАТ БОСҚИЧЛАРИ** – бир-бирдан фарқ қилувчи, муҳаббат даражасининг қандайлигини кўрсатиб берувчи даврий ёки даражавий босқич. Тўлақонли севги-муҳаббатни ҳис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич, алангаланган ва ўзаро хурмат босқичларини босиб ўтади.

Биринчи босқич кўп кишиларда қузатилади ва иккинчи босқичга ўтмасдан барҳам топади. Муҳаббатнинг бу босқичи эстетик дидимизга бирмунча тўғри келадиган, эстетик ва жинсий эҳтиёжларни қондириш (жинсий яқинлик шарт эмас) мумкин бўлган, икки жинснинг маълум вақтгача бўлган ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган ҳиссиётдир. Бу муҳаббатнинг «людус» турини ташкил қилади. Лекин бир марта учратиб, ёқтириб қолиш каби ҳолларни биринчи босқичга киритиб бўлмайди.

Иккинчи босқич алангаланган босқич ҳисобланади. Биринчи босқичга қайтилмайди. Иккинчи босқичдан фақат учинчи – ўзаро хурмат босқичига ўтиш мумкин, холос. Демак, фақат биринчи босқичгина қайтиш характерига эга, иккинчи босқичдан бошлаб ҳиссиёт ортга қайтмас хусусият касб этади. Фақат маълум сабабларга кўра, бу босқичлар «тез» босиб ўтилиши мумкин. Бу айниқса, ёшлиқда илк севги-муҳаббатни бошдан кечиришда ёки бирдан севиб қоладиган енгил табиатли кишиларда учраши мумкин. Демак, бундай ҳиссиёт узоқ давом этмайди.

Биринчи босқичнинг ўртача давом этиш вақти ҳиссиётни бошидан кечириётган шахснинг ёшига, жинсига, ҳаёт тарзига, шахсий хулқ-атвorigа, шунингдек, бир қанча ташқи ва ички сабабларга боғлиқ бўлиб, баъзида бир неча соатдан бир неча кунгача, ҳатто бир неча йилгача давом этиши мумкин.

Қизлар хиссидаги руҳий омил йигитлардагига нисбатан кучли бўлганлиги ва оилавий ҳаёт б-н оилавий бахт қизлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши сабабли қизларда бу босқич тезроқ ўтади.

Учинчи босқич иккинчи босқичдан хиссиётнинг кучи ва ташки ифодаланишининг бирмунча сусайиши б-н муҳаббат объектини идеаллаштирган тарзда эмас, балки севгилисининг шахсидаги ютук ҳамда камчиликларининг объектив идрок қилиниши б-н фарқ қилади.

Аксарият севишганлар ва эр-хотинлар учун иккинчи босқичдан учинчисига ўтиш улар орасидаги муносабатлар сақланиб қолишига шубҳа туғдиради. Бу шубҳа жуфтларда ўтишдаги ҳиссий ўзгаришларни нотўғри талқин этиш, «Муҳаббат объектини танлашда адашдим, шекилли», каби янглиш фикрларнинг юзага келишидадир.

Аксарият ёш оилаларда шундай вақтда эр-хотин орасида келишмовчиликлар кўпаяди ва кўпчилик ёшлар бундай вазиятда оиладан четда янги севги-муҳаббат объектини кидириб қолишади. Айрим оилалар эса бу ўзгаришларни нотўғри талқин этиб, ажрашиб ҳам кетишади. Шунинг учун ёшлар муҳаббат ҳисларининг турли босқичларда бўладиган ўзгаришларини олдиндан билишлари керак.

Учинчи босқич умрнинг охиригача давом этиши ёки турли ва четдан бўладиган таъсирларга кўра барҳам топиши мумкин. Агар эр-хотинларнинг бирида «янги муҳаббат» туғилиб қолса, турмуш бузилиб кетиши эҳтимоли бор. Ўртада «янги муҳаббат»га сабабчи учинчи шахс пайдо бўлмаса, оила бузилмайди. Чунки инсон қариганда ёлғиз қолишдан, ўгил-қизлар, келинлар, набиралар, таниш-билишлар олдида гап-сўз бўлишдан, обрўни йўқотишдан қўрқади. Бундай тўсиқларни енгиб ўтиш учун эса, албатта, ўртада муҳаббат бўлиши керак. Акс ҳолда оилавий бурч

зўрма-зўраки бажариб борилади, холос. Учинчи босқични узоқ йиллар давомида бирга яшаган оилаларда кузатиш мумкин. Бунда эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрига бўлган хиссиёти кескин кучаяди. Яъни хиссиёт умрнинг айрим ёшларида кўтарилиши кузатилади. Бу айниқса, ташки сабабларга кўра, маълум вақт айрилиқда яшаганда юз беради. Баъзан эса бу ҳол катта фожиаларни бошдан кечириш, яқин кишиларини йўқотишдан сўнг ҳам юзага келиши мумкин. Баъзан эр-хотиндан бирининг оиладан ташқари жинсий муносабатда бўлганидан сўнг ҳам ўз турмуш ўртоғига бўлган хиссиётининг кучайиши кузатилади. Эр-хотин ўртасидаги хис-туйғуларнинг сусайишига ўта фаол жинсий ҳаёт кечириш, оилада бўлиб турадиган келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлади.

**МУҲАББАТ ВА ЁШ** – муҳаббатнинг юзага чиқишида муҳим омил бўлган, муҳаббат туйғусининг намоён бўлишини белгилаб берувчи бир-бирига боғлиқ тушунчалар. Ўғил ва қиз болаларнинг турли ёш босқичларидаги ўзаро муносабатлари ривожланишига назар ташланса, қуйидаги манзарани кўриш мумкин.

Боғча ёшидаги қизлар ўгил болалар б-н бирга ўйнаш жараёнида жуда яқин муомалада бўлишиб, бир-бирлари б-н дўстлашадилар, ҳатто баъзан болаликка хос илк севги ҳисларини ҳам бошларидан кечиришади. Бу, албатта, ўларнинг катталарга ҳавас қилиши, уларга тақлиди оқибатида келиб чиқади.

Бошлангич синфлардан ўсмирлик ёшигача ўгил болалар кўпинча ўгил болалар б-н, қиз болалар эса қиз болалар б-н яқин муносабатда бўлиши туфайли жинсларнинг бир-бирларидан узоқлашиши кузатилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб улар орасида яқинлашиш майли пайдо бўла бошлайди. Ўсмирликнинг биринчи даврида болалар тенгдошларига «Қиз боламисан, қўрқасан», «Ўз сўзининг устидан чикма-

ган киз бола» каби гапларни қўллашади. Бу жумлалар уларнинг ўз жинсини устун кўйишга интилиши, киз болаларни тан олмаслигини кўрсатса, кизлар ҳам ўз навба-тида ўғил болаларни назар-писанд қилмас-ликларини намоёиш қиладилар.

**МУҲАББАТ ВА МИЗОЖ** – инсон ру-хиятига кучли таъсир қилувчи ҳиссий ва психологик тушунчалар. Севги-муҳаббат туйғуси олий инсоний туйғу сифатида ўзининг намоён бўлиши, ифодаланиши, ке-чишига кўра ўз субъектининг психологик хусусиятлари б-н маълум даражада боғлиқ-ликка эга бўлади. Шу б-н бирга севги-му-ҳаббатнинг пайдо бўлишини шахснинг асосий индивидуал-психологик хусусият-ларидан бири, унинг мизожи б-н бевосита боғлаш ҳам хато, лекин мизож б-н ҳисси-ётнинг ифодаланиши орасида боғлиқликни ҳам инкор этиб бўлмайди.

Холерик ва сангвиник тоифадаги ёки уларнинг аралашувидан иборат тоифадаги-лар ўзгалар б-н тез ва осон тил топишади. Бу тоифадаги эркак ва аёллар ўзларига дўст топишда унчалик қийналмайдилар. Шу-нингдек, бундай тоифадаги одамлар флег-матик ва меланхоликларга нисбатан тез ва осон севиб қоладилар. Чунки уларда ҳис-сиёт ташки томондан кучли ифодаланган ва шу сабабли ҳиссий қониқиш осонроқ ва тезроқ содир бўлади. Бундайлар юқори-даги айтиб ўтилган босқичларни бирмунча тезроқ босиб ўтишлари ҳам мумкин.

Флегматик ва меланхоликлар эса ўз-галар б-н тил топишишлари анча қийин. Улар дуч келган кимса б-н дўстлашиб ке-тавермайдилар. Аммо дўстликнинг кад-рига етиб, арзимаган сабаб учун дўстлик-дан кечмайдилар. Бу тоифадаги кишиларда ҳиссиёт ниҳоятда чуқур ва пинҳона кеча-дики, буни бошқаларнинг ташки томондан сезиши қийин. Буни худди дарё чуқурли-гини унинг сатҳига қараб билиб бўлмага-нига ўхшатиш мумкин.

Муҳаббатнинг қай даражада ифодала-ниши мизож туридан ташқари ўша одам яшаётган шароит, муҳит, теварак-атроф-дагилар қарashi, ижтимоий, ахлоқий ва миллий мезонларга ҳам боғлиқ бўлади. Мас., баъзи миллатларда қизларнинг ни-коҳгача жинсий ҳаёт кечирганлигига ёки бу борада маълум тажриба орттирганли-гига одатий ҳол сифатида муносабат бил-дирилса, баъзи жойларда эса бундай қиз-ларга нафрат б-н қаралиб, уларнинг бу иши шармандалик ҳисобланади. Жумла-дан, Кавказ ва Осиё мамлакатларида ма-ҳаллий миллатлар учун қиз боланинг никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлиши ахлоқсизлик ҳисобланади. Ҳат-то Ўзбекистоннинг баъзи қишлоқларида «қиз йигит б-н юрар эмиш», деган миш-мишларнинг ўзи шу қизга совчи келмас-лигига, бокиралик обрўсининг тушишига, турмушга чиқиш имкониятининг кескин пасайишига олиб келади.

**МУҲАББАТ ТУРЛАРИ** – муҳаббатнинг ҳолатига қараб бўлинувчи шакллари.

Қад. юнонлар севги-муҳаббатнинг қан-дай йўналишда кетишига қараб икки турга – «эрос» ва «агапе»га бўлганлар. Ваҳоланки, улар муҳаббатнинг икки муҳим томонидир, яъни «эрос» – муҳаббат объектига эга бў-лишга, уни ўзиники қилиб олишга қаратил-ган бўлса, ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ҳиссиёт объектига ўзини бағиш-лаши «агапе»дир. Ана шу ҳиссиёт ҳар бир одамда учрайди. Шу ҳиссиётлардан қайси бири устунлик қилишига қараб, кишидаги муҳаббатни, аниқроғи ҳиссиётни бошидан кечираётган шахсни ва унинг муҳаббат-даги истиқболини ҳам олдиндан айтиб бе-риш мумкин. Башарти, «агапе» устунлик қилса, ҳиссиётнинг умри узоқ бўлиши ва аксинча, «эрос» устун бўлса, тез орада ҳис-сий қониқиш содир бўлиб, бундай одам-даги муҳаббат ҳисларининг умри ниҳоятда қисқа бўлиши мумкинлиги кузатилади.

Махсус адабиётларда севги-муҳаббат туйғуларининг куйидаги турлари изоҳланади:

**Эрос** – кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат объектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.

**Людус** – севги ҳислари унчалик чуқур эмас, муҳаббат ўйин сифатида идрок қилинади, севги ҳислари объекти осон алмашиши мумкин бўлган тур.

**Сторге** – ташки кўринишидан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат, дўстлик тури.

**Прагма** (Л+С) – людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган кишисининг манфаатлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.

**Мания** (Э+Л) – эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги объектига тобелиги б-н характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи шуки, севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.

**Агапе** (Э+С) – эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланмаган, ошиқ ўз муҳаббат объектига ҳамма нарсасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган тур.

Шунингдек, айрим адабиётларда севги-муҳаббатнинг бошқа кўплаб турлари ҳақида ҳам маълумотларни учратиш мумкин.

**МУҲАББАТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ** – муҳаббат ҳиссининг инсонда намоён бўлиш шакли. Эркаларда муҳаббатнинг кўпроқ эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари учрайди. Ўсмир ва ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларда кўпроқ мания тури, катта ёшдагиларда эса бошқа турлар кузатилади.

Бир шахснинг ҳаётида муҳаббатнинг юқоридаги бир неча турлари алоҳида кузатилиши мумкин. Баъзиларда эса фақат битта тур учрайди. Муҳаббат турлари сев-

ган ва севилган кишиларнинг ёшига, ташки кўринишига, маълумотига, маданий савиясига, жамиятда тутган мавқеига, ҳаёт тарзига, дунёқарошига, қайси муҳитда тарбия кўрганлигига, характерига, жинсий хулқига, қарама-қарши жинс ҳақидаги таъсирларига, нерв системасига, миллий психологик хусусиятларига боғлиқ. Баъзи йигит ва қизларда севги ҳислари бир турда бошланиб, маълум вақтдан сўнг ўзга турга ўтиши мумкин. Мас., «эрос» турида бошланиб «агапе»га айланиши ёки «людус» тарзида юзага келиб, «сторге» турига ўтиши мумкин.

Муҳаббат онтогенезига назар ташланганда, севги ҳиссининг илк куртакларини боғча ёшидаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин, табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди. Болаликдаги севги ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат.

Мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса бир мунча фарқ қилади. Ўспиринлик ёшидаги қизларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси – бўлиниши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечиради, жинсий интилишни катта ёшли аёлга нисбатан ҳам ҳис этади, улардаги ҳиссиёт икки объектга бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга хос бўлиб, қизларда бундай ҳол кузатилмайди.

Ўсмирлик ёшидаги ўғил болалар гетеросексуаллик натижасида, уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш устунлик қилади ёки унинг аҳамияти кескин ортади. Қиз болаларда эса руҳий компонентнинг устунлиги сақланиб туради. 17–25 ёшли йигит-қизларда ўз жуфтини топишга инти-

лиш ва ҳирс кескин ортади. Севиш ва севи-  
лишга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши нати-  
жасида ёшлар ўз жуфтини тезроқ кидириб  
топишади ва оила қуришади. 25 ёшдан  
кейин қизларнинг оила қуриш имконият-  
лари анча камайиб боради. Унда бўлғуси  
куёвга (йигитга) нисбатан талабчанлик  
ошиб, танқидий қараш кучаяди. Энди унда  
ҳисларга берилиш камайиб, унинг ўрнига  
бўлғуси турмуш ўртоғига бутунлай бош-  
қача қараш шакллана бошлайди. Бундай  
руҳий ўзгаришлар йигитларда ҳам куза-  
тилади, аммо қизлардан фарқли равишда  
уларнинг оила қуриш, уйланиш имконият-  
лари камаймайди, аксинча бирмунча ор-  
тади. Чунки бу ёшда уларнинг кўпчилиги  
олий ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълими  
муассасасини битириб, маълум бир ихти-  
сосликни эгаллаган, меҳнат фаолиятини  
бошлаган бўладилар. Яъни оилани муста-  
қил тебратиш имконига эга бўладилар.

Муҳаббат ҳислари эркак ва аёлларда  
ўзига хос шахвоний ҳирс уйғотади. Эркак ки-  
шида деярли доимо физиологик компонент  
устунлик қилади. Жинсий интилиш, жинсий  
хаёт улар ҳиссиётида ниҳоятда муҳим ўрин  
эгаллайди. Йигит севган қизининг ташқи  
кўринишига кўпроқ эътибор беради.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга  
қизлар ҳам бефарқ қарамайди. Бу хусусият-  
ларнинг йигит томонидан идрок этилиши  
аёл учун катта аҳамиятга эга. Аммо аёл-  
ларнинг эркаклардан фарқ қилувчи жиҳати  
шундаки, улар кўпроқ йигитнинг бўй-басти,  
хулқи, муомаласига эътибор берадилар.

Эркакларда жинсий (физиологик) ин-  
тилиш устулик қилгани учун уларда ҳис-  
сий коникиш тезроқ юзага келади. Аёл-  
ларда эса аксинча, руҳий интилиш етакчи  
бўлгани учун уларнинг ушбу ҳислари  
эркакларникидек тез орада осон тугамайди  
ва нисбатан узоқ давом этади. Аммо сўнгги  
йилларда аёллар ҳиссиётида, жумладан,  
муҳаббатда ҳам жинсий ҳаётнинг ва унинг


асоси ҳисобланган жинсий интилишнинг  
аҳамияти кескин ошиб бораётганлигини  
кўриш мумкин.

А.Р. Лемехова қизлар ва йигитлар ора-  
сидаги ўзаро муносабатларни ўрганиб, уни  
уч турга бўлади.

1. **Уйғун тур.** Бунда қиз ва ўғил бо-  
лаларда ахлоқий тушунчалар шаклланган,  
ҳиссиёт маланияти ривожланган бўлиб,  
улар муҳаббатга, карама-қарши жинсга,  
оилавий ҳаётга бирмунча аниқ қарашади.

2. **Оилавий романтик тур.** Бунда му-  
ҳаббат, жинслар орасидаги муносабатлар  
ҳаётдан олинган ҳолда, ниҳоятда идеаллаш-  
тирилган бўлиб, ёшлар ҳаётдаги муаммолар  
б-н тўқнашганда барча тасаввурлари пар-  
чаланиб, руҳан тушкунликка учрайдилар.

3. **Маънавий камбағал тур.** Бунда ёшлар  
муҳаббатни нотўғри тушунадилар. Муҳаб-  
батда маънавий яқинликни, руҳий омилнинг  
аҳамиятини кўра билмайдилар. Муҳаббатда  
асосий ролни жинсий яқинлик ўйнайди, деб  
биладилар. Бундай тоифадаги ёшлар кўп  
ҳолларда жинсий ҳаётни эрта бошлайдилар.



**НАСЛ** (араб.) – бир популяцияга мансуб  
индивидларнинг бевосита авлоди. Н. авлод  
давомчиси ҳисобланади. Организмларнинг

хаётий циклида одамнинг авлоди (Н.и, хаётий гуруҳлари)нинг қонуний алмашилиб туриши тушунилади.

**НИКОХ** – уйланиш, эр-хотиннинг қовушиши, икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ – эр-хотинликни шариат йўли б-н расмийлаштириш маросими ва шу маросимда мулла томонидан ўқиладиган шартнома. Яъни эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шакли. Шариат оилавий муносабатларни тартибга солади ва Н.га биринчи навбатда икки томоннинг мажбурияти ва ҳуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди. Ҳоз. вақтда Н. икки хил – дунёвий ва диний мазмунга эга. Дунёвий маъносига кўра, Н. – эр-хотиннинг ўзаро розилиги б-н ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқ; эр-хотинлик. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий мазмунда Н. турмуш қураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида (ФҲДЁ) рўйхатдан ўтишини англатади. Н. оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади. Ижтимоий муносабат сифатида Н. турли жамият ва тузумларда турлича кўринишда бўлган. Н. тушунчаси – оила ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Н.нинг таърифлари хилма-хил бўлиб, улардан энг мақбули «Н. – бир-бирини севган ва Н. ёшига етган эркак ва аёлнинг умуминсоний кадриятлар ва Шарқ анъаналарига асосланган, оилада болаларни тарбиялашга йўналтирилган, ўзаро шахсий номулккий ва мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган, қонун асосидаги, оилани яратиш мақсадидаги ўзаро келишилган, бутун умрга мўлжалланган иттифоқидир».

**Н.нинг асосий мотивлари.** Бундай мотивлар психологияга доир адабиётларда бир неча турга ажратилади:

**Табиий мотив.** Тиббиётда исботланишича, инсоннинг жинсий ҳаёт кечириши табиий эҳтиёждан келиб чиқади. Шундай экан, инсоннинг жинсий ҳаёtsiz яшаши тиббиёт томонидан маъқулланмайди. Умуман олганда, тиббиёт инсоннинг жинсий ҳаёtsiz умр кечиришини тавсия этмайди. Чунки у организм учун ёмон оқибатларга, яъни турли хил касалликларга ва ўзгаришларга олиб келади. Шундай экан, дин инсоннинг бу табиий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, уни Н.га даъват этади ва шу б-н уни ҳар хил бузилишлардан асрайди. Шу б-н биргаликда, ҳатто Н.да ўзининг шахватини тиёлмайдиганлар ҳам дин ва тиббиёт томонидан қораланади, яъни унинг оқибати турли хил венерик касалликларга олиб келади.

**Ижтимоий мотив.** Давлат учун барча жамоат тузумлари ичида Н.чалик таъсир кучига эга тартибот йўқдир. Давлат Н.нинг кўпайишидан манфаатдор. Н.нинг кўпайиши қонуний фарзандли оилаларнинг кўпайишига, у эса, ўз навбатида, мамлакат тараққиётига олиб келади. Шунинг учун қад. Рим қулдорлик жамиятида ҳар бир эркин фуқаро Н.га кириши лозим эди, бўйдоқлардан эса махсус солиқ олинарди.

Жамият Н. воситаси б-н эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнатади.

**Севги мотиви.** Аксар Н.ларга сабаб бўлувчи омил. Севги туфайли қурилган Н.ларда никоҳланувчиларнинг бир-бирларига бўлган руҳий эҳтиёжлари устун туради.

Бундай Н.нинг қанчалик давом этиши никоҳланувчиларнинг ёши, маълумот савияси каби омилларга боғлиқ.

**Манфаатдорлик мотиви.** Одатда, никоҳланувчи томонларнинг бири ёки ҳар иккиси томонидан (манфаат) кўрилажак манфаат. Бундай Н.лардаги омил манфаат-

дорлик бўлгани учун Н.нинг қанчалик давом этиши мазкур манфаатдорликнинг давомийлигига боғлиқ.

**Стереотип мотиви асосида (ҳамма қатори, кўпчиликдан ажралмаслик учун) оила қуриш.** Статистик маълумотларга кўра, энг мустаҳкам оилалар стереотип бўйича оила қурганларга тўғри келади. Уларда ажрашиш жуда кам, чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган.

Биргаликда ҳаёт туфайли эр-хотин ўр-тасидаги бир-бирларига мослашиш, тушуниш, бир-бирига меҳр юзага келиб, севги даражасига ҳам етиши мумкин.

Н.нинг бошқа мотивлари.

**Бўйида бўлиб қолиш.** Статистикага кўра, мажбурий қурилган Н.лар мустаҳкам бўлмайди. Шу сабабли фақатгина бўйида бўлиб қолганлик учун қурилган Н.да эр-хотинлар камдан-кам ҳолларда бахтли бўлиши мумкин.

**Ота-онанинг доимий қарамоғидан халос бўлиш.** Бунда ота-онанинг жонга тегувчи доимий фарзандни ҳимоя қилиш истагидан халос «бўлган» инсон учун аввалига Н. жаннатдек туюлиши мумкин, аммо у турмушни шошилиб қурган бўлса, ҳаётда анча қийинчиликлар кўради.

**Эътибор учун миннатдорчилик.** Бунда ёлғиз қолишдан кўриқиб, унга эътибор бериб, кўнглини олишга ҳаракат қилган киши б-н Н. қурилади. Ўзининг қадрига етмаслик бу масалада ҳеч қандай ёрдам бермайди.

**Раҳм қилгандан.** Раҳм қилиш яхши, аммо бу масалада чегарани билмоқ зарур. Умрнинг охиригача раҳм қилиб ўтиш турмушнинг бахтини таъминламайди.

**Ёш туфайли.** 25–30 ёшларга чиқиб қолган қиз, кўпчиликнинг турмушга чиқётганлигини кўриб, шошилиш турмушга чиқишга ҳаракат қилади. Бунинг оқибатлари яхши бўлмаслиги мумкин. Эркакларда ҳам худди шундай.

**Ўч олиш мақсадида.** Ўзига ёққан қишидан хафа бўлган қиз ё йигит ўч олиш мақсадида турмуш қуради. Ўч олиш ҳисси тез орада тугагандан сўнг эса, севмаган ёри б-н яшаш мазмунсиз ҳаётга айланади.

**Яқинларни хафа қилмаслик учун.** Ота-онани хафа қилмаслик учун ўзаро Н. қуриш. Бошқалар учун қилинган ҳаракат оилавий ҳаётнинг зерикарли ва мазмунсиз ўтишига олиб келиши мумкин. Совчилик жараёнида ота-онанинг гапидан чиқмаган ҳолда, бегона инсон б-н турмуш қурган Н.лар ҳам акс ҳолатларда кўнгилдагидек чиқавермайди.

**Жинсий уйғунлик.** Чет элда шу сабабга асосланиб турмуш қуриш ҳоллари мавжуд. Тўғри, жинсий бир-бирига тўғри келиш Н.да муҳим ўрин тутаяди, аммо фақат унинг ўзигина Н.нинг мустаҳкамлигини таъминлай олмайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай инсон табиий ва ижтимоий омилларга асосланиб турмуш қуради, аммо юқоридаги омиллар инсоннинг Н. қуриши учун қабул қилган қарорига бирламчи таъсир кўрсатади, яъни шу омилларнинг бири унинг Н. қуришига энг асосий сабаб, тўртки бўлади.

**Н. олди омиллари.** Н. олди омиллари у ёки бу Н.нинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунимиз учун энг муҳим ҳисобланган психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг ўзлари қураётган биргаликдаги турмушга қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими, ёшларнинг оилавий ҳаётга, эр-хотин бўлиб яшаш талабларига қай даражада жавоб бера олиши назарда тутилади.

Шунингдек, Н. олди омиллари қаторига оила қураётган ёшларнинг оилавий

ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; уларнинг оила қурғунига қадар бир-бирларини таниш муддати (қанча вақтдан бери бир-бирини яхши билиши) шартлари ва шароитлари; ёшларнинг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу омилларнинг ҳар бири ёшларда турлича намоён бўлиши мумкин.

**Н.ни ишончнома ёки вакил орқали расмийлаштириш.** Н.ни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Н.нинг ишончнома бўйича ёки вакил орқали, шунингдек, тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмаганда қайд этилишига йўл қўйилмайди. Никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмаган истисно ҳолларда Н. шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида амалга оширилади. Далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунда бу ҳақда тегишлича ёзиб қўйилади. Н.ни қайд этишга тўсик бўлувчи қонуний ҳолатлар мавжуд бўлганда ФХДЁ органи уни қайд этишни рад қилади. Агар мазкур маълумотлар тасдиқланмаса, у ҳолда никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Юқорида қайд этилган ҳолатларни текшириш муддати уч ойдан ошмаслиги керак. Эр ва хотиннинг паспортларига ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига штамп қўйилади ва Н.нинг тузилган вақти ва жойи, далолатнома ёзуви рақами, эр (хотин)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й.даги «Давлат божи ставкаларини тасдиқлаш

ҳақида»ги Қарорига биноан Н.ни қайд этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

**Н.ни қайд қилиш тартиби.** Бир қатор мамлакатларда Н. фуқаровий-ҳуқуқий битим ҳисобланиб, уни расмийлаштириш тартиби оила қонунчилиги билан эмас, фуқаро қонунчилиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича, Н. томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади. Н. масалалари ОКда ўз ифодасини топган. Амалдаги оила қонунчилиги Н.нинг тузилиши тартибига, уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 13-моддасига биноан, Н. ФХДЁ органларида тузилади. Шундай Н.гина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Диний расм-русумларга биноан тузилган Н. юридик кучга эга эмас. Шунингдек, сохта Н., яъни эр-хотин ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай тузган Н.и ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Н. тузишнинг ихтиёрийлиги ва Н. ёши Н.дан ўтишнинг асосий шартлари ҳисобланади. Н. тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа Н.да турган шахслар ўртасида, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида Н. тузишга йўл қўйилмайди. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш шарт қилиб қўйилган. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтадилар. Белгилан-

ган шартларнинг бузилиши суд томонидан Н.ни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин. Н. эр-хотиндан бирининг ўлими ёки ўлган деб эълон қилиниши оқибатида тугатилади.

Н. тузилар экан ўзига хос конун-қоидаларига эга бўлади. Мас., Н. тузилаётган пайтда, авваломбор, Н. тузиш учун никоҳланувчилар томонидан ФХДЁ бўлимига ариза топширилади. Ариза топшириш никоҳланувчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолати б-н боғлиқ бўлиб, агарда никоҳланувчиларнинг бири маълум сабабларга кўра ариза топширишга келолмаса, бу ҳолат белгиланган тартиблар асосида олиб борилади. Никоҳланувчиларнинг Н.дан ўтишида ҳам мазкур ҳолат кўзга ташланса, яъни никоҳланувчиларнинг бири ФХДЁ бўлимига кела олмайдиган бўлса, Н. белгиланган тартибда олиб борилади. Бунда никоҳланувчиларнинг бири шифохонада бўлиш ФХДЁ бўлимига келиши мумкин бўлмаган бошқа бир ҳолатда тиббиёт ходимининг ёзма билдиргиси асосида Н. никоҳланувчиларга маъқул бирор жойда тузилиши мумкин. Никоҳланувчилар Н. дафтарига қайд этилаётган пайтда улар б-н бирга икки гувоҳ ҳам бўлиши керак бўлади. Никоҳланувчилар б-н бирга улар ҳам Н. қайдномасига имзо қўйишлари керак бўлади.

Н. қайд этилаётган пайтда никоҳланувчиларнинг истагига кўра, Н. шартномаси ҳам тузилиши мумкин.

Н.нинг ФХДЁ бўлимида олиб борилиши, асосан, дунёвий Н.да кузатилади. Аммо диний Н.ларда қайд қилиш тартиби бошқачарок. Яъни никоҳланувчилар ўзлари б-н бирга камида иккита гувоҳ б-н бирга борадилар. Бунда никоҳловчи мулла ва никоҳланувчилар келишилган шартда бирор жойда тўпланишади. Бундай Н. шаклида никоҳланувчилар бирор ҳужжатга имзо қўйишмайди. Аммо диний Н.нинг та-

рихий шаклларида никоҳланувчиларнинг никоҳланганлиги ҳақида диний ҳужжат тузилган. Бунда никоҳланувчилар ва гувоҳлар мазкур ҳужжатга қўлларини босишган. Н.нинг бундай тарзда олиб борилиши, асосан, Ислом динига эътиқод қилувчилар орасида бўлиб ўтган. Шунинг б-н бирга Ўрта Осиёда христиан динига эътиқод қилувчилар ҳам азалдан яшашган бўлиб, уларнинг Н.и черков Н. қайдномасига ёзиб борилган.

Ҳар бир даврда Н.ни қайд этиш ўзига хос тарзда олиб борилади.

**НИКОҲ ЁШИ** – никоҳланувчилар учун белгиланган ёш. ОКнинг 15-моддасига биноан Ўзбекистонда никоҳ эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Никоҳ ёши узрли сабабларга кўра, маҳаллий ҳокимият органларининг руҳсати б-н, кўпи б-н бир йилга камайтирилиши мумкин. Никоҳ ёши ҳар бир мамлакатнинг ўз шарт-шароитидан келиб чиқади ва у ҳамма жойда бир хил эмас.

Никоҳ ёшини белгилаш омиллари:

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси;

– халқнинг миллий-маънавий қадриятлари;

– ёшларнинг жисмоний, психологик, маънавий, ижтимоий ривожланиш хусусиятлари;

– давлатнинг географик, ҳудудий хусусиятлари;

– мамлакатдаги демографик ҳолат;

– ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллашининг давлат, жамият учун қай даражада аҳамиятли эканлиги;

– давлат сиёсатида диннинг тутган ўрни ва б.

**НИКОҲНИ ТУГАТИШ** – тузилган никоҳни бекор қилиш. Эр ва хотин ўртасидаги Н.т. Ўзбекистон Республикаси ОКда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Н.т. асослари эр-хотиндан бирининг ва-

фоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши натижасида вужудга келади. Никоҳ эр-хотиннинг бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ, муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

Н.т. суд тартибида ва ФХДЁ органларида амалга оширилади.

Суд тартибида Н.т.да эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат берилади. Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашга ва оилани сақлаб қолишга имконияти йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин Н.т.га ўзаро рози бўлсалар, улар фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этиш органларида Н.т.и мумкин.

ФХДЁ органида эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича қуйидаги ҳолатларда Н.т. мумкин: а) агар эр-хотиннинг бири бедарак йўқолган деб топилган бўлса; б) эр-хотиннинг бири суд томонидан руҳияти бузилганлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; в) содир қилган жинояти учун эр-хотиннинг бири уч йилдан кам бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Никоҳ айрим ҳолатларда ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Сохта никоҳ, яъни эр-хотиндан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузилган никоҳ, вояга етмаган шахс билан тузилган никоҳ, бўлажак эр-хотиннинг ўз розилиги бўлмаган асосида тузилган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида тузилган никоҳ, никоҳланувчи шахсларнинг бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширганлиги туфайли тузилган никоҳлар ҳақиқий эмас, деб топилди. Уларни ҳақиқий деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

**НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ** – тузилаётган никоҳнинг олиб борилишидаги қонун-қоидалар тартиби. Оила никоҳдан бошланади. Никоҳ расмий, қонунлар асосида ўтказилгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 1-моддасида никоҳ ФХДЁ органларида тузилиши лозимлиги кўрсатилган. Никоҳдан ўтгучилар ФХДЁга ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабабларга кўра ФХДЁ бир ой синов муддати ўтгунга қадар никоҳ тузишга руҳсат бериши мумкин. Балоғатга етмаганларнинг никоҳга киришининг олдини олиш, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда оилани қуриш учун маълум ҳаётий тажриба, жисмоний ва маънавий етуклик талаб қилинишини эътиборга олган ҳолда, қонунда никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Никоҳ никоҳга қирувчиларнинг ихтиёрийлиги, эркин розилиги асосида тузилади. Никоҳни тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар шахс ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини тушунмайдиган ҳолда (қаттиқ мастлик, руҳий ҳолатининг вақтинча бузилиши) ёки алдов оқибатида никоҳдан ўтган бўлса, бундай никоҳ қонунда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас, деб топилди. Никоҳ тузишга мажбур қилиш қонун б-н тақиқланади. Аёлни ўз эркига хилоф равишда эрга тегишга мажбур қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 136-моддасига кўра жазоланади. Никоҳ тузиш ҳақидаги аризани беришда шахсни аниқловчи ҳужжатлар: паспорт; ҳарбий билет, офицер, прапоршикнинг шахсий гувоҳномаси; никоҳланувчиларнинг бири илгари никоҳда бўлган бўлса, никоҳдан ажрашганликни тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома ёки суд қарори); никоҳни ҳақиқий эмас, деб топилганлиги тўғрисидаги суд қа-

рори; эр-хотиндан бирининг ўлими тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилиши керак. Никоҳ никоҳланувчиларнинг хоҳишига кўра тантанали равишда қайд этилиши мумкин. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис, у фақат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки махсус Қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади. Ҳуқуқий маънода оила юридик алоқадир. Оилавий муносабатлардаги юридик характер ҳуқуқий нормалар б-н уларнинг муносабатларини тартибга солиб, давлатнинг мажбурий қоидалари б-н оила аъзоларининг хулқига таъсир этиб, оилани жамият хоҳлаган асосда ривожлантиришга ёрдам беради. Юридик факт сифатида қайд қилинган никоҳ ва яқин қариндошлик оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишида муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Бу муносабатлар қайд қилинган никоҳдан ташқари ҳам вужудга келиши мумкин. Турмуш қурмаган аёл ёки уйланмаган эркак томонидан фарзандликка олиш бунга мисол бўла олади. Ёлғиз шахс томонидан болаларни доимий тарбияга олганда ҳам оилавий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

**НИКОҲ ТУЗИШДАГИ АСОСИЙ ҲУЖЖАТЛАР** – никоҳланувчиларнинг никоҳдан ўтишида муҳим бўлган ҳужжатлар. Буларга никоҳга кириш ҳақидаги ариза, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: паспорт, ҳарбий билет, офицер ёки прапоршчикнинг шахсий гувоҳномаси қабилир қиради. Агар никоҳ тузишни хоҳловчи ҳарбий хизматчи никоҳга кириш ҳақидаги аризани хизматни ўтаётган жойида берса, тегишли ҳарбий қисм ёки муассаса жойлашган манзил ҳарбий хизматчининг яшаш жойи ҳисобига ўтади. Агар бирон-бир сабаб б-н никоҳ тузувчиларнинг иккаласи айна бир вақтда келишининг имкони бўлмаса, уларнинг бири жиддий сабаб б-н келиши мумкин бўлмаса, бундай ҳолатда ФҲДЁ органига аризани улардан бири бериши мумкин. Бу

ҳолда кела олмаган шахснинг имзоси белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши лозим. Никоҳга кириш ҳақидаги ариза – аризалар ҳисобга олинадиган махсус дафтарда қайд этилиши керак.

**НИКОҲ ТУЗИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР** – никоҳланувчиларнинг бири ёки ҳар иккисидан мавжуд бўлган никоҳга тўсқинлик қилувчи ҳолат. Буларга никоҳга кирувчи тарафлардан биттаси бошқа никоҳда бўлганда, тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ёки ўғай ака-укалар б-н опа-сингиллар ўртасида, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар ўртасида, никоҳга кирувчиларнинг биттаси руҳий касал бўлганда ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

**НИКОҲ ТЎЙИ** – келин ва куёвнинг никоҳини жамоатчиликка маълум қилиш тантанаси. Бу маросим даврлар ўтиши б-н қисман ўзгариб борган ва ҳар бир этник гуруҳда ўзига хос хусусиятлари б-н ўзаро фарқ қилган. Ўзбек халқининг қад. Н.т. тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), фотиҳа тўйи, тўй юбориш, қиз оши (қизлар мажлиси), никоҳ ўқитиш, келин тушди, келин салом, чарлар, куда чақириқ каби маросимлар ва улар б-н боғлиқ урф-одатлар. Уларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб, амал қилиб келинади. Н.т. куни ёки бир кун олдин қиз томонга йигит томондан тўй ошини пишириб ёки хомлигича юборилади. Қиз хонадонидан жамоага ош тортилади. Баъзан куёвникида ҳам ош берилади. Н.т. куни ёки бир кун олдин қизнинг отасиникида никоҳ маросими ўтказилади. Куёв яқин жўраси, тоғаси б-н бўлажак келин хонадонига боради. Имом куёвга эр-хотинлик бурчи ва ҳуқуқларини тушунтиргач, қизнинг янгаси орқали руҳсатини олиб, кейин «Хутбаи никоҳ» (никоҳ ҳақидаги дуо) ўқи-

ган. Қад. удумига кўра, Н.т. тантаналари куёвникида ўтказилади. Тўй оқшоми куёв жўралари б-н, карнай-сурнай, чилдирмаю ноғора садолари остида шўх ўйин-кулги ва завкли кийкириклар б-н келинникига келади. Улар чимилдик тортилган хонада, нознеъматлар тўла дастурхон атрофида сийланадилар. Суюқ овкат, ош ейилиб бўлингач, куёв жўраларидан бири келин томондан куёв сарпосини «сотиб олади». Куёвни қибла тарафга қаратиб унга қизнинг онаси тайёрлаган чопон, салла кийгизилади. Куёв жўралар муборакбод этгач, сурнай хониши остида куёвни қизнинг онаси, хола-аммалари б-н кўришгани олиб келишади. Она ва бувининг оқ фотиҳаси, эзгу дуоларини олиб куёв ўз жўралари б-н уйига қайтади. Келинга оқ либосини кийдириб, отаси, буваси ва тога, амаки каби яқин қариндошлар б-н хайрлашгани олиб чиқадилар. Келин янгалари, дугоналари даврасида отасининг олдига келиб таъзим б-н берган нону тузига розилик сўрайди. Отаси кизининг пешонасидан ўшиб, елкасидан кучиб розилигини билдиради, бахт тилайди. Қиз онасидан розилик сўрайди. Келин машинага чикмасидан аввал ота унга оқ фотиҳа беради, бахт тилайди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси дуога қўл очиб унга жўр бўладилар. Энг қад. одатимизга мувофиқ келин куёвнинг уйига қадар ёр-ёр б-н кузатиб қўйилади. Бу одатлар ҳар вилоятда, кишлокларда ўзига хос тарзда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида Н.т.ларида миллийликни сақлаган ҳолда даб-дабабозликка берилмай, исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

**НИКОҲ ШАҚЛЛАРИ**, никоҳ турлари – никоҳ қуришдаги шарт-шароитлар. Одатда, Н.ш.га левират, сорорат, қиз олиб кочиш, қалинлик никоҳ, бешик кетди, қарши куда (қиз алмашув), ичкуёв, куч куёв қабилар қиритилади. Аммо жамият ва оиланинг ўз-

гариб бориши б-н Н.ш. ҳам ўзгариб борган. Асосан, XX а.нинг охирларигача ҳукм сурган, кўплаб олимлар томонидан этироф этилган юқоридаги Н.ш. бугунги кунга келиб ўз аҳамиятини йўқотган ёки нотўғри деб тан олинган

**Анъанавий никоҳ** – диний расм-русумларга биноан тузилган (исломда никоҳнинг ўқитилиши, христианликда черковдан ўтиш ва ҳ.к.), давлат томонидан юридик тасдиқланган (ФХДЎдан ўтиш), жамият томонидан тан олинган никоҳ бўлиб, у бугунги кунга келиб анъанага айланган. Яъни бу барчага маълум бўлган, кўпчилик томонидан амал қилинадиган никоҳ шаклидир.

**Диний никоҳ** – фақатгина дин томонидан тан олинган бўлиб, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ. Мусулмонларда, хусусан, ўзбекларда мулланинг никоҳ ўқиши б-н кифояланган шаръий никоҳдир. Аммо баъзи шариятга асосланган исломий давлатларда диний никоҳни давлат ҳам тан олади.

**Қонуний ёки юридик расмийлаштирилган никоҳ** – Адлия вазирлиги томонидан юридик тасдиқланган никоҳ шакли бўлиб, бунда эркак ва аёл фақат ФХДЎ бўлимидан ўтиш б-н кифояланадилар, аммо диний расм-русумларга амал қилмайдилар (мас., никоҳ ўқитмайдилар).

**Фуқаролик никоҳи** – бу юқорида кўрсатилганидек, на дин томонидан, на давлат томонидан тасдиқланган никоҳ бўлиб, бир-бирини синаш ё бир-бирининг эркинликларини чеклаб қўймаслик ёки бўлмаса, дин ва давлат томонидан юклатиладиган мажбуриятни ўз бўйнига олмаслик мақсадида қурилади.

**НИКОҲ ШАРТЛАРИ** – никоҳ тузиш учун никоҳланувчилар мос келиши лозим бўлган талаблар. Буларга ўзаро никоҳ тузишни истаган шахснинг никоҳ ёшига етиши; никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розиликлари қабилар қиради.

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИ** – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр-хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи шартнома (ОКнинг 29-моддаси). Эр ва хотин Н.ш.га кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган (ОКнинг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Н.ш. эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Эр ва хотин Н.ш.да ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар б-н мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, ажрашганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, Н.ш.га эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли. Н.ш.да назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат б-н чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Н. ш. эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини ечқовчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатла-

рининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, ажрашишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби б-н арз қилган ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олинishi мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши б-н уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки бошқа компенсация белгиланиши мумкин. Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин. Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва б.) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири б-н яшаса, унга компенсациясиз берилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда

турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкининг бўлинмай қолган қисми, шунингдек, эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади. Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗУВЧИ ШАХСЛАР** – никоҳдан олдин, никоҳ даври, никоҳдан кейин мулкий муносабатларни тартибга солувчи шахслар, никоҳланувчилар. Никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахслар ўртасида, яъни никоҳгача ҳали эр-хотин бўлмаган шахслар ўртасида; эр ва хотин ўртасида, яъни турмуш қурганига неча йил (ой) бўлганидан қатъи назар. Никоҳ давлат рўйхатиغا олингунга қадар тузилган Н.ш. никоҳ давлат рўйхатиغا олинган кундан бошлаб кучга киради. Н.ш. ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ** – эр-хотиннинг бири ёки ҳар иккисининг хоҳишига кўра никоҳ шартномасининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви б-н исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин: никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Никоҳ шартномасини бажаришда бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби б-н Ўзбекистон Республикаси ФҚда белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори б-н ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди. Никоҳ

шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

**НИКОҲГА ЕТУКЛИК** – никоҳланувчи шахсларнинг жисмонан, руҳан, маънан ва б. жиҳатлардан никоҳга тайёр эканлиги. Бунда никоҳланувчи шахсларнинг жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, касбий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, психологик етуклик жиҳатлари назарда тутилади. Булар орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга ва улар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик кўрсатмалар мавжуд. Иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар эса бир оз мураккаброк, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги б-н характерланади. Оила курилаётганида бу хусусиятлар ҳал қилувчи ҳисобланади. Мас., жинсий етуклик (балоғатга етиш) хоз. замон қизларида 12–14 ёшгача, ўғил болаларда 14–16 ёшга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар  $\pm$ 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2–3 й. керак бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ҳуқуқий – 18, мутахассисликка эга бўлиш – 20–25, касбий маҳорат эгаллаш ва етук мутахассис бўлиш – 28–30 ёшларни ташкил этади. Иқтисодий мустақилликка эга бўлиш эса 20 ёшдан 30 ёшгача давом этади.

Жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуктаи назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бирок унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам никоҳга жинсий етуклик дейилганда одамнинг физиологик жиҳатдангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди. Бундан ташқари, одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур билимларга, тўғри тасаввур-

ларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараёндир.

Н.е.даги ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлик оила куриш ёши, оила мулки, эр-хотин ва ота-оналик, фарзандлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий билимлар мавжудлигини ифодалайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий етукликнинг ўзи ҳуқуқий ёшга етиш б-н, яъни ҳуқуқий жиҳатдан оила куриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланиши б-н белгиланади.

Касб-ҳунар етуклиги ҳам мураккаб тушунча бўлиб, қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш б-н белгиланади. Аммо бирон-бир билим юртини (қоллеж, лицей, ин-т ва ҳ.к.) битирган одам ўз касби бўйича бир неча йил ишлаб кўргандан кейингина унинг касб-ҳунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, баъзи касбларда 18–20 ёшгача етукликка эришиш мумкин бўлса, баъзиларида 30 ёшгача бунга эришиш мумкин.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатлари келин-куёвларнинг бўлажак оилани моддий жиҳатдан узлуксиз таъминлаб туришга қодирлиги, ёш оиланинг яшаш жойи, оила юритиш учун тадбиркорлик фазилатларига эгалигидир. Бу етукликда ҳам ёш чегараланиши юқоридагидек фарқ қилади.

Оила куришга ижтимоий жиҳатдан тайёр бўлиш учун оиланинг жамиятда тутган ўрнини, унинг ижтимоий вазифаларини, оила куриш, фарзандли бўлиш, уларни тарбиялаш масъулиятларини англаб етиш керак.

Оила куришга маънавий-ахлоқий тайёр бўлиш ҳақида гапириш мураккаброк. Бироқ шуни айтиш мумкинки, у ёшларда оилавий ҳаёт тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиш, оилавий муносабат мадания-

тининг шаклланиши, уй-рўзғор ишларини юрита билиш, оила осойишталигини таъминлаш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш каби масалаларни ўзида намоён этади.

Инсоннинг психологик етуклиги бу ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўйиши, турли яшаш шароитларига мослашиш, турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олишидир. Турли ёш, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар б-н, кизикиши, одати, таъби, турмуш тарзи муносабатда бўла олиш – шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик б-н шаклланади.

Ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаётга кириб келиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви туфайли жуда кеч бошланмоқда, жинсий етилиш эса аввалроқ намоён бўлмоқда. Бу борада ўзига хос индивидуал хусусиятлар мавжуд.

Ёшларнинг ҳали ота-оналарига иқтисодий жиҳатдан қарамлиги, яшаш шароитининг айрим носозликлари, касалликларнинг кўпайиши, ахлоқий ва руҳий муҳитнинг ёмонлашуви, бахтсиз, нотўлиқ оилаларнинг мавжудлиги, жинсий тарбиянинг тўла йўлга қўйилмаганлиги каби бир қатор объектив сабаблар бўлажак оила курувчи ёшларнинг шаклланиш жараёнини мураккаблаштиради, эр-хотинлик, ота-оналик муносабатларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари дастурларига оилавий ҳаёт ҳақида, ёшларни келажақда оила куриб, эр-хотин бўлиб яшаш ва ота-она бўлиб фарзандлар тарбиялаш каби вазифани адо қилишга тайёрлаш масалаларини ки-

ритиш ПФ 5325-Фармонига киритилди. Ўзбекистонда ҳозир оилага тайёргарликни боғча, мактабдан бошлаш йўлга қўйилган.

### **НИКОХДАН ТАШҚАРИ МУНОСАБАТ**

– никохланган шахсларнинг бири, ёки ҳар иккисининг бошқа бир шахс б-н ишқий, жинсий алоқа ўрнатиши. Н.т.м.лар шахснинг ҳаёт тарзи, унинг ҳаётий кадрятлари, индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Ўз турмуш ўртоғидан етарли меҳр, диққат-эътибор, хурмат, яхши ва маданиятли муомалани кўрмаган аёл ёки эркак ҳаёт тақозоси б-н бошқа бир ўта меҳрибон инсон б-н муносабатда, оддий мулоқотда бўлиши ва оилада кўрмаган меҳрни ундан кўриши Н.т.м.га ундовчи омил бўлиши мумкин.

Умуман олганда, Н.т.м. сабаби ҳам, асосан, никоҳдаги бахтсизликдан келиб чиқади. Бир-бирига мос бўлмаган эр-хотинлар ўзада бахтини топишга ҳаракат қилади.

Н.т.м. кўп ҳолларда эр-хотинлар муносабатларига совуқчилик тушишига сабаб бўлади.

Н.т.м.нинг келиб чиқиш сабаблари:

– турмуш ўртоғи б-н бўладиган жинсий ҳаётдан қониқмаслик;

– эҳтиёжларнинг мос келмаслиги; билим, кўникма ва малакалар орасида катта тафовут мавжудлиги;

– турмуш ўртоғининг касаллиги, эркакдаги жинсий ожизлик, аёлларда учрайдиган фригидлик – жинсий совуқлик ва ҳ.к.;

– турмуш ўртоғига нисбатан муҳаббат ҳислари (симпатия ёки умуман қарама-қарши жинс вакилларига нисбатан бўладиган ижобий ҳислар)нинг йўқлиги;

– мажбуран турмуш куриш (турмушга чиқиш ёки уйланиш);

– моддий қизиқиш, бойликка учиб оила куриш;

– совчилар орқали шошилиш оила куриш;

– турмуш ўртоғидан тўйиниш. Бу ҳол турмуш кўргандан сўнг 2–3 й. ўтгач ортади. Кўпинча бу турмуш ўртоғининг жинсий ҳаётга ижодий ёндашмаслиги асосида янада кучайиши мумкин;

– ўзга аёл ёки ўзга эркакни севиб қолиш;

– моддий тобелик;

– илгариги дўстлар б-н бўладиган муносабатлар;

– спиртли ичимликлар таъсири;

– бегона б-н алоқа қандай бўлишига қизиқиш;

– бир-бирига ачиниш. Бундай ҳолларда эркак киши ҳаётидан, оиласидан, хотинидан нолиб, ўзини бевафо хотиннинг ва бахтсиз тақдирнинг қурбони қилиб кўрсатади ва ўзга аёлда ўзига нисбатан ачиниш ҳисларини пайдо қилади. Шунда аёл эркакка ачинса, раҳм қилса, эркак илтимос қилса, хиёнатга осонгина қўл урилади;

– ўзининг кимлигини ўзгаларга кўз-кўз қилиш, кўрсатиб қўйиш. Бунда шахс дўстлари орасида обрў орттиришни мақсад қилиб кўзлаган кишисини ўзига жазман қилиб олади. Бундай киши учун жазманнинг эстетик томонлари эмас, балки уларнинг сони муҳим ҳисобланади. Баъзи шахслар, ҳатто маҳсус дафтарча тутиб, қанча жазман б-н бирга бўлганини ҳам ҳисобга олиб боришади;

– оиладаги психологик келишмовчилик оқибатида эр-хотиннинг бир-биридан совий бошлаши. Шунда улардан бири ёки иккаласи ҳам хиёнат йўлига қиради;

– эрнинг хотинига ёки аёлнинг эрига жаҳл қилиши, аламини олиш мақсадида ўзга одам б-н бирга бўлиши. Бу мазмунан психологик келишмовчиликларнинг бир қўриниши бўлса-да, келтириб чиқарган сабаблари бўйича тубдан фарқ қилади;

– ўзига хос ахлоқий қарашлар. Оилада ўзини ниҳоятда эркин тутиш ва хоҳла-

ган вақтда хоҳлаган одами б-н жинсий алоқада бўлиш ва бу ишга табиий ҳол сифатида қараш. Бу қарашлар кўпинча ёшлиқдан, яқин кишилари таъсирида шаклланади ва оила кўргандан кейин ҳам унинг хулқ-атвориға унинг таъсирини кўрсатаверади. Бу кўпроқ, эркакларда учрайди. Шаҳар шароитида эса аёллар ўртасида ҳам муайян даражада кузатилади. Бунинг икки хил: яширин ва ошқор кўришилари мавжуд;

– эр ёки хотиндан бирининг узоқ муддат оиладан четда яшаши, уларнинг бирга бўлмасликлари, ҳарбий хизматда, узоқ жойларда хизмат сафариди, жазони ижро этиш муассасаларида бўлиши ва б.;

– ёшлиқдаги муҳаббат ҳислари;

– фарзанд кўриш мақсади (агар эр ёки хотиндан бири шундай хусусиятдан маҳрум бўлса);

– бўш вақтини «яхши кайфият» б-н ўтказиш истаги;

– муайян сирнинг очилишдан кўрқиб, сирни очиши мумкин бўлган шахс б-н мажбуран бирга бўлиш ва б.

**НИКОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ** – никоҳланувчи шахсларнинг тиббий жиҳатдан никоҳга тайёр эканлигини текшириш. ОКнинг 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 25 авг.даги 365-сонли Қарори б-н тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга кўра, никоҳланувчилар 2004 й. 1 янв.дан бошлаб қуйидаги касалликлар: психик, наркологик, таносил касалликлари ва ОИВ/ОИТС бўйича тиббий кўриқдан ўтади.

**НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ** – тузилган никоҳнинг ҳақиқий эканлигини тан олмаслик. Н.х.э.д.т. суд тартибиди амалга оширилиб, қуйидагилар асос деб олинади: никоҳни тузиш шарт-

ларининг бузилиши; никоҳни тузишга ҳалақит берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги; эр-хотин ёки улардан бири оила қуришни мақсад қилмаган, яъни сохта никоҳ; никоҳланувчи шахслардан бирининг таносил касаллиги ёки ОИТС борлигини яшириши.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун ОКда белгиланган шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкый-ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ФК б-н тартибга солинади. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши шундай никоҳдан тузилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқлариға таъсир этмайди. Суд Н.х.э.д.т. тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши б-н ҳуқуқи бузилган эр (хотин) ни ОКнинг 118- ва 119-моддалариға мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқиға эға деб топишга ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш вақтиға қадар биргалиқда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ушбу Кодекснинг 23, 27 ва 28-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек, никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топишга ҳақлидир. Эр (хотин) ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли. Эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатиға олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир. Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги – агар никоҳ монелик қиладиган ҳолатлар асосида тузилган бўлса, никоҳ ёшиға шахсларнинг бири етмаган бўлса, тарафларнинг бири таносил касаллиги борлигини яширган бўлса ёки сохта никоҳ (мулкый манфаат-

ларни ўйлаб) бўлса, суд томонидан никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади (ОКнинг 50-моддаси).

Н.х.э.д.т. учун асос бўладиган ҳолатлар – никоҳ тузиш ихтиёрийлиги бузилганида, никоҳ ёшига етмаган шахс б-н тузилганда ҳамда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда тузилган никоҳ, сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд эттирганда, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммун танқислиги вирусини (ОИТВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб б-н муружаат этса, никоҳ ҳақиқий эмас, деб топиллиши учун асос бўлади. Н.х.э.д.т. фақат суд тартибидан амалга оширилади. Н.х.э.д.т. ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади. Н.х.э.д.т. ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги ФХДЁ қайд этиш органига юборилади. **НОГИРОН БОЛА** – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) рухий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, химояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола. Қисман ёки тўлиқ равишда касаллик, жароҳат ёки бирон-бир аномалия натижасида меҳнатга қобилиятини йўқотган одам.

Ногиронлик муаммосига ижтимоий ёндашув турли тўсиқларни енгишга ва бартараф этишга ёрдам беради. Натижада жамият барча тоифа инсонларнинг эҳтиёжларини инобатга олишга мослашади.

Ногиронларнинг муаммо ва қийинчиликлари уларнинг жисмоний, сенсор ва ақлий оғишлари билан боғлиқдир.

**НОГИРОН ФАРЗАНДИ ОТА-ОНАЛАРДАГИ ТАНГЛИКЛАР** – ногирон фарзандлари бор ота-оналарнинг фарзандлари б-н боғлиқ қийинчилик ва муаммолари. Ногирон фарзандлари мавжуд ота-оналар ҳаёт цикли мобайнида 2 босқичдан ўтади: биринчи нормал жараёнлар бузилади. Иккинчи босқич болани ўсиб бориши билан кечади, икки босқич ҳам ота-оналар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга ва шунинг учун улар бола ва ўсмирнинг ривожланиши ва илк ҳаёт ютуқларига етарли даражада таъсир кўрсатади. Ота-оналар ўз ҳаётлари охирига яқинлашгани сари яна бир танглик вужудга келиши мумкин. Бунда улар қисман ёки тўлиқ нутқнинг йўқлиги б-н кечадиган функционал бузилишларга эга фарзандлари б-н шахсий тажрибада ва бебаҳо хотиралари б-н ўзга ҳеч ким таниш эмаслигидан азият чекишади. Эрта болалик давридаёқ функционал бузилишларга эга бола бошқа барча болалар қатори меҳрибонлик ва яқинликка, инсонлар б-н мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезади. Болани интеллектуал ва ҳаракат функцияларини хиссий ва шахсий ривожланишида ота-оналар меҳрибонлиги қатта ўрин тутаяди.

Агар бола кўриш нуқсонига эга бўлса, маълум даражада ишончли яратишга йўналтирилган алоҳида хатти-ҳаракатлар қилиш лозим. Эшитишида нуқсонли бўлган болага келадиган бўлсак, улар б-н мулоқот эмизиклик вақтдан ўрнатилиши керак, бола ҳаётининг биринчи йилида алоҳида имошоралар ёрдамида, кейинчалик эса тўлиқ имо-ишора ёрдамида амалга оширилади.

Ақлий бузилишга эга бўлган болаларда бўлиши мумкин бўлган қўшимча функционал бузилишлар – церебрал фалаж ёки бошқа ҳаракат функцияларининг бузилишлари – кўрлик, карликни олдиндан инобатга олиш ва уларга таъсир этиш лозим, бу ақлий қолоқлик чуқурлашувининг олдини олиш учун зарур.

## **НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚОЙДАЛАРИ**

– ногиронлиги бор бўлган инсонларни хафа қилмасдан олиб бориладиган мулоқот шакллари. Бундай инсонлар б-н мулоқотда куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Аввало, мулоқотда сўзларга жиддий эътибор бериш. Ҳеч қачон «норасо», «қолоқ», «мажруҳ», «хаста», «эпилептик», «дэцэпэшниқ», «даун», «майб», «нуксонли», «туғма нуксон», «ногирон», «тутқаноғи бор», «кўр», «кар», «кар-соков», «жинни», «псих», «овсар», «ақли заиф», «ногиронлик аравачасига михланган», «қоляскачи» каби сўз ва б. тамғаларни қўлламаслик.

2. Ногиронлиги бўлган одам б-н мулоқотда сурдотаржимон эмас, балки бевосита унинг ўзига мурожаат қилиш.

3. Ногиронлиги бўлган одамнинг қўлини сиқиб қўйиш, ҳатто қўл ҳаракатида қийинчилиги бўлган ёки протездан фойдаланадиган одамларнинг ҳам қўлини – ўнг ёки чап қўли бўлишидан қатъи назар, сиқиб қўйиш унга далдани билдиради.

4. Кўзи яхши кўрмайдиган одам б-н мулоқотда, албатта, ўзини билдириш муҳим.

5. Катта ёшдагилар б-н катталардек муомалада бўлиш. Ҳеч қачон ногиронлик аравачасидан фойдаланувчи одамларга ҳомийликни намойиш этмаслик – унинг боши ёки елкасига қўлни қўймаслик, кичрайтирувчи исмлар б-н мурожаат қилмаслик лозим.

6. Мулоқотда қийинчиликни ҳис қиладиган одам б-н гаплашаётганда уни диққат билан тинглаш. Бардошли бўлиш, суҳбатдошнинг ўз жумласини тугатишини кутиш. Уни тўғриламаслик, унинг учун гапини тугалламаслик. Агар бу зарур бўлса, қисқа жавоблар, бош силкиши ёки ишорани талаб қиладиган қисқа саволлар бериш.

8. Яхши эшитмайдиган одамнинг диққатини тортиш учун унга қўл силкиб ёки елкасига уриб-уриб қўйиш, унинг кўзига

тиқ қараб аниқ сўзлаш керак. Яхши эшитмайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам лабдан ўқий олмайди. Лабдан ўқийдиганлар б-н гаплашаётганда суҳбатлашувчига чироқ нури тушиб турадиган ва яхши кўринадиган жойда ўтириш, ҳеч нима (озука, тамакилар, қўллар) ҳалақит қилмаслигига ҳаракат қилиш тавсия этилади.

9. Ҳар қандай ёрдамчи ускуна (ҳасса, ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ ва х.к.) ларга руҳсатсиз тегмаслик.

10. Ногиронлиги бўлган одамга бевосита мурожаат қилиш, шахсиятига хурматни билдириш.

11. Диққат-эътиборни одамнинг ногиронлигига эмас, унинг ўзига қаратиш, барча одамларда, ногиронлиги бўлмаган ва бўлган одамларнинг ҳам исми борлигини ёдда тутиш ва ногиронлиги бўлган одамларга худди ногиронлиги бўлмаган одамлар каби ҳаёт қизиқарли эканини ағлатиб туриш.

12. Мулоқотда оҳангга эътиборли бўлиш.

13. Ногиронлиги бўлган болалар жамият ҳаётида иштирок этишни истайдилар. Мулоқотда бунини унутмаслик, одоб-ахлоқ қоидалари масалалари б-н боғлиқ ҳар қандай ҳодисада бўлгани каби хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилиш, агар хато бўлса, уни тўғрилаш.

**НОМИНАЛ ДАРОМАДЛАР** – аҳоли пул даромадларининг солиқ ва тўловлар тўлашга қадар ва нархлар ўзгаришидан қатъи назар даражасини тавсифлайдиган тушунча.

**НОТЎЛИҚ ОИЛА** – ота-оналардан бири йўқ бўлган оила. Яна бир қўшимча оила тури бўлиб, у функционал жиҳатдан Н.о. деб аталади, бунда ота-оналар ўзларининг профессионал бандликлари ёки узоқ муддатда оилада бўла олмасликлари сабабли, оила аъзоларига ниҳоятда кам вақт ажратдилар. Бу оила турида ота-оналарнинг ажрашиб кетишидан ташқари, бирор объект

тив ва субъектив сабаблар натижасида: беморлик, фавқулодда ҳодисалар, ўлим, меҳнат миграцияси туфайли эр ёки хотиннинг ўзга юртларда қолиб кетиш ҳолатлари ҳам учрайди.

**НУКЛЕАР ОИЛА** – ота-она ва уларнинг фарзандларидан иборат фақат икки авлодни бирлаштирган оила тури. Бу оила тури Фарбда ва б. ривожланган давлатларда энг кўп тарқалган оила туридир. Лекин кейинги пайтда ўзбек оилаларида ҳам шундай ёндашув урф бўлиб бормоқда.

**НУТҚ МАДАНИЯТИ** – тилга муносабат, уни эъзозлаш, ундан ўринли фойдаланиш, шунингдек, тилни инсонни тарбияловчи, камолга етказувчи воситалардан бири деб билиш. Ўтмиш аждодларимиз инсон нутқини киши ҳаёти учун фойдали, ижобий таъсир ўтказувчи, хаттоки, инсон тақдирини ўзгартира олувчи, уни ижтимоий хусусиятлар томон йўналтирувчи восита, деб билган. Тилга эътибор бериш жуда қад. ҳодисадир. Шунга кўра, ўтмиш давр кишилари шахс нутқи инсонни бахтли ёки бахтсиз қилишга сабабчи бўлади, деб ишонганлар. Шу сабабли оилада тилдан эҳтиёткорлик б-н, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари, муайян меъёрлари яратилган. Оилада Н.м.га алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳар бир хатти-ҳаракатимиз нутқимиз орқали ўзининг тасдиғини топади. Ҳозирда Н.м. деб юритилаётган нуқтаи назарлар жуда қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқнинг удумларида сақланиб, бизгача етиб келган.


Хусусан:

1. Қадимий ёзма обидаларда (тош битиклардаги матнлар, тарихий мемуар, мумтоз адабиёт асарлари ва б.).

2. Халқ оғзаки ижоди асарлари – достон ва эртаклар, мақол ва маталларда.

3. Қадимдан турли шаклларда сақланиб бизгача етиб келган мифологик асарлар – афсоналар, мифларда.

4. «Ибратли ҳикоялар», «Ҳикматлар» номи б-н бизгача етиб келган ёзма асарларда.



**ОВСИН** – туғишган ака-укаларнинг рафиқалари. Аксарият ўзбек хонадонларида рўзғорни бўлак қилишга шароит бўлган тақдирда ҳам О.лар муайян давргача бирга яшаб, бирга рўзғор тутадилар, бир қозондан таомланадилар. Бундай яшашда оқила қайноналар катта тарбиявий мактаб курадилар. Янги келин катта келинлар – О.ларига эргашиб тушган ерига тезрок ўрганади. Келинларга хос нозик муомала, муносабатни ўрганишида катталар унга ўрнак ва ибрат бўладилар. О.лар меҳр-окибатли ва бир-бирларига ҳурматли бўлсалар, туғишган опа-сингиллардек қадрдон бўлиб кетадилар. Аҳил О.лар рўзғор бўлак бўлгандан кейин ҳам бир-бирларига ҳамкор, бири иккинчисининг юмушини енгил қиладиган, жонига оро қиладиган бўладилар. Одатда, кичик О. катталарини «опа» деб атайти.

Бир оила фарзандлари бўлган ака-укаларнинг умрбод бир-бирларига меҳрибон, ғамхўр, суянган тоғ бўлиб қолишида Оларнинг ўрни жуда катта. Халқимизда «Олар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас», деган мақол бор.

Ҳаётда бошига оғир иш тушган вақтда ёки Олардан бирортаси хасталаниб қолганда гўдак боласини бошқа О. ўз боласидай кўкрак сути бериб боқиб тарбиялаган ёки бири фарзанд кўрмаганда бошқаси фарзандини берган ҳоллар кўп учрайди. Ҳақиқатан ҳам Олар аҳил бўлсалар, оқилона иш тутсалар, оиладаги катталарнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйсалар, ака-укаларнинг бир-бирларига ҳурмати, ўртадаги самимият барқарор бўлади.

Оларнинг ноаҳиллиги, бир-бирига ғайирлиги оилага нифок солади, меҳрибон ака-укаларнинг бир-бирлари б-н юз кўрмас бўлиб кетишларига олиб келади. Бунга турмуш шароити, уй-жойларнинг етишмаслиги ва ҳатто болаларининг бир-бирлари б-н ўйинчоқ талашиб уришиб қолиши каби арзимас сабаблар ҳам баҳона бўлиши мумкин. Босиқ ва тарбия кўрган О. бундай пайтларда мазкур ҳолатдан ақл ва фаросат б-н чиқиб кетишга, ўзаро муносабатни бузмасликка ҳаракат қилади ва бунга йўл топади.

**ОВҚАТЛАНИШ ОДОБИ** – инсон ҳаётининг бир қисми бўлган таомланишнинг ахлоқ меъёрлари. Бунини ҳар бир ота-она фарзандига кичкиналигидан ўргатиб бориши шартдир. Улар қуйидагилар:

**Таомланишдан олдин ва кейин қўлни ювиш.** Бу одатнинг фойдали томонлари кўп. Мас., овқатланишга қадар қўл б-н турли нарса-буюмларни ушлаш ва хатти-ҳаракат натижасида қўлга турли чанг-ғубор ҳамда зарарли микроблар ўрнашган бўлиши мумкин. Қўлни ювиш орқали улардан тозаланади, бу саломатлик учун жуда муҳимдир.

**Шукроналик билдириш.** Овқатдан олдин дастурхондаги бор ноз-неъматларга шукроналик билдириш.

**Ўнг қўл билан ўзига яқин жойдан ейиш.** Бу нарса эстетик жиҳатдан ҳам, диний жиҳатдан ҳам одобли бўлишга ўргатади.

**Ёнбошлаб овқатланмаслик.** Ёнбошлаган ҳолда овқат ейиш соғлиқ учун зарар ва кибрнинг бир кўриниши ҳисобланади.

**Ёши улуғлардан кейин таомга қўл узатиш.** Каттага ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутаети.

**Таомланиш пайтида сўзлашиш.** Оиладаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишнинг энг самарали вақти ҳисобланади.

**Неъматни исроф қилмаслик.** Оила рўзгорини тежамкорлик б-н тўғри юритиш, оилада барака бўлиши учун жуда муҳим.

**Идишнинг оғзидан ичмаслик.** Бундай ичиш одобсизлик бўлиб, бунда сувга соғлиққа зарар етказувчи нарсалар тушиши мумкин, улардан сақланиш лозим. Чунки инсон оғзида ўзи билмаган ҳолда кўп зарарли моддалар ва касаллик микроблари бўлади. Улар бошқаларга ҳам юқишидан сақланиш керак.

**Ўтирган ҳолда ичиш ва ейиш.** Таом ўтирган ҳолатда ейилади. Агарда ўтириб ичишга монелик қиладиган сабаблар бўлса, тик туриб ичса ҳам бўлади. Ўтириб ейиш одамни ҳар томондан хотиржамлик б-н овқатни истеъмол қилишига хизмат қилади ва одоблиликни кўрсатади.

**Ҳаддан зиёд тўйиб овқат емаслик.** Кўп овқат ейиш инсон соғлиғига зарар етказаети.

Бу қоидаларнинг барчаси фарзандларимизни соғлом турмушга, маданиятга, ахлоқий тарбияга ўргатишда катта ёрдам беради.

Шунингдек, халқимиз орасида эътироф этилган дастурхон атрофида ўзини тутишга доир қуйидаги қоидаларни ҳам би-лиш муҳимдир:

– қақирилмаган жойга бормаслик;

- таклиф этилган жойга кечикмаслик;
- мезбонлар таклиф этмагунча, дастурхон атрофига ўтирмаслик;
- овқатланаётганда таомни одоб б-н тавовул қилиш;
- нонни бўлақларга бўлиб ейиш;
- оғизни тўлдириб овқатланмаслик;
- шошмасдан овқатланиш;
- тирсақларига таянмаслик ва кенг қўймаслик;

- ким биландир сўзлашмоқчи бўлганда ҳам, ёнидаги меҳмонга орқа ўтирмаслик;

- оғизда овқат б-н гаплашмаслик;
- катталар ўрнидан турганида, дастурхон ёнидан четланиб, улар хонадан чиқиб кетганидан кейингина ўрнига ўтириш;

- стулда ястаниб, ялпайиб ўтирмаслик;
- мезбон овқатланишни меҳмонлардан сўнг тугатиши;

- дастурхон атрофида баланд овоз б-н гаплашмаслик;

- ҳамма овқатланиб бўлмасидан ўрнидан туриб кетмаслик.

Ота-оналар бу одобларни тарбиянинг пойдевори деб билишлари ва фарзандларга ҳар куни сабр билан ўргатишлари, ўзлари ибрат кўрсатишлари лозим. Зеро, бу фазилатли амаллар инсонни азиз қилади, одамлар б-н ўзаро муомала-муносабатда жуда муҳимдир.

**ОИЛА** – никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги б-н боғланган кичик ижтимоий гуруҳ. Бошқа турдаги кичик гуруҳлардан ушбу жиҳатлари б-н ажралиб туради:

- О. ижтимоий гуруҳ сифатида қурилатган пайтидаёқ унга икки киши учун бир умрга авлодлар давом эттириши керак бўлган маскан;

- О.да шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади. Оилавий

муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, молиявий, жинсий ва б. вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

- О.даги барча муносабатлар заминида ижобий ёки салбий ҳолатлар юзага келади, яъни О. аъзоларидан кимнингдир кимгадир таъсири оқибатида шахс мукамал шаклланиши ва комил инсон даражасига етиши ёки тарбияси оғир, хулқи бузук одам бўлиб тарбияланиши мумкин.

- О. жамият ҳаётининг бир бўғини бўлиб, жамиятнинг тараққиёти ва шаклланишида муҳим ўрин тутади, яъни О. жамиятга шахсларни етказиб беради ва шу шахслар О.да олган билими, тарбияси ва б. хусусиятлари б-н жамият ҳаётига таъсир ўтказади.

- О. жамиятнинг таянч устуни, унинг ҳал қилувчи бўғини. Оларнинг мустақамлиги асосида жамият тинчлиги ва барқарорлиги таъминланади.

Оилавий бирлик мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Одатда, О.нинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади, шунинг учун О.да болалар туғилмаган бўлса ҳам, никоҳ муносабатининг ўзи О.ни ташкил этади. О.да эр-хотин б-н бирга фарзанднинг ҳам бўлиши типик О.ни вужудга келтиради. Ота-оналар ва фарзандлар жипслашган О. бирлиги бўлиб, улар ўртасидаги жуда яқин оилавий муносабатлар шаклланади ва бу ўз навбатида О.нинг ядросини ташкил этади.

Ўзининг ижтимоий мазмунига қараб О., унинг асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари ва эр-хотин муносабатларининг натижаси сифатида фарзандлардан ташкил топади, албатта.

**О. бюджетига фарзандларнинг иштироки.** О.да фарзандлар ҳам О. бюджетини тақсимлашда ўзларини ота-оналари б-н тенг ҳуқуқли ҳамкорлардек ҳис қилишлари лозим.

Ота-оналар О. бюджетини мохирлик б-н тузишлари шарт. О. бюджетини режалаштиришда болаларга қандай намуна кўрсатилса, уларнинг пулга нисбатан муносабати шу тарзда шаклланиб бораверади.

#### **О. ва оилавий муносабат омиллари.**

О. ва оилавий муносабатларнинг объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Объектив омилларга: О. аъзоларининг савияси, О. нинг таркиби, сони, моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, ин-т) га бориши, О.нинг уй-жой билан таъминланиш даражаси (ҳовлили, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) кабиларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга О.даги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ота-она ёки бошқа аъзоларнинг маълумот даражаси (ўрта, ўрта махсус, олий), ота-оналарнинг маънавий-маданий савия хислатлари, ота-онанинг муомала маданияти ва ш.к.ларни киритиш мумкин.

О.даги объектив ва субъектив омиллар фарзанд тарбияси, ўсиши, улгайишига бевосита таъсир қилади. Фарзанднинг комил инсон бўлиб етишиши ота-онаси, уларнинг насл-насаби, ирсий белгиларига боғлиқ бўлиши ёки ота-онасининг насл-насаби эмас, балки таълим-тарбия, муҳит таъсирига боғлиқ равишда шаклланиши мумкин. Шунинг учун О.га мураккаб тарбия ва яшаш маскани сифатида қаралади.

**ОИЛА ВАЗИФАЛАРИ** – оиланинг ижтимоий тизим сифатида жамиятда бажариши лозим бўлган маълум вазифалар. О.в.нинг асосийлари сифатида куйидагиларни айтиш мумкин:

1. Оиланинг репродуктив вазифаси.
2. Оиланинг тарбиявий вазифаси.
3. Оиланинг иқтисодий вазифаси.
4. Оиланинг хўжаликни юритиш вазифаси.
5. Оиланинг коммуникатив вазифаси.

6. Оиланинг ижтимоий назорат қилиш вазифаси.

7. Оиланинг рекреатив вазифаси.

8. Оиланинг жинсий тарбияга оид вазифаси.

9. Оиланинг регулятив вазифаси.

10. Оиланинг релаксация вазифаси.

11. Оиланинг ҳиссий-эмоционал вазифаси.

12. Оиланинг фелицитологик вазифаси.

#### **Оиланинг репродуктив вазифаси.**

Оиланинг муҳим бўлган вазифаларидан репродуктив вазифасидир. Бу вазифанинг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари б-н таништириши ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуришга ҳам масъул. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Шунингдек, эр-хотинда, фарзанд туғилиши б-н боғлиқ ҳолда бутунлай янги ҳиссиётлар: аёлда – оналик, эркакда – оталик ҳисси пайдо бўлади. Фарзанд эр-хотин муносабатларини янада мустаҳкамловчи асосий омил ҳамдир.

Статистик маълумотларга кўра, агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўладиган бўлса, бундай халқ 8-авлоддан кейин йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳар бир оилада иккитадан фарзанднинг бўлиши ҳам аҳоли сонини сақлаб туришни таъминлай олмайди. Демографларнинг таъкидлашларича, оила ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун ҳар бир оилага ўртача 2,6 та фарзанд тўғри келиши керак. Бу ўринда ҳукуматимиз томонидан юритилаётган демографик сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Бундай сиёсатнинг асосий йўналишлари оналик ва болаликни муҳофаза қи-

лиш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ёш оилаларга, оналарга яратилаётган имтиёзлар ва ш. к.лардан иборат.

**Оиланинг тарбиявий вазифаси.** Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир вазифаси тарбиялашдир. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлокий, эстетик тарбияси оилада шаклланади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлокий меъёрлар ва хулк намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади.

Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлокий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи баркамол шахснинг тарбияланишида муҳим ўрин тутадиган асосий масканлардан биридир. Мустақилликка эришилганидан сўнг миллий қадриятларнинг тикланиши ва ўзбек халқининг азалдан эъзозлаб келаётган урф-одатлари, анъаналари (бола тарбиясида ота-онадан ташқари, буви-бува, қариндош-уруғ, маҳалланинг ҳам таъсири) бу борада катта аҳамиятга эга. Лекин баъзан оила тарбиявий вазифасининг сусайиши ва тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада олиб борилмаётганлиги оила аъзолари хулқида ёмон одатларнинг (ичиш, чекиш, наркомания, турли диний оқимлар таъсирига берилиш, маънавий бузуклик йўлига кириш) пайдо бўлишига олиб келади. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш хоз. замон оиласининг муҳим вазифасига киради. Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади.

**Оиланинг иқтисодий вазифаси.** Оиланинг иқтисодий вазифаси унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш,

тежаб рўзғор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек, оилада ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим. Оила ўзининг шу вазифаси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради. Мас., бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасидаёқ унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади.

**Оиланинг хўжаликни юритиш вазифаси.** Оила аъзоларининг яшаш жойига эга бўлиши, яхши шароитга эришиш ва ўзи учун барча қулайликларни яратиб олиш кабилар киради.

**Оиланинг коммуникатив вазифаси.** Оила ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш муҳитини юзага келтиришга хизмат қилади. Одамнинг ахлокий, маънавий ва руҳий саломатлиги оиладаги ўзаро бир-бирини тушуниш, ички мулоқот табиати, хонадондаги ёши катталарнинг бир-бирига бўлган муносабатига беvosита боғлиқдир.

Инсоният таракқиётининг ҳоз. босқичида фан-техника юксалиб (радио, телевидение, видео, компьютер ва б.), урбанизация жараёнининг тобора кучайиши, оилаларнинг нуклеарлашиб оиланинг ота-она ва болалардан иборат бўлиб бораётганлиги оиланинг коммуникатив функциясига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Аниқроқ айтганда, оилада ўзаро мулоқот муҳитини юзага келтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўп авлодлилик, кўп фарзандлилик каби хусусиятларга эга ўзбек оилаларида тарбиянинг бу усулларини қўллаш яхши натижа беради. Бироқ сўнгги йилларда баъзи оилаларда ота-оналар ва болалар ўртасида мулоқотнинг камлиги, бир-бирига эътиборнинг пасайиши, оила аъзолари ўртасида фикр эркинлигининг чекланганлиги (айниқса, қишлоқ оилала-

рида) ҳолатлари ҳам мавжуд. Ҳатто оиладаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви натижасида оила аъзоларининг айримларида стресс (асабий таранглик), суикасд (ўз жонига касд қилиш) каби нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳам кузатилмоқда. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун, энг аввало, оила аъзолари ўртасида ошқора, яқин, ўзаро тушунарли, ишончли мулоқотнинг амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бу борада ёшларга тегишли билимларни бериш, аҳоли учун психологик маслаҳатхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, тренинглар ташкил этиш, «Ишонч телефонлари», «Қалб марказлари» кабиларни ташкил этиб, улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

**Оиланинг ижтимоий назорат қилиш вазифаси.** Оила аъзоларининг хулқ-атворини, ахлоқини назорат қилиш, эр-хотиннинг оила ва жамият олдидаги масъулияти, фарзандларнинг ота-она, ота-онанинг фарзандлари олдидаги масъулиятини англаш.

**Оиланинг рекреатив вазифаси.** Ниқоҳ-оила муносабатлари юзага келган ибтидоий замонлардан буён оила аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, ёш болаларга ва меҳнатга яроқсиз кишилар ёки кекса қариндошларга моддий-маънавий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш оиланинг ўзига хос хусусияти сифатида шаклланиб, яшаб келмоқда. Бу ҳолат О.р.в.ни ташкил қилади.

Бу вазифа оила аъзоларига жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг дам олишини ташкил этиш демакдир. Маскур функция кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва б. ижтимоий фаолиятларидан холи, яъни бўш вақтларини биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда ўзаро муносабатлар характери қандай

эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб, ҳар бир оиланинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатишади) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳоз. вақтда оилавий дам олиш, оилавий туризм ва қатор оилавий тадбирлар доираси кенгайиб бормоқда. Бу борада оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий муассаса боса олмайди.

**Оиланинг жинсий тарбияга оид вазифаси.** Эр-хотиннинг жинсий эҳтиёжларини қондириш, ўғил ва қизларга ўз жинсига оид тарбия бериш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.

**Оиланинг регулятив вазифаси.** Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизими, шунингдек, бирламчи ижтимоий назорат, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ифодалайди. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

**Оиланинг релаксация вазифаси.** Ҳоз. замон оиласининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Маълумки, фан-техника тараққиётининг ҳоз. босқичида, и.ч. муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва ш. к. қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, психологик зўриқишлар бермоқда. Бугунги кун саноати, и.ч.и ишчи ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди

б-н ишлашини ва ўзининг касб-хунар маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақозо қилади. И.ч. жараёнлари жадаллиги бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси бўлган инсоннинг тезда толиқиб, меҳнат қобилияти йўқолишига олиб келиш мумкин.

### **Оиланинг фелицитологик вазифаси.**

Ҳоз. замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик функциясидир (итал. «фелиците» – бахт). Шахсий фаровонликка эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда.

Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айни шу жиҳат уларни оила қуришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чоракка етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши – уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий салоҳият (иктидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ошган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Лекин баъзан нопок йўллар билан пул топиш орқали бахтли бўлишга интилиш ёки ўзгалар ҳисобидан, улар бахтини поймол қилиш эвазига шахсий бахтга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Айрим пайтларда эса оила аъзоларининг (айниқса, эр-хотиннинг) шахсий бахтга ўз майлича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (ҳиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахс ўзида кўпроқ виждонлилик, поклик, ҳалолик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга эътибор бериши лозим.

**ОИЛА ДАРОМАДИ** – оила аъзолари меҳнатининг махсули бўлиб, ҳар хил кўринишдаги тушумлардан ташкил топган оила бюджетидир. У даромадлар – тушум ҳамда харажатлар – чиқимдан иборат бўлади. О.д. ошиб борар экан, турмуш даража сифати ҳам ортади.

**ОИЛА КОДЕКСИ, ОК** – оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб, оила аъзолари (яъни эр-хотинлар, ота-оналар, болалар, шунингдек, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ва оиланинг бошқа аъзолари) ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонун ҳужжати. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ОК Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 й. 30 апр.даги Қарори билан тасдиқланиб, ўша йилнинг 1 сент.идан амалга киритилди. Кодекс 8 бўлим, 30 боб, 238 модладан иборат. Амалдаги ОК бир қатор оилавий-ҳуқуқий муносабатларни янгича ҳал этган. Чунончи, миллий негизларга асосланганлиги (қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини), умуминсоний кадриятлар акс этганлиги (никоҳ шартномаси ин-т.ининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши) кабиларни ўз ичига олади.

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ОМИЛЛАРИ** – оиланинг мустаҳкам бўлишига асос бўлувчи ижтимоий, биологик, шахсга боғлиқ бўлган омиллар. Оила мустаҳкамлиги ушбу туркум омилларга асосланади:

– ижтимоий омиллар: эр-хотинларнинг маълумот савияси, дунёқараш даражаси, ижтимоий келиб чиқиши, қандай оилада вояга етгани (серфарзанд, кам фарзандли, кўп поғонали, нуклеар, биринчи оила, қайта тузилган оила, бир миллатли оила, байналмилал оила, юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, расмийлаштирилмаган, худудга кўра: шаҳар, қишлоқ);

– биологик омиллар: организмнинг соғлом ёки носоғломлик ҳолати, тана тузилишидаги ўзига хосликлар. Туғма жозибалилик ёки хунуклик.

– характер хусусиятларидаги ўзига хос омиллар: темперамент тоифасидаги ўзига хосликлар, яъни жўшқинлик, ҳаракатчанлик, жанжалкашлик, секинлик, инертлик, аразчилик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган тоифаларга мансублик: холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик;

– муҳит, таълим-тарбия таъсирида қузатиладиган турли ҳислатлар. Шахснинг ўзигагина хос бўлган фазилатлар ва б.

**ОИЛА ПУДРАТИ** – меҳнатни ташкил этишнинг ички хўжалик шакли, жамоа пудрати кўринишларидан бири. Бунда оила пудратчи бўлиб шартнома тузади. Шунингдек, О.п. томойида қариндошчилик алоқалари бўлмаган кичикрок жамоалар (5 кишигача) ҳам ишлаши мумкин. Хўжалик билан О.п. муносабатлари пудрат шартномаси б-н келишиб олинади. О.п.да ишлаётган жамоа и.ч. воситаларидан фойдаланади. Улар етиштирган маҳсулот ширкат хўжалиги мулки ҳисобланади. О.п.да ходимлар фақат маҳсулот и.ч. билан банд бўлади, молиявий ва моддий-техника таъминоти, қурилиш, маҳсулот топшириш, ижтимоий ва агрозоотехника хизмати масалаларини хўжалик раҳбарияти ҳал этади.

О.п. илгаридан пахтачилик, яйлов чорвачилиги, пиллачилик, мевачилик ва сабзавотчилик, тамакичилик каби қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган тармоқларда қўлланиб келинган. Ҳоз. шароитда О.п. и.ч. жараёнлари механизациялашган соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. О.п. жамоа пудрати имкониятлари б-н бирга ўзига хос хусусиятларга эга, меҳнатга ҳақ тўлашни соддалаштиради, чунки ҳар бир ходимнинг меҳнатда иштироки коэффициентини ҳисобга олишга зарурат қолмайди. О.п.

болаларнинг меҳнат тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, шахсий ва ижтимоий и.ч.ни кўшиб олиб бориш учун қулай шароит яратади.

О.п.да ишлаётганларга, имкониятига қараб, и.ч. воситалари (ер, техника ва б.)ни узок (3 й.дан кам бўлмаган) муддатга ижарага берилади. Ажратилган ресурслар доирасида маҳсулот и.ч. бўйича ўзаро келишилган вазифалар белгиланади, иқтисодий санкциялар келишиб олинади. Аниқ, и.ч. шароитидан келиб чиқиб, иш ва дам олиш режимини оиланинг ўзи тартибга солади. Оилавий меҳнат характериға ялпи даромадга қараб ҳақ тўлаш кўпроқ тўғри келади, бунда қ.х. корхонаси оила етиштирган маҳсулотни сотиб олади, оила эса, ўз навбатида, маҳсулот етиштириш учун сарфланган моддий воситаларга ҳақ тўлайди. Даромад билан харажатлар ўртасидаги фарқ меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланади. Оила ижара пудратида ҳам ишлаши мумкин. Бунда оила ер, техника, чорва ва б. и.ч. воситаларини узок муддатга ижарага олиб, мустақил хўжалик юритади ва хўжалик даромадидан ўз ҳиссасини олади.

**ОИЛА ТАРБИЯСИ** – оилада ота-оналар, бобо ва бувилар, умуман катта ёшли қариндошлар томонидан болаларни тарбиялаш.

Оилавий тарбияда ўзига хос қоидалар мавжуд бўлиб, бу қоидаларни ота-оналар билишлари, фарзандлар эса риоя этишлари керак бўлади:

– оилада ота-оналар, фарзандлар ва б. аъзолар бир-бирларини севиш, тушуниш, ҳурмат қилиш;

– ўқишни, ишни, меҳнатни асосий эҳтиёж сифатида билиш;

– бекорчилик, дангасаликка берилмаслик;

– оилада қатъий қон тартибига риоя қилиш;

– оилада катта кишиларни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш;

– оилада психологик хотиржамлик, соғлом муҳит яратиш;

– оиланинг ҳар бир кишисида мустақиллик, эркинлик, ўзига ишонч каби хислатларни шакллантириш.

Шу келтирилган қондаларга амал қилиш, ўзаро муносабатларни яхшилашга, оилада соғлом муҳит яратилишига асос бўлади. Албатта, бунда ота-оналар ва катталарнинг намуна кучи, ибрати салмоқли ўрин эгаллашини ҳар доим ёдда тутиш лозим.

Оилада тарбия орқали дунёқараш, ҳуқуқатвор меъёрлари ва қўллаб сифатлар сингдирилади.

**ОИЛА ТУРЛАРИ** – бир неча мезонларга қараб оиланинг таснифларга бўлиниши. Мас.:

1. Тўлиқлигига қўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.

2. Бўғинлар сонига қўра: нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва қўп бўғинли (икки ва ундан ортик авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи оилалар).

3. Болалар сонига қўра: фарзандсиз, 1 болали, 2 болали, 3–4 болали, 5 ва ундан ортик болали оилалар. Турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир. Мас., АҚШ, Франция, Германия, Греция, Россия ва б. ривожланган давлатларда 3–4 болали оилалар қўп болали оилалар ҳисобланади. Ўзбекистонда эса бундай оилалар фарзандлар сони ўртача бўлган оилалар сарасига қиради.

4. Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига қўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, аралаш типдаги оила.

5. Эр-хотиннинг маълумот савиясига қўра: олий маълумотлилар, ўрта-махсус, ўрта тугатилмаган, ўрта махсус ёрдамчи мактаб маълумотига эга бўлган оила.

6. Оиланинг «ёшига» қўра: ёш оила 1 й. гача, 3–5 йиллик, 6–10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар) ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

7. Қайликларнинг ота-она оиласи (ота-онаси)нинг моддий таъминланганлик даражаси жиҳатидан қудаларнинг бир-бирига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос бўлган ва бўлмаган оилалар.

8. Регионал жиҳатларига қўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

9. Никоҳдан қониққанлик савиясига қўра: ажрашиш ҳолатида – никоҳдан қониққанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила.

10. Оилада эркак ёки аёл етакчилигига қўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчиликни бирга бажарадиган (бирархат) оила.

11. Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларга қўра: авторитар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.

12. Эр-хотинларнинг миллатига қўра: бир миллатли ёки байналмилал оилалар. Байналмилал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:

– дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга қирган миллат вакиллари орасида никоҳлар, мас., ўзбек-тожик, ўзбек-қозок, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва б.

– дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга қирмаган миллат вакиллари ўрта-сидаги никоҳлар, мас., ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва б.

13. Юридик расмийлаштирилганлигига қўра: синовдаги оила (бирга яшашади, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир-бирларини норасмий никоҳда синашяпти) расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшашади, оила қуриш мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга қўра расмийлаштириш кечиктириляпти) никоҳдаги оила, никоҳдан ташқари оила (айрим эркакларнинг юридик жиҳатдан иккинчи, учинчи норасмий оиласи).

**ОИЛА ЭТНОПСИХОЛОГИЯСИ** – аниқ миллатнинг ижтимоий гуруҳ сифатида асрлар давомида шаклланган этник гуруҳлар психологиясига хос хулқ-атвори, психикаси, мулоқоти, анъана, урф-одатлари, маънавий-маданий қадриятлари, тили ва б. онг тизимларининг оила масканида намоён бўлишини ўрганиш. Марказий Осиё халқларининг этник хусусиятлари ҳудуд жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Марказий Осиёда яшовчи ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг оила муҳитида намоён бўладиган ва шаклланган ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари мавжуд.

### **Ўзбек оилаларига хос этнопсихологик хусусиятлар:**

1. Ҳар бир оила аъзоси ўз ўрнини, кимга бўйсунганини, ким кимга масъул эканлигини, ўз мавқеини аниқ тасаввур қилади. Бу вертикал иерархия оила аъзоларининг ҳуқуқини чекламаган ҳолда улар орасидаги муносабатларнинг тартибли бўлишига хизмат қилади.

2. Аксарият оилаларда эркак (эр, ота) етакчилик (раҳбарлик) қилади. Раҳбарлик б-н боғлиқ барча вазифалар унинг зиммасида бўлади. Оилада эрнинг етакчи бўлиши аёл кишини талайгина ортиқча ташвишлардан халос қилади, болалар тарбияси б-н кўпроқ шуғулланишга янада қулай имкон яратади.

3. Оилада ёши улуғлар (бува, бувилар)га ота-она, фарзандлар, келинлар, неваралар катта ҳурмат ва эҳтиром б-н муносабатда бўладилар.

4. Оилада боланинг тутган ўрни, аҳамияти каттадир. Шу сабабли ҳам онанинг саломатлиги изн берса, фарзанд кўриш чекланмайди. Тўй, маросимларга ота-оналар имкони борича болаларнинг иштирокини таъминлашга ҳаракат қиладилар, меҳнат таътилида оромгоҳларда фарзандлари билан дам олишга интиладилар.

5. Ота-онага бўлган ҳурмат ва улар олдидаги фарзандлик бурчи ёшларда старли даражада шаклланган бўлади.

6. Оила аъзоларининг хулқ-атвори нафақат ота-она, балки маҳалла-қўй, қўни-қўшни, яқин қариндошлар томонидан ижтимоий назорат кўринишида кузатиб борилади. Ушбу ҳолат оиланинг барча аъзолари, фарзандлар ва ота-оналарнинг хулқий ва ахлоқий сифатларини тўғри йўналишга солиб туради.

7. Оиладаги болалар тарбиясида, уларнинг маънавий камол топиши, ўзига тўғри келадиган касб-хунарни танлаши, маълумотли, маданиятли бўлишида ота-онадан ташқари тўнғич фарзандларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлади. «От изини той босар», «Араванинг олдинги ғилдираги изидан кейингилари юради» каби ҳикматли сўзлар юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

8. Оиланинг юзага келишида ота-онанинг маслаҳати ва совчилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

9. Ўзбек оиласида барча фарзандлар мустақил бўлиб, уй-жой қилиб чиқиб кетишгач, ота-она билан, одатда, кенжа фарзанд яшаб қолади.

10. Қуръони қаримда қариндошлар орасидаги никоҳ тақикланганига қарамасдан, ўзбек оилаларида яқин қариндошлар орасидаги никоҳлар тез-тез учраб туради.

### **Қорақалпоқ оилаларига хос этнопсихологик хусусиятлар:**

1. Оила юзага келаётганда номзодларнинг уруғига катта эътибор бериш, ўз уруғидан қиз олмаслик, ўз уруғига қиз бермаслик удуми мавжуд. Агар ёшлар бир-бирларини севиб қолсалар ҳам, бир уруғдан бўлсалар, ўзаро ака-сингил ҳисобланиб, оила қурмайдилар.

Ушбу хусусият қариндошлар орасидаги никоҳнинг олдини олиш, қариндошларнинг оила қуришига йўл қўймаслик ва нуқсонли болалар дунёга келишининг ол-

дини олишга қаратилган бўлиб, кўп миллатларга, шу жумладан, ўзбекларга намуна бўлиши мумкин.

2. Келини олиб қочиш. Қизни олиб қочиш унинг розилиги билан бўлади. Бу аслида ҳақиқий олиб қочиш бўлмасдан, урф-одатга амал қилишдир. Қизнинг розилигисиз олиб қочишлар камдан-кам ҳолларда бўлса-да, аммо бугунги кунда ҳам учраб туради.

3. Қизнинг розилигига қарамай олиб қочиш асосида аксарият ҳолларда, йигитнинг шахсий сифатлари ётади. Яъни бундай йигитларда қизлар билан муомала қилиш, мустақил танишиш, қизни кўнглини топиш, унга ёқиш, ўзига нисбатан киз бола калбида меҳр уйғотиш малакалари етишмаслиги, қизлар билан бўладиган мулоқот маданиятининг куйи савияда эканлиги б-н тавсифланади.

4. Қизни олиб қочиш омиллари: биринчиси – иқтисодий омил тўй қилишга етарли маблағи бўлмаган, киз учун берадиган қалин (бу Тошкентда қизнинг онасига сут пули деб бериладиган рамзий миқдордаги маблағ эмас) пулини тўплаб улгурмаган, ўз тенгини топиб, иккиси ҳам оила қуришга тайёр бўлган ёшлар учун олиб қочиш одати жуда қўл келади. Ёшлар кейинчалик маблағ тўплаб, тўйни қилаверишади. Олиб қочиб кетилган кизга бериладиган қалин пули миқдори ҳам куёвнинг имкон даражасидаги маблағ бўлади, чунки кизнинг ота-онаси учун боласининг бахти оладиган ортиқча пулдан кўра қимматлироқдир. Иккинчиси – маънавий, ижтимоий-психологик омил. Ёшларнинг маълум қисми ФХДдан ўтмасдан, яъни эр-хотин муносабатларини қонуний расмийлаштирмасдан шаръий никоҳ асосида яшайдилар. Олиб қочиб келинган киз-келин эрини, қайнона, қайнотасини синовларидан ўтгач, фарзандли бўлиш имкониятларини кўрсатгандан сўнггина ФХДдан ўтишга ариза беришади.

## **Тожик оилаларига хос этнопсихологик хусусиятлар:**

1. Оила қуриш мотивлари: севги-муҳаббат; ота-она ва яқин қариндошларнинг хоҳиши; бўлажак турмуш ўртоғи ёки рафиқасининг моддий таъминланганлиги; ўз мустақиллигини ҳис қилиш; яшаш шароитини яхшилаш; ваъдалар асосида; фарзандли бўлиш хоҳишида ва ҳ.к.

Тожик оиласи қайси омилларнинг таъсири асосида вужудга келишидан қатъи назар, анъанавий тарзда совчи юбориш, оиладаги ёши улуглар розилигини олиш, никоҳ-оила қуришга оид ёшларнинг фикрини билиб олиш қабилар оилавий кенгаш анъаналарига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилади.

2. Тожик оиласи ҳаётида ота-оналар иштироки алоҳида ўрин тутати ва улар бошқарувчилик вазифасини бажариб, ёш оиланинг мустақил ҳаёти учун ўзларини масъул деб биладилар. Бу масъуллик хисси кўпроқ қайнона шахсида ифодаланган бўлиб, гоҳида оилада низонинг келиб чиқишида сабаб бўлиши мумкин. Ёш келин-куёв бўш вақтини ўтказишни режалаштириш, уй-рўзғор юмушларини бажариш, уй жиҳозларини харид қилиш, меҳмон қабул қилиш ва кузатиш каби масалалар бевосита қайнонанинг раҳнамолиги асосида бажарилади. Тожик оиласида қайнота оиланинг бош устуни сифатида идрок этилиб, оиланинг иқтисодий ва ижтимоий таъминоти унинг зиммасида бўлади ва оиланинг ички масалаларига кўп ҳам аралашмайди, шунинг учун гоҳида айрим оилавий вазиятлардан хабардор бўлмаслиги табиий ҳолат ҳисобланади. Шунга қарамадан, қайнота оиладаги келини ўзининг қизи сифатида кўради, қайнона эса келинига ўғлининг рафиқаси сифатида муносабатда бўлади.

3. Тожик оиласида эркак – ота вазифалари:

– яхши тарбия кўрган, обрўли оиланинг одобли қизига уйланиш;

– оиланинг ижтимоий-маиший, икти-содий ва маънавий ҳаётини максадга муво-фик юритиш;

– фарзандларга яхши исм танлаб, улар-ни билимли қилиш;

– оила юритиш тартибини белгилаш;

– оилавий муносабатлар тартибини бел-гилаш;

– оилани бошқаришда етакчи бўлиш;

– оилавий анъаналарни сақлаш ва да-вом эттириш;

– оила аъзоларининг манфаатларини ҳимоялаш;

– фарзандларни касб-ҳунарга ўргатиш;

– оила аъзоларини ҳимоя қилиш;

– оиладаги фарзандларнинг бахтли ке-лажаги учун қайғуриш;

– куда-андачилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш;

– оила аъзоларини барқарор ҳаёт тар-зини таъминлаш ва ҳ.к.

4. Тожик оиласида келин – аёлнинг асосий вазибалари:

– қайнона-қайнотасига меҳрибон ке-лин бўлиш;

– эрига ғамхўр, содиқ ва меҳрибон жуфт бўлиш;

– оиладаги мавжуд анъаналарни қабул қилиб, уларга содиқ қолиш;

– турмуш ўртоғининг барча қариндош-ларини ҳурмат қилиш;

– оиланинг маънавий ҳаётини таъмин-лашда фаоллик кўрсатиш;

– фарзандларга яхши тарбия бериш ва уларга отасини ҳурмат қилишни ўрга-тиш;

– фарзандлар ва ота орасида воситачи-ликни амалга ошириш;

– уй-рўзғор юмушларини бажариш, са-ранжомликни таъминлаш;

– оилавий муносабатлар тартибини сақлаш ва уни назорат этиш;

– оилавий анъаналарни сақлаш ва да-вом эттириш;

– оила аъзоларининг қадр-қимматини ҳимоялаш;

– фарзандлар ва келинларни касб-ху-нарли қилишда иштирок этиш;

– оила тинчлиги, келин ва неваралар одоби учун масъуллик ва б.

5. Тожик оиласида келин ва куёвнинг оилавий вазибалари:

– турмуш ўртоғи (рафикаси)нинг руҳий ҳолатини, қайфиятини тушуна билиш;

– келин (куёв)лик вазибаларини ба-жара олиши;

– турмуш ўртоғи (рафикаси)га нис-батан ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиш;

– юзага келадиган низоларнинг олдини ола билиш;

– оиланинг моддий таъминотига ҳисса қўшиш;

– турмуш ўртоғи (рафикаси)га яхши жуфт бўлиш;

– турмуш ўртоғи (рафикаси)нинг яқинлари билан яхши муносабатда бўла олиш;

– болани парваришлай олиш;

– овқат тайёрлай билиш;

– оила бюджетини тўғри юрита олиш;

– уй-рўзғор ишларини бажара олиш.

**Қозоқ оилаларига хос этнопсихоло-гик хусусиятлар:**

– совчилик;

– «кыз узату тойы» – ўз хоҳиш ва мод-дий имкониятларидан келиб чиқиб, қиз чикариш;

– никоҳнинг тантанали қайд қилиниши ва шарый никоҳ ўқитиш (неке кыю);

– катта тўй (улену тойы);

– келиннинг ота-онаси ва қариндош-лари аввал куёвнинг уйида, сўнг келиннинг уйида учрашиши ва совғалар билан алма-шиниши – куда чақирув (куда шакыру), сарпо кийдириш (кыыт кигызу);

– ёшлар келиннинг ота-онасини, шу-нингдек, икки томоннинг қариндошларини кўришга бориши.

## **Қирғиз оилаларига хос этнопсихологик хусусиятлар:**

– қирғиз халқида ёшларни барвақт уйлантириш ва турмушга узатиш, никоҳгача танишув муддатининг қисқалиги унинг миллий хусусиятлари яққол намунасиدير;

– қирғиз ёшларининг оила куришида дўстлари ва ўртоқлари маслаҳатига суяниши, эркин қаллик танлаш, ота-она ва қариндошлар таъсирининг қамлиги ўзига хос этнопсихологик хусусиятдир;

– қирғиз қизларининг розилиги б-н ёки розилигисиз йигитлар томонидан олиб қочилиши ва айрим ҳолатларда олиб қочилган қизнинг уйга қайтиш имкониятининг мавжудлиги;

– қирғиз оиласининг кўпроқ севги-мухаббат мотиви асосида курилиши;

– ҳоз. даврда қирғиз қизларининг йигитлар томонидан барвақт олиб қочилиши, қирғиз оиласида никоҳгача танишганлик даврининг қисқалиги туфайли бўлажак қайлиқлар бир-бирлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишга улгурмаяптилар;

– қирғиз оиласининг юзага келишида яқин дўстлари, ўртоқлари маслаҳати ҳамда ёрдамга таяниш ходисаси мавжуд. Бунда қирғиз ёшларининг бир-бирлари билан ўзаро танишувларида ҳамда қизларнинг йигитлар томонидан олиб қочилишида яқин дўстлар ёрдами, маслаҳати муҳим аҳамият касб этади;

– қирғизларда ҳам оилавий қадриятини белгиловчи асосий омиллар – оиласида фарзандларнинг кўплигидир. Бу омил қирғизларнинг бошқа миллат (Ўзбек, тожик) оилалари каби болажон халқ эканлигидан далолат беради ва бу кўрсаткич қирғиз оиласининг этнопсихологик хусусиятини ўзида мужассамлаштиради.

## **Туркман оилаларига хос этнопсихологик хусусиятлар:**

– никоҳ ота-оналар ўртасидаги келишув, розилик асосида амалга оширилади;

– никоҳлар ҳисоб-китоб асосида вужудга келади. Мазкур никоҳларда ёшларнинг ҳис-туйғуси б-н, одатда, ҳисоблашилмайди. Эр-хотин шунчаки бирга яшашлари ва туғилган фарзандларни бирга тарбиялашлари бундай оилаларга хос бўлган жиҳатдир;

– туркманларда ҳоз. кунда оила куришга аҳд қилган ёшларнинг ҳис-туйғуларига ниҳоятда эҳтиёткороналик б-н муносабатда бўлинади. Албатта, яқин йилларгача ота-оналар ўз фарзандлари тақдирларини ўзлари хал қилишар, ўз қизи ёки ўғли учун жуфтни ўзлари танлашар эди;

– аксарият ҳолларда ёшлар узок вақт бахтли ҳаёт кечириш учун турмуш ўрток танлашга нисбатан эркин қарор қабул қилиш имконига эгалар. Лекин шу б-н бирга ёшлар оқсоқоллар, ёши улуғларнинг маслаҳатларига кулоқ тутишади;

– туркманларда оила куришда пухта ўйлаб иш тугилади, яъни никоҳ қайд этилишидан олдин қиз ва йигит ўз моддий имкониятларини яхшилаш, бўлажак оиланинг бақувват иктисодий асосини яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўядилар. Бу кўпроқ эркак кишига тааллуқли бўлиб, туркман оиласида эркак киши оиласи, рафиқаси ва фарзандларининг барча эҳтиёжларини кондириши учун асосий масъул ҳисобланади;

– туркман тўйлари ҳар хил, қизиқарли анъаналарга бой эканлиги б-н машҳур. Айниқса, ташкил топаётган ёш оиланинг келажакда бахтли ва фаровон умр кечиришлари учун ўтказиладиган бир қатор удумлар, расм-русумларни кузатиш мумкин. Дастлаб турли совға-саломлар билан куёв қариндошлари киз қўлини сўраш учун унинг уйига йўл оладилар. Бу вазифани куёв хонадони ёки қариндош-уруғларидан энг ёши улуғ ва эътиборли, хурматга сазовор оқсоқоллар ўз зиммаларига оладилар. Улар қандай қилиб

бўлмасин киз ота-онасининг розилигини олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Қиз ота-онасининг розилиги олингач, тўй маросимини қачон ўтказиш хусусидаги масала ҳал этилади. Тўй кунигача бўлажак келин ва куёв ўз дугоналари ва ўртоқлари учун турли меҳмондорчилик ва тадбирлар ташкил қилиб бериши ҳам одат саналади;

– туркман қиз ўз ўтириши, тадбирига барча дугоналарини таклиф қилади. Дугоналар эса турли совғалар билан кизнинг уйига келишади ва тез кунда униб-ўсган, болалиги ўтган ота-онаси уйини тарк этадиган келинни қўшиқ айтиш, рақсга тушиш орқали хурсанд қилишга ҳаракат қиладилар. Бундай тадбир бўлажак куёв хонадониди ҳам ташкил этилади.

– куёвнинг ота-онаси тўй тугаши б-н уларнинг ўғли ўз рафикасини қаерга олиб боришини ҳал қилишлари лозим бўлади. Туркманлар одатига кўра тўй тугаши б-н келин-куёв янги ёки бошқа уйда, ўзлари мустақил ҳаёт бошлашади. Айрим ҳолларда ота-оналар ўз ўгилларига барча шарт-шароит тўқис бўлмагунча уйланишга рухсат бермайдилар.

– келиннинг ота-онаси зиммасида эса ёш оила учун йирик ва қимматбаҳо совға буюмлари бериш вазифаси туради. Келин ва куёв ҳам бир-бирларига анчагина маблағ талаб қиладиган буюмларни тақдим этадилар. Шундай қилиб, туркманларда уйланиш, турмушга чиқиш кўп маблағ талаб қиладиган жараён бўлиб, бунда ота-оналар зиммасида келажакда фарзандлари моддий жиҳатдан қийналмасдан ҳаёт кечиришларини таъминлашдек мажбурият ётади. Булар пул, уй, мебель, заргарлик буюмлари каби совғалардир. Шунинг учун дабдабали тўй ўтказиш учун туркманлар ўғил ёки қизлари вояга етишидан анча илгари йиғиниш, тайёргарлик қўришга ҳаракат қиладилар.

**ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛИК МЕ-  
ЗОНЛАРИ** – оила-никоҳ муносабатларига киришишдан олдин никоҳдан ўтувчилар оилавий ҳаётга қай даражада тайёрлигини аниқловчи маълум мезонлар. Ушбу мезонлар қуйидагилардан иборат:

1. Ёшларнинг муайян касб-ҳунарга эга бўлиши ва шу асосда оилани моддий жиҳатдан таъминлай олишлари.

2. Саломат бўлиш ва соғлом зурриётларни дунёга келтириш имкониятига эгалик.

3. Оила бюджетини оқилона сарфлаш, малакаларига эга бўлиш.

4. Оилада маиший-хўжалик ишларини олиб бориш малакаларининг шаклланганлиги.

5. Аёл организмиди кечадиган ҳомиладорлик билан боғлиқ ўзгаришлар, ҳомиладорликнинг меъёрда кечиши ҳақида тегишли даражада билим ва тасавурларга эга бўлиш.

6. Оилада тарбия функциясини олиб боришга тайёрлик.

7. Фарзандларни турли касалликлардан сақлаш, уларнинг жисмоний ривожланишини назорат қилиб бориш юзасидан тегишли даражада санитария-гигиеник билимларга эга бўлиш.

8. Оилавий ҳаёт б-н боғлиқ бўлган урф-одатларни билиш.

9. Қиз ўзга худудга келин бўлаётган бўлса ёки куёв ўзга миллат вакили ҳисобланса, куёв томоннинг худудий ва миллий хусусиятларини билиш ва уларга амал қилишга тайёрлик.

10. Оилада психотерапевтик вазифани бажаришга тайёрлик.

11. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, зарарли одатлар (ичиш, чекиш, гиёҳвандлик)нинг йўқлиги ёки уларга чек қўйилганлиги.

12. Ҳаётгий қадриятларнинг ижобий йўналтирилганлиги.

13. Маданий хордик чикариш, яъни бўш вақтни фойдали ташкил этиш малакаларининг шакллланганлиги.

14. Шаркона оилаларда кузатиладиган, шу жумладан, ўзбек оилаларида ҳам кузатиладиган оилавий иерархияни ҳисобга олиш, каттага ҳурмат, кичикка иззат б-н муомала қилиш.

15. Йигит ва киз шахсида сабр-чидамлик, вазминлик, ўйлаб гапириш, мулоҳазалилик, хушмуомалалик, самимийлик каби ҳислатларнинг етарли даражада ифодаланганлиги.

16. Қизларда уйни, ошхонани тоза, озода тутиш, дид б-н дастурхон ёзиш, самимийлик билан меҳмон кутиш, ўз озодалигига эътибор бериш ва дид б-н кийиниш малакаларининг шакллланганлиги.

17. Қайнона ва қайнота б-н самимий ва ҳолис муносабат ўрната олишга тайёрлик.

18. Жинсий ҳаёт масалаларида етарли билимга эга бўлиш.

**ОИЛА ҲУҚУҚИ** – эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғи. Аммо оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайди. Бу муносабатларнинг аксарияти ахлоқий, руҳий тусда бўлиб, ўз моҳиятига кўра уларни ҳуқуқ йўли б-н тартибга солиб бўлмайди. О.х. фуқаролик ҳуқуқи б-н чамбарчас боғлиқдир. О.х. фуқаролик ҳуқуқидан қуйидаги хусусиятлари б-н фаркланади: 1) оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактлардан вужудга келади; 2) оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқли ўларок, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга; 3) оилавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқаларга топшириб бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

### **Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар.**

Никоҳ ва оила доирасидаги аниқ ижтимоий муносабатларни никоҳ-оила қонунчилиги нуқтаи назаридан татбиқ этишдир. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар давомли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бу хусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари б-н белгиланади. Никоҳдан мақсад оила куриш бўлиб, у эр-хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашига мўлжалланади. Ота-оналик ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади. Фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик ва б. ҳуқуқий муносабатлар кўп хусусиятлари б-н бир-бирига ўхшаб кетади. Бундай ҳуқуқий муносабатларда қўйилган мақсадларга узоқ муддат давомида эришиш мумкин. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар кўпинча муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ажратиш ҳолатини ҳисобга олмаганда, бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат б-н чекланади, бироқ белгиланган давргача, албатта, давом этади. Мае., ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш мажбуриятлари фарзанд 18 ёшга тўлгунга қадар давом этади. Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон-қариндошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, шунингдек, жамият ва давлат оилани, оталик, оналик ва болаликни ҳимоя қилади ва оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди.

**О.х. предмети.** Оилавий ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинадиган муносабатлардан иборат. О.х. нормалари қуйидагилардир:

– никоҳдан ўтиш тартибини ва шартларини белгилаш;

– оилада эр-хотин ўртасида, ота-оналар ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солиш;

– бошқаларнинг болаларини ўзига бола қилиб олиш, васийликка олиш, ҳомийлик қилиш, болаларни ўз тарбиясига олиш муносабати б-н вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш;

– никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартларини белгилаш;

– фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилаш.

**ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА АХЛОҚИЙ НОРМАЛАР** – оила аъзолари рия қилишлари лозим бўлган ахлоқий қонун-қоидалар мажмуи. Оилавий муносабатлар ўзаро муносабатларнинг оддий тури бўлиб, оилавий ҳаётнинг энг муҳим талаби, саломатликка таъсир қилувчи энг кучли омил. Шунинг учун бу масалада тушунча ва малакага эга бўлмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ** – оилавий муносабатларнинг асрлар давомида шаклланиб бир меъёрга келиши, ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Оилавий муносабатларга Шарқда азалдан катта аҳамият бериб келинган. Зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутган.

«Авесто» тадқиқотчиси Ҳ. Ҳомидов ўша даврдаги оилалар тўғрисида шундай деб ёзади: «Эркак зурриёт қолдириш қобилятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни копча солишиб калтаклашган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Қўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла икки-уч бола тукқан аёллар мукофот олишга сазовор, деб ўқтирилади».

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК** – юридик шахс мақомини олмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти шакли. Бу фаолият эр-хотинлар томонидан, уларга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мулк негизда амалга оширилади.

О.т. эр билан хотиннинг ва уларга қўмаклашувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қирувчи оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар биринчи навбатда берилди.

Булар:

– кам таъминланган оилалар;

– таркибда ногиронлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларига киритилган бошқа шахслар бўлган оилалар;

– таркибда икки ва ундан ортиқ ишсизлар бўлган оилалар.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига иш билан таъминлаш фондининг кредит йўналиши ҳисобидан бериладиган микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 150 бараваридан ошмаслиги керак.

Оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатишидир.

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти катта бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга:

1. Мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш қобиляти.

2. О.т. оила ин-тини мустахкамлаш каби муҳим ижтимоий вазифани бажаради, болаларни муваффақиятли тарбиялашга имкон бергани ҳолда, уларни ижтимоийлаштиришга ҳамда демографик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради;

3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди.

4. Иктисодиёт барқарор ривожланишининг зарурий шартли бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик нуктаи назаридан ўзининг иктисодий истакларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

5. Жамиятда ижтимоий-иктисодий ҳолатнинг барқарорлашувиغا имкон беради.

**ОИЛАВИЙ НИЗО ТУРЛАРИ** – Эр-хотин ўртасида; кайнона-келин ўртасида; кайнона-куёв ўртасида; овсинлар ўртасида; ака-укалар ўртасида; ота-оналар ва фарзандлар ўртасида; кудалар ўртасида; қариндошлар ўртасида бўладиган келишмовчиликлар. Муваффақиятли оилалардаги низолар бириктирувчи, муваффақиятсиз оилалардаги низолар эса ажратувчи характерга эга. Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив» («бириктирувчи») ва «деструктив» («ажратувчи») низоларга бўлинади. Улар юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал этилиши, кечиши, иштирокчилари, оқибатлари ва б.нинг характериға кўра бир-бирларидан фарқ қилади.

Оилада эр-хотин орасидаги низо сабаблари.

1. Ҳаётда иш ва оиланинг қийматини ўлчашда юзага келадиган низолар.

2. Етакчиликни қўлга киритиш учун интилиш асосида юзага келадиган низолар.

3. Муҳаббат динамикасини, психологик характеристикани билмаслик натижасида юзага келадиган низолар.

4. Аёлларнинг (қизларнинг) уй ишларига тайёр эмаслиги (уй бекалиги вазифасини бажара олмаслиги сабабли) юзага келадиган низолар.

5. Болаларни тарбиялашда эр-хотин ота-оналар бир хил позицияда турмаслигидан келиб чиқадиган низолар.

6. Темперамент типлари сабабли вужудга келадиган низолар.

7. Фарзандсизлик сабабли вужудга келадиган низолар.

8. Рашк асосида юзага келадиган низолар.

## **ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАДАНИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

– асрлар давомида шаклланиб келган оилавий тадбиркорликнинг қадим анъаналари ва унинг қонуний йўл билан меъёрлаштирилган ҳуқуқий асослари.

Оилавий тадбиркорликни вужудга келтирган ва ривожлантирган омил хунармандчилик бўлиб, мамлакатимиз ҳудудида хунармандчилик жуда қадим замонлардан ривожланиб келган. Инсон маданий ҳаёт кечириши асосларидан ҳисобланган энг қад. хунармандчилик намуналари эрамиздан аввалги 3–4 минг йилликка оиддир. Ана шу топилмаларга асосланиб, мамлакатимиз ҳудудида оилавий тадбиркорлик бундан 5–6 минг й. аввал вужудга келган, деган фикрлар мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, оилавий тадбиркорлик фаолиятини фақат иктисодий эмас, балки ижтимоий-маданий, ахлоқий, ҳуқуқий мурватлар ҳам тартибга солиб туради. Оилавий тадбиркорлик маданияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларнинг мамлакатдаги мавжуд ҳуқуқий меъёрлар, ижтимоий-маданий хусусиятлар, анъаналар, урф-одат ва расм-русумлар асосида тадбиркорлик фаолияти учун хос бўлган тамойиллар, амаллар ва усуллар йиғиндисини билишлари ва унга амал қилишларини англатади. Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг маънавий-ахлоқий меъёрларига, кадриятларига бўйсунмай, эътибор берилмай қўйилиши, бу фаолиятни инкирозга олиб келади. Мамлакатимизда кўп асрлар давомида ривожланиб келган тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик муайян кадриятларни шакллантирган эди. Тадбиркорлик маданияти-жамиятдаги тад-

биркорлик субъектларининг, шу жумладан, оиланинг тадбиркорлик фаолиятидаги и.ч., ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлар, тадбиркорлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда барча қонун-қоидаларга риоя қилиш, инсонийлик фазилатларига амал қилиш кабиларни англатади. Ўзбекистон Республикасининг ЖКда ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятининг биринчи энг муҳим жиҳати – унинг қонунга асосланиши ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг қонунга асосланиши тадбиркор томонидан ўз вазифа ва мажбуриятларини тўла бажариш, шартномаларга амал қилиш, шерикларга ва мижозларга, истеъмолчиларга, ёлланма ишчиларга нафақат моддий, балки маънавий зарар ҳам етказмасликни кўзда тутати. Оилавий тадбиркорлар учун муҳим элементлардан бири унинг субъекти томонидан бизнесни ҳалол юритишдир. Тадбиркорлик б-н шуғулланувчи оила ўз фаолиятида одамларга, истеъмолчиларга, шерикларга, тадбиркорликни назорат қилувчи давлат органларига муносабатларда ҳалоллик, адолатлилик, толерантлик тамойилларига, миллий одоб меъёрларига риоя қилиши, ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ва б. меъёрий ҳужжатларга амал қилиши, умумий ахлоқ меъёрларига риоя қилишлари оилавий тадбиркорликнинг маданий-маънавий, ҳуқуқий белгиларини англатади. Ҳар қандай соҳанинг маданияти ўша соҳа тараққиётининг юқори поғоналарида вужудга келади ва айни пайтда, ўша соҳанинг янада тезроқ ривожланишига ҳисса қўшади. Тадбиркорлик этикаси умуминсоний ахлоқ тамойилларини акс эттириш билан бир қаторда, тадбиркорлар учун хос бўлган хулқ-атвор, мотивлар ва мақсадларни ҳам намоён этади. Тадбиркорлик фаолиятида маданият ва маънавият талабларига риоя қилмаслик муттасил тарзда истеъмолчилар б-н муомалада, тад-

биркорликнинг бошқарув ва назорат органлари б-н муносабатларда муаммоларнинг вужудга келишига олиб келади.

Кўп асрлардан буён халқимиз ҳаётида муҳим ўринга эга бўлиб келаётган тадбиркорлик ўзининг қонун-қоидаларини ҳам узвий равишда шакллантириб келмоқда. Мас., ҳар бир хунармандчилик ва тадбиркорлик соҳасининг алоҳида даҳа ёки маҳаллаларга бўлиниши, бу соҳаларнинг ҳар бирида ички меъёрлашган қонунлар мажмуасининг бўлиши, и.ч.нинг маълум қонуниятлари ҳар бир соҳани қамраб олгани оилавий тадбиркорликнинг илдиэлари нақадар чуқур эканлигини кўрсатади.

Оилавий тадбиркорлик бугунги кунда ҳам ўтмишда шаклланган маълум меъёрларга амал қилган ҳолда олиб борилади. Мас., соҳанинг шажаравий давом этиши, услуб ва анъаналарнинг сақланиб қолиши кабилар шуни намоён этади. Шунинг б-н бирга, бугунги кун тараққиёти ҳам О.т.м. ва ҳ.а. унга ўзига хос ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

**ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР** – оила маънавияти ва ахлоқий қиёфасига дахлдор бўлиб, оила аъзоларини тарбиялашга, уларнинг маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, ҳуқуқий, диний жиҳатлардан баркамоллигини таъминлашга, оила ва қариндошуруғлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қадриятлар; оилада ота-она, фарзандлар ва шу б-н бирга, қариндош-уруғлар турмуши жараёнида, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда мунтазам тарзда амал қилинадиган, уларнинг оилавий ҳаёт тарзида қарор топган удумлар, урф-одатлар, маросимлар, анъаналар тизимини ифодаловчи тушунча. О.қ. деганда, муайян оила сулоласи, яъни қариндош оилалар маънавиятини юксалтирувчи, улар ўртасидаги инсонийлик фазилатларидан иборат хатти-ҳаракатлар, турмушда миллий урф-одатлар, маросимлар

ва анъаналардан фойдаланиш борасидаги ўзаро маданий муносабатларини ифода-ловчи, оиланинг барча аъзолари, шу жумладан, болалар ва ўсмирлар тарбияси ва камолотида ижобий аҳамият касб этадиган кадрият шакллари тушунилади. (Мас., оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатли алоқалар, аҳиллик ва тотувлик, боқувчисини йўқотган, касалманд, ёрдамга муҳтож қариндошлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, тўй, ҳашар ва маъракаларни қариндош-уруғ (шунингдек, маҳалла-кўй билан) ҳамжиҳатликда бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш ва х.к.). Оилаларни мустаҳкамлаш, уларни сақлаб қолиш, шунингдек, унда комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш имконини берувчи соғлом муҳитни яратиш чораларидан бири – бу фарзандларни миллий, маънавий-ахлоқий ва умуминсоний мазмундаги О.қ. асосида тарбиялаш ҳисобланади. О.қ. оилада болаларни маънавий камолга етказишда ўзига хос ўрин тутиб, азалдан оила муҳитида шаклланган ва ривожланган. Оиланинг миллий маънавият ва миллий маданиятга асосланган О.қ.га амал қилиши: ота-она, фарзандлар ва қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги, фарзандларда оилапарварлик, инсонпарварлик каби ижобий хусусиятларни, оилага садоқат, ўтган етти пуштини билиш, ота-онага, қариндош-уруғ ва кексаларга ҳурмат ва эъзоз, кичикларга иззат, ўзаро меҳрибонлик, ғамхўрлик сингари маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиради ва ривожлантиради. Оилада фарзанд тарбиясини ташкил этишда О.қ.дан фойдаланиш ёшларни ўз аждодларига муносиб ворис, оиласига, қариндош-уруғларига ҳурмат, эъзоз руҳида, меҳр-муҳаббатли, меҳр-оқибатли бўлиб камолга етишларига ёрдам беради. Шу туфайли, ҳар бир оилада

О.қ.нинг мавжуд бўлишига эришиш, уларни қарор тантириш, улардан маънавий, ахлоқий тарбия воситаси сифатида фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Оиланинг ор-номусини устувор ўринга қўйиш туфайли, О.қ.га амал қилиш, шу орқали оиланинг миллий қиёфасини сақлаган ҳолда бутун оиланинг шаъни, обрўсини сақлаш учун масъулият б-н иш тутиш – ўзбек халқи менталитетига хос хусусиятлардан ҳисобланади.

**ОИЛАДА РОЛЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ** – бир оила аъзосининг бошқа аъзолар билан муносабатларини тавсифловчи меъёрлар ва хулқ-атворлар намуналари йиғиндиси. О.р.ў.м., асосан, эр-хотин, ота-она ва болалар, эр-хотинларнинг ота-оналари (қайнота, қайнона, келин, куёв), ака ва сингиллар ўртасида шаклланади. Ҳоз. замон О.р.ў.м., биринчи навбатда жинслар ўртасида ролларнинг тақсимланишида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Анъанавий оилаларда хотин хўжаликни юритиш, бола туғиш ва уларни тарбиялаш билан шуғулланган бўлса, эр – ер, хўжалик, хотин ва болаларнинг ягона хўжайини бўлган. Ҳоз. замон оилалари асосан эгалитар, ҳамкорлик ва демократик тамойиллар асосида қурилади. Аёллар оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашда фаол иштирок этадилар, оиланинг қарорларини қабул қилишда тенг қатнашадилар. **ОИЛАДАГИ НИЗОЛАР** – оила аъзоларининг орасида бирор масала юзасидан, фикрларнинг мос келмаслиги, қарашларнинг турличалиги, ижтимоий савия, дунёқараш каби мезонларнинг уйғун бўлмаслиги.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, уларни кимлар орасида юз бераётганини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

## **ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУҲИТ МЕЗОНЛАРИ**

– ота-она, оиладаги бошқа кишилар, улар орасидаги ўзаро муносабатлар, оила турлари, яшаш шароити каби мезонлар таъсирида шаклланган муҳит. Оила муҳитини салбий ёки ижобий бўлиши 7 тур мезонлар б-н белгиланади:

– ота-она психологияси (отанинг феъл-атвори, онанинг феъл-атвори, темпераментлари, шахс тоифалари);

– оиладаги бошқа кишилар психологияси (буви-бобо, амаки-тогалар, амма-холалар, ака-укалар ва б.);

– оиладаги ўзаро муносабатлар (эр-хотин, ота-она ва фарзанд, қайнона-келин, овсинлараро, жинслараро муносабатлар ва б.);

– оила турлари (нуклеар, кўп погонали, расмийлаштирилган, шаръий никоҳ, иккинчи никоҳ, бефарзанд, кам фарзандли, серфарзанд, байналмилал, бир миллатли, тўлиқ, нотўлиқ ва б.);

– оила аъзолари савияси, дунёқараш даражаси (зиёлилар, диндорлар, маълумоти олий, ўрта, тугалланмаганлар);

– оиланинг яшаш шароити (маҳалла, ҳовли типидоғи, кўп каватли уйларда яшайдиганлар ва б.);

– оилавий бандлик (хунармандлар, иш-сизлар, гадбиркорлар, фермерлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ҳайдовчи ва б.).

## **ОИЛАНИ АЖРАТУВЧИ НИЗОЛАР**

– оилада рўй берадиган, оқибати эр-хотинни ажрашишга олиб борувчи низолар. О.а.н.да уларнинг юзага келишига сабаб бўлган муаммо ва ечим эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши, кўпинча иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Мас., эр ёки хотиннинг шахсан ўзи учун бирон нима харид қилиши, эр ёки хотиннинг қариндош-уруғлари б-н бўладиган муносабатлар, маиший муаммолар

туфайли юзага келадиган низолар шулар жумласига киради. Бундай низоларнинг ҳал қилиниши, эр ёки хотиннинг манфаатига путур етказилади. Бундай вазиятларда манфаати бой берилган томонда норозилик, сақланиб қолади ва кейинчалик кучайиб навбатдаги низонинг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилади. О.а.н.да низо ҳал этилгани б-н низоли вазият сақланиб қолаверади.

Шунингдек, О.а.н.ни юзага келтирган сабаблар эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари доирасидан ташқаридаги омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг сабабчилари ва иштирокчилари ҳам баъзан эр-хотиндан ташқари учинчи одам бўлиши мумкин. Низоларнинг ҳал этилиши ҳам эр-хотинларнинг ўзларигагина эмас, балки шу учинчи (бошқа) одамга боғлиқ бўлади. Буларнинг оқибатида низоларнинг янада кучайиши, сонининг ортиши кузатилади. А.а.н. аксарият ҳолларда ўз характери, иштирокчилари, ҳал этилиши ва оқибатларига кўра эр-хотин муносабатлари доирасидан четга чиқади. Бундай эр-хотин низолирига оиланинг бошқа аъзолари – қайнона, қайнсингил, овсинлар ва б. ҳам аралашади.

О.а.н. эр-хотин орасидаги меҳрнинг сусайиб, йўқолиб боришига олиб келади. Бу эса ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

## **ОИЛАНИ БИРИКТИРУВЧИ НИЗОЛАР**

– оиладаги тартиб, интизом, озодаллик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва б. шу каби масалаларга оид низолар. О.б.н. асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам эр-хотиннинг ўзлари ҳисобланади.

О.б.н.нинг юзага келишига сабаб бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бутун оила-

нинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар бартараф этилса, бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимини топади.

О.б.н.нинг муваффақиятли ҳал этилишида эр-хотиннинг бир-бирларини янада яқинроқ билиши, тушуниши, бир-бирларининг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганиб бориши, бир-бирларига мослашиши, муаммоларни ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиши сингари омиллар муҳим аҳамият касб этади.

**ОИЛАНИ БОШҚАРИШ** – оила аъзолари – эр-хотиндан бирининг оилада етакчи роль ўйнаши.

Жамият ҳаётида биринчи шахс қандай роль ўйнаса, оила ҳаётида ҳам у шундай роль ўйнайди. О.б.га кимдир иқтисодий таъминот нуқтаи назаридан ёндашса, кимдир маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ёндашади. Камдан-кам оилаларгина бу масалани ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳал қиладилар. Оилани бошқаришда эр, асосан, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга жавобгар бўлса, аёл рўзгорга қараш, болалар тарбияси ва ш. к. б-н машғул бўлади. Лекин тарққиёт оиланинг таркибий қисмида катта ўзгаришларни юзага келтирмаса-да, оила яшаётган ижтимоий муҳитда катта ўзгаришларни вужудга келтиради. Бу ўзгаришлар, аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг йириклашуви, хизмат турларининг пайдо бўлиши ва кўпайиши, аёлларнинг жамият ҳаётида фаол катнашишлари, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши ва шу каби жараёнлар б-н боғлиқ. Шундай бир шароитда О.б. нинг ўзига хос талаблари пайдо бўлиши табиий ҳол.

О.б. кишидан анчагина қобилият ва ҳаракатчанликни талаб этади. Мас., оила даромадини тўғри тақсимлаш ва режалаштириш, хўжалик ишларини тўғри йўлга қўйиш, фарзандлар тарбияси, қарин-

дошлар, кўшниллар, ошна-оғайниллар б-н бўладиган муносабатларни меъёрлаштириш, маросимлар ва тадбирларни ўтказиш ва ҳ.к. Буларда нотўғри ҳаракат ёки бефарқлик бўлса, оила таъминотида муаммолар бўлиши болалар тарбияси издан чиқиши ёки қариндошлик, кўшничилик, ошна-оғайничилик муносабатларига путур етиши мумкин. Иккинчидан, ҳамма эркакларда ҳам юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилиш қобилияти бўлмаслиги мумкин.

О.ни б.да эрми ёки хотинми, деган масалани бир томонлама ҳал қилиб бўлмайди. Бундай қобилиятга баъзан эркаклар, баъзан аёллар эга бўлиши мумкин. Шунинг учун аёлнинг О.б. ишларида катнашиши мутлақо нормал ҳолат. Демак, асосий масала оилани ким бошқаришида эмас, балки уни тўғри бошқаришида. Лекин масаланинг бир нозик томони бор. Миллий тартиб ва удумларга кўра оилани бошқаришда аёлнинг таъсири кўпгина эркакларнинг нафсониятига тегиши мумкин. Шунинг учун оқида аёллар оилавий муаммоларни ҳал қилишдаги ўз фикр-мулоҳазаларини ошқор кўз-кўз қилмасдан, эр б-н маслаҳатлашиб, унинг номидан ёки эрларига айтиб, уларни хурмат қилган ҳолда иш кўрадилар.

Ҳар бир оиланинг устуни ва суянчиги ота-онадир. Ота улодларнинг бой маънавияти, қадрияти ва удумларини фарзандларига сингдирувчи, уларга ибрат бўлувчи устоз ва мураббий, асосий тарбиячи шахсдир. Она – оила чароғбони, муътабар ва муқаддас зот. Унинг энг олий вазифаси фарзандни дунёга келтириш ва гўзал хулқли қилиб тарбиялаш. У ўз алласи, меҳри б-н гўдақ қалбига йўл топади, меҳр-муҳаббати б-н фарзандига тарбия беради, меҳнати б-н камолга етаклайди. Она ўз меҳри, чексиз меҳнати, иродаю матонати

б-н оиланинг бахту саодати, фарзанд камолоти, жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги ва ободлигини таъминлайди.

**ОИЛАНИНГ АСОСИЙ ИЖТИМОЙ ВАЗИФАЛАРИ** – оила аъзолари томонидан ижтимоий ҳаёт талаблари асосида бажариши лозим бўлган вазифалар. Болаларни тарбиялаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни маънавий бирлаштириш, биргалиқда ҳўжалик юритишни таъминлаш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, демография жараёнларини яхшилаш кабилар бу вазифани ташкил этади. Оила болалар тўғрисида гамхўрлик қилишга, она ва бола манфаатларини муҳофаза этишга, оналикни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар туркумини назарда тутувчи оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

**ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ** – оила аъзоларининг маънан юксак шахслар эканлигини кўрсатувчи тушунча бўлиб, маънавиятни юксалтирувчи жиҳатлар, китоб, фильм, санъат турлари, аждодлардан қолган моддий ва маънавий бойликларни оилада жорий этиш б-н амалга ошадиган жараён.

Оила маънавиятининг юксаклиги буюк аждодларимизга ихлоснинг мавжудлиги ҳамда миллий маданиятимиз, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, маросимларимиз, удумларимиз мазмун-моҳиятини ўзлаштириш ва амал қилиш даражасига боғлиқ. Буюк аждодларимиз, алломаларимиз, доно халқимиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маънавий мерос – миллий ва маънавий қадриятларимиз фарзандлар маънавий камолотининг асоси ҳисобланади. Психологияга оид адабиётларда маънавий ривожланиш мезонлари ҳақидаги фикрларни умумлаштириб ва хулоса

қилиниб, қуйидаги мезонлар маънавий тараққиёт даражасини ифодалаши белгиланган: шахснинг атрофдаги воқелик, ўзга шахслар ва ўзига муносабатда маънавий жиҳатларнинг мавжудлиги ва устуворлиги; шахснинг онги ва дунёқарашида виждон, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги ва яхшилик қилиш йўлидан боришга интилиш; ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзининг хулқ-атвори ва тафаккур тарзини такомиллаштиришга интилиш; ўзга одамларнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлиш, муваффақиятсизлигидан куюниш ва ҳамдардлик билдиришга, ёрдам кўрсатишга эҳтиёжнинг мавжудлиги; субъектив психоэмоционал соғломлик (яхши кайфият, қувонч, тетиклик); маънавий юксалишнинг бир босқичидан кейингисига ўтиш истаги ва интилишнинг мавжудлиги. Оилада фарзандларни миллий маънавий ва ахлоқий жиҳатдан шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг атрофдаги воқеликка, ўзгаларга, ўзига муносабатини моддийликдан маънавийлик томон юксалтириш ҳамда шу икки босқични уйғунлаштиришдир. Миллий маънавиятнинг моҳияти ва негизи миллий қадриятларда ифодаланади. Шу нуктаи назардан, оилада фарзандлар маънавияти шаклланишидаги психологик, пед. хусусиятларни ўрганишни улар томонидан миллий қадриятларни ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганишдан бошланади. Оила аъзоларининг жамият ахлоқий қадриятларини қай даражада ўзлаштиргани шу оиланинг маънавиятини белгиловчи мезон ҳисобланади. Оила маънавиятининг муҳим таркибий қисми бўлган миллий ахлоқ ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар инсоннинг ҳис-туйғуси, тафаккури, гидроки ва психик фаолиятининг бошқа турлари сингари ривожланиб боради. Шахснинг, жумладан, болаларнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши бир неча

боскичларда юз беради. Ана шу боскичларни қай даражада тез ёки секин босиб ўтилиши бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, бу омиллар бола ёши, интеллект, идроки, тафаккури хусусиятлари, у ўсаётган оиладаги маънавий-ахлоқий қоидалар, жамиятдаги бола тарбиясига оид анъаналар билан боғлиқ. Маънавий ривожланиш боланинг ўзини мухитдан ажратиб тасаввур қилиш, ва «Мен»и шаклланиши жараёни б-н боғлиқ. Болалик даврида шахс шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналиши ўзини ўзгалардан алоҳида шахс эканини англашга йўналтирилган бўлса, ўсмирлик даврида бу йўналиш юқори чўққисига етади ва энди у ўзининг ўзгалар б-н бўлган умумий хусусиятларини англашга қаратилади. Ахлоқ маънавиятнинг муҳим таркибий қисми экани туфайли, бола маънавиятини шакллантириш ва ривожланиш даражасини аниқлаш учун, жумладан, унинг ахлоқий идеаллари ва меъёрлари аниқланади. Собик шўролар тузуми даврида социалистик тузум қадриятларини энг олий қадриятлар деб талқин қилишга ва уларни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилинган. Ҳоз. давр пед.си ва психологиясида эса миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги, маънавий-ахлоқий қадриятлар энг олий қадриятлардан экани эътироф этилмоқда.

**ОИЛАНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ** – қурилган вақтдан то оилавий муносабатлар бекор қилингунгача бўлган даврда оиланинг турли боскичларни босиб ўтиш жараёни. Ҳар бир боскичда оила маълум бир демографик, ижтимоий, иқтисодий ҳолатларда бўлади. Оила тараққиётининг қайси ҳолати, яъни демографик, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши тадқиқотчини қизиқтиришига қараб, унинг ҳаётий цикли боскичлари ўрганилади.

О.х.ц. ўрганилган илк тадқиқотларда унинг демографик ривожланиши таҳлил

қилинган. Бундай таҳлил натижалари оиланинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тадқиқ қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

О.х.ц.га авлодлар алмашинуви сифатида қараш мумкин. Оилада фарзандлар туғилади, улар улғаяди ва ўз оиласини қуради ва ҳ.к. Шундан келиб чиқиб қаралдиган бўлса, О.х.ц. тушунчаси конкрет бир оилага эмас, кишиларнинг оилавий бирлигига тегишли. Ҳаётий цикл тушунчаси алоҳида оилага нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин, лекин унинг характери бошқача бўлади.

Кишилар оилавий бирлигининг ҳаётий цикли авлодлар алмашинувини таҳлил қилиш орқали ёки кишилар гуруҳларидаги қайта никоҳ қуриш ва ажралишларни таҳлил қилиш орқали тасвирлаб берилади.

**ОМОНАТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР** – дивидендлар, турли молиявий муассасаларга қўйилган омонатлар бўйича фоизлар, мулкдан, шу жумладан, ижарага берилган уй-жойдан даромадлар ва б. таркибий қисмларни англатувчи тушунча.

**ОНА СУТИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ**, огиз сути – она фарзанд кўргач дастлабки 1–2 кун давомида ажратадиган қуюқ сарғимтир сутдир. Она сути ўз таркибида оксил, айрим витаминларнинг кўп бўлиши, шунингдек, турли касалликлардан ҳимоя қилишга мўлжалланган лейкоцит ва иммуноглобулинларга бойлиги ҳамда янги туғилган чақалокнинг физиологик эҳтиёжларига мос келиши б-н етилган она сutiдан фарқланади.

Она сути оксил ва ўстирувчи омилларга бой бўлиб, чақалокнинг янги шароитга мослашишини таъминлайди, физиологик эҳтиёжларини қондиради. Иммуноглобулин ва лейкоцитлари кўп. Юқумли касалликлар ва аллергиядан ҳимоя қилади. Ичак фаолиятини юмшатувчи таъсири бор. Чақалок

ичагини тозалашда, бирламчи меконийдан озод килишда катнашади. Шунингдек, би-лирубиндан тозалаб, сариклик келиб чи-кишининг олдини олади. Организмнинг инфекцияларга қарши курашувчанлигини оширади, кўз касалланишининг олдини олади. Витамин А га бой.

Янги туғилган чақалоқ она кўкрагига қанча эрта тутилса, шунча кўп она сутидан баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам она кўзи ёриши билан дастлабки 20–30 дак. да болани эмизиши мақсадга мувофиқдир. Оғиз сути кам бўлса ҳам болага жуда зарур ва унинг эҳтиёжига мос келади.

**ОНАЛИК ДЕПРИВАЦИЯСИ** – онада туғуруқдан кейин рўй берадиган рухий ҳолат. О.д. очик (агар она ўз оналик бур-чини бажармай, боладан айрилган бўлса) ва яширин (боладан яширин воз кечиш, уни ёқтирмаслик ёки бирор сабаб туфайли болага яқин кела олмаслик ҳолатларида). Иккала ҳолатда ҳам бола тараққиёти учун ниҳоятда салбий, хавфли вазият юзага ке-ладики, айрим ҳолларда бола нобуд ҳам бўлади. Мас., чақалоқ туғилгач, хаста бўлгани учун унинг узоқ вақт мобайнида касалхонада қолиши ҳам О.д. сабаб бў-лади. Бу орада унда оналик меҳри уйғон-майди, у янги чақалоққа бефарқ бўлиб қолади. Бунинг оқибатлари қанчалик оғир бўлиши онанинг ёшига ва айрилиқнинг муддатига боғлиқ. Агар шунга ўхшаш ҳо-латни бошидан кечирган она жуда ёш бўл-са, унда боланинг психик тараққиётида жиддий асоратлар қолади, у ўз хулқ-атво-рини назорат қила олмайдиган, жиззаки, одамови, жиноятга, ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишга ҳам мойиллиги юқори бў-либ вояга етади.

**ОПА-СИНГИЛ** – бир ота-онадан туғил-ган қизлар; каттаси кичигига опа, кичиги каттасига сингил.

Оилада қизлар, кўпинча бир-бирларига меҳрибон, дилдан яқин бўладилар, бир-бир-

ларини тез тушунадилар. Оналарига ийма-ниб айтолмаган сирларини бир-бирларига айтадилар. Оқила О.-с.лар ҳар бир ишда бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш ту-тадилар. Катта опа чаққон, билимдон, гапга чечан бўлса, сингиллар ҳам унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Қизлар сезгир бўлади, кўпинча каттасига айтилган бир гапдан кичиги ҳам ўзига хулоса чиқариб олади. Ўртадаги меҳр, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик оилага файз ва қут-барака киритади. «О.-с. тотув бўлса – ош кўп», «О.-с. тотув бўл-са, уйни бўстон қилар», деган мақолларни халқ бежиз тўкимаган.

Меҳрибон О.-с.лар бир-бирларининг фарзандларини ҳам ўзлариникидай кўриб, бирор нарса олсалар, бир-бирларининг боласига ҳам кўшиб оладилар ёки болан-нинг бўйи ўсиб, кийими кичрайиб қолган тақдирда жиянларининг кийимини оғрин-май, ўз болаларига кийдириб ўстирадилар. Бъзан О.-с. ака-укага турмушга чиқиб, бир-бирларига овсин бўлишлари мумкин. Бунда улар ўртасидаги тотувлик ва иноқ-лик яна ҳам мустаҳкам бўлади. Улар бар-ча ишда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ҳамдард бўлиб, бир-бирларининг оғирла-рини енгил қилиш пайида бўладилар.

**ОРГАЗМ** – жинсий яқинликнинг энг юко-ри чўққиси.

Илмий далилларга кўра, оилавий ҳа-ётнинг дастлабки уч ойида аёлларнинг 22%, биринчи йилнинг охирига келиб 42%, 5 й. давомида 72%, 10 й. яшаганда 89%и О.ни хис этади. Бъззи аёллар туғма фригид, яъни жинсий совуқ бўладилар. Бундай аёллар О.ни хис эта олмайдилар. Фригидлик кўп ҳолларда жинсий алоқага ва оилавий ҳаётга, бола кўришга мутлако таъсир қилмайди. Бироқ эр-хотин ўртаси-даги жанжалларга сабаб бўлиши мумкин, чунки эркак тез-тез жинсий муносабатга киришишни истаса, О. нималигини тушун-майдиغان аёл жинсий алоқага бирмунча

бефарк карайди ва кўпинча кўнмайди. Бу ўз навбатида эр-хотин ўртасига совуқлик солиши мумкин. Баъзи аёллар ўзларининг фригидликларини тан олмайди. Бундай нотўғри фикр баъзи (махсус адабиётлардан кўп ўқиб, О. хис этишни ниҳоятда истаган) аёлларнинг ўзга эркак билан жинсий алоқа қилиб кўришига, эрига хиёнат қилишига сабаб бўлиши, оиланинг бузилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Лекин узоқ йиллар бир маромда жинсий ҳаёт кечириб юришига қарамай, аёл О.ни хис этмайдиган бўлса, энди бу эркакнинг жинсий маданиятни етарлича англамагандан далолат беради. Эркаклар иложига борица тезроқ ҳирсларини кондиришга ҳаракат қиладилар. Аёлни жинсий алоқага етарлича тайёрламасдан туриб ҳаракатга киришадилар. Бундай эркаклар фақат ўзларини ўйлашади, холос. Бу, албатта, яхши эмас. Аёл эса эндигина кўзгалганича қолиб кетаверади. Бундай аҳвол доимий равишда давом этаверади деган бўлса, аёлда асаб бузилишлари келиб чиқиши ёки юқорида айтганимиздек, эрига хиёнат қилиши мумкин. Шу сабабли, фригид аёллар сонини сунъий равишда оширадиганлар жинсий саводсиз, ўта худбин эркаклардир.

Эркакларнинг деярли ҳаммасида О. бўлади. Улар учун аёллар каби маълум вақт муддат ва махсус тайёргарлик шарт бўлмайди. О. жинсига (аёллар ва эркаклар О.), жойига кўра (клитор, кин), турига кўра (бир марта, кўп марта, қиска муддатли, узоқ муддатли, тўлқинсимон), жадаллигига кўра (кучли, ўртача, кучсиз); босқичларига кўра (I босқич, II босқич, III босқич), экспрессивлигига кўра (кучсиз, ўртача, кучли) бўлиши мумкин.

**ОТА-ОНА** – фарзандни дунёга келтиришида иштирок этувчи, биологик давомчи ёки фарзанд ҳаётида ижтимоий аҳамият касб этувчи маънавий, руҳий энг яқин қариндошлик даражасига эга инсонлар. О.-о.

нинг оиладаги ўрни, уларнинг улуғ зот сифатида кадрланиши, уларга кўрсатиладиган чексиз ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром, О.-о. учун фарзандларнинг ҳар нарсага тайёрлиги ўзбек оилаларига хос бўлган хусусиятлардан ҳисобланади.

«Падари бузруквор» ҳамда «волидаи муҳтарам» каби сифатлар билан улуғландиган О.-о.нинг Шарқ оилаларида, жумладан, ўзбек оиласида тутган ўрни, фарзандлар устидаги ҳақи, фарзанд ва О.-о. орасидаги муносабат ислом динида Қуръони каримнинг «Исро» сураси 23–24-оятларида ифода этилган. «Раббинг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва О.-о.нга яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт! Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик канотларингни пастлат ва «Раббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».

Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирити билан О.-о.га яхшилик қилишдан иборат икки ҳукмнинг бирга, бир жумлада келишининг ўзи исломда О.-о.нинг ҳақи нақадар улуғ эканлигини кўрсатади.

Фарзандларнинг О.-о.га яхшилик қилиши борасида ҳам исломда батафсил ҳукмлар берилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш Шарқ, мусулмон давлатлари оилалари хусусида мукамалроқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

Улар қуйидагилар:

1. О.-о.нинг кўрсатган иноятларига шуқур қилиш (фарзанд О.-о.сидан уни дунёга келтиришгани, парвариш қилганлари, вояга етказганлари, таълим-тарбия берганлари ҳамда бошқа яхшиликлари учун миннатдор бўлиши керак).

2. О.-о.дан жирканмаслик ва уларга беҳурматлик қилмаслик.

3. О.-о.га меҳрибонлик қилиш.

4. О.-о. олдига изн, рухсат сўраб кириш.
5. О.-о.ни ўридан туриб кутиб олиш.
6. О.-о.ни исмлари б-н атамаслик, улардан олдин юрмаслик ва ўтирмаслик.
7. О.-о. олдиларига кирганда салом бериш, чиққанда хайрлапиш.
8. О.-о.ни энг чиройли, ёқимли лафзлар билан чакириш.
9. О.-о.нинг барча амрларига (агар у О.-о. манфаатига зид бўлмаса) итоат қилиш.
10. О.-о.нинг олдига кирганда уларнинг рухсати б-н ўтириш.
11. О.-о. б-н бирга ўтирганда уларнинг олдида рухсатсиз чиқиб кетмаслик.
12. О.-о.нинг муҳаббатини қозонган кишиларга хурмат-эҳтиром б-н муносабатда бўлиш.
13. О.-о.га ҳадялар бериб туриш, нафақасини яхшилаш, уларни сўрашга муҳтож этмай ёки миннат қилмай иззат кўрсатиш.
14. Фарзанд О.-о.хизматида доимо шай туриши, хатто мушрик (Аллоҳга ширк келтирган, уни инкор этган) бўлсалар ҳам, уларнинг розилигини топиш, яъни мушрик ота ёки онага иқтисодий ёрдам бериб, яхши гапириб, хурматини жойига қўйиш.
15. О.-о. обрўсини химоя қилиш ва уларнинг обрўсизланишларига йўл қўймаслик.
16. О.-о.ни хурсанд қилиш чораларини кўриш.
17. О.-о.сининг мол-мулкани асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш ва уларнинг рухсатисиз бирор нарса олмаслик.
18. О.-о.га роҳатбахш, улар хузур қиладиган шароитни ҳозирлаш.
19. О.-о.дан олдин таомга қўл узатмаслик.
20. О.-о.нинг олдидарида оёқ узатмаслик.
21. О.-о.дан юқорига ўтирмаслик, барча ишларда улардан маслаҳат сўраш, насиҳатларини қабул қилиш, фикр ва маслаҳатларини инобатга олиш, тажрибаларидан фойдаланиш.

**ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТИ** – ота-она ва фарзанд ўртасида кечадиган ижтимоий-коммуникатив муносабат. Бу муносабат, асосан, тарбияга боғлиқ. Тарбиянинг эса услублари кўп. Ўргатиш, тушунтириш, тақиклаш ва ҳ.к. Лекин тарбиянинг энг самарали усули – намуна кўрсатиш. Шунинг учун фарзандларида қандайдир сифатларнинг бўлишини истаган ота-она, аввалига, шу сифатларни ўзида шакллантирмоғи лозим.

Шубҳасиз, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат катта ҳурмат асосига қўйилган бўлиши керак. Лекин бу масалада ортиқча қаттиққўллик қилиб, фарзандни итоаткор, мустақил фикрлай олмайдиган, боқиманда, қилиб қўйиш эҳтимоли ҳам бор. Бундай тарбияда вояга етган ёшлар ижтимоий ҳаётга ярамайдилар. Қиладиган иши ва хатти-ҳаракатларида журъатсиз, кўрқок, уятчан бўладилар. Оқибатда улар ҳаётда ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмасликдан катта руҳий тушқунликка дучор бўладилар. Тўлақонли ҳаёт кечири олмайдилар. Бу ҳам оилавий муносабатларнинг оқибати.

Ота-она фарзандлардаги фақатгина тартиб-интизом, ахлоқ-одоб масалаларининггина эмас, балки уларнинг жисмоний ривожланишининг аҳволи, ўғил болаларда – эркаклик, қиз болаларда – аёллик белгилари ва аъзоларнинг шаклланиш даражалари, жинсий аъзолар парвариши, аёлга ҳурмат ва муносабат ҳамда эркакка муносабат ва муомала услублари кабиларни ҳам кузатиб, назорат қилиб, ўргатиб, тушунтириб боришлари керак.

**ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР** – фарзандларнинг улғайиши билан уларда кечадиган ижтимоий, психологик, биологик ўзгаришлар таъсирида табиатида рўй бераётган ўзгаришлар туфайли келиб чиққан ота-она ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликлар.

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқнинг ҳисобга олинмаслиги; ёшлар бўш вақтини мустақил ташкил этиш, дўстлар танлаш, ҳис-туйғу, кийиниш, касб, умр йўлдоши танлашдаги мустақиллигининг ота-оналарга баъзан хуш келмаслиги; ота-онанинг ичкиликка ружу қўйиши ёки маънавий-ахлоқий жиҳатдан тубан шахслар бўлиши; баъзи болаларда меҳнат қилиш қўникмаларининг шаклланмаганлиги ва оқибатда уларнинг енгил-елпи ҳаёт кечиршига ўрганиб қолиши; айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши; ота-оналарнинг психологик-пед. билим савиялари етарли даражада эмаслиги ва ҳ.к.

Ота-оналар ва болалар муносабати га оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида онладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онаси юзини ерга қаратаётган енгилтабиат шахслар ҳам учраб турибди.

Баъзи ота-оналар болалардаги 3–6, 13–14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган ёш инкирози даврларини билишмайди. Мазкур ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик ўзгаришлар юзага келади. Бу эса уларнинг катталар, жумладан, ота-оналар б-н бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Буни сезмаган баъзи ота-оналар «Болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Ўзларича чора-тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қолади. Натижада боланинг ота-онадан бешиш ҳоллари кузатилади.

**ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР** – ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ота-

оналик ва фарзандлик, мулкӣ ва номулкӣ каби ҳуқуқӣ муносабатлар.

Болалар муайян ота-оналардан туғилганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ота-оналар б-н болалар ўртасидаги ҳуқуқӣ муносабатлар вужудга келишининг негизини ташкил этади. Никоҳда бўлган ота-онадан туғилган боланинг пайдо бўлиши ота-онанинг никоҳи б-н боғлиқ ҳужжатларда қайд этилади ва тасдиқланади. Бунда эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшашининг аҳамияти йўқ. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси унда номлари кўрсатилган ота-онадан ёки онадан туғилганлигига далилдир. Она тиббиёт муассасида боланинг шу онадан туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. Бола ота (эркак)нинг она (аёл) б-н никоҳланганлигининг далили ҳисобланади. Боланинг онаси б-н никоҳда турмаган отанинг оталик ҳуқуқи ота ва онанинг биргалиқда ФХДЁ органларида аризалари б-н ёхуд эр ва хотиндан бирининг аризасига биноан суд тартибда белгиланади. Ота-оналарнинг ёзма қайди ота ёки она сифатида ёзиб қўйилган шахс ёхуд боланинг ҳақиқӣ отаси ёки онасининг талаби б-н фақат суд тартибда рад этилиши мумкин. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Мабодо боланинг ота-онаси турли фамилияларда бўлса, ўзаро келишувга кўра, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади.

**ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛА** – ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола. Бундан етим бола мустасно.

**ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ** – Вазирлар Маҳкамасининг 2018 й. 19 июлдаги 554-сон Қарори б-н Фуқаролар йигини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида намунавий низом тасдиқланди. Ҳар бир маҳал-

лада ташкил этиладиган тузилма олдига 3 та асосий вазифа қўйилган: ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, пед., психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар б-н ишлаш, фуқаролар йиғинидаги оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш; фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга қўмаклашиш.

«О.-о.у.» – ота-оналарни бола тарбияси илмидан воқиф қилувчи, соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантирувчи, аҳолининг маънавий-ахлоқий, тиббий-демографик, ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлиги ва малакасини оширувчи жамоатчилик мактаби ҳисобланади. Мақсади: тингловчиларни оила барқарорлигини таъминлаш, соғлом турмуш маданияти, тиббий саводхонлиги, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, бола тарбиясига оид пед. ва психологик, шунингдек, маънавий-ахлоқий масалалар ҳамда бола дунёқараши ва мафқурасини шакллантириш, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилувчи билимлар б-н қуроллантириш.

Мазкур университетга маҳаллада истиқомат қилаётган ота-оналар, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасида турган шахслардан иборат тингловчилар таклиф этилиб, 15–20 кишилик гуруҳларда машғулотлар олиб борилади. «О.-о. у.»дан ўзининг мазмун-моҳияти, тингловчилар таркиби ва белгиланган вазифалари б-н кескин фарқ қиладиган тарғибот механизми бўлиши б-н фарқ қилади. Унинг воизлари маҳаллада истиқомат қиладиган ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, психолог, педагог ва иқтисодчилар ёки ташқаридан таклиф

этилган мутахассислар бўлиши мумкин. Университетга раҳбарлик вазифасини, қанда тарихида, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар б-н ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис амалга оширади. Университет машғулотлари қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ: оила ҳуқуқи; оила демографияси; оиланинг тиббий-биологик асослари; оила маънавияти; оила психологияси.

Университет тингловчилари юқорида келтирилган мавзулар йўналиши бўйича мутахассисларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишдан ташқари, психологик тестлар, тренинглар воситасида интерфаол усулларда ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол баён этиш имкониятига эга бўлдилар.

**ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ** – ота-она мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ҳолларда ота-онанинг суд ҳукмига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш ёхуд уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланиши. Бунга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади: 1) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа; 2) узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона, даволаш, тарбиялаш муассасасидан олишдан бош тортса; 3) ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, шафқатсиз муомала қилса, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир этса; 4) муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса; 5) ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-она болаларга нисбатан барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Бироқ бу ота-онани ўз боласига таъминот бериш


мажбуриятдан халос этмайди. Қуйидаги ҳолатларда ота-оналик ҳуқуқидан чекланишга йўл қўйилади: 1) болани ота-она (улардан бири) б-н қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бола учун хавфли бўлганда; 2) болани ота-она (улардан бири) б-н қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асос аниқланмаган тақдирда.

**ОТАЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ** – эркак ўзини ота сифатида кўриши, руҳан оталикни қабул қилиш ҳолати. Дастлаб ота ҳам, она ҳам болага нисбатан бир хил меҳрибонлик тимсолида намоён бўлгани учун улар ўртасидаги фарқни чақалоқ деярли ҳис этмайди. Бир ёшга тўлгач, бола отасини алоҳида мустақил шахс сифатида идрок эта бошлайди, ўзаро муносабатлар триада шаклига ўтади. Отаси ва онасининг ўзаро муносабатларини (маъносини) тушуна боради.

**ОҚ БЎЛИШ** – «бўйсунмаслик», «қарши чиқиш», «озор бериш», «осий бўлиш» ва ҳақини адо қилмаслик. Ота-онага О.б. фарзанднинг Аллоҳ қайтарган йўлларга кириб, эл-юрт олдида уларнинг юзини ерга қаратиш, берган тузларига норози қилишдир. Қариган чоғида едирмай, ичирмай, кийинтирмай, хўрлаб қўйишдир. Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) О.б. дан огоҳлантирганлар ва унинг оқибатларини баён қилиб, охира-тда савол-жавоби қаттиқ бўлишини айтганлар.

Ота-онанинг фарзанддаги ҳаққи улуг, уларнинг айтганларини қилиш вожиб, бироқ улар амри Аллоҳнинг амрига тескари бўлмаслиги керак.

Айтайлик, ота фарзандига ичкилик олиб бер, деб буюради. Фарзанд чиройли муомала б-н уни рад қилишга ҳақли.



**ПАТЕРНАЛИЗМ** (лот. Pater – ота, *paternus* – оталарча) – кишилар онгига «оталарча ғамхўрлик» ва «ижтимоий шериклик» ғоясини сингдиришга қаратилган қараш ва фаолият мажмуи. Оила муҳитидаги П. – отанинг обрў-эътиборлилиги, фарзандлар тарбияси ва оила фаровонлигидаги ўз ўрни ва масъулиятини англаши ва бунинг оила аъзолари томонидан онгли эътироф этилишидир. Бундан ташқари, ушбу тушунча оиладаги кексалар, қариялар, ёшлар, ёрдамга муҳтожлар ёки иктидорлиларга ҳамиша кўмаклашиш, улар учун етарли ҳаёт шароитини яратишни ҳам назарда тутаяди. П. ғояси ўзида инсонпарварлик, ҳамкорлик ғояларини ифодалаб, халқнинг умумий қизиқиш ва интилишларини акс эттиргани учун кўп ҳолларда жамиятни бирлаштириб, унинг равнақи учун хизмат қиладиган омил ҳисобланади, бу том маънода моҳиятан ўзбек оилаларида ўз ифодасини сақлаб қолган. Бу қадрият «оилавий бурч», «ҳамжихатлик руҳи», «фидойилик», «ватанпарварлик», «оилавий қадриятларга садоқат», «қатталарга ҳурмат», «кичikka ғамхўрлик» каби тушунчаларга асосланади.

**ПАТРИАРХАЛ ОИЛА** – оилада эркак киши бошқарувчи ролга эга бўлган оила тури. П.о. Марказий Осиё халқларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли ҳисобланган. Бу оила айни замонда жамиятнинг асосий и.ч. жамоаси ҳам бўлган. Шунинг учун оилавий муносабатларга, ҳар бир оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор берилган. Марказий Осиёда П.о. эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда вужудга келган. Аста-секин ўша даврларда кичик-кичик оилалар вужудга кела бошлаган. Кичик оилалар вужудга келиши б-н никоҳнинг шарт-шароитлари ҳам ўзгариб борган.

**ПЕРМАНЕНТ ДАРОМАД** (доимий даромад) – истеъмолчи етарлича узоқ муддат давомида олишни умид қилган даромад. Унинг қиймати индивиднинг истеъмол доирасига, тўпланган сармоя қиймати-га, шунингдек, яшаш жойи, ёши, касби, маълумоти, ирки ва миллатига боғлиқ бўлади.

**ПОЛИАНДРИЯ** (поли... ва юн. andros – эр) – кўп эрлилик – гуруҳли никоҳнинг камдан-кам учрайдиган шакли, унда аёлнинг бир неча эри (одатда, ака-укалар) бўлади. Асосан, матриархат даврига хос. Бу даврда ҳар бир аёлнинг бир неча эри бўлган. П.да хотинлар эркин эр танлаганлар, эр-хотинлик, оила турғун бўлмаган. П.нинг асосий шакллари: 1) бир уруғ авлодлари П.си (бир уруғ аъзолари бўлган эркаклар бир аёл ёки аёллар)га эр бўлади; 2) ака-ука (туғишган биродарлар) П.си (ака-ука бўлган бир неча эркак бир аёлга эр бўлади). Ака-ука П.сида катта аканинг хотини ҳамма укаларига хотин бўлади. Туғилган болалар ҳамма оталарники ҳисобланади. Оилага тегишли ер ва мулк болаларнинг энг каттасига мерос бўлиб қолади. XIX а.да алеутларда ва эскимосларнинг айрим гуруҳларида мавжуд бўлган; кейинчалик шим. Ҳиндистон ва

Тибетдаги айрим этнографик гуруҳларда сақланиб қолган.

**ПОЛИГАМИЯ** (поли... ва юн. gamos – никоҳ) – кўп никоҳлилик. Кўпинча «П.» термини кўп хотинлиликни ифодалаш учун нотўғри ишлатилади.

**ПОЛИГИНИЯ** (поли... ва юн. gune – хотин), кўп хотинлилик, асосан, патриархатга хос бўлган никоҳ шакли. Айрим халқларда, кўпроқ, мусулмон халқларида сақланиб қолган. Баъзан П. полигамия шаклида ҳам қўлланилади. П. аслида гуруҳли никоҳнинг қолдиғидир, унда бир уруғнинг барча аёллари бошқа уруғнинг барча эркакларига умумий хотин ҳисобланган. Кейинчалик даврлар ўтиши б-н жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва маданий ҳаёт юксалиши туфайли бир никоҳлик – моногамияга ўтилган.

Исломи дини мусулмонларга тўртта хотин олишга рухсат беради. Рухсат дегани, албатта, олиш шарт дегани эмас. Турли вақтда хотин олишнинг сони шарият бўйича чекланмаган, яъни тўртта хотини бор эркак яна уйланмоқчи бўлса, хотинларидан биттаси б-н ажрашиши лозим. Шунда унинг ўрнига бошқасига уйланиши мумкин бўлади. Худди шундай турмуш ўртоғидан ажрашган аёл учун ҳам турмушга чиқиш чегараланмаган.

Кўп хотинлилик фақат мусулмонларга хос бўлмаган. Исломдан аввал Зардушт (Заратуштра) яшаган даврда (мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-чораги) ҳам эркаклар кўп хотин олиш ҳуқуқига эга бўлганини «Авесто»да кўриш мумкин. Тусшнинг яқинида Виштасп қурдирган учта ибодатхона жойлашган. Уларнинг бирида «Авесто»нинг ёдгорлик тахтаси сақланган. Ана шу ёдгорлик тахтасида Зардуштнинг 3 та хотини бўлгани ёзилган. У даврда эркак киши бир неча хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган ва биринчи хотин ҳар доим ҳам қолганларига бош ҳисобланаве-

рилмаган. «Авесто»да номи зикр қилинган илоҳ Ардавираз ўзининг 7 та синглисига уйланган.

Хитойда император бараварига 9 та хотинга уйланарди. Чунки у никоҳдан фақат бир марта ўтиши мумкин эди. Вазир ва амалдорларда битта хотин ва иккита жорияси (жазман), оддий кишиларда битта хотин ва битта жория бўлиши табиий ҳол эди.

Ҳиндларда ҳам тўртта хотин олишга рухсат берилган бўлиб, хотинларнинг сони табақага боғлиқ ҳисобланган. Брахман – тўртта, кшатрий – учта, вайшья – иккита, шудра – битта хотин олиши мумкин бўлган. Фақат хотинларнинг бири ўлганда эркакка яна бир бор уйланишга рухсат берилган. Лекин эр ўлса, хотин яна турмушга чиқишга ҳаққи йўқ эди. Унда фақат икки йўл бўлган: ё бир умр ёлғиз ўтиш, ё ўзини ўзи ёқиб юбориш. Ўтмишда охиргиси афзал кўрилган. Аёлларга нисбатан ишонч бўлмаганлиги сабаб беваларни зўрлаб ёқиб юбориш ҳоллари ҳам учраган. Бу одат Ҳиндистонда, ҳатто бугунги кунда ҳам учрайди. П. деярли барча халқлар бошидан кечирган жараён ҳисобланади.

Ўрта Осиёда кўп хотинлилик XX а. бошларигача обрў белгиси ҳисобланиб, асосан, ўрта ва бой қатламларда амалда бўлиб, кенг тарқалган эди. Собик Совет ҳукуматининг полигамияга бўлган аёвсиз курашидан сўнг, кўп хотинлилик кескин камайиб кетди.

Ўзбекистонда XX а.нинг 20 й.ларидаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий ўзгаришлар натижасида аёлларнинг ижтимоий меҳнатга фаол тортилиши, эркак ва аёлларнинг амалдаги тенглиги вужудга келиши б-н хотинларнинг эрларга иқтисодий қарамлиги йўқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида кўп хотинли бўлиш қонун б-н жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126-моддаси).

**ПРОТЕКЦИЯ** – умуман бир инсон томонидан иккинчи инсонни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар.

**ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ** – психологик ёрдамни кўрсатиш, киши б-н суҳбатда мижоз муаммоларини ҳал қилиш ва шахслараро муносабатларни бир маромга солиш. Умуман олганда, мутахассис ҳузурига келган инсоннинг ўзини шунгача бўлган даврдан яхши ҳис қилиши ёрдам кўрсатилганлигидан далолат берувчи бир белги, дейиш мумкин. Аммо доим ҳам шундай бўлавермайди. Баъзан маслаҳатдан сўнг мижоз ўзини психолог тушунмагандек, тўғри баҳоламагандек ҳис қилади, бироқ вақт ўтган сари мутахассиснинг мутлақ ҳақ эканлигига амин бўлади. Худди шунингдек, психолог ҳам мижоз б-н учраша борган сари дастлаб, инobatга олинмаган хулосаларининг мижоз томонидан кейинчалик бошқалар б-н муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида фойдаланаётганини кўриши эҳтимоли мавжуд.

Умуман олганда мижознинг мутахассисдан қониқиши П.м. самарадорлигини кўрсатувчи бир мезон бўлса-да, кўп жиҳат мижоз муаммоси характериға боғлиқ. Мисол учун, бирор ғам-қайғу ёки йўқотишни бошидан кечирган инсон психолог олдиға келганида, бир оз бўлса-да ташвиши аришиға умид қилади ва психолог бунинг учун ҳаракат қилиши лозим.

Яна бир ҳолатда эса мижознинг эмоционал ҳолатини енгиллаштириш психологнинг асосий мақсади бўлмайди: баъзан, ҳатто психолог б-н суҳбат унинг учун фойдали бўлганини сезса-да, мижоз ўз муаммоларини оғриқли ва ўткирроқ ҳис эта бошлайди. Чунки айрим ҳолларда ўз масъулиятини ва айбдорлигини англаб етиш, барча учун ҳам ёқимли ҳиссиёт ва енгилликларни бахш қилмайди.

П.м. муваффакияти кўпинча психолог миждони қандай эшитганлиги ва унинг ўзи ҳамда айни пайтдаги ҳолати тўғрисидаги тасавурларини қай даражада ўзгартирганлигига боғлиқ бўлади. Психологга ёрдам учун муурожаат қилаётган кўпчилик инсонларнинг асосий муаммоси шундаки, улар бирор киши б-н ўзларини қийнаётган муаммолар борасида очикдан-очик гаплаша олмайдилар. Консултантнинг уни диққат б-н эшитиш ва тушунишга тайёрлигининг ўзиёқ киши учун катта аҳамиятга эга ҳамда бу муайян ижобий ўзгаришларни юзага келтиради. Бундан ташқари, мутахассис б-н бўладиган сокин ва мулоҳазали суҳбат миждозга ўзи ва уни ўраб турган кишилар тўғрисида янги, қимматли маълумотларни беради. Ахборотларнинг қимматлилиги шундаки, уларни «ҳазм қилиш» жараёнида кишининг ўз ва атрофдагиларга муносабати маълум даражада ўзгаради. Ёрдам сўраб психологга муурожаат қилган киши учун бундай ҳол унинг психологик барқарорлиги ошиши, кучайиши нуктаи назаридангина эмас, кейинчалик бошқа мутахассислар қабулига бориши учун асос бўлиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

П.м. жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим ҳолат бор. Бу миждонинг унда содир бўлаётган барча ўзгаришлар учун масъулиятни ўз зиммасига олишидир.

П.м. жараёнида миждонинг шикоятлари аста-секин бошқалардан ўзига қаратилишига эришиш керак. Буни амалга оширмасдан туриб, бошқа бирор муҳим натижани ўйламаса ҳам бўлади. Инсон атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларда ўз иштироки ва айбини ҳис қилган ҳолдагина вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилиши мумкин, акс ҳолда у кўмакни бошқалардан, четдан кутиб қолаверади.

**ПСИХОЛОГИК ТЎСИҚ** – шеригига маъқул тушмай қолиш, тушунилмай қолишдан кўркиш, у томондан инкор этилиш ва калака қилинишдан ёки кескинликдан кўркиш, энг эзгу ҳисларини ва ниятларини самимий изҳор этишига жавобан кўполлик б-н жавоб берилиши мумкинлигидан хавотирланиш кабилар туфайли интеллектга, меҳрибонликка, кучга оид шахсий имкониятларини намоён қилиш ва амалга оширишга халақит берувчи, ўзига хос ички психик тормоз.

**ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ** – аҳолига руҳий хизмат кўрсатиш. АҚШда 1800 й.лардан бошлаб ривожлана бошлади. АҚШнинг биринчи амалиётчи психологлари ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини ўрганган экспериментал психолог эдилар.

Францияда П.х.ни Альфред Бине жорий этди ва бу борада, асосан, таълим соҳасига эътибор қаратилди. 1894 й.дан бошлаб П.х.ни мамлакатда амалга ошириш зарурилиги тасдиқланди ва 1905 й.да умумий дастур бўйича ўқий олмайдиган болаларни текшириш орқали ақлий таракқиётда орқанда қолган болаларни ажратадиган Бине-Симон тести яратилди.

1970 й.да Францияда психологик-пед. ёрдам гуруҳлари П.х.нинг асосий турини ташкил этди. 1990 й.да Францияда П.х.нинг йўналишлари бўйича асосий вазифалар аниқлаб берилди. П.х.ни олиб боровчи шахс ваколоти кенгайтирилди ҳамда психолог шахсининг ҳар томонлама ривожланиши учун қўлидан келган барча ишларни қилиши керак, бунда у бу ишларга ўқитувчиларни ва ота-оналарни ҳам жалб этиши мумкин ва ҳатто лозим топса, мактаб ва оила тарбиясига қарши чиқиши мумкин, деб махсус таъкидланди.

Собик Совет Иттифоқида биринчи бўлиб Эстонияда 1975 й.да мактабда П.х. ташкил этилди (раҳбари Х.Й. Лийметс, Ю.Л. Сэрд бўлиб, тарбияси қийин ўсмир-

лар учун махсус мактабларда иш олиб бордилар). Россияда 1982 й.да мактабларда психолог штати очилди.

1989 й.да Ўзбекистонда амалиётчи психологларнинг етишмаслиги сабабли Низомий номили ТДПУда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилди.

П.х.ни 3 нуқтаи назардан қараб чиқиш мумкин:

1. Илмий нуқтаи назардан.
2. Ташвиқот нуқтаи назардан.
3. Амалий нуқтаи назардан.

Фақат мана шу нуқтаи назарларнинг бирлигигина П.х. предметини ташкил этади.

Илмий нуқтаи назар П.х.нинг методологик муаммоларини ишлаб чиқишни назарда тутди. Бу йўналиш ижрочиларининг асосий функцияси П.х. ишида психодиагностик, психокоррекция ва ривожлантирувчи методларни ишлаб чиқиш ва назарий асослашга бағишланган и.т.ни ўтказишдан иборат.

Ташвиқот нуқтаи назари одамларнинг психологик билимлардан фойдаланишини назарда тутди.

П.х.нинг амалий нуқтаи назарини психологларнинг амалга оширадиган ишлари ташкил этади.

Ҳоз. босқичда П.х. фаолиятининг 2 йўналиши: долзарб ва келажак йўналишлари мавжуд. Долзарб йўналиш инсонлар ҳаётидаги қийинчиликлар, улар хулқ-атвори, мулоқотидаги оғишлар, муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Келажак йўналиши эса ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини ривожлантиришга, жамиятда яратувчанлик ҳаётига психологик тайёрликни шакллантиришга қаратилган. Икки йўналиш ҳам бир-бири б-н боғлиқ.

**П.х.нинг мақсади.** П.х. мақсади шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ривожланиши, самарали ижтимоийлашуви ва мослашуви, ривожланишининг барча ёш

даврларида психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик-пед. шарт-шароит яратишдан иборат.

**П.х.нинг вазибалари.** П.х.нинг вазибаларига қуйидагилар қиради.

– ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, лаёқат ва қобилиятларига мувофиқ ривожланишида унинг психологик имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш;

– шахснинг интеллектуал, шахсий, ижтимоий ривожланишидаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш;

– одамларнинг шахсий қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, саломатлигини инобатга олган ҳолда психологик ёрдам кўрсатиш;

– оилаларда соғлом психологик иқлимни сақлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг энг мақбул ечимларини топиш;

– шахснинг оилада ва жамиятда мослашуви, ижтимоийлашуви муаммолари бўйича ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;


– шахсни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

– жойларда соғлом психологик муҳитни таркиб топтириш мақсадида психологик кузатиш ва қўллаб-қувватлаш.

### **П.х. асосий йўналишлари.**

П.х. бу йўналишларига қуйидагилар қиради:

1. Психодиагностика.
2. Психологик тарғибот ва ташвиқот.
3. Психопрофилактика.
4. Психик ривожлантириш ва психокоррекция.
5. Психологик маслаҳат.
6. Касб-хунарга йўналтириш.



**РАСМ** – бирор жамиятда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида; урф, удум, таомил. Бир қарашда унинг одатдан ҳеч қандай фарқи йўққа ўхшайди. Аммо унинг қандай кесим б-н келишида фарқлиниш кўзга ташланади. Хусусан, **Р. бўлмок** – 1) одат ҳукмига кирмок, одатга айланмок; 2) кенг тарқалмок, ёйилмок; мода бўлмок; **Р. қилмок** – 1) одат ҳукмига киритмок, одатга айлантирмок; 2) кенг тарқатмок, ёймок.

Ҳар бир инсон ўз халқи, ўзи яшаб турган ҳудуд аҳолиси, оиласи учун **Р. бўлган** юриш-туриш ва хатти-ҳаракатлар мажмуини билиши, ўрни б-н унга амал қилиши керак бўлади. Оилада ота-оналар фарзандларнинг юриш-туриши, кийиниши, шахсий ва ўқув анжомлари борасида фикр юритганда, масалага ҳоз. кунда ёшлар ўртасида нима **Р. бўлганини** билган ҳолда ёндашиши маъқул.

**Р. бўлган** нарсага эргашиш, тақлид қилиш ижтимоий ҳаётдаги ахлоқий мезонларга, миллий менталитетга, оиланинг молиявий имкониятларига зид келмаслиги кераклигини фарзандларга доим уқтириб бориш; атрофдаги баъзи қизларнинг киндикларини очиб юришлари, йигитлар-

нинг кулоқ-бурнига сирға тақиб юришларини оилада ўз вақтида муҳокама қилиш, бундай ҳолатларга нисбатан салбий муносабатни далиллар келтириб асослаш керак бўлади. **Р. бўлган** йўналишдаги ижобий жиҳатларни илғаб олиш ва улардан самарали фойдаланишга интилиш тадрижий тақомилимиз учун муҳим роль ўйнашини ҳам назарда тутиш лозим.

Илмий техника таракқиёти фарзандларимиз орасида кечагина **Р. бўлган** магнитофонлар ўрнига DVD плеерлар, фотоаппаратлар ўрнига муқаммал рақамли анжомлар харид қилиш заруратини келтириб чиқаряпти. Бундай ҳолларда ота-оналар ҳам, фарзандлар ҳам масалага мулоҳаза б-н онгли ёндашишлари керак бўлади.

**РАСМ-РУСУМ** – урф-одат, ўринлашган тартиб-қоидалар. Оиладаги катталар фарзандларига ижтимоий ҳаётда умр кечириши учун зарур бўлган билимлар сирасида яшаб турган ҳудуди, маҳалласи, қавми, оиласи учун ўринлашган тартиб-қоидалар, урф-одатлар ҳақида маълумот беради. Улардан энг муҳимларига риюя қилишни уқтиради ва талаб қилади. Бу **Р.-рларга** амал қилишнинг моҳияти, уларда кўзда тутилган ҳикмат ва эзгу ният ҳақида қисқача маълумот берилса, болаларнинг бу тартиб қоидаларга амал қилишга бўлган рағбати ортади. Бугунги ҳаёт тарзимиз учун кераксиз бўлиб қолган, ўзининг тарихий вазифасини ўтаб бўлган урф-одатлардан воз кечиш, уларнинг фарзандлар ҳаёти учун ортикча эканини англаб етиш жуда муҳим.

Тарихда халқимиз амал қилиб келган кўплаб **Р.-рларга** ҳоз. кунда ёшлар тугул кексалар ҳам амал қилмайдилар. Кейинги пайтларда урф бўлган янги **Р.-рларнинг** ҳам мантиққа зид, беҳуда оворагарчилик ва исрофгарчиликка сабаб бўлаётганлари бор. Улардан воз кечиш учун эса омма орасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш керак бўлади.

**РАШК** – яхши кўрган кишисини бировдан кизганиш; кунчилик. Р. севишганлар ёки оила кураётганларнинг ўзаро муносабатларини характерловчи вазият, шароитлардан биридир. Ўз навбатида, Р. нафақат севги, балки кўролмаслик, ғашлик, ҳасадни ҳам англатади.

Собик Иттифоқ даврида (1940–60-й.ларда) айрим адабиётларда, Р. ўтмишнинг жирканч қолдиғи, қоқоқлик, хусусий мулкчилик асосида туғилган паст ҳиссиёт, одамнинг шахсий эркинлигини ва б. одамлар шахсиятини ҳурмат қилиш даражасига эришилса, Р. ҳақидаги гаплар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, чунки бунақа шароитларда унинг юзага келиши учун ҳеч қандай асос бўлмайди, деган қараш бор эди. Ҳақиқатан ҳам, Р. аксарият ҳолларда хусусий мулкчилик психологияси изларини ўзида намоён қилади. Кўпчилик одамлар учун Р. – севгининг ўзига хос зарурий «зиравор»ларидан биридир.

Ҳоз. вақтга келиб бу ўтмиш «қолдиғи» аста-секинлик б-н қайта оқланмоқда. Нафақат бадий адабиётларда, балки публицистик ва илмий асарларда ҳам бу ҳиссиётнинг бўлиши зарурлиги тез-тез қайд этилмоқда.

Ўзидаги бу ҳисни енга олмайдиган одамлар доимо хавотирда, ҳадиқда яшайдиган бахтсиз инсондир. Уларнинг икки қарра бахтсизлиги яна шунда ҳамки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам жабрланувчи, ҳам азоб берувчи, ҳам зўравон, ҳам қулдирлар. А. Дюма таъкидлаганидек, «Р. бу бошқалардан кўра ўзига кўпроқ азоб бериш санъатидир».

Эркақлар ва аёллар ишончсизлик, хиёнат, шубҳаланиш муҳитини юзага келтирар эканлар, бундан, энг аввало, уларнинг ўзлари азобланадилар. Эр-хотин арзимаган баҳона туфайли ёки унинг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ёлғиз ёки ошқора жанжалларни юзага келтиришга доимо тайёр бўлишади. Бу эса уларнинг уйда, ишда ва бутун ҳаётида бошқа одамлар б-н бўладиган ўзаро муносабатларига, жумладан жинсий

муносабатларига ҳам жиддий таъсир қилади ва кўпинча аянчли психологик ҳасталиклар, шикастланишларга олиб келади. Бундай ҳолатларда ҳар икки жинс вакиллари ўз жуфтига Р. қилиш учун ҳеч қандай сабаб, асос, баҳона яратиб қўймасликка ҳаракат қилиши, айниқса, севгининг «мудрок» даврида кўпроқ, сабр-тоқат, чидамликни намоён қилишлари лозим бўлади.

Р. золимона Р. ва иззат-нафси поймол қилинганликдан юзага келадиган Р.ка бўлинади. Золимона Р.ни, одатда, худбин, золим, ҳиссий совуқ ва авторитар шахслар юзага келтирадilar. Бундай инсонлар, одатда, турмуш ўртоқларига фақат бир буюмдек, ўз манфаати, хирсини кондирриш объекти, шахсий мулкидек қарашади. Уларда бошқа одамнинг шахсий хусусиятларини сезиш, ҳурмат қилиш қобилиятлари ривожланмаган бўлади. Иззат-нафси. шайни камситилганликдан бўладиган Р. – бу. одатда, ҳаяжонланадиган, ҳамма нарсадан гумонсирайверадиған, ўзига ишонмайдиған, хавф-хатар ва нохушликларни бўрттиришга мойил, норасолик комплексидан жабрланувчи одамларга хосдир. Уларнинг Р.и унчалик газабли, қаҳрли бўлмаслиги. бир оз юмшоқроқ намоён бўлиши мумкин. Бироқ унинг ҳам ўз моҳиятига кўра оилавий бахт учун зарари кам эмас.

Яна бир Р. тури ҳам мавжудки, унда вафосиз одамнинг доимо хиёнат қилишга тайёрлиги турмуш ўртоғига нисбатан ишончсизликни шакллантиришига хизмат қилиши кузатилади. Бу никоҳдан олдинги «бой» шахвоний тажрибанинг хавfli асоратларидан ҳисобланади.

**РАҒБАТЛАНТИРИШ** – инсонни бирор ижобий хатти-ҳаракати учун муқофотлаш, руҳан, маънан ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш. Р. бола хулқини бошқаришдаги энг кучли восита ҳисобланади. Унинг ёрдамида насихат қилиш ижобий натижалар беради. Аммо ўз вақтида берилган тўғри жазо

фойдадан холи бўлмаганидек, ҳамма Р. ҳам ижобий натижа беравермайди. Тарбиянинг яхши ёки ёмон усуллари бўлмайди, балки ўринли ёки ўринсизлари бўлади.

Р. икки хил кўринишда бўлиши мумкин: моддий ёки маънавий. Жамиятимиз кўпроқ моддий Р. усулини қўллайди. Р.нинг болага нисбатан меҳр, ишонч, ҳамдардлик каби психологик кўринишларидан фойдаланиш қалбан ҳис қилиш б-н бирга актёрлик маҳоратини ҳам талаб этади. А.С. Макаренко бу ҳақда шундай деган эди: «Олдимга кел», деган сўзни 20 хил кўринишда айта олишни ўрганимагунингизча ўқитувчи (тарбиячи) бўла олмайсиз.

Тарбия жараёнида фақатгина моддий Р.дан фойдаланиш болада тобелик ҳиссини ривожлантиради. Қилган хатоимни кўришдими, йўқми, деган фикр бундай болаларни доим бошқариб туради. Масалага маънавий ёндашувда эса болада ўз ҳаракатларини анализ қилувчи ички виждон механизми шаклланади.

**РЕНТА** – узоқ муддатли, истиқболда қатъий чекланган хусусиятга эга табиий бойликлардан чиқариб олинadиган даромад тури. Бундай бойликлар алоҳида муҳимлиги, чекланганлиги, сифати ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги сабабли Р. – микдори чегараланган ер ва б. табиий бойликлардан фойдаланиш учун тўланadиган нарх ҳам дейилади. Аксарият ҳолларда Р. ижара тўлови шаклида намоён бўлади. Шу б-н бирга, Р. – ер, мулк, сармоядан олинadиган, мулкдорнинг тadbиркорлик фаолияти б-н боғлиқ бўлмаган нисбатан барқарор даромаддир.

**РЕПРОДУКТИВ ЁШ** – аёллар туғишининг тиббиёт томонидан хавфсиз ва аёл соғлиги учун нормал ҳолат деб белгиланган ёш даври. Аёлларда Р.ё. ўртача 30 йил (16 ёшдан 46 ёшгача) давом этади. Аёл организмнинг ҳомиладорлик учун энг юкори даражада тайёр бўлиши 22–26 ёшларга

тўғри келади. Биринчи ҳомиладорлик шу даврга тўғри келса, аёл ўз ҳомиласини анчайин енгил кўтаради. Туғурук ҳам нисбатан осон кечади.

Шифокорлар биринчи ҳомиладорликнинг 28 ёшдан кейин бўлиши ҳомиладорлик ва туғиш жараёнига қийинчилик келтиради, деб ҳисоблашади. Аммо бу ёшгача бир неча маротаба фарзанд кўрган аёллар учун 28 ёшдан кейинги туғуруклар муаммо келтирмайди.

Айрим сабабларга кўра, аёл ёки эр узоқ вақт даволанган бўлса, муолажа қабул қилса ва натижада аёл ҳомиладор бўлса, оилавий шифокорлар кўригидан ўтиб турган маъкул. Аммо бу ҳолатдан кўрқиш, ҳаяжонланиш керак эмас. Чунки аёлнинг жисмоний имконияти, руҳий ҳолати қабилар туғурукнинг осон кечишига ёрдам беради.

Тиббиёт ходимларининг хулосаларига кўра, Р.ё.нинг ораси жуда яқин ҳам (1–2 й.), жуда узоқ ҳам бўлмагани маъкул. Р.ё.нинг жуда яқинлиги она ва бола саломатлиги, оиланинг иқтисодий ва тарбиявий вазифасида қийинчиликларни келтириб чиқарса, жуда узоқлиги фарзандларнинг ўзаро муносабатида яқинлик ва қардошликнинг кучли бўлмаслигига сабаб бўлади. Чунки бундай фарзандлар муносабатларда бир-бирини тушуниб, ҳаёт қийинчиликлари олдида елкадош бўлиб улғаймайди. Ўзаро тушунишлар даврида эса, қатта фарзандлар ўзининг оилавий муаммоларини ҳал қилиш б-н овора бўлиб қолишади.

**РЕПРОДУКТИВ МАЙЛ** – шахснинг никоҳда ёки никоҳсиз фарзанд кўриш ёки кўрмаслик б-н боғлиқ амали, муносабати ва руҳий ҳолати. Бундай амал, муносабат ва руҳий ҳолатга ташқи ва ички рағбатлар таъсир кўрсатади. Р.м. ташқи рағбатлари – шахс, оила ва жамият учун фарзанд кўриш ва ота-оналикнинг қадрияти, шунингдек, репродуктив қадриятлар б-н боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий қадриятлардир.

**Р.м.даги зарурий шарт.** Бундай ҳолатдаги асосий шарт – пуштлилик, яъни фарзанд кўришга физиологик қобилиятнинг мавжуд бўлиши.

Р.м.нинг 3 та тури фаркланади:

– кўп болага (5 ва ундан ортик фарзандга бўлган эҳтиёж);

– ўртача миқдордаги болага (3–4 та фарзандга эҳтиёж);

– кам болага (1–2 та болага эҳтиёж).

**Р.м.нинг ички рағбатлари.** Оиланинг фарзандлар сонини белгилашга бўлган эҳтиёжи. Р.м.нинг асосий ташки индикаторлари 3 кўрсаткич орқали ифодаланади: оилада болалар сонининг ўртача идеал, исталаётган ва кутилаётган (режаланаётган) сони.

**РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК** – инсоннинг зурриёт қолдириш учун зарур бўлган ақлий, жисмоний ва ижтимоий етуқлиги. Бу инсоннинг фарзанд кўришига бўлган зарур эҳтиёжларини қондириш; оналар соғлигини таъминлаш ва болалар ўлимини камайтириш; ОИТС ва б. таносил касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш; аёллар ва эркакларнинг зурриёт қолдиришига зиён етказувчи ва уларни мажруҳ қилувчи муҳитларни бартараф қилиш; репродуктив аъзолар касалликларининг (сут безлари, бачадон, тухумдон раки, эркаклар ва аёллар бепуштлиги) олдини олиш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашни таъминлаш; аҳолининг репродуктив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, яъни ҳар бир инсоннинг зурриёт қолдиришига, истаган вақтида фарзанд кўришига, Р.с.ка оид бўлган (исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш, ҳомиладорлик вақтида тиббий назоратда бўлиш, туғуруқдан кейин она бўлиш) чора-тадбирларни йўлга қўйиш; онанинг ва ундан туғилажак боланинг саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Онанинг фарзанд кўриш ёши, фарзандларининг сони, болалар туғилиши ораси-

даги муддат ҳамда аёл ва бола саломатлиги ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. 16–18 ёшларда аёл киши организми соғлом фарзанд кўриш учун ҳали тўла етилмаган бўлади. Эрта фарзанд кўриш ёш она саломатлигига ҳам, ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин.

Ҳомиладор бўлиш, ҳомилани етилтириб, дунёга келтириш б-н боғлиқ жараёнларда она организми ўзидан жуда кўп миқдорда қувват сарфлайди, толиқади. Кўзи ёриган аёл организми ўзини яна тўлиқ тиклаб олиши, навбатдаги фарзанд кўришга тўла тайёр бўлиши учун 3–4 й. вақт зарур бўлади. Ҳар 3–4 й. оралиғи б-н фарзанд кўриш она организми учун ҳам, туғилажак фарзанд учун ҳам нормал муддат ҳисобланади.

Олдинги вақтларда оналар болаларини 3–4 ёшга киргунларига қадар кўкрак сути б-н боққанлар. Бу эса бир томондан болаларнинг она сутига тўйиб ўсишларини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан бола эмизаётган аёлни навбатдаги ҳомиладорликдан сақлаган.

Агар аёл ҳар йили туғса, яъни бола 3–4 ойлик бўлмасиданоқ она ҳомиладор бўлиб қолгудек бўлса, оғироек аёлнинг сути ўз шифобахш хусусиятларини йўқотгани боис бола учун зарарли бўлиб қолади. Бундай вазиятларда аксарият оналар боласини кўкрак сути б-н озиклантиришни тўхтатадилар. Оқибатда болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун энг муҳим неъмат бўлмиш она сутидан бебаҳра қолишади. Бу ўринда нафақат она, балки гўдақнинг ҳам манфаати, саломатлигини кўзлаган ҳолда фарзандлар кўриш ўртасидаги муддатни узайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига сарфлаб бўлган она организми бир-бир ярим йил ичида дунёга келадиган навбатдаги бола учун унинг ҳомилада ри-

вожланиши, дунёга келиши ва ҳаётининг дастлабки кунлари, ойларида зарур бўладиган физиологик, жисмоний, эмоционал-психологик қувватни бера олмайди. Бундан ташқари ҳали ёшига етмаган болани парвариш қилиш ҳам оналардан кўп вақт, куч, эътибор, эмоционал зўриқишларни талаб қилади. Ёш бола тарбияси б-н боғлиқ равишда онадаги салбий ҳиссий ҳолатлар, асабийлик, эмоционал зўриқишлар ҳомиладаги боланинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳомиласи ривожланиб улгурмаган оналардан йилига туғилаверган болалар аксарият ҳолларда нимжон, нозик, ҳар хил касалликларга чидамсиз бўлиб бораверади. Бундай оилаларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ҳам туғилишлар оралиғидаги фарқ 3–4 й. бўлган оилалардагига қараганда юқори даражани ташкил қилади.


**РЕФЛЕКСИЯ** – киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.

**РОЛЬ** – шахснинг аниқ бир ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуи.

**РЎЗҒОР ЮРИТИШ** – оиланинг моддий бақувватлиги, даромаднинг моҳирона кўпайтирилиши ва рўзғор юритишни оқилана ташкил этиш. Аксарият ўзбек оилаларида даромад, кундалик эҳтиёжларнинг сарф-ҳаражатлари, ҳар бир киши учун йиллик озик-овқат маҳсулотлари режалаштириб ўтказилмайди. Лекин ота-боболаримизнинг Р.ю. тажрибаларидан келиб чиқилса, бу нарса оила иқтисоди режалаштиришдан бошланмоғи зарурлиги англашилади. Халқимизда «Режали иш бузилмас», «Маслаҳатли тўй тарқалмас», «Режасиз иш – қолипсиз ғишт» каби мақоллар бор. У ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйлаб, режа асосида қилмоқ зарур, деган маънони беради.

Эҳтиёж имкониятига қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоидага амал

қилмаслик, иқтисодда режасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилиши оқибатида топилган бойликнинг ҳам баракаси бўлмайди. Суви қочган нонни кесиб қуритиш ўрнига молга бериш, ҳатто ахлат қутисига ташлаш, таомни меъёрида, одам сонига қараб тайёрламаслик, аёллар ва қизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони, албатта, сотиб олиб, кийим тиктириб кийишга ҳаддан ташқари қизиқишлари, янги келиннинг ота-она, қайнона-қайнота қилган 50–60 та сарпосини кийиб улгурмасдан янгиларига кўз тикиши, мода кетидан қувиш, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш мақсадида ўғил уйлантираётганида ёки қизини турмушга чиқараётганида эҳтиёждан зиёд мол-дунё, меъёридан кўп рўзғор буюмлари ҳадя қилиш, қудалар ўртасидаги беҳуда расм-русумлар, тўй-маъракалар ва оилавий тантаналарни ортиқча сарф-ҳаражатлар б-н ўтказиш оила иқтисодиётига путур етказиб, баъзида уни қарзга ботириб қўйиши б-н қатта кўнгилсизликларга олиб келади.



**САЛОМЛАШИШ ОДОБИ** – кишиларнинг ўзаро саломлашишларидаги одоб-ахлоқ қоидалари мажмуи. Саломлашиш ту-

файли кишилар ўртасида ўзаро хурмат, самимият ва бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Бир-биримизнинг ёнимиздан индамай ўтгандан кўра, саломлашиш, алик олишни одат қилсак, одобли инсон эканлигимиз намоён қилган бўламиз.

Салом берувчи «Ассалому алайкум» деса, «Ва алайкум-ассалом варахматуллох» деб алик олинади. Агар салом берувчи «Ассалому алайкум варахматуллох» деб салом берса, «Ва алайкум ассалом варахматуллоҳи ва баракотух» деб алик олинади. Салом берувчи «Ва баракотух» кўшимчасини ҳам қўшса, алик олувчи ҳам фақат ўша кўшимчани қўшади.

Пиёдага суворий (уловдаги одам), кўпчиликка озчилик, ўтирган ёки ўрнида турганга юрган кишилар салом бериши жоиз. Лекин кичикдан олдин катта ёшдаги одам камтарлик б-н салом берса, бу фазилатдир.

Дарҳақиқат, инсонларнинг ўзаро самимий бўлиши ва бир-бирига яхшилик тилаш одати дунё халқларининг барчасига хосдир. Гарчи уларнинг айтилиши, ёзилиши турлича ва ижро анъанаси ўзига хос бўлса-да, маъно ва моҳият жиҳатидан анча ўхшашдир.

**САРВҚОМАТ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ** – тананинг тик ва гўзал бўлишини таъминловчи машқлар, шартлар мажмуи.

Қоматни тўғри тутиш кўп жиҳатдан инсон танасидаги аъзоларнинг ўзаро мутаносиблигига боғлиқ. Мунтазам танани зўриқтириб, ҳолдан тойдирадиган оғир ишларни бажариш ҳам қоматнинг нотўғри ривожланишига олиб келади. Мактабдаги жисмоний тарбия дарсларидан тортиб, катта ёшдагиларнинг иш жойларида махсус бадантарбия б-н шуғулланишлари бу нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган. И. ч.га монанд бадантарбия машқ дастурлари ҳар бир касбга, меҳнат фаолиятига кўра турлича тузилади. Бу дастурларга

тўғри амал қилиб, вақтида бадантарбия б-н шуғулланиш қадди-қоматнинг бенуксон ва кўркам бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қадди-қомат, энг аввало, умуртқа погонасининг тузилиши, уни тутиб турувчи мускул ва бўғимларнинг эгилювчанлиги б-н белгиланади. Агар умуртқа жисмоний машқлар б-н чиниқтирилиб, мустаҳкамланиб борилмаса ва бунинг устига сурункасига нотўғри вазиятда ишлаб ўтирилса, қийшайиб юрилса, аста-секин умуртқанинг боғловчи аппарат ва мускуллари фаолияти сусайиб, киши қоматини букчайтириб ёки бир ёққа қийшайтириб юрадиган бўлади.

Букчайиб юрадиган кишиларнинг кўкрак қафаси эзилиб, ўпка ва юракнинг меъёрида ва эркин ишлаб туриши қийинлашади, натижада нафас олиш ва қон айланиши бузилади. Мускулларнинг узоқ муддат ва унумли ишлаши учун уларга кўп миқдорда кислород керак бўлади. Кўкрак қафаси эзилганда ўпка сигими камайиб, чуқур нафас олиш имконияти йўқолади ва организм ўзи учун зарур миқдордаги кислородни ололмайди.

Бадантарбия машқлари туфайли мунтазам ҳаракатда бўладиган, кучли ва айни пайтда майин бўлган мускуллар аёллар қоматини гўзаллаштиради, ҳаракатларни назиклаштиради. Енгил ва эркин ҳаракатлар аёл кишининг танасидаги ёғ тўқималарининг юпқа қатлам бўлиб баданга бир текис тарқалиши, мускулларнинг назик, жуссанинг ўзига хос кўҳлик ва дўмбоқ бўлиб кўринишини таъминлайди.

«Бунга қандай қилиб эришиш мумкин?» деган савол туғилади. Аввало, бадантарбия б-н шуғулланишга эринмаслик, қолаверса, ҳамиша ўзига эътиборли бўлиб, ўзини кузатишга одатланиш лозим. Масалан, инсон уйда, ўқишда, ишда, кўчада, дўконда ёки транспортда ўзини қандай тутаётганига

эътибор бериш керак. Танани хамиша тик тутишга ҳаракат қилиш керак. Киши ўзини бўш кўйса, тез орада шунга одатланиб қолади. Аксинча, ўзини кузатиб, ёлғиз қолган вақтида ҳам бўшашиб, букчайиб, шалвираб эмас, қаддини тик тутиб, нафосат, латофат б-н қадам ташлаб юрса, бунга тез одатланиди ва бу ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам ёқади. Сарвқомат бўлишнинг ҳеч мураккаблиги йўқ. Бироқ бунинг учун шахсдан кунт, ирода ва меҳнат талаб этилади. Улар эвазига сиз ўзингиздан, коматингиздан руҳан қониқасиз.

**СЕҲРГАРЛИК**, жодугарлик – халқ эътиқодига кўра, айрим одамларнинг зиён етказиш ёки ундан халос этиш, касалликларни тузатиш борасидаги ўзига хос қобилияти. С. одамнинг ўзини ғайритабиий кучлар таъсирида кўрсата олиш қобилиятига асосланган иш амаллари. С.нинг пайдо бўлиши ибтидоий дин шакллари анимизм, фетишизм, аждодлар руҳига сиғиниш ва б. б-н боғлиқ. С.ка ишонидея деярли ҳамма халқларга хос. Этнологлар фикрича, зиён етказадиган С.нинг ижтимоий асоси қабилалар ўртасидаги ўзаро душманликдан келиб чиққан. Бошқа қабилла кишига касаллик, ўлим тилаб афсун ўқиш, ёвуз руҳларга эътиқод қилишнинг манбаларидан бири бўлган. Ўрта асрларда Европада христиан черковида С. – иблис хатти-ҳаракатидир, деган караш мавжуд бўлган. Черков ва дунёвий ҳокимият С.да шубҳа қилинган барча кишиларни қаттиқ таъкиб этган. Исломда С. б-н шуғулланиш оғир гуноҳ ҳисобланади.

**СИБЛИНГ МАҚОМИ** (инглиз. *sibling*, *sibs* – бир оиладаги акалар ва опалар) – муайян инсоннинг муайян оилада туғилиши, жинси ва туғуруқлар орасидаги расмий фарқни ифодаловчи тушунча. Боланинг С.м. ва унинг шахсий кўрсаткичлар б-н боғлиқлиги масаласига ҳали аниқлик киритилмаган, яъни аниқ илмий далиллар етар-

ли эмас. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар шахснинг С.м. унинг шахсига, эр-хотинлик ва ота-оналик мақомларига, дўстлар б-н муомаласига, ишда раҳбарият ва ҳамкасблар б-н ўрнатадиган мулоқотларининг характериға таъсир этишини ўрганишган.

**СИБЛИНГ РАҚОБАТИ** – оиладаги ака-ука, опа-сингиллар ўртасида кечадиган низоли рақобатлашишдан келиб чиқадиган ҳолат. Бу ҳолатда болаларнинг ўзаро муносабатлари, қачон бир-бирига рақиб, қачон бирлашишлари кузатилади. Мас., оилавий инкирозлар пайтида, ота-она қазо қилганда ёки хасталаниб қолганда улар, албатта, бир-бирига мурувват қилади, жипс-лашади. Аксарият ҳолларда эса, айниқса, ривожланган мамлакатларда кўпинча битта ота-онанинг фарзандлари ўртасида ўзига хос таранг муносабатлар кузатилади. Бу нарса ўша жамиятлардаги шахсий автономия феномени б-н боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон илк ёшлиқдан фақат ўз манфаати учун яшайди ва курашади. Бундай шароитда сиблинг муносабатларининг фақат ижобий бўлишиға эришиш анча мушкул.

**СОВЧИ** – уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. Қад. С.лар худди давлат аҳамиятиға эға бўлган вазифани бажарган элчидай махсус совчилик мактабидан ўтиб, шунга мос иборалар, мақол ва маталлар, сўз ўйинлари, хозиржавоблик, шоирона руҳу, олимона мантиқ эғаси бўлганлар ва оила маданиятининг етук арбоблари даражасига кўтарилганлар.

С.лар ҳар бир ёш учун унинг ижтимоий хусусиятлари (ёши, маълумоти, яшаш худуди, ота-оналарининг келиб чиқиши ва жамиятда тутган ўрни, оиланинг моддий таъминланганлик даражаси), наслий жиҳатлар ва б.ни ҳисобға олган ҳолда тенгини топишға ҳаракат қилишади.

С.лар ёш оилаларда юзага келиши мумкин бўлган фарзандлар саломатлиги б-н боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида бўлажак келин-куёвларнинг бувабувилари, ота-оналари, ака-ука, опа-сингиллари, яқин ва узоқ қариндош-уруғлари орасида наслий йўл б-н ўтадиган касалликларга учраганлар (шизофрения, тутқаноқ, рухий касалликлар, клептomanия ва х.к.) бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Яъни бўлажак оила наслий илдизларининг «бақувватлигини» ўрганишга уринадилар.

Бу ҳоз. кундаги никоҳдан олдин ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнига ўхшаб, унинг қадимдан анъанавий тарзда С.лар фаолиятида қўлланиб келинган шакли, дейиш мумкин.

**СОВЧИЛИК** – бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб бориш одати. Бу вазифани бажарувчилар совчилар деб аталган. С. ҳам азалдан шаклланиб келган ўзбек халқининг қадриятларидан биридир. Бунда ёшлар бир-бирларини олдиндан билишлари, севишлари, шунчаки учрашиб қолиши ёки совчилар орқали кидириб, келин топишидан қатъи назар, албатта, келинниқига совчилар бориши никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, урф-одатлардан бири ҳисобланади. Демак, ўзбек халқида никоҳ тўйи С. удуми асосида бошланади.

С.нинг тарихи матриархат даврига бориб тақалади. Дунёнинг турли халқларида бу одат турличадир.

С.ка борилганда совчилар бўлажак эр-хотинлар, қудаларни ҳар томонлама билишга, уларнинг бир-бирларига қай даражада мос келишини пухта ўрганиб чиқишга ҳаракат қилади. С.да суриштириш орқали бўлажак келин-куёв, унинг оиласи, авлоди ҳақида ҳар томонлама маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Умуман, С.нинг миллий, этник, анъанавий амаллариغا, талабларига

риоя қилиш ҳам никоҳ мустақамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам С. масалаларига ўтмишда катта эътибор берилган ва С.ка энг тажрибали, мулоҳазакор, оқил одамлар танланган.

Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда қадимдан С.ка дастлаб аёллар, сўнгра эркаклар боришган. Ўзбекистоннинг баъзи жойларида С.ка эркаклар ҳам боради. Шу б-н биргаликда, икки жинсдаги эркак ва аёл совчилар ҳам бор. Совчи камида 2, йўқса, 3–4 кишидан иборат бўлиб, С.ка бир киши ҳам бориши мумкин.

Одатда, яқин қариндошлардан обрўли, кўпни кўрган, ували-жували, серфарзанд ва бир никоҳли, фозил киши С.ка юборилган.

Йигит улғаяётган хонадонда уни уйлантириш фақат ота-онанинггина эмас, яқин қариндош, дўсту биродарларнинг ҳам ташвиши ҳисобланади. Шунга кўра, йигитга муносиб кизни кўз остига олганлар ва йигитнинг онасига уни дарак қилишган. Шаҳарларда йигитнинг онаси, аммаси ёки холаларидан бири ёки бошқа аёл б-н мўлжалланган қиз хонадонига ташриф буюриб, «меҳмонга келдик» баҳонаси б-н қизни кўрадилар. Айни пайтда уй-жой, ҳовлининг тозалиги, саранжом-саришталиги, дастурхон безалиши, уй эгаларининг меҳмондўстлигига разм соладилар. Қизнинг онаси б-н суҳбатлашиб, «Онасини кўру, кизини ол» мақолига амал қиладилар. Кўп ерда совчилар қиз томоннинг қўни-қўшнилари, хизмат еридан сўраб-суриштирадилар. Қишлоқ жойларида яшовчилар бир-бирларининг фарзандларини яхши билганликлари учун С.ка ўзлари бормай, маҳалладан ёки қариндошларидан 2–3 кишини юборадилар. Қиз томон таниш-билиш ёки қариндош бўлса, совчилар 2–3 боргач, фотиҳа тўйи белгиланиши мумкин. Агар нотаниш бўлса, қиз томон ҳам сўраб-суриштириб, бир қарорга келгунига қадар, йигит томон

Ўз элчиларини юбориб туради. Шарқона одобга кўра, йигитнинг онаси ўз ўғли хақида гапириши, унинг яхши томонларини кўрсатишга уриниши яхши саналмайди. Ўзбекчилик одоби, миллий маданиятга кўра, совчилар томони ҳам, қиз томон ҳам бир-бирларининг шаънларига тегадиган гап қилмайдилар. Ҳатто рад жавобларни ҳам нозик андиша пардасига ўраб, оғир ботмайдиган, кишидан безмайдиган қилиб етказишади. Совчиларни мажозий маънода элчилар деб аташади. Қизнинг ота-онаси розилик билдиргач, совчилар шу розиликка олдиндан махсус тайёргарлик тарзида дастурхон (патир, ширинлик-мева, баъзан қизга, унинг ота-онасига сарпо) қилиб бордилар. Совчилар хузурида қиз ва йигит бир-бирларига унаштирилганлиги эълон қилинади ва бу қарорнинг муқаддаслигини таъкидлаш маъносига совчилар келтирган дастурхон очилиб, нони синдирилади, (нон синдириш) сўнг «оқ ўрар» маросими ўтказилади. Одатда, бу маросимда энг яқин ва табаррук қариндошлар иштирок этишиб, икки томоннинг куда бўлишига розилик белгиси сифатида оқлик берилади. Шу маросимнинг ўзида кўпинча бўлажак келин уйида ўтказиладиган фотиҳа тўйи куни, белгиланади.

**СОВЧИ КУТИШ** – оилага келган таниш, нотаниш одамларни – оила куришга етилган фарзандини сўраб келган инсонларни кутиш. Нотаниш чехраларнинг кутилмаган пайтдаги ташрифи, асосан, совчиларга хос хусусият. Совчиларнинг вазифаси ва мақсади нафақат меҳмондорчилик, балки томонлар ўртасидаги элчилик, оила бунёд бўлишда восита эканлиги уларнинг қадрини оширади. Шунинг учун ҳам уларга алоҳида тавозе ва эътибор даркор. Бу каби меҳмонларни хушқайфият ва рисоладагидек кутиб олиш ва кузатиш мезбондан меҳмондўстлик санъатини юқори даражада билишни талаб этади. Совчиларни

уй бекаси, оиланинг бирор аъзоси ёки сўралаётган қизнинг ёлғиз ўзи кутиб олиши мумкин. Вазиятлар турлича экан, муносабат ҳам шунга яраша бўлади. Мазкур соҳада баъзи одоб-ахлоқ қоидаларини келтириш мумкин:

– совчи кутаётган хонадон аҳли келаётган кишининг насл-насаби, келиб чиқишидан қатъи назар, хушмуомалик б-н муносабатда бўлиши;

– совчиларга жавоб қандай бўлишидан қатъи назар, уларни ҳурмат б-н кузатиш;

– рад жавобини ҳам мулозимлик ва маданият б-н билдириш;

– меҳмондорчилик вақтида суҳбатлашиш одобига риоя қилиш;

– қарши томонни камситмаслик;

– совчиларни кутиб олиш ва кузатишда меҳмон кутишнинг нозик ва зарур амалларига эътиборли бўлиш;

– рад жавобини олган совчиларни вазиятни тўғри баҳолашга ундаш ва астойдил узр сўраш.

Совчиларга нисбатан икки хил муносабат билдирилади. Халқ орасида бу таърифлар «етар совчи» ва «кетар совчи» деган сифатлар б-н ажратилади. Етар совчилар кутилган, ташрифи огоҳлантирилган бўлиб, улар аксарият ҳолларда етарлича эътибор б-н кутилади ва мақсади ҳосил бўлиб, хуш қайфиятда кузатилади.

Кетар совчилар кутилмаган пайтда, кутилмаган жойдан ташриф буюришади. Кўп ҳолларда хушхабар б-н кетмайдиган бу каби совчиларга шу сабаб «кетар совчи» деган таъриф берилган. Суриштиришларсиз келиб кетувчи совчилар ҳам шу тоифага киради ва уларнинг қайсидир жиҳат сабаб қайтиб келмаслиги «кетар совчи» деган иборани келтириб чиқаради.

Мезбон ким бўлишидан қатъи назар, керагича иззат кўрсатмоқ лозим. Бундай меҳмондорчиликнинг алоҳида эътиборга молик томонлари қуйидагилардир:

– кутилмаган ташрифдан мезбоннинг саросимага тушганлигини меҳмонга сездирилмаслиги;

– нотаниш чехрага қаратилган саволомуз нигоҳнинг узок давом этмаслиги;

– «кетар совчи» эканлиги мезбонга аён бўлса-да, сертавозелик б-н муомала қилиш.

**СОВЧИ ТИЛИ** – совчилар томонидан совчилик вақти қўлланадиган маълум қолипга тушган гап-сўзлар, эпик клешалар.

Тилда бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд. Айнан қайси шаклни танлаш, муайян фикр ва мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг тилга соҳиблик даражаси, маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ. Азал-азалдан бундай масъулиятли юмушни маҳалланинг ёки сулоланинг гапга чечан, тили бурро инсонлари удалаганлар. Юртимизда совчиларнинг келиши ҳар хил кўриниш касб этади. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Бухоро вилоятининг Ромитон, Сурхондарёнинг Кумкўрғон, Қашқадарёнинг Қамаш, Чирокчи туманлари ва Самарқанд ш. марказлари ва Булунгур туманида, Хоразмнинг айрим ноҳияларида эркак киши, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд вилоятининг Ургут, Наманган вилоятининг Норин, Жиззахнинг Зомин, Фарғона водийсининг деярли барча туманларида ҳамда Тошкент ш.да аёллар совчиликка боришади.

Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Эллиққалъа туманларида совчилар: «Сизнинг боғда бир гул очилибди. Шуни сўраб ихтиёрингизга келдик», дейишса, Қашқадарё вилоятида: «Қариндош бўлгани келдик», дейишади. Тошкентда азалдан қолган одатга кўра, кўпинча «Кулчиликка келдик», шунингдек, «Эшигингизни супургани келдик» (юқорида келтирилган аёлларнинг тонг сахарда эшик

остонасини супуришларидан келиб чиқиб), «Сизда гул, бизда булбул бор, иккаласини қўшсак» каби гаплар б-н танишувни бошлайдилар.

Бундан ташқари «Бир қошиқ қонимиздан кечинг», «Эшигингизни супуришга келдик», «Қизингизнинг қўлини сўраб келдик», «Қуда бўлишга келдик», «Шерикчилик бир йилчилик, қудачилик минг йилчилик», «Қизингизни фарзандликка сўраб келдик», «Бир қизимиз иккита бўлсин деб келдик», «Қизим йўқ, Сиздан қиз сўраб келдим», «Ўғлимизни бахтли қиларсиз деб келдик», «Уйимизни обод қиларсиз деб келдик», «Бизнинг булбулнинг ишқи сизнинг гулингизга тушибди», «Хонадонингизни ҳавас қилиб келдик», «Сиз б-н опа-сингил тутингани келдик», «Сиз б-н ака-ука тутингани келдик», «Опам йўқ эди, Сизни опа қилгани келдим», «Акам йўқ эди, Сизни ака қилгани келдим» каби чиройли сўзлар б-н совчилар ўз фикрларини аниқ ва лўнда тарзда ифодалаганлар.

Совчилар иккинчи маротаба келишганда эса қизнинг ота-онасига айтиладиган «Бу сафар патир ушатсак», «Нон синдирсак», «Унаштирсак», «Фотиҳа қилсак», «Кўп маълуми қилсак», «Номзод қилсак», «Бошини боғласак» каби иборалар б-н қудаларнинг рози ёки норози эканликларини билмоқчи бўладилар.

Тўй қилишга келишганда эса, «Бошини бириктирсак», «Бошини қўшсак», «Бошини иккита қилсак», «Бошини қўшиб қўйсак», «Уйли қилсак», «Уйини тушириб берсак», «Тўй қилсак», «Тўйини бошласак», «Тўйни ўтказсак», «Қариндошчиликни бошласак» каби сўзлар б-н қудалардан тўйга изн сўрайдилар.

Баъзан фарзандларини ёшлигидан бирига унаштириб қўйиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Хўш, бундай ҳолатда қиз томон йигит томондан келган совчиларга қизининг унаштириб қўйилганлигини қандай

сўз б-н маълум қиладилар. Агар унаштирилган кизга совчи келса, киз отасининг нуткида кизнинг банд эканлигини ифодаловчи «Бешик керти қилинган», «Этак йиртиш қилинган», «Аталган», «Айттириб қўйилган», «Гаворабахш қилинган», «Кулоғи тишланган», «Назр қилинган» каби нуткий қолиплар учрайди.

Совчилар ҳаракати ҳар доим ҳам муваффақият б-н тугамайди. Чунки икки оила бир-бирига мос тушмайдиган ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Бундай ҳолларда «Қизимиз банд», «Боши боғлик», «Аталгани бор», «Ҳали ёш», «Ўқийди» каби нуткий қолиплар совчиларнинг дилига озор етказмаслик мақсадида қўлланилади.

**СОҒЛОМ ОИЛА** (БССТ таърифига кўра) – ижтимоий, психологик, деструктив (низоли) таъсирларга берилмаган, соғлом авлодни дунёга келтиришга тайёр оила. Соғлом оила белгилари қуйидагилар:

– никохи расман қайд этилган, ота-оналарнинг иккаласи ҳам бирга яшаб, фарзандларини азалий кадриятлар асосида тарбиялаётган;

– маънавий-ахлоқий фаровонликка эга;

– саломатликка эътиборли;

– сурункали (ҳал этилмайдиган) оилавий низолари йўқ бўлган;

– никохидан, оиладаги муносабатлардан, шу жумладан, жинсий муносабатларидан қониққан;

– бобо, бувилар ва ота-оналарнинг биргаликдаги ягона ёндашуви орқали фарзандни тарбиялайдиган;

– соғлом турмуш тарзига эга.

**СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ** – ҳар бир инсоннинг маънавий, ақлий, рухий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга ҳаракат қилиши. Агар инсон ўз ҳаётини фаол ҳаракатланиш режимига сола олса, кун тартибини онгли белгилай олса, овқатланиш, меҳнат қилиш ёки дам олиш тартибларини тўғри ташкил эта олса, гигиена


қоидаларига риоя қилган ҳолда зарарли одатлардан ўзини тия билса, атроф-муҳитга эҳтиётлик ва саришталик б-н қараб, оилада ва ёнидаги кўни-қўшни, яқин қариндошлар б-н тинч-тотув яшашга имкон берувчи муомала маданиятига эга бўлса ва соғлом фарзанднинг туғилишига, энг аввало, ўзи масъул эканлигини тушунса, унда соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар мавжуд, дейиш мумкин.

**СТЕРЕОТИПИЗАЦИЯ** – одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган, кўникиб қолинган образлардан қолип сифатида фойдаланиш.

**СУТ БЕЗЛАРИНИНГ ЧИЛЛА ДАВРИ КАСАЛЛИКЛАРИ** – сут безларида сут тўпланиб қолиши, кўкрак сўрғичларининг ёрилиши ва мастит чилла даврининг энг кўп учрайдиган асоратлари. Сут тўпланиб қолиши чақалоқнинг сутни етарлича сўриб ололмаслиги, кўкракда ортиқча сут қолиши ёки нотўғри соғиш натижасида юзага келади. Сут чиқадиган йўллар беркилиб, баъзида ёғ ҳужайралар ёки бошқа моддалар тиқин бўлиб қолади. Бунда сут безлари таранглашади ва безиллаб оғрийди, безлар зичлашиб қаттиқлашади, аёл шу кўкраги б-н болани эмизганда ёки сутни соғиб ташлаганда енгил тортади, шунинг учун ҳар сафар сут тўпланиб қолган кўкракни биринчи бўлиб эмизиш, эмиб бўлгандан сўнг эса қолган сутни эҳтиётлик б-н соғиб ташлаш ва енгил массаж қилиш лозим – шунда безлар тез орада бутунлай бўшашиб қолади. Кўкрак сўрғичлари териси нозик бўлганлиги учун болани эмизаётганда, ич қўйлакка ишқаланганда, куруқчаб кетганда, кўкрак безларини тўғри парваришлаганда тез зарарланади. Натижада кўкрак учларида кичик ярачалар, сўнг ёриқлар пайдо бўлади. Кўпинча сўрғичларнинг усти узунасига ёрилиб, бу гўдак эма бошлаган пайтида онага қаттиқ азоб беради. Баъзан оғриқ шундай кучли бўладики, она

гўдакни эмизишдан безиллаб қолади. Натижада она асабийлашади, қийналади ва суғи камайиб гўдак она кўкрагига янада маҳкамроқ ёпишади, бу эса оғрикни янада кучайтиради. Онага қанчалик азоб бўлмасин, у оғрикка чидаши ва вақти-вақти б-н боласини эмизиб туриши зарур. Кўкрак сўргичида ёриқлар ёки оғрик пайдо бўлиши б-н врачга мурожаат қилиш керак. Чунки ёриқлар орқали онанинг қўли ёки терисидан, шунингдек боланинг оғзидан микроб юқиб, сут безларининг яллиғланиши – мастит ривожланиши мумкин. Бунда кўкрак безларида оғрик, шиш пайдо бўлиб каттиклашади, оғрик кучаяди, безлар таранглашиб, териси қизаради, ҳарорат кўтарилиб, эт увишади, аҳвол ёмонлашади. Эмизганда ҳам, сут соғиб ташланганда ҳам энгиллик сезилмайди. Бу ҳолда дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. Ўз ҳолича даво чораларини кўриш ярамайди, асосий сабаби аниқланмаса, касаллик авж олиб кетади; каттиклашган жой юмшоқ бўлиб қолади, бу эса йиринг пайдо бўлганлиги аломатидир. Бунда дарҳол жароҳга мурожаат этиш лозим, акс ҳолда оғир оқибатлар юзага келиши мумкин. Болани фақат соғлом кўкрак б-н эмизиш, оғриган кўкракни эса сут сўргич б-н соғиб ташлаш лозим.

Ҳар қандай яллиғланишнинг олдини олиш учун кўкрак безларини ҳомиладорлик пайтидаёқ эмизишга тайёрлаш, кўкрак бериб эмизиш қоидаларига риоя қилиш ва кўкрак безларини парвариш қилишда тозалikka амал қилиш; сийнабандни кўкрак безларини кўтариб турадиган қилиб тақиш (чунки осилиб турганда сут туриб қолади), қўлларни совқотишдан асраш (чойшаб, тагликларни совуқ сувда чаймаслик), сўргичларнинг ёриқларини ўз вақтида даволаш, бола эмизадиган аёлда учрайдиган ҳар қандай касалликни охиригача даволатиш керак бўлади.



**ТАБУ** (полинезча – тақиклаш) – 1) ибтидоий жамият босқичидаги халқларда тарқалган тақиклаш тизими. Т.нинг энг мукамал кўриниши Полинезияда сақланган. Бу сўз аслида Полинезияда пайдо бўлиб, дастлаб машҳур инглиз денгиз сайёҳи Ж. Кук (1828–79) томонидан Европага маълум қилинган ва баён этиб берилган. Полинезия халқларида жуда кенг тарқалган Т. тизимини ким бузса, риоя қилмаса қабила бошлиқлари, зодагонлар томонидан каттик жазоланган. Шунингдек, ўша давр тасаввурларига қўра, Т.ни бузган одамнинг ғайри табиий кучлар, рухлар, худолар касаллик ёки ўлим б-н жазолайди, деб тушуниланган. Оролликларда худо ва рухга, кохин ва қабила бошлиқларига алоқадор бўлган ҳамма нарса табулаштирилган. Т. тизими жамиятда табақаланишни ифодалаган. Т. объектлари – буюмлар, сўзлар, ҳайвонлар ва б. бўлиши мумкин. Аксарият Т.лар моддий буюмларга тааллуқли бўлади. Т. инсоният жамияти шаклланаётган даврда индивид хагги-ҳаракатини жамоа манфатларига бўйсундириш эҳтиёжи б-н боғлиқ равишда келиб чиққан бўлиши мумкин. Т. уруғчилик жамиятида инсон ҳаётининг

муҳим томонларини, аввало, экзогамия никоҳи меъёрларига риоя қилиниши (мас., уруғ ичида жинсий алоқаларнинг тақикланиши)ни тартибга солган. Жамият тараккий этган сари Т.нинг бир қисми одат, ҳуқуқий меъёрга айланган, кўпчилиги эса динга тақик сифатида киритилиб, уни бузиш гуноҳ ҳисобланган. Ҳоз. даврда ҳам Т.нинг баъзи кўринишларини учратиш мумкин.

Ибтидоий даврларда табиат ҳодисаларининг сирини била олмаган инсон кўркув уйғотадиган сеҳрли ва зарарли ёвуз кучлардан, жин, арвоҳлардан, офатли касаллик ва йиртқич ҳайвонлардан сакланишнинг ягона чораси уларнинг номини айтишни ман этиш, атамаслик деб тушунган. Айниқса, киши номига нисбатан Т. кенг тарқалган. Мас., ўлганнинг номини, дохий ёки подшоҳнинг, маъбудларнинг номини ва баъзи қариндошлар (қайнота, қайнона, эр, қайноға)нинг номини айтиш, уларни овоз чиқариб қақириш тақикланган ва бундай атоқли отлар тегишли тавсифий иборалар б-н алмаштирилган. Овланадиган, тирикчилик манба бўлган ҳайвон номлари, кишини сескантирадиган жониворлар ва б. воқеа-жараёнлар ҳам баъзан табулаштирилган. Мас., чаён сўзи, ўзбек шеваларида эшак, беном, газанда, айриқуйрук, бешбўғин ва б. номлар б-н аталган. Ҳоз. тилларда ўлим ҳақида, огир касаллик ҳақида тўғридан-тўғри гапирмаслик, ёкимсиз, нохуш нарсаларни эслаш, эслатишдан қочиш одатини ҳам Т.га киритиш мумкин. Т. сўзлар ўрнига бошқа сўзлар – эвфемизмлар зарур бўладики, бошқа тиллар сингари, ўзбек тилида ҳам бундай сўзлар кўпчиликни ташкил этади.

**ТАЛОҚ** – эр томонидан хотинига ажрашишини, у б-н ортик яшамаслигини билдириш учун айтиладиган сўз. «Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) кутиб ўтирадилар. Агар улар Аллоҳга ва охират кунига ишонсалар, ба-

чадонларида Аллоҳ яратган нарса (хомила ёки ҳайз)ни яширишлари ҳалол (иш) эмас. Агар эрлари ислоҳни (оилани тиклашни) хоҳласалар, шу муддат ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар. Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эрқаклар ҳуқуқи б-н тенгдир.

Бир ёки икки талоқ қўйган эрлар идда чиккунига қадар сўз ёки ҳаракат б-н ўз аҳдларидан қайтиб, никоҳни янгиламасдан турмушни давом эттиришлари мумкин. Аммо бир ёки икки қатъий талоқ қўйган бўлса, никоҳни янгилаш шартдир. Уч талоқ ёки ундан ортик ададни айтиб қўйган бўлса, эр-хотин ўртасидаги шаръий никоҳ бекор бўлиб, бирга турмуш қуриш мумкин бўлмай қолади. Бундай тақдирда, албатта, шариат пешволарига мурожаат қилиб, маслаҳат олиш зарур.

**ТАНА ҲАРОРАТИ**, гавда ҳарорати – ёши, жинсидан қатъий назар барча одамларда меъёридан ортиши ёки пасайиши одамнинг саломатлиги ва руҳий ҳолатига таъсир этувчи ҳарорат даражаси. Т.х.нинг ошиб кетиши шамоллаш, грипп, инфекциялар, оғриқлар, турли операциялардан кейинги бир қатор вазиятларда юзага келади. Сурункали бўлса, у ҳолда тезликда сабабларини аниқлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш керак бўлади. Худди шу тарзда Т.х.нинг пасайиб кетиши ҳам одамларда кузатилади. Буни ҳам, албатта, ўз вақтида нормаллаштириш зарур бўлади.

Туғурук вақтида бола осонгина шамоллаши мумкин, чунки унда ҳали Т.х. мустақил бошқарилмайди. 9 ой давомида она қорнида 37° ҳароратда ётган бола, бирдан туғурукхона ҳавосининг 22° ҳароратига тушиб қолади. Бу шароитда дастлаб кийим кийдирилишига ҳам қарамай бола совуқ қотади ва фақат 2 кундан кейингина 37° га етади.

Шунинг учун Т.х.ни нормага олиб келиш чораларини тезда кўриш мақсадга мувофиқ.

**ТАРБИЯ** – шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий пед. жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида қўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Т. инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қад. ва абадий кадрятдир. Т.сиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган кадрятлар Т. туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Пед. адабиётларда Т. атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода Т. инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият и.ч. ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда Т. фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи гоёлари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение ва б.ни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги Т. тушунчаси ичига таълим ва маълумот олиш ҳам киради.

Тор маънода Т. шахснинг жисмоний ривожини, дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфасини, эстетик дидини ўсишига йўналтирилган пед. фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги Т. ичига кирмайди. Лекин ҳар қандай Т. таълим б-н чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки ахлоқий-маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади.

Т. ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият

касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг Т.си б-н етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инкирозга маҳкумдир. Негаки, ўсиши ва ривожланиши учун ҳар қандай жамиятда ҳам моддий ва маънавий бойликлар и.ч. тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод моддий ва маънавий бойликлар етиштиришни ажодлари даражасида, улардан ҳам яхшироқ ишлаб чиқара билишлари керак. Ёш авлодда ана шундай моддий ва маънавий қобилиятларни шакллантира билиш учун эса, жамият узлуксиз равишда самарали фаолият кўрсатадиган тарбиявий ин-тлар тизимига эга бўлиши лозим.

Т. жамият тараққиётининг турли даврларида турлича изоҳлаб келинган. Шўро замонида ҳукмрон коммунистик мафкура Т.га синфий ва партиявий ҳодиса сифатида ёндашишни талаб этган. Шунинг учун ҳам синфий жамиятда Т. фақат синфий хусусиятга эга бўлади ва турли синфларнинг Т.си бир-бирига қарама-қарши туради деган қараш қарор топган. Ҳолбуки, дунё илми, айниқса, Шарқ тарбияшунослиги ва ўзбек халқ пед.си тажрибаси Т.нинг синфий кўринишга эга эмаслигини исбот этди. Шунингдек, коммунистик мафкура тазйиқи туфайли Т.да ижтимоий муассасаларнинг ўрнига ортикча баҳо берилди, бу жараёнда ирсий ва биологик хусусиятлар деярли ҳисобга олинмади.

Шўролар пед.сида Т. орқали ҳар қандай одамни истаган ижтимоий қиёфага солиш мумкин деган қараш ҳукмрон бўлганлиги учун ҳам унинг шахсини шакллантиришдаги ўрнига оптикча баҳо берилди. Тарбияланувчи шахсининг Т.га берилиш ёки берилмаслик хусусиятларининг ҳисобга олинмаслиги тарбиявий тадбирларга маҳлиё бўлишдек пед. хатоликка олиб келди. Бунинг натижасида Т. мақсадсиз бўлиб қолди, тарбияланувчиларга алоҳида шахс

сифатида эмас, исталган ижтимоий йўналишга солиниши мумкин бўлган қиёфасиз тўда, оломон тарзида қараш қарор топди. Бу ҳол Т.нинг самарасизлигига олиб келди. Чунки Т.нинг асосий объекти бўлмиш шахс ва унинг ўзига хос жиҳатлари унутилган эди. Шўро пед. тизимидаги камчиликларнинг илдизи, асосан, мана шу ёндашув тарзига бориб тақалади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Т. ва унга боғлиқ жараёнларга янги ҳамда соғлом пед. тафаккурга таянган ҳолда ёндашув қарор топа бошлади. Уни изоҳлашда ғайриилмий синфий-партиявий ёндашувдан воз кечилди. Т.нинг миллийлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун халқ пед.си бойликлари, ўзбек мутафаккирларининг пед. қарашлари синчковлик б-н ўрганилаётир. Натижада, Ўзбекистон пед. фани ва амалиётида оила Т.сининг ҳам, ижтимоий Т.нинг ҳам ўзига хос ўрни борлиги тан олина бошланди. Шунингдек, Т.да ирсий ва биологик омиллар ҳам ҳисобга олинадиган бўлди. Айни вақтда, шахснинг шаклланишида Т.нинг ўрнига керагидан ортиқ баҳо бериш ҳам барҳам топди. Бу ҳол Т.га доир ҳодиса ва ҳолатларни тўғри изоҳлаш, тарбиявий тадбирлар тизимини тўғри тайин этиш имконини берди.

Т. мақсадлари Т.да назорат алоҳида ўринга эга. Чунки боланинг салбий ҳаракатларини кузатиб уни вақтида йўқ қилиш, ижобий хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш назоратнинг асосий белгисидир. Бу эса Т.да назоратнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Т. субъектларининг мақсадга йўналтирилган таъсири остида инсонда юз бериши кутиладиган ўзгаришлардир. Шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсири маълум маънода Т. мақсадларига боғлиқ бўлади. Ҳар бир давр, ҳар бир давлат Т. муассасалари олдига ўзларининг мақсадларига мос келадиган вазифаларни

қўйган. Т. мақсадлари жамиятда устувор бўлган мафкуравий қарашлар асосида белгиланган ва ижтимоий буюртма сифатида ифодаланган. Давлат ва жамият пед. фаолиятнинг мақсадини ўзларининг келажигига мос тарзда белгилаган. Т. мақсадларини белгилашда икки хил ёндашув мавжуд. Улардан биринчисига кўра, Т.нинг мақсадлари жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланади, шунинг учун шахс Т.сига қўйиладиган талаблар давлат, жамият, табақа мақсадларига қараб белгиланади. Иккинчи ёндашувга кўра, Т.нинг мақсадлари, биринчи навбатда, тарбияланувчиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда кўзланган асосий мақсад тарбияланувчининг ижтимоий шаклланиши, мавжуд ижтимоий шарт-шароитга мослашуви унинг «МЕН»и сақланиши ва ривожланишига кўмаклашидир. Т. мақсадлари идеал ва реал бўлиши мумкин. Ҳоз. замон одамларининг идеали бошқаларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашадиган, юксак маънавият ва ахлоққа эга бўлган шахсдир. Идеал, бир томондан, шахснинг ўзи интиладиган намуна бўлса, иккинчи томондан педагог учун ўзининг тарбиявий мақсадлари мундарижасини белгилаш учун мезондир. Ҳар бир шахснинг бетақдорлиги ва мустақиллиги назарда тутилса, шахс ва жамият ўртасидаги узвий алоқадорликни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Мана шу алоқадорлик жараёнида шахснинг бутун ҳаёти турли шахслар ўртасидаги бир-бирига зид манфаатларни тартибга солишга йўналтирилган меъёрлар асосида кечади. Мана шундай ёндашув Т. мақсадларини белгилашда тарбияланувчининг қуйидаги эҳтиёж ва манфаатлари асос вазифасини бажаради: ижобий кадриятлар ва ақсил кадриятлар доирасида ўзини ўзи ифодалаш; ўзини ўзи англаши, ўзига мустақил шахс сифатида муносабатда бўлиши; касбий анъа-

налар ва касб этикасида ифодаланадиган касбий меъёрлар; муҳим қарорлар қабул қилишда мустақил ҳаракат қилиш кўникмалари, ўзининг эътиқоди ва мавқеини химоялай олиши; хатарли вазият ва омилларни билиш, низоли вазиятларни четлаб ўтиш, ташқи босимга жавоб қайтара олиш; ҳиссиёт, туйғулар, кайфият ва уларнинг хулқ-атворга таъсири тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, ҳиссиётни бошқара олиш, стрессларга бардош бера олиш уқувлари; конструктив ва ижобий мулоқот кўникмалари (дўстлари, ҳамкасблари, бўлинма, қорхона ёки ташкилот раҳбарлари б-н); ўз саломатлигига қадрият сифатида қараш, соғлом турмуш тарзининг зарурлигига эътиқод; тарбиянинг реал мақсади ҳар доим муайян тарбияланувчига йўналтирилган мақсад бўлиб, у муайян давр ичида белгиланган мақсадга олиб келиши лозим. Т. мақсадлари қуйидаги тушунчаларга асосланган гуманистик пед.нинг етакчи тамойиллари б-н белгиланади:

**Фаолиятлик.** Бу сифат шахснинг интегратив хусусияти бўлиб, мотивация асосида юз берадиган фаолиятнинг мақсадларини эркин белгилашни назарда тутаяди. Шу б-н бирга, шарт-шароит ўрганилган тақдирда, ўз фаолиятига тегишли ўзгаришлар киритиш лаёқатини назарда тутаяди. Мазкур сифат мавжуд вазиятда четга чиқиши мумкин бўлган мақсадларни белгилашга конструктив ва танқидий ёндашишни ҳам ифодалайди.

**Эркинлик.** Бу тушунча субъектнинг танлашдаги фаоллигини, ўзини тўлақонли шахс сифатида намоён қила олишини ифодалайди.

**Диалог.** Субъектлараро жараёни ифодалайди. Мазкур жараёнда сифат жиҳатидан турли бўлган интеллект ва қадриятлар ўзаро таъсирга киришади. Бу жараён шахс ўзининг эътиқодларидан воз кечмаган ҳолда суҳбатдошнинг мавқеини ҳам

тушунишини такозо этади. Диалог жараёнида субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги, импровизация қобилияти ва эркинлиги намоён бўлади.

**Демократлик.** Мазкур тушунча фаолиятнинг индивидга йўналтирилган алгоритмини яратиш, тажриба ва анъананинг қадрият эканини эътироф этиш ҳамда ҳаётий режаларни тузишда асос қилиб олинишини кўзда тутаяди.

**Ижод.** Ҳоз. кунда бу тушунча фақат мавжуд бўлмаган нарсаларни яратишинигина эмас, балки тарбия жараёнининг субъекти учун нотаниш бўлган нарсаларни кашф этишни ҳам ифодалайди.

**Т. психологияси.** Пед. психологиянинг ғоят мураккаб ва кам ишланган бўлишидир. У шахснинг бир бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига оид ички (психологик) механизмларни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўрганади. Т.нинг психологик муаммоларини ўрганишда шахсга хос бўлган хусусиятларни шакллантиришнинг психологик механизмлари тўғрисидаги масала муҳим ҳисобланади. Назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар қандай хусусият ўз ривожланиш жараёнида баъзи босқичларни босиб ўтади. Бунда барча хусусиятлар учун умумий бўлган босқич ҳам мавжуддир. Бу босқич шахсни шакллантиришнинг умумий услубий (методологик) тамойилини акс эттиради. Бу ерда ташқи ижтимоий таъсирларнинг ички таъсирларга, субъектив ҳолатларга айланиб бориши назарда тутилади. Яъни, жамият қўлга киритган тажрибани ўзлаштириб бориш йўли б-н янги бир хусусият вужудга келтирилади. Бундан ташқари, муайян шахс хусусияти учун хос махсус босқичлар мавжуд бўлади. Мана шу босқичларнинг барчасини билиб олган тарбиячи ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадлардан келиб

чиккан ҳолда, шахсга хос хусусиятларни шакллантириш ёки уларни қайта тарбиялаш б-н боғлиқ ўз ишларини ташкил этади. Ташқи тарбиявий бошқариш жараёнининг ички ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялаш тизимига айланишидаги психологик механизм муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўз-ўзини мувофиқлаштириш ва ўз-ўзини бошқариш шахснинг хусусиятлари таркибига киритилади. Бироқ уларнинг турли хусусиятларида ўзини намоён қилиши бир хил кўринишда бўлмайди, баъзи ҳолларда бу хусусиятлар фақат энди белгиланаётган бўлса, бошқа ҳолларда бундай хусусиятлар ортиқ даражада кўпайиб кетган бўлади. Мас., шахснинг йўналишини ифода этувчи хусусиятларда бундай тизим элементлари иродавий хусусиятларга караганда анча камроқ даражада намоён бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш ва такомиллаштириб бориш – бу ўз-ўзини мувофиқлаштириш ҳамда бошқаришни ривожлантиришнинг олий даражаси деб ҳисобланиши лозим. Ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини ўрганган психологлар мазкур феноменнинг табиатини кўрсатиб берганлар, дастурлар ишлаб чиқиб, ўзини ўзи тарбиялаш б-н машғул бўлишга қарор қилган кишиларга иш усулларини тақлиф қилганлар. Бола шахсини шакллантиришда миқдор кўрсаткичлари б-н сифат кўрсаткичлари бир текис намоён бўлмаслиги масаласини таҳлил қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Психологлар шахснинг хусусиятлари ҳеч вақт бир хил меъёрда шаклланмаслигини исботлаганлар: уларнинг баъзи бирлари ривожланишда олдинга «ўтиб кетар» экан, иккинчи бир хиллари ривожланишдан орқада қолар экан. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахснинг баъзи бир хусусиятлари илк болалик давридан бошлаб жадал ривожлана бошлар экан; бошқа бир хил хусусиятлар, аксинча, фақат ривожланишга тайёрланиб ва шу бўйи латент (нофаол) ҳолатида сақланиб

қолар, сўнгра муайян шароит вужудга келганида сакраш йўли б-н тез ривожланиб кетар экан. Бунда баъзи бир хусусиятлар у ёки бу ёш даврига боғлиқ бўлар экан. Болаларда, аввало, коммуникатив хусусиятлар шаклланади. Бу бола ҳаётининг фаолиятининг ажралмас қисми бўлган жиҳат бўлиб, яъни унинг катта ёшли кишилар б-н мулоқотига боғлиқ. Шахс хусусиятлари ва характер белгиларининг ривожланишидаги нотекислик айниқса, ўсмирларда яққол кўзга ташланади. Шунинг учун бу даврни зиддият ва қарама-қаршиликлар даври деб атайдилар. Мас., баъзи бир ўсмирларнинг ўз ота-онасидан бегоналашиб, меҳри совиб кетиши, бора-бора ўз ота-онасининг васийлигидан чиқиб, айна пайтда, ўз тенгдошлари б-н яқинлашиб, улар б-н дўстлик алоқаларини мустахкамлаб бориши кузатилади; бундай ўсмирлар спортда жуда яхши натижаларга эришиб, янада тиришқоқлик кўрсатгани ҳолда, бошқа фанларга қарамай қўйиб, дарсларни, ўзлаштирмаслиги мумкин. Характерологик аломатлар ҳамда шахсга хос белгиларнинг намоён бўлишидаги ноизчиллик шундай бир беқарорликни ва умуман, шахс хусусиятига хос зиддиятни келтириб чиқариши мумкинки, кейинчалик тарбиячи бу хусусиятларни илгаб олади ва уларни ўсмирнинг ўзи ҳам билиб, бундай зиддиятли ҳолатларга ва муайян беқарорликка барҳам беришга ҳаракат қилади. Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, шахс характеридаги зиддиятли ҳолатлар узоқ йиллар мобайнида, гоҳо эса умр бўйи сақланиб қолади. Шахс барқарорлиги муаммоси шахснинг шакллантиришдаги нотекислик тўғрисидаги масала б-н боғлиқдир. Бу масалан ўқувчининг характеридаги (индивидуал ва умумий) мотивацияларнинг шаклланиши ва реализация қилиниши нуктаи назаридан қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шахснинг барқарорлиги икки нуктаи назардан

келиб чиқиб ўрганилади: биринчидан, одамнинг ўз шахсий йўналишини сақлаб қола олиш қобилияти сифатида ҳамда ўзининг шахсий қарашларига зид бўлган турли таъсирларга қарши туриш, уларга дош бера олиш нуқтаи назаридан қараб чиқилади; иккинчидан, шахс барқарорлиги одамнинг ўз шахсий йўналишини амалга ошириш қобилияти сифатида вазиятни ҳамда ўз шахсий хулқ-атворини ўзгартиришдан иборатдир. Шунинг учун биринчи ёндашувни мудофаа, иккинчисини хужумкорлик деб атайдилар. Пед. фаолият Т. вазифаларидан таркибий тарзда келиб чиқади. Бу фаолият ўқувчиларда кўникма, малака ва одатларни вужудга келтиришга, пировардида мана шу барча хусусиятларнинг йиғиндиси сифатида шахсни шакллантиришга қаратилган бўлади. Бундай пед. фаолият мазкур ёшдаги барча ўқувчилар учун мўлжалланиши мумкин. Чунки булар умумий усуллар ҳамда Т.нинг умумий услуб ва методларидир. Бироқ, шундай пед. фаолият турлари ҳам мавжудки, улар муайян ўқувчиларга нисбатан қўлланади ва тарбиялашда фойдаланилади. Санаб ўтилган ҳар икки усул ҳам ўқувчиларнинг Т. даражасига, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига, психик ҳолатлари ва б. омилларига мувофиқ келиши керак. Ишонтириш, ўргатиш, рағбатлантириш, жазо бериш сингари кенг тарқалган пед. таъсир кўрсатиш чоралари қўлланаётганда, уларнинг психологик жиҳатдан тўғри мосланган бўлишига эътибор бериш талаб этилади. Т. психологиясида шахсни шакллантириш қонуниятлари ўрганилар экан, шахснинг у ёки бу хусусиятини ҳамда умуман шахснинг ривожланиш кўрсаткичлари алоҳида қараб чиқилади. Ҳар бир бола хусусиятларининг мана шу кўрсаткичлар б-н таққосланиши Т. кўрганлик даражасини белгилаш юзасидан амалга ошириладиган бир тадбир – диагностик муолажа деб аталадиган

тадбирга айланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур ўқувчини бундан буён тарбиялаш ёки қайта тарбиялаш учун қандай воситалар, усуллар, услубларни қўллаш кераклиги тўғрисида пед. хулосага келиш имкони туғилади.

**Т. тушунчасининг замонавий талқинлари.** Т. педагогиканинг асосий категорияси ҳисобланади. Т. тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро таъсирга асосланган шахснинг гуманистик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган жараёндир. Инсон тугилганидан то ҳаётдан кўз юмгунича тарбияланади. Тарбиявий таъсирнинг кучи фақат Т. ўз субъектининг билими ва маҳоратигагина эмас, Т. объектининг ёши, руҳий ҳолати, касби, жинси каби кўрсаткичларига ҳам боғлиқ бўлади. Жамият тараккиётининг турли босқичларида мазкур категорияни талқин қилишда жамият ва ижтимоий гуруҳлар ўзларининг дунёқараши, олдиларида турган долзарб вазифалардан келиб чиқиб талқин қилганлар. Бунда улар тарбияланувчисининг салоҳиятини ривожлантириш тўғрисида эмас, ўзларининг барқарорлиги тўғрисида кўпроқ қайғурадилар. Т. кўпинча шахснинг шаклланиш жараёнини жамият эҳтиёжларига мос тарзда бошқариш сифатида талқин қилинган. Т. тушунчаси мураккабдир. Т. психология ва пед. фанидаги бир қатор тушунчалар б-н узвий боғланган. Аввало, мазкур тушунчанинг «шаклланиш» тушунчаси б-н узвий алоқадорлигини қайд этиш лозим. Мазкур атама шахсдаги муайян ўзгаришларни ифодалайди, айти пайтда, яқунланган жараён маъносини ҳам билдиради. Бу тушунча инсонда янги жисмоний ёки янги шахсий сифатларнинг юзага келганини ҳам ифодалайди. Т. тушунчасига қайси жиҳатдан ёндашилса ҳам, унинг моҳиятини ифодалайдиган умумий белгилар мавжудлиги кўзга ташланади: биринчидан, Т. ўз моҳиятига кўра жараёндир,

яъни у тарбияловчи таъсирида одамларда юз берадиган муайян сифат ва миқдор тад-рижий ўзгаришларининг кўринишидир. Иккинчидан, Т. жараёни учун хос бўлган муҳим белгилардан бири тарбияланувчига ўтказиладиган таъсирнинг мақсадга йўналтирилганлигидир. Бу хусусият Т.нинг ҳар доим муайян мақсадга йўналтирилганлигини билдиради. Мақсадсиз Т. бўлмайди. Учунчидан, Т. учун гуманистик йўналиш хос. Ҳар қандай таъсир ҳам гуманистик сифатларни шакллантира олмайди. Айни пайтда, аксилтарбиявий таъсирлар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундай таъсирлар шахсда салбий, аксилинсоний сифатларни шакллантиради. Тўртинчидан, Т.нинг муҳим белгиларидан бири тарбияловчи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро таъсирнинг мавжудлигидир. Айнан мана шу белги тарбияланувчининг ўзи ҳам Т. жараёнида фаол бўлишини, ўзининг субъектив мавқеига эга бўлишини тақозо этади. Т. икки хил маънода қўлланишини назарда тутиш лозим. Мумтоз пед. фанида бу тушунча кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода, Т. шахсга уни шакллантирувчи барча омилларнинг таъсирини ифодалаган. Амалда бундай ёндашув «ижтимоийлашув» тушунчаси б-н айнанлаштирилган. Тор маънода, Т. тушунчаси педагогларнинг шахсда муайян сифат ёки сифатлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган фаолиятини ифодалайди. Бундан ташқари, Т. тушунчаси турли контекстларда турлича маъноларга эга бўлган. Мазкур тушунчанинг турли маънолари унинг умумий таърифига зид эмас, балки уни муайян маънода тўлдиради.

**ТАҚВИМ УСУЛИ** – ҳайз циклининг давомийлигини ҳамда ҳомиладор бўлиш эҳтимоли юқори даражада бўлган даврни аниқлаш б-н биргаликда, айни шу кунлар жинсий алоқа қилмаслик усули. Цервикал

шиллик ва овуляция вақтини белгилаш усули эса (Беллингсов усули) уруғланиш кунини, цервикал шиллик миқдори ва консистенциясини назорат қилиш б-н аниқлашдан иборат. Баъзан ҳароратни ҳар куни ўлчаб, ҳарорат кўрсаткичларини мунтазам қайд қилиб бориш ва уруғланиш вақтини белгилаш учун ҳароратнинг кўтарилиши аниқланади.

Симпато-терминал усулига ҳароратни ўлчаш усули б-н бирга бир неча табиий усулларни биргаликда қўллаш қиради.

Мазкур усуллар ҳомиладорликдан сақланиш учун жуда ишончли ҳисобланмасда, бироқ бошқа йўллардан фойдаланишни истамаган эр-хотинлар учун қулай ҳисобланади. Бу усул афзаллиги унинг организм бошқа тизимларига умуман таъсир қилмаслигидир.

Эр-хотин ҳар бир ҳайз цикли мобайнида камида 14 кун жинсий муносабатлардан тийилиши керак. Бундан ташқари, юқоридаги усулларни тўла эгаллаб олиш учун улар бир неча ой давомида ўз устида ишлаши ҳамда тажриба қилиб кўриши зарур.

Эмизиш, қин инфекциялари, иситма чикиши каби ҳоллар цервикал симптомларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, уруғланиш эҳтимоли юқори бўлган кунларни қайтадан ҳисобкитоб қилиб, аниқлаш кераклигини тақозо этади.

Текширишлар анъанавий усуллар замонавий усулларга нисбатан ишончсиз бўлиб, юқори самарага эришмоқ учун оилада эр-хотинларнинг биргаликда даврий равишда жинсий алоқадан воз кечиб туриши лозимлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат эса инсондан бардошлилик ва руҳий турғун бўлишни талаб этади.

Юқорида келтирилган усуллардан аёлларнинг тўғри фойдаланишлари учун уларга тўғри маслаҳат бериш лозим. Бу усулни

аёллар ўзларида овуляция, яъни уруғланиш эхтимоллиги юқори бўлган кунларни адашмай ҳисоблай олгунларига қадар самара бермайди. Ҳомиладорликдан сақланишининг анъанавий усуллари самарасини ошириш учун аралаш усуллардан фойдаланиш, яъни бир вақтнинг ўзида эркак ва аёллар учун мўлжалланган механик воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТИШ** – оила қурувчи шахсларнинг оила қуришга жисмоний, жинсий, руҳий ва б. жиҳатлардан тайёр эканлигини кўрсатувчи тиббий текшириш. ОКнинг 17-моддаси «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш» деб номланган. Унга биноан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш никоҳланувчи шахслар розилиги б-н давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

**ТИРИКЧИЛИК МИНИМУМИ БЮДЖЕТИ** – инсоннинг саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаёти ҳамда фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари энг кам тўпламининг қиймат баҳоси, шунингдек, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларига, солиқларга ва мажбурий хизматларга ажратилган харажатлар. Тирикчилик минимуми бюджетини энг кам истеъмол бюджетининг фақат чегараланган муддатларда – иқтисодиётнинг тангликни бошидан кечираётган даврда фойдаланишга мўлжалланган энг «қаттиқ» турини ифодалайди. Кўрсатилган бюджет, асосий моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи энг кам истеъмол бюджетидан фарқли равишда, жисмоний тирик қолиш ва одамлар соғлиқини сақлашга мўлжалланган. Бу энг кам истеъмол бюджетини озиқ-овқат маҳсулотларининг 75 турини, кийим-кечакнинг 45 турини, узок

муддатли фойдаланишга мўлжалланган предметларнинг 24 турини, 24 мебель предметини, 31 идиш-товоқ предметини, маданият, транспорт, алоқа, уй-жойга харажатларни ўз ичига олади.

**ТИББИЙ САВОДХОНЛИК** – оила аъзоларининг тиббий маданиятга қанчалик эга эканлигини кўрсатувчи кўрсаткич. Уларга қуйидагилар қиради:

– оила аъзолари саломатлиги ва саломатликни сақлаш бўйича бирламчи омилларни билиш;

– умрни узайтириш усуллари билиш;

– миллий таъбиотдан хабардор бўлиш, репродуктив саломатлик мезонларига, тўғри овқатланиш меъёрларига риоя қилиш;

– ўз саломатлигини жамият соғломлиги сифатида қабул қилиш, қариялар, гўдак ва эмизикли болаларни турли касалликлардан асрай олиш;

– йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигини олдини олиш ва эйтиборнинг шакллантирилиши;

– фарзандларни замонавий тиббий таҳдидлардан асраш, уларга тиббий таҳдидлар бўйича зарур билимларни бериб бориш;

– болани она суги б-н боқиш мазмунини англаш;

– ҳаётга физиологик-гигиеник жиҳатдан тайёр бўлиш;

– оиланинг ижтимоий ахволини яхшилаш омилларини ўрганиш ва б.

**ТОПИШМОҚ** – топиладиган нарса, ҳодиса, мураккаб, чигал, белги-хусусияти яширин берилган бирор номаълум нарса ёки ҳодиса. Халқ оғзаки ижодиётида Т. алоҳида жанр бўлиб, энг қадим даврлардан бошлаб инсонларнинг онги, зеҳни ва уқувини чарқлаш учун хизмат қилиб келган. Т.ларда истиора, кўчим, киноя, қочирик йўли б-н сўзларни кўчма маънода ишлатиб, имо-ишора бериш воситасида яширилган нарсани топиш талаб қилинади.

Т. айтиш ва уни топиш жараёни ақл ва зийраклик мусобақаси, кўнгилхушлик, ўйин-кулги воситаси. Т. айтувчининг ҳам, топувчининг ҳам хотираси кучли бўлиши талаб қилинади. Қиёслаш ва мантикий хулосалар чиқара олиш топқирликни таъминловчи муҳим омиллардан саналади. «Отдан баланд, итдан паст», «Бораверади-бораверади тангадай жойни эгаллайди» каби Т.ларнинг жавоби «эгар» ҳамда «ҳас-са» экани мантикий фикрлаш ва қиёслов асосида аниқланади. Т. бир жумла б-н, шеърӣ бандда, кичик ҳикоя тарзида ҳам ифодаланиши мумкин.

Оиладаги катталар – бобо, буви, ота, она махсус давра ташкил этиш йўли б-н фарзандларга янги-янги Т.лар айтиб, улардан жавобини талаб қилиб борсалар, бу жараён болалар учун кизиқарли ўйин, ақл мусобақасига айланади. Удумга кўра, Т. айтиш мусобақасида ютқазган шахар беради ёки олдиндан келишилган жазога мустаҳик бўлади. Оила даврасида боланинг иззат-нафсига тегмайдиган, уни таҳкирламайдиган, балки энгил кулги ва ҳазил мутойибага сабаб бўладиган жазо ўйлаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Т. айтиш, унинг жавобини топиш жараёни болаларни келгусида дуч келадиган муаммоларни энгишга, ҳаёт жумбоқларини ҳал қилишга ўргатади. Улар диққатларини жамлашга, гапирилаётган ҳар бир жумланинг моҳиятига эътибор қилишга ўрганадилар.

**ТОТЕМИЗМ** – (Шим. Америка ҳиндуларининг ожибве қабиласи тилидаги «ототем» – «унинг уруғи» – ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири). У кишиларнинг маълум гуруҳи б-н ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари (баъзан табиат ҳодисалари, жонсиз нарсалар) ўртасида ғайритабиий алоқа, қон-қариндошлик бор деган эътиқодга асосланади. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз предмет-

лар Т. ҳисобланган. Т.лар (кўпинча ҳайвонлар) ов қилинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган, улар гўё кишиларнинг қудратли ҳимоячиси ҳисобланган. Қабила, уруғ ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги Т.га боғлиқ деб қаралган. Улар ўз Т.ини қариндоши, акаси, отаси, дўсти деб ҳисоблаган. Ҳар бир қабила, уруғ ўз Т.ининг номи б-н аталган. Тотемистик эътиқод ва маросимлар муайян кўринишда кўп халқларда, айниқса, Австралиядagi қабилаларда сақланиб қолган.

**ТУРМУШ** – кишиларнинг моддий, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлашга бўлган, шунингдек, маънавий кадриятларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат ижтимоий ҳаётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси. Т. кенг маънода тинчлик, кундалик ҳаёт тарзини англайди. Т. ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари меҳнат, ижтимоий фаолият, кишилар кайфияти ва юриш-туришига таъсир кўрсатади. Одатда Т.нинг ижтимоий, шахар, кишлок, оилавий ва якка Т. шакллари фарқланади. Т. ўзаро муносабат нуктаи назаридан ҳам тасниф қилинади: моддий ва маънавий Т., ижтимоий ва якка Т. Вактни сарфлаш нуктаи назаридан (физиологик эҳтиёжларни қондириш, меҳнат), ижтимоий ҳамкорлик ва мулоқот жиҳатидан (оила, кўшничилик, ўртоқлик жамоалари) Т. турлари ажралиб кўрсатилади. Т.да ижтимоий зиддиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Жамиятнинг тарихий таракқиёти жараёнида Т. унсурлари ва унинг таркиби ҳам ўзгаради. Урбанизация жараёнлари оқибатида Т.да бўш вақтнинг улуши ортиб боради. Оммавий эҳтиёжларни қондириш ва аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган маиший корхоналар тармоқларининг кенгайтирилиши оилавий ва якка Т.га таъсир кўрсатади.

**ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** – аҳоли даромадлари, кексалар таъминоти, аҳоли

омонатларининг тўпланиши, суғурта, саломатлик даражаси, бўш вақт, жамоат хавфсизлиги, таълим савияси, транспортда ҳаракатланиш хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси, миграциянинг ўсиш кўрсаткичлари, қашшоқлик, ишсизлик, кундалик истеъмол даражаси, аҳолининг иқтисодий активлар б-н таъминланганлиги каби кўрсаткичлар б-н белгиланадиган категория.

**ТУРМУШ СИФАТИ** – кенг маънода аҳолининг турли эҳтиёж ва манфаатлари нуқтаи назаридан ўз турмушидан қониқиши даражаси. Т.с. иқтисодиёт чегарасидан ташқарига чиқувчи объектив ва социологик таркибий қисмларни, яъни, эҳтиёж ва манфаатларни кондириш, инсонларнинг ўз турмушидан каноатланиш даражасини қамраб олувчи категориядир. Т.с.ни баҳолашда америкалик тадқиқотчи Д. Джонстоннинг турмуш сифати индекси, Ж. Форрестернинг Т.с. индекси, австралиялик иқтисодчи олим В. Хедейнинг инсоннинг ўз-ўзини юзага чиқариш индексидан фойдаланилади.

**ТУРМУШ ТАРЗИ** – ижтимоий гуруҳлар, элат, халқ, миллатларнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунча. Т.т.нинг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кўп ҳолатда кишиларнинг ҳаёт кечириши, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори б-н ифодаланади. Маълумки, ижтимоий турмуш, шаҳар ва кишлоқ турмуши, оилавий ва индивидуал турмуш бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек миллий Т.т.нинг нисбатан барқарор ҳолатида куйидаги шакл ва таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) миллий ҳудуд, маданий яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижтимоий ривожланиш б-н боғлиқ ҳодисалар; 2) миллатнинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги; 3) миллат тарихи, ўтмиши; 4) урф-одатлар, анъаналар, маро-

симлар, яшаш тарзи, маънавий мероси ва б.даги миллийлик, улар б-н боғлиқ ўзига хос хусусиятлар; 5) миллий тил, миллий маданият ва маънавий туйғулар ва ғоялар ҳамда миллий мафқуралар. Ўзбек халқи Т.т.даги асосий хусусиятлардан бири Шарқ халқларига хос бўлган руҳий-психологик ҳаёт тарзидир. Халқимиз ҳаётида одо-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти бекиёсдир. Инсон жамоада туғилиб, ўсиб, камолга етар экан, унинг таваллуд топган давридаги расм-русумлари, ирим-сиримлари, тўй-томошалари, урф-одатлари, байрамлари, ҳашар, кўмак юмушлари, дафн ва таъзия маросимлари, хуллас, ҳаётининг барча яхши – ёмон қунларидаги турфа эскирмас қондалари жамоанинг фаол иштирокида ўтган. Халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб, кўни-кўшничилик удумига қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният б-н исм қўйилган ва саводини чиқариш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларни ҳунарни ва уй-жойли қилиш, ота-оналар ҳаёт фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Кундалик юриш-туриш, салом-алиқдан тортиб, инсонийликнинг барча тамойиллари жамоа назарида бўлган. Муайян халқ, элат ва миллатнинг Т.т. уларнинг яшаш жойлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланиб, тараккий топган.

**ТУГИЛИШЛАР ТАҚВИМИ** – оилада муайян даврда кутиладиган фарзандлар сонига эришиш жараёнини тавсифлаш. У протогенетик ва интергенетик оралиқлар ўлчамлари б-н тавсифланиб, аҳолини рўйхатга олиш натижалари ёки аёллар орасида махсус тадқиқот олиб бориш йўли б-н аниқланади. Мазкур маълумотларда никоҳга кириш ёши (санаси) ва фарзандларнинг туғилган саналари кетма-кетликда қайд қилиниши лозим. Биринчи фарзанд туғилган санадан онанинг никоҳга кириш

санасини айириш йўли б-н протогенетик оралик аниқланади. Агар туғилиш онгли, оммавий тарзда чекланмаган ва ихтиёрий фарзандсизлик тарқалмаган бўлса, оралик аксарият ҳолларда бир йилдан ошмайди. Ҳар кейинги фарзанднинг туғилган санасидан олдинги фарзанднинг туғилган санасини кетма-кетликда айириш йўли б-н интергенетик интервал қийматлари ҳисоблаб чиқилади ва фарзандлар туғилган саналар б-н онанинг туғилган санаси таққосланиб, онанинг ҳар бир фарзандини дунёга келтиргандаги ёшини аниқлаш мумкин бўлади.

**ТУҒУРУҚ АЛОМАТЛАРИ** – одатда, туғишига оз қолганда аёлда ҳомиладорлик ниҳоясига етганлигини билдирадиган белгилар. Туғуруқхонага вақтида бориш учун аёл бу белгиларни билиши лозим. Туғишга 23 ҳафта қолганда бачадон тез кўзғаладиган бўлиб, арзимаган сабаб б-н ҳам қисқаришга тайёр туради, унинг туби кескин олдинга эгилади, қорин пастга тушади ва аёл енгил нафас ола бошлайди, организмдан ажралган суюклик ҳисобига тана вазни бир қадар енгиллашади. Бу пайтда кўпинча аёллар салга таъсирланадиган, тезда толиқадиган бўлиб қолади, кайфиятлари тез-тез ўзгариб туради, кўпчилик аёллар бели ва қорнининг пастки қисми тортиб оғриб, тўлғоққа ўхшаш дардни ҳис қиладилар. Аммо бу суст оғрик бўлиб, унча ҳам сезилмайди. Элда уни «ушок дард» дейишади. Баъзан оғрик кучайиб кейин тўхтаб қолади, баъзан эса кучайиб бориб ҳақиқий тўлғоққа айланади. Туғуруқ яқин қолганлигининг муҳим белгиларидан бири киндан қуюқ, чўзилувчан (кўпинча қон аралаш) шиллик ажралишидир (ҳомиладорлик давомида бачадон бўйни каналини тўлдириб турган шиллик тиқин ажралади). Қорин пасти, думгаза, бел соҳасида тарқок оғрик кузатилади. Туғуруқ нишонасидан аёл чўчимаслиги, аксинча сергакланиши

лозим. Шундай белгилар пайдо бўлганда аёлнинг бирор ёққа бормай уйда бўлиб тургани маъқул, чунки тўлғоқ кучайиб, зудлик б-н уни туғуруқхонага элтиш зарур бўлиб қолади. Иккинчи ва ундан кейинги туғишда тез туғиб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг учун ҳомиладор аёл туғуруқхонага туғуруқнинг биринчи белгилари (бачадон мунтазам қисқариши) пайдо бўлиши б-н озгина бўлса-да қонли белги ёки сув келса, дард тутмаса, ҳатто туғиш вақти ҳали етмаган бўлса ҳам зудлик б-н туғуруқхонага боргани маъқул.

**ТУҒУРУҚ ДАВРИ** – туғуруқнинг ўзига хос белгилар б-н кечадиган даври. Т.д. асосан 3 даврда кечади: бачадон бўйни очилиши, ҳомиланинг сурилиши, йўлдошнинг тушиши.

Бачадон бўйни очилиш даври биринчи мунтазам тўлғоқлар б-н бошланиб, бачадон бўйни ташқи тешигининг тўла очилиши б-н якунланади. Бу туғуруқнинг энг узок давом этадиган даври ҳисобланади, чунки бачадон бўйни секин-аста, мунтазам очила боради. Биринчи боласини туғаётган аёлларда бу давр 14–15 соат чўзилади, олдин ҳам туккан аёлларда 8–10 соат, баъзан ундан ҳам қисқа ўтади. Аёл қорнининг таранглашган пастки қисмида ҳамда бел соҳасида симиллаб турган босим сезади. Тўлғоқлар кетма-кет тутиб, ораликлари қисқариб боради. Дастлаб 15–20 дак. оралаб қисқа вақт (20–30 сек.) давомида тўлғоқ тутиб туради. Туғаётган аёлнинг қорнига қўл қўйиб турилса, бачадоннинг юмшоқ девори зичлашиб, қаттиқлашиб, таранг ҳолга келишини, маълум муддат ўтгач, яна бўшашиб тинч ҳолатга ўтишини кузатиш мумкин. Сўнг тўлғоқлар тезлашиб (тезлиги соатига 10–12 марта) давомийлиги 1–1,5 дак. гача етади, тўлғоқлар ўртасидаги вақт 2–3 дак. ва ундан камроққа тушиб қолади. Ундан ташқари тўлғоқлар кучайиб боради, бунинг натижасида бачадон мускулларининг

кискариши туфайли бачадон ичида босим ошади, айна вақтда бачадоннинг пастки қисми боланинг боши оша чўзилади, бачадон бўйни канали эса кенгайиб, очилиб боради. Туғуруқнинг биринчи қисми шунинг учун ҳам очилиш даври дейилади.

Бачадон бўйни тўла очилгач, тўлғоқ чоғида қоғоноқ ёрилиб, бола бошининг олдинги қисмидаги суви оқиб кетади. Агар туғуруқ меъёрида кечса, бачадон оғзи тўла очилгач, қоғоноқ ёрилиб, ҳомила суви тўла ташқарига оқиб кетади. Сув кетиб қолгач, тўлғоқ пасайиб қолади. Бирмунча вақтдан кейин икки баравар ортик куч б-н бошқачароқ тўлғоқ тутади, унга қорин мускулларининг қискариши – кучаник ҳам қўшилади. Шу лаҳзадан бошлаб туғуруқнинг 2-даври бошланади. Бачадон оғзи очилиши даврида сув кетмасдан туриб аёл бир оз юриши, тўлғоқ тўхтаганда ётиб туриши мумкин, ammo ҳеч қачон ўтирмаслиги керак, чунки боланинг боши жуда пасайиб қолганлиги сабабли унга зиён етказиб қўйиш мумкин. Тўлғоқлар орасида аёл енгил (сутли овқат, ширин чой, қатиқ, мева шарбати ёки шоколад) тамадди қилиб олиши, шунингдек, имкон бўлса, бир оз ухлаб тиниқлигининг куч йиғиб олишига ёрдам беради.

Ҳомиланинг сурилиши даври бачадон бўйни ташқи тешиги тўла очилиши б-н бошланиб, боланинг туғилиши б-н тугайди. Бу давр – биринчи бор туғаётган аёлларда 1,5–2 соат, такрор туғаётган аёлларда 20–60 дақ. давом этади. Туғаётган аёл кучана бошлаган заҳоти туғуруқ залига олиб ўтилади. Аёл ҳар кучанганда ҳомила туғуруқ канали бўйлаб силжий бошлайди. Бунда ҳомила бир қанча муайян ҳаракатлар қилиб сурилади, бу эса туғуруқни осонлаштиради.

Ҳомиланинг боши чаноқнинг ўлчамига мослашиб силжийди, бу даврда ҳомила боши букилади ва энгаги кўкрагига тегади, юзи ўнг ёки чапга қарайди. Ҳомила туғу-

руқ канали бўйлаб силжиганда энса қисми б-н олдинга, юзи б-н она думғазаси томонга ўгирилиб олади. Ҳомиланинг боши чаноқ туби, тўғри ва ташқи чиқарув йўлини босади, бунда аёлга ҳожати кистагандек туюлади. Кейинчалик аёл ҳар кучанганда ҳомила боши жинсий ораликда кўринади, кучаник тўхташи б-н кўринмай қолади. Тез орада кучаник тутмай турганда ҳам ҳомила боши кўриниб тураверади, кейин эса туғилиш бошланади. Бир-икки кучаник б-н боланинг боши, елкалари, сўнг бутун гавдаси чиқади. Ҳомила туғилиши б-н орқадан қоғоноқ сувлари оқиб кетади. Чақалоқ туғилиши биланоқ йиғлайди, нафас ола бошлайди. Чақалоқнинг киндиги кесиб, боғланиб, онадан ажратилади. Тезда уни кўриқдан ўтказиб ўлчаш, тортиш ишлари бажарилади ва биринчи ёрдам кўрсатилади (оғиз ва бурнини шиллиқлардан тозалаш, киндигига қараш, иссиқ тагликка ўраш). Сўнг янги туғилган чақалоқ рўйхатга олиниб, қўлига боланинг жинси, оғирлиги, туғилган вақти-соати, онанинг исми-шарифи, туғилиш тарихи рақами, бола қаравоти рақами қайд этилган клеёнка тасма боғлаб қўйилади.

**ТУҒУРУҚ ЙЎЛЛАРИ** – туғиш жараёнида ҳомила бачадон бўшлигидан эниб, қин ва чаноқ суяклари орасидан ўтиши лозим бўлган ички аъзолар ораси. Т.й. эгилган найча шаклида бўлади. Туғуруқ каналининг кириш қисми қаттиқ суяк ҳалқадан иборат. Бачадон бўйни ҳомилани, айниқса, унинг қаттиқ қисми бўлган бошини ўтказа оладиган даражада очилиши керак. Боланинг боши аёл чаноқ суяги айланасидан кичик бўлган тақдирдагина ўта олади. Демак, туғуруқ эсон-омон ўтиши учун Т.й. (бачадон бўйни, қин, оралик)нинг кенгаювчанлиги (чўзилувчанлиги) ва айниқса, она чаноқ суяги ҳажми б-н бола бошининг аниқ нисбати жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳомила бошининг Т.й.дан ўтишига ўзаро

алохида пардалар б-н боғланган бош суягининг ҳаракатчанлиги ёрдам беради. Шу боис хомиланинг боши энг тор чанок суяги айланасига ҳам мослашади. Боланинг боши хомиланинг энг йирик қисми бўлганлиги учун у ташқарига чиққач, кейинги қисмларининг ўтиши унчалик тўсикқа учрамайди.

**ТУҒУРУҚДАН КЕЙИНГИ ЖИСМОНИЙ ТИКЛАНИШ МАШҚЛАРИ** – туғуруқдан кейин аёлларнинг ўз танасини тиклаш учун бажарадиган машқлар; чилла даврида барча соғлом аёлларга жисмоний машқлар. Ҳомиладорлик даврида аёлнинг қорин деворлари чўзилади, бола туғилгач эса бўшашиб, осилиб қолади. Тукқандан кейинги қорин деворлари ва тос мускуллари таранглигининг бўшашаб кетиши туфайли (айниқса, дастлабки кунлари) ковуқ ва ичаклар фаолияти бузилиб, пешоб ажралиши қийинлашади, қабзият вужудга келади. Бу нохушликлардан янги бўшанган аёлни халос этиш учун махсус танланган жисмоний машқлар тавсия этилади. Соғлом, асоратсиз тукқан аёллар машқларни туғуруқхонадаёқ бажараверишлари мумкин. Жисмоний машқлар она организмини мустаҳкамлашга, унинг касалликларга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини тиклашга ёрдам беради; уйқу, иштаҳа сут келишининг маромида бўлишини таъминлайди. Машқлар аввалги қадди-қоматни, юриш-туришни тиклашга, хомиладорлик даврида толиққан бел мускулларига дам беришга, бачадоннинг тезроқ қисқаришига, чилла даврида бачадон букилиб қолишининг олдини олишга хизмат қиладиган бўлиши зарур.

**ТУҒУРУҚДАН КЕЙИНГИ ШАХСИЙ ГИГИЕНА** – туғуруқдан кейин жинсий аъзолари турли хил бактерияларни қабул қилишга мойил, иммунитетни нисбатан пасайган аёл учун соғлиқни сақлашга қаратилган гигиеник қонун-қоидалар.

Дастлабки 5–8 кун (баъзида ундан кўпроқ) аёл туғуруқхонада бўлади, бу ерда она ва янги туғилган чақалоқ алохида шаронтда парвариш қилинади. Бу «янги тукқан аёл кимираммай ётиши керак» дегани эмас, албатта. Туғуруқ мураккаб кечмаган бўлса, аёл чилла даврининг дастлабки кунлариданоқ ўрнидан туриши (туғуруқдан 6 соат ўтгач), стул ёки қаравотда оёқни осилтириб ўтириши, кейинги кундан дастлаб 15–30 дақ.дан 1–2 марта, кейинчалик эса кўпроқ хонада юриши мумкин. Туғуруқ мураккаб кечган бўлса, унинг қачон ўрнидан туришини врач белгилайди. Янги тукқан аёлнинг ўрнидан эрта туриши, фаол ҳаракат қилиши чанок мускуллари ва қорин деворлари тортилишини, бачадон қисқаришини тезлаштиради, пешоб ҳайдалишини нормаллаштиради (бир кеча-кундузда 4–5 марта, иложи борича эмизишдан аввал ковуқни бўшатиш зарур), ичаклар фаолиятини тиклайди (2–4 марта, кейинчалик ҳар куни ич келиши керак). Ҳомиладорлик даври чўзилган аёлнинг қорин деворлари тукқандан кейин осилиб қолиши, қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар, жумладан, бачадон ҳам пастга тушиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун аёл катта чойшабни бир неча қават (эни икки кафтча келадиган) қилиб ёки бинт шаклида махсус тикилган белбоғ б-н қорин-бел қисмини маҳкам боғлаб олиши лозим. Бу қорин ва бошқа аъзоларнинг бўшашиб осилиб қолишидан сақлайди, уни маҳкам тутиб туради. Тукқан аёл мускуллари ва қорин деворлари тортилиб ўз холига келмагунча жисмоний зўриқишдан ва оғир юк кўтаришдан ўзини асраб туриш лозим.

Тукқан аёл чилла даврида шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши керак. Чунки янги бўшанган аёл организми бирмунча заиф бўлиб, тананинг бошқа аъзолари ёки қўлдан, кир чойшабдан, қотиб қолган қонли чикиндилардан жинсий аъзоларга касал

юкиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун туққан аёл тозалikka қатъий риоя қилиши, оғиз бўшлиги ва баданини тоза тутиши, бола эмизиш ва овқатланишдан олдин ҳар гал қўлини совунлаб ювиши, тирноқларини тез-тез олиб туриши, кунига 2 маҳал жинсий аъзоларини нимранг калий перманганат эритмаси (марганцовка) б-н ювиб туриши зарур. Аёлнинг ич кийими ва чойшабларини вақти-вақти б-н алмаштириб, таглигини бот-бот янгилаб туриш керак. Юришга рухсат этилган туққан аёл 3 кундан кейин душда чўмилиб олиши мумкин. Туғуруқ ва ундан кейинги кунлар меъёрида ўтиб, она ва боланинг аҳволи яхши бўлса, туғуруқдан кейин 6–9-кунни уйга кетишларига рухсат берилади. Ўпка, юрак-қон томир тизимлари, меъда-ичак, сийдик йўллари, ички секретция безлари ва б. касалликлари бўлган, хомилдорлиги ва туғуруқ асоратли ўтган, шунингдек, боласи чала ёки дардманд туғилган аёллар кейинчалик касали мураккаблашиб кетмаслиги учун туғуруқхонада узоқроқ ушлаб турилади. Ниҳоят, она ва боланинг туғуруқхонадан кетишларига рухсат этилади. Уйда ҳам, албатта, иложи борича туғуруқхонадаги каби тартибга ва шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб туриш лозим. Энг аввало, она ва бола уйларига келгунча ҳамма ёқ тозаланган, тартибга келтирилган бўлиши керак. Она ва бола яшайдиган хонада ортиқча нарсалар бўлмаслиги лозим, хонани тез-тез шамоллатиб туриш зарур, у ерда чекиш, тагликларни куритиш, кир нарсаларни сақлаш мумкин эмас. Ўринбош кийим-кечак бот-бот алмаштириб турилиши лозим. Туққандан сўнг 25–30 кун ўтгандан кейингина бачадон шиллик қаватлари ўз ҳолига кела бошлайди, бу даврда ваннада чўмилиш мумкин эмас, чунки қинга сув б-н турли касаллик тарқатувчи микроблар кириб қолиши мумкин. Яхшиси, душда ёки тоғорада тик туриб чўмилган маъқул.

Эмизикли аёл олдидан тугмаланадиган оддий ип газламадан тикилган сийнабанд тақиши керак, бунда кўкрак осилиб ҳам, сиқилиб ҳам турмаслиги лозим, акс ҳолда сут безларининг бўшалиши қийинлашиб, сут тиралиб қолиши ва камайиб кетиши мумкин. Сийнабандни ҳар кун алмаштириб, ювиб қайнатиш, яхшилаб дазмоллаш зарур. Янги бўшанган аёл туғуруқхонадан чиққандан сўнг 1 ҳафтача ўтиб аёллар маслаҳатхонасига кўриниши керак. Малакали врач маслаҳатига риоя қилинганда чилла даврининг оғир асоратлари олдини олиш мумкин бўлади.

**Тўй** – базм-томоша ва зиёфат б-н нишонланадиган халқ маросимларининг умумий номи. Ўзбекларда никоҳ Т., бешик Т., хатна Т., ҳовли Т. ва б. турдаги Т.лар ўтказилади.

Т.ларни ўтказиш жараёнида инсонпарварлик, иззат-икром, меҳрибонлик, меҳмоннавозлик, иноқлик каби олийжаноб фазилатлар ўз ифодасини топади. Инсон зотини кадрлаш, хурматлаш ва улуғлашда Т.лар бекиёс қимматга эга. Т. бир кишининг шахсий иши бўлмай, кенг жамоатчилик ташаббуси ва иштироки б-н ўтадиган тантанадир. Шунинг учун Т.ларни замон талаби даражасига кўтариш доимо муҳим ҳисобланади. Т.ларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айникса, бадий жиҳатдан бойитиш ҳоз. давр талабидир.

Т. муайян тарихий даврнинг маҳсули сифатида моддий ва маънавий турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлади. Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келаётган бундай анъаналар замонлар оша мустаҳкамланиб бораверади. Ҳар бир даврнинг одамлари бу анъана ва расм-русумларга янгиликлар киритиб, уни мазмунан бойитиб, такомиллаштириб боради. Халқимиз орасида «Т.» атамаси б-н

номланган маросимлар жуда кўп. Азал-азалдан бундай маросимлар барча қариндошлар, маҳалладошлар ва яқин дўстлар иштирокида ташкил қилиб келинган.

Баъзан кишига яхши кайфият бағишловчи хурсандчилик кунларни, эсда қоларли яхши воқеаларни Т. деб номлайдилар. Аксинча, юртнинг бошига тушган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларни ҳам халқимиз биргина «Т.» атамаси б-н номлайдилар. Бу халқ оғзаки ижодида «Элга келган Т.» тарзида айтилади. Баъзида умр бўйи эл-юртнинг хизматини қилиб яшаб, узок умр кўриб, не-вара-эваралар ардоғида яшаган улуғ ёшли қариялар қазо қилсалар ҳам, халқимиз «бу уларнинг Т.лари», деб кўядилар.

Ўзбек халқида жуда кўплаб Т.лар борки, уларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, ўша удумнинг маросим сифатида кундалик турмуш тарзимизга кириб келиш сабаб ва омиллари бор. Бундай Т.лар республикамизнинг турли ҳудудларида турлича номлар б-н аталиб, турли хил тартибларда ўтказилади. Лекин маросимни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад деярли бир хил. Мас.: «Туғиш Т.» «Ақиқа Т.», «Бешик Т.», «Соч Т.», «Тиш Т.», «Оёқ Т.», «Суннат Т.», «Мучал Т.», «Мўйлов Т.», «Совчилик Т.», «Эшик очди Т.», «Нон синдирди Т.», «Фотиҳа Т.», «Маслаҳат оши Т.», «Қиз Т.», «Никоҳ Т.», «Кумуш Т.», «Олтин Т.», «Ховли Т.», «Уй Т.» ва б. Ўз навбатида, бундай Т.ларни ўтказиш асносида бажарилиши зарур бўлган ҳар хил удум ва анъаналар ҳам борки, бундай удум ва анъаналар ўтказилаётган Т. маросимининг шартларидан саналган. Бундай удум ва анъаналар маҳаллалардаги ёши катта кишилар ва ҳар бир жойнинг халқи томонидан сайланган Т. ўтказувчи масъул шахслар томонидан ташкиллаштирилиб, назорат қилиб турилган. Бундай Т.лар асрлар оша янги-янги талқинларда нишонлаб келинмоқда. Ўзбек халқининг яна бир

Ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, юқорида санаб ўтилган «Т.» б-н боғлиқ тадбирларда эркак ва аёлларнинг, ўғил ва қиз болаларнинг, оила аъзоларининг, қариндошларнинг жамоаддошларнинг, жўраларнинг – барча-барчанинг ушбу маросим бошидан охиригача бажарадиган ўз юмушлари ва вазифалари мавжуд бўлиб, бу вазифаларни ҳамма ўз ўрнида бажариши одат тусига айланиб қолган. Айниқса, бундай катта маросимларда овқат гайёрланаётган қозон атрофига аёлларнинг яқин келмасликлари, уларнинг бундай ишларга аралашмасликлари, бу вазифани хонадон эркаклари сидқидилдан амалга ошириб боришларини бошқа халқларда учрамайдиган энг нодир қадриятларимиз сирасига киритишимиз мумкин. Бу дегани тўйхонадаги барча муаммоларга эркак киши жавобгар шахс саналади дегани эмас. Бундай одат мана неча минг йиллардан бери ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотмай келаётганлиги Ўзбек оиласи нақадар метин қонун-қоидалар асосига қурилиб келинаётганлигидан далолат беради.

**ТЎЁНА** – тўйда тўй эгаларига топшириладиган тўй совгаси.

Ўзбек халқи қадимдан тўйга Т. б-н борган. Т. тўйга, тўй эгасига совға-салом б-н бориш дегани. Баъзи вилоятларимизда бу одат Т. эмас, кўшанч деб ҳам юритилади. Тўй бўлаётган хонадонга қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар якка-якка, баъзан гуруҳ-гуруҳ, жамоа бўлиб, ишхона, хизматдошлар вакиллари бир бўлиб, турли совға-салом қилишлари мумкин.

Т. қилиш қадим замонларда туя, хўкиз, сигир, кўй келтириш тарзида бўлган. Унинг миқдори ҳам тўй эгасининг ва тўёнанининг ижтимоий-моддий имкониятлари, иқтисодий-ижтимоий мавқеи, даражасига ва албатта, замонига қараб бўлган. Т. нафақат, ўзбекларга, балки барча туркий халқларга, тожик, форс ва б. халқлар руҳиятига ҳам

хос бўлган кадимий одатлардан биридир. Биз атрофимизда яшаб келаётган озарбайжонлар, қрим татарлари, турклар, корейслар ҳам бу одатга эгалигини яхши биламиз.

Нега Т. бериш одат бўлиб колган? Сабаби тўй қилган одам, хоҳ у фарзандининг қўлини ҳалолласин, хоҳ киз ё ўғлига никоҳ ўқитгирсин, қатга тўй қилиб, унинг харажатлари туфайли моддий-иқтисодий томондан анча қийналиб қолади. Шунинг учун ҳам эртанги кунни енгиллаштириш учун, яна бир жиҳати шу яхши кунлар, ширин ташвишларни ниёт қилиб ҳам кишилар бир-бирларига Т. қилишади. Бу одат ҳам айни пайтда ўзига хос ҳашар бўлиб, тўй эгасининг елкасидаги оғир юкни анча енгиллаштиради.

Т. беришнинг ҳамма замонлар учун энг мақбул шакли қурби етган даражада пул, маблағ б-н ёрдам қилиш усулидир. Ўзбеклар кейинчалик тўй ташвиши ўз бошига тушганда, қийналмасликларини ҳисобга олиб, имкони борича кўпроқ миқдорда пул Т. қилишга интиладилар.

**ТЎЛИҚ ОИЛА** – таркибида эр-хотин жуфтлиги мавжуд бўлган оилалар.

**ТЎЛҒОҚ ДАВРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ-ГАН УСУЛЛАР** – тўлғоқ жараёнида қўлланадиган чора-тадбирлар мажмуи.

Тўлғоқ ва кучанишнинг бошланиши туғуруқнинг пировардига етганини билдиради. Туғуруқ пайтида 100–200 мартагача тўлғоқ тутиши мумкин. Агар тўлғоқлар мунтазам ва кераклича тезлашиб борса, демак, туғуруқ меъёрида ўтаётган бўлади. Тўлғоқ ихтиёрдан ташқари тутиб турган бўлса ҳам, аёл кучаниқ тезлашишини ёки секинлашишини тартибга солиб, керак бўлиб колганда тўхтатиб тура олиши ҳам мумкин. Кучаниқ қанчалик кучли бўлса, бола туғилиши шунчалик тезлашади.

Туғуруқнинг чўзилишига аёлнинг ёши (биринчисини кечроқ туғаётган аёлларда


туғуруқ чўзилиши мумкин), хомиланинг катталиги, чанок суягининг ўлчами, бачадон қисқаришининг фаоллиги таъсир этади. Эсон-омон қутулиб олиш учун аёл тетиклигини сақлаб, туғиш жараёнида ўзи фаол иштирок этиши лозим. Туғуруқ бошланишида аёл ортиқча фаоллик кўрсатмай, кўрқмасдан ўзини тетик тутса, етарли. Кўрқув руҳий зўриқишга айланиши, бу эса жисмоний зўриқишни келтириб чиқариши мумкин. Дард зўриқкани сайин оғриқларни камайтирадиган усулларни қўллаш керак. Тўлғоқ тезлашиб, узоқроқ чўзила бошласа, аёл тезда ётиши ва чуқур нафас олиши керак (1-усул). Бир тўлғоқ давомида 2–3 марта чуқур нафас олиб, нафас чиқариш керак, бунда бурун орқали секин-аста нафас олинади, тезда оғиздан нафас чиқарилади, тўлғоқ тугагач, одатдаги нафас олинаверади. Чуқур нафас олинганда ўпкада ҳаво айланиши яхшиланади, натижада она кони кислородга бойийди, хомилага қон келиши кўпаяди. Шу мақсадда баъзан туғаётган аёлга кислород ҳам берилади. Тўлғоқ пайтида чуқур нафас олиш б-н бирга қорин пастини силаш ҳам фойдали (2-усул). Бунинг учун чуқур нафас олганда иккала қўл кафтини бурмоқларнинг юмшоқ учлари бирлашадиган қилиб қов устидан қориннинг ўрта чизигига тўғри бурчак шаклида қўйиб икки ёнга ва ёндан юқорига қараб уқаланади. Нафас чиқарилганда қўлларни киндикдан пастга бояғи нуқтага қараб силаб, яна илгариги ҳолатга келтириб қўйиш керак. Ўзининг толиқаётганини сезиб, аёл безовта бўла бошласа, ёнбошлаб ётган ҳолда бел соҳасини кафти б-н уқалаш тавсия этилади.

Бунда бармоқларнинг юмшоқ учи умуртқага қаратилган бўлиши керак (3-усул). Уқалашда белдан пастга думбага томон ҳаракат қилинаётганда нафас олиниб, юқорига томон қайта ҳаракатда нафас чиқарилади. Бел умуртқа қисми терисида аёл жинсий аъзоси, хусусан, бачадон б-н боғ-

лик тери ости нерв учлари жойлашганлиги сабабли бу соҳани укалаш катта аҳамиятга эга. Тўлғоқ ҳар 1,5–2 дақ.да такрорланиб, тўғри ичкада босим пайдо бўлгандек сезила бошласа, кўзи ёриётган аёл чанок суякларининг нуқталарини, думғаза суякларининг ёнбош бурчакларини босиши лозим (4-усул). Бунинг учун бош бармоқ б-н чанок суягининг олдинга чиққан дўмбоқчаси босилади (кафт эса болдир томон жойлашган бўлади) ёки мушт қилиб тугилган бармоқларни белга қўйиб, букилган иккала бош бармоқ б-н ўнг ва чап томондан умуртқа устунига параллел ҳолда қўлни қўйиб, думғаза соҳасининг иккала томони босилади. Тўлғоқлар орасида бир оз дам олиш керак бўлади. Кучаниқ пайдо бўлиши б-н врач ёки доянинг кўрсатмаларини аниқ бажариш, итоатли бўлиш жуда муҳимдир. Бола секин-асталик б-н осон туғилиши ва оралик йиртилиб кетмаслиги учун аёл доянинг маслаҳатларига кўра кучаниқни кучайтириши ёки секинлатиши мумкин. Бунинг учун туғаётган аёл гавдаси шундай ўзига қулай вазиятда бўлиши лозимки, у кучаниқ пайтида фақат қорин соҳасинигина эмас, балки бутун гавдаси, оёқлари, ҳатто бўйнини ишлата олсин.

Кучаниқ қуйидагича ўтказилади: кучаниқ бошланиши олдида чуқур нафас олиб чиқармай турилади, ҳавога тўлиб турган ўпка диафрагмани босади, у пастроқ тушгач, қорин ичида босим ошиб, бачадонга таъсир қилади. Туғаётган аёл қўллари б-н туғуруқ столи четларини ушлаб товонларини маҳкам столга тирайди, бошини бир оз кўтариб, иякни кўкракка қисиброқ турган ҳолда бўйин мускулларини таранглаштиради. Бунда оғиз юмилган, кўзлар очик ҳолда бўлади. Нафасни ортиқ ушлай олмай қолганда, секин нафас чиқарилади. Бу ҳолат бир неча бор қайтарилади. Кучаниқлар ўртасида эркин нафас олиб, оёқ мускуллари бўшаштирилади. Қўллар кўк-

ракка қўйилади ёки енгил ҳаракатлар қилинади, бу ҳаракатлар бузилган қон айланишини тиклайди. Бола бошининг катта қисми ташқарига чиққандан сўнг кучанишни бир оз тўхтатиш, қўлларни стол четидан олиб, бемалол бўш қўйиш керак, шундан кейин секин-аста, бемалол нафас олинганда қорин девори мускуллари бўшашади, бу эса дояга ораликни сақлаган ҳолда боланинг бошини секин-аста тўлиқ чиқариб олишга имкон беради. Сўнг яна бир бор кучанганда боланинг елкалари чиқиши осонлашади, бола гавдасининг қолган қисмлари чиқиши аёлдан унчалик катта куч талаб қилмайди. Туғуруқ пайтида аёл доя айтганларини бажариб, ўзини бошқара олса, бола чиқаётганида туғуруқ йўлидаги юмшоқ тўқималар йиртилмайди.



**УДУМ** – урф-одат ва аънананинг бажарилиш вақтида амал қилинадиган тартиб ва қоидалар мажмуи. У. умум томонидан қабул қилинган тартиб; одат, расм; аънанадир. Аммо у одат, расм, аънана сўзларининг шунчаки синоними эмас.

**УЙ-ЖОЙГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ АНИҚЛАШ** – уй-жойга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва рўй-

хатга олиш чора-тадбирлари. Бу тоифа хотин-қизларнинг муаммолари аксарият ҳолда оила б-н боғлиқ бўлиб, бунда ушбу асосий ижтимоий мезонларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

а) мулк ҳукуқи асосида турар жойнинг йўқлиги;

б) ижарада ёки яшаш учун ярқисиз турар жойда яшаши;

в) бошқа оила (оилалар) б-н бир уйда (бир хонадонда) яшаши;

г) кўп болалилик (уч ва ундан ортиқ) бўлиши;

д) оиласининг даромади етарли эмаслиги;

е) ижтимоий хусусиятига кўра алоҳида хонада яшаши керак бўлган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псориаз) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хулосаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида) ҳолатда бўлиши;

ё) оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

ж) уй-жой майдонининг конун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

з) биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;

и) ёлғиз ўзи ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парваришлаган аёллар (туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хулосаси асосида);

й) кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларни тарбиялаган аёллар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида).

Бу мезонлар асосида хотин-қизларнинг уй-жойга муҳтожлиги даражаси Комиссия томонидан кўйиладиган баллардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия биринчи навбатда энг юқори балл тўплаган ариза берувчиларга берилади.

**УЙ ХЎЖАЛИГИ** – ижтимоий-иқтисодий макротаркиб б-н боғлиқ бўлган ижтимоий ва биологик такрор барпо бўлишнинг асосий бирлиги бўлиб, биргаликда яшайдиган ва хўжаликни юргизадиган шахс ёки шахслар гуруҳи. БМТ комиссиясининг тавсияларига кўра «У.х.» унинг доирасида алоҳида шахслар ёки шахс гуруҳлари ўзини озик-овқат ва турмуш учун барча зарур нарсалар б-н таъминлайдиган турмуш тарзига асосланган. Ҳоз. иқтисодий шароитда «У.х.» ва «оила» тушунчалари бир-бирига жуда яқин. У.х. куйидаги асосий белгилар б-н тавсифланади: биргаликда ҳаёт кечириш, биргаликда хўжалик юритиш, умумий бюджет ва никоҳ-қариндошлик алоқалари. Бунда У.х. тегишли ижтимоий тузилмага – оилага, қариндошчилик ва қўшничилик муносабатларига мос келувчи хўжалик юритувчи субъект сифатида намоён бўлади. У.х.нинг асосида раҳбарлик (хукмронлик) муносабатлари ётади – биргаликда иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳукуқи унинг аъзоларидан бири (оила бошлиғи)га тегишли бўлади. Оила У.х.нинг асосий ўзаги ҳисобланади. У.х.нинг максади – қутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар, ўз оила аъзоларига фаровонликнинг кафолатланган даражасини таъминлашдан иборат. У.х.нинг ҳимоя вазифаси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг расмий ва норасмий меъёрларига асосланади.

**УМУМИЙ ВА ИШЛАТИЛАЁТГАН ДАРОМАДЛАР** – аҳолининг жами мобил даромадлари бруттосини улардан тегишли солиқлар ва мажбурий тўловлар

тўланишига қадар тавсифловчи тушунча. Қолган қисм (аҳолининг тасарруфдаги шахсий даромадлари) мобил даромадлар маблағларнинг энг юқори бўлиши мумкин бўлган шундай миқдорини тавсифлайдики, улар жамғармалардан фойдаланмаган ҳолда товар ва хизматларнинг охиригистеъмоли миқдорларини белгилайди.

**УРБАНИЗАЦИЯ** (лот. «urbs» – «шаҳар») – жамиятнинг ривожланишида шаҳар ва шаҳарлашиш ролининг ортиш жараёни. Шаҳарларда саноатнинг ривожланиши, сиёсий ва маданий функцияларнинг кенгайиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши ана шу жараёнга хос бўлган хусусиятлардир. У. учун шаҳар атрофидаги қишлоқлардан шаҳарларга, кичик шаҳарлардан мегаполисларга тебранишли миграция хосдир. У. жараёни қуйидагилар ҳисобига рўй беради:

– қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳар мақомининг берилиши;

– шаҳарлар атрофида янги аҳоли турар жойларининг шаклланиши;

– аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга миграцияси;

У. даражасининг ортиши қуйидаги ўзгаришларга сабаб бўлади:

– ҳудудларда к.х. и.ч.ининг улуши камайиб, саноатнинг салмоғи ортади;

– турар жой биноларининг зичлиги, кўп қаватли уйлар сони ортади;

– хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони кўпаяди;

– меҳнат бозори кенгайди;

– аҳолининг ҳаракатчанлиги ортади, шунингдек, турмуш тарзи ўзгариб боради.

**УРУҒ** – (ижтимоий бирлик) бир ота-онадан тарқалган қон-қариндошларнинг уюшуви натижасида шаклланган жамоа. У. инсоният тарихининг қад. даврига хос бўлиб, яшаш учун кураш ва ташқи душманлардан сақланиш мақсадида кишиларнинг

қариндошчилик асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлган. У.га қондошлари даврасида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлган оксоқоллар бошчилик қилган. Қадимда ўзбекларда 92 та У. бўлган: қўнғирот, манғит, минг, барлос, жалоир, найман, курама, кипчоқ ва б. Ҳар бир киши учун ўз аجدодлари қимлар эканлигини билиш мақсадида қайси уруғданлигини билиш фойдалидир. Аммо уруғчиликка муккасидан кетиб, фақат ўз У.и манфаатини кўзлаб, бошқаларни камситиш, атрофига ўз яқинларини тўплаб, қариндош-уруғчилик қилиш ягона миллат бирлигига ҳавф туғдиради. Қариндошлик ҳисоби она (она У.) ёки ота (ота У.) бўйича олиб борилган. У. юқори ва қуйи палеолит давлари ораллигида пайдо бўлган. У.лар қабилаларга бирлашган. Жамиятда табақаланишнинг пайдо бўлиши б-н бўлиниб кетган.


Ўрта Осиё халқлари кўпгина қабила ва Уларга бўлинган. Мас., ўзбеклар 92 дан ортик, туркманлар 100 дан ортик, қозоқлар 300 дан ортик қабилалар ва У.ларга, улар эса яна бир неча У.чаларга бўлинган. У.лар, кўпинча яшаган географик жойлари ва и.ч. турларининг номлари б-н аталган. Туркий халқлар таркибига барлос, қиёт, қушчи, қўнғирот, уйшун, найман, чимбой, қарлук, кенагас, дўрмон, манғит, нукуз, уйғур, хитой, тоймас, кипчоқ, туман, минг ва б. У.лар кирган.

**УРФ** – қ. Урф-одат.

**УРФ-ОДАТ** – аънаналар сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Мас., ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрга туриб уй-ховлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларникига ҳашарга бориш ва б.) У.-о. ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, тур-

муш тарзи ва б. омиллар таъсирида ўзига хос равишда шаклланади ва миллат, элтининг ўзига хос кифоасини белгиловчи хусусиятларидан бири ҳисобланади. У.-о. ва расм-русумлар миллий анъаналар, миллий тил ва миллий руҳ б-н бир қаторда миллий маънавият ва маданиятнинг муҳим қисми саналади. У.-о. ва расм-русумлар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зарурий шарти деб қабул қилинади. У.-о. ва расм-русумларга бефарқ киши ўзини ўз миллатидан узоқлаштириб, узиб қўяди. У.-о. ва расм-русумларга ҳурмат ўз миллатига ҳурматнинг таркибий қисмларига, кўп миллатли давлатда ўз миллатининг, У.-о.ларига риоя қилиш бошқа миллатлар б-н бўлган дўстона муносабатларига пу-тур етказмаслиги керак.

**УЛФАТЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ** – ижтимоий ҳаётда фикр, дунёқараш, мақсад, интилиш ҳамда табиатлари жиҳатдан бир-бирларига яқин кишилар ва уларнинг оилалари ўртасидаги муносабатлар. Оддийгина инсонийликдан тортиб, хизмат юзасидан, касбий ёки ҳаётдаги муаммолар – ҳарбий хизмат, сафар, табиат кийинчиликлари ва ш.к. б-н ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. У.м. аслида, бўш вақтларни кўнгилли ўтказиш, одамлардаги яхши сифат ва фазилатларни кадрлаш, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, умуминсоний қадриятларни эъозлашга хизмат қилиши керак. Лекин бу муносабатда шаклланган бир зарарли одат. Бу зарарли одат анча қимматга тушаётган зиёфатлар, совгалар, дастурхон, тоғора кўтаришлар ва х.к.дир. Бундай зарарли удумлар ўз-ўзидан муносабатларни чегаралаб, унинг мазмун ва моҳиятини камайитириб боради. Бундай «даврага» кириб қолган кишилар, оилалар иқтисодий муаммолар таъсирига тушиб қоладилар. Бу эса уларни асабий зўриқишда ҳамда умумий кайфиятсизлик ҳолатда тутиб қолади.



**ФАРЗ** (араб. – қатъият, мажбурият) – шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий белгиланган амал. Буларга Куръонда кўрсатилган диний эътиқод, маросим, урф- одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар киради. Ф. 2 тур – «фарзи айн» ва «фарзи кифоя»га бўлинади. Биринчи тури барча мусулмонларга баб-баробар буюрилган бўлиб, уларнинг адади 40 та атрофида (мас., намоз, рўза, таҳоратдаги Ф.лар). Амри маъруф, наҳий мункар, илм олиш ҳам «фарзи айн»га киради. «Фарзи кифоя» эса бир қисм мусулмонлар бажарса, қолганлар зиммасидан соқит бўладиган ишлар. Мас., жаноза намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш кабилар. Шариатга қўра, Ф.нинг бу турига кирувчи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўладилар. Кенг маънода Ф. – бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч.

**ФАРЗАНД** – инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустақкам занжири. Яхши, солиҳ Ф. – ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди. Аммо у одобли, ахши фазилатлар соҳиби, иғоаткор ва қобил бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хур-

сандчилик келтиради. Хукукий нуктаи назардан Ф. – вояга етган, меҳнатга лаёқатли, ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан судда даъвогар ва жавобгар бўладиган, ўз хатти-ҳаракатлари оқибати учун ўзи жавоб бера оладиган тўлиқ муомала лаёқатига эга шахсдир.

**ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ** – қонуний йўл б-н бирор болани фарзандликка олиш; суд томонидан белгиланган тартибда вояга етмаган боланинг ота-онаси деб топилиш.

Ф.о.да васийлик ва ҳомийлик белгилаш ёки оилаларга тарбияга бериш мумкин.

Ф.о. фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Ф.о. фарзандликка олувчиларнинг истаги тўғрисидаги аризаси б-н ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори б-н амалга оширилади.

Ҳар бир вояга етган эркак ёки аёл фуқаро Ф.о.и мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар, ота-оналик ҳуқуқидан чекланганлар, муомала лаёқатига эга бўлмаганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар Ф.о. ҳуқуқига эга эмаслар. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчи шахслар ўртасидаги ёш ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги керак. Ф.о. сир сақланади. Ўн ёшга тўлган болани Ф.о. учун унинг розилиги талаб қилинади. Агар бола шу оилада ўсиб, фарзандликка олувчиларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, боланинг розилиги талаб қилинмайди. Ф.о. учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб қилинади. Агар ота-онанинг кимлиги номаълум, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлса, муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинса, ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабсиз хабар олмаган бўлса, ота-онасининг розилигисиз болаларни Ф.о.га йўл қўйилмайди. Фарзандликка

олинган бола шу оилада туғилган бола б-н тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

**ФАРОВОН ОИЛА** – ўз вазифаларини муваффақиятли бажарадиган, ўз моддий, психологик ва б. ички ресурсларига таяниб, давлат томонидан кўмак кутмасдан вазиятларга мослашиб оиласини юритадиган ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялайдиган оила. Бу оила ўзининг соғлом турмуш тарзини юритиши, ҳаётдан мамнун бўлиб яшashi б-н ажралиб туради. Фарзандларининг билимларни олий даражада эгаллаши учун зарур шарт-шароитларни ўз иқтисодий имкониятларига қараб яратиш беради.

**ФИТРАТ** (тахаллуси; асл исми – Абдурауф Абдурахим ўғли. 1886, Бухоро – 1938.4.10. Тошкент) – жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. Ф. «Оила» асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчларини чуқур ёритиб берган.

Унинг фикрича, оила асосини тўғри қурмасдан, ёш авлодни тўғри тарбияламасдан туриб жамиятни ривожлантириш мумкин эмас: «Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади». Асарда Ф. нафақат ёзувчи, балки руҳшунос қиёфасида ҳам гавдаланади: «Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чакқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-киммати, тарбия қилмоқликни ўргатмоқ керак. Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмасликлари, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар б-н мамнун ва хурсанд бўлишини қўлаб-қувватлашлари керак».

Асар ХХ а. бошларида ёзилганига қарамай, ҳоз. кун нуктаи назаридан ҳам аҳамиятли. Ф. фарзандни камол топтириш учун жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан

иборат кўп таркибли тарбия бериш муҳимдир, деб ҳисоблайди.

«Ушбу рисоланинг асосий мавзуи оиладир, – деб ёзади Ф. – Оила эр, хотин ва фарзандлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир». Асарда тарбиянинг ҳар бир турини алоҳида номлаган муаллиф меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор берадиган ота-оналарнинг бу саъй-ҳаракатлари болаларини бахтга эришишига, албатта, ёрдам беришига ишонтиради.

Ф. оила ва мамлакат тақдирини бир-бири б-н муштарак ҳолда кўрар экан, ушбу фикрни баён этади: «Халқнинг... давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, ...заиф бўлиб хорликка тушиши, ...ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ».

**ФОТИҲА** (араб. – очмоқ, бошламоқ) – 1) Қуръоннинг биринчи (бошланғич) сураси номи. Ф. 7 оятдан иборат бўлиб, унда Аллоҳ таолога ҳамд, унинг сифатлари, қиёмат куни эгаси эканлиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг тақдирлари нима бўлиши баён қилинган; 2) бирон воқеа муносабати б-н ўқиладиган дуо, Қуръоннинг айрим қисқа сураларидан бирини тиловат қилиш. Исломи анъанасида Ф. – марҳумнинг вафоти муносабати б-н оила аъзоларига билдирилган таъзия. Бундан ташқари, «Ф.» сўзи унаштириш тушунчасини, шунингдек, яхши тилак тилаш, табриклаш каби кўчма маъноларни ҳам англатади.

**ФОТИҲА ТҶҲИ** – қиз б-н йигитнинг унаштирилганлиги муносабати б-н ўтказиладиган кичик тўй, унаштириш. Маросим номи «фотиҳа» сўздан олинган бўлиб, у Қуръоннинг биринчи сураси, бошланишидир. Шундан келиб чиққан ҳолда Ф.т. никоҳ сари қўйилган илк қадамдир.

Тошкентда бу маросим «Маълум оши» деб ҳам аталади. Бу икки куда келин-куёвни унаштирилганини ҳаммага маълум қилади, деганидир. Қалин ва сепнинг айнан, «маълум оши»да берилиши, бу маросимнинг исломдан илгари, ибтидоий даврда пайдо бўлганидан далолат беради. У патриархатнинг илк босқичларида шаклланган. Исломининг кириб келиши б-н маросимга диний тус берилади. Баъзи халқларда маросимда мулла томонидан фотиҳа сурасини ўқилади. Бу, ўз навбатида, маросимнинг номига ҳам таъсир кўрсатиб, унинг «Ф.т.» деб номланишига олиб келади. Аммо ўзбеклар, уни «кичик тўй» деб ҳам аташади.

Бу маросимни Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яққабоб туманларида «Тўққиз бичар» номи б-н Қамаш, Чирокчи туманларида «Фотиҳа ўқир тўйи» атамаси б-н юритишади. Жиззахда «тилло санади» деб ҳам аталади. Тошкентда «маълум оши», Ўзбекистон жан.ида (Сурхондарё) «ижоб» деб ҳам юритилади. Лекин барча вилоятларда бу маросим «Ф. т.» ёки «кичик тўй» номи б-н машҳурдир.

Ф.т.га, асосан, эркаклар борадилар. Эркаклар маҳалла оқсоқоли, куёвнинг амакиси, тоғаси ёки унга яқин бўлган кишидан иборат бўлади. Истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ отаси Ф.т.га бормайди. Чунки қалиннинг берилишида, «олди-берди»да икки куда ўртасига совуқчилик тушиб қолиши мумкин. Ф.т.да «тўй юбориш» куни ва никоҳ куни белгиланади. Шунингдек, қалин (сут ҳақи) пули, тиктириш пули берилади. Умуман олганда, Ф.т.да тўй б-н боғлиқ барча масала ва муаммолар ҳал қилинади.

Ф.т.да икки томон ҳам ўзининг меҳмонларини кутади. Келин томонда меҳмонларга суюқ овқат ва палов берилиши одат бўлган. Куёв томонда эса палов қилинмайди, чунки куёв томонга палов келин то-

мондан юборилади. Яъни икки томоннинг тугунлари алмашилганда, шулардан биттасига палов солиниши шарт. Куёв томон ҳам ўз меҳмонларини шу «тоғора»лар ҳисобидан кутиб олади. Шунинг учун ҳам эркаклар Ф.т.да узоқ ўтирмайдилар.

Қашқадарё ва Сурхондарёда XIX а. охири ва XX а. бошларида Ф.т. куйидаги тарзда ўтказилган. Совчилар келиб-кетгандан сўнг ота-оналари қариндошларини оилавий маслаҳатга (қариндош чақирди) тўплашган. Маслаҳатда келиннинг уйига бориб, қалин, тўй харажатлари ва кунини белгилаб келадиган эркак совчилар тайин қилинган. Бу вақт ичида келиннинг уйида ҳам оилавий маслаҳат бўлиб ўтган, унда куёвнинг ютуқлари ва нуқсонлари муҳокама этилган, тўй харажатлари келишилган, қалиннинг тахминий ҳажми белгиланган. Маслаҳатда, шунингдек, ота тўйга атаган маблағининг ҳажмини, нималар олиш кераклигини ўртага ташлаган. Маслаҳатдаги қариндошлар қўлларидан келадиган ёрдамни таклиф қилишган. Фотиҳадан бир неча кун олдин қалиннинг 1/3 қисми жўнатилган. Унаштирув куни келин уйига (тахминан) 2 та қўй (тўйнинг қўйи), 1 қоп қанд, 1 қоп майиз, 2 қоп ун, 1 қоп гуруч, 20 кг ёғ, 40 та қатта, 20 та кичик кулча ва б. нарсалар жўнатилган. Шу куни кизнинг уйида қариндошлар ва ҳамқишлоқлар учун зиёфат берилган – шўрва ёки палов тортилган. Меҳмонлар ва куёв вакиллари ўтирган уйга оқ дастурхон ёки оддий матода 2 та нон киритилган ва одатга кўра уни шу қишлоқнинг энг кексаси ушатган. Бу ўринда қариянинг қўп боласи, «бир никоҳли» хотини ҳаёт бўлиши лозим эди. Ўтирганлар ёшларга яхши ниятлар тилаб, қария ушатган нондан еганлар. Ноннинг қолган қисмини ўраб, аёлларга узатишган. Аёллар ноннинг бир қисмини «сизлар ҳам келин-куёв бўлинглар» деб болаларга улашишган. Бу одат «нон синдириш» деб атал-

ган. Куёв томон қарияларга 3–5 сўмдан, ёшларга 1 сўмдан, болаларга 30–50 тийиндан улашишган. Овқат еб бўлингач, дастурхондаги ширинликлар бўлиб олинган. Шундан сўнг, мулла иштирокида фотиҳа ўқилган. Келин-куёв «фотиҳалик» ҳисобланган. Ўзбекистон жанубида бу «ижоб» ёки «кичик тўй» дейилади. Бу маросимдан сўнг ёшларнинг ота-оналари бир-бирларини қуда деб аташган ва йигит кизнинг, киз эса йигитнинг қариндошларига йўлик-масликка ҳаракат қилган. Халқ орасида бу «куёв қочув», «келин қочув» деб аталади.

Ф.т. ўзининг этнорегионал хусусиятларига эгадир. Мас., Тошкентда фотиҳада қўй, гуруч, ун келтирилмайди. «Қўй-гуруч» Тошкентда «тўй юборар»да берилади. Зоминдагидек қудалар юзига, Қумқўрғондагидек қудалар елкасига, Янгиариқдагидек қудалар пешанасига яхшилик рамзи сифатида ун суртилмайди. Фарғона водийсида, Андижон вилоятида, Қарши, Китоб, Шаҳрисабзда пояндоз солинади. Хоразм, Қашқадарё, Андижон вилоятларида меҳмонларга ширсув (шакар аралаштирилган қайнатилган сув) тортилади.

Ф.т. жараёни икки қуданинг яқинлашувига имкон берса, бошқа томондан эса тўй тантанасининг аниқ вақтини ва ўртада бўладиган олди-берди ишларининг ҳажми ва киммати белгилаб беради.

**ФРИКЦИЯ** – жинсий алоқа пайтидаги ҳаракатлар, оргазм; рефрактер босқич. Ф. – копуляция (фрикцион ҳаракатлар) босқичи олатнинг кинга кириши ва фрикцион ҳаракатларнинг бошланишидан то оргазм – ниҳоятда лаззатланиш юзага келгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Фрикцион ҳаракатлар, одатда, 1,5–2 дақ.дан 6 дақ.гача давом этади ва асосан, оргазм б-н тугайди. Агар эркак меъёрида мунтазам жинсий ҳаёт кечириб юрса, оргазмни 1,5–2 дақ.дан олдин сезса, бу жинсий заифлик белгиси ҳисобланади. Агар аёлда қўзғалиш ва эрек-

ция тўлиқ ўтишига ҳамда фрикциион ҳаракатлар 6–10 дак. давом этишига қарамай, оргазм юзага келмаса, буни жинсий совуқлик, фригидлик деб ҳисоблаш керак. Бунда аёлнинг бўйида бўлиб қолишдан қўрқаётганлигини, каерда ва қай шароитда жинсий алоқа қилинаётганлигини ва б. сабабларни, албатта, ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, жинсий ҳаётни энди бошлаган ва ҳали оргазм туйғуларини умуман ҳис этмаган аёллар фригидликдан мустасно. Шунинг учун ҳам юқорида айтиб ўтилганлар барча аёлларга тааллуқли эмас.

Жинсий алоқани эмоционал идрок қилиш эркакда ҳам, аёлда ҳам фрикциион ҳаракатларнинг ниҳоятда кучайишига олиб келади. Фрикциион ҳаракатлар тўғри, спиралсимон ва айланасимон бўлиши мумкин.

Умуман, киннинг торлиги, фрикциион ҳаракатларнинг ҳар хил бўлиши, тезлиги ва эроген зоналарни силаб-сийпаш оргазмни тезлаштиради. Бу даврда эркак киши аёл кишининг майл-истагига қараши керак. Шундагина аёл киши жуфти б-н бир вақтда лаззат олади.

**ФУҚАРОЛИК НИКОҲИ** – замонавий никоҳ шаклларида бири бўлиб, на дин томонидан, на давлат томонидан тасдиқланган, бир-бирини синаш ё бир-бирининг эркинликларини чеклаб қўймаслик ёки бўлмаса, дин ва давлат томонидан юклатиладиган мажбуриятни ўз бўйига олмаслик мақсадида қурилган никоҳ. Ф.н. ёхуд синовдаги Оила ХХ а.нинг 20-й.ларида Ғарбда кенг тарқалди. Бу Ғарбдаги оилавий инкирознинг бошланиши эди. Атаманинг ўзи аслида XVI а.да Голландияда пайдо бўлган. Бу аслида бизнинг тушунишимиздаги қонуний, яъни Ф.н. бўлган. Фақат ўша даврларда битта никоҳ – диний (черковда ўқитилган) никоҳ тан олинган. Ҳар хил дин эгаларининг никоҳ қуриши мумкин бўлмаган. Шундай қилиб, икки инсонни «қўқ штамп»

орқали қонуний никоҳлаш пайдо бўлган. Аммо бу дин томонидан тан олинмаганлиги учун, бундай никоҳда бўлганларни норасмий, аслида никоҳланмаган деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли ўзига мажбурият юкламайдиган норасмий эр-хотинларни бугунги кунда ҳам Ф.н. номи б-н аташади. Замонлар ўзгариб ФХДЁдан ўтиладиган никоҳ расмий тан олинганидан сўнг у нафақат фуқаролик, балки қонуний никоҳ деб номланишига сабаб бўлди.

Бу никоҳ эркак ва аёл томонидан бирон-бир юристнинг идорасида қандайдир никоҳ «шартномаси» асосида бир неча йилга уни чўзиш ё бекор қилиш шarti б-н тузилади. Бу ҳужжат давлат томонидан берилган никоҳ гувоҳномаси ҳисобланмаса-да, оддий бирга яшашдан кўра унга нисбатан сал қонуний тус беради. Бунда никоҳланувчилар ўзларини шу б-н мулкый бўлинишда қафолатлангандек ҳис қиладилар. Шартнома муддатининг тугаши – уларни ҳар қандай мажбуриятдан ўз ўзидан озод этади. Хоҳловчилар тегишли китобнинг никоҳ ва ўлимни қайд қилувчи бўлимида имзо қўядилар. Бу уларни ҳеч қандай мажбуриятга ундамайди ва хоҳлаган вақтда у бекор қилиниши мумкин. Умуман олганда, маълум бир ҳужжатларга имзо қўйилиши, ўтмишда дин томонидан унга норасмий, аслида никоҳланмаган деб қаралиши унинг «Ф.н.» деган номга эга бўлишига, шу б-н бирга, эркак ва аёлга ҳеч қандай қонуний масъулият ва мажбурият юкламаслиги унинг «синовдаги оила» деб аталишига сабаб бўлди.


Ҳозирда маълум бир ҳужжатларга имзо қўймасдан ҳам Ғарбда бирга эр-хотин сифатида яшаётган оилалар жуда кўп, бунда эркак б-н аёлнинг ўзи келишади. Аммо бундай оилалар ҳам эски одат бўйича Ф.Н. деб аталаверилади. Чунки ҳужжатнинг борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, у қонуний ҳисобланмайди.

Бугунги кундаги Ф.Н. – бу синовдаги оила бўлиб, икки томон анъанавий никоҳ ё конуний никоҳ кургунча бир-бирларини норасмий никоҳда синайдилар. Агар бир-бирларига мос келсалар, яхши яшаб кетадилар ва ҳақиқий турмуш ҳам қуришлари мумкин.

Ф.н.нинг бир аср давомида дунё бўйича кенг таркалишининг психологик сабабларидан бири, турмушга чиққан қизнинг кейинчалик ўзгариб кетишидадир. У ўзига қарамай, эрига ҳам олдингидек муносабатда бўлмай қўяди. Шу б-н биргаликда, эркак ҳам никоҳдан аввалгидек аёлга эътибор бермай қўяди. Синовдаги никоҳда эса бир-бирини йўқотиб қўйишдан қўрққан эркак б-н аёл никоҳда яшаётгандек эмас, балки никоҳгача бўлган муносабатдагидек ҳаёт кечирадилар. Сабаби бундай никоҳда ажрашиш муаммо эмас. Шу сабабли фуқаролик никоҳи Ғарбда бугунги кунда энг кўп тарқалган никоҳлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбеклар орасида асл ҳолатдаги Ф.н. дан кўра кўпроқ синовдаги оила мавжуддир. Яъни эркак ва аёл бирга худди эр-хотиндек яшайдилар, аммо ўртада никоҳ шартномасини тузмайдилар. Ф.н., хусусан, никоҳ шартномаси Ўзбекистонга яқинда кириб келганлиги сабабли ҳали ўзбеклар орасида кенг тарқалмаган.

Ўзбекларда Ф.н., асосан, шаҳарларда учрайди. Буларнинг кўпчилиги Тошкент ш.га тўғри келади. Эркакнинг битта аёл билан Ф.н.да яшаши, кўпинча ўта «замонавий» фикрлайдиган, ғарбона ёки, айниқса, байналмилал «оила»ларда, аралаш никоҳ фарзандларида, атеист ёки бошқа динга мансуб ўзбекларда, ажрашган ва беваларда, шунингдек, уйлангунча масъулият олмай яшамоқчи бўлганларда учрайди. Шу б-н бирга, Ф.н. ўзбекларда иккинчи хотин кўринишида ҳам учрайди. Бунда иккинчи хотин ўзбек бўлмаслиги ёки ўзбек бўлиб, унча диндор бўлмаслиги мумкин.



**ХАВФ ГУРУҲИДАГИ ОИЛА** – муваффақиятли оила сифатида қараш учун нормадан оғиш мавжуд бўлган, нотўлиқ, кам таъминланган оила. Бу оилаларнинг ҳаётга мослашиш қобилиятларини пасайтириши, вақтинча бошқа ижобий хусусиятлари б-н алмашилиши мумкинлиги кўринади.

**ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ** – 15 май дунё микёсида нишонланадиган оила куни. БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 й. 20 сент.да бўлиб ўтган ялпи йиғилишида 1994 й.дан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинган.

**ХАТНА** – ўғил бола олатининг чекка кертмагини кесиш маросими. Дастлаб ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлган, ўспирин боланинг катталар сафидан ўрин олиши, балоғатга етиши муносабати б-н бажарилган. Бунда ҳар хил жисмоний синовлар (оч қолдириш, терини тилиш, қулок супрасини йиртиш, тишни синдириш, тишни эғовлаш ва ш. к.)га дучор этилган. Шундай одатлар Австралия, Океания, Африкада яшовчи айрим халқларда сақланиб қолган. Баъзи жойларда кизларни

хам Х. қилиш (клиторни ёки кичик жинсий лабларни олиб ташлаш) каби одатлар мавжуд. Бир қанча ҳолларда, жумладан, яҳудий, мусулмонларда диний маросим шаклини олган. Мусулмонларда болалар 3–5–7 ёшда, айрим ҳолларда 11–12 ёшгача Х. қилинади. Х. маросимлари ўзбеклар ва бир қанча халқларда тўй шаклида ўтказилади. Илмий тиббиётда олат касалланганда ва туғма нуксонлари бўлганда (парафимоз, фимоз ва б.) ҳам шундай операция ўтказилади.

**ХАТНА ТҶЙИ** – хатна маросими. Ислом дини тарқалгандан сўнг суннат амали бажарилишини байрам қилиш сифатида одат тусига кириб қарор топган. Х.т. ўғил болалар «қўлини ҳалоллаш»нинг, яъни уларни чин мусулмонлар қаторига ўтказишнинг асосий шarti ҳисобланган. Тўйга тай-ёргарлик (мас., маслаҳат оши), меҳмонларни таклиф қилиш, меҳмонлар шарафига ўйин-кулги, томошалар уюштириб зиёфат ўтказиш Х.т.нинг таркибий қисми ҳисобланган.

**ХИЁНАТ** – Эр ёки хотиннинг бошқа эркак ва аёл б-н муносабатга киришиши; номаҳрам шахс б-н муносабат ўрнатиш. Хиёнатни юзага келтирувчи омилларга қуйидагилар қиради:

а) демографик омил. Маълум жойларда жинслар орасидаги мувозанатнинг кескин фарқ қилиши, яъни «куёвлар шаҳри» ёки «келинлар шаҳри»нинг мавжудлиги;


б) қатта шаҳарларда аноним ҳаёт кечириш (айниқса, бошқа шаҳар ва қишлоқлардан келганлар учун);

в) алкоголь ва наркотик моддалар истеъмол қилиш;

г) жинсий ҳаёт масалалари ва жинс психофизиологияси бўйича саводсизлик ёки билимларнинг паст савияда эканлиги;

д) кескин ифодаланган жинсий дисгармония;

е) узоқ вақт айрилиқда яшаш.



**ЧАЛА ТУҒИЛГАН БОЛА** – вақтидан аввал, ҳомиладорликнинг 28-ҳафтасидан 36-ҳафтасигача бўлган даврда туғилган бола. Унинг вазни 1000 г дан 2500 г гача, бўйи 45 см гача бўлади. Ч.т.б.нинг мускуллари заиф, айниқса, тери ости ёғ қавати деярли йўқ, шунинг учун териси бужмайган, қаримсиқ кўринади. Тана тузилиши ҳам номутаносиб, боши танасига нисбатан анча қатта, қалла суяги чоклари, лиқилдоғи кенг, қўллари ингичка ва узун, бўйни қиска, оёқлари ингичка ва қалта, киндик ҳалқаси пастга тортилган, кулоқлари юмшоқ, бошига ёпишган, тирноқлари қалта, бармоқ учларига етмаган, териси юпка, шаффоф, тўқ кизил тусда, бужмайган, танаси майин тук б-н қопланган бўлади. Қиз болаларда қатта жинсий лаблар яхши ривожланмагани учун жинсий тешик очик, ўғил болаларда эса тухумлари ёрғоққа тушмаган бўлади. Кўз қорачиқлари, кўпинча оқиш парда б-н қоплангандай. Бу белгилар, албатта, ҳамма Ч.т.б.да бўлавермайди. Бу унинг чала туғилиш даражасига ҳам боғлиқ. Ташқи белгилардан ташқари, Ч.т.б.нинг ички аъзолари ва тизимлари, айниқса, марказий нерв тизими яхши шаклланмаган бўлади. Шунинг

учун у ланж, уйкусираган бўлиб, занф овоз б-н йиғлайди. Кўпчилиги эмиш ва ҳатто ютишни ҳам билмайди. Тез-тез юзаки ва нотекис нафас олади. Бундай нафас олиш бола организмни кислород б-н етарли таъминлай олмайди ва унинг аҳволини янада ёмонлаштиради. Ч.т.б. гавда ҳароратини ҳам бир меъёрда сақлай олмайди, ҳаво совук бўлса, унинг ҳарорати 35° ва ундан ҳам пастроқ бўлади, иссиқ ҳавода ёки уни иситиш учун грелка ва б. иситиш мосламалари қўйилса, иссиғи кўтарилиб кетиши ҳам мумкин. Бундай болаларнинг меъдаси кичик бўлиши ва ҳазм қилиш ширасининг кам ажралиши сабабли уларни боқиш ҳам анча қийин. Ч.т.б.лар етук туғилганларга нисбатан нимжон бўладилар, табиийки, уларни даволаш ҳам бир оз мушкул. Ч.т.б. ни парвариш қилиш анча мураккаб муаммодир. Чунки бундай гўдак организми функционал жиҳатдан етилмаганлиги туфайли унда она корнидан ташқаридаги ҳаётга мослашув қобилияти бўлмайди. Бу эса унга, айниқса, биринчи ой давомида ўта қулай шароит яратиб, яхшилаб парвариш қилишни тақозо этади. Ҳозир Ч.т.б.лар махсус шифохона шароитида парвариш қилинади. Вазни 1500 г дан кам туғилган болалар, махсус кувезлар – ҳарорати, ҳавоси, намлиги айнан она қорнидагига ўхшаш камераларда боқилади. Боланинг аҳволи яхшиланиб, уни уй шароитида боқишга лойиқ деб топилиб, вазни 2500 г га етгандагина уйга жавоб берилади. Лекин бола уйга келганида ҳам алоҳида парваришга муҳтож бўлади. Уй шароитида бола яшайдиган хона ҳавосининг ҳарорати 24–26° бўлиши лозим. Болани тез йўргаклаш, йўргаклари, кийимларини ҳар сафар иситиб олиш керак. Уни чўмилтириш муддати ва сувнинг иссиқ-совуқлик даражаси етук чақалокни-кига ўхшашдир. Чўмилтириб бўлгач, тезда иситиладиган сочиқ ва йўргакларга ўраб қуритиш, кейин иссиқ ич кийим кийгизиб,

пахмоқ адёлга ўраб қўйиш лозим. Бола бошига қалпоқча кийгизилади, лекин юзи очиқ бўлиши зарур. Боланинг қаттиқ исиб ва совуқ қотиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар бола совқотса, унинг атрофига ва оёғига сочиққа ўралган қиздиргич (грелка)лар қўйиш керак. Қиздиргичлар, одатда, 65°ли ҳароратда бўлиши ва боладан 10 см нарироқда туриши лозим. Бола исиб кетса, юзи қизаради, бурун чеккалари, пешанасида тер пайдо бўлиб, безовталанади. Шунда қиздиргичларни олиб ташлаш, зарур бўлса, 1–2 сидра кийимини ечиш лозим. Бола совиб кетса, териси оқариб, кўкаради, бурни танасидан кўра совуқроқ бўлиб, ўзи бўшашиб қолади. Бунда эса уни дарров иссиқ адёлга ўраш ёки иссиқ ваннага (36, 37°) солиш керак (5–7 дак.), яна атрофига қиздиргичлар қўйиш лозим. Ч.т.б. она сути б-н боқилса, яхши ўсиб, ривожланади. Уларда эмиш рефлексига сусти ёки умуман бўлмаслиги туфайли дастлабки кунларда бола зонд орқали (қунига 10 марта), кейин сўргич орқали эмизилиб, аста-секин кўкракдан эмишга ўргатилади.

Вазни 1500 г дан кам бўлган бола туғилганидан 3 ҳафта кейин чўмилтирилади. Соф ҳавода сайр қилдириш Ч.т.б.нинг ўсиб, ривожланишига фойдали. Ч.т.б. организмни, ички аъзолари, айниқса, ўпка димланишга мойилроқлиги сабабли унда ўпка касаллиги пайдо бўлмаслиги учун бола ухлаётганда уни қўлга олиш ва ётиш ҳолатини ўзгартириб туриш зарур. Бундан тапқари, Ч.т.б.да камқонлик ҳам ривожланиши мумкин. Бунда унинг ранги салқиб, кулок чиғаноқлари ҳам рангсиз, оқиш, бўшашган бўлади. Шунинг учун бир ойлигидаёқ турли касалликларга чалинмаслигининг олдини олиш мақсадида унга олма, ўрик, қора смородина, сабзи, лимон шарбатларидан ичириб туриш тавсия этилади. Ч.т.б.нинг асаб тизими ҳам яхши шаклланмаганлиги сабабли уларни қаттиқ шовқин, қичқирик,

баланд овозли мусикалардан сақлаш, тана ҳолатини кескин ўзгартирмаслик, бола яқинида ўткир ёруғлик бўлмаслиги лозим. Табиийки, бу Ч.т.б.лар етилиб туғилган болалардан дастлабки пайтларда жисмонан ва руҳан кечроқ ривожланади. Ч.т.б. етук боладан 0,5–2 ой кейинроқ ўйинчоқларига қараб кузатадиган, ўзига қараб гапираётган кишига кулок соладиган, «гапирадиган», куладиган, анча кейинроқ танасини ўгириб, қорни билан ётадиган, ўтирадиган, юрадиган бўлади. Ч.т.б.нинг тили ҳам 1–4 ой кечикиб чиқади. Тўғри парвариш қилинган Ч.т.б.лар кейинчалик вазн жиҳатидан ҳам бошқа жисмонан ва руҳан етилиб туғилган тенгдошларига етиб олади ва ўзиб кетиши ҳам мумкин.

### **ЧАҚАЛОҚ ҚУЛОҒИГА АЗОН АЙТИШ**

– Мусулмон халқларда янги туғилган чақалоқ кулоғига исм қўйиш пайти азон айтиш одати. Мусулмон халқларида, азон ва иқомат сабабидан бола турли бало ва дардлардан саломат қолади, унга шайтон таҳдид қилмайди деган қараш мавжуд. Шунинг учун ҳам чақалоқнинг чап кулоғига такбир, ўнг кулоғига азон айтилади.

**ЧАҚАЛОҚ ҲИССИ** – энди туғилган боланинг дунёни қабул қилиши. Узоқ даврлар мобайнида фанда чақалоқда кўриш, эшитиш, ҳис этиш хусусиятлари ҳам борлиги ҳақидаги фикр рад қилиб келинган эди. Лекин охириги 20–30 й. ичида олиб борилган тадқиқотлар чақалоқда кўпгина хусусиятларнинг етуклиги, таъсирчанлик ва ҳис этиш хусусиятлари ривожланганлигини исботлади.

Бола туғилгандаёқ кўради, лекин унинг кўриш хусусияти катталарникига қараганда 20 марта паст бўлади. У фақат ўзидан 25–30 см нарида турган жисмлар (ҳаракатсиз ва ҳаракатдаги)нинг шаклини кўра олади. Лекин шунинг ўзи унга турли хил ёруғликка муносабат билдиришга етарлидир: мас., бола кучли ёруғликдан кўзини қисади ёки юмиб

олади. Чақалоқ ялтироқ ва қизил рангдаги нарсаларни ажрата олади, ялтироқ, қизил шарнинг ҳаракатини кузата олади. Туғилган куниданок бола чўзиқроқ шаклли, шунингдек, қизил ва ялтироқ доғли жисмларга қарайди. Бунга ҳайрон бўлмаслик керак. Чўзиқроқ шакл инсон юзига хос шаклдир, шунинг учун бола бундай шаклдаги «юз» ҳаракатига эътибор беради, агар шу вақтда унга қўлни силкитса, у кўзларини пирпиратади. Лекин бола инсон юзига ўхшаш шаклни кузатса ҳам, атрофидаги бирор кимсани таниб ололмайди. Бунинг учун яна бир оз вақт керак бўлади. Умуман, бола 10 кунлик бўлганда онасини хидидан, 5 ҳафталик бўлганда овозидан, 3–5 ойлик бўлганда кўзи билан танийди. Чақалоқ кўзи дастлаб унча ўткир бўлмаса ҳам, тез ривожлана боради. У ҳатто қоронги тунда ҳам кўзини очиб-юмади, атрофга қарайди. Кўпинча чақалоқ кўзини гилайлантиргандай туюлади, бу бола кўз мускулларининг ҳали заифроқлиги туфайли кўз ҳаракатини етарли бошқара олмаслигидандир.

Чақалоқда эшитиш хусусияти кўришга нисбатан кучлироқдир. Унда она қорнидаёқ (айниқса, охириги 2 ой мобайнида) эшитиш хусусиятлари шаклланади. Шунинг учун у қаттиқ шовқиндан ёки эшик қаттиқ ёпилгандан чўчиб тушади, яқин ва узоқдан келадиган шовқинни ажрата олади. Ҳатто қўлларини мушт қилиб ухлаганда ҳам атрофида шивирлаб гапирилса, безовталаниб, кўзларини пирпиратади. Агар секин гаплашилса, бола кимираб, кейин уйғона бошлайди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бола она қорнидаёқ ота овозини эшитади, чунки у бу даврда пастроқ товушларни яхши қабул қилади, тугилгач, анча юқори товушларни, яъни она овозини эшитиш хусусияти ортади.

**Чақалоқнинг нафас олиши.** Бола туғилган заҳотиёқ унинг бурни ва оғзи ташқи

мухит б-н мулокотга киришади. Бу жараёнда унинг кўкраги бир текис тез-тез кўтарилади, бола организмда тез суръатда ўта мураккаб, мухим ўзгаришлар рўй беради. Ҳозиргина кислородни онадан олиб турган бола туғилгач, киндиги кесилиши б-н одабий инсонлар каби нафас ола бошлайди. У огзини очади ва ўпкасига кирган ҳаво уни ростлаб, тўлдиради, қовурғаларини кескин керади. Кўкрак кафаси кўтарилади. Ўпка қизариб, ғовакланади. Қон юракдан ўпка томирларига ўтиб, у ерда кислородга тўйинади; шу тариқа юрак-ўпка қон айланиши юзага келади. Чақалок энди катталардек нафас ола бошлайди. Лекин гўдак 1 ёшга тўлгунча нафас олиши бир меъёрда эмас, балки гоҳ юзаки, гоҳ чуқур, гоҳ тез, гоҳида секин бўлиши мумкин. Чақалок юракчаси жуда тез, ўрта ҳисобда дақсига 120–130 марта, катталарникига қараганда, деярли 2 баробар тезроқ уради.

**Чақалокнинг таъм билиш хусусияти.** Туғилганидан 12 соат кейиноқ бола оғзига ширин сув томизилса, тамшаниб, лаззатлангандек ётади, агар нордон лимон суви томизилса, башарасини бужмайтиради. Бола туғилганиданок ширин, шўр, аччиқ, нордон таъмини ажратади. Қанд уни тинчлантиради, аччиқ ва нордон таъм эса безовта қилади. Азалдан маълумки, эмицикли аёл кўкрак сутини кўпайтириш ва таъминини бузмаслик учун тўйимли, хушхўр овқатлар, ошкўкларни истеъмол қилган, чунки бундай овқатланиш натижасида пайдо бўлган сутни бола маза қилиб эмади. Пиёз ва саримсоқ каби нарсалар истеъмол қилинса, сут таъми бузилиб, бола уни яхши эммайди.

**ЧАҚАЛОҚНИ ЮБИВ-ТАРАШ** – кундалик чўмилтиришдан ташқари, чақалок ҳар куни эрта б-н юбив-таралади. Бунда болани эмизиб, овқатлантириб бўлгач, ечинтириб бадани синчиклаб кўздан кечирилади, териси, бўйни, қўлтиқлари, чоти,

таким, тирсак, кулок чиганоги орқасидаги тери бурмаларида қизарган, бичилган жойлар бор-йўқлиги текширилиб, ўша жойларга стерил вазелин ёки қайнатилган ўсимлик мойи суртилади. Чақалок юзи ва қўллари эса уй ҳароратидаги қайнаган сувга пахта хўллаб артилади. Қайнаган сувга хўлланган пахта б-н кўзларининг бурчагидан бурун томонига қараб артиб турилади (ҳар бир кўзга алоҳида пахта). Бурун, одатда, пахта пилик б-н тозаланади, агар унда қатқалоқ бўлса, бир томчи ўсимлик мойи томизиб юмшатилади ва вазелин суртилган пахта пилик б-н тозаланади (бу ўринда гугурт чўпи ёки шунга ўхшаш қаттиқ нарсага пахта ўраб ишлатиш асло мумкин эмас). Кулок чиганоклари хўл пахта, кулок тешиқлари эса пахта пилик б-н артилади. Чақалок оғзини артиш мумкин эмас, чунки оғиз шиллиқ пардаси носик бўлиб, тез шикастланади. Агар оғиз, лаб, лунжда ёки тилда оқ доғлар пайдо бўлса, чақалокни дарров врачга ёки ҳамширага кўрсатиш зарур.

Агар бола бошида окиш қазғоқлар ҳосил бўлса, қайнатилган ўсимлик мойи суртилади. Чўмилтиригандан қазғоқлар тушиб кетади. Чақалок тирноқларини (одатда, бола 3 ҳафталик бўлгандан биринчи бор тирноғи олинади) жуда калталатмаган ҳолда олиш, ишлатишдан аввал қайчини қайнатиш ёки спирт, одеколон б-н артиш зарур.

Таги хўл бўлган болани узок ётқизиб қўйиш мумкин эмас. Чақалок суткада 15 марта сияди, дастлабки пайтларда кунига 3–5 марта ичи келади (3–5 ойдан кейин кунига 2–4 марта ичи келади). Ичи келганидан кейин ҳар сафар унинг остини илиқ сув б-н яхшилаб ювиш лозим. Қиз бола остини олдидан орқа томонга қарата ювилади. Кейин яхшилаб артиб, қуритиб чот бурмаларига вазелин суртиб ёки болалар упасини сепиб қўйиш керак. Она чақалок терисини яхшилаб парвариш қилиши, би-

чилиши, шилинишининг олдини олиш учун доим кузатиб бориши жуда муҳим. Чунки терининг зарарланиши натижасида бола организмга инфекция ўтиши ва окибатда мурғак болада турли касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун чақалокни йўргаклашдан аввал маълум тери бурмаларини яхшилаб кўздан кечириш керак. Агар болада майда йирингли тошмалар бўлса, дарҳол уйга врач чақиртириш зарур. Бола бир ойлик бўлгунга қадар поликлиникага олиб чиқилмайди, врач уйда даволайди. Йирингли тошмаларни теридан бир оз кўтарилиб турадиган майда оқиш нуктачалардан фарқлаш керак. Бу нуктачалар касаллик бўлмай, тезда ўз-ўзидан йўқолиб кетадиган ҳолатдир. Ундан кўрк-маса ҳам бўлади. Кам ҳолларда боладан кўп тер ажраши натижасида оёқ кафтида ёки юзи ва бошида сувли тошмача пайдо бўлади ва бир оз вақтдан кейин йўқолади. Бунда терини яхшилаб парвариш қилиш лозим. Киндик ярасининг тўғри ва пухта парвариш қилиниши ҳам боланинг кейинги саломатлигини таъминловчи муҳим омилдир. Бола туғилганидан кейин озгина киндик қолдиғи қолади. Тушгунига қадар у стерил бинт б-н боғлаб қўйилади. Она унга қўл теккизмайди. Киндик, одатда, 4–6 кунда қуриб, тушиб кетади. Туғуруқхонадан чиққандан кейин ҳам унинг ҳолатини болалар врачлари ва ҳамшира кузатиб боради. Она ва бола уйга келганида киндик яра ҳали сувсираб турган бўлса, 3–4 кун мобайнида киндикни 3% ли пероксид водород эритмаси б-н ювиб, стерил пахта ёки бинт б-н қуриб, бриллиант яшили (зелёнка) суртиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Киндик тушгунига қадар болани чўмилтириш тавсия этилмайди, акс ҳолда киндик орқали микроблар ўтиб, йиринглаши ва бола қони захарланиши мумкин. Агар киндик нам бўлиб, 12–14 кунгача сувсираб турса, зудлик б-н болани врачга кўрсатиш керак.

**ЧАҚАЛОҚНИНГ ГИГИЕНИК МУОЛАЖАЛАРИ**, чақалокни чўмилтириш – энди дунёга келган болани туғуруқ асоратларидан тозалаш учун ўтказиладиган гигиеник жараён. Бола парваришининг энг муҳим турларидан биридир. Чақалок туғуруқхонадан келган куниданоқ чўмилтирилиши керак (бу, кўпинча киндик ҳолатига боғлиқ). Албатта, кўзи ёриган она ҳали анча заиф бўлади. Шунинг учун бу ишда оила аъзоларидан бир киши ёрдамлашиши лозим. Ўзбекларда, асосан, бир неча бола кўрган ва невараларни тарбиялаган тажрибали, табарруқ бувилар, оналар бу муолажаларни бошлаб берганлар ва ёш оналарга ўргатганлар. Чўмилтиришдан аввал боланинг барча зарур нарсалари: сочиқ, кийим-кечаклари (яктачка, кўйлакча, йўргак, таглик, аёлни, совун, майин ишқагич (губка), сув куйиб чайинтириш учун шиша кўзачани тайёрлаб қўйиш керак. Ваннача аввал иссиқ сув б-н яхшилаб совунлаб ювилиб, кейин қайноқ сувда чайиб ташланади. Ванначага сув бола танасини бир оз кўмадиган қилиб қўйилади. Дастлабки ҳафтада, киндик яраси битгунча чўмилтирадиган сувни қайнатиб олиш зарур. Сув ҳарорати 36,5–37°, хона ҳарорати 25° бўлиши лозим. Шунини яхши эсда тутиш керакки, шаҳар шароитида водопровод сувини ишлатиш мумкин. Лекин ҳовуз, ариқ ва ш. к. сув ҳавзаларидан олинган сувни, албатта, қайнатган маъкул. Биринчи бор чўмилтирганда болани аста-секин, мулоғимлик, эҳтиёткорлик б-н, эркалаб, табассум б-н гапириб туриб, йўргаги б-н сувга туширилади. Шундай қилганда бола сувдан кўркиб кетмайди ва кейинчалик сувга ўрганиб, маза қилиб чўмиладиган бўлади. Аксинча, у биринчи марта сувга тез туширилса, устига-устан, сув керагидан иссиқроқ ёки совуқроқ бўлса, бола қаттиқ кўркиб, чўмилишдан безиллаб қолади. Узоқ пайтгача уни

чўмилтириш кийин бўлади. Бола 6 ойлик бўлгунига қадар ҳар куни, ярим ёшдан кейин кун ора (ҳафтада 1–2 совунлаб, бошқа кунлари эса совунсиз қуруқ сувда) чўмилтирилади. Чўмилтиришдан аввал она тоза фартук тутиб, энгларини шимариб, болани счинтиради. Агар чақалок ости булғанган бўлса, аввал ювиб, тозалалаб кейин сувга туширилади.

Чақалок териси ўта нозиклиги туфайли уни катталардек артиб бўлмайди. Боланинг, айниқса, чот, бўйин, қўлтиқлари остидаги тери бурмаларини яхшилаб, синчиклаб қуритиш ва нам қолмаслигига эътибор бериш зарур. Қизариб, бичилишининг олдини олиш мақсадида ўша жойларига стерил вазелин ёки қайнатилган ўсимлик мойи суртиб қўйган маъқул. Бу муолажалардан кейин бола тезда кийинтирилиб, ўраб қўйилади. Айрим адабиётларда болани чўмилтираётганда ванначадаги сувга марганцовканинг кучсиз эритмасини қўшиш тавсия этилади. Агар боланинг танасида ҳеч қандай тошма ёки бирор ўзгариш бўлмаса, бу шарт эмас. Чўмилтириш вақти, албатта, ҳар бир оиланинг ўзига қулай вақтга белгиланади. Лекин болани кечки соат 20–21 ларда чўмилтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда бола кечаси яхши ухлаб, она яхши дам олади. Чақалокни чўмилтириш муддати 5–7 дакдан ошмаслиги лозим, 2–3 ойлик бўлганда 10 дақ.га етказса бўлади. Чўмилиб бўлиши б-н болани овқатлантириб, кейин ухлатиш керак. Болани овқатлантириб бўлган заҳоти чўмилтириш мумкин эмас.

**ЧАҚАЛОҚҚА ЎРИН-КЎРПА ТАЙЁРЛАШ** – чақалок учун унинг танасига ноқулайлик туғдирмайдиган кўрпа-тўшак тайёрлаш ва тайёрлашдаги муҳим жиҳатлар мажмуи.

Чақалок, албатта, бешик ёки болалар қаравотчасига ётқизилади. Пахта, пар, момиқ тўшаклар болага зарарли. Бирин-

чидан, бола танаси унга ботиб, унинг ҳали қотмаган суяклари букчайиб қолиши, иккинчидан, болани иссиқлатиб юбориши ва ўзига чанг йиғиб, болага таъсир этиши мумкин. Чақалокни дастлаб ёстиқ қўймасдан ётқизиш керак (уни кейинроқ қўйиш мумкин). Шунда унинг умуртқа поғонаси қийшаймайди. Тўшакдан ташқари, очиқ ҳавода сайр қилдириш учун болага 1 та энгил, 1 та жун чойшаб, 1 та пахтали кўрпа, 3–4 та сурп чойшаб, 3–4 та сурп жилд зарур. Бола ухлаганда ўрин-жой устини, чойшаблар б-н ўраб қўйиш мутлақо нотўғри. Бунда у тоза ҳаво ололмайди. Чақалокнинг ўрин-кўрпасини тоза тутиш, тез-тез ёйиб, шамоллатиш шарт. Тўшак ғилофи яхши ювиладиган газламадан тикилиши, алмаштириб туриш учун 2 та бўлиши лозим.

**ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОИЛА** – оилавий муносабат субъектлари (эр ёки хотин, ота, она, бола) дан бири чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган ҳолда вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар.

**ЧИЛЛА ДАВРИ** – туғуруқдан (йўлдош тушгандан бошлаб) кейинги 6–8 ҳафтагача бўлган давр. Туғуруқдан кейинги дастлабки соатлар (1 суткагача) эса илк Ч.д. ҳисобланади. Бу муддатда кўп қон кетиш ҳолатлари кузатилади, шу сабабли алоҳида эътибор ва кузатув талаб этилади. Халқ табобатида Ч.д. 40 кун ҳисобланиб, шундан 20 куни кичик чилла, 20 куни катта чилла дейилади. Туғуруқдан сўнг аёл организмнинг асл ҳолига қайтиши, чақалокнинг она сути б-н озикланишини, нормал ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда кўзи ёриган аёлга Ч.д. учун жами 106 кун (туғуруқдан олдин ва туғуруқдан кейин) декрет таътили белгиланган, кейинчалик бола 2 ёшга киргунча нафақа тўлаш, аёлнинг хоҳишига кўра

бола 3 ёшга тўлгунича иш жойи сақланган ҳолда бепул таътил бериш қонунлаштирилган.


Ч.д.да хомиладорлик, туғуруқ даврида аёл организми (аъзо ва тизимларда содир бўлган физиологик ўзгаришлар ҳолига кайтади (иволуция). Ч.д.нинг 1–2-куни бачадон туби киндик рўпарасида (қовдан 12 см юқорида) туради. Ч.д.нинг 10–12 куни давомида бачадон кискариб, туби одатдагича қов суяги ортига ўтади. Ч.д.нинг дастлабки кунлари бачадон оғирлиги 1000 г бўлса, 8-ҳафта охиригача камайиб, 50–60 г га тушади. Бачадон бўйнининг ички тешиги туғуруқдан кейин, ташки тешиги 3-ҳафтада беркилади. Бачадон кискараётган даврда шиллик кавати ҳам тикланиб, аста-секин бачадон ички юзасини қоплаб боради. Ч.д.нинг 3-ҳафтасига келиб, бачадоннинг эпителий кавати тўла тикланади. Бу жараён тугаллангунга қадар туғуруқ вақтида бачадон ички юзасида ҳосил бўлган жароҳатлардан Ч.д.га хос ажралма – лохиялар келиб туради. Ч.д.нинг 3–4-куни қонли, кип-қизил бўлиб, кейин рангсизланади ва камаяди, 5–6 ҳафтага бориб тўхтайтиди. Ч.д.да қин тонуси тикланади, ташқи жинсий аъзолар, қин ва бачадон бўйнининг яраланган, йиртилган, шилинган жароҳатлари битади. Бачадоннинг чўзилган бойламлари секин-аста калталашиб, бачадон найлари ва тухумдонлар одатдаги ҳолига келади.

Ч.д.нинг 2–3-куни сут кўзларидан сут (туғуруқнинг 15–18-кунигача оғиз сути, кейин одатдаги сут) ажрала бошлайди. Нормал ўтаётган Ч.д.да чиллалли аёлнинг умумий аҳволи яхши: пульси текис, тўла, баъзан сийрак (физиологик брадикардия), артериал босими ва тана ҳарорати нормал ёки шунга яқин (гоҳо янги бўшанган аёл ҳарорати бир оз кўтарилиши ҳам мумкин) бўлади. Ч.д.да ташқи жинсий аъзолар ва сут безларини ҳар куни тозалаб туриш,

асептика, антисептик қоидаларга қатъий риоя қилиш зарур. Чунки аёл жинсий йўлларидаги туғуруқ жароҳатлари, кўкрак сўрғичидаги ёриқлар орқали организмга инфекция кириши ва чилладаги септик касалликлар ривожланиши мумкин.

Ч.д.да соғлом аёлларга туғуруқнинг 2-куниданоқ организмни бакуватлаш, бачадон кискаришини тезлаштириш мақсадида махсус гимнастика машғулоти комплекси белгиланади. Ч.д.нинг 1–2-куни соғлом аёлга енгил ҳазм бўладиган овқатлар (сут, манний бўтқаси, каймоқ, қандли чой, кофе), 3-кундан бошлаб одатдаги калорияли сервитамин овқатлар тавсия қилинади. Ч.д.да аёл аччиқ, шўр, ўткир доривор ва бадҳазм таомлар истеъмол қилмаслиги, спиртли ичимлик ичмаслиги керак. Нормал кечаётган Ч.д.нинг 4–5-куни туққан аёл туғуруқхонадан чиқарилади. Тана ҳарорати юқори, шамоллаган, йирингли тери касаллиги ва б. инфекцияцион касаллиги бор аёллар туғуруқхонанинг махсус бўлимига ётқизилади.

**ЧИМИЛДИК**, гўшанга – никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги куёв қирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига ёки уйнинг тўрига тутилдиган махсус оқ парда ёки гулли чойшаб. Хоразмда «кўшана», Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида Ч. даставвал (куёв келар кечаси) қизнинг отаси уйда тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтказадилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, қиз куёвниқига олиб келинади. Бу ерда ҳам Ч. тутилади. Куёв-келин биринчи кечани Ч. ортида ўтказадилар. Баъзи жойларда тўйнинг эртаси куни Ч. олиб қўйилади. Айрим жойларда маълум муддат («чилласи чикқунча») Ч. тутилган ҳолда тураверади. Илгари Ч. (оқ ёки гулли мато)дан келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига ёпқич, ёстик, кўрпачалар тиқишган.



**ШАРИАТ** – (араб. «шаръа») – йўналтирмак, қонунчилик, тўғри йўл. Унга Қуръон ва «Сунна» асос қилиб олинган бўлиб, мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солувчи диний ҳуқуқ тизими ҳисобланади. Ш.даги қоидаларда никоҳ-оила ва маиший масалаларга алоҳида ўрин берилади. Ш. – бу кишилар амал қилиши учун ислом дини тарафидан буюрилган ҳукмлар ва низомлардир. Ш. ҳукмларини билиб олиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз ҳисобланади. Ш. қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ислом дини қоидалари давлат ҳуқуқий меъёрларида мужассамлашади.

Ш.нинг учинчи манбаи ҳисобланган «Ижмў» – яқдиллик б-н қабул қилинган қарор ёки жамоанинг ягона келишган фикри ҳисобланади. Бу қоидага кўра, Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда факих ва мужтаҳидлар (яъни мустақил равишда диний-ҳуқуқий, ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс) тўпланиб, ягона бир фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши, фатво бериши тушунилади.

«Қиёс» (ўхшатиш, қиёслаш, аналогия) Ш.нинг тўртинчи манбаи ва кейинги далилларни исботлаш воситалари қаторига қиради.

Мусулмон ҳуқуқининг ҳамма соҳалари, шу б-н бирга, никоҳ, қон-қариндошлик, талок масалаларини қамраб олган манбалардан бири «Ҳидоя»дир (тўлиқ номи «Ҳидоя фи-фуруъил – фикх» – «Фикх соҳалари бўйича Ш. қўлланмаси»). Бу қўлланма 4 жилдли 53 китобдан иборат бўлиб, унинг муаллифи марғилонлик Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Риштоний Бурҳониддин Марғиновичдир. Бу асарда исломнинг қатор масалалари б-н боғлиқ бўлган қоидалар ҳамда жинойят ва жазога оид татбиқ этиш лозим бўладиган чоралар батафсил ёритилган. Булардан ташқари, бу қонун-қоидалар мажмуасида мулкӣ ва молиявий муносабатлар, фуқаролик жараёни ҳуқуқига (гражданлик процессуал) ва б. масалаларга ўрин берилган. Асар ҳанафия мазҳаби хулосаларига асосланган. Қозилар, муомала-муносабатларидан келиб чиқадиган (фуқаролик, никоҳ, оила) ва б. низоли ишларни кўриб, ҳал этишда бошқа манбалар б-н бир қаторда «Ҳидоя»дан ҳам унумли фойдаланишган.

Ш. изоҳларининг тўплами «Мухтасар-ул Викоя» ҳам катта эътиборда бўлган. Мирза Қозимбек томонидан 1845 й.да Қозонда нашр этилган ушбу манбанинг қоидалари Туркистон ўлкасида қозилар томонидан кенг қўлланилган.

**ШАРИАТ БҲЙИЧА НИКОҲ** – никоҳланувчиларнинг шаръий йўл б-н никоҳдан ўтиши. Инсонийлик нуқтаи назаридан қаралганда никоҳ муқаддас ишдир. Чунки у ҳалоллик асосида қўшилишни маъқул деб билади, никоҳсиз қўшилиш эса ҳаромлик белгисидир. Ҳаромлик таъсири эса бўлажак фарзандларда, оиланинг баракали бўлишида ўз салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин. Қонун тилида никоҳ бола

туғилишини қонулаштирадиган алоҳида турдаги хусусий шартномани англатади. Ш.б.н. шартномага ўхшаб кетса-да, ундан фарқ қилган. У умрбод муддатга тузилади. Шариат муддатли шартларга йўл қўймаган. Агар никоҳ аҳдида муддатли шартлар, маълум ҳафта, ой ёки йил белгиланган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий эмас, деб саналган. Ш.б.н.дан ўтиш учун никоҳдан ўтувчилардан бир қатор шартларга риоя қилиш талаб этилган. Биринчидан, никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розилиги; иккинчидан, никоҳ ёшига тўлиш; учинчидан, никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш; тўртинчидан, келин учун қалин ва маҳр тўлаш; бешинчидан, диний эътиқод бирлиги; олтинчидан, никоҳдан ўтадиганлар яқин қон-қариндош бўлмаслиги; еттинчидан, табақа бўйича тенглик; саккизинчидан, никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши. Ш.б.н.дан ўтишда турмуш қураётганларнинг розилигини олиш маросими жуда қизиқ бўлган. Бу жараён никоҳ тўйидан бир неча кун олдин келиннинг уйида, маҳаллий урф-одатларга кўра расмийлаштирилган. У бўлажак куёв ва келиннинг икки гувоҳ ҳамда руҳоният вакили иштирокида амалга оширилган. Улардан розилик сўралган ва шу розилик никоҳ шартномасини тузиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланган. Ш.б.н. ёши ўғил болалар учун 12, қизлар учун 9 ёш этиб белгиланган. Бунда никоҳланувчилар жинсий жиҳатдан вояга етган бўлишлари лозим бўлган. Амалда эса ўғил болалар 14, қизлар 12 ёшга тўлганда никоҳ тузилган. Ш.б.н. аҳдини тузиш вақтида, албатта, икки киши гувоҳликка ўтиши лозим. Гувоҳликка ўтишга қўйилган шахслар никоҳ аҳдини тузувчиларнинг ўзаро розилигини ўзлари бир вақтнинг ўзида эшитган бўлишлари керак. Ш.б.н. аҳдини тузишнинг навбатдаги шарт ижратилган маҳрни беришдан иборат бўлган. Бусиз никоҳ ҳақиқий эмас, деб саналган. Маҳр куёв томонидан

келинга бериладиган, уй-жой ва сепдан иборат бўлган. Ҳар бир ҳудудда маҳр, қалин ҳажмлари ҳар хил бўлган. Қуръони каримнинг «Нисо» (4)-сураси, 22–24-оятларида никоҳ тақиқланган ҳоллар батафсил белгилаб берилган. Никоҳ аҳдини тузишда талаб қилинадиган шартлардан бири табақа бўйича тенгликдир. Никоҳ ҳақиқий тенг бўлиши учун «кафалат» – никоҳга кирувчи шахслар уруғи, қариндошлиги бўйича ва унвонларда тенг бўлиши лозим бўлган. Ш.б.н. аҳдини тузувчи томонлар руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши лозим. Ақлдан озган шахс б-н тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди. Юқорида санаб ўтилган шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина ҳақиқий ҳисобланган. Шариат бўйича эркаклар бир вақтнинг ўзида бир қанча хотин олишлари, аммо уларнинг сони тўрттадан ошмаслиги лозим. Сабаби агар бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлади. Яъни бу аёллар ўзларининг турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолади. Натижада жамиятда нопоклик ва маиший бузуқликлар юзага келади. Шунинг учун ислом моддий имкониятлари бор эркакларга кўп хотинли бўлишга руҳсат беради. Мусулмонлар никоҳ тузилишига қадар бир қатор диний урф-одатларни бажаришлари лозим. Бу урф-одатларнинг бири совчилик бўлиб, бўлажак куёвнинг яқин қариндошлари келиннинг ота-онаси ҳузурига бориб, никоҳ тўғрисида келишиб оладилар. Бу жараён «фотиҳа қилиш», «унаштириш» деб аталади. Иккинчидан, никоҳни халққа эълон қилиш учун зиёфат бериш мусулмонлар учун суннат амаллардан бири ҳисобланади. Учунчидан, никоҳ аҳдини тузиш вақтида мулла, икки гувоҳ ва куёв келиннинг уйига, ёки келин ва куёв гувоҳлари б-н масжидга боради. Мулла никоҳ «хутба»сини ўқишдан олдин эр-хо-

тинлик шартлари, эр ва хотиннинг бурч ва ҳуқуқларини тушунтиради, келин ва куёвнинг розилигини сўрайди, тасдиқловчи жавобни эшитгач, никоҳ хутбасини ўқийди. Никоҳ аҳди тузилгандан сўнг никоҳ васикасини олиш вақтида икки тараф ҳам муллага ёки қозига пул тўлаши лозим. Бу васика «никоҳ паттаси», тўланган пул эса «никоҳ кома» деб номланган. Никоҳ аҳди тузилгандан эътиборан келин эрининг уйида бўлиши лозим бўлган. Келин эрининг уйига, асосан, тўйдан сўнг борган. Юқорида кўрсатилган никоҳ аҳдини тузиш вақтида бажарилиши лозим бўлган ҳолатларни ҳисобга олиб, қуйидаги ҳулосага келиш мумкин: Ш.б.н. тузиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ислом дини томонидан белгиланган талаблар унинг қонунийлиги ва ошқоралигини таъминлаган.

**ШАРИАТ БЎЙИЧА ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР** – шариат томонидан эр-хотин ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи диний қонун қоидалар мажмуи. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шариат бўйича белгиланган бўлиб, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар никоҳ аҳди тузилиб, келишилган ва ажратилган маҳр берилгандан кейин бошланади. Оиланинг тинчлиги, унинг фароғатли турмуши шу оиланинг бошида турган эр б-н хотин орасидаги муносабатларга боғлиқ. Шариатда эр-хотинларнинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишлаб чиқилган. «Туғилган болаларнинг оталари болаларининг оналарини имконлари борица едириб-ичиришлари ва кийинтиришлари лозим» (Бақара, 233). Эр оила бошлиги ҳисобланганлиги туфайли, оила таъминоти учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб топиши лозим. Хотин эса оилада, асосан, уй-рўзғор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланади. Шунинг учун оиланинг бошқа аъзолари – хотиндан бошлаб, болаларгача оила бошлиғига бўй-

суниб, ўз мажбуриятларини бажариб келганлар. Бу ҳолат уларнинг рўзғорда баракали, тинч-тотув яшашларига асос бўлади. Агар эр уйда олти ойдан ортиқ муддат бўлмаса-ю, хотинини моддий жиҳатдан таъминламаса, бу ҳолат хотинга эрининг никоҳидан ажрашиши учун асос бўла олади. Агар эрининг биттадан ортиқ хотини бўлса, у ҳолда ҳар бир хотини учун алоҳида хона ажратиб, ҳовлига чиқиш учун алоҳида йўл очиб бериш эрининг бурчи ҳисобланади. Унинг мулкидан ҳамма хотинлари баробар фойдаланишлари мумкин. Хотиннинг эридаги ҳақиқа нисбатан мажбуриятлари кўпроқдир. Хотин, албатта, эрининг уйда яшаб, уйни озода ва тоза сақлаб, рўзғор ишларини бажариб, болаларини тарбиялаши лозим. Никоҳ аҳди тузилгандан бошлаб, эр-хотинлик муносабатига хиёнат қилмаслиги даркор. Агар эр хотинга нисбатан зўрлик, қўполлик қилса, эрлик мажбуриятларини бажармаса, унга хиёнат қилса, хотин эри б-н яшашни рад этиши мумкин бўлган. Хотин ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаса, эри унга нисбатан жисмоний таъсир чораларини кўриши, ҳатто ажрашиш масаласини қўйиши мумкин. Агар эр хотинига тирикчилик учун етарли миқдорда маблағ бермаса, у ҳолда хотини, қозининг руҳсати б-н, эрининг номидан ва унинг жавобгарлиги б-н қарз олиши, уйга тегишли мулкдан айримларини сотиши мумкин. Агар хотин эри олдидаги мажбуриятларини бажармаса, у ҳолда эри уни жазолаш, яъни уни зарар келтирмасдан уриш ва маълум муддат моддий таъминотдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга. Агар эр ёки хотиндан бири бошқа динга кирса, яъни ислом динидан чиқса, бундай ҳолда улар ўртасидаги никоҳ муносабати тугатилиб, мавжуд бўлган ҳамма мажбуриятлар бекор қилинади. Аммо динга нисбатан хиёнат эр томонидан содир этилган бўлса, у хотинига маҳр беришдан ва идда вақтида моддий

таъминлашдан озод этилмайди. Хотини ўлимидан сўнг, эр ҳамма вақт бошқа аёлга уйланиши мумкин. Хотинга эса эри ўлимидан сўнг бошқа шахсга фақат идда муддати ўтгандан сўнггина турмушга чиқишга рухсат берилади. Шариат оилавий турмуш давомида эр-хотин томонидан топилган мулк уларнинг умумий мулки эканлигини тан олмаган, биргаликдаги турмуш давридаги мулк кимнинг маблагига олинган бўлса, ўшаники ҳисобланган.

Шариат бўйича яшаш оила тинчлигини сақлаб қолади.

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ** – Шарқда яшаб, диний ва дунёвий илм ривожига алоҳида ҳисса қўшган илк уйғониш ва ўрта асрлар алломалари. Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва б.нинг асарларида Марказий Осиёда яшаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса, эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи, тарбиянинг муҳити ва б. ҳақида кимматли фикрлар мавжуд.

Ш.м.нинг барчасини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган асос шахс тарбияси ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг ролини ота-она ва яқин кишилар зиммасида эканлигини кўрсатганлигидадир.

Ш.м.ларидан бири Абу Наср Форобийдир. Унинг инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, умуман ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий қарашлардан иборат бўлиб, ахлоқ назариясини бойитди. Унинг таълимотида келтирилишича, ҳақиқий бахт бир одамнинг бошқасига нисбатан ғайирлиги,

зулми йўқолгандагина бўлади, оила аъзоларининг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру оқибатлари эса ана шу оиладаги одамларнинг бахтини ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга керакли тайёргарлик ҳолатини шакллантириш таъсирига эга эканлиги тўғрисидаги хулосалар ҳам мавжуд. Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, эр-хотин муносабати тенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши ҳақида тўхталиб, «Эр киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эраканинг яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир», – деб ёзади.

Ибн Сино «Китоб уш-шифо» асарида оила инкирози ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. Бу омилларга куйидагиларни киритган:

1. Агарда оилада фарзанд дунёга келмаган бўлса.

2. Агарда эр-хотин бир-бирига хиёнат қилса.

3. Эр ёки хотин тарбиясиз бўлса-ю, тарбия олишни истамаса.

4. Эр ва хотин бир-бирига ёқмайдиган табиатли бўлса.

Кайковус «Қобуснома» асарида бола тарбияси, оилавий ҳаёт, шахс камолоти масалаларини баён этади. Китобдаги асосий ғоя – ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга, эъзозлашга чақиришдир. Унинг бу борадаги фикрлари пандноманинг «Ота-она ҳаққини билмоқ зикрида» бобида баён этилган: «Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатини адо этмакдин бош торتماгай». XIX а.нинг иккинчи ярми ва XX а. олимлари ва маърифатпарварлари – Аҳмад


Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Абдулла Авлоний қабилар эса Шарқ мутафаккирларидан рухланиб, ахлоқ-одоб, оила этикаси ва психологиясига оид қатор асарлар яратдилар.

**ШАХСИЙ ДАРОМАД** – инсон томонидан пул ва натурал шаклда олинadиган, улар томонидан турмушнинг муайян даражасини таъминлаш учун фойдаланиладиган маблағлар мажмуи. Ш.д. фуқароларнинг меҳнат фаолиятида иштироки, и.ч. ва б. бойликларнинг исталган турига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ушбу давлатнинг қонуний ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий трансфертлар тўлови қўйилган ижтимоий гуруҳларга тегишлилик б-н боғлиқ барча пул ва табиий тушумлар йиғиндисидир.

**ШАХСИЙ ҲАЁТ СИФАТИ** – инсониятнинг дунё микёсидаги ривожланишининг бугунги кундаги йўналишларидан келиб чиққан ҳолда оиладаги уйғун муносабатлар ва шахсларнинг ўзаро ҳурматиға, уй ҳўжалигини ва болалар тарбиясини биргаликда олиб боришға, ишдан бўш вақтларни ўтказиш ва ўз шахсини ривожлантириш учун бўш вақтнинг мавжудлигиға, қадриятларни ва дунёқарашни шакллантиришға асосланадиган категория.

**ШОМОНЛИК**, шаманлик (эвенк тилида шаман – жазаваға тушиш) – ибтидоий диний эътиқод шаклларидан бири. Ёвуз ва эзгу руҳларға, уларнинг инсон ҳаётиға таъсир кўрсатишиға ишониш Ш.нинг асосини ташкил этади. Ш.да рухонийлар – шомонлар руҳлар б-н алоқа боғлай оладиган, бўлажак воқеаларни олдиндан айтиб бера оладиган шахслар, деб қаралади ва уларға сифинилади. Махсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва б. турли нарсалар тақиб олган шомоннинг халқ ўртасида рақс тушиб, жазаваға кириб, руҳлар б-н «алоқа боғлаши» ҳамда улардан маълум йўл-йўриқ олиши Ш.нинг асосий маросими ҳисобланади.

Бу диний эътиқодда оддий диндорларға белгиланган кенг маросимчилик белгилари ва ибодатхоналар йўқ. Шомонларға беморлар ўзларини даволаш мақсадида мурожат қилиб турадилар. Ш. Африка, Шим. ва Шарқий Осиёнинг кўп халқларида, Сибирда, ҳиндулар ва б.да тарқалган.



**ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ** – атроф-муҳитни авайлаб-асрашға оид ҳислатларни шакллантирувчи пед. ахлоқий тушунча. Ўзбек халқи қадим-қадим даврлардан бери табиатни севиб ардоқлаб келган. Аждодларимизнинг табиатни асраб-авайлаш, унинг ноёб бойликларини келгуси авлодларға кўпайтириб, бойитиб узатиш борасидаги мустаҳкам эътиқодлари, маънавий-ахлоқий тамойиллари оила орқали келгуси авлодларға сингдирилган. Бунда оила инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб маънавий ва моддий бойликлар қаторида, экологик қадриятларни ҳам ўз тарихий тадрижи давомида бойитиб, сақлаб, келгуси авлодларға узатувчи ин-т сифатида ҳам алоҳида эътиборға лойиқ.

Оиланинг турмуш тарзида Э.т. замонға қараб ўзгариши ҳаётий эҳтиёждир. Бу эҳтиёж болани ижтимоий ҳаётға тайёрлаш-

нинг асосини ташкил этади. Оилада маданиятни шакллантириш жамият ва табиат ўртасида уйғунликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** – 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёхуд ҳомийси розилигига асосан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган бўлса, унинг тўла муомалага лаёқатли деб топилиши.

**ЭМОЦИОНАЛ РАДДИЯ** – боланинг ота-она ҳаётида ташвиш, ортиқча юк эканлиги, усиз ота-онанинг ҳаёти бошқача бўлишининг болага мунтазам эслатиб турилиши.

**ЭНАГА** – болаларни парваришlash ва тарбия қилиш б-н шуғулланувчи шахс. Бу вазифани қадимдан тажрибали, чаккон, укувли аёллар бажариб келишган. Улар ўзларига ишониб топширилган боланинг барча муҳим эҳтиёжларини қондириш мақсадига эга бўлганлар. Абу Али ибн Синоннинг «Тиб қонунлари» асарида эмизадиган Э.нинг сути қандай бўлиши кераклиги ҳақида маълумот келтирилганидан билиш мумкинки, энагалик қадимдан алоҳида касб сифатида шаклланган. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳодни ухлатиш учун махсус навога (энага) ёллангани айтилади.

А.С. Пушкиндаги буюк истеъдоднинг камол топишида Э.си Арина Радионовна куйлаган қўшиқлар, эртақлар, афсона ва ривоятларнинг алоҳида ўрни бор.

Ҳозир МТМ.рида болалар тарбияси б-н ҳар бир гуруҳда тарбиячи ва Э. биргаликда шуғулланадилар. Оилаларда ишлайдиган Э.лар ҳам мавжуд бўлиб, улар хонадондаги бир ёки бир неча бола тарбияси учун жавоб берадилар.

Э.нинг билими ва истеъдоди қанча кучли бўлса, у тарбиялайдиган боланинг камолот даражаси шунча юкори бўлиши муқаррар.

**ЭР ВА ХОТИННИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ** – эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли шахс сифатида иштирок этиши. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг тенг мажбуриятга эгаллиги тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» деган Конституциявий меъърдан келиб чиқади. Никоҳ натижасида вужудга келган Э. ва х.т.х. шахсий ва мулкийга бўлинади. Шахсий ҳуқуқлар мулкий ҳуқуқлардан фарқ қилиб, иқтисодий мазмунга эга эмас, фуқароларнинг шахсияти б-н бевосита боғлиқ ва ундан ажратиб бўлмайди. Бу муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш асосида қуришни ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулиятли эканлигини тақозо этади. Эр-хотин ўртасида қуйидаги шахсий тенгликлар вужудга келади: 1. Фамилия танлашдаги тенг ҳуқуқлилиқ. Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотиннинг фамилия танлаши уларнинг оилада тўлиқ тенг ҳуқуқлилиги тамойилидан келиб чиқади. Улар ўзаро келишиб эр ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлашлари ёки ҳар бири никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолишлари мумкин. Бу масала эр ва хотиннинг ҳар бири томонидан иккинчисининг ёки бошқаларнинг тазйикисиз эркин ҳал қилиниши лозим. 2. Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилишдаги тенгликлари. Оилавий турмушнинг барча, жумладан, болалар тарбияси масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилишлари лозим. Оилавий ҳаётда эр ва хотиннинг биронтаси иккинчисига нисбатан бирон-бир устун ҳуқуқдан фойдалани-

ши мумкин эмас. Улар ўртасидаги тенглик оиладаги барча масалаларни биргаликда ҳал қилиш тамойиллари б-н таъминланади. Улар келишиб, бир-бирларини хурмат қилиб, тенг ҳуқуқлиликларини англаб иш тутишлари оиланинг мустаҳкам бўлишига замин яратади. Оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги эр-хотиннинг биргаликдаги харакатига боғлиқ. Эр-хотин биргаликда ҳам моддий, ҳам маънавий ўзаро ёрдам кўрсатиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши лозим. Ўзаро ёрдам улардан бири касаллиги, ногиронлиги, ҳомиладорлиги ва б. сабабларга кўра меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлигида, айниқса, сезилади. Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири ҳисобланади. Эр-хотин оиланинг моддий таъминланиши б-н бир қаторда, оиланинг барча аъзолари, айниқса, болаларнинг ҳар тарафлама камол топиши, маънавий ва жисмоний соғлом ривожланишлари, улгайишлари тўғрисида қайғуришлари лозим. Оилада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашлари тўғрисидаги мажбуриятлар Республикамиз Конституциясининг 64-моддасида ўз ифодасини топган.

3. Эр-хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлашдаги тенг ҳуқуқлиликлари. Эр-хотин турмушда ўзлари севган, танлаган касбларида ишлаш, машғулотлар б-н шуғулланиш ҳуқуқларига эга. Оила қонунчилиги эр-хотинга турар жой танлашда ҳам тенг ҳуқуқ беради. Улар эрининг ёки хотинининг уйида ёки келишган ҳолда бошқа жойда яшаши мумкин. Аслида бу масалалар оила манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўзаро хурмат ва ишонч асосида ҳамжиҳатлик б-н бамаслаҳат ҳал қилинса, оила янада мустаҳкам бўлади.

5. Эр ва хотин фарзанд тарбиясида тенг иштирок этишлари. Оилада фарзанд туғилиши ота-она томонидан

улкан қувонч б-н кутилади. Ҳомиладорлик вақтида хотинига гамхўрлик қилиш, оғирини енгил қилиш, авайлаб-асраш эрининг ва б. оила аъзоларининг бурчи бўлмоғи лозим. Фарзанд соғлом туғилишида фақат она эмас, балки ота ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

**ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ** – эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати б-н етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва б. киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади. Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш б-н банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил

иш ҳақи ва б. даромадга эга бўлмаган такдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Оилада Э. ва х.у.м., – ҳар бирининг алоҳида мулки, шахсий фойдаланишдаги буюмлари, ҳады қилинганда вужудга келган мулклари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалик ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкни бўлиш Ўзбекистон Республикаси ФКининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади. Бу моддаларда улушли мулкдаги мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш, биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш асослари кўрсатилган. Агар эр ва хотин баъзи сабабларга кўра мол-мулкларини аниқлашни истасалар, оила ва фуқаролик қонунларидан ўз ҳуқуқларини билиб, мулкларини ажратиб олишлари мумкин. ОКнинг 25-моддаси эр ва хотиннинг ҳар бири мулкнинг турларини кўрсатган.

**ЭР ВА ХОТИННИНГ ШАХСИЙ МУЛКИ** – эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳады, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки.

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва б.), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган Э. ва х. ш. м. ҳисобланади.

Никоҳ бекор қилинганда фақат биргаликдаги мол-мулк бўлинади. Э. ва х.ш.м. ўзаро бўлинмайди. Балоғатга етмаган бола-

лар учун сотиб олинган нарса-ашёлар ҳам бўлинмайди. У болалар б-н бирга яшайдиган эр ёки хотинга берилиши керак. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳады, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки Э. ва х.ш.м. ҳисобланади. Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки Э. ва х.ш.м. ёҳуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва б.) қўшилгани аниқланса, Э. ва х.ш.м. уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин. Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва б. ш.к), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, Э. ва х.ш.м. ҳисобланади.

**ЭР-ХОТИНЛИК МУНОСАБАТИ** – эр-хотин ўртасида кечадиган жинсий, ижтимоий, руҳий ва б. жиҳатларга суянувчи муносабат турлари. Бу муносабатни юзага келтирган асосий омил, қарама-қаши жинслар ўртасидаги жинсий муаммоларга бўлган ҳаётий зарурат. Бу заруратнинг асоси жинсий муомала вақтида эркак ва аёл ўртасидаги лаззат. Лекин бу лаззат замирида эр учун ҳам, аёл учун ҳам кўп ва катта маъсулиятлар ётади. Бу эр б-н хотиннинг бир-бирига садоқати, оила бутунлиги ва шаънини кўз қорачиғидай асраш, фарзандларни боқиш, вояга етказиш, тарбиялаш ва ш.к. Бу йўлдаги ҳаракатлар эр-хотинни бир-бирига маънавий ва бурчий жиҳатдан яқинлаштириб боради. Уларнинг мақсад, интилишлари муштарак бўлади. Ўсиб вояга етган фарзандларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, уйли-жойли бўлиб мустақил ҳаётга қадам қўйишига эр-хотин (ота-онага) масъулдир. Хуллас, ёшлиқда асосан жинсий қизиқишлар нати-

жасида ҳосил бўлган иттифок – оила бора-бора ўсиб-улғайиб, ўзига хос бошқарув, таъминот, тарбия, маънавият ва ш.к. йўналишларнинг фаолият марказига айланиб қолади.

Агар оилавий ҳаётда ақл б-н иш тутилса, унинг ҳамма даврларини ҳам лаззатли ўтказиш мумкин.

Оилавий муносабатларда эркак ҳам, аёл ҳам бирдек масъул бўлиб, уларнинг иноқлик б-н иш олиб бориши оила тотувлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида фарзандлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга.

**ЭРЕКЦИЯ** – қўзғалишнинг юзага келишидан бошланиб, жинсий алоқага тайёрлангунга қадар бўлган вақт. Бу босқичда аёл жинсий аъзоларида бир қатор ўзгаришлар юзага келади: кин намланади, клитор (жинсий органларнинг қон б-н таъминланишининг кучайиши ҳисобига), катта ва кичик лаблар катталашади, секреция безлари, айниқса, жинсий аъзо безларининг иши зўраяди, тана қизийди, баъзан тери шиллик қавати қизаради ва б. шунга ўхшаш ҳолатлар пайдо бўлади.

Эркакларда Э. пайтида жинсий аъзога қон келиши кўпаяди, учта ғоваксимон таначанинг қон б-н таъминланиши ҳисобига олат 3–4 баробар катталашади ва ниҳоятда таранглашади. Олатнинг бундай катталашиши унинг қон б-н таъминланишига, аниқроғи, қон томирларининг қаерда жойлашишига боғлиқ бўлади. Барча органларда артерия чуқурроқ, вена юзароқ жойлашган бўлса, олатда бунинг акси бўлади. Артерия юзароқ, жойлашган бўлиб, венанинг чуқурроқ жойлашиши натижасида ғоваксимон таначалар қонга тўлиб, венани қисиб қўяди ва шунинг ҳисобига қоннинг венадан юриши кийинлашади, бу эса жинсий аъзони яна шиширади ҳамда унинг бир неча бор катталашиб, ниҳоятда таранглашишига олиб келади. Э. босқичида либидо жуда ҳам кучаяди.

Э. босқичи эркакларда аёлларга нисбатан қисқа вақтни ташкил этади, чунки улар бирмунча тез ва осон қўзғалади. Хатто олат шунчаки ишқаланишининг ўзидаёқ беихтиёр Э. ҳолати юзага келади. Баъзан бирор бир аёлни кўргандаёқ жинсий алоқа истагини ўйлаш ёки бирор таниш, ёқимли ҳиднинг сезилиши Э. ни ҳам пайдо қилиши мумкин.

Аёлларнинг аксариятида Э. кўп вақт талаб қилади. Чунки уларда психологик компонентнинг устунлиги Э.га ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Аёлларда Э. пайдо бўлиши эркакнинг ширин гапиришига, силаб-сийпашига, жойнинг беҳавотир бўлишига, эркакнинг бўсалар олиб, эроген зоналарни силашига, баданнинг ва ўриннинг тозаллиги ва хушбўйлиги каби сабабларга боғлиқ.

Э. босқичида хирс қўзғалиши б-н эркаклар аёллардан фарқ қиладилар, яъни эркак киши иложи борица хирсини тезроқ кондиришга ҳаракат қилади, аёл киши эса бу вақтни мумкин қадар чўзади, жинсий алокани бошлашга шошилмайди, чунки аёллар бу вақт қанчалик чўзилса, шунча кўп лаззатланадилар.

Аёлда Э. тўла бўлмаса, кин ҳали намланмаган бўлса, бу ҳар хил оғриқларга сабаб бўлиши мумкин. Аёлда Э. тўлиқлигини ва жинсий алоқага жуда мойиллигини аёл кишининг хатти-ҳаракатидан билиб олса бўлади.

**ЭРКАК ОРГАЗМИ БОСҚИЧЛАРИ** – жинсий муносабат вақтида эркакларда рўй берувчан ҳиссий кульминациянинг босқичлари. Э.о.б. нисбатан содда бўлиб, икки босқичдан: оргазм олди ва оргазм босқичдан иборат.

Оргазм олди босқичида жинсий аъзо, олат ниҳоятда таранглашиб, қўзғалиш ўз кульминациясига етиб, олатнинг бош қисмида қитиклашдан пайдо бўладигандек ўзига хос сезги юзага келади. Шунда

фрикцион ҳаракатлар дарҳол тўхтатилса, биринчи босқич тормозланиши ва оргазм тўхтаб қолиши мумкин. Буни қўпчилик эркаклар вақтни чўзишда, аёлнинг жинсий эҳтиёжларини тўла қондириш ёки аёлдаги фрикцион ҳаракатнинг қўзғалишини кучайтириш ва б. мақсадларда кенг қўллайдилар.

1-босқичнинг кечилишини руҳий томондан назорат қилиш, давомийлигини бошқариб бориш эътиборли эркак киши учун қийин эмас. 2-босқичга ўтганда оргазм ҳислари назорат доирасидан чиқиб, «шахсни қўлга олади». Оргазм ҳислари тугагунга қадар шахснинг ҳатти-ҳаракатлари ҳис этилаётган оргазм б-н белгиланади.

Олат бошида пайдо бўлган жинсий китик олатнинг мукамал даражада таранглашишига, катталашишига, мускулларнинг қисқариб, уруғ каналларидан маълум тезликда бўлиниб-бўлиниб, манийнинг отилиб чиқишига олиб келади. Бу тиббиётда эякуляция дейилади. Аёл кишидаги тоз пульсацияси эркак киши томонидан ниҳоятда ижобий ҳис этилгани каби эркакнинг эякуляцияси вақтида олатнинг вертикал ритмик равишдаги ҳаракатлари ва манийнинг қинга тушиши аёл кишининг ширин ҳисларини яна кучайтиради, аёл ниҳоятда ёқимли ҳароратни ҳис этади.

Агар эр-хотин бир вақтда оргазмни ҳис этса, ҳар иккаласининг локал органик ҳислари ва умумий эмоционал ҳолатининг сифат жиҳатдан кескин яхшиланишига олиб келади. Эякуляция вақтида уруғ каналлари қанчалик сиқилган, таранглашган бўлса, ҳислар ҳам шунчалик кучли бўлади. Шунинг учун ҳам оргазм вақтида эркаклар оргазмодди ва оргазм босқичидаги ҳолатни ўзгартириб, онгли равишда манийнинг чиқишини тўхтатиб, ҳиссиётни ўткирлаштирадilar.

Қайлиқларнинг бир вақтда оргазмни ҳис этишларининг устунлик томонларидан

бири шуки, тоз пульсацияси, ўз диаметрида вақти-вақти б-н тораяётган қин ниҳоятда таранглашган олатни сиқади, одатда, пайдо бўлган ўткир сезувчанлик, манийнинг бирмунча сиқилиб чиқиши локал органик ҳисларни ниҳоятда кучайтиради.

**ЭРКИН ТАНЛАНГАН ИШ** – меҳнат қилишга бўлган қобилиятига (иш кучига) эгаллик қилиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли бўлган иш. Мазкур тамойил ҳар бир ходимнинг иш танлашида тўғри йўл тутишини, ҳар қандай маъмурий тарзда ишга жалб қилишни тақиклашни кафолатлайди.

**ЭРТА НИКОҲ ҚУРИШ** – никоҳланувчиларнинг нисбатан ёш – 17–18 ёш атрофида турмуш қуриши. Бунинг бир неча сабаблари бўлиши мумкин:

1. Ота-оналардаги ўз ота-оналик бурчларини тезроқ адо этиш, қизни тезроқ ўз эгасига топшириш, ўғилни тезроқ уй-жойли қилиш мотиви.

2. Кам таъминланган ўта ночор оилаларнинг фарзандларини тезроқ мустақил ҳаётга кузатиш, қарамоғидаги болалар сонини камайитириш орқали иқтисодий ҳолатини қониқарили даражага келтириш мақсадини қўзлаши.

3. Иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган, мансабдор кишилар фарзандларидан, насл-насабли оилалардан совчи келганда қизининг бахтини ва бўлажак кудаси орқали ўзининг ижтимоий мавқеини тиклаш, кўтариб олиш мақсади.

4. Ақлий, маданий, маънавий савияси қуйи (ақли заиф, психик ривожланиши суст ёки фарзанди нуқсонли) бўлган ота-оналарнинг ўз фарзандларини эрта оилали қилишга ҳаракат қилиши.

5. Ота-онаси муносабатларида ўта носоғлом муҳит қўзга ташланадиган, дегарли кунора уриш-жанжал бўладиган оилалардаги қизларнинг ўз оиласидан кутулишга ҳаракати.

6. Кеч фарзанд кўрган ва уни турмушга бериб, ўглини уйлантириб, уларнинг болаларини кўриш, неварали бўлиш ниятида бўлиш.

Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари:

1) киз бола 17, баъзан 16 ёшда ҳам оналик, уй бекалик вазифаларини бажаришга тайёр бўлиши мумкин. Аммо 18 ёшдаги йигит ҳали тўлақонли оила бошлиғи бўлишга тайёр бўлмайди. У киз томондан ёш бола сифатида тасаввур қилинади. Натижада бу тасаввур улар орасидаги оилавий муносабатларида ҳам ифодаланиб, келин-куёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига сабаб бўлиши мумкин;

2) 16–17 ёшли қизнинг жисми оғир ишларни бажаришга тайёр бўлмаслиги натижасида келинда келиб чиқадиган жисмоний, руҳий кийинчиликлар учраши мумкин;

3) ёш турмушга чиққан келинларнинг шу ёшда ҳомиладор бўлиши тоз суякларни кичкина бўлганлиги учун хавфлидир;

4) ўз кадри, ҳуқуқлари ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш тушунчаларини англаб етган, жинсий ва репродуктив маданияти тўла шаклланмаган ёш қизларнинг бирон касб эгалламасдан, билим олмасдан, мутахассисликка эга бўлмасдан оила қуриши уларнинг қайнота, қайнона ва эрларига иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб яшашларига сабаб бўлади.

Айрим оилаларда айнан иқтисодий қарамлик туфайли келинлар ёш боласи б-н камситилиши, тазйиққа учраши мумкин. Шунинг учун қизлар бирон ҳунар ёки мутахассисликка эга бўлгандан кейингина турмушга чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда 18–29 ёшдаги хотин-қизларнинг кўпчилиги бола туғиш, уларни парваришlash, туғишгача ва ундан кейинги таътилда ёки бемор фарзандларини парвариш қилиш б-н банддир. Бу ҳолатлар эса

аёлларимизнинг маънавий жиҳатдан бой, билимли, ҳунарли ёки бирон касбнинг етук мутахассиси бўлишига халақит беради.

5) ўсмирлик даврида организмда турли морфологик, физиологик, руҳий ўзгаришлар бошланади ва балоғатга яқинлашган сари улар мужассамлашиб боради. Ёш оналарнинг соғлиги кўпроқ мана шу ёшдаги ўзгаришларнинг мўътадил кегизида боғлиқ. Акс ҳолда, бу ҳолат кейинчалик касалликларнинг оғир кечишига сабаб бўлади.

Ўсмир қизларни ҳам жисмоний, ҳам жинсий балоғатга етишида анчагина салбий нуксонлар бор, бу эса уларда ўтаётган қўшгина касалликлар физиологик жиҳатдан нимжон бўлган организмда юзага келаётганлигини билдиради.

Шунга кўра, Э.н.қ қаршиликка учрамоқда. Қизларнинг оилавий ҳаётга жисмонан, маънан ва руҳан репродуктив ва жинсий ҳаёт маданиятига тайёр бўлмаган ҳолда эрта турмушга чиқишлари қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

**Ёш оилалар орасида ажрашишларнинг кўпайиши.** Ажралишларнинг катта фоизи дастлабки 5 й. давомида рўй бериши.

Туғиш вақтидаги мураккабликлар, туғиш ва ҳомиладорлик ўртасидаги оралик муддатининг қисқариши.

Биринчи бор туғаётган ва 20 ёшгача бўлган ёш аёллар ўртасида ўлимнинг кўпайиши.

**ЭРТАК** – нореал воқеликка асосланган, эзгуликни қўллаб қувватловчи халқ оғзаки ижодидаги махсус жанр. Э. энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанр. Э. атамаси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида етук шаклида учрайди. Юртимизнинг турли ҳудудларида Э. матал, ушук, варсақи, чўпчак, ўтирик, тутал каби номлар б-н ҳам аталади.

Элар турмушдаги бирор қизиқ воқеани ёки ҳаёлий ва ҳаётий уйдирма асосига қурилган ибратли гоё асосида ажойибу ға-

ройиб тарзда, жозибали, ихчам ва мукамал ҳолда акс эттириши б-н кишида завк уйғотилади. Ўзбек халқ Эларини шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги Элар, сеҳрли Элар, ҳаётий-маиший Элар тарзида гуруҳлаш мумкин. «Бўри б-н тулки», «Ҳийлагар бедана», «Чивинбой» каби Эларнинг бош қахрамонлари ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлардир. «Ялмоғиз», «Семурғ», «Зумрад ва Қиммат» Элари сирли ва сеҳрли воқеалар асосига қурилган. «Уч оғаниноти ботирлар», «Маликаи Ҳуснобод», «Аёз» каби Эларда баркамол шахсларнинг ибратли ҳаёти ва саргузаштлари ҳикоя қилинади.

Шоир ва ёзувчилар ҳам ўз халқининг энг чиройли, таъсирчан Элари асосида адабий Элар яратадилар. Элар асосида бадий ва мультипликацион фильмлар олинади, сахна асарлари қўйилади.

Оилада ота-оналар томонидан фарзандларга ҳаёт ҳақида билим бериш, ўғит-насихат қилиш, нутқ ўстириш, меҳру эътиборини амалда ифодалаш учун Элар айтилади. Бола улғая борган сари Эларнинг ҳажми кенгайиб, мазмуни ва мундарижаси мураккаблашиб боради. Элар таъсирида фарзандларда ҳаётга муҳаббат, оилага, ота-онага меҳр, дўсту ёрга садоқат, келажакка умид, яхшилик ва адолат тантанасига ишонч тугилади.

**ЭРТАКЧИ** – эртакни кўп биладиган, айтадиган одам.

Элар ҳар бир эртакни тингловчининг диққатини тортиб, уни маҳлиё қиладиган ҳолда тақдим этиш учун маҳсус кириш, бошлама ва тугалламадан фойдаланадилар. Кириш қисмда Э. ўз маҳоратини намойиш қилади, бошланма ва тугалланмада эса эртакнинг яхлитлигини таъминлаш б-н бирга, унга сирлилиқ ва анъанавийлик бахш этади.

Дунё болалари ака-ука Гриммлар, Ҳанс Кристиан Андерсен, Шарль Пьеро каби Э. ёзувчиларнинг эртақларини эшитиб катта бўлишган.

**ЭР-ХОТИН** – Ўзбекистон Республикаси ҳукукий ҳолатига кўра, ўзаро никоҳда турган шахслар. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар Э.-х. ҳисобланади ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида Эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига биноан, фақат ФХДЁ органида қайд этилган никоҳгина эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Э.-х.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2 га: шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар; мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга бўлинади.

Э.-х.нинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларига Э.-х.нинг оилада тенглиги, фамилия танлаш ҳуқуқи, болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини биргаликда ҳал қилиш, машғулоти тури, касб ва тураржой танлаш ҳуқуқлари қиради. Э.-х.нинг оилада тенглиги оила ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, «Хотин-қизлар ва эркақлар тенг ҳуқуқлидирлар» (46-модда). Оилада ҳам эркақ ва аёллар сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалаларда тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятга эгадирлар. Бўлажак Э.-х.лар никоҳни қайд эттириш учун ФХДЁ органига ариза берганидан сўнг, уларга ўзаро келишув асосида фамилия танлаш ҳуқуқи берилади. Қонунчилик ўзаро розилиқ, тенглик асосида эр ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлашларига имконият беради. Бир томон фамилиясининг ўзгариши 2-томоннинг ҳам фамилиясининг ўзгаришига олиб келмайди. ЎЗР Конституциясининг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Ушбу меъёр

ОКнинг 21-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини Э.-х. биргаликда ҳал қилишлари лозим бўлади. Бу борада улар ўртасида розилик бўлмаса, эр ёки хотиндан бири ёки иккаласи биргаликда вужудга келган низоини ҳал қилиш учун тегишли давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир. Э.-х. машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқларида тенг ҳисобланади. Оилада машғулот тури, касб танлаш масалалари келишилган ҳолда ҳал қилинади. Аммо уларни узил-кесил ҳал қилиш Э.-х.нинг ҳар бирига тегишли бўлган ҳуқуқ ҳисобланади.

Э.-х.нинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2 асосда: қонун ва шартнома асосида вужудга келади. Қонун асосида вужудга келадиган мулкӣ ҳуқуқларига Э.-х.нинг никоҳгача бўлган ҳар бирининг хусусий мулки, уларнинг умумий биргаликдаги мулклари, алимент ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган мулкӣ ҳуқуқлари қиради. Э.-х. ҳар бирининг хусусий мулкига: эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки қиради. Э.-х.нинг хусусий мулкидан ташқари уларнинг шахсий фойдаланишдаги буюмлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва ш.к.)дир. Улар гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак Э.-х.нинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўл-

са, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади (ОК, 23-модда).

Э.-х.нинг умумий мол-мулкни бўлиш Э.-х.дан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби б-н арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистан Республикаси ОКда никоҳ шартномаси меъёрланган (29-модда). Унга биноан, Э.-х.лар ёки бўлажак Э.-х.лар никоҳда бўлган даврида ва (ёки) Э.-х. никоҳдан ажратилган тақдирда, ўзларининг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини никоҳ шартномасига асосан келишиб, белгилаб олишлари мумкин. Шартнома шартларига биноан, Э.-х.лар умумий биргаликда, хусусий, алимент ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, ўзгартириб, бекор қилишлари мумкин.

Э.-х. бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилгандан бошлаб 3 й. давомида, ўртада болага қараган ёрдамга муҳтож хотин (эр) ёрдам беришга қодир бўлган эр (хотин)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.


**ЭР-ХОТИН МУЛКИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАРТИБИ** – эр-хотиннинг никоҳ давомида биргаликда орттирган мол-мулкларига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва бу мулкни тасарруф этиши.

Эр-хотин никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари умумий мулк ҳисобланади.

**ЭТНИК ДЕМОГРАФИЯ** – тарихий демографияга туташ фан ҳисобланиб, аҳоли кўпайишининг этник хусусиятларини,

омилларини ўрганувчи фан. Э.д. аҳолининг ҳаёти, турли халқлар турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оилавий муносабатларининг тузилмаси туғилиш даражасига (оиладаги болалар сони), саломатлик ҳолати ва ўртача умр кўриш давомийлиги, никоҳ хусусиятлари ва никоҳнинг мустақкамлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.


Одатда, жинслар нисбати эркакларнинг ҳар 100 ёки 1000 аёлга тўғри келадиган сони (ёки баъзан аёллар сонининг ҳар 100 ёки 1000 эркакка тўғри келадиган нисбати)ни аниқлаш орқали ҳисобланади. Аҳолининг жинс таркиби куйидаги учта омилнинг биргаликдаги таъсирига боғлиқ: а) тирик туғилганлар орасида ўғил болалар сонининг киз болалар сонига нисбати; б) ўлимнинг табақаланиши, яъни турли ёш гуруҳларидаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўлим даражасининг фарқи; в) миграция суръатидаги жинслар фарқи.



**ЮРИДИК ТАСДИҚЛАНГАН НИКОҲ** – адлия вазирлиги томонидан юридик тасдиқланган никоҳ шакли. Бунда эркак ва аёл фақат ФХДЁ бўлимидан ўтиш б-н кифояланадилар, аммо диний расм-русумларга

амал қилмайдилар (никоҳ ўқитмай-дилар). Ю.т.н. биринчи бўлиб XVI а.нинг охирида Голландияда, ундан сўнг XVII а.нинг ўрталарида Англияда ва XVII а.нинг охирида Францияда белгиланган.

Ўзбекларда бу никоҳ тури Совет ҳукумати даврида пайдо бўлди. Ҳоз. кунда қонуний никоҳ айнан гарбона, «замонавий» қарашга эга диний эътиқоди бўлмаган ва аралаш никоҳ қурган инсонларда учрайди.



**ЯГОНА ФАРЗАНД** – Оиладаги ёлғиз фарзанд. Я.ф. имконият жиҳатидан имтиёзли бўлса-да, тарбиясида жиддий салбий нуқсонлар бўлиши мумкин.

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН БОЛАНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ** – Янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш чора-гадбирлари. Айниқса дастлабки ойлар (чилла даври) бола ҳаёти, қолаверса, унинг оила аъзолари (ота-она) учун ҳам энг масъулиятли давр ҳисобланади. Туғуруқхонада болани парвариш этишга оид барча чора-гадбирлар тиббиёт ҳамширалари томонидан бажарилади. Уйда эса бола парвариши учун керакли ҳамма нарсаларни аввалдан пухта тайёрлаб қўйиш зарур. Бола яшайдиган хона иложи бўлса ало-

хида, озода, курук ва ёруғ, хона ҳавосининг ҳарорати 20–25°C атрофида бўлиши зарур. Деразалардаги катта пардалар, гилам, турли юмшоқ мебель, тувакдаги гуллар ва ш. к. нарсалар бошқа хонага чиқарилиши лозим. Чунки булар ўзига чанг йиғиб, боланинг мурғак организмга аллергик таъсир кўрсатиши мумкин. Хонада факат боланинг бешиги ёки каравотчаси ҳамда бола парваришига зарур гигиеник буюмлар қўйиладиган столча ёки шкафчадан бошқа ортикча нарсалар бўлмагани маъқул. Каравотча ёки бешик хонанинг ёруғ, иссиқ жойида туриши керак, уларни зинҳор деразага жуда яқин, печка ёхуд иситадиган батареялар ёнига қўймаслик зарур. Хонани тез-тез 10–15 дақ. давомида шамоллатиш, дераза ва полларни ҳўл латта б-н артиб туриш, иссиқ пайтларда дераза ёки дарчани очиб қўйиш зарур. Чақалоқ хонасида чекиш, овқат пишириш ярамайди. Парвариш буюмларини одатда махсус столча ёки шкафда сақлаш керак. Улар столчада сақланса, устига тоза дока ёки юпка сочик ёпиб қўйиш лозим. Зарур парвариш буюмлари: чўмилтириш учун ваннача ёки тоғора, сув куйиш учун кружка ёки кўзача, сув, тана ва уй ҳавоси ҳароратини ўлчайдиган 3 та термометр, юмшоқ ишкагич (мочалка), тароқча, болалар совуни, сочик, 1-рақамли клизма балончаси, грелка, стерил пахта, бинт, вазелин, 6 дона сўрғич, 2 та томизгич (кўзга дори томизиш учун), қайнатилган ўсимлик мойи, дезинфекцияловчи моддалар (сода, 2% ли борат кислота), сўрғичларни қайнатиш учун сирланган кружка ёки кастрюлкача, йод ёки бриллиант яшили (зелёнка) ва б. Бу ўринда бола ва она учун махсус тайёр аптечкадан фойдаланса ҳам бўлади. Шунингдек, булганган йўрғақларни ювиш учун алоҳида тоғора бўлиши шарт. Парвариш буюмларини ишлатгандан сўнг тозалаб ювиб, қуритиш ва чанг тушмайдиган қилиб сақлаш лозим.

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ТАНАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ** – янги туғилган чақалоқдаги ўзига хос ва кейинчалик ўзгарадиган жиҳатлар.

**Чақалоқ боши.** Агар боланинг бош шакли бир оз ўзгарган ҳолда, у ёки бу томонда шиш б-н (бу туғурук ўсмаси дейилади) тугилса, кўркмаслик керак. Бу айрим ҳолларда туғурук йўлларида ўтаётганда чақалоқ бошининг юмшоқ тўқималарига куч таъсир этиши туфайли юзага келади. Бир неча кундан сўнг боланинг боши одатдагидек бўлиб қолади. Чақалоқ калла суяклари ҳали юмшоқ, бир-бири б-н бирикмаган бўлиб, уч ёки тўртта суяк бирикмаларида кенгайган юмшоқ соҳалар – ликилдоқлар қолади. Бу бола бошини қўл б-н ушлаганда сезилади. Катта ликилдоқ тепа ва пешана суяклари ёрдамида ҳосил бўлиб, пешанадан юкорида, кичиги энсада бўлади. Ликилдоқлар ромб шаклида жойлашган бўлиб, бола ўсган сайин улар секин-аста кичрайиб, кичик ликилдоқ 8 ойда, каттаси 18 ойда ёпилади.


Айрим болалар қуюқ, коп-кора, айримлари сийрак соч б-н (деярли соч бўлмаслиги ҳам мумкин) туғилади. Бола кам соч б-н туғилса ҳам, хавотирга ҳожат йўқ, чунки қуюқ сочларнинг кўп қисми бир ҳафтадаёқ тўкилиб, ўрнига сарғимтир ингичка толали соч ўсиши мумкин.

**Чақалоқ юзи.** Чақалоқ кўзлари одатда ўрта ёшли, катта одам кўзининг 2/3 қисмига тенг келади, ковоклари кенг, кош-киприклари сезиларли, лекин ипдек ингичка бўлади. Қизиғи шундаки, чақалоқ кўз ёшисиз йиғлайди. 4-ҳафтага бориб унда кўз ёши пайдо бўлади. Бурни калта ва пучуқ, қулоқлари юзига нисбатан анча катта, лекин аниқ шаклли, қулоқ бурмалари унча ривожланмаган. Оғзи ҳам катта, даҳани калтароқ кўринади. Бўйни қиска, боши худди елкаларида тургандек туюлади.

**Чақалоқ териси.** Чақалоқ териси юпқа ва нозик, тўқ пушти ёки кизғиш рангда бўлади. Аксарият болаларнинг териси 2–3 кундан кейин сарғаяди, бундан хавотирланмаслик керак, бу физиологик сариқлик дейилиб, 10-кунга бориб секин-аста йўқолади. Сариқликка чақалоқ организмда эндиликда унга керак бўлмаган қизил қон таначалари бир қисмининг емирилиши сабаб бўлади. Баъзи болаларнинг энсаси, ковоклари, қошлари орасида қизил доғлар (тери томирларининг кенгайиши), бурнида майда оқ нуқталар пайдо бўлиши мумкин, булар бир неча ойдан кейин ўз-ўзидан йўқолади. Чақалоқнинг тирноқлари қалин, ўсган бўлиши мумкин, лекин уни олишга ҳаракат қилмаслик зарур, чунки бола организмга инфекция ўтиш эҳтимоли пайдо бўлади.

**Янги туғилган чақалоқнинг овқат ҳазм қилиш, сийдик чиқариш аъзолари.**

Боланинг сийдик чиқариш аъзолари туғилганидан бошлаб ишлайди. Кўпгина болалар туғилган заҳотиёқ сияди. Дастлабки 2 кунда ичагидан яшилроқ, деярли қоп-қора ёпишқоқ, қора мойга ўхшаш модда – меконий келади. 3-кунга бориб нажасининг ранги оқариб, кейин нормал сарғиш рангга айланади ва қуюқлашади. Биринчи ҳафтада боладан бир кунда 1–4 марта нажас келади. Аксариятининг кўкрак безлари шишиб, агар сиқилса оғиз сутига ўхшаш суюқлик чиқади. Бу она кўкрагига сут келишини таъминлайдиган гормонларнинг плацента орқали болага ўтиши оқибатида рўй беради. Бу ҳолатдан кўркмаслик керак. Лекин чақалоқ кўкрагини сиқиб суюқликни чиқариб ташлаш асло мумкин эмас. Тўғри парваришланиб, озодаликка риоя қилинса, бир неча кундан сўнг шиш ўз-ўзидан йўқолади. Агар киз бола сийганда бир-икки томчи қон кўринса ҳам кўрқиш шарт эмас, камдан-кам учрайдиган бундай ҳолатлар тезда йўқолади.



**ЎЗ ИХТИЁРИДАГИ ДАРОМАДЛАР** – солиқларни тўлаш ва мажбурий тўловлардан кейинги, аҳоли ихтиёрида ҳақиқатан ҳам қоладиган, охириги истёмол учун сарф қилиш мумкин бўлган даромадлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА «ОИЛА» ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИ** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 й. 27 июндаги ПҚ-3808-сон Қарори б-н «Ўзбекистон Республикасида оила ин-т.ини мустаҳкамлаш концепцияси»нинг тасдиқланиши б-н амалга оширилган давлат сиёсати. Унга кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида оила ин-т.ини мустаҳкамлаш бўйича асосий йўналишлар этиб белгиланди:

– оила ин-т.ини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш;

– замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

– демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш;

– оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш;

– оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикасида «оила» ин-т.ини мустаҳкамлаш концепсия – давлат сиёсатининг қуйидаги устувор вазифалари ва асосий йўналишлари назарда тулади:

– оила ин-т.ини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш;

– замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

– демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш;

– оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш;

– оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

**Концепцияни амалга оширишдан қутилаётган натижалар.** Концепциянинг асосий йўналишлари уларни демографик, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги давлат сиёсатининг бошқа йўналишлари б-н мувофиқлаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Қутилаётган натижалар самарадорлиги ва унга эришиш даражаси Концепцияда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг доимий мониторинги натижалари асосида баҳоланади.

Оилани мустаҳкамлашнинг ташқилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда янги оила моделини шакллантиришга қаратилган қуйидагилар мазкур Концепцияни амалга ошириш самарадорлигининг кўрсаткичлари бўлади:

– фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини ошириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, сақлаш ва ривожлантириш, оила аъзоларининг ҳуқуқларига риоя қилиш;

– оилаларда тинч, дўстона ва аҳиллик муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларга аниқ мазмун бахш этиш;

– оила ин-т.и соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг аниқ мақсадга қаратилганлигини ҳамда долзарблигини таъминлайдиган тизимни жорий қилиш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш;

– оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, оилалар фаровонлигини ҳамда тинч-тотувлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

– оилаларга таъсирчан, сифатли, услубий ва консультатив ёрдам бериш ҳамда оғир турмуш шароитида, уларнинг оилавий муаммоларини ҳал қилишда амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш;

– амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда оилалардаги низолар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш;

– ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли вазиятларни ҳал қилиш, ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида, шунингдек, оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш б-н боғлиқ бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини оширишнинг самарали шаклларини жорий этиш;

– жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, мустаҳкам оилаларни шаклланди.

тиришда, соғлом фарзандлар туғилишида, соғлом турмуш тарзига амал қилишда, боланинг оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқини таъминлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, муносиб кексалиқни таъминлашда оиланинг ўрни ва ролини ошириш.

Жамиятда замонавий оила моделини ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини тўлиқ рўёбга чиқариш оила ин-т.ини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасига айланиши керак.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ОИЛА МОДЕЛИГА ЎТИШ** – ХХ а.да бошланган ва бутунги кунгача давом этиб келаётган демократик, иктисодий ва ижтимоий ўзгаришлар таъсирида оилаларнинг янгича ҳаёт тарзини қабул қилиши. Ушбу ўзгаришлар аҳолининг кўп қисмининг, айниқса, шаҳарларда «замонавий оила модели»га ўтиши учун шарт-шароит яратди.

2018 й.да замонавий муваффақиятли оила мезонлари ҳақида ўтказилган сўровлар натижалари бўйича кўплаб сўровлар натижасига кўра, муваффақиятли оила – бу соғлом ва маълумотга эга бўлган оила аъзоларига, моддий фаровонликка ва қулай психологик муҳитга эга бўлган, фарзандларни миллий оилавий кадриятлар асосида тарбияловчи, ФХДЁда расмий тарзда рўйхатдан ўтказилган тўлиқ (ота ва она мавжуд) оила эканлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Оилаларда ўтказилган сўровлар замонавий муваффақиятли оила асосий мезонларини аниқлаш ва умумлаштириш имконини берди:

– оила аъзолари ўртасидаги ўзаро хурмат ва ўзаро тушунишда ифодаланган қулай психологик муҳит, ота-оналарни, катта авлод вакиллари (бобо ва буви)ни кадрлаш, сабр-тоқат ва оиладаги келишув (сўралганларнинг 24% замонавий муваффақиятли оиланинг ушбу жиҳатларини қайд этди);

– фарзандларни маданий миллий кадриятларга, ота-оналарнинг ўзларининг намунали хулқи, фарзандларга меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, хулқ ва мулоқот маданияти, илмий маълумот, шунингдек, бурч, масъулият ва интизомлилик туйғуларига асосланган маънавий-ахлоқий тарбиялаш (23%);

– уддабуронлик, иш б-н ва етарли даромад б-н таъминланганлик, оила бюджетини тўғри тақсимлаш, йиғилган пулларнинг мавжудлиги, қулай уй-жой ва майший шароитларни ўз ичига олувчи моддий фаровонлик (18%);

– оила аъзоларининг мартабани ошириш ва жамиятга манфаат келтиришни таъминловчи, интеллектуал, юқори унумдорликни ва юқори ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлиш имкониятини берадиган таълим даражаси (17%).

**ЎЛИМ** – аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий жараёнларидан бири. Демографик тарихни даврлаштириш ўлимнинг 3 та турини кўрсатади:

**Ўлимнинг замонавий омили.** ХХ а. бошларига келиб ўлимнинг ушбу тури шаклланиши учун замин яратилди. Эндоген омиллар б-н боғлиқ ўлим сабабларининг устун келиши асосан ХХ а.нинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ушбу даврда ўлим сабаблари таркибида кон айланиш тизими ва ўсимта касалликларидан содир бўлган ўлим ҳоллари етакчи ўринни эгаллади.

**Ўлимнинг эндоген омиллари.** Инсон организмида одам туғилганидан ўлгунига қадар содир бўладиган ички жараёнлар. У кўп жиҳатдан биологик ёки генетик табиатга эга ва инсоннинг бутун организми ёки унинг алоҳида аъзоларининг табиий кексайиши б-н бевосита боғлиқ. Шунинг учун ўлимнинг эндоген омиллари ҳақида сўз борганда инсоннинг биологик организм сифатида кексайиб бориши назарда тутилади.

Ўлимнинг экзоген омиллари (атроф-мухит омиллари): ҳам табиий, ҳам ижтимоий (экологик вазият, и.ч. хусусияти, меҳнат ва турмушнинг санитария ва гигиена шароитлари, шу жумладан, у ёки бу минтақадаги эпидемиологик вазият, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳолати ва ҳ.к.) омиллар, шунингдек, аҳолининг ўз соғлиги ва умр кўриш давомийлигига муносабатини қамраб олади.

**ЎЛИМ САБАБЛАРИ** – ўлимга олиб келган ёки ўлим содир бўлишига сабаб бўлган касалликлар, патологик ҳолатлар ёки жароҳатлар, шунингдек, ўлим б-н тугаган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва ҳ.к. Ў.с. тўғрисидаги маълумот манбаи шифокор томонидан қайд қилинадиган, ўлимга сабаб бўлган касаллик, бахтсиз ҳодиса, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш ва б. ташқи таъсир хусусидаги тиббий далолатнома ҳисобланади. Ў.с. тегишли тиббиёт органи ёки шифокор томонидан аниқланади. Бугунги кунда Ў.с.нинг замонавий статистикаси ўлимнинг битта, етакчи ёки дастлабки сабабини ажратиб кўрсатади. Авваллари Ў.с. асосий ёки бош сабаб, деб кўрсатилар эди. Ўлимни статистик таҳлил этиш асосан қуйидаги сабабларга кўра таснифланади:

- юкумли ва паразитар касалликлар;
- ўсимтали касалликлар ва шишлар;
- қон айланиш тизими касалликлари;
- нафас олиш йўллари касалликлари;
- овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари;
- бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва шикастланишлар.

**ЎСМИР АНАТОМИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР** – ўсмирлик даврида шахс анатомиясида рўй берадиган табиий жараёнлар. Ушбу жараёнлар шахс жинсига қараб фарқланади.

Ўсмирлик даврига келиб шахс организмда биологик, физиологик ўзгаришлар

рўй беради, хусусан бўй ва умуртқа поғонасининг ўсиши ва жинсий балоғатга етиш жараёнининг янги босқичи бошланади. Организмдаги бу ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши б-н бошланади. Бу даврда ички секреция (эндокрин) безларидан бири гипофиз безининг функциялари фаоллашади. Ундан ажралиб чиқадиган гормон организм тўқималарининг ўсиши в. б. муҳим ички секреция безлари (қалқонсимон без, буйрак усти ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Уларнинг фаолияти ўсмир организмда кўплаб ўзгаришларни юзга келтиради, жумладан, бўй ўсинининг кескин тезлашиши (1 й.да ўғил болаларда 4–5 см, қизларда 3–4 см ўсиши кузатилади), жинсий балоғатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши) амалга ошади. Бу жараёнлар киз болаларда 13–15 ёшларда нисбатан жадал кечади. Жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишнинг акселерациялашуви кузатилаётган ҳозирги вақтда айрим қизлар 9–10 ёшда, ўғил болалар эса 11–12 ёшларида жинсий балоғатга етишнинг бошланиш босқичида бўлиши мумкин.

Бўй ва умуртқа поғонасининг ўсиши, вазнининг ортиши, кўкрак қафасининг кенгайиши, мускул вази ва мускул кучларининг ортиши жисмоний ривожланишнинг ўсмирлик ёшига хос хусусиятларидир. Шулар туфайли ўсмирнинг ташқи кўриниши боланинг ташқи кўринишига қараганда фарқ қилади: тана мутаносиблиги катталарга хос кўринишга эга бўлиб боради.

Ўсмирлик даврида ички секреция безлари фаолияти б-н боғлиқ равишда организмда кескин ўзгаришлар рўй беради. Айниқса, қалқонсимон без ва жинсий безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар организмда модда алмашилишининг катализатори вазифасини бажаради. Чунки

эндокрин ва нерв системалари бир-бирига узвий боғлиқдир. Шунга кўра ўсмирлик даври бир томондан қувватнинг кескин ортиши ва 2-томондан патоген таъсирларга ўта сезгирлиги б-н характерланади. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узоқ муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (қўрқиш, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин (менструал цикл) ва асаб тизими функциясининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай бузилишлар таъсирчанликнинг ортиши, ўзини тута билмаслик, паришонхотирлик, сержаҳллик, ланжлик, ишда маҳсулдорликнинг пасайиши, уйқунинг бузилиши кабиларда намоён бўлади.

Ҳар иккала жинс ўсмирлари учун бу даврда илк романтик ҳисларнинг ифодаланиши, «биринчи муҳаббат»га дуч келиш кабилар меъёрий ҳол ҳисобланади.

**ЎРТАЧА ИСТАЛАЁТГАН БОЛАЛАР СОНИ** – болаларга (болалар сонига) шахсий эҳтиёж кўрсаткичи сифатида қарашни ифодаловчи индикатор. Ушбу индикатор ота-она уларга ҳеч нарса тўсқинлик қилмаса, нечта фарзандли бўлишлари ниятини аниқлаш мақсадида қўлланади.

**ЎРТАЧА КУТИЛАЁТГАН (РЕЖАЛАНАЁТГАН) БОЛАЛАР СОНИ** – ҳаёт тарзи, ижтимоий муҳит талабидан келиб чиққан ҳолда туғилиши кутилаётган фарзандлар сони. Ў.к.б.с. ота-оналарнинг турмушдаги вазиятни, репродуктив режаларнинг бошқа ҳаётий режалар б-н рақобатини ҳисобга олган ҳолдаги аниқ ниятларини акс эттиради. Мазкур индикатор туғилиш тенденцияларини прогноз қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун демографлар туғилиш омилларини тадқиқ этишда ундан кенг фойдаланишади. Ў.к.б.с. оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг одатдаги иқтисодий воситалари: нафақалар, имтиёзлар ва ҳ.к.лар ёрдамида туғилиш даражасини етказиш

мумкин бўлган чегарани аниқлаш имконини беради.

**ЎСМИР ПСИХОЛОГИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР** – ўсмирлик даврида шахс руҳиятида рўй берадиган табиий жараёнлар. Бу даврда ўсмир психологияси ўзгаришларини қуйидаги жиҳатлардан библиш мумкин:

- мустақил бўлишга интилиш;
- атрофдагилар билан янги муносабатлар қарор топтиришга ҳаракат қилиш;
- келажакка мақсадлар қўйишга ният қилиш;
- жинсий етилишга мослашиш ва ўз ўрнини топиш;
- шахсий қарашлари ва фикрларини ифодалаш;
- ўзининг шахс туйғусини ривожлантиришга интилиш.

**ЎСМИРЛИК АВТОНОМИЯСИ** – ўсмирлик ёшида шахсда рўй берадиган жинсий, жисмоний, ҳуқуқий, ижтимоий ўзгаришлар.

Бола дунёга келган кундан бошлаб кимнингдир қарамоғига муҳтож бўлади. Ота-онаси ва б. яқинлари уни озиклантиради, кийинтиради, тарбиялайди ва мунтазам назорат остида тутати. Улар болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши боис бола бундай эътиборга, далдага муҳтожлик ҳис этиб туради. Ўсмирлик даврида эса бола ўз ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш борасида мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса, имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, эҳтиёжларини мустақил равишда қондира олиши мумкин бўлади. Ў.а. турлари:

**Ҳуқуқий автономия.** Айни вақтда бола ўсмирлик ёшига етиши ва унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши б-н характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Мабодо, ушбу даврда ўсмирнинг

ота-онаси ажрашиб кетгудек бўлса, ўсмирнинг каерда ва ким б-н қолиши унинг хоҳишига қараб ҳал этилади. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-харакати учун жавобгарлик, масъулиятлилиқ ҳисси-ни юзага келтиради.

**Иқтисодий автономия** – маълум даражада ҳуқуқий автономияга боғлиқ ҳолда юзага келиб, бевосита ўсмирнинг ўз моддий эҳтиёжларини бошқалар, ота-она ёрдамисиз қондира олиши мумкинлиги б-н боғлиқ. Ўсмир энди ўз эҳтиёжларини қондириш учун ота-онасига тўла тобе бўлмайди. Ўзи ишлаб топган даромадлари ҳисобига эҳтиёжларини қисман бўлса-да қондириши, ўзининг шахсий маблағига, жамгармасига эга бўлиши ва айрим ҳолларда бу маблағлардан хоҳишига қўра фойдаланиши мумкин. Айниқса, хоз. бозор иқтисодиёти даврида ўсмирлар қонуний равишда тижорат ишлари ва турли даромадли юмушлар б-н шуғулланиши ҳамда нафақат кундалиқ эҳтиёжларини қондира олиши, балки ўз эҳтиёжларидан ортиқроқ маблағга эга бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар ўсмирларда И.а.нинг юзага келишини таъминлайди.

Ў.а.дан яна бири эмоционал автономиядир. Эмоционал автономия ўсмирлар табиатида намоён бўлувчи жиҳат ҳисобланади. Бунда ўсмир ўзини мустақил, дадил, ҳар нарсага қодир ҳис қила бошлайди.

Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири маконий автономиядир. Бу ўсмирларнинг бирон-бир ишни бажараётган ёки бирон-бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз қолишга, айниқса, ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга интилиши, ўз ўй-хаёллари б-н машғул бўлиб вақт ўтказишни исташидир. Ўсмир суҳбатлашса ҳам, асосан, ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина муносабатда бўлиб, ота-онаси б-н имкон қадар камроқ муло-

қотда бўлишга интилади ва ўзи б-н ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган мазкур ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, фарзандлари б-н олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қолишади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг автономиясига «бостириб қирадилар». Буни эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

**ЎСМИРЛИК ДАВРИ** – инсоннинг болалик давридан ёшлиқ даврига ўтадиган ва б. даврларга нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши б-н фарқланиб турувчи энг характерли давр. Бу давр психологик ва пед. адабиётларда «ўтиш даври», «огир давр», «инқироз даври» каби иборалар б-н ҳам номланади. Ў.д. 11–12 ёшдан 14–15 ёш оралиғида кечади. Айрим болаларда эса 1–2 й. эртароқ ёки кечроқ кузатилиши ҳам мумкин. Шунини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, ўсмирлик даври айрим болаларда (аксарият ҳолларда қиз болаларда) 9–10 ёшлардан бошланиб, яна бошқаларда 16–17 ёшларгача давом этиши мумкин. Ў.д.нинг бошланиши қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан 1–2 й. олдин рўй беради.

Ў.д.нинг огир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар б-н боғлиқ. Бу даврда жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ривожланиш ўзгача мазмун-моҳият касб этади, ўсмир ҳаёти, психикаси, организми ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Баъзан ўсмирларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади. Ў.д.га келиб, бола болалик даврини босиб ўтган, бироқ шу б-н бирга ҳали «катта»лик маконига эришмаган бўлади. Унинг ўз-ўзига ва

атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер касб этиб боради. Унинг қизиқишлар тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлар тизими ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»ининг аҳамияти ортади.

**ЎСПИРИНЛИК** – 16–18 ёшларни камраб олган анча мураккаб давр. Мазкур даврда шахс ҳам жисмонан, ҳам маънан жадал ривожланишга қадам қўяди. Жамият фуқароси ҳамда 18 ёшида эса сайлаш (сайланиш) ҳуқуқини қўлга киритади. Буларнинг барчаси ўспириннинг (фуқаро сифатида) ижтимоий жиҳатдан вояга етиши турмушда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, етук шахс тарикасида руҳияти ва маънавиятининг ривожини учун жамики шарт-шароитларни яратади.

**ЎСПИРИНЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ** – жамоат ташкилотлари, мактаб жамоаси, таълим жараёни томонидан қўйиладиган талаблар даражасининг ошиши, турли руҳий вазиятлар б-н эришилган руҳий камолот ўртасидаги зиддиятлардан иборат жараён. Юзага келган қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ўспириннинг ахлоқий, ақлий, эстетик жиҳатдан тез ўсиши орқали бартараф қилиб борилади.

**ЎТА КУЧЛИ АХЛОҚИЙ МАСЪУЛИЯТ** – ота-она томонидан фарзандга нисбатан кучли талабнинг қўйилиши; фарзанднинг хохиш-истагини эътиборга олмаслик. Ота-она боласининг келажагини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда шахсий тасаввурдаги инсонни яратишга шахсни шакллантиришга уринадилар. Баъзан боланинг ёши ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади.

**ЎТА ФАОЛ БОЛАЛАР** – серҳаракат, бажарётган ишида тартиб ва мунтазамлик

бўлмаган, одатда, юқори руҳий ҳолатда юрадиган, ҳиссиёти тез ўзгарувчан бола. Кўпинча ота-оналар фарзандларининг бир жойда ўтира олмасликларини, сезиб қоладилар. Шу б-н бирга унинг ҳаддан ташқари кўп ҳаракат қилаётганлигини, безовта бўлаётганлигини, беҳаловат типирчилаётганлигини, овозини баланд кўтариб гапираётганлигини, атрофидаги болалар ва катталарга халақит бераётганлигини ҳис қиладилар. Бундай болаларнинг ҳаракатлари кўпинча қовушмаган бўлиб, бир-бирига мувофик келмайди. Улар диққатини бирор нарсада жамлай олмайдилар, кўп савол берадилар, бир вақтда бир неча ишни бажаришни хоҳлайдилар. Савол бериб, жавобини кутмайдилар ёки бошқа ишларга чалғиб кетадилар. Бирор ўйин ўйнашни бошлаб, бошқасига ўтиб кетадилар. Буларнинг ҳаммаси қисқа вақтларда содир бўлади. Бола узлуксиз равишда ниманидир олади, қўлидан тушириб юборади. Бундай болаларнинг ҳаракатчанлик қуввати бир нечта болага етадигандай туюлади. Мана шундай болалар ўта фаол ҳисобланиб, улардаги бундай ҳолатларни ота-оналар 6–7 ёшларида кузатишлари мумкин.

Ўта фаолликнинг асосий белгилари:

- эътиборнинг камлиги;
- ўта таъсирчанлик;
- серҳаракатлилик.

Ота-оналар бола диққатини бирор нарсага бир неча дақ.гина жамлашини кузатадилар. Бирор иш б-н банд бўлган вақтларида атрофларида содир бўлаётган ҳаракат ёки товушларига таъсирчан бўладилар. Билим олиш ва тарбия соҳасида турли муаммоларга учрайдилар. Эътиборларини жамлай олмаганликлари сабабли ўрганилаётган материални ўзлаштира олмайдилар. Бола ҳаракатидаги номувофиклик кўз ва қўл ўртасидаги боғлиқ ҳаракатларини тўғри бошқара ол-


маслиги сабабли юзага келади. Бунинг натижасида боланинг ёзиш кўникмаларида кийинчиликлар кузатилади. Бу каби ҳолатларнинг ҳаммаси болада ўз-ўзидан қоникмаслик ва асабийликни келтириб чиқаради. Катталарнинг кўпчилик қисми бундай болалар б-н мулоқот вақтида сабрсизлик қиладилар, уларнинг қилаётган хатти-ҳаракатларини кўтара олмайдилар. Улар болани тинчлантиришга уриниб, унинг жисмоний ва руҳий фаоллигини пасайтирмакчи бўладилар. Шу мақсадда болага жисмоний жазо берадилар. Бу эса бола руҳиятига салбий таъсир қилади. Натижада, боладаги асабийлик кучайиб, тажовузкорлик ҳисси пайдо бўлади. Бундай ҳолатга тушган болани бошқариш қийин кечади. Ички ҳис-туйғуларини ифода қилишдан маҳрум бўлган болаларнинг осойишта бўлишлари ёки бирор машгулот б-н хотиржам шуғулланишлари мушкул.

Ўта фаол болаларнинг атрофдагилар б-н ўзаро муносабатлари яхши шаклланмаган бўлади. Тенгдошлари орасида дўстлари кам бўлиб, катталар б-н алоқалари мураккаб тарзда кечади.

**ЎЧОҚ** – овқат тайёрлаш учун қозон ўрнатиб ўт ёкиладиган қурилма. Ў. сўзининг кўчма маъносига келсак, у маълум бир нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг тарқалиш маркази, таралиш нуқтаси тушунчаларини ҳам англатади. Мас.: билим Ў.и, инфекция Ў.и

Никоҳ тўйи олди-бердилари пайтида, биринчи сарпо «ўт-Ў.қа» аталади. Биринчи сарпонинг ўт ва Ў.қа аталишида муҳим бир ҳикмат мавжуд. Ў.даги ўт, иссиқлик файзу баракот рамзи бўлса, Ў. ризқ ва фаровонлик рамзидир.

**ЎЧОҚБОШИ** – ўчок, ўчокқа қаланадиган ўтин, қозон-товок, идиш-оёк, супра-тахта ва ҳ.к. ошхона анжомлари ишлатиладиган, ўт ёкилиб овқат тайёрланадиган жой.



**ҚАДРИЯТ** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат, анъана, урф-одат, удум ва б. Қ. ҳисобланади.

Қ.лар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин. Қ.лар, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, и.ч., меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланган. Инсон, бутун умри давомида, сон-саноксиз Қ.лар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлик, табиий ва ижтимоий атроф-муҳит,

тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган Қ.лар умум-башарий хусусиятга эгадир. Бундай Қ.лар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий, мутлак ва муқаддасдир. Шундай Қ.лар ҳам мавжудки, улар муайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ўтмиши, келажаги ва яшаётган ижтимоий муҳити б-н боғлиқдир. Улар миллий Қ.лар дейилади. Энг олий Қ. – инсон. Инсоннинг фаолияти, турмуш тарзи, хатги-ҳаракати, ишонч-этиқоди, хулқ-одоби шахсий Қ.дир. Аммо умумбашарий ва умуминсоний Қ.лар бошқа. Қ.лар учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Қ.ларни мазмун ва тусига кўра, ижобий ёки салбий жиҳатларга ажратиш мумкин. Қ.лар миллий истиқлол ғояси ва мафқураси талаблари б-н уйғунлашиб, комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**ҚАЙИНБЎЙИН** – келин-куёвнинг ака-укалари, опа-сингиллари ва жиянларининг умумий номланиши.

Куёвнинг акалари келинга қайноға бўлади. Келин уларни «ака», «муллака» деб, қайнота бўлмаган хонадонда эса оила бошлиғи сифатида, ота ўрнида ҳурматлаб, «ота», «дада» ёки «ада» деб атайти. Куёвнинг опаси келинга «қайинэгачи»дир, уни «опа» ёки «опоғойи», «кичик ойи» деб чақиради. Куёвнинг укаси – қайни, синглиси эса қайинсингил ҳисобланади ва келин уларнинг исмига «жон», «хон» кўшиб чақирса, чиройли ва эхтиром белгиси бўлади. Қолаверса, бу унинг яхши тарбия кўрганлигидан, хуш хулқидан далолат беради. Ўзбекларнинг одатига кўра, келин ўзи тушган хонадоннинг чақалогигача «сиз»лаб мурожаат қилади, бу эса Қ.лар б-н келин ўртасида ҳурмат, меҳр-муҳаббат ришталарини боғлайди. Қайноға ва қайинэгачилар келинга ҳар ишда ўрناق бўлиши, кўмаклашиши, оқилона маслаҳатларини аямаслиги керак. Қ.ларнинг самимий

муносабати келиннинг хонадонда ўзини эркин хис этиб, оила аъзолари б-н яқин муносабатда бўлиб кетишида муҳим ўрин тутади. Келин хонадондаги кичкинтойларга қанчалик меҳрибон, гамхўр бўлса, улардан ҳам шундай ҳурмат ва иззат-икром кўради. Чунки меҳр бола калбида ўчмас из қолдиради ва у келинойисига ҳар жиҳатдан эргашадиган бўлади.

**ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН МУНОСАБАТИ** – оилавий муносабатларнинг бир тури бўлиб, ўзаро ижобий ва салбий коммуникатив ҳолатни ўзида мужассамлаштирган муносабат. Бу миллий урф-одатларимиз нуктаи назаридан ўзбек оиласи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўпгина ўзбек оилаларидаги эр-хотин ўртасидаги муаммолар қайнона б-н келин ўртасидаги келишмовчиликдан келиб чиқади. Бунинг ижтимоий сабаблари кўп. Лекин энг асосийси қайноналарнинг эскилик сарқитларига ортикча берилиши, ўзининг шахсий манфаатларини устун қўйиши ёки умуман келин б-н муомала услубини билмаслигидан бўлади. Ҳаётини кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда ўзи келинлигида қайнонага хизмат қилмаган аёллар қайнона бўлгандан кейин келинларига зулмкор бўладилар. Баъзан бу масалада келиннинг ортикча ўзбошимчалиги, мазкур оиладаги тартиб ва қоидаларни назар-писанд қилмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Қайнона б-н келин ўртасидаги муаммонинг кўп учраши сабаби шундаки, янги оилада келин б-н асосан қайнона шуғулланади. Чунки келин ўз уйида уй-рўзғор, ошхона, ҳовли масалаларида озми-кўпми тарбия мактабини ўтаган ва ўзини оилавий ҳаётга тайёрлаган бўлади. Лекин бу тартиблар баъзан янги оилага тўғри келмаслиги мумкин. Ана шу сабабли у ўз тушунча ва тартибларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Қайнона-келин муаммоси азалий муаммолардан бўлиб, бу масала атрофида

канчадан-канча муҳокама, таклиф ва на-  
сихатлар берилган. Қайнона-келин келиш-  
мовчиликлари ва уларнинг турлари:

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий  
ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муноса-  
батларига нисбатан салбий тасаввур шакл-  
ланганлиги.

2. Қайнона-келиннинг дунёкарашлари  
ва уй-рўзгор тутишлари орасида тафовут-  
ларнинг борлиги.

3. Баъзи келинларнинг келинлик ва  
оналик вазифаларини бажаришга тайёр  
эмаслиги.

4. Қайнона-келиннинг бола тарбияси-  
даги тажрибаси, фикри мос тушмаслиги  
туфайли келиша олмаслиги.

5. Катта хонадонларда овсинлар қай-  
нона илтифотини қозонишга ҳаракат қи-  
лиш туфайли келишмовчиликларнинг кели-  
б чиқиши.

6. Қайнонанинг келин ёши, қизиқиши,  
орзу-ҳаваслари, ишлаши ёки ўқишини хи-  
собга олмаслиги.

7. Айрим келинларнинг янги оилага  
мослашишининг қийин бўлиши.

**ҚАЛИН** – никоҳ тўйида куёв ёки куёв-  
нинг оиласи томонидан келиннинг ота-  
онасига, хусусан онасига бериладиган  
пул ёки қимматбаҳо буюм кўринишидаги  
совға. Қ. баъзи жойларда «сут пули» ҳам  
дейлади. Қ.нинг пайдо бўлиши матриар-  
хатдан патриархатга ўтиш даврига бориб  
тақалади. Дастлабки вақтларда келин учун  
умумий тарзда унинг уруғига, кейинча-  
лик ота-онаси ёки қариндош-уруғига би-  
рор совға беришган. Қ. сифатида кийим-  
кечак, озиқ-овқат, жонлик, қимматбаҳо  
тақинчоқлар, мол-мулк ва пул берилади. Қ.  
олиш одатининг пайдо бўлиши, биринчи-  
дан, қизнинг ўз ота-онаси уйида оила учун  
фойда келтирувчи ишчи кучи сифатида  
унинг хизматида фойдаланиш имкония-  
тининг йўқотилганлиги б-н, иккинчидан,  
бўлажак куёвнинг уйига олиб кетилади-

ган сеп, асбоб-анжом, мол-мулк б-н ҳам  
боғлиқдир. Ундан ташқари, Қ. куёвнинг  
барча уруғ-аймоғидан тўплаб берилгани  
учун улар келин-куёвнинг никоҳининг  
мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилганлар.  
Қ. тўлаш ҳанузгача кўпгина Шарқ мам-  
лакатларида (Ўрта Осиё ва Кавказда)  
сақланиб қолган. Кейинги йилларда Ўзбе-  
кистоннинг баъзи жойларида «сут пули»  
шаклида Қ. бериш кузатилмоқда. «Қ.»  
туркий сўз бўлиб, «қиз учун тўланади-  
ган ҳақ» ёки «келин томонга бериладиган  
моддий ёрдам», деган маънони англатади.  
Қад. туркий тилда Қ. сўзининг вазият ва  
матнга кўра, кўп сонли, саноксиз, гуруҳ,  
тўпланиш, кенгаш, оломон, йўғон, зич  
маънолари бўлган. Анъанага биноан Қ.  
миқдори ҳам маълум бир қоидаларга бўй-  
сунган. Қиз томон ўзи истаган Қ.ни талаб  
қилавермаган. Қ. одатда уруғ кенгаши, оқ-  
соқоллар томонидан белгиланган. Славян  
қабилаларида ҳам Қ. бериш одати мавжуд  
бўлиб, у сепдан фарқли равишда вено деб  
юритилган. Славянлардаги вено, мўғул ва  
туркий халқлардаги Қ. дастлаб турли хил  
буюмлардан, кейинчалик, пулдан иборат  
бўлган. Жан. Африкадаги зулус қабилаларида эса Қ. лоболо деб юритилиб, мол  
(чорва) б-н берилган.

Қ.нинг берилиши мамлакатимизнинг  
ҳар бир ҳудудида ўзига хос кўринишга,  
миқдорга эга. Мас., Тошкент ш.да Қ.нинг  
миқдори 8–10 млн. атрофида бўлса, жан.  
вилоятларда, хусусан Қашқадарёда бу кўр-  
саткич 800 мингдан 2 млн.гача бориши  
мумкин. Албатта, мазкур вилоятнинг ту-  
манларида ҳам Қ. масаласида фарқлар  
мавжуд. Аммо Қ.нинг бу ҳудудга хос бўл-  
ган жиҳати шундаки, бўлажак қудалар  
ўзларининг ўртасидаги олди-берди маса-  
лаларини келишган ҳолда иложи борича  
чиким ва сарф-харажатларни шу жумла-  
дан Қ. ва б. шу қабиларнинг кўрсаткичини  
озроқ қилишга ҳаракат қиладилар.

Қ. Хоразм вилоятида ўта юкори эканлиги б-н ажралиб туради. Аксар хоразмликлар Қ.ни бир туя пули миқдорида тўлашга ҳаракат қиладилар. Қ. ҳозирги кунда, ососан, пул кўринишида бўлади. Шунинг учун ҳам халқ орасида у Қ. пули деб юритилади. Аммо ўтмишда Қ. буюм нарса, жонли мавжудот кўринишида ҳам бўлган. Бунда Қ. берувчи Қ. сифатида қимматбаҳо тақинчок тош, хазина каби нарсалар, адади кўп бўлган хизматкорлар, наслдор тулпор ва б.ни берган.

**ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ** – қариндошлик даражасига кўра учинчи ва ундан юкорирок бўлган қариндошлар ўртасида бўладиган никоҳ.

Қ.ў.н.да ота-оналар соғлом бўлса-да, уларнинг фарзандларида ирсий касаллик б-н туғилиш хавфи юкори бўлади. Бунинг сабаби қуйидагилар:

– соғлом ота-оналарда фақат «тоза» «соғлом» генлар мавжуд бўлади;

– касаллик генини ташувчилари ўзлари касал бўлмайди, лекин касаллик генларини ўз фарзандларига беради;

– беморларда умуман «соғлом» генлар мавжуд эмас. Касаллик генини ташувчилар 50 % «касаллик» генини сақлайди. «Касаллик» ёки «соғлом» генларнинг берилиши 3 хил кўринишда бўлади.

**Биринчи кўриниш** ҳомила иккита «соғлом» генлардан иборат уруғдан ривожланганда бола соғлом туғилади.

**Иккинчи кўриниш** ҳомила ота-оналарнинг бирини «соғлом» генини сақловчи иккинчисини «касаллик» генини сақловчи уруғидан ривожланади, натижада бола соғлом лекин «касаллик» генининг ташувчиси бўлиб қолади.

**Учинчи кўриниш.** Ҳомила ота-онанинг «касаллик» генини сақловчи уруғларидан ривожланади ва бола касаллик б-н туғилади.

Табийки, қариндошлар орасидаги никоҳда «касаллик» генларининг учраши эҳтимоли юкори бўлади.

Қариндошлик қанча яқин бўлса, «касаллик» пайдо бўлиш эҳтимоли шунча юкори бўлади.

Бир қатор касалликлар ирсий келиб чиқиш б-н боғлиқ. Ушбу касалликларнинг кўпчилиги ирсий ахборотлардаги (генлардаги) ўзгаришлар натижасида келиб чиқади.

Қачонки ота-оналардаги «касаллик» генлари бир-бири б-н учрашса, фарзандларни ирсий касаллик б-н туғилиши кузатилади.

Ҳар бир бола ўз генларининг ярмини онадан, иккинчи ярмини отадан олади. Акад. К.Н. Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасидаги касалга чалиниш анча қисқаради.


**ҚАРИНДОШЛИК** – бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича Қ.нинг яқинлиги Қ. даражаси, яъни туғилиш сони б-н белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невра бобосига, бувисига нисбатан иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади. Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади. Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир. Икки шахс ўртасида Қ.нинг узоқ-яқинлигини аниқлашда даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади. Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар то-

мон олиб борилади. Туғишган ака-ука ва опа-сингил Қ.нинг иккинчи, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари б-н Қ.нинг учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса Қ.нинг тўртинчи даражасида турадилар.

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган Қ. эга бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган; ота бир, она бошқа ёки аксинча, она бир, ота бошқа бўлса, ёт аралашган Қ. ҳисобланади. Ёт аралашмаган Қ.да ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган Қ.да эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўғай ҳисобланади. Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди. Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари б-н хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайинбўйинчилик ва куда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

**КАТТИҚҚЎЛЛИК** – фарзанд тарбиясига масъул шахсларнинг фарзандларга нисбатан назоратни кучли тутиши. Қ., тўғридан-тўғри болани ёшлигидан қалтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола эҳтиёжларига тўла бефарқлик, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола ёшлигидан нима қилиб бўлса-да, тезроқ катта бўлиш, ўзи амаллаб тирикчилигини қилиш, ота-она Қ.идан қутулишни ўйлаб яшайди. Бундай оилада болани у ёки бу хулқи учун жазолаш одат тусига кириб қолади, бола кўрққанидан ота-она ҳуқмига итоат этаётганлиги, бунинг истиқболда ёмон асоратлари борлигини катталар билмайди, билсалар ҳам бу усул улар учун самарали туюлади.

**ҚЎШНИ** – уйлари, ҳовли жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар.



**ҒАМХЎРЛИК** – кишиларнинг бир-бирига нисбатан меҳрибон, раҳмдил бўлиши.

Ғ. инсон ёши, ҳаётдаги олган тажрибаси, вояга етганлик сингари омилларга қараб бир неча гуруҳларга бўлиниб кетади. Бунда, асосан, кимнинг кимга Ғ. қилиши лозимлиги эътиборга олинади. Мас. ота-онанинг фарзандларга Ғ.и, фарзандларнинг ота-онага Ғ.и, ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўзаро Ғ.и, эр-хотиннинг бир-бирига Ғ.и сингари турларни келтириш мумкин.

Ота-онанинг фарзандларга Ғ.и:

- фарзандларга ҳаёт учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;
- фарзандлар ҳаёти учун зарарли бўлган иллат ва ҳолатларни оилага яқинлаштирмаслик;
- фарзанд истагига кўра унга зарур нарсаларни муҳайё қилиш (агар фарзандларнинг камол топишига ижобий таъсир этувчи нарса бўлса);
- фарзандларнинг биологик, жисмоний, ахлоқий, соҳавий ва бошқа жиҳатлардан тўғри ривожланишида керак бўладиган барча заруратларни яратиш;

– фарзандлар мустақил ҳаётга кадам қўяр экан, уларга суянч бўлиш ва танлаган максадларига етишда ҳамиша ёнида бўлиш;

– фарзанд ҳаётини унинг иштироки-сиз ҳал қилмасдан, хоҳишини эшитиб кўриш ва тегишли маслаҳатларни бериш, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни тўғри тушунтириш;

– ҳаёт йўлида фарзандларга тўғри маслаҳат бера олиш.

Ўз навбатида фарзандлар ҳам ота-онасига Ғ. қилишлари шарт. Ва буларга қуйидагилар киради:

– вояга етгандан кейин ота-онани қаровсиз қолдирмаслик, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туриш;

– ота-онани бошқа инсонларга қарам ҳолда ташлаб қўймаслик, фарзандлик меҳрини улардан дариг тутмаслик;

– ишларни ҳал қилишда, оилавий масалаларни ечишда уларнинг ўрнидан қарор чиқармаслик, ота-она қарорини ҳурмат қилиш;

– ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-онанинг кўнглига қараш.

Ёш ўтиши б-н ота-онада рўй берадиган руҳий тушқунлик ва инжиклик кузатилганда эҳтиёткорлик б-н муносабатда бўлиш, вазиятни уларнинг хоҳишича олиб бориш;

– ота-она нотўғри иш қилган тақдирда ҳам бунинг муҳокамасини қилмаслик, сукунат б-н жавоб қайтариш ва шу йўл б-н уларга бўлган меҳр-мухаббатни билдириб туриш.

Эр-хотин ўртасидаги Ғ. шакллари:

– ўзаро бир-бирига нисбатан меҳрибон бўлиш;

– оилавий вазиятларда ўзаро тушуниш, бир-бирини эҳтиёт қилиш;

– оила аъзоларининг муносабатлари қандай бўлишидан қатъи назар бир-бирига елкадош бўлиш;

– ҳаёт қийинчиликлари олдида бир-бирига суянч бўлиш, қўллаб-қувватлаш;

– турмуш ўртоғининг ўзи учун керакли инсон эканлигини ҳамиша англашиб туриш;

– турмуш ўртқни фарзандлар олдида обрўсизлантирмаслик, ҳар қандай масала бўлишидан қатъи назар ўзаро ҳал қилиш, иккинчи томонга бўлган ҳурматни сақлаб қолиш ва б.

Оилавий муносабатларда Ғ. барча оила аъзоларининг ўртасида кузатилади. Аммо улардан энг асосийси юқорида келтирилган бўлиб, улардаги Ғ.нинг борлиги оиланинг мустаҳкамлигини сақлайди.

**ҒИЙБАТ** – кишилар ҳақида ҳақиқатлиги номаълум бўлган ҳолда бирор ёмон гап гапириш, орқасидан сўзлаш.

Ғ. ислом динида ижобий ҳодиса сифатида баҳоланмайди. Лекин бир неча жиҳатлар Ғ.нинг жоиз бўлишини кўрсатди:

1. Мазлум учун. У подшоҳ ёки қозининг хузурига бориб, золимнинг устидан шикоят қилса. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Аллоҳ кабиҳ сўзларни сўзлаш(ингиз)ни севмас. Илло, зулм кўрганлар (бундан мустасно)», дейди (Нисо, 148-оят).

2. Мункар ишни ўзгартириш, осийни тўғри йўлга солиш учун бировдан ёрдам сўраб, уни Ғ. қилса, жоиз. Ҳазрати Зайд ибн Арқам разийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ (с.а.в.)га мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убайнинг иккита гапини етказганлар. Бу «Мунофиқун» сурасининг 7–8 оятларида зикр қилинган. Яна Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳу Ҳунайн ғазоти тақсимоти борасида ансорлар ўртасидаги бўлаётган гап-сўзни Пайғамбар алайҳиссаломга етказганлар.

3. Фагво олиш учун ҳам Ғ. қилиш жоиз. Ҳинда разийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўз эри Абу Суфён разийаллоҳу анҳунинг бахиллигидан шикоят қилиб,

етарли миқдорда харажатга пул бермаслигини айтиб келганлар. Бу ҳолда, нима қилишини сўраганлар.


4. Мусулмонларни ёмонликдан сақлаш учун Ғ. қилиш жоиз. Бир киши Расулulloх (с.а.в.)нинг олдиларига келиб, хузурларига киришга рухсат сўраган. Бу хабар Набий алайҳиссаломга етказилганда, у зот мусулмонлар унинг ёмонлигидан сақланишлари учун: «Кирсин. У фалон қабиланинг ёмон одами», деганлар. Яна бир ҳолат шуки, ҳадисшуносликда заиф ровийларнинг ҳоли баён этилиб, у жарҳ қилинади, яъни айби очиқ баён этилади. Бу билан эса диннинг илми ҳимоя қилинмоқда. Ўта заиф ҳадисдан ёки мавзӯ – тўқима ривоятдан ҳукм олиб, унга амал қилинса, мусулмонларга зарар бўлади.

5. Фисқ ва фужур ишларга мубтало бўлган кишидан одамларни огоҳлантириш учун ўша кимсани Ғ. қилиш жоиз. Набий (с.а.в.) иккита мунофиқ борасида: «Булар бизнинг динимиздан ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлайман», деганлар.

6. Бир кишининг лақаби бўлиб, ана шу лақаб билан машҳур бўлса, уни танитиш учун ана шу лақабини айтиш Ғ.га қирмайди. Мисол учун, бир киши чўлок бўлса, уни танитиш учун «фалончи чўлок» дейиш мумкин, кўр бўлса, «фалончи кўр», дейиш мумкин.

Ғ. Ислом динида катта гуноҳ саналади. Давраларда Ғ. бошланиши биланок, уни тўхтатишга ҳаракат қилмоқ лозим. «Бу Ғ. эмасми? Ғ. бўлаяпти-ю!», деб эслатиб қўйилса, Ғ.га киришувчи дарҳол ўзини тийишга ҳаракат қилиб қолади.

Ғ. ғийбатчининг ва ғийбат этилаётган кишининг мавкейни тушириши мумкин. Зеро, унинг ёмон одат эканлиги Ғ. қилувчи, уни тингловчи, Ғ. этилувчи кимсаларга келтирадиган зараридан билиш мумкин. Ҳар бир дин, ахлоқий қадрият Ғ.га ижобий ҳодиса сифатида қарамайди.



**ҲАДИС** (араб. – хабар, гап, янгилик) – Муҳаммад (сав) айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Куръондан кейин 2-манба ҳисобланади. Ҳ. 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳ. 2 турга – Ҳ.и қудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши Расулulloҳ томонидан бўлган Ҳ.лар) ва Ҳ.и набавийга бўлинади. Ҳ.лар эътиборга олиниши жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф.

Куръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (сав) ўз Ҳ.ларини айтарди. Бу Ҳ.ларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар вафотидан сўнг Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат б-н бир гуруҳ мусулмонлар уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Биринчи Ҳ. китобини Ибн Шихоб аз-Зухрий ёзди. Ундан кейин бирин-кетин Ҳ. тўпламлари тасниф этила бошлади. Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаган бўлиб, уларда пайғамбар Ҳ.лари б-н саҳо-

балар ва тобеъинларнинг фатволари чалкаштириб юборилган эди.

Ҳижрий III а.да Ҳ. таълиф этиш соҳасида «муснад», «сахих», «сунан» деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. «Муснад» йўналишида тасниф этилган тўпламларда турли мавзудаги Ҳ.лар бир жойда келтирилиб, улар Ҳ. ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Ҳ. китоблари шу йўналишга мансуб. «Саҳих» йўналишига тўғри, ишонарли Ҳ.лар киритилган. Бу йўналишга Имом Бухорий асос солган. «Сунан» йўналишидаги тўпламга эса, тўғри, ишонарли Ҳ.лар б-н бир қаторда «заиф» Ҳ.лар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо ат-Термизий, Насоий, Ибн Можа тўпламлари шу йўналишга мансубдир.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий Ҳ. тўпламини таълиф этган. Бундан ташқари, Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Ишоқ ибн Роҳавайх ал-Марвазий, Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баракотий, Иброҳим ибн Маъқул ан-Насафий ва б. Ҳ. тўпламларини тасниф этишган. Кейинчалик, миллий-сиёсий ихтилофлар натижасида, пайғамбар номидан ёлғон Ҳ.лар тўқиш, фикҳ ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз, тўқима Ҳ.лар юзага келган.

Давр ўтиши билан Ҳ.лар танланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. IX–X а. бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган Ҳ.нинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: «Саҳихи Бухорий», «Саҳихи Муслим», «Саҳихи Термизий», «Сунани Абу Довуд», «Сунани Ибн Можа», «Сунани Насоий». «Саҳихи Бухорий» кўпроқ эъзозланади. Бу 6 та Ҳ. тўпламини тузган муҳаддислардан

2 таси мовароуннаҳрлик, 4 таси эса хуросонлик бўлган. Ҳ.лар тўплами сунна деб ном олган. Ҳ.ларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Исломни қабул қилган халқлар маданий ва ғоявий меросининг кўп унсурлари исломга Ҳ. шаклида ўтган. Ҳ. йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб, билим излашнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Ҳ. ҳар қандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлган; ундан ҳикматли сўз ва матал сифатида ҳам фойдаланилган.

**ҲАЙЗ**, цикли, ой кўриш, менструация – балоғатга етган қиз болада ва бола туғиш ёшидаги аёлларда ҳар 26–29 кунда, баъзан 21–24 кунда (қиска цикл) содир бўладиган биологик жараён; Ҳ. циклида, асосан, тухумдон ва бачадонда ўзгариш рўй бериб, бачадондан маълум микдорда қон кетади. Ҳ. кўриш марказий нерв системаси (бош мия пўстлоғи, гипоталамус, гипофиз) томонидан бошқарилади.

Тухумдонда гипофиздан ажраладиган гормонлар таъсирида тухум хужайрали фолликула (Грааф пуфакчаси) ўсади ва ривожланади. Фолликула етилаётганида бачадонга бевосита таъсир этадиган махсус жинсий гормонлар (эстрогенлар) ажратади. Фолликула етилганч, ёрилиб, ундан етилган тухум хужайра чиқишига овуляция жараёни дейилади. Ёрилган фолликула ўрнида сариқ тана ички секретция беши ҳосил бўлади; сариқ танадан прогестерон ажралади.

Прогестерон ва эстрогенлар таъсирида бачадон шиллик қавати қалинлашади, унинг қон томирлари кенгайиб, қон б-н тўлади. Агар аёлнинг бўйида бўлмаса, сариқ тана нобуд бўлади, бачадон шиллик қаватининг функционал қисми парчаланиб кўчади ва Ҳ. кўрилади. Кейинчалик шиллик қават юзаси аста-секин битиб, асли ҳолига келади. Шундай қилиб, тухум ҳу-

жайра етилиши даврий равишда (ҳар 21–25 кун, кўпрок 28 кунда) такрорланиб туради.

Менструал цикл б-н шахс руҳияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Хотин-қизларда кузатиладиган менструал цикл 4 босқичдан иборат бўлиб, бу босқичларда шахс руҳиятида кузатиладиган ўзгаришларни шартли равишда йилнинг тўрт фаслидаги об-ҳаво ўзгаришларига қиёслаш мумкин. Жинсий безлар эстроген ва андроген гормонларини ажратиб чиқаради. Эстроген гормонлари одамда руҳий қувватни оширувчи гормонлар бўлса, андроген гормонлари аксинча, руҳий қувватни емирувчи гормон ҳисобланади. Уларнинг ажралиб чиқиш миқдори менструал циклнинг турли босқичларида турлича бўлади.

Менструал цикл тугагандан кейинги биринчи ҳафтада эстроген гормонларнинг ажралиб чиқиши кўпайиб аёл, ўсмир киз организми табиат худди қишдан кейинги баҳор кунларида яйраб-яшнагани сингари яшариб, руҳий қувватга тўйиниб боради. Бу даврда хотин-қизларнинг ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатлари яхшиланиб, уларнинг ўзига ишончи, ўзини ўзи баҳолаш даражалари ортиб боради.

Навбатдаги иккинчи ҳафтани ҳаёт енгил ва ёқимли бўлган ёз фаслига қиёслаш мумкин. Бу даврда андроген миқдори жуда камайиб, эстроген энг кўп миқдорда ажралиб чиқарила бошлайди. Инсоннинг кайфияти ҳам аёло даражада бўлади. Бу босқичда хотин-қизларнинг ўзига ишончи циклнинг бошқа даврларига қараганда энг юқори даражада бўлади. Бу кунлар улар учун энг кўп қувватга, завқ-шавққа тўлган, атрофдагилар б-н дўстона муносабатда бўлган ва ўз-ўзини юқори баҳолайдиган вақтлардир.

Давр ўрталарига бориб оптимизм ўзининг энг юқори чўққисига етади. Бу «ёз» кунларида хотин-қизларнинг атрофдаги-

лар, айниқса, қарама-қарши жинс вакиллари б-н бўладиган муносабатлари жадал ривожланади.

Табиатда иссиқ ёз ўрнини ўзининг изғирин шамоллари б-н куз эгаллаганидек, менструал циклнинг учинчи ҳафтасида организм учун қувват манбаи бўлган эстроген миқдори камайиб, андрогеннинг ажралиб чиқиши кучая боради. У эстроген таъсирини камайтириб, Х, кўриш бошланиши олдидан руҳий сиқилиш ҳолатини юзага келтиради, организмни қишга, яъни навбатдаги менструацияга тайёрлайди. Бу даврда ўсмир қизлар руҳиятида таянчлик, жиззакилик, бепарқлик, ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан ишончсизлик ортиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш даражаси кескин пасаяди. Бу ҳолат хотин-қизларда нафақат ноқулайлик ҳиссини, балки «Мен ҳеч кимга керак эмасман!», «Нақадар хунукман», – деган фикрларнинг ҳам келишига сабаб бўлади. Бундай фикр, бундай баҳо улар учун қай даражада оғир эканлигини фақат шу ҳолатни бошидан кечирганларгина ҳис қила олиши мумкин.

Айни шу даврда атрофдагиларнинг хотин-қиз шахсиятига тааллуқли бўлган арзимаган гапи ҳам унга ўта ҳақоратдек туюлиши ва фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат ҳафта давомида сақланиб туради.

Тўртинчи ҳафта менструация цикли бошланганда эса бу ҳолатлар янада кучаяди. Мазкур даврда уларнинг ўз-ўзини баҳолаш даражаси ниҳоятда пасайиб, улар нафақат атрофидагиларни, ҳатто ўзини ўзи ҳам ёмон кўриб кетадилар. Ўзларини ўта ноқулай, ўта хунук, ёлғиз, ҳеч кимга керак эмас, деб ҳис қиладилар. Айни шу вақтларда ўз руҳиятида, организмда рўй бераётган бундай ўзгаришларнинг асл сабаби ва моҳиятини тушуниб етмаган айрим ўсмир қизлар, аёллар, атрофидагилар б-н бўладиган ўзаро му-

носабатларининг бузилишига, айрим но-хуш ҳодисаларнинг содир бўлишига йўл қўйишлари мумкин.

Шунинг учун ўсмир кизларнинг ота-онаси, ўқитувчилари хоз. кун ўсмир психологияси, психофизиологияси масалаларига оид энг замонавий илмий маълумотлардан хабардор бўлишлари ва ўсмирлар ўзаро муносабатларда улардан ўринли фойдалана олиш малакасига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Киз боланинг биринчи Х. кўриши, иккиламчи жинсий белгилар етилганидан кейин бошланади. Кизларнинг Х. кўриши кечикса (15–16 ёшгача), албатта, аёллар маслаҳатхонасига учрашиши ва тегишли маслаҳат олиши лозим. Кўпчилик аёлларда Х. маълум кунларда бошланиб, доим бир текис, оғриқсиз кечади, аёлнинг умумий ахволи деярли ўзгармайди, улар одатдаги юмушларини бажараверишлари мумкин, аммо ортикча толикмасликлари, жисмонан зўриқмасликлари, гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Х. кўриш вақтида баъзи аёлларнинг кайфияти бузилиб туради, бўшашади, сут безлари дағаллашади. Х. кўриш циклининг ўзгариши организмда бирор-бир касаллик борлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳар бир аёл махсус Х. календари (ойномаси) тузиши ва унга Х. куни, муддати ва б. маълумотларни мунтазам қайд қилиб бориши лозим. Шундай қилинса, Х. кўриш циклининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш мумкин.

**ҲАЙИТ** (араб, ийд – байрам) – мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита Х. расман диний байрам сифатида нишонланади: Катта Х. ёки Қурбон Х.и (араб, ийд ал-кабир, ийд ал-адҳо) ва кичик Х. ёки рўза Х.и (араб, ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон Х.и ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш б-н, рўза Х.и эса Рамазон ойи ниҳоясида оғиз очиб б-н боғлиқ. Қурбон Х.и ҳижрий зулҳижжа ойининг 10-кунида,

рўза Х.и эса шаввол ойининг 1-кунида байрам қилинади. Х.да масжидда эрталаб Х. намози ўқиш, рўза Х.ида фитр-садақа бериш (Х. намозидан олдин), Қурбон Х.ида эса қурбонлик қилиш ва ш. к. ислом дини б-н боғлиқ маросимлар юзага келган. Х.даги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари – арафа куни ош улашиш, янги кийим кийиш, «хайитлик» бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳ.к. ҳам қўшилиб кетган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Қурбон Х.и ҳам, Рамазон Х.и ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

**ҲОМИЛА** – она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бошлаб туғилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). 9-ҳафтада Х. инсон қиёфасига киради (бу даврда Х.нинг боши, кўзи, бурни, оғзи, танаси, қўл-оёқлари аниқ бўлади). Бир акушер ойи (28-кун)да Х. тухумидан пушт ва унинг пардаси ривожланиб, Х. шакллана бошлайди. 2-ойнинг охирида Х. бўйи 3,5 см, вазни 4 г; 3-ойнинг сўнгида Х. бўйи 8–9 см, вазни 40 г ча бўлиб, боши катталашади, жинси шаклланади, қўл-оёқ ҳаракатлари суст бўлади. 4-ой охирига келиб Х. бўйи 16 см, вазни 120 г га етади, қўл-оёқ ҳаракатлари фаоллашади (лекин ҳали онага сезилмайди), жинси аниқлашади. Х. 5 ойлик бўлганида бўйи 24–26 см, вазни 280–300 г, териси нозик, қип-қизил бадани майин туклар б-н қопланади; ҳаракатлари онага сезила бошлайди. Она қорнига кулоқ тутилганда Х. юраги ураётгани билинади. 6-ойнинг охирида Х. серҳаракат бўлиб, бўйи 30 см, вазни 600–700 г га етади. 7-ойнинг сўнгида Х. бўйи 35 см, вазни 1000–1200 г га етади; бу даврда Х. тирик туғилиши мумкин, лекин чала ҳисобланади, бироқ махсус парвариш қилинса, яшаб кетади (қ. Чала туғилган бола); 8 ойликда Х.нинг бўйи 40 см, вазни

1500–1600 г ча келади. 9-ойнинг охирида Х. бўйи 45 см, вазни 2400–2500 г га етади, тери ости ёғ қавати қалинлашади, баданидаги туклар камаяди, териси силликлашиб, пушти рангга киради, сочлари узаяди. 10-ой охирида (9 календарь ойига тўғри келади) Х. етилиб туғилади; бўйи 50 см, вазни 3200–3500 г бўлади. Х. тараққиётининг ўзига хослиги унинг она корнида бўлиши б-н ифодаланади; унда бош мия пўстлоғи тўла-тўқис тараққий этмаган бўлиб, асосий ҳаётий функциялар (озикланиш, нафас олиш, ажратиш) плацента б-н узвий боғланган орқа мия орқали бошқарилади; плацента Х. б-н киндик орқали боғланади. Х. она организмидан ўзининг ўсиши ва ривожланиши учун зарур озиқ моддалар (оксил, ёғ, углеводлар), туз, сув, витаминлар, шунингдек, кислородни қон томирлар орқали олиб, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни чиқаради ва ҳ.к. Шунинг учун айрим касалликлар (юрэк пороклари, гипертония, қандли диабет, инфекциян касалликлар), нотўғри овқатланиш, режим бузилиши, атроф-муҳитдаги зарарли омиллар (и.ч. даги захарли моддалар, вибрация, нурланиш), ичкилик ичиш, чекиш ва б. натижасида плацента функциясининг бузилиши Х.нинг ўсишига, айниқса, хомиладорликнинг дастлабки 3-ойида, Х. аъзоларининг тараққиёт даврида ёмон таъсир кўрсатади. Бу даврда Х.нинг ўсишида қатор ўзгариш ва нуқсонлар пайдо бўлиши, жумладан, Х. тўла етилмаслиги, у мажруҳ бўлиши, ўлик туғилиши ёки ўз-ўзидан тушиши, шунингдек, асфиксия, калла суягининг шикастланиб туғилиш ҳоллари учраши мумкин. Хомиладорликнинг 4-ойидан Х.нинг турли таъсиротларга нисбатан сезгирлиги бир қадар пасаяди. Гигиена қоидаларига риоя қилиш – овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри уюштириш Х.нинг нормал ўсишини таъминлайди, шунингдек, юзага

келиши мумкин бўлган нохушликларни (ўлик туғиш, чилла даврида ўлиш ва ҳ.к.) оддини олади.

**ХОМИЛАДОРЛИК**, оғироёқлик – уруғланган тухум хужайранинг она организмидан ривожланиб, етук хомиллага айланишидан иборат физиологик жараён. Аёл тухумдонидан етилиб чиққан тухум хужайранинг эркак жинсий хужайраси б-н қўшилиши (уруғланиши)дан бошланади ва ўрта ҳисобда 280 кун, яъни 10 қамарий ой давом этади.

Уруғланиш бачадон найида рўй беради. Уруғланган тухум хужайра бачадон найининг чувалчангсимон қисқариши туфайли бачадон бўшлиғига қараб сурилиб боради, шу вақтда у майин туклар (ворсинкалар) б-н қопланиб, кўп хужайрали эмбрионга айланади, ўша туклар ёрдамида бачадон шиллик пардасига пайвандланиб олади. Шу вақтдан бошлаб хомила шакллана бошлайди ва аёл организмидан баъзи системалар функцияси тегишлича ўзгариб боради. Эмбрионнинг бачадонга пайвандланган жойида туклар жуда ўсиб кетади ва улардан плацента, яъни йўлдошнинг таркибий қисми – бола ўрни ҳосил бўлади, у киндик орқали хомила б-н туташади. Киндик қон томирлари бўйлаб плацента орқали она организмидан хомиллага озиқ моддалар, кислород келиб туради ва хомиладан келадиган алмашинув маҳсулотлари чиқиб кетади.

Х. даврида аёл организмидан ҳар хил функционал ўзгаришлар рўй бериб, хомиланинг яхши ривожланиб бориши учун қулай шароитлар юзага келади. Бу даврда марказий нерв системаси функцияси бир қадар ўзгариб, натижада орқа мианинг қўзғалувчанлиги пасаяди, бу – бачадон мускулларининг бўшашиши ва унинг тинч ҳолатда бўлишига олиб келади.

Х. пайтида ҳосил бўладиган сарик тана ва плацента хомиланинг ой-куни етиб туғилиши учун зарур гормонлар ишлаб

чиқаради; плацентадан ишлаб чиқариладиган ва б. гормонлар таъсирида сут безлари катталашиб, Х. охирига борганда, ундан оғиз сути, чилла даврида эса сут кела бошлайди. Бачадонда ҳам талайгина ўзгаришлар рўй беради: у ҳам бўйига, ҳам энига қараб ўсиб, плацентага қон олиб келадиган йирик ва майда қон томирлари ниҳоятда кўпаяди. Аёл чуқурроқ нафас оладиган бўлиб қолади, бу – қоннинг кислород б-н кўпроқ тўйинишини таъминлайди. Юракнинг қисқариш хусусияти сезиларли даражада кучаяди, натижада кислород б-н тўйинган қон аёлниг ҳаёт учун муҳим аъзоларига, жумладан, бачадонига тезроқ етказиб берилади. Буйраклар ҳам зўр бериб ишлаб, она организмидагина эмас, балки ҳомилада ҳам пайдо бўлган алмашинув маҳсулотларини ажратиб чиқариб туради. Кўмикда эритроцитлар ҳосил бўлиши тезлашади, яъни қон миқдори кўпаяди, қон томирлари кенгайиб, газ алмашинуви кучаяди. Шу боис ҳомиладор организмидаги аъзо ва системаларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда ҳомила ривожланадиган қулай шароит вужудга келтириш учун озик моддалар ва кислород кўп бўлиши керак. Ҳомиладорнинг аҳволи ва ўзини қандай тутиши кўп жиҳатдан Х.нинг нормал кечиши, ҳомиланинг кейин қандай ривожланиб бориши ва бўлғуси боланинг соғлиғини белгилаб беради. Ҳомиладор аёлниг бирор касаллик (грипп, сил, ревматизм, ангина, қандли диабет, камқонлик, жигар, буйрак, юрак касалликлари ва б.) б-н оғриши, ногўғри овқатланиш, кун тартибини бузиши, врач буюрмаган дориларни ичиши ҳомила ўсишига ёмон таъсир қилиши мумкин.

Х. чоғида турли асоратлар бўлмаслиги учун мумкин қадар барвақт (ҳайз тўхташи б-н) аёллар маслаҳатхонасига бориб, текширувдан ўтиш ва керакли маслаҳатлар, зарур бўлса, тегишли даво

олиш лозим. Х. даврида аёл ўз бадани ва кийим-кечаклари тозалигига алоҳида эътибор бериши керак.

Х. нормал ўтаётган бўлса, аёл одатдаги турмуш тарзини ўзгартириши шарт эмас, у ўз юмушларини дам олиб бажаравериши мумкин. Факат оғир нарса кўтармаслик, қалтис, кескин ҳаракатлар қилмаслиги керак.

Аёл камида 8 соат ухлаши, кечкурун ётишдан олдин очик ҳавода бир оз сайр қилиши ва хонани шамоллатиши лозим. Соғлом ҳомиладорларга врач тавсиясига кўра ҳаво ва қуёш ванналари қабул қилишига рухсат этилади. Х. нормал ўтаётган бўлсагина аёл дарё ва анҳорларда чўмилиши мумкин. Х.нинг биринчи кунларидан бошлабоқ очик ҳавода имкони борича кўпроқ бўлишга ҳаракат қилиш лозим, чунки одам уй ичида ўтираверса, кислородга тўйинмай қолиши, натижада ҳар хил асоратлар юз бериши мумкин.

Х.нинг эсон-омон ўтиши ва ҳомиланинг яхши ривожланиб бориши учун асосий шартлардан бири яхши овқатланишдир; овқат тўйимли, хилма-хил, оқсиллар ва витаминлар (айниқса С витамини)га бой бўлиши керак. Х.нинг охириги ойларида ёғлик ва ҳамир овқатларни кўп тановул қилиш ярамайди, чунки бундай овқат ҳомиланинг анча катталашиб кетиши ва туғишнинг қийинлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳомиладорнинг соғлиғи ўзгарган баъзи ҳолларда, мас., баданга шиш келганида врач одатда тузсиз парҳез буюради. Ҳомиладор аёл энгил бадантарбия машқларини қилиб туриши лозим. Х. даврларига қараб маҳсус гимнастика машқлари комплекси тавсия этилади (буни факат врач буюради). Мунтазам бадантарбия машқларини қилиб турувчи аёлларнинг тез ва эсон-омон кўзи ёрийди.

**ҲОМИЛАДОРЛИК ТОКСИКОЗЛАРИ** – ҳомиладорлик даврида учрайдиган қа-

саллик ҳолати. Ҳ.т. нерв, юрак-томир, эндокрин системалар ва моддалар алмашинувининг ўзгариши туфайли келиб чиқиб, туғуруқдан сўнг ўтиб кетади. Ҳ.т.га ҳомиладор аёл организмида мавжуд хасталиклар сабаб бўлади. Шунинг учун ҳомиладор аёл эртарок (2 ойгача) аёллар маслаҳатхонасига бориб, врач маслаҳатларидан фойдаланиши керак. Маълумки, ҳомиладорлик бошланишида кўпчилик аёллар бошқоронғи бўлади.

Бу ҳолатлар баъзи аёлларда эртарок, баъзиларида эса кечроқ бошланиб, ўтиб кетади. Аммо баъзи ҳомиладор аёлларда бу аломатлар йўқолмай, зўрайиб боради, натижада Ҳ.т. пайдо бўлади. Ҳомиладорликнинг биринчи (илк) ва иккинчи ярми (кеч) токсикозлари ажратилади. Илк токсикозлар ҳомиладорликнинг дастлабки 12-ҳафтасида рўй беради. Аёлнинг умумий аҳволи ўзгаради, дилгир бўлиб қолади, кўнгли айнийди, сўлаги оқади (кўп), қусади. Баъзан аёл ҳадеб қайт килаверади, дармонсизланади, оза бошлайди, уйқучан ва сержаҳл бўлиб қолади. Лекин Ҳ.т.да кузатиладиган тўхтовсиз (суткасига 20 мартагача) қушиш организмнинг сувсизланиши ва аёлнинг ҳолсизланишига олиб келади. Унинг қон босими пасаяди, гавда харорати кўтарилади, пульси тезлашади, териси куруқлашади, оғзидан нохуш ҳид келади. Бундай ҳолларда даволаш тадбирлари ёрдам бермаса, баъзан аборт қилиб, ҳомилани олиб ташлашга тўғри келади. Илк токсикозларда ҳомиладор аёл маслаҳатхонага қатнаб даволаниши мумкин; хаддан ташқари кўп қушиш аёлни касалхонага ётқизишни талаб этади.

Кеч токсикозлар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида, кўпинча сўнгги ойларида вужудга келади. Буларга ҳомиладорлар истисқоси, нефропатия, презкламписия ва экламписия киради. Кеч токсикозларнинг барчаси кетма-кет келиб, касаллик

босқичма-босқич кечади. Ҳомиладорлар истисқосида шиш пайдо бўлади. Одатда, у тўпикдан бошланиб, тизза, сон, қорин ва ташқи жинсий аъзоларга ўтади, сўнгра аста-секин бутун танага тарқалади. Аёлнинг юзи кўпчийди. Шиш аёл гавдасининг ҳамма қисмига тарқалган бўлса ҳам, унинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди, нормал ҳолатда вазни ортади (ҳомиладорлик даврида 10 кг ортади). Аёл оғирлигини тарозида тортиб туриш йўли б-н ҳам шишни аниқлаш мумкин. Ҳомиладор истисқосида мунтазам даволаниш зарур. Ҳомиладор аёл ойда икки марта маслаҳатхонага бориши, шунингдек, врач кўрсатмаларига ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, ҳафтада бир марта тарозида тортириб туриши лозим. Суюқлик (суткада 1 л гача рухсат этилади) ва тузни чеклаш, сервитамин овқатлар, сабзавотлар, ҳўл мевалар, творог, кефир истеъмол қилиш тавсия этилади. Аёл ўз вақтида даволаниб, истисқонинг олдини олмаса, парhezга, дам олиш ва меҳнат режимига риоя қилмаса, истисқо нефропатияга ўтиб кетади. Ҳомиладорлар нефропатияси, одатда, истисқодан кейин вужудга келади. Нефропатиянинг асосий белгиси шиш ва сийдикда оқсил ҳосил бўлишидан иборат. Нефропатияда ҳомиланинг ривожланиши бузилади, у чала ёки ўлик туғилиши мумкин. Нефропатияда аёл касалхонада даволанади; олди олинмаса, у осонликча презкламписияга ўтиб кетади. Презкламписияда ҳам нефропатиядаги каби шиш, қон босимининг ошиши, сийдикда оқсил ҳосил бўлиши б-н бирга беморнинг боши қаттиқ оғрийди, кўзи хиралашади, кўз олдида чивин учаётганга ўхшаб кўринадди; кўкрак остида оғрик пайдо бўлади. Бош оғриб, кўз хиралашуви мияда қон айланишининг жиддий бузилганлигидан далолат беради. Бемор вақтида даволанмаса, презкламписия янада оғирроқ касаллик – экламписияга айланиб кетади.

Ҳ.т.га касалликнинг шаклига қараб даво қилинади. Олдини олиш учун ҳомиладорлик даврида гигиенага риоя қилиш (тўғри дам олиш ва меҳнат қилиш, бекаму кўст овқатланиш), аёллар маслаҳатхонаси назоратида бўлиш, Ҳ.т.га олиб келадиган касалликни ўз вақтида даволатиш лозим.

**ҲОМИЛАДОРЛИКДАН САҚЛАНИШ**, бўйида бўлишдан сақланиш – исталмаган ҳомиладорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Ҳ.с.нинг табиий ва сунъий усуллари мавжуд.

**Лактацион аменорея усули (ЛАУ).** Бу ҳомиладорликни олдини олишнинг табиий усули, уни аёллар туғуруқдан сўнг дастлабки 6 ой ичида фақат кўкрак сути билан эмизиш даврида қўллашлари мумкин.

**Симпотермал усул.** Бунда аёл ўзининг ҳайз кунларини назорат қилиши лозим. Ҳомиладор бўлиб қолиш эҳтимоли борлиги учун «хавфли» кунларда жинсий алоқада бўлмаслиги керак.

**Ҳомиладорликдан сақловчи (контрацептив) воситалар.** Бундай воситаларга қуйидагилар киради: таблеткалар, презерватив, бачадон ичи спирали ва б. Таблеткалар таркибида эстроген ва гестаген гормонлари бўлиб, уларнинг миқдори жуда кам ва организм учун зарарсиз (логест, марвелон, диане-35, новинет, фемоден), шу сабабли жигарга салбий таъсири йўқ. Ҳайз даврида оғриқ ва қон кўп кетишни камайтиради. Жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиши, қин, бачадон ва тухумдон саратонининг айрим турларининг олдини олади, лекин жинсий йўл б-н юқадиган касалликлардан сақламайди. Аёл ўзи истаган пайтда таблетка ичишни тўхтатиб, ҳомиладор бўлиши мумкин.

**Презерватив.** Презерватив жуда самарали восита бўлиб, ОИТС (СПИД), захм (сифилис), сўзак (гонорея) ва б. жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлардан сақлайди.

**БИВ (бачадон ичи воситаси).** БИВ юкори самарадор ва оддий муолажа бўлиб, уни махсус ўргатилган мутахассис-шифокор бажаради.

**ДМПА (депо-медроксн прогестерон ацетат ёки Дено-Провера).** ДМПА табиий гормон – прогестерон хусусиятига эга, у тухум ҳужайранинг етилишига тўскинлик қилади. Ҳар 3 ойда бир марта юбориладиган инъекция Ҳ.с.ни таъминлайди.

Ҳ.с. воситаларининг афзалликлари б-н бир каторда салбий жиҳатлари ҳам бор. Ҳар бир аёл организми ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир организм учун фойдали нарса бошқасига зарарли бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Ҳ.с.ни хоҳлаган аёл ўзига беэиён контрацептив воситалардан фойдаланиши ва бунинг учун, албатта, ўз шифокори билан маслаҳатлашиб олиши керак. Ҳоз. контрацепция воситалари аввал мавжуд бўлган усуллардан хавфсиз бўлиб, уларни қўллаш тез-тез аборт қилдиришдан кўра афзалроқ. Ҳ.с. усулларини қўллаш – ҳомиладор бўлиш қобилятини йўқотмаган ҳолда, аёл саломатлигини сақлаб қолишда энг мақбул йўл ҳисобланади.

**ҲОМИЛАДОРЛИКДАН САҚЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ**, контрацептив воситалар – кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишда фойдаланиладиган воситалар. Ҳ.с.в.нинг анъанавий ва замонавий усуллари мавжуд. Кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларига ҳайз циклини назорат қилиш (даврий сексуал абстенция), бола эмизиш (лактация), жинсий алоқани олдиндан тўхтатиш қабилар киради. Замонавий усулларга презервативлар, диафрагма ва сервикал қалпоқчалар, спермацит воситалар ва гормонал сақланиш воситалари киради. Бу усулларнинг ҳар бирининг ўзига хос афзалликлари ва нуқсонлари мавжуд.

**Бачадон ичи воситаси.** Илгак (спирал) ёки бачадон ичига ўрнатиладиган восита

БИВ кичкина пластик мослама бўлиб, у исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун бачадон ичига ўрнатилади. Замоनावий ва юқори самарали БИВ моделларида пластикдан ясалган мослама мис сим б-н ўралган. Қиска ва оддий муолажа вақтида махсус ўргатилган шифокор БИВни бачадон ичига ўрнатади. Аёл ҳомиладор бўлишни истаса, шифокор БИВни олиб ташлайди. Унинг афзалликлари: юқори самарадорлиги 4–10 й. давомида ҳомиладорликдан сақланиши таъминлайди; БИВни қўллаш жинсий алоқа б-н боғлиқ эмас. Туғуруқдан кейин шифокор ёрдамида дарҳол ўрнатиш ва эмизикли даврда қўллаш мумкин. Учраши мумкин бўлган салбий таъсири: ҳайз даврида кетадиган қон миқдори кўпайиб, оғриқлар пайдо бўлиши мумкин; ҳайз оралиғини ўзгариши, жинсий йўл орқали юқадиган касалликларга мойиллиги бор аёлларда кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш эҳтимоли бор.

Ушбу тоифадаги аёлларга БИВни ўрнатиб бўлмайди: ҳомиладорликдан гумони бўлса; бачадон бўйни ва кичик чанок аъзоларининг ўткир яллиғланиши ва жинсий йўл орқали юқадиган касалликлари кузатилса; охириги уч ойда кичик чанок аъзоларининг яллиғланиши кузатилган бўлса; қиндан сабаби аниқланмаган қон кетиш кузатилса; жинсий аъзоларнинг ўсма касаллиги бўлса.

БИВ ўрнатиладиган ҳафтадан кейин, ҳайз бошланишини кутмасдан шифокорга профилактика мақсадида мурожаат қилиш тавсия этилади.

Қуйидаги ҳолларда шифокорга мурожаат қилиш зарур:

– аёл ҳомиладорлиги борасида гумонга борса;

– қиндан кўп қон кетса (одатдагидан кўп ва узоқ муддатли);

– қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлса, жинсий алоқа пайтида оғриқ ва қон кетса;

– инфекция аломатлари пайдо бўлиб, қин ажралмалари кўпайса.

## Гормонал сақланиш воситалари.

Исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш усули. ГСВ таркибига аёллар тухумдонидан ишлаб чиқариладиган гормонлар, яъни эстроген ва прогестероннинг синтетик аналоглари киради.

Ҳоз. даврда гормонал воситалар, асосан, кам дозали эстрогенлар (ЕЕ), яъни этинилэстрадиол ва гестагенлар – 19-нортестостеронлар, яъни норэтинодрел (И авлод), норэтистерон, этинодиол диацетат, лене-стренол, левоноргестрел норгестрел (ИИ авлод), дезогестрел, гестоден, норгестимат (ИИИ авлод) ва 17-гидрокспрогестерон, медроксипрогестеронацетат ва б.дан ташкил топган. Улар бир қатор хусусиятлари б-н бошқа воситалардан афзалроқдир. Учинчи авлод гестагенлари прогестерон рецепторларига оз миқдоридан ҳам кучли таъсир қилиб, овуляцияни тўхтатиш хусусиятига эга бўлиши б-н I ва II авлод гестагенларидан фарқ қилади. Ушбу воситаларнинг аҳамияти сўнгги ўн йиллик ичида юқори поғонага кўтарилди. Сабаби, бу воситалар кўпгина ижобий хусусиятларга эга. Аввало, бу воситалар микрограммларда қўлланади, липид модда алмашинувини бузмайди, андроген фаоллиги ниҳоятда кам бўлади ва қолаверса, юрак-қон томир тизимида патологик ўзгаришларни келтириб чиқармайди.

Гормонал воситаларнинг таъсирида бутун ҳайз цикли давомида тухумдонлардан ишлаб чиқариладиган эстрогенларнинг миқдори ниҳоятда кам ишлаб чиқилади, натижада овуляция рўй бермайди. Бунинг оқибатида бачадон бўйни шиллиғининг зичлашуви ва қуюқлашуви юз беради, сперматозоиднинг бачадон ичига ўтиши чекланади. Шунингдек, эндометрийнинг функционал ва морфологик ўзгариши имплантация жараёнига тўсқинлик қилади. Гормонал ўзгаришлар таъсирида бачадон найининг ҳаракатланиши ва бачадон та-

насининг кискариши нотабий тус олади, шунингдек, сперматозоид ҳамда тухум хужайраларининг тўғри йўналиши бузилади.

ГСВни мунтазам тўғри қабул қилиш мазкур усулнинг самарадорлигини таъминлайди. Гормонал воситалар юқори самарадорлиги, қабул қилишнинг қулайлиги, организмнинг олдинги ҳолатини тиклаш мумкинлиги ва хавфсизлиги б-н ажралиб туради.

Ушбу воситалардан фойдаланишда ҳайз ва ҳайз ўртасидаги ички жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиш касалликларига чалиниш эҳтимоли, хусусан, тухумдон ва эндометрий хавфли ўсмаларининг (рак 50 %гача) кискариши, хавфсиз ўсмаларнинг, хусусан, киста ва сут безларининг фиброаденомаси касалликларининг камайиши ҳамда ҳайз циклининг тўғри тартибга солиниши, темир етишмовчилиги анемиясининг кескин камайиши кутатилади.

Ҳомиладорликдан сақланиш учун мўлжалланган барча воситалар сингари гормонал таблетка препаратлари ҳам ўз камчиликларига эга. Уларга гормонал препаратларни олдиндан, эҳтиёждан кўпроқ миқдорда жамғариб олиш зарурияти, уларни сақлаш қийинлиги, мазкур препаратларнинг қимматлиги, ҳар куни мунтазам равишда қабул қилиб туриш шarti, қабулдан сўнг баъзан қўшимча нохуш таъсирларнинг пайдо бўлиши, ОИТСдан ҳимоя қилмаслиги ва депрессия ҳолатларини келтириб чиқариши кабилар киради.

Гормонал воситаларнинг қўшимча таъсирларини келтириб чиқариш хусусияти аёл организмда жинсий гормонларнинг камайиши ёхуд кўпайиши б-н изоҳланади. Энг кўп учрайдиган асоратлар таркибига сут безларининг қаттиқлашуви, кўнгил озиши, бош айланиши, қусиш, тана вазнининг ортиши, жинсий иштиёқнинг сўниши ёки кучайиши, баъзида депрессия, бош

оғриғи, тери кичишиши, ҳайз ўртасида қонли ажралмаларнинг пайдо бўлиши киради.

Замонавий гормонал воситалардан фойдаланишда уларнинг таркибидаги гормонлар миқдорининг камлиги кўпгина аёлларга манзур бўлмоқда. Бу усулни илк бор қўлламоқчи бўлган ҳар бир аёл унинг таърифномасидаги маълумотларни тўла билмоғи лозим. Шунингдек, мутахассис томонидан бу усулни қўллаш мумкинлигини аниқлаш мақсадида текширилиши ҳамда бу усулдан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилиши, аёлга мос келадиган хили танланиб берилиши керак.

Биринчи марта гормонал препарат ҳайз циклининг 1-кунидан бошлаб 21 кун давомида, кунига 1 таблеткадан бир вақтда истеъмол қилиб борилади. Мабодо, баъзи сабабларга кўра, бирон кун таблетка ичилмай қолса, дарҳол қўш доза қабул қилиниши лозим бўлади. Воситани қўллаш давомида, дастлабки уч ой мобайнида аёл мутахассис назорати остида бўлиши, кейинчалик, ҳолатга қараб шифокор қабулига бориб туриши керак.

**Диафрагма ва цервикал қалпоқчалар.** Диафрагма-резинадан тайёрланган гумбазсимон, тевараги эгилувчан халқадан иборат бўлиб, жинсий яқинлашувдан олдин қинга киритилади. Цервикал қалпоқ бачадон бўйнига кийгизилиб, сперматозоидларнинг бачадон бўйнига ўтишига тўсқинлик қилади.

Диафрагма ва қалпоқча бачадон бўшлиғи ҳамда шаҳват-сперма орасида тўсиқ вазифасини ўтайди. Диафрагма ва қалпоқча б-н биргаликда спермацидларни қўллаш ҳам шаҳват фаоллигининг ниҳоятда пасайишига сабаб бўлади.

Диафрагма ва цервикал қалпоқчаларнинг самараси бошқа турдаги тўсиқли усуллар каби ишончли ва афзалдир. Ушбу усулдан ҳам туғиш ёшидаги аёллар ва номунтазам равишда жинсий алоқада бўладиган аёллар

нинг доимий равишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бу организмнинг бошқа тизимларига таъсир этмайди.

Диафрагма ва қалпоқчалар мутахассис шифокор томонидан, ҳар бир аёл бачадонининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга тегишли катта-кичикликда танланиши, фойдаланиш йўл-йўриқлари айтилиши керак.

Жинсий алоқадан сўнг диафрагма кин ичига 6 соат, қалпоқча эса 24 соат давомида қолиши мумкин. Агар бундан кўпроқ вақт қолиб кетадиган бўлса, кўнгилсиз асоратлар қолдиради: аллергик реакциялар, микрожароҳатлар ва баъзида инфекция токсик шокни келтириб чиқариши мумкин.

Туғуруқдан сўнги давр, бола тушиши ёки аборт (хомилани олдириш) ва кичик тос соҳасида ўтказилган ҳар хил жарроҳлик муолажалари бачадон ўлчамининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун диафрагма ва цервикал қалпоқчаларнинг ўлчамлари юқоридаги каби ҳолатлардан сўнг, албатта, қайта тикланиши даркор. Шунингдек, бу усулдан қуйидаги ҳолатларда: спермацид ёки диафрагма ва қалпоқчаларга нисбатан шахсий сезгирлик кучайганда, қин автономияси ўзгарганда, жинсий яқинлик пайтида оғрик ҳисси пайдо бўлганида, анамнездаги инфекция токсик шок ҳолати кузатилганда ҳамда туғуруқдан сўнг дастлабки 12 ҳафта давомида фойдаланиш каби ман этилади.

**Жинсий алоқани олдиндан тўхта-тиш.** Тараққий этган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган ҳомиладорликнинг олдини олиш усули. Бу усулнинг самараси паст ҳисобланади. Аммо эркак ўзини бошқара олсагина, бу усулнинг самараси бирмунча ортади.

Бу усул ҳеч қандай кўнгилсиз тиббий оқибатларга олиб келмайди, лекин эр-хотин орасида жинсий қониқмаслик ҳолларига сабаб бўлиши мумкин. Бу усулдан

ҳомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳоллардагина фойдаланиш маъқулдир.

**Инъекцияли контрацептив.** Инъекция усули исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида ҳар 2–3 ёки ҳар ойда укол қилиш орқали амалга оширилади. Бу усул одатда 35 ёшдан катта аёлларга тавсия этилади.

Бу усулнинг самараси шундан иборатки, укол қилдирилгандан кейин, кўрсатилган муддат ичида қутилмаган ҳомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларидан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Уколни, албатта, тиббиёт ходими қилиши керак.

Инъекция ҳайз мунтазамлигининг бузилишига олиб келиши мумкин. ОИТС, турли тери-таносил касалликларидан ҳимоя қилмайди.

**Презерватив.** Латексдан тайёрланган узунчоқ қопча бўлиб, кўпчилигига спермацид (шаҳватни ўлдирадиган модда) шимдирилган бўлади. Жинсий алоқа вақтида ундан эркаклар фойдаланадилар. Ҳоз. вақтда ишончли ва самарали бўлиб ҳисобланган ҳомиладорликдан сақланиш усулларидан яна бири – бу эркак ва аёллар учун мўлжалланган презервативлардир. Улардан кўпроқ ривожланган мамлакатларда фойдаланишади. Айниқса, ОИТС (СПИД) касаллигининг бутун дунё микёсида кенг тарқалганлиги натижасида бу усулдан фойдаланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Презерватив фақат бир мартагина ишлатилиши шарт бўлган контрацептив воситадир. Аёл организмга сперматозоиднинг киришига тўсқинлик қилиш уларнинг асосий механизми ҳисобланади. Жинсий алоқа вақтида презерватив йиртилиб кетса, аёл дарҳол қин ичини кучсиз кислотали эритма б-н ювиб ташлаши лозим. Ушбу усулнинг самараси спермацидлар б-н биргаликда қўлланганда ортади.

Ҳомиладорликдан сақланишдан ташқари, жинсий алоқа орқали юқадиган турли касалликлар, хусусан, ОИТСдан ҳимоя воситаси ҳам бўлиб, у етарли даражада ишончли ва афзал усулдир. Улар арзон, ишлатиш учун қулай, организмга зарарли таъсири бўлмайд.

Презервативлар жинсий фаолликни ўзгартириб, жинсий қониқиш ҳиссини камайтириши мумкин. Ишлатилган презервативдан қайта фойдаланиш мумкин эмас. Қин шиллиқ деворининг яллиғланиш эҳтимоли бўлиши мумкин.

Ҳар қайси эркак бирон-бир таносил касаллигига дучор бўлган бўлса ёхуд биттадан ортиқ аёл б-н жинсий муносабатда бўлиб турса, унда латексдан қилинган юқори сифатли презервативлардан фойдаланиши керак.

**Спермацид воситалар.** Крем, ғалвирак, кўпик ҳосил қилувчи таблеткалар, тампонлар, желе, эритмалар кўринишида бўлиб, турли презервативларга қўшимча мослама сифатида ишлаб чиқарилиб, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилади. Замонавий спермацидлар қатор мамлакатларда ишлатилади.

Қин ичида доимий маҳсус муҳит мавжуд. Жинсий яқинлашувдан 10–15 дак олдинроқ қинга юборилган спермацидлар, айнан шу муҳитни ўзгартириш ҳисобига шахват фаолиятини тўхтатади. Ғалвирак таркибида бўлган замонавий спермацид ноноксинол – 9 бевосита сперматазоид мембранасини бузади ва натижада унинг фаолиятини заифлаштиради. Мазкур восита қинга киритилиб, бачадон бўйнига бириктирилишидан аввал спермацид фаоллигини ошириш мақсадида сувда ҳўлланади.

Бу усул, айниқса, катта ёшдаги аёллар ёки номунтазам жинсий яқинликда бўладиган аёллар учун жуда қулай ва энг мувофиқ усулдир. У организмнинг бошқа системаларига таъсир қилмаслиги, тиббиёт

ходимларига мурожаат қилмасдан фойдаланиш мумкинлиги б-н афзал ҳисобланади. Ғалвирак қин ичида 24 соат давомида сақланиши мумкин бўлиб, таркибида спермацид бўлиши таносил касалликларидан муҳофаза қилиш таъсирига эгадир.

Аммо у жинсий алоқа вақтида турли ноқулайликлар туғдириши мумкин. Ғалвирак бошқа воситаларга нисбатан қимматроқ, шунинг учун бу воситадан истаганча фойдаланиш чекланган. Бу усулнинг оз самара бериши уни бошқа хил тўсикли усуллар б-н биргаликда қўллашга мажбур этади. Шунингдек, қин девори яллиғланиши ёки умуман аллергия реакциялар кўринишидаги асоратлар кузатилиши мумкин.

Бу усулнинг самарасини ошириш мақсадида уни презерватив, диафрагма, цервикал қалпоқчалар б-н биргаликда қўллаш мумкин. Ғалвирак ҳар бир жинсий яқинлашувда қайта ишлатилади ва қин ичида 24 соатгина туриши мумкин, холос. Спермацидлардан туғуруқдан кейинги дастлабки 6 ой давомида, ҳомила олдириш, ҳомиланинг тушиши ва ҳайз кўриш вақтида фойдаланиш қатъиян ман этилади.

**ҲУСНБУЗАР** – ёғ безлари функциясининг бузилиши натижасида терига турли хил тошмалар тошиши; бу тошмалар тугунчалар кўринишида бўлиб, уларда майда-майда малдалар ҳосил бўлишидан иборат тери касаллиги. Кўпинча оддий ва қизил Ҳ. учрайди. Аслида бир неча хил Ҳ. ўрганилган. Оддий Ҳ. (йигит гули ёки ўсмирлик Ҳ.) кўпинча йигит-қизлар балоғатга етиш даврида юз, кўкрак ва энса терисида пайдо бўлади. Бу даврда ёғ безлари зўр бериб ишлайди. Юз, кўкрак ва елкаларда ёғли себорея аломатлари юзага келади. Тери ялтираб туради, ундаги майда тешиқлар кенгайиб, кўзга ташланадиган бўлиб қолади, баъзи жойларда тери апельсин пўстига ўхшаб қолади. Шу тешиқлар ва соч

халтачаларига ёғ йиғилиши натижасида қора нукталар пайдо бўлади. Улар ситилса, йиғилиб қолган ёғ чувалчангга ўхшаб буралиб чиқади. Агар шу ёғга йиринг пайдо қилувчи микроблар тушса, яллиғланиш жараёни юз беради. Тери қизариб шишади ва сизлоғич пайдо бўлиб, қатталашади, оғрийди, соч чикиб туради, ўртасидан йиринг бойлайди. Кейинчалик у ёрилиб, ичидан йиринг чиқади. Бора-бора ўрнида қорамтир доғ қолдириб, йўқолиб кетади. Баъзан терининг чуқур қаватида ёғ йиғилиб, шиш пайдо бўлади ва йиринг бойлайди, пишиб ёрилади. Охири чандиқ ҳосил қилиб, битиб кетади. Эркакларда кўпинча йирингли Х. учрайди ва узок вақт туради. Яллиғланиш аломатлари унча кучли бўлмайди. У бир ерда битиб, бошқа ердан чиқаверади. 30–35 ёшда анча камаяди. Жигар, меъда-ичак ва х.к.лар функциясининг бузилиши натижасида ҳам Х. тошиши мумкин. Дастлаб терида (аксари ёғли терида) ёғ безлари оғзини беркитиб қўядиган кулранг-қорамтир тикинлар (комедонлар) пайдо бўлади.

Баъзи тикинларда учи маддалаб турадиган тугунча – оддий Х. вужудга келади. Бунда терида йирик (энг қаттаси ловиядек бўлиши мумкин) маддалар пайдо бўлади, улар ёрилагач, ўрни чандикланиб, кўкимтир доғлар қолади ва шу жой териси қаттиқлашади.

Ёғ безидан кўплаб ажралиб чиқаётган ёғ тери юзасига чиқиб кетолмай, безнинг бирон ерида йиғилиб қолади. Шу без яқинидаги тери мугуз қаватининг ҳужайралари ҳам қўшилиб, ёғ беги йўлини бутунлай бекитиб қўяди ва мошдек, баъзан эса ундан қаттароқ оқ тугунча ҳосил қилади. Бу оқ Х.

деб аталади. Оқ Х., одатда, яллиғланмайди, кишига азоб бермайди, фақат юз ҳуснини бузади. У, кўпинча ковоклар ва пешанада учрайди. Кўмир қонида, нефть маҳсулотлари ва ёнилғилар билан ишловчи ишчилар тирсагида, баъзан терининг бошқа очиқ ерида ёғ безларининг коваклари очиладиган тешиқларга нефть, ёнилғи, кўмир чанглари йиғилиб, ёғ безлари йўлини бекитиб қўяди ва Х. пайдо қилади. Бу касбга алоқадор Х.дир.

Узок вақт йод, бром препаратларини қабул қилиб юривчи беморлар танасининг баъзи жойларига Х.га ўхшаш тошмалар тошиши мумкин. Асаб системаси, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, сил, меъда-ичак касалликлари туфайли ҳам Х. тошишини юқорида айтиб ўтдик. Одатда, Х. кишда-совуқда кўп тошади, чунки совуқда ёғ қотиб қолиб, ёғ безлари ковакларидан равон чиқиб кетолмайди.

Баъзан Х. тошишига қолбаса, кази, тузланган балиқ, икра, какао, шоколад кўп ейиш, қабзият сабаб бўлади. Х. тошишига мойил кишилар мумкин қадар шу таомлардан парҳез қилишлари, кўпроқ қора нон, қайнатиб пиширилган гўшт, ёғсиз балиқ, сабзавот, сузма, қатик, кефир, олма, умуман, А, В, С витаминларига бой овқатлар истеъмол қилишлари керак. Хамир ва ёғли овқатларни кам ейиш, спиртли ичимликлар ичмаслик, ичнинг равон келиб туришини таъминлаш зарур. Врач маслаҳати б-н қуёш нурида тобланиш, денгизда чўмилиш, спорт билан шуғулланиш, очиқ ҳавода сайр қилиш каби омилларни қўллаб, организмни чиниктириш Х. тошишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди...

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. *Мирзиёев Ш.* Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қура-миз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. *Абу Али ибн Сино.* Тиб конунлари III жилд. – Т.: 1994.
4. *Абу Али ибн Сино.* Тадбири манзил. – Т.: 1957.
5. *Авесто.* Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам тарж. – Т.: «Шарк», 2001.
6. *Авлоний А.* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
7. *Беруни Абу Райхан.* Индия. Соч., т. 2. – Т.: «Фан», 1963.
8. *Кайковус.* Кобуснома / Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий тарж. – Т.: «Ўқитувчи» НМИУ, 2006.
9. *Фахр-ул Банот Сибҳатуллоҳ қизи.* Оила сабоқлари. – Т.: «Ёзувчи», 1992.
10. *Фахруддин ибн Ризоутддин.* Оила. – Т.: «Мехнат», 1991.
11. *Фитрат Абдурауф.* Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. Тарж. ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов – 2-нашр. Т.: «Маънавият», 2000.
12. *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. – Т.: «Фан», 1972.
13. *Форобий Абу Наср.* Фозил одамлар шаҳри. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
14. *Муҳаммад Пайғамбар қиссаси.* Ҳадислар. – Т.: «Камалак», 1991.
15. *Абдумурод Холмурод ўғли ва б.* Одоб ва одоблилар (Ахлоқ китоби). Т.: «Сано-стандарт». 2016.
16. *Акрамова Ф.А.* Оилада маънавий муҳитни шакллантиришда хотин-қизларнинг роли: услубий қўлланма. – Т.: ОК «Нихол Принт». 2016.
17. *Акрамова Ф.А.* Оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. Ўқув-услубий қўлланма. Т., 2014.
18. *Акрамова Ф.А. ва б.* 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Услубий қўлланма. Т.: 2014.
19. *Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М.* Оилавий ҳаётга оид психологик тавсиялар. Т.: «Шамс АСА», 2002.
20. *Акрамова Ф.А.* Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. Т.: «Шамс АСА», 2006.
21. *Акрамова Ф.* Ажралишнинг олдини олиш. Услубий қўлланма – Т: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA». 2017.
22. *Акрамова Ф.* Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA», 2017.

23. *Акрамова Ф. Билолова З.* Болаларнинг ижтимоийлашуви масалалари. Услубий қўлланма – Т: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA» 2017.
24. *Акрамова Ф. Билолова З.* Оилада келишмовчиликларни бартараф этиш психологияси. Услубий қўлланма. – Т.: «Фан ва технология». 2016.
25. *Акрамова Ф.А.* Оилада маънавий мухитни шакллантиришда хотин-қизларнинг роли: услубий қўлланма. – Т.: ОК «Нихол Принт». 2016.
26. *Акрамова Ф.А., Мамадалиева Х.Х.* Оила иктисоди оила фаровонлиги асоси. (Оила кутубхонаси). Илмий методик рисола. – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA», 2014.
27. *Анциферова Л.И.* Психология формирования и развития личности. – М.: «Академия», 2009.
28. *Билолова З.Б.* Фарзандингиз нимани истайди? 1-қисм. Т.: МЧЖ «SIRIUS - MEDIA». 2017.
29. *Билолова З.Б.* Фарзандингиз нимани истайди? 2-қисм. Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA» 2017.
30. *Akratova F.A., Bilolova Z.B.* Ota-onangiz nimani istaydi? (yosh yigit-qizlar uchun qo‘l-lanma. 1-qism) Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA». 2017.
31. *Акрамова Ф.А., Содиқова Г.Б.* Кексалик ёши даври психологияси. – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA» 2017.
32. *Бўриев О., Усмонов М.* Ўзбек оиласи. – Т.: «O‘zbekiston», 2012.
33. *Давлетшин М.Г., Шоумаров Ф.Б.* Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 1993.
34. *Ёқуббекова М.* Исм қўйиш // Тарбия. (Энциклопедия). Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН, 2010.
35. *Ёқуббекова М.М., Исломов Ў.Х., Рустамова Р.Ш.* «Фарзандингизга муносиб исм қўйинг». Рисола. – Т.: «Fan va texnologiya», 2015.
36. *Саидов М.Х., Насриев И.И., Тоҳиров З.Т., Улугов Ш.Х.* Ижтимоий ҳимоя: атамалар изохли луғати. – Т.: Алишер Навоий номидаги Иноятлов М. Оила, ижод, тарбия ва маънавият. – Т.: «Шарк», 2000.
37. *Йўлдошев М.* Оиладаги руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. Т.: 2004.
38. *Karimova I.M., Akratova F.A.* Psixologiya: Nopedagogik va nopsixologik oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – Т.: TDIU «Talaba», 2007.
39. *Каримова В.М.* Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008.
40. *Каримова О.А.* Оила, фарзанд ва жамият. Т.: «Ўқитувчи» 1991.
41. *Майерс Д.* Социальная психология. М., 2000.
42. *Маҳкамов У.* Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: «Фан», 1994.
43. *Мунавваров А.К.* Оила педагогикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1994.
44. *Мусурмонова О.* Оила маънавияти – миллий гурур. – Т.: «Маънавият», 1998.
45. Психология семейных отношений: конспект лекций // Сост. С.А.Великова. – М.: АСТ; – СПб.: Сова, 2005.
46. *Рубинштейн С.Л.* Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2009.

34. *Расулова З. Фарзанд тарбияси: хатоликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари.* – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA», 2014.
35. *Оила психологияси: Акад. лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун ўқув қўл.* / *Ғ.Б. Шоумаров, Н.А. Соғинов, Ғ.А. Акрамова, ва б.; Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида* – Т.: «Шарк», 2007.
36. *Оила энциклопедияси.* – Т.: «Фан ва технология» нашриёти. 2015.
37. *Саифназарова Ғ. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий кадриятлар.* – Т.: «Yurist-media markazi», 2007.
38. *Сафаров О., Маҳмудов М.* Оила маънавияти. – Т.: «Маънавият», 1998.
39. *Узоқов Х., Ғозиев Э.Ғ. ва бошқ.* Оила этикаси ва психологияси. Т., 1992.
40. *Умаров Б.М.* Болалар шахси ва хулқ-атворини тузатишга оид психологик маслаҳатлар: услубий қўлланма. – Т.: ОК «Нихол Принт». 2016.
41. *Умаров Б.М., Акрамова Ғ.А.* Оилаларда шахслараро муносабатларнинг оила мустақамлигига таъсири масалалари. Монография. – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA». 2017.
42. *Умаров Б.М., Сайдуллаев А.* Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмайлик (ёки ёшлар хулқ-атворига оид психологик чизгилар). Услубий қўлланма. – Т.: ООО «HAYOT NASHR». 2016.
43. *Умаров Б.М.* Ўзбек аёлларида соғлом репродуктив фаолият маданиятини шакллантиришнинг психологик масалалари. Илмий-услубий қўлланма. – Т.: МЧЖ «SIRIUS-MEDIA» 2017,
44. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.* Бахтиёр оила. – Т.: «Шарк». 2012.
45. *Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А.* Эр-хотин орасидаги низоларнинг этнопсихологик хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. – Т.: 1993.
46. *Ғозиев Э.Ғ.* Муомала психологияси. Т., 2001.
47. *Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма.* – Т.: «Шарк», 2011.
48. *Хотин-қизлар энциклопедияси.* – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИИ. 2015.
50. *Алимардонова М., Назаров К.* Ҳаёт ва турмуш одоби. – Т.: «Шарк», 1996.
51. *Эргашев П.С.* Мулоқот психологияси. – Т.: 2003.
52. *Кувонова Ғ.* Меҳмон кутиш санъати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011.
53. *Қуронов М.* Оталар китоби. – Т.: «Ўзбекистон», 2007.
54. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби: (ЮНЕСКО, ЮНПФА лойиҳаси асосида). – Т.: «Меҳнат», 2000.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Қискартмалар .....	5

### А

Абадий кадрятлар.....	6
Аборт .....	6
Авесто .....	7
Авлод.....	8
Авлодлараро ворислик .....	8
Авлоний .....	9
Агрессив хулқ.....	10
Аёл.....	10
Аёл ҳуқуқлари.....	10
Аёллар ва болалар савдоси .....	11
Аёлларни туғурукқа тайёрлаш.....	11
Аёлларнинг репродуктив хуқуқи.....	11
Аёлнинг оиладаги ўрни .....	11
Ажрашиш.....	12
Айбдорлик ҳисси.....	15
Ака-ука.....	15
Акидапарастлик.....	16
Алимент .....	16
Алимент мажбуриятлари.....	16
Алла.....	17
Андиша .....	18
Анъана.....	18
Апатия .....	19

Апеессия .....	19
Апперцепция .....	20
Афина тарбияси.....	20
Аффект .....	20
Аффектив бола .....	21
Ахлоқ.....	21
Ахлоқ меъёрлари.....	22
Ахлоқий билим.....	22
Ахлоқий идеал.....	22
Ахлоқий маданият .....	22
Ахлоқий муносабатлар.....	23
Ахлоқий онг.....	23
Ахлоқий ҳиссиётлар .....	23
Ахлоқсизлик .....	24
Аҳиллик .....	24
Аҳоли.....	24

### Б

Бадбинлик .....	27
Бадфёълик .....	27
Байналмилаллик.....	28
Бардошилиқ .....	28
Баркамол шахс.....	28
Баркамоллик .....	28
Бахт.....	29
Бахтиёрлик .....	30
Бахтли бўлиш.....	30
Бел куда.....	31
Бет очар.....	31

Бешик .....	31
Бешик керти.....	32
Бешик куда.....	32
Бешик тўйи .....	32
Бола.....	33
Бола луғати .....	33
Бола сарпоси.....	34
Бола тарбияси .....	34
Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция.....	37
Бола ҳуқуқларининг халқаро тартибда ҳимояланиши.....	38
Болага нисбатан эмоционал муносабат.....	38
Болажонлик.....	39
Болалар фольклори .....	39
Болаларга шафқатсиз муносабат.....	39
Болаларнинг ўртача идеал сони.....	39
Болалик .....	39
Болаларни эмлаш .....	40
Болани жазолаш .....	40
Болани эмизиш .....	41
Болани эмизиш ҳолатлари .....	42
Боланинг асосий ҳуқуқлари.....	43
Боланинг қонуний вакиллари .....	43
Боланинг насл-насабини белгилаш .....	43
Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи.....	43
Боланинг шахсий номулкий ҳуқуқлари.....	44
Бўйида бўлиш .....	44
Бурч .....	45
Бўш вақт .....	45

## В

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий амалий тадқиқот маркази.....	45
Васийлик ва ҳомийлик.....	46
Васийлик ва ҳомийлик органлари .....	46
Васият.....	47
Ватан .....	47
Вафодорлик.....	47
Венерик касалликлар.....	47
Висол кечаси.....	48
Ворислик .....	48
Вояга етган фарзандларнинг гамхўрлик қилиш мажбуриятлари.....	48
Вояга етмаганларнинг жинояти ва жавобгарлиги.....	49
Вояга етмаганларнинг ижтимоий таъминоти .....	50

## Г

Гап .....	50
Гендер.....	51
Гипопротекция .....	51
Гиперпротекция.....	51
Гўдак парвариши.....	52

## Д

Дам олиш .....	52
Демографик таркиб.....	53
Демография .....	53
Диний маросим .....	53
Диний никоҳ .....	53

## Е

Етим бола ..... 54

## Ё

Ёвузлик ..... 54

Ёмон хулқ ..... 54

Ёрдамчи мактаб ..... 55

Ёр-ёр ..... 55

Ёш ..... 55

Ёш ..... 55

Ёш даври ..... 56

Ёш хусусияти ..... 56

Ёшлар ..... 56

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ..... 56

## Ж

Жамият ..... 57

Жамоа ..... 57

Жанжалкаш бола ..... 57

Жигарлар ..... 58

Жинсий балоғат ..... 58

Жинсий балоғат босқичлари ..... 58

Жинсий тарбия ..... 61

Жинсий ҳаёт ..... 61

## З

Зиддият ..... 63

Зино ..... 63

## И

Ижара ..... 63

Ижарага берувчи ..... 63

Ижарачи ..... 63

Ижтимоий ёрдам ..... 64

Ижтимоий ҳимоя ..... 64

Ижтимоий ҳимояга

муҳтож болалар ..... 64

Иқтисодий фаол аҳоли ..... 64

Иқтисодий фаол бўлмаган

аҳоли ..... 64

Иродасизлик ..... 64

Ирсият ..... 64

Ислом динида оила масаласи ..... 64

Исм ..... 65

Ихтилом ..... 66

Ичкуёв ..... 67

Ишсизлик ..... 67

## Й

Йўлдош тушиш даври ..... 67

## К

Касаначи ..... 68

Касаначилик ..... 68

Катта оила ..... 69

Келин ..... 69

Келин кўрди ..... 69

Келин салом ..... 70

Келинлик қоидалари ..... 70

Кийиниш маданияти ..... 71

Кўп поғонали оила ..... 71

Кўрмана ..... 71

## Л

Левират ..... 71

Либида ..... 72

# М

Маданият.....	72
Мактаб.....	74
Мактабгача ёшдаги бола.....	75
Мактабгача таълим муассасалари.....	76
Мактабдан ташқари таълим муассасалари.....	76
Манқуртлик.....	77
Маросим.....	77
Маслаҳат оши.....	77
Масъулият.....	77
Маънавият.....	78
Маърака.....	78
Маърифат.....	78
Мақтов.....	78
Маҳр.....	79
Маҳрам.....	79
Мезбон.....	80
Меҳмон кутиш.....	80
Меҳмонлар учун дастурхон тайёрлаш.....	81
Мезбонлик фазилатлари.....	83
Меҳнат ресурслари.....	83
Меҳнат ресурсларини таксимлаш.....	84
Меҳнатга лаёқатли ёш.....	84
Меҳнатга ҳақ тўлаш.....	84
Меҳр.....	84
Меҳрнинг ифодаланиши.....	84
Меҳрсизлик.....	86
Мотив.....	87
Муваффақиятсиз оила.....	87
Муҳаббат.....	88
Муҳаббат босқичлари.....	90
Муҳаббат ва ёш.....	91

Муҳаббат ва мизож.....	92
Муҳаббат турлари.....	92
Муҳаббатнинг намоён бўлиши.....	93

# Н

Насл.....	94
Никоҳ.....	95
Никоҳ ёши.....	98
Никоҳни тугатиш.....	98
Никоҳ тузиш тартиби.....	99
Никоҳ тузишдаги асосий ҳужжатлар.....	100
Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар.....	100
Никоҳ тўйи.....	100
Никоҳ шакллари.....	101
Никоҳ шартлари.....	101
Никоҳ шартномаси.....	102
Никоҳ шартномасини тузувчи шахслар.....	103
Никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш.....	103
Никоҳга етуклик.....	103
Никоҳдан ташқари муносабат.....	105
Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш.....	106
Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш.....	106
Ногирон бола.....	107
Ногирон фарзандли ота-оналардаги тангликлар.....	107
Ногиронлиги бўлган одамлар билан мулоқот қоидалари.....	108
Номинал даромадлар.....	108
Нотўлиқ оила.....	108
Нуклеар оила.....	109
Нутқ маданияти.....	109

## О

Овсин.....	109
Овқатланиш одоби.....	110
Оила.....	111
Оила вазифалари.....	112
Оила даромади.....	115
Оила кодекси.....	115
Оила мустаҳкамлиги омиллари.....	115
Оила пудрати.....	116
Оила тарбияси.....	116
Оила турлари.....	117
Оила этнопсихологияси.....	118
Оила кўришга тайёрлик мезонлари.....	122
Оила ҳуқуқи.....	123
Оилавий муносабатларда ахлоқий нормалар.....	124
Оилавий муносабатларнинг ривожланиш тарихи.....	124
Оилавий тадбиркорлик.....	124
Оилавий низо турлари.....	125
Оилавий тадбиркорликнинг маданӣ ва ҳуқуқӣ асослари.....	125
Оилавий кадрятлар.....	126
Оилада ролларнинг ўзаро муносабати.....	127
Оиладаги низолар.....	127
Оиладаги психологик муҳит мезонлари.....	128
Оилани ажратувчи низолар.....	128
Оилани бириктирувчи низолар.....	128
Оилани бошқариш.....	129
Оиланинг асосий ижтимоӣ вазифалари.....	130
Оиланинг маънавий юксалиши.....	131
Оиланинг ҳаётӣ цикли.....	131

Омонатлардан олинадиган даромадлар.....	131
Она сутининг кимёвий таркиби.....	131
Оналик депривацияси.....	132
Опа-сингил.....	132
Орғазм.....	132
Ота-она.....	133
Ота-она ва фарзанд муносабати.....	134
Ота-она ва фарзанд ўртасидаги низолар.....	134
Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқӣ муносабатлар.....	135
Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола.....	135
Ота-оналар университети.....	135
Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш.....	136
Оталик психологияси.....	137
Оқ бўлиш.....	137

## П

Патернализм.....	137
Патриархал оила.....	138
Перманент даромад.....	138
Полиандрия.....	138
Полигамия.....	138
Полигиния.....	138
Протекция.....	139
Психологик маслаҳат.....	139
Психологик тўсиқ.....	140
Психологик хизмат.....	140

## Р

Расм.....	142
Расм-русум.....	142

Рашк.....	143
Рағбатлантириш.....	143
Рента.....	144
Репродуктив ёш.....	144
Репродуктив майл.....	144
Репродуктив саломатлик.....	144
Рефлексия.....	146
Роль.....	146
Рўзғор юритиш.....	146

## С

Саломлашиш одоби.....	146
Сарвқомат бўлиш шартлари.....	147
Сехргарлик.....	148
Сиблинг мақоми.....	148
Сиблинг рақобати.....	148
Совчи.....	148
Совчилик.....	149
Совчи кутиш.....	150
Совчи тили.....	151
Соғлом оила.....	152
Соғлом турмуш тарзи.....	152
Стереотипизация.....	152
Сут безларининг чилла даври касалликлари.....	152

## Т

Табу.....	153
Талок.....	154
Тана ҳарорати.....	154
Тарбия.....	155
Таквим усули.....	160
Тиббий кўрикдан ўтиш.....	161
Тирикчилик минимум бюджети.....	161
Тиббий саводхонлик.....	161
Топишмоқ.....	161

Тотемизм.....	162
Турмуш.....	162
Турмуш даражаси.....	162
Турмуш сифати.....	163
Турмуш тарзи.....	163
Туғилишлар таквими.....	163
Туғурук аломатлари.....	164
Туғурук даври.....	164
Туғурук йўллари.....	165
Туғурукдан кейинги жисмоний тикланиш машқлари.....	166
Туғурукдан кейинги шахсий гигиена.....	166
Тўй.....	167
Тўёна.....	168
Тўлиқ оила.....	169
Тўлғоқ даврида қўлланиладиган усуллар.....	169

## У

Удум.....	170
Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш.....	170
Уй хўжалиги.....	171
Умумий ва ишлатилаётган даромадлар.....	171
Урбанизация.....	172
Уруғ.....	172
Урф.....	172
Урф-одат.....	172
Улфатчилик муносабатлари.....	173

## Ф

Фарз.....	173
Фарзанд.....	173

Фарзандликка олиш .....	174
Фаровон оила.....	174
Фитрат .....	174
Фотиҳа.....	175
Фотиҳа тўйи.....	175
Фрикция .....	176
Фукаролик никоҳи .....	177

## Х

Хавф гуруҳидаги оила .....	178
Халқаро оила куни .....	178
Хатна .....	178
Хатна тўйи .....	179
Хиёнат .....	179

## Ч

Чала туғилган бола.....	179
Чақалоқ қулоғига азон айтиш .....	181
Чақалоқ ҳисси.....	181
Чақалокни ювиб-тараш .....	182
Чақалокнинг гигиеник муолажалари .....	183
Чақалокқа ўрин-кўрпа тайёрлаш .....	184
Чет эл фукарolari ва фукаролиги бўлмаган шахслар ишгирокидаги оила.....	184
Чилла даври .....	184
Чимилдик .....	185

## Ш

Шариат .....	186
Шариат бўйича никоҳ.....	186
Шариат бўйича эр-хотин ўртасидаги муносабатлар.....	188

Шарқ мутафаккирлари .....	189
Шахсий даромад.....	190
Шахсий ҳаёт сифати .....	190
Шомонлик .....	190

## Э

Экологик тарбия.....	190
Эмансипация.....	191
Эмоционал раддия .....	191
Энага.....	191
Эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги.....	191
Эр ва хотиннинг умумий мулки.....	192
Эр ва хотиннинг шахсий мулки .....	193
Эрекция .....	194
Эркак оргази босқичлари.....	194
Эркин танланган иш .....	195
Эрта никоҳ қуриш .....	195
Эртак .....	196
Эртакчи .....	197
Эр-хотин.....	197
Эр-хотин мулкининг қонуний тартиби .....	198
Этник демография.....	198

## Ю

Юридик тасдиқланган никоҳ .....	199
---------------------------------	-----

## Я

Ягона фарзанд .....	199
Янги туғилган болани парвариш қилиш йўллари .....	199
Янги туғилган чақалоқ танаси хусусиятлари.....	200

## Ў

Ўз ихтиёридаги даромадлар .....	201
Ўзбекистон Республикасида «Оила» институтини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсати .....	201
Ўзбекистонда замонавий оила моделига ўтиш .....	203
Ўлим .....	203
Ўлим сабаблари .....	204
Ўсмир анатомиясидаги ўзгаришлар .....	204
Ўртача исталаётган болалар сони .....	205
Ўртача кутилаётган (режалаштирилаётган) болалар сони .....	205
Ўсмир психологиясидаги ўзгаришлар .....	205
Ўсмирлик автономияси .....	205
Ўсмирлик даври .....	206
Ўспиринлик .....	207
Ўспиринлик психологияси .....	207
Ўта кучли ахлоқий масъулият .....	207
Ўта фаол болалар .....	207
Ўчок .....	208
Ўчокбоши .....	208

## Қ

Қадрият .....	208
Қайинбўйин .....	209
Қайнона ва келин муносабати .....	209
Қалин .....	210
Қариндошлар ўртасидаги никоҳ .....	211
Қариндошлик .....	211
Қаттиққўллик .....	212
Қўшни .....	212

## Ғ

Ғамхўрлик .....	212
Ғийбат .....	213

## Ҳ

Ҳадис .....	214
Ҳайз .....	215
Ҳайит .....	217
Ҳомила .....	217
Ҳомиладорлик .....	218
Ҳомиладорлик токсикозлари .....	219
Ҳомиладорликдан сақланиш .....	221
Ҳомиладорликдан сақланиш воситалари .....	221
Ҳуснбузар .....	225
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	227

*Оммабон-қомусий*

# «ОИЛА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»

**«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»**

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2019

Мухаррир  
Бадий муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Кичик муҳаррир  
Мусахҳих  
Саҳифаловчи

*Ибраҳим Жовлиев  
Баҳодир Иброҳимов  
Умида Яхшибоева  
Зилола Маҳкамова  
Дилноза Жўраева  
Сурайё Суннатуллаева*

Нашриёт лицензияси АИ № 160, 14.08.2009 й.  
31.01.2019 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 17,55. Нашриёт-ҳисоб табағи 21,19.  
Адади 10 000. Шартнома № 01–19.  
Буюртма рақами 81.

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»  
Давлат илмий нашриёти,  
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй.

«Credo Print Group» МЧЖ  
Китоб фабрикасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Боғишамол к. 160.  
[www.credoprint.uz](http://www.credoprint.uz)

О-37      «Оила» энциклопедияси [Матн] / тузувчилар: Ф. Акрамова, З. Билолова,  
И. Жовлиев – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2019.  
– 240 б.

ISBN 978-9943-07-691-4

**УЎК: 37.018.11(031)**  
**КБК 74.9я2**

16+



«O'ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»  
DAVLAT ILMIY NASHRIYOTI



Toshkent, 100011,  
Navoiy ko'chasi, 30- uy,  
tel.: 71 244 09 36.  
fax: 71 244 34 38.



[ume.dinash@umail.uz](mailto:ume.dinash@umail.uz)



[fb.com/ume.dinash](https://fb.com/ume.dinash)



[ume.dinash](https://www.instagram.com/ume.dinash)



[t.me/Ensiklopediya\\_DIN](https://t.me/Ensiklopediya_DIN)



ISBN 978-9943-07-691-4



9 789943 076914